

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***Ш.Р.БАРОТОВ, Л.Я.ОЛИМОВ, О.Р.АВЕЗОВ***

**ПСИХОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ ВА  
ТАРИХИ**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг  
5110900-Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишии  
талаабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган*

**Тошкент-2019**

Баротов Ш.Р.

**Психология назарияси ва тарихи:** Дарслик. –: / Баротов Ш.Р., Олимов Л.Я.,  
Аvezov O.P. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги. – Тошкент: 2019. 503 б.

Мазкур дарслик 5110900-Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режасидаги “Психология назарияси ва тарихи” номли фан дастури асосида яратилган бўлиб, мутахассисликка кириш, психологияга тарихи, психологиянинг замонавий тадқиқот методлари, шахс, фаолият, мотивация, нутқ, шахснинг индивидуал-типовологик хусусиятлари, билиш жараёнлари, ҳиссий-иродавий сифатлари тўғрисидаги материалларни ўзида мужассамлаштирган.

Этот учебник основан на научной программе бакалавриата 5110900-Педагогика и психология в учебной программе «История и теория психологии», которые обобщается материалы по введение специальности, история психологии, современные методы исследования, психологии деятельности, мотивации, речи, процессы познания, индивидуально-типовологические особенности и эмоционально-волевые особенности личности.

This textbook is based on the scientific program "History and Theory of Psychology" in the undergraduate curriculum of 5110900-Pedagogy and psychology, history of psychology, modern methods of research of personality psychology, activity, motivation, speech, cognitive processes, emotional and emotional features.

**Тақризчилар:**

**А.М.Жабборов –**

Қарши давлат университети профессори,  
психология фанлари доктори.

**Э.М.Мухторов –**

Бухоро давлат университети доценти,  
психология фанлари номзоди.

## **СҮЗ БОШИ**

Йигирма биринчи асрда инсон омилининг ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши билан боғлиқ психологик талаблар бир мунча такомиллашиб бормоқда. Чунки, инсон том маънода ижтимоий мавжудот бўлганлиги боис, унинг шаклланиши ва шахс сифатида тараққиёти энг аввало унга таъсир этувчи объектив ва субъектив оламнинг оламнинг ўзига хос имкониятлари билан белгиланади. Шу имкониятлар тизимини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бугунли психологлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода фан дастури асосида яратилган мазкур дарслик олий ўқув юртларининг 5110900-Педагогика ва психология балакавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалардаги психологик билим ва малакаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Дарслик асосан модулли тизим талаблари асосида яратилган бўлиб, ҳар бир модул таркибига кирувчи мавзулар Психология назарияси ва тарихини тўлиқ ва батафсил очиб берувчи тушунчалар, кўникмалар ҳамда илмий мушоҳадаларни ўз ичига олади. Бинобарин, мазкур фанни тўлиқ ўзлаштирган ҳар бир талаба Мутахассисликка кириш (1-модул), Психология тарихи (2-модул), Умумий психологияга кириш (3-модул), Когнитив психология (4-модул), Хиссий-иродавий соҳа психологияси (5-модул), Индивидуал фарқлар психологияси (6-модул) каби фундаментал билимларга эга бўлади. Табиийки, ушбу билимлар эса талабаларнинг бошқа мутахассислик фанларини пухта ўзлаштиришлари учун ўзига хос замин яратади.

Мазкур дарслик ҳозирги замон психологиясининг энг янги ютуқлари, илмий мушоҳадаларига таянувчи назарий ва амалий билимлар, тамойиллар асосида яратилган.

# **I БЎЛИМ (МОДУЛ). МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ. I-БОБ. КАСБЛАР ВА ПРОФЕССИОНАЛИЗМ. МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ. ФАНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Таянч тушунчалар:** профессиограмма, касб танлаш,, консультация, профессионаллик, эмтирик тадқиқотлар, интерпритация, индивид, шахс.

## **1.1. Касб ва профессионализм ҳақида**

Мустақил Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ қилиш кўп жиҳатдан ўқув-тарбия ишларини ислоҳ қилиш, ўқувчилар ёш хусусиятларини билиш, ҳар қайси ёшдаги болалар билан олиб бориладиган педагогик, психологик жараёнлар хусусиятларини қанчалик яхши билган мутахассисларга боғлиқ. Юқорида саналган муаммоларни ҳал қилишда қатор гуманитар ва маҳсус фанлар ёрдам беради. Педагогик психология, ёш психологияси, муҳандислик (инженерлик) психологияси, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси сингари фанлар шулар жумласидандир.

Ишчини касб фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масала унинг касб маҳорати, техникани қанчалик эгаллаганлиги даражаси, касбини севиши даражаси билан боғлиқ.

Илмий техника тараққиёти (ИТТ) ҳозирги кунда техниканинг тобора жадаллашиб бораётган техника билан боғлиқ, уни яратиш ва ишлатиш кўнимкамарини эгаллаган шахсни тайёрлашни кун тартибига кескин қилиб қўймоқда. Бу муаммони тезроқ ҳал қилиш тайёрланаётган мутахассисларнинг ўз маҳоратларини ёшларга, ўз ўринbosарларига қай даражада бера олишларига боғлиқ.

Шунинг учун бугунги муҳандис ҳам ўз касб сирларини, ҳам шу касб маҳоратини ёшларга бера олиши лозим. У умумий психологияни, ёш психологиясини, педагогик психологияни, касб-таълими ва унинг психологиясини билиши талаб қилинади.

Бугунги ёшлар у ёки бу фаолият жараёнидаўзларида мавжуд бўлган барча жисмоний ва интеллектуал имкониятлари кўламини яққол намоён этишлари жуда муҳим.

Ақл, фикр юритиш тезлиги ва бошқа индивидула хусусиятлар касбий фаолият жараёнида намоён этилади. Буни аниқлаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан муҳандислик психологияси, меҳнат психологияси фани шуғуланади.

Бошқа ҳар қандай меҳнат қуроллари сингари техника ҳам инсон имкониятларига максимал даражада мослаштирилиши керак. Бу энг аввало меҳнатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлса, кейинроқ ишчининг саломатлиги ва ниҳоят ишлаб чиқаришда техникани қўлланиш ҳисобига меҳнат самарадорлигини орттириш масаласи билан боғлиқдир. Одам ва техника муносабатлари бир-бирига мослиги масалаларини меҳнат психологияси, унинг тармоғи ҳисобланган муҳандислик психологияси фани ўрганади.

Касб-хунар таълими коллежлари ўқувчиларига техниканинг конструктив хусусиятларини, муҳандислик психологик талабларини ҳисобга олишни, энг муҳими қўлланадиган техника инсон имкониятларини қай даражада ҳисобга олганлигини, яъни, техниканинг гуманизациялашувини ҳисобга олишини билиб ишга ёндашуви масалаларини аниқ тасаввур қилиши билан боғлиқ. Бу муаммо муҳандислик психологиясида ўрганиладиган марказий бош мавзуу инсон-машина-тизими ОМТ – (русча СЧМ – «система-человек-машина») ҳисобланади. Инсон-машина – тизим ва унинг асосий муаммолари касб таълими ўқитувчиси ва касб таълими устаси маҳоратининг назарий, педагогик-психологик тайёрлигининг асосини ташкил қиласди:

Муҳандислик psychologyи меҳнат psychologyининг бир тармоғи бўлиб, у одам ва машина ўзаро ахборот алмашувидаги ўзаро таъсир ўтказишнинг объектив қонуниятларини, уларни амалий қўлланиш ва «жамоа→одам→машина» тизимини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш муаммоларини ўрганади.

**Касб танлашга йўллаш.** Касб таълими психологиясининг асосий муаммоси – шахснинг касбга яроқлилигини аниқлаш, уни тайёрлаш, меҳнат фаолиятига йўллаш масалаларидир. Булар *профессиография*дан бошланади.

**Профессиография.** *Инсонга кўйиладиган талаблар нуқтаи-назаридан касблар ва унинг ўз ичига олган ихтисосликларини умумлаштириб тавсифланиши профессиография дейилади.*

Профессиография натижаси профессиограмма бўлиб, бир касб доирасидаги ихтисосларнинг инсонга, одамлар гуруҳига қўйиши мумкин бўлган талаблар асосида тузилган умумлаштирилган тавсифномалардир.

**Профессиограммалар** қўйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиши мумкин: кадрлар тайёргарлигини асослаш, гигиеник шароитларни ҳисобга олиш ва уни соғломлаштириш; касб танлашни асослаш; касбий маслаҳат ва касбий танловни асослаш; меҳнатга баҳо бериш меъёrlарини, меҳнат хавфсизлиги савиясини кўтариш ва бошқалар.

Меҳнатни тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган фанлар (тибиёт, меҳнат физиологияси, меҳнат психологияси ва бошқалар). Профессиография ўз олдига турлича вазифаларни қўяди. Меҳнат психологияси соҳасидаги барча тадқиқотлар, хоҳ назарий, хоҳ амалий вазифаларни қўймасин, энг аввало конкрет касб фаолиятини ўрганишдан бошланади. Яна шуни ҳам эсда тутиш керакки, илмий-техника тараққиёти муносабати билан меҳнат фаолияти шароитларигина эмас, меҳнат мазмуни ҳам ўзгариб бормокда. Масалан, тепловоз ва паровоз машинисти касби кечагиси ва бугунгиси билан бир хил эмас. Касб фаолияти ўзгаришига қараб касб профессиограммага мос келадиган касб дастури ҳам ўзгариши керак. Айрим касблар йўқолиб борса, янгилари пайдо бўлиб боради, ёки ўзгариб боради. Шунинг учун профессиография ишлари ҳеч қачон тугамайди.

**Касб танлашга йўллаш ва касб маслаҳатларини уюштириш.** Касб танлашга йўллаш энг аввало одам имкониятлари ва у яшаётган муҳитнинг бир қанча шароитларини ўрганишдан бошланади. Буларни умумлаштириб меҳнат экспертизаси, деб айтилади.

**Меҳнат экспертизаси** – бу одамнинг конкрет касб бўйича меҳнатга яроқлилигини маълум мутахассислар томонидан аниқланишидир.

Одамнинг у ёки бу меҳнат турига яроқлилиги энг аввало унинг ёшига, тегишли билим, кўникма ва малакасига, мазкур касбга қизиқиши ва истеъдодига эга эканлиги билан аҳлохида ажаратиб туради.

Меҳнат экспертизасига турли мутахассислар ва ташкилотлар жалб қилинади, жумаладан, врачлар, психологлар, педагоглар, инженерлар ва бошқа мутахассислар қабул комиссиялари, ходимлар бўлими, тиббий эксперт комиссиялари (ВТЭК–врачебно–трудовая экспертная комиссия), ҳарбий врачлик комиссиялари–ВВК), турли соҳалардаги танлов комиссиялари ва бошқалар.

Психодиагностика маълумотлари асосида прогностик психологик меҳнат экспертизаси кишининг келгуси меҳнат фаолиятини белгилашга ёрдамлашади.

Бу талабларни ҳар бир педагог ва ота-оналарнинг билиши ва амал қилиши, айниқса боланинг 9-синфни тугатиш ва ҳаёт йўлини белгилаб олиши даврида жуда муҳимдир.

Меҳнат экспертизасининг навбатдаги тури *ретроспектив меҳнат экспертизаси* дейилади (Ретроспектив – ўтмишга назар солиш маъносида).

Ретроспектив меҳнат экспертизаси кузатувчининг ўтмиши ўқув ва ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг хатоларини аниқлашга, айрим кўнгилсизларга сабаб бўлган ҳолатларни (авария, яроқсиз маҳсулот, жароҳат) ўрганишга хизмат қиласди. Бу ўқувчи ёки ишчининг келгуси меҳнат фаолиятини белгилаб олишида катта аҳамиятга эга. Меҳнат экспертизаси бир вақтнинг ўзида касбга йўллаш муаммоларини ҳал қилишга хам ёрдам беради.

**Касб танлашга йўллаш** – бу психологик-педагогик, тиббий ва давлат тадбирлари мажмуи бўлиб, ҳаётга кириб келаётган одамга илмий асосланган шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамият ва шахсий манфаатларга мос келадиган фаолият турини танлаб олишида ёрдам

*беришидир.* Кишининг қобилиятларига мос келмайдиган касб танлаши кўпинча фожиаларга сабаб бўлиб, шахс учун моддий, маънавий зарар етказиши билан жамиятга ҳам қимматга тушиши мумкин. Жумаладан, оила ва жамият маблағини совуриш, кадрлар қўнимсизлиги, қайта тайёрлаш ҳаракатидаги харажатларнинг ортиши каби ҳолатларнинг намоён этилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Таникли психолог олим К.К.Платонов ўтган асрнинг 80-йилларида касб танлашга йўллашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиб, «касб танлашга йўллаш учбурчаги» ғоясини илгари сурди.

Унга қўра мазкур учбурчакнинг бир томони касбларнинг киши ва унинг организмига қўядиган талаблари, иккинчи томони бозор имкониятлари (мехнат бозор талаблари, қайси касбдагилар кераклиги), учинчи томони ўсмир қобилиятларини билиш ва давлат сиёсатини ҳисобга олишдан иборат.

**Касбий маслаҳат** – (профконсультация) касбга йўналтириш тизимининг бир қисми бўлиб, одамнинг қобилиятларини ўрганишга, тегишли маслаҳатлар беришга, батафсил шаклланишини таъминлашга хизмат қиласди. Бунинг уч босқичи бор: *тайёрлов, ҳал қилувчи (якунловчи) ва аниқловчи*.

Тайёрлов босқичида оила ва мактабдаги ўрганиш-ўқиш фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ маслаҳатлар амалга оширилади.

Якунловчи тайёргарлик босқичида 9-синфдаги олиб бориладиган ишлар (ўқишини давом эттириш шаклини танлаш билан боғлиқ) кўлами белгиланади.

Аниқловчи касбий маслаҳат босқичи эса ўрта мактаб доирасидан ташқарига чиқиб, ўқишининг кейинчи босқичларида, яъни коллежда, лицейда, олий ўқув юртида давом этади.

**Касбий танлов** – меҳнат прогностик экспертизаси шакли бўлиб, одамнинг қайси касбга яроқлилиги ҳақида кафолат бериш билан боғлиқ жараён. Энг муҳими қайси касб унинг учун номақбул, заарли эканлигидан огохлантиришдир. Касбий танлов натижалари касб-хунар билим юртларида ҳисобга олиниб ўқувчи қайси касб бўйича ўқиши ёки бошқа соҳага ишга ўтказилиши муҳокама қилинади.

Касб қобилияти вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Шунинг учун зарур шароитлар яратиш, келгуси фаолият турини белгилаб олишга маслаҳат берилиши мумкин.

**Профадаптация, унинг асоси ва моҳияти.** Касб танлашга йўллашнинг ҳал қилувчи даври ўқувчини бирор касб ичига аста-секин кириб бориши, мослашуви босқичидир. Бунда ўқувчи шогирдликдан малакали ишчи даражаси сари такомиллашиб боради. Профадаптациянинг икки босқичи мавжуд: тайёргарлик ва бевосита касб эгаллаш босқичи. Тайёргарлик ўқув жараёнида умумтехника ва маҳсус фанларни ўрганади, айрим конкрет кўнимкамларни ҳосил қиласди. Бу биологик, ижтимоий-психологик адаптация кўринишига эга.

Корхонада бевосита ишлаб чиқаришда профадаптация ниҳоясига етказилади.

Профадаптацияни мувоффақиятли ниҳоясига етиши қўйидаги уч ҳолатга боғлиқ:

- Коллеж ўқитувчилари ва усталарининг ўз соҳаларига қандай тайёрлашларига назарий ва амалий билим беришлари, кўникма ва малака ҳосил қилишлари, касбга қизиқиш уйғота олишлари;
- Ишчилар ва мураббийлар ўртасидаги шахслараро муносабат шакли;
- Ўқувчи бориб тушган меҳнат жамоасидаги ижтимоий психологик муҳит (синчков, меҳрибон, лоқайд, янги болага ишончсизлик билан қараш ва ҳоказо.)

Ижтимоий психологик адаптация жараёнида билиш, шахслараро муносабат, умумий мулоқот, ҳиссий-иродавий сифатларнинг намоён этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

**Новаторлик ва рационализаторлик хусусиятларини аниқлаш.** Касбий адаптация малакали ишчи етишуви билан ниҳоясига етади. Бунда энг кўзга ташланадиган сифат ишчининг ижодий меҳнат қилишидир.

**Новаторлик** – ишлаб чиқаришда фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга интилиш.

**Рационализаторлик** – ижодий меҳнат қилиш орқали кам маблағ ва куч сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот чиқаришга киришиш, шахсий таклифлари билан чиқиш ва бошқалардир.

## **1.2. Касбий компетентлик ва мутахассисликка кириш**

Жаҳон психологияси фанининг бой тажрибасида амалий психологлар тайёрлаш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик ижобий, тадбиқий маълумотлар муайян даражада умумлаштирилган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб АҚШ, Англия ва бошқа шу каби ривожланган мамлакатларда психологик муаммоларга жуда катта эътибор қаратила бошланди. Ҳозирги кунга келиб ҳар бир соҳада психологлар жалб қилинган. Ҳар бир соҳада психолог маслаҳатига эҳтиёж сезилмоқда.

Инсон қалбини қандай тушунмоқ керак? Нима учун инсонлар турли хил қобилиятларга эгалар? Рух нима ва унинг табиати қандай? Бундай саволлар инсонларни асрлар давомида қийнаб келган, улар ўзларининг саволларига жавоб топа бошлашган.

Инсонни ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларнинг яна биттаси Б.Г.Ананьев томонидан таклиф қилинган бўлиб, у инсон психикасини ўрганишда янги методологик услубни ишлаб чиқсан. У инсонга хос бўлган тўртта асосий сифатларни ажратган: индивид, субъект фаолияти, шахс ва индивидуаллик.

Умуман, бугунги кунда халқ орасида психологлар ҳақида турли хил мулоҳазалар учрамоқда. Биз уларни баъзиларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз:

- Психология** – бу инсоннинг психик жараёнлари кечишини биладиган фандир, психологлар инсоннинг ички руҳий ҳолатини яхши билади.
- Психолог** – бу инсонлар билан тез мулоқотга кириша оладиган ва одамларни тушуна оладиган мутахассис ҳисобланади.
- Психолог** – бу инсонларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳиссиётлари, бошқаларнинг фикрини бошқара оладиган ва шунга маҳсус ўргатилган инсондир. У шунга хос бўлган техникалардан фойдалана олади, масалан гипноз йўли билан.

**4. Психолог** – бу ўзини яхши тушуна оладиган ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқара оладиган инсон.

**5. Психолог** – бу ҳаёт ҳақидаги күпроқ тасаввурларга эга бўлган донишманддир, унинг вазифаси қийналган инсонларга тўғри йўл кўрсатиб, ҳаётда ўз йўлини йўқотганларга тўғри маслаҳатлар берилиши билан алоҳида ажаралиб туради.

Психолог – бу инсонлар билан тез мулоқотга кириша оладиган ва одамларни тушуна оладиган инсон ҳисобланади.

Касб тушунчаси нима эканлигини аниқлаб олишимиз зарур. Таниқли психолог Е.А.Климов касбнинг турли хил ҳолатларини қўйидагича таҳлил қилган:

1. Касб бу – инсонларни маълум бир ҳолатларидағи бир хиллигидир. Тўғри, турли хил касб эгаларининг яшаш шароитлари турлича бўлиши мумкин. Ҳаттоқи битта касбда ҳам яшаш даражаси турлича бўлиши мумкин. Бунда уларнинг олдига қўйган мақсадлари ҳам муҳим ўрин тутади, бироқ касбларидағи бошланғич қадриятлар бир-бирига яқин бўлади.

2. Касб инсонларнинг ҳатти-харакатларини ажратадиган ҳолатдир. Бунда психолог мутахассис сифатида ўзини қандай намоён қилиши кўзда тутилган. Маълумки психология соҳаси ҳали ҳам ўрганилаётган ва қаримайдиган соҳалардан бири ҳисобланади. Уларнинг усувлари ҳам такомиллашиб бормокда.

3. Шахс хусусиятлари унинг касбий фаолиятида яққол кўринади. Бу эса касб ва шахс уйғунлигини таъминлашга хизмат қиласи.

4. Касб бу тарихий ривожланувчи тизим ҳисобланади. “профессия” сўзи лотинчадан олинган бўлиб барчани олдида гапирмоқ сўзини беради. Касбнинг ўзи инсонларнинг яшаш шароитларига қараб ўзгаради. Асосан психология касби машҳур бўлган шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

5. Психология касби реалликдир, бу субъектнинг ўзини шаклланиш имкониятини яратади. Демак психология касбидаги инсонларнинг ҳатти-

ҳаракати орқали хulosага келиши мумкинлар. Бунда йўриқномалар иш бермаслиги мумкин. Психология соҳасида инсонларга ёрдам бериш ҳолати энг устун жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Касб тушунчасидан ташқари яна бир ном мавжуд, бу мутахассислик ҳисобланади. Масалан: психология соҳаси ижтимоий психология мутахассислиги бўлиши мумкин. Умуман олганда касб ўз ичига қўйидаги тавсифларни киритади:

- 1. Бу меҳнатнинг чегараланган кўриниши бўлиб, психолог учун бошқа мутахассислар билан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқdir.*
- 2. Бу касб доимий маҳсус тайёргарликни талаб қиласидиган ҳолат бўлиб, бунда мутахассислар доимий тарзда малакаларини оширишилари талаб қилинади.*
- 3. Бу маълум бир мақтovлар, тақдирлаш усуллари керак бўлган касблардан бири ҳисобланади.*
- 4. Жамият учун фойдали бўлган касблардан бири ҳисобланади.*
- 5. Бу касб инсонларга маълум бир статусни берииши мумкин.*

Ҳаммага маълумки, кўпгина инсонлар ўзларини яхши психолог деб ҳисоблашади, уларнинг бу фикрга келганликларига сабаб улар инсонлар билан мулоқот қилишади, бошқаларга ҳамдард бўла олишади. Ҳаётий психология инсонларнинг ҳаётида керак бўлган соҳалардан бири ҳисобланади, ҳаттоқи ҳақиқий психологлар ҳам бир неча бор ҳаётий психологияга мурожаат қилишади.

### **1.3. Психолог касбининг шаклланиш тарихи ва бугунги имкониятлари**

Психологик билимлар ҳақида сўз кетар экан, албатта мутахассис психолог ва қизиқувчи психологлар ўртасида тафовутлар мавжуддир. Инсонлар қизиқиш доирасида бир бирига ёрдам қўлинни чўзишлиари мумкин, бу эса яхшигина самара бериш имконияти ҳисобланади. Унда мутахассис психологларнинг нима зарурати мавжуд. Бу савол ҳаммага берилиши мумкин. Кўпинча биринчи ва иккинчи курс талабалари ўзини психолог санаш мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйланиб қолишади. Мутахассис

психолог ва қизиқувчи психологларнинг орасида бир қатор фарқлар мавжуддир. Булар қўйдагилар:

- а) мутахассис психологларда назарий билимлар тизимининг мавжудлиги, психика ва психология тушунчаларининг умумлаштирилганлиги. Қизиқувчи психологда бу билимлар кўп бўлиши мумкин. У кўплаб адабиётларни ўқиган бўлиши мумкин, бироқ улар ҳақидаги билимлари юзаки ҳисобланади, бу маълум бир давраларда ўз билимларини намоён қилишлари мумкин. Лекин, бундай одамлар назарий билимларга эга бўлмаганликлари учун олинган билимларидан нотўғри фойдаланишлари мумкин.
- б) мутахассис психологнинг энг таянч нуқтаси албатта бу унинг илмий билиш усусларидан хабардорлиги ҳисобланади. Агар психолог кўп билимга эга бўлсада, бироқ усусларга эга бўлмаса ҳам қийналади. Шунинг учун ҳам усуслардан кенг фойдалана олиши талаб қилинади.
- в) мутахассис психолог ҳар доим назарий асосларга эга бўлган методикалардан фойдалана олади. Бунда назария ва амалиётни бир маромда амалга оширади. Ҳаттоқи баъзи вактларда назарий билимлари оқсанган мутахассис психологлар тўғри танланган методикалар ёрдамида вазиятлардан осон чиқиб кетишлари мумкин. Тўғри, қизиқувчилар ҳам турли методикалардан фойдаланишлари мумкин, бироқ улар бу методикаларнинг мазмун моҳиятларини тушунмаган ҳолда ишлатишлари мумкин, бу ҳолатлар эса синаувчиларга албатта салбий таъсир кўрсатади.
- г) қизиқувчи психолог факат яқинларига ёрдам кўрсатса, мутахассис психолог мижозлар билан ишлаб уларга тўғри маслаҳат кўрсатиши талаб қилинади. Бундан ташқари қизиқувчи психолог ҳамма масъулиятни ўзига олса, мутахассис психолог эса масъулиятни мижозда шакллантиради.
- д) мутахассис психолог бошқа мутахассислар билан доимий алоқада бўлиб туради, демак мутахассис психологлар ҳар доим маълумотларга эга бўлади, бундан қизиқувчи психолог мустаснодир.

е) мутахассис психологда психологик билимларнинг мавжудлиги ҳақидаги хужжатнинг мавжудлиги, бу эса мижозларнинг уларга мурожаат қилишларида муҳим ўрин тутади, чунки мижозлар албатта мутахассисларга мурожаат қилишни маъқул қўришади.

ё) касбий ахлоқий қоидаларга риоя қилиш бўйича ҳам шу икки психологлар ўртасида албатта фарқ мавжуд. Бунда ахлоқий қоидалар албатта мутахассисларга ўқиши давомида ўқитилади.

ж) мутахассис психолог ўзини ривожлантиришда мутахассисларнинг хизматларидан фойдаланади, қизиқувчи психолог китоблардан фойдаланиши мумкин, бироқ бу тизимли билимлар ҳисобланмайди. Мутахассис психолог мустақил ўрганишга йўналтирилади.

з) психолог мутахассисда меҳнат психогигиенаси мавжуд. Бунда мутахассис психолог бошқаларга ёрдам бериш асносида ўзининг соғлиғига ҳам бефарқ эмаслигини билиши керак бўлади.

и) мутахассис психолог қўпгина янги ўйлаб топилган усулларга танқидий нигоҳ билан қарайди, масалан астрология, хиромантия ва бошқаларга.

Мутахассис психологнинг асосий фаолияти албатта меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Инсон ўзини меҳнат орқали намоён қилиши мумкин. Психологнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурларни келтириб ўтамиш:

1. “Енгил меҳнат” идеали. Бунда инсон меҳнат қилмасдан кўпроқ маош олишни ўйлайди. Бу айнан психологлар учун нотўғри бўлган фаолиятлардан бири ҳисобланади. Чунки улар меҳнатидан завқланишлари зарур.

2. Ноаниқлик тушунчасини камайтиришга қаратилган фаолият. (антиентропизм) мураккаб обьектларни осонлаштириш қобилияти ҳисобланади. Бундай вазиятларда ижодий фаолият учун ўрин қолмайди.

3. Қалбан қўрлик. Улар бошқа инсонлар билан хурсанд ва хафа бўла олишмайди.

4. Бошқалардан устун бўлиш хоҳиши. Бу кўплаб психологларнинг бир-бирлари билан курашишларига сабаб бўладиган ҳолатлардан бири хисобланади.

**Назорат саволлари:**

1. Касб танлаш оптацияси нима?
2. Касбий лаёқат деганда нимани тушунасиз?
3. Амалий психолог тадқиқотчи психологдан қандай фарқ қиласди?
4. Фаоллик деганда нимани тушунасиз?
5. Фаолиятни танлашда дастлабки омил нима саналади?
6. Профессионал жиҳатлар деганда нимани тушунасиз?

## **П-БОБ. МАЛАКАЛИ ПСИХОЛОГ ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**Таянч тушунчалар:** *Психологик тадқиқотлар, психопрофилактика, психологик ёрдам, психологик ҳимоя ва психологик йўналтириши.*

### **2.1. Амалий психология ҳақида умумий тушунча**

Э.Фромм, Ж.Саливен, В.Шуц, Г.Шепарде, В.Баён каби олимлар томонидан гурӯхлар психологияси назариясини яратилиши амалий психология борасидаги билимларни бир қадар ривожлантириди. Бунда турли хил ижтимоий психологик тренинглар орқали гурӯҳдаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ психологик иқлимини камол топтириш йўлларининг илк бор кўрсатилиши меҳнат жамоаларидағи ижтимоий психологик хизмат вазифаларини белгилаш учун маълум даражадаги эмпирик маълумот сифатида хизмат қилиши мумкин. Ғарбда яратилган когнитивизм доирасидаги назариялар психологик хизмат методологияси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Л.Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси, Т.Нюхомнинг ҳамкорлик коммуникатив назарияси (ўзгаларга ва умумий фаолият обьектига ижобий муносабатларни таркиб топтиришга асосланган), Ч.Осгуд ва П.Таненбауманинг “конгруентлик” (инсон когнитив тузилиши асосидаги обьектни баҳолашга қаратилган) назарияси, Г.Оллпорт, А.Маслоу, К.Роджерс каби ижтимоий психологларнинг гуманистик доирадаги қатор тадқиқий изланишлари шулар жумласидандир. Яна шуни қайд этиш керакки, америкалиқ таниқли психолог Абраҳам Маслоунинг “Инсонга бир бутун ёндашув концепцияси” психологик хизмат жараёнида инсонни тушуниш ва ижтимоий мотивацион ривожлантириш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Маслоунинг фикрича, инсоннинг барча туғма потенциал имкониятлари фақатгина ижтимоий шарт-шароитнинг яратилиши билан рўёбга чиқиши ва камол топиши мумкин. Албатта, мазкур фикрларнинг не чоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлари

кўламини ўрганиш ва тарбиялашни асосий вазифа қилиб олган психологик хизматнинг ташкил этилишини мунтазам кузатишларимиз натижалари тасдиқлаб турибди.

А.Маслоу фан оламида ўзига хос «мотивацион тизимнинг иерархик модели»ни яратдики, унга мувофиқ индивид хулқ-аворидаги ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган юқори эҳтиёжларнинг йўналиши қуий эҳтиёжларнинг қай тариқа қондирилиши асосидагина таркиб топиши мумкин.

Психологик хизматда инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари муаммоси илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиниши ва тўғри йўналтирилиши лозим. Бу борада қатор таниқли социолог, психолог ва файласуфлар томонидан эътироф этилган илмий мулоҳазаларга таяниш мумкин. Масалан, **Д.Н.Узнадзенинг** “... эҳтиёж тушунчаси... тирик организм учун зарур бўлган ва айни пайтда қўлга киритилмаган барча нарсаларга тааллуқли” ва **М.С.Каган, А.В.Маргулис, Э.М.Эткиндларнинг** “эҳтиёж бу – керакли нарсаларнинг етишмаслик оқибати”, **В.А.Ядовнинг** “эҳтиёж – инсон шахси ва организм фаолияти учун керак бўлган зарурат ва етишмовчилик маҳсули” **Л.И.Божовичнинг** “эҳтиёж – индивид организми ва у шахс тараққиёти учун муҳим бўлган зарурат”. **А.В.Петровскийнинг** “эҳтиёж – жонли ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир» каби фикрлари шахс тараққиётини тамиnlаш йўлида эҳтиёжларнинг биологик ва ижтимоий уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда психологик хизматнинг навбатдаги вазифаларини белгилаш имконини беради.

Чет эл илғор психологиясида психологик хизмат методологияси учун муҳим ўрин тутувчи қуийдаги йўналишларга асос солинди:

Ч.Спирмен томонидан “икки омил” назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган (1-омил) ва айнан мазкур фаолиятга мос бўлган (2-омил) барча

хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунылигини таъминлаш учун зарур бўлган психологик моҳияти ва мазмунини очиб беради. Л.Терстон, Дж.Гилфорд томонидан яратилган “Мултифактор” назариясига биноан бирламчи ақлий қобилиятлар (идрок тезлиги, хотира ассоциациялари ва ҳоказо)нинг ҳар бир индивиддаги таркиб топганлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи психологик хизматнинг методологик принциплари ишлаб чиқилди. Умуман, психологияда индивидуал фарқланишнинг 56 хил йўналишидаги типи маълум ва машхур. Масалан, объектив ва субъектив тип (А.Бине тажрибаларида қайд этилган) фикрловчи фаол тип, рационалистлар ва эмпириклар (Джемс тадқиқотлари бўйича) «чукур-тор» ва «майда-кенг» тип, (Г.Гросс, назарий, иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний типлар (Е.Шпрангер тадқиқотлари бўйича); шизоид ва циклоид типлар (Е.Кречмер тадқиқотлари бўйича); экстраверт ва интроверт типлар (К.Г.Юнг ва Г.Ю.Айзенк) ҳақидаги эмпирик маълумотларнинг қайд этилиши шулар жумласидандир. Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар мазмуни ижтимоий психология ва ижтимоий психологик хизмат учун муҳим бўлган ҳар бир шахснинг (индивидуалнинг) табиий ва туғма сифатларини, олий нерв фаолиятининг ўзига хос қобилият элементларини ва унга тасир этувчи таълим-тарбия, ташқи муҳит ва фаолиятнинг нечоғлик ташкил этилиш жараёнини мукаммал ўрганиш ва уни ижтимоий мақсадлар асосида ривожлантириш йўлларини белгилаш учун катта имконият яратди.

Шахс фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлиқ психологик хизматнинг маълум методологик тамойилларини илмий-тадбиқий жиҳатдан асослаб берувчи олим Н.С.Лейтес маълумотларига қараганда, асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган кишиларда кўпинча бир хилдаги ишнинг бажарилишида маълум афзалликлар борлиги аниқланган: уларнинг юқори сезгирлиги таъсиричанлик муваффақиятини таминалайди,

лекин у ёки бу фаолият жараёнидаги фавқулотда ва кучли қўзғалувчилар асосида намоён бўлувчи вазиятларда кучсиз типдаги кишилар айнан ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра ишни уddyalай олмай қолишлари мумкин. Чунончи, асаб тизими типи анча кучли бўлган кишилар бир хил, анча суст типдаги кишилар эса бошқа хил вазифаларни бир мунча осон ҳал қиладилар. Асаб тизимининг кучи бўйича фарқланадиган кишилар бир хилдаги вазифани ҳал этишга кўпинча ҳар хил йўллар билан боришлари кераклигини Н.С.Лейтес ўз асарларида ҳар томонлама асослаб бердики, бу – психологик хизматда ҳисобга олиниши мумкин бўлган муҳим жараёндир. Зоро, фаолият унумдорлиги инсоннинг ўз потенциал имкониятлари кўламидан оқилона фойдаланишнинг маҳсулидир. Е.А.Климов, В.С.Мерлин, В.М.Русалов, Б.М.Теплов тадқиқотларида ҳам шахс темпераменти асосида унинг машғул бўлган у ёки бу фаолиятни муваффақиятли бажаришдаги индивидуал услугнинг белгиланиши зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берувчи маълумотлар бор.

## **2.2. Амалий психологиянинг асосий бўлимлари ва тузилиши**

Амалий психологиянинг методологик асослари сифатида талқин қилинган фикр-мулоҳазалар психология фанининг қуидаги амалий-тадбиқий йўналишларига бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни тақозо этади.

1. Амалиётчи психолог ҳар бир шахснинг фаолиятдан ижтимоий ва ҳиссий қониқиши жараёнини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар ва услублар мажмуасига асосланиши лозим;
2. Амалиётчи психолог шахснинг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий психологик муҳитнинг яратилишига замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар кўламини ўз ичига олади.

3. Амалиётчи психолог жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткичларнинг таҳлили ҳар бир шахс фаолияти учун характерли бўлган

индивидуал фарқланиш, индивидуал услуг ва ижтимоий установканинг қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Амалиётчи психолог ижтимоий жараёнини ижтимоий психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилиш муаммоси бугунги кунда ижтимоий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва бу муаммони бартараф этишда маълум психологик тамойилларга таяниш талаб қилинади.

Амалий психолог мавқеига эга бўлишни истаган инсонни бир қатор талаблар қўйилади, уларнинг биринчиси у олий маълумотли психолог бўлиши зарур. Бундай диплом олий ўқув юртини битирганда ёки иккинчи мутахассислик орқали олинади. Бундан ташқари амалий психолог албатта психотерапия, психокоррекция, патопсихология, дефектология, психологик маслаҳат, тиббиёт, педагогика, социология, ҳуқуқ фанларидан хабардор бўлиши талаб қилинади. У албатта болалар билан мулоқот қила олиши талаб қилинади. Амалий психолог албатта психологик маслаҳат сирларидан хабардор бўлиши лозим. Амалий психолог албатта ҳамма соҳаларда ишлайди. Амалий психологнинг статуси раҳбар каби юкори бўлади ва шу билан бирга у ҳаммага ҳамдард бўла оладиган инсон бўлиши талаб қилинади. У мижоз билан суҳбатлашаётган албатта мижознинг психологик хавфсизлигини таъминлаши зарур бўлади. Психолог учун лаши зарур бўлади. Психолог учун психологик хизмат срҳасида ишлаш вақтида албатта психодиагностика соҳасини яхши билиши, психологик маслаҳат бера олиши талаб қилинади. Бундан ташқари амалий психолог ЭҲМ соҳасини яхши билиши талаб қилинади.

Амалий психологнинг касбий маҳорати унинг билимлари техникаси ва инсон муомаласининг психотерапевтик технологиясини яхши билишида деб ҳисобланилади, у суҳбатга кириша олиши ва инсонларни ўзига жалб қила олиши, уларни ишонтира олиши зарур бўлади. У ўзида ишонч уйғота олиши талаб қилинади ва инсонларга психологик таъсир ўтказа олиши зарур бўлади. Демак бўлажак амалий психологлар учун биринчи талаб уларнинг мулоқот

қила олиш қобилиятини мавжудлиги ҳисобланади. Этика жиҳатидан психолог ўз маънавий қадриятларига эга бўлиши талаб қилинади. Бунда у мижознинг шахсиятига тегмаслиги керак. Мижоз билан албатта ширин момалада бўлиши талаб қилинади. Уларнинг аҳлоқий жиҳатлари қуидагиларни ҳисобга олиши керак:

1. Профессионал фаолиятда амалий психолог албатта ҳамма учун масъулиятли бўлиши зарур.
2. Амалий психолог ўз вазифасини сидқидилдан бажариши лозим, у атрофдагиларнинг сўзларига қараб ўзгармаслиги зарур.
3. Психологнинг вазифаси мустақил ва автоном таркибга эга, у ҳеч кимга бўйсунмайди. Унинг психологик нуқтаи назардаги қарори якуний натижага эга бўлиши зарур.
4. Психологнинг қарорини инкор қилиш ҳуқуқига фақат маҳсус комиссия эга, улар юқори малакали мутахассислар ҳисобланиб, уларга бундай ҳуқуқлар берилган.
5. Психолог ҳаққоний ва самимий бўлиши зарур.
6. Унда касбий масъулият ҳисси бўлиши лозим.
7. Психолог ҳимоячи сифатида ҳам иштирок этиши мумкин, у ўз мижозларининг психологик ҳолатларини ҳимоя қиласди.
8. У психодиагностик ва психокоррекцион ишларни амалга ошираётган вақтида эҳтиёткор бўлиши зарур.
9. Агар психолог мижозининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинаётган бўлса, у бу тўғрисида юқори ташкилотларга етказиш имкониятига эгадир.
10. У сиёсий ғоялардан, ижтимоий ғоялардан, фалсафий фикрлардан ҳоли бўлиши зарур.
11. Амалий психолог психодиагностик, психокоррекцион, психтерапевтик натижаларни мутахассис бўлмаганларга кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.
12. У инсонларга зарар кўрсатадиган ҳолатлардан узокроқ бўлиши талаб қилинади.

13. Психолог ўзининг қила олмайдиган ишлари ҳақида мижозга ваъда бермаслиги керак.
14. Психолог ота-онага, ёки юқори мансабдаги инсонларга мижози ҳақида тафсилотларни бермаслиги зарур.
15. У ўрганилмаган методикаларни мижозларида қўллаш хукуқидан маҳрумдир.
16. Психолог албатта сир сақлашни билиши зарур, у мижозининг сирини ҳеч кимга айтмаслиги зарур.
17. Психологик маслаҳатда албатта ўз меъёрларига амал қилиши талаб қилинади.
18. Агар психолог шу меъёрларни бузса албатта амалий психологлар жамоасида кўриб чиқилади ва тегишли жазо қўлланилади.

### **2.3. Психопрофилактик ишларнинг муҳим вазифалари, психодиагностика амалий психолог фаолиятининг йўналиши сифатида**

Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга оловчи, уларни психикасининг барча жабҳаларини қамраб оловчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик хусусиятлар муҳитида камолатга интилевчи шахсни таркиб топтиришни бош мақсад деб танлайди.

Амалий психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик тараққиётдаги, хулқ-атвор муомаласидаги нуқсонлар ва ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқаради ва амалиётга уни тадбиқ этади. Бунинг учун улар билан маҳсус машғулотлар ўтказади, ижодий қобилияtlарни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

Коррекцион фаолиятнинг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педагогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигида ўтказилади ва бутун масъулият унинг зиммасига тушади.

Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ҳал қилинади:

- а) амалий психологнинг маҳсус иши,
- б) машғулот айрим болалар, ўқувчилар, талабалар гуруҳига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади,
- в) ота-оналар педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

Ривожлантирувчи психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гурухининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Психодиагностик тадқиқотлар қўйидаги вазифаларни ҳал қиласди:

1. Диагностика учун маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятлари баъзи белгиларининг кўринишларини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб хулқ-авторининг ҳақиқий кузатилган хусусиятлари, унинг психик функциялари, тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан: дарсда ўқувчи диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятининг пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажралиб туради. Лекин хулқ-авторнинг кўрсатилган белгилари бола хулқ-автори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг (босқичма-босқич) ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи шахс нормал ҳолати кўринишларидан бирига ёки мия етишмовчилигининг функционал белгиларига дуч келади. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи ўзлаштириши ва интизомнинг пасайиши ташқаридан сезилса-да, психодиагностик тадқиқотларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбаалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши, психологик ҳолат белгилари ҳам ўрганилади.

Психодиагностик тадқиқотлар бола психик функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси, ёш ва маълумот билан ўзаро

боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада маълум қизиқишилар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

2. Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўплаш. Агар «қўндаланг кесим» методлари орқали психодиагностик тадқиқот маълум босқичда бола психик тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланиши долзарб зонаси аниқланадиган бўлса, «узунасига кесим» (лонгитюд) психодиагностик тадқиқотларда бола психик ҳаёти тараққиёти хусусиятлари ривожланишида, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

3. Ақлий заифлик даражасини ёки бошдан кечирган касаллик туфайли психик камчиликларни аниқлашга қаратилган психодиагностик тадқиқотлар махсус ёки ёрдамчи мактабда ўқиши хақида масала ҳал бўлаётганда тиббий педагогик ҳайъат (комиссия) томонидан фойдаланиши мумкин.

4. Болада пайдо бўлган етарлича ўрганилмаган янги психик ҳолатларни таҳлил қилиш учун илмий мақсадда психологик тадқиқот ўтказиш. Вазифа бундай қўйилганда, тадқиқотчиларни қизиқтирган масала бўйича катта гурухларда тадқиқотлар ўтказилади. У ерда олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётчи психологлар иш тажрибасини таҳлил қилиб, психологик хизмат доирасида алоҳида диагностик иш, алоҳида коррекцион иш ҳақида гапириш мумкин эмас, деган хулосага келиш мумкин. Психологик хизматда диагностик-ривожлантирувчи йўналишлар ишнинг ягона йўналишлардир. Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, болаларни танлаш учун, аниқланган четлашишларни тузатиш мақсадида психик тараққиётни назорат қилишга йўналтирилган махсус диагностика зарур. Тараққиётда бўлиши мумкин бўлган четлашишларни эртароқ тузатиш учун психик тараққиётни назорат қилиш зарур. Амалиётчи психолог фақатгина диагноз қўйиш билан чекланмасдан, кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқади, ўзи берган

тавсияларнинг бажарилишини назорат қиласи, коррекцион ва ривожлантирувчи ишларни ўзи ҳам олиб беради.

Амалиётчи психологнинг диагностик-коррекцион иши мураккаб фаолият турларидан бири бўлиб, маҳсус психологик тайёргарликни талаб қиласи. Амалиётчи психологнинг диагностик-коррекцион фаолияти мураккаб, жавобгарликни талаб қилиши билан бирга, кам ишлагандир. Бу жараён биринчи бўлиб, тарбияси қийин ва нормал болаларни ўрганишга бағишлиланган педагогик тадқиқотларда Л.С.Выготский томонидан қўлланган. Бу схема бўйича И.Шванцар шахс тараққиётини диагностика қилишнинг босқичли экспериментал-психологик нуқтаи назарини таклиф этади.

*Бу босқичлар қўйидагилар:*

1. Психологга расмий илтимос;
2. Психологик муаммони аниқлаш;
3. Тадқиқот методини танлаш;
4. Психологик диагноз қўйиш;
5. Амалий тавсиялар.

Психологнинг расмий илтимосга жавоб тарзидаги ишини биринчи нуқтаи назар сифатида психологнинг ёки бу тарбияси қийин ўқувчига нибатан ўқитувчининг маълум ижтимоий талабига жавобини кўрсатиш мумкин. Бу ҳолда ўқувчига «тарбияси қийин» ташхиси ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, вояга етмаганлар иши бўйича назорат ходимлари томонидан қўйилган бўлади. Психологнинг вазифаси – қийинчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларга мос тузатиш методларини топишдан иборат.

Психопрофилактик иш – амалиётчи психологнинг энг кам ишланган фаолият турларидан бири ҳисобланади. Психопрофилактика муаммолари кўпроқ америка адабиётларида акс этган.

*Психопрофилактикада уч босқич ажратиб кўрсатилади:*

Биринчи босқич – дастлабки профилактика деб аталади. Бу босқичда психолог соғ болалар билан ишлайди ёки мактабдаги барча ўқувчиларни қамраб олади. Кўпчилик муаллифларнинг таъкидлашича, мактаб психик

соғлиқ профилактикаси учун қулай ҳисобланади. Улар мактаб психологиярнин дастлабки профилактикани ўтказадиган мутахассислар деб тан оладилар.

*Иккинчи босқич* – профилактика муаммолари мавжуд болаларга қаратилади. Унинг мақсади – ўқишидаги ва хулқ-атвордаги қийинчиликларни иложи борича эрта аниқлаб, уларни йўқотишдан иборатdir. Иккинчи босқичда ота-оналар ва ўқитувчиларга маслаҳатни ҳам ўз ичига олади (боланинг ўқиши ўзгариши учун таълим услубини ўзгартириш).

*Учинчи босқич* – психолог ўқишидаги ва хулқ-атвордаги яққол кўриниб турадиган муаммолари бор болаларга ўз диққатини қаратади. Профилактиканинг дастлабки мақсади – жиддий психологик қийинчиликларни ва муаммоларни йўқотиш ва тузатишдан иборат. Психолог олдига келган бола билан алоҳида ишлайди. Мактаб психологининг асосий кучи учинчи босқичга, яъни «тарбияси қийин» болаларга қаратилади ва ўқувчиларнинг асосий қисми психолог эътиборидан четда қолиб кетади.

Хозирги америка психологлари мактаблардаги психологик хизматни психик соғлик хизмати сифатида фаолият кўрсатишнинг тарафдори бўлиб чиқмоқдалар.

Психопрофилактика амалиётчи психолог фаолиятининг маҳсус тури бўлиб, мактабдаги барча ўқувчилар учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

*Шундай қилиб, психолог профилактик ишининг асосий вазифалари қуидагилар:*

1. Ҳар бир ёш босқичида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, ақлан баркамолликни таъминлашнинг оқилона шарт-шароитларни яратиш;
2. Шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик нуқсонлар ва бузилишларни ўз вақтини олдини олиш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув зарурлиги ҳамма томонидан тан олинган, лекин ундан амалда фойдаланиш асосан иш

эмас. Бунга мактабда ўқитувчиларнинг бола ҳақида кўп гапиришлари далил бўлади. Чунки мактабда ўқувчининг қобилияtlари, шахснинг асосий хислатлари ҳақида чуқур ва ҳар томонлама маълумот берадиган мутахассис йўқ.

Таълим-тарбиядаги индивидуал ёндашув, болани бошқалардан ажратиб индивидуал ўқитишни билдиrmайди, балки шахснинг у ёки бу хислатларининг шаклланишида маҳсус шароитларни ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини илмий асосда тушунишни англатади.

Психологияда шахснинг индивидуал хусусиятлари деганда бир шахсни иккинчи шахсдан фарқлайдиган хусусиятлар тушунилади.

Бундай диагностик ишининг асосий мақсади – ўқувчи психик тараққиётининг умумий ҳолатини билишдан иборат. Бундай кўп қиррали ва тўлиқ диагностика натижалари психолог учун ҳам, ота-оналар, ўқувчилар учун ҳам «тарбияси қийин» бола билан олиб бориладиган тузатиш ва ривожлантириш ишларининг йўлларини аниқлаш имконини беради. Бу усул ютуклар билан бирга, камчиликларга ҳам эга.

Биринчидан, бу усулни қўллаш жуда кўп вақтни олганлиги учун, уни амалга оширишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди. Бу усул кўп вақтни талаб қилганлиги учун фақатгина психолог эмас, «тарбияси қийин» ўқувчи ҳам чарчайди, текширувда иштирок этишдан бош тортади, топшириқларни ўзи сезмаган ҳолда номига бажаради. Тажрибадан маълум бўлишича, айниқса оғзаки методикалар қанчалик тўлиқ бўлмасин, қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари бундай методиклар шахсни тўлиқ характерлаш учун етарли бўлмайди.

Расмий илтимосга қандай муносабатда бўлиш керак? Коллеж психологи жавоб берадиган биринчи савол мана шу. Расмий илтимосга икки хил муносабат, икки хилма-хил иш услуги мавжуд.

Биринчиси, расмий илтимосга ўзига хос бўлмаган жавоб қайтаришdir. Бу икки усул билан амалга оширилади.

Биринчидан, расмий талабга жавоб тарзида унинг мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда психодиагностик методлар тўплами қўлланилади.

Иккинчидан, расмий талабга ўзига хос жавоб қайтаришнинг усули бўлиб, машхур америкалик психолог К.Роджерс психология фани ва амалиётига киритган психологик иш тўғри ҳисобланади. Унинг фикрича, «тарбияси қийин» бола билан ишлаш учун, расмий талабнинг мазмuni қийинчиликлар сабабларини тушунишга teng, лекин бу муҳим аҳамиятга эга эмас. Бола шахсини ривожлантирадиган шундай шароит яратиш керакки, бу шароит уни хулқ-атворнинг салбий шаклларидан воз кечишига ва янги ижобий шаклларини яратишга мажбур қилсин.

Расмий илтимосга ўзига хос бўлмаган жавоб қайтаришга тескари услуб – бу расмий талабга қатъий мос тушадиган диагностик методикаларни танлашдан иборат: Масалан: ёмон ўзлаштириш ҳақида шикоят тушганда, биринчи навбатда билиш жараёнларининг тараққиёти таҳлил қилинади. Бундай диагностика ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлай олмасагина, бошқа кўрсаткичлар қаралади. Диагностика натижаларига мос равища, кўпинча тренинг турида амалга ошириладиган тузатиш ишлари олиб борилади.

### **Назорат саволари:**

1. Тадқиқотчи психолог деганда нимани тушунасиз?
2. Амалий психология ҳақида гаприб беринг.
3. Психологик ёрдам, психологик ҳимоя ва психологик йўналтириш,
4. Амалий психологиянинг асосий бўлимлари ва тузилишини тушунтиринг.
5. Психопрофилактик ишларнинг муҳим вазифлари, психодиагностика амалий психолог фаолиятининг йўналиши сифатида.
6. Амалиётчи психолог вазифаларига нималар киради?
7. Зарурий талаблар деганда нимани тушунасиз?

## **Ш-БОБ. АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАЛАРИ**

**Таянч тушунчалар:** *психокоррекция, психологик жараёнлар, тренинг, оилавий муносабатлар динамикаси, ўсмир ёши, ўтиши даври, депрессия.*

### **3.1. Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг асосий вазифалари**

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган хужжатлар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ташаббуси билан ташкил этилган «амалиётчи-психолог» курсларининг иш фаолияти бугунги кунда Ўзбекистондаги психологик хизматни ривожлантириш учун энг оптимал тадбир сифатида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Республика миқёсида барча мактабларда амалиётчи-психологлар томонидан психологик хизмат жараёнининг ташкил этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1994 йилда тузилган «Ўзбекистон Республикаси халқ таълимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақида Низом»нинг Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиши (1996 йил 5 апрел) амалиётчи- психологларнинг фаолиятини янада кенгроқ кўламда ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим расмий асос бўлиб хизмат қилди. «Амалиётчи-психологлар» тайёрлаш масаласи баён этилар экан, бу ўринда Ўзбекистонда «амалиётчи-психологлар» тайёрлашнинг энг биринчи ташаббускори бўлган Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети психологлари томонидан ташкил этилган «амалиётчи-психологлар» факултети фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки, бу факультетни (иккинчи мутахассислик бўйича) муваффақиятли тутатган юзлаб амалиётчи психологлар бугунги кунда психология фанининг илмий амалий тадбиқи билан шугулланиб, Республика миқёсида психологик хизматнинг кенг қулоч ёйишида ўз хизматларини қўшмоқдалар. Юқорида келтирилган мисоллар, таҳлиллар ва хуносалардан кўринадики, Ўзбекистонда психологик хизматни

такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири , бу – амалиётчи психологлар тайёрлаш механизмини ҳар томонлама пухта ва муваффакиятли тарзда ишлаб чиқишидир. Чунки, барча соҳаларда малакали мутахассислардан сараланган ва пухта тайёрланган психологлар сафини ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан кенгайтирмай туриб, психологик хизмат тизимининг амалий фаолиятдаги тадбиқини Республика миқёсида кенг кўламда амалга ошириб бўлмайди.

Шунга мувофиқ, амалиётчи-психологлар тайёрлаш муаммоси бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб, муаммо бўлиб турибди. Албатта, мазкур муаммони бартараф этиш йўлида талайгина ишлар қилинмоқда. Масалан, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Андижонда ва Самарқандда маҳсус ташкил этилган амалиётчи-психолог тайёрлов курслари, мактабда амалиётчи-психолог штатининг жорий қилинганилиги ва унга жиддий этибор бериб борилаётганлиги каби тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, амалиётчи психологлар тайёрлашнинг бугунги дунёвий таълим тараққиёти талабларига ҳар жиҳатдан жавоб бера олувчи илмий-ташкилий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ барча имкониятларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дастлабки тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда амалиётчи-психологлар тайёрлаш муаммоси жуда кенг ва кўп қамровли муаммо бўлиб, бугунги кунда қисмангина ҳал қилинган холос, яъни, Республикада амалиётчи-психологлар тайёрлаш ҳақида дастлабки Низом тасдиқланиб (1996 йил 5 апрел ) ушбу Низом асосида бугунги кунда бир қанча вилоятларда (Тошкент, Бухоро, Андижон, Навоий, Самарқанд) амалиётчи-психологлар тайёрлаш тизими амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда психологик хизматнинг бугунги ҳолатига тавсиф беришга оид юқорида баён этилган барча таҳлилларимиз Ўзбекистонда психологик хизмат тизимини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ асосий йўналишларни белгилашни тақозо этади.

Чунки, психологик хизмат тизимининг Республика миқёсидаги кенг қамровли илмий-амалий йўналишиларини белгиламай туриб Республика ижтимоий-иктисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик ижтимоий-психологик муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Шунга мувофик, барча соҳалардаги ҳозирги замон илгор психологик адабиётларга ва тадқиқотларга таяниб психологик хизматнинг асосий амалий йўналишлари ва унинг илмий-ташкилий иш жиҳатларини ўрганиш борасида маълум изланишлар олиб борилди. Шунингдек, барча йўналишлар учун умумий ва жузъий бўлган ижтимоий психологик ҳолатлар, вазифалар ва тадқиқотлар кўлами ва уларни амалга ошириш йўллари белгиланди. Бугунги кунда қатор соҳаларда психологик хизмат тизимининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши учун ижтимоий эҳтиёжларнинг ниҳоятда ортиб бораётганлиги ва бу эҳтиёжларни қондиришга нисбатан юқори ташкилотлардан тегишли қарорлар қабул қилинаётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Тадқиқотлар давомида мазкур қарорларнинг ва тадбирларнинг мақсадидан келиб чиқиб ва шуларга асосланиб Ўзбекистонда психологик хизматни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг дастлабки босқичи қуйидаги 7 йўналишлар асосида амалга оширилмоқда:

- *Таълим тизими муассасаларида психологик хизмат,*
- *Меҳнат жамоаларида психологик хизмат,*
- *Оиласвий ҳаётни ташкил этиши тизими муассасаларида психологик хизмат,*
- *Транспорт муассасаларида психологик хизмат,*
- *Соғликқи сақлаш тизими муассасаларида психологик хизмат,*
- *Ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот тизими муассасаларида психологик хизмат,*
- *Спорт муассасаларида психологик хизмат.*

Демак, бугунги кунда мазкур етти йўналиш бўйича шахс психологияси ва жамият уйғунлигини таминлашга қаратилган ижтимоий психологик тадбирлар баҳоли қудрат амалга оширилмоқда. Бу эса энг биринчи навбатда

мазкур йўналишларда фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ўз-ўзини англаш, билиш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик муҳофаза имкониятлардан кенг кўламда фойдалана олишларига, яни уларнинг фаолиятида қамроқ муваффақиятсизликка учрашларига ва қўпроқ самарали меҳнат қила олишларига бенихоя ёрдам беради.

### **3.2. Оиласа психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Оиласа ҳаёт тарзи унинг ҳаёт цикли билан боғлиқ. Айрим олимлар, масалан, В.Сатир замонавий оиласа тарбияси ва унинг манфаатларига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, бу маскандаги ҳаёт маромини бола ривожланишининг босқичлари билан боғлайди. Шунга кўра, куйидаги босқичлар фарқланади:

1-босқич. Аксарият олимлар оиласадаги ҳаёт цикли икки ёшнинг узок муддатга аҳду-паймон қилиб никоҳга киришга қарор қилган онлариданоқ бошланишини тъкидлайдилар. Бошқа муаллифларнинг фикрича, оиласа бошланғич нуқтаси икки шахс расман никоҳга кирган вақт, кўпчиликнинг гувоҳлигига ўтказилган тантаналар билан изоҳланади.

2-босқич. Икки ёшнинг интим қовушиши оқибатида зурриёднинг пайдо бўлиши. Сатирнинг фикрича, зурриёднинг пайдо бўлиши, туғилиши эр ва хотиннинг асл муносабатларини синовдан ўтказади ва улар ўзига хос янгича муносабатлар даврини бошдан кечира бошлайдилар. Бу даврга асосий мазмун ва маъно берувчи воқеа – бу эр ва хотинга янги ролларнинг берилиши, анчагина катта ижтимоий масъулиятни ўзига қамраб олган отоналиқ ролларининг бошланишидир. Кўплаб халқларда, айниқса, ўзбекларда боланинг дунёга келиши жуда катта қувончли маросимлар билан бошланиб, улар қадрият сифатида асрлар оша сақлаб келинмоқда. Шунга қарамай, айрим халқларда, масалан, европа халқларида оиласа фарзанднинг туғилиши муайян ташвишлар, руҳий тарангликлар, айниқса, она бошидан кечирадиган эмоционал хаяжонлар, яқинларига ижтимоий ва молиявий ташвишларни келтириб чиқарадики, бу ҳам баъзан оиласавий муносабатлардаги тарангликларда акс этади. Оила ва фарзанд олдидағи бундай масъулиятлар

айрим ҳолларда эр-хотин муносабатларининг дарз кетишига, баъзан ажримларга, бизнинг шароитимизда қуда-андачилик муносабатларидағи келишмовчиликларга ҳам сабаб бўлади.

3-босқич. Бола оиладан ташқаридаги ижтимоий институтлар – мактабгача таълим муассасалари, айниқса, узлуксиз таълимнинг бошланғич ўчоғи ҳисобланган мактабга бора бошлайди. Мактаб шундай масканки, у ерда ҳар бир боланинг қай даражада ва қандай ижтимоийлашгани синовдан ўтади. Чунки у энди нафақат ўзи тенгқур болалар билан, балки катталар, бегоналар, кўчадаги турли тоифали инсонлар билан муомалага кириша бошлайди. Бу муомала жараёнида унинг қанчалик ҳаётга тайёрлиги, оиласида қандай ахлоқий ва маънавий ўгитларни олганлиги, кимнинг боласи эканлиги, оилавий муҳити қандайлиги билина бошлайди. Энг муҳими – мактабга келгач, боланинг ақлий ва интеллектуал салоҳияти, интизоми текширувдан ўтади. Яъни, боласини мактабга берар эканлар, ота-оналар ҳам жамоатчилик олдида ўзига хос синов ва текширувдан ўтаётгандай ўзларини хис қиласидилар. Яхши ёки ёмон ота-оналиқ роллари мактаб йилларининг дастлабки ой ва йилларида билингани сабабли, кўпгина ота-оналар айни шу даврларда кучли стрессни бошидан кечирадилар.

4-босқич. Бола ўсмирлик даврига қадам босганда, у ота-онасидан мустақилликни, ҳадеб таъқиб қилавермаслиқни даъво қила бошлайди. Отонанинг фарзанд олдиғаги обрўси, кераклиги даражаси пастлай бошлайди. Бу даврга келиб ота ҳам, она ҳам ўзининг фарзандига нисбатан муносабатларини ўзгартиришга мажбур бўлади, чунки болада янгича талаб ва истаклар, янгича фикрлаш, урф-одатлар, мусиқага ҳавас, турли хил гурухлар билан мулоқотда бўлишга интилишлар пайдо бўлади. Бу давр отонанинг боласида пайдо бўлаётган ўзгаришларга, ёшга оид янгиликларга қанчалик фаҳм ва фаросат билан, сабр-қаноат билан туриб беришларини синовдан ўтказади. Синовдан яхши ўтган ота-онанинг боласи кейинги босқичга эсон-омон яхшилик билан, очиқ зиддиятларсиз ўтиб олади, акс ҳолда ўсмирлик даврининг ўзига хос зиддиятлари гирдобида ота-она-бода

муносабатлари жиддий ёмонлашади, айрим болалар уйдан кетиб қолиш ҳолатларигача боради.

5-босқич. Болалар катта бўлиб, балоғат ёшига етадилар, ўқишлиарни тугатиб, мустақил касб-хунар эгаллаш босқичига қадам босганда, айрим ёшлар мустақил оиласвий ҳаёт қуришга ҳам улгурадилар. Шу даврга келиб, “Бола-ота-она” муносабатлари деярли тугайди. Айниқса, бу ҳолат европа халқларига мос, балоғат ёшига етгач, деярли барча ҳаётий масалаларни ёшлар ўзларича, ўз билғанларича ҳал қила бошлайдилар.

6-босқич. Кексаликнинг дастлабки белгилари – танада кексалик аломатлари, климактерик ҳолатларнинг келиб чиқиши босқичида инсон қалби қаримасада, айрим жисмоний қувватсизликлар пайдо бўлади. Одам нафақага чиқади, суйган касби, машғулотидан узоқлашади, дўстлари давраси тораяди ва ҳоказо. Лекин кексаликни тан олиш ва унга руҳан тайёр бўлиш, этник маданият ва унинг қадриятларига боғлик.

Халқ маънавияти ва маданияти қанчалик юқори бўлса, кексаликка муносабат ҳам шунчалик юқори бўлади.

7-босқич. Оиласвий муносабатларнинг тугаши одатда турмуш ўртоқлардан бирининг ўлими билан бошланади. Эр-хотинларнинг тирик қолгани бева бўлиб қолиши муносабати билан у ҳам янгича роллар тизимиға киради.

### **Назорат саволлари:**

1. Психологик хизмат Низомининг қабул қилиниши тўғрисда маълумот беринг.
2. Оиласвий маслаҳатнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ота-она ва бола ҳамда оиласвий муносабатлар психокоррекциясининг мазмуни ҳақида баён этинг.
4. Оиласвий низолар деганда нима тушунилади?

## **IV-БОБ. АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**Таянч тушунчалар:** *стресс, шахсий диспозициялар, когнитив диссонанс, низолар, башиорат, бевосита таъсир, руҳий истироб, психологик ҳимоя, гуруҳ деструкцияси.*

### **4.1. Амалиётчи психолог фаолияти самарадорлигини баҳолаш муаммоси**

Психология фанидаги кейинги қатор илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, жамиятдаги ҳар бир шахс фаолиятидаги ижтимоий-психологик самарадорликни таъминламай туриб, мазкур шахснинг, аникроғи ушбу шахслардан иборат белган жамиятнинг тараққиётини тўлақонли савияда тасаввур этиб белмайди. Шу боисдан ҳам шахс, фаолият ва ижтимоий муҳит уйғунлигига, айниқса шу уйғунликнинг бевосита таъмин этилишига хизмат қилувчи шахс фаоллиги масаласига олимлар ўзларининг қатор назарий-илмий фикрларини баён этгандар. Чунончи, психологик хизмат жараёнида ўрганилиши лозим белган шахс фаоллиги муаммоси А.В.Петровский томонидан «Кишининг теварак атрофда муносабат, биргаликдаги фаолияти ва ижодий иш жараёнида намоён беладиган ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар қилиш лаёқатининг маҳсули сифатида тадқиқ қилинса, Д.И.Фельдштейн тадқиқотларида эса, психологик хизмат жараёнида қарор топтирилиши лозим бўлган» шахс тараққиётининг бош мақсади: инсоннинг ўз-ўзини, ўз қобилиятларини ва имкониятларини мумкин қадар оча олиши ва ундан унумли фойдалана олишидир. Инсоннинг ўз-ўзини очиши эса, унинг онгли тарзда жамият идеалларига мос барча лаёқатлари ва имкониятларини ривожлантиришдан тўла-тўқис фойдаланиш учун кўрсатилган актив фаолият эканлиги уқтирилади.

Бугунги кунда кўпчилик умумий ўрта таълим мактаблари ўзининг психологларига эга. Бироқ шунга қарамай директор ва ўқитувчилар кўпинча психологнинг кўлидан нима келиши мумкинлигини яхши тасаввур этолмайдилар.

Уларга психолог ҳамма муаммоларини бир зумда ҳал қилиб

берадигандек туюлади.

Аммо психологнинг мактабда иш бошлаганидан кейин мактабда ташқи жиҳатдан ҳеч нарса ўзгармаганини қўришгач, уларда «Мактаб психологининг ўзи нима кераги бор?» деган типдаги саволлар туғилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактабдаги амалий иш учун психолог ўрганган назарий билимлар етмай қолади. Мактабга келиб қолгач, психологлар кўпинча амалиётнинг улар олдига қўйган муаммоларидан довдираб қоладилар. Шундай ахволга тушиб қолмаслиги учун психолог аввало мактабга нима мақсадда бораётганлигини аниқлаштириб олиши керак. Психологик хизматнинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, психолог умумий ўрта таълим мактабида қуидаги вазифаларни бажариши талаб этилади:

1. Болаларнинг ҳар бир ёш босқичида шахс сифатида ва интеллектуал жиҳатдан тўлақонли ривожланишини таъминлаш, уларда ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш қобилиятини шакллантириш:
2. Ҳар бир болага индивидуал ёндашувни ва унинг психологик-педагогик ўрганилишини таъминлаш:
3. Боланинг интеллектуал жиҳатдан ва шахс сифатида ривожланиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган четга чиқишлиарни профилактика қилиш. Шундай қилиб, психолог мактабга аввало болалар учун келади. Лекин бу психолог ўқитувчилар билан ишламайди, дегани эмас. Психолог мактабда енгиб ўтиши керак бўлган биринчи тўсиқ – бу мактабнинг педагогик жамоасига қўшила олишдир. Борди-ю психолог бу мураккаб организмга қўшилиб кета олмаса, ўз ишида муваффақиятга эришиши даргумондир. Психолог мослашув даврининг қийин кечишига бир неча омил сабаб бўлади. Кўпинча ўқитувчилар психологни болаларни қандай қилиб тарбиялашни, қандай яшашни ўргатувчи инсон сифатида кўриб, дастлабки кезлардаёқ унга нисбатан салбий установкани шакллантириб оладилар. Ўз-ўзига ишончи суст бўлган ўқитувчилар психологни гўё унинг камчиликларини ошкор этувчи шахс сифатида идрок этиб, уни қандайдир

инспектор сифатида қабул қиласылар. Булар эса психологнинг мактаб шароитига тез күниги, мактаб ҳәтига чукур сингиб кетишга ҳалақит беради. Бунинг олдини олиш учун психолог ўқитувчилар билан ўзаро тенг муносабатларга киришиши, иккала тараф ҳам ўзини билағон қилиб күрсатмаслиги, энг мұхими бир-бирини рақиб деб ҳисобламаслиги зарур. Шунга әришиш керак-ки, ўқитувчилар психологни уларга ёрдам берә оладиган бошқа мутахассис сифатида қабул қылсиналар. Мактабдаги илк қадамлардан оқ психолог маъмуриятга уларнинг фаолият доирасига нималар кирмаслигини, мұжизалар күрсатиши унинг қўлидан келмаслигини тушунтириши лозим.

### ***Психологик установка компонентлари:***

- а) педагог билан бўлган муносабатга установка;
- б) педагогларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга установка.
- в) субъект-субъект муносабатларидан иборат тенглик ва ҳамкорлик харakterидаги муносабатларга установка.

Ушбу установка педагоглар билан бўлган конструктив ҳамкорликни таъминлай олади.

### **4.2. Амалиётчи психолог шахсига қўйиладиган талаблар**

Мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг самарали бўлишини таминлаш, ишлаб-чиқаришда ва ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида инсон омилидан фойдаланиш, ҳар бир ижтимоий шахс имкониятларини тўла-тўқис юзага чиқариш масаласи Ўзбекистон психологлари олдига амалий психология билан боғлиқ қуидаги вазифаларни амалга ошириш масъулиятини юклади:

- Аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирларни белгилаш ва уни амалга ошириш;
- Ҳар бир шахс имкониятини жамоадаги ижтимоий-психологик иқлимини Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва этнопсихологик тамойилларига мослаштирилган энг илғор тестлар, методикалар, асосида ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борада тегишли хulosалар чиқариш;

- Ходимларни танлаш ва психологик имкониятлари асосида турли соҳаларга йўналтиришда маъмурий ташкилотларга кўмаклашиш, шунингдек барча бўлимдаги раҳбар ходимларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабига мос психологик саводхонлигини ошириш мақсадида қисқа муддатли “ижтимоий психология” курсларини ташкил этиш;
- Фуқароларнинг касбий йўналишларини аниқлаш ва меҳнат биржалари фаолиятини режалаштиришда фаол ёрдам кўрсатиш.

***Амалиётчи психологнинг фаолиятидаги вазифалар қўйдагиларни ўз ичига олади:***

1. Психолог ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқ таълими соҳаси бўйича қабул қилинган норматив ва инструктив ҳужжатларига амал қилган ҳолда амалга ошириши шарт.
2. Олий ўқув юртининг психология соҳасини битирганлигини ёки амалиётчи психологлар тайёрловчи қисқа муддатли (кўшимча мутахасислик берувчи) маҳсус курсларни (камида 1000 соатлик) битириб, психолог мутахассислигини олганлигини тасдиқловчи маҳсус ҳужжатга эга бўлиши керак.
3. Психология фанининг энг сўнгги ютуқлардан хабардор бўлиши, болалар психологияси, педагогик психологияни, амалий психологияни чукур билиш шарт. Диагностик, психопрофилактик, ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишларининг ҳозирги замон илмий асосланган методлари билан куролланиши, халқ таълим тизимида доимо ўз малакасини ошириб бориши керак.
4. Муомоларни муҳокама қилишда ва қарор чиқаришдан касбий ваколат чегарасидан асло чиқмаслик керак.
5. Шу соҳанинг масъул мутахасислари томонидан ишлаб чиқарилган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўрсатмалар ва тавсияларни қатъий бажариш шарт.
6. Барча психологик масалаларни ҳал қилишда ўқувчи манфаатидан, ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиши зарур.

7. Олинган маълумотлар синаувчининг шахсиятига зарар келтирмаслиги, уларни қуршаб турган мухит аъзолари таҳликага тушмасликлари учун диагностик ва коррекцион фаолият натижаларини сир сақлаш.
8. Маъмурият ўқитувчилар ота-оналар билан узвий алоқада фаолият кўрсатиш.
9. Боғчада, мактабда ўтказиладиган тадқиқот мақсади моҳияти, вазифаси ва натижалари юзасидан педагогик кенгаш, маъмуриятга маълумот бериш мақсадга мувофиқ.
10. Маъмуриятга, педагогик Кенгашга ўқувчиларга индивидуал ёндашишни таъминловчи имконият, уларни ҳал қилишнинг психологик шартлари, таълим-тарбиядаги нуқсонларнинг олдини олишнинг омиллари, йўллари юзасидан зарур ёрдам кўрсатиш.
11. Болалар ва ўқувчиларнинг алоҳида муамоларини ҳал қилишда ёрдам бериш.
12. Ота-оналарни тарбиявий ишларини амалга оширишда маслаҳатлар бериш, муайян ҳолатларини биргаликда таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар бериш.
13. Ота-оналарга фарзандларининг тиббий ёрдамга муҳтоҷлиги ёки бошқа муассасаларга мурожат қилиш лозим эканлигини юксак педагогик одоб билан тушунтириш, берилаётган кўрсатмаларга уларни ишонтириш.
14. Барча қоидаларга ва тасдиқланган ҳужжатларга риоя қилган ҳолда ўтказиладиган барча ишларни қайд қилиш ва белгилаш.
15. Ўз фаолиятини натижалари юзасидан юқори ташкилотларга ўз муддатида ахбарот бериш, қабул қилинган ҳисбот шаклларига ҳеч оғишмасдан риоя қилиш.
16. Барча мактабларда маҳсус талабларга жавоб берадиган даражада жиҳозланган психологик хизмат хонаси бўлиши мақсадга мувофиқдир .
17. Амалий психологлар семинарлари, анжуманларида фаол иштирок этиш.
18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ижтимоий психологик ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган текширишлар ўтказмаслик.

19. Болалар, ўкувчиларни танлаш комиссиясида иштирок этиш.
20. Ижтимоий психологик ҳолатларни ўрганишда маҳаллий ҳокимиятга ёрдам бериш ва оммавий барқарорлаштиришда олдинги сафда бўлиш.

### **Амалиётчи психологнинг ҳуқуқлари.**

Амалиётчи психологларнинг ҳуқуқлари қуйидагилар:

1. Боғча, мактабларнинг таълим-тарбия шарт-шароитларини ҳисобга олиб, фаолият учун энг муҳим йўналишни танлайди.
2. Педогогик кенгаш, педагогик консулиумларда иштирок этади.
3. Таълим-тарбия жараёнида болалар ўкувчилар хулқи ўкув фаолияти хусусиятини кузатиш мақсадида дарс синфдан ташқари машғулотларда қатнашади.
4. Мураббийлар, ота-оналар йиғилишида ўқитувчилар, методик бирлашмалари мажлисида иштирок этади.
5. Боғча ва мактабларнинг ҳужжатлари билан танишади ва таҳлил қиласди.
6. Муайян давр оралиғида амалий фаолиятнинг етакчи йўналиши юзасидан турли ишларни навбат билан амалга оширади. Уларга маълум методлар шакл танлайди, болалар, ўкувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар ишининг яққол вазифаларини мустақил белгилайди.
7. Илмий изланишни йўлга қўйиш мақсадида боғчада гурухий ва индивидуал психологик текширувлар ва тажрибалар ўтказади.
8. Педогогик-психологик матбуотда ўз тажрибаларини умумлаштириб мақолалар, хабарлар эълон қиласди.
9. Педогогик-психологик билимларни тарғиб қилиш ишларини олиб боради.
10. Психологик ихтисос маълумотдан келиб чиқсан ҳолда ўкув ва факультатив тарзда 0,5 ҳиссада педагогик ишлаш имконига эга.
11. Касбий мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун юқори ташкилотлардан маъмуриятдан зарур шарт-шароитлар яратиш талаб қилинади.
12. Низом бандларига унинг принципларига зид бўлган маъмурият топширигини бажармайди.

13. Ўқувчиларни касб танлашга оид муаммолари ҳал қилиш мақсадида касбга йўналтириш марказларга мурожат қиласди.
14. Маъмурият орқали у ёки бу ташкилотга ўқувчиларга ёрдам бериш зарурияти тўғрисида малумотнома юборади.
15. Ота-оналарга зарурият туғилганда оилавий турмуш психологиясига оид консультатив хизмат хоналарини тавсия қиласди.
16. Тиббиёт ва дефектологик муассаларга расмий талаблар юборади.
17. Тиббий педагогик-психологик консультатив ишларда иштирок этади, балоғатга етмаган ўсмирлар комиссияси ишида қатнашади, бола тақдири ҳал қилинаётган ташкилотлар билан алоқа боғлайди. Умуман психолог ёрдамчи овоз бериш хуқуқига эга холос. Агар қабул қилинган қарорларга эътиroz билдирилса, у ҳолда ўз фикрини билдириш учун юқори ташкилотларга мурожат қиласди.
18. Психологик хизматни илмий жиҳатдан таъминлаш мақсадида илмий-услубий марказларга мурожат қиласди.
19. Боғча ва мактаб фаолиятини яхшилаш мақсадида мавжуд муаммоларни ҳал қилишни ҳалқ таълими ташкилотлари олдига қўяди.
20. Илмий-услубий марказ раҳбарлигида янги диагностик методикалар ишлаб чиқиш, услубий тавсиялар ёзишда фаол қатнашади.
21. Амалиётчи психологларни иш ҳақи Республика ҳалқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган амалиётчи психологларни аттестация қилиш комиссияси қарорига биноан тоифа даражасида белгиланади. Агар амалиётчи психолог психологик фанлари доктори, фан номзоди, маҳсус психологик маълумотга эга бўлса психологлар аттестациядан ўтгунга қадар ойлик маоши I тоифали ўқитувчи даражасида белгиланади (ҳафталик иш соатлар 20 соатни ташкил қиласди).
22. Амалиётчи психологнинг меҳнат таътили муддати барча мактаб ўқитувчилари билан баробардир.
23. Ўқитувчига берилган барча имтиёзлар ҳалқ таълими тизимида ишловчи психологларга ҳам таллуқлидир.

Психолог-маслаҳатчи барча мижозларни қабул қилиши, улар нима учун келганиклари, кайфиятлари қандайлиги ва мақсадлари қандайлигидан қатъий назар уларга дикқат билан, меҳрибонлик билан муносабатда бўлиши шарт. Бу профессионал психолог учун фақат ўз обрўси ва мавқеини сақлаб қолиш учунгина эмас, ўзининг профессионал одоб қоидалари бўйича унга мурожаат этувчиларга хизмат қиласи.

**Назорат саволлари:**

1. Амалиётчи психолог фаолияти самарадорлигини баҳолаш муаммоси.
2. Амалиётчи психологнинг ўз устида ишлаши.
3. Гешталттерапия нима?
4. Амалиётчи психолог шахсига қўйиладиган муҳим талаблар.
5. Амалиётчи психолог фаолиятида ўз-ўзига ёрдам муаммоси.
6. Амалиётчи психолог ижодкор сифатида.

## **В-БОБ. ПСИХОЛОГНИНГ КАСБИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ АНГЛАШНИНГ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Таянч тушунчалар:** *Психодиагностик тадқиқотлар, этнопсихология, этник тадқиқотлар, миллийлик, ақлий заифлик, психик тараққиёт, этник жиҳатлар, касбий ўзини-ўзи англаш, касбий мотивация.*

### **5.1. Психологнинг ахлоқий сифатлари**

Психологияда этник муаммолар асосий ўринни эгаллади. Жумладан, ўзбек менталитетидан келиб чиқиб муаммога психологик ёндашиш жуда муҳим. Психологиянинг мазкур этнопсихологик йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жарёнида фаол иштирок этишни тақозо қиласди. Этнопсихологик хусусиятларни ўрганувчи тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, уни ижтимоий тарихий категория эканлигини эътироф этсаларда, уни ўрганиш “қийин объект” эканлигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, бу масала текшириш ва ўрганиш учун мураккаб ва шунинг билан бирга энг долзарб, кам учраган муаммо ҳамдир. Этнопсихологик хусусиятларнинг ўрганишдаги қийинчиликлар қуидагилар асосида вужудга келган:

Миллий психологик қиёфани ўрганувчи этнопсихология фанининг бизда энди ривожланиб келаётганлиги ва унинг умумий масалаларини ҳозирга қадар тўла ишлаб чиқарилмаганлиги;

Этник хусусиятлар кўзга яққол ташланиб турган ҳолда, уни ташкил этувчи руҳий ҳислатлар яширин бўлиб, уни бевосита эмас, бевосита, яъни уларнинг маҳсулотлари қараб баҳо бериш мумкин.

Юқорида айтилганидек, айрим олимларни бу масалани бутунлай обрўсизлантириб юборишгани учун, этнопсихология фани узоқ вақт ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўз ўрнини топа олмади. Лекин бу қийинчиликлар миллий психологик қиёфа, миллий характер каби миллатнинг руҳий хусусиятларини мавжуд эканлигини инкор этишга асос бўла олмайди. Бу соҳада мувоффақиятли иш олиб бориш учун илмий текширишлар методикасини такомилллаштириш ва қатор фан вакиллари - файласуф,

тарихчи, этнограф, социолог, психолог адабиётшунос, санъатшуносларнинг ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Дарҳақиқат, тарихий ижтимоий-иктисодий тараққиётдаги тенгсизлик, турли табиий-географик шароитлар халқлар ўртасида маълум психологик тафовутларни вужудга келтирган. Турли халқларда оила аъзолари ўртасида бўладиган муносабатларнинг бир хил бўлмаслиги, урф-одат ва анъаналардаги фикрлар, нарса ҳодисаларни идрок этишда мавжуд бўлган турфа хилликни этнопсихологик хусусиятлар билангина тушунтириб бериш мумкин.

## **5.2. Психолог фаолиятининг муҳим этнопсихологик имкониятлари**

Этнопсихологик хусусиятларининг айрим белгилари кишилар бирлигининг ҳамма тарихий даврларига айрим яъни уруғ, қабила, миллатларга хосдир. Этнопсихологик хусусиятлар айрим тадқиқотчилар кўрсатганидек фақат бир омил – табиий муҳит таъсири билангина вужудга келиб қолмай, унинг вужудга келишида учта омил таъсир кўрсатади. Биринчи омил – бу сиёсий-иктисодий ва жамият ҳаётида бўлаётган ижтимоий жараёнлари тизими бўлса, иккинчисига шу этник бирлик яшаб турган табиий-географик муҳитнинг хусусиятлари киради. Учинчи омилга эса халқ ҳаётида бўлиб ўтган тарихий ҳодиса ва воқеалар киради. Лекин шунинг айтиш керакки, этнопсихологик хусусиятлар тизимида кишилар рухиятининг мазмуни аввало биринчи омил – сиёсий-иктисодий ижтимоий ўзгаришлар белгилаб берилади. Табиий географик омил эса асосан этнопсихологик қиёфанинг ташқи ифодаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам бу омил кузатаётган киши назарига биринчи омилга қараганда яққол намоён бўлади. Халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар сўзсиз унинг психологик ўчмас из қолдиради. Табиатдаги айни бир воқеаликнинг доим таъсири натижасида кишилар бу воқеадаги хусусиятларни бошқа шароитда яшаётган этник гурӯҳ вакилларига қараганда чукурроқ идрок қилишга ўрганиб қоладилар. Чунки ташқи муҳит бизнинг сезги аъзоларимизга беҳисоб ахборотлар, яъни хилма-хил таассуротлар юбориб

туради, натижада эволюцион тараққиёт давомида, танамизда шу ташқи мұхит билан адекват (муносиб) муносабатини талқин эттирувчи нейро-физиологик механизм шаклланади. Бу жараёни маълум даражада кишиларнинг сезги ва идроклари орқали намоён этилади.

Агар олий нерв фаолиятининг ривожланиши юз минг йиллар давом этганлиги синфий жамиятнинг вужудга келгандылығы эса бир неча минг йил бўлганлигини назарга оладиган бўлсак, инсон олий нерв фаолияти механизми синфий жамият барпо бўлмасдан анча илгарироқ шаклланганлиги равшан бўлиб қолади. Инсон руҳияти фақат уни ўраб турган ташқи мұхит шароитларига мослашиб ва унинг хусусиятларини акс эттириб қолмасдан, доимий тараққиёт этиб турли характеристига эга бўлган иқтисодий- ижтимоий ҳодисаларнинг ўзгариб туришига ҳам мослашиб боради.

### **Назорат саволлари:**

1. Психологияда этник муаммоларнинг қайта кўриб чиқилиши.
- 2.Психологияда илмий-тадқиқотлар олиб боришдаги этнопсихологик имкониятлар.
- 3.Психолог фаолиятининг мұхим этник тамойиллари
- 4.Психолог фаолиятида умуминсоний қадриятлар муаммоси.

## **II БҮЛЛМ (МОДУЛ). ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ VI-БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ ФАНИГА КИРИШ**

**Таянч тушунчалар:** материализм, антикваризм, презентизм, детерминизм, идеализм, тенденция, бихевиоризм, интерналистик, экстерналистик ижтимоий омиллар, категориал ёндашии.

### **6.1. Психология тарихи фанининг предмети ва методлари**

Психология тарихи бошқа фанлар сингари қизиқарли ва мазмундор билимлар соҳасидан иборат. Психология тарихи инсоният томонидан ҳайвонларга ва инсонларга хос бўлган психик ҳаёт ҳодисалари тўғрисидаги билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихидир.

Психология тарихи тарихий ҳаётнинг босқичларида, фан ва маданиятнинг умумий тараққиёти муносабати билан психологик билимлар соҳаси қандай кенгайиб борганлиги ҳамда дастлабки психологик билимлар қай тарзда тараққий этиб, бутун бир психология фанлар тизими даражасига кўтарилилганлиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Психология тарихи психиканинг янада чуқур ва аниқ билиш имкониятини беради. Бугунги кунда психология тарихи фанининг ўзига методологик илдизлари ҳақида муайян билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Психологиянинг бутун тарихи давомида идеализм ва материализм ўртасида кураш кечган. Бу кураш психология фани моҳиятини турлича талқин қилишда инсондаги психик ва физиологик ҳодисалар ўртасидаги муносабатларини тушунишда ҳамда психология фани предмети ҳақидаги тасаввурларни шакллантирида муҳим ўрин тутади. Албатта психология тарихида турлича қарашлар ва йўналишлар бўлишига қарамасдан бу фаннинг предмети, яъни инсон ва ҳайвонга хос бўлган психика, психик ҳаёт бир хиллигича қолаверади.

Психологик билимлар тараққиётининг бутун тарихида психология фани предметига рух (жон) ҳақидаги фан, онг ҳақидаги фан ва хулқ-автор ҳақидаги фан сифатида муайян мушоҳадалар олиб борилган. Психологияни рух ҳақидаги фан сифатида талқин қилиш, рухни изохий тамойил, деб унинг

фаолият доирасини ниҳоятда чеклаб қўйиши мумкин. Онгни психологиянинг предмети сифатида талқин қилиш ва психиканинг онгли қисмини тадқиқот объектига айлантириб, бир вақтнинг ўзида онг ҳам предмет, ҳам изоҳий тамойил бўлиб хизмат қилган. Психология фанининг предмети сифатида хулқ-авторнинг танланиши онг психологияси субъект тизимини енгиб, психологияни объектив тадқиқот йўлига олиб чиқди. Лекин айни пайтда психология психика ва онгни ўз тадқиқот предмети сифатида йўқотди. Кейинги тараққиёт онг ва хулқ (фаолият) бирлиги тамоили асосида онг ва фаолиятнинг тарихий бузилган алоқаси тикланмоқда. Ҳар қандай бошқа фанда бўлганидек, психология ҳам мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла, баъзан турғунлик, баъзан воз кечилган фикрларга қайтиш каби босқичларни босиб ўтган.

Бошқа фанларда ҳам бўлганидек, психология тарихи фанлари ҳам шартли бўлиб, у баъзан ўрганилаётган муаммога, тадқиқотчининг шахсий ёндашишига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлиб келган.

Илмий психологик билимлар тарққиётининг умумий ва асосий қонунияти – бу ғоялар курашидир. Бу куаш узоқ вақт материализм ва идеализм ўртасидаги куаш кўринишида талқин қилиниб келинди.

Психология фани тараққиётнинг муҳим қонунияти унинг ягона назарияни ишлаб чиқишига йўналганлигидир. Бу тенденция психологиядаги очиқ кризис даврида янада яққол кўзга ташланди. Чунки бу даврда психология учун ягона изоҳий тамойилнинг топилиши унинг фан сифатида сақланиб қолишини таъминлар эди. Шу даврда пайдо бўлган барча мактаблар: психоанализ, гештальтпсихология, бихевиоризм ва бошқалар ҳаммаси ана шу ягона назария ўрнига даъвогарлик қилдилар. Л.С.Выготский бу ҳолатни шундай таърифлайди: «Аниқ соҳалардаги хусусий кашфиётлардан умумий тамойилларнинг пайдо бўлишига ва уларнинг бутун психологияга ёйилишига ва ниҳоят фалсафий тизимга, ҳатто дунёқарашга айланишига даъво қилинган бу ғоялар психологияда ягона назария мақомига унча мос келмайди. Психологик ғоялар тарққиётни ҳаракатга

келтирувчи кучлари ва сабаблари ҳозирги пайтда илмий ғоялар у ёки бу фан тараққиётини белгиловчи омиллар, илмий билимлар детерминацияси ҳақида жуда кўп мунозаралар мавжуд”.

И.Лакотос фаннинг «ички» ва «ташқи» тарихи атамасини қўллашни таклиф қилган. Бунга кўра фан фақат ўзининг ички стандартлари, илмийлик мезонлари асосида ривожланиб боради. Бошқача айтганда, фаннинг ривожланишига фақат когнитив омилларгина таъсир кўрсата олади. Бундай интерналистик ёндашишга экстерналистик ёндашиш қарама-қарши қўйилиб, унга кўра фан тарихини ижтимоий омилларсиз ўрганиб бўлмайди, ижтимоий факторлардан фан тарихини назарий қайта тиклашда фойдаланилиши лозим. Бунга кўра психологик билимлар тараққиёти тарихини тахлил қилиш биринчидан, тарихий фан ҳолатни яхши билишни, иккинчидан ўрганилаётган даврда фандаги алоҳида ҳолатни ҳисобга олишни талаб қиласди. Бошқа фанлар, жумаладан математика, физика, астрономия, тилшунослик, физиология, биология, этнография, мантиқ кабилар эса психология фани тараққиётига таъсири турлича илмий тамойилларни олиб кирган. Бу эса *биринчидан, шу фанлар доирасида психик ҳодисалар ҳақидаги билимларни тўплашга, иккинчидан, шу фанларнинг методларидан унумли фойдаланишига, учинчидан, умумий илмий методологик мушоҳадаларни шакллантиришига хизмат қиласди*.

Психологиянинг бошқа фанлар билан бундай алоқаси психология фанининг фақат бошқа фанлар билан ҳамкорликда ривож топишини кўрсатади.

**Психология тарихининг методлари.** Психология тарихидаги энг катта хавф бу тарихий материални тасвирлаш билан чекланадиган эмпиризмдир. Тарихдаги эмпиризм далилларга мурожаат қилинганлиги билан эмас, балки тарихий илмий ҳаракатлар олдида ожизлик қилиб, уларни тизимга сололмаганлиги, тушунтира олмаганлиги, текшира олмаганлиги туфайли уларнинг ўз сифати, илмий қийматини йўқотиб қўйиши билан хавфлидир. Тарихий тадқиқот метод ва методикаларининг асосий вазифаси

манбаларни қидириб топиш, тадқиқот мазмунини белгилаш, далил, назария, қонун тушунчаларидан иборат ўрганилаётган материалларни тизимлаштиришдан иборатдир.

Психология тарихининг асосий методи ўтмиш илмий тизимларини тасвирлаш ва уларни қайта тиклаш методидир . Назарий қайта тиклаш муайян илмий концепциялар, муаммолар, тадқиқот методларини предмет мантиқига мос равишда тарихий кетма-кетликда репроспектив қайта тиклаш имконини беради. Тарихий тадқиқот йўналиши мавжуд илмий мактаблар ёрдамида шаклланади, унда асосан архив материалларини ўрганиш, изланиш, шарҳлаш, изоҳ бериш, йўналтириш каби илмий мезонларга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## **6.2. Психологиянинг ривожланиш босқичлари ва тамойиллари**

Психологияга оид билимларни ривожланишини турлича даврлаштириш мумкин. Даврлаштириш ишига хронологик жиҳатдан ёндашилса XVII аср психологиясига, худудий жиҳатдан ёндашилса Мексика психологиясининг тарихи, Америка психологиясининг тарихи кабиларга ажратиш мумкин. Демак, ҳар қандай даврлаштириш нисбийдир. Шуни ҳисобга олиб қуидаги даврлаштириш схемасини ҳам навбатдаги вариантлардан бири деб ҳисоблаш керак.

Психология тарихи 2 та даврга ажратилади. Улар ўз навбатида кичикроқ даврларга бўлиниш тамойилига асосан тузилган.

**I-давр.** Психология фанининг фалсафа таркибида ривожланган даври. Бу даврда Эр.ав. VI асрдан XIX аср ўртасигача 2,5 минг йил давом этган даврdir.

**II-давр.** Психология фанининг мустақил фан сифатида ривожланган даври. Бу давр XIX аср ўртасидан ҳозирги кунгacha давом этиб келаётган даврdir.

Психологиянинг фалсафа таркибидаги тараққиёти қуидаги босқичлар асосида намоён бўлди:

Эрамизгача VI асрдан эрамизнинг V асригача. Психика ҳақидаги дастлабки илмий тасаввурларининг пайдо бўлиши ва уларнинг дастлабки тараққиёти;

V-VIII асрлар, Рух(жон) ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таълимотлар ва тиббий билимлар базасида ривожланиши;

XIV-XVI асрлар. Рух(жон) ҳақидаги таълимотнинг анатомо-физиологик билимлар ва XIV-XVI асрлардаги буюк кашфиётлар таъсирида ривожланиши;

XVII-XIX асрлар ўрталарида онгнинг психология предмети сифатида ажратилиши, психология назарий асосларини шаклланиши.

Психологиянинг мустақил фан сифатидаги тараққиётига қуидаги босқичларни киритиш мумкин:

XIX асрнинг бошидан XIX асрнинг 60-йилларигача. Психологиянинг мустақил фан сифатида табиий шаклланиши;

XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг охирларигача. Психологиянинг мустақил фан сифатида пайдо бўлиши ва дастлабки тараққиёти;

XX асрнинг 10 ва 30-йилларининг ўрталарида. Психологияда очиқ кризис;

XX асрнинг 20-30 йиллари. Собиқ совет психологиясининг шаклланиши;

XX асрнинг 30-йиллар охири 50-йиллар. Психологияда кризиснинг пасайиши. Собиқ совет психологияси назарий соҳаси тараққиёти. Ўзбекистонда психология фанининг шаклланиши;

XX асрнинг 60-йиллардан шу давргача психологияда янги назарий ёндашишларни излаш даври.

### **Психологиянинг фалсафа фани таркибида ривожланиши**

<b>Хронология</b>	<b>Босқичнинг мазмуни</b>	<b>Якуний натижаси</b>
Эр.ав. V-VI	Психика ҳақидаги	Рух ҳақидаги фаннинг пайдо

асрлар	дастлабки илмий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	бўлиши ва унда 2 йуналиш: Материалистик ва идеалистик йўналишларнинг пайдо бўлиши. Психик жараёнлар сезги идрок, хотира, тафаккур, аффект, ирода ҳақидаги илк эмпирик билимларнинг пайдо бўлиши. Тана ва рух муносабатига ҳар хил ёндашиш.
V-VIII аср	Рух ҳақидаги фаннинг фалсафий таълимоти доирасида тиббий билимлар асосида ривожланиши	Томистик психологиянинг пайдо бўлиши.
XV-XVI аср	Рух ҳақида фаннинг анатомик-физиологик билимлар асосида ривожланишининг давом эттириш	Тадқиқот обьекти сифатида рухни инкор этиш, «Психология» терминининг киритилиши.

### **Психологиянинг мустақил фан сифатида ривожланиши**

<b>Хронология</b>	<b>Босқичнинг мазмуни</b>	<b>Яқуний натижаси</b>
XIX аср бошидан XIX асрнинг 60-йилларигача	Психология мустақил фан эканлигини таъкидловчи илк билимларнинг пайдо бўлиши	Асаб тизими ва сезги органи фаолиятини экспериментал метод билан ўрганила бошлиши психофизика ва психогеометриянинг пайдо бўлиши, сезиш ва идрок этиш назарияларининг кашф этилиши

XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг охиригача	Психологиянинг бевосита мустақил фан сифатида ривожланиши	Экспериментал методлар психологиядан мустақил ўрин эгаллаши психологияда амалий- эмпирк тадқиқотларни пайдо бўлиши фанда янги тармоқларни вужудга келиши
20 асрнинг 10-30-йиллари	Психологияда очик кризис (инқироз)	Чет эл психология мактаблари, Бихевиоризм
30-50-йиллар	Инқирознинг тугалланиши	Янги тармоқлар: генетик психология, шахс психологиясининг пайдо бўлиши, янги мактаблар, необихевиоризм, неофрейдизмнинг вужудга келиши
60-йиллар	Янги назарий ва амалий қидириш	Янги йўналиш: гуманистик психология, логопедия, когнитив психологиянинг пайдо бўлиши, психология предметини таҳлил қилиниши, онгиззлик масаласига кatta эътибор, социал психология масалаларини чуқурлаштириш

Умуман, психология фанинг ривожланишида жуда кўплаб олимларнинг тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий тадқиқотлардаги энг муҳим тамойил – тарихийлик тамойилидир. Бу тамойил тадқиқотчидан ўрганилаётган ҳодисанинг шу даврнинг ҳамма ўзига хосликлари, ижтимоий-маданий алоқалари, унинг бутун конкрет мазмуни билан бирга ўрганиб, ўрганиладиган ҳодисанинг қайтарилимаслиги ва ноёблигини қўрсата олишни талаб қиласди.

Тарихийлик тамойилининг тузилиши презентизм ва антикваризмда намоён бўлади. **Презентизм** – тарихий тадқиқотни ўрганилаётган даврдан фақатгина ҳозирги замон тасаввурларига мос бўлган қўринишларинигина

ажратиб олиб ўрганиш билан чекланишдир. *Антиваризм* – аксинча тарихий ўтмишни ҳозирги замон талабларига боғлиқ бўлмаган, қотиб қолган ҳодиса сифатида ўрганади. Ўтмиш ҳодисаларни тасвирлашдаги ҳар қандай бир ёқламалик, схематизм тарихийлик тамойилидан чекинишдир. Шу билан тарихий тадқиқотлар ўрганилаётган ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини топишни талаб қиласди. Бу талабни бажаришни асосан мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлигига таяниш таъминлайди. Бу тамойилга кўра тарихчи ўтмиш ҳодисасини шунчаки тасвирлаб қўймай, балки уни назарий жиҳатдан тасаввур эта олиши керак, яъни бу ҳодисаларда қандайдир доимийликни топа олиши керак. Тарихий психологик ғояларни ижтимоий, сиёсий йўналишни ғоявий моҳиятини аниқлашни талаб қиласди. Бундай ёндашиш илмий концепцияларнинг жамиятдаги ижтимоий ролидан ажратиб ўрганувчи объективизм ва субъективизмдан фарқ қиласди.

Тарихий психологик тадқиқотларда М.Г.Ярошевский таъкидлаганидек, *детерминизм* – сабабийлик тамойили катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, тарихда детерминизмнинг кўплаб турлари пайдо бўлган. Механикадан олдин, механик, биодетерминизм, психодетерминизм, социодетерминизм. Буларнинг ҳар бири психик ҳодисалар ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб талқин қилувчи индетерминизмга қарши туради (Ярошевский М.Г. - 1980).

**Материализм ва идеализм кураши.** Баъзи таълимотларга кўра икки дунёқарааш материалистик ва идеалистик дунёқараашлар тўқнашувига таъсир этади. Психология ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фани тўқнашувидаги экан, унда ана шу тўқнашув аниқ кўринади. Ижтимоий ривожланишни бир даврда одамлар рефлексларига эга бўлишди, ўз хулқини анализ қила олгач, идеализм фикрини маҳсус бирламчи ҳақиқат деб қабул қилди. Психика хусусиятларини идеализм бошланғич, ҳеч нима билан аниқланмайдиган, бошқа ҳамма нарсани тушунтира оладиган деб қабул қилди. Материализм онг ва объектив ҳақиқат ўртасида умумийликни излаб, онгни объектив ҳақиқатдан чиққан деб ўргатади.

Узоқ вақт буржуазия тарихшуносларида икки хил ёндашиш ҳукмронлик қилган: «персоналистика» ва «контекстик».

### ***Персоналистика ёндашии.***

Илмий гипотезалар, кашфиётлар, адашишлар ўз муаллифларига эга, уларнинг номларини тарих саклаб қолади, шунинг учун психик далил (факт) ривожланишининг охирги нуқтаси айрим шахсларни ақл-идроқига боғлиқ, деган фикр пайдо бўлди.

### ***Контекстик ёндашии.***

Кўпгина маълумотлар шуни кўрсатадики, илмий ғояларнинг йўналиши объектив қонунга тобе, якка омил – ўз замонининг намоёндаси, у ўз замонининг интеллектуал иқлимида чегараланиб қолган. Кашфиёт – уни тайёрловчи ғояларсиз бўлмайди.

“Жуфтларни қарама-қаршилиги” тамойили.

Психологик ғоялар ҳаракатини умумий чизиқларини аниклашда схемаларга асосланилса ҳаракат қарама-қаршиликка эга дейилади. Буни америкалик тарихшунос “қарама-қаршилик жуфти” деб атади. Бу борада бир қанча назариялар таклиф қилинди. Г.Мерфи психологик ўрганишларни XX асрнинг 10-20-йилларида тўрт «қарама-қаршилик жуфт»ларга бўлди:

1. “структурा – функция”;
2. “қисман бутун”;
3. “сифат – сон”;
4. “экспериментал – статистик”.

XX асрнинг 10-йилларида биринчиси ҳукмронлик қилган, 20-йилларда иккинчиси деб ҳисобланган Америка психология журналининг 50 йил давомида босилиб чиқсан маълумотларини анализ қилиб Д.Брунер ва Г.Олберт назарияларини умумлаштириб:

1. “рационал – эмпирик”; 2. “теологик – механик”; 3. “сифат – сон” деб ажратдилар. Улар ҳар бир жуфтни иккинчи қисмини ҳажми босиб чиқишини хулоса қилдилар. Кейинчалик Г.Олберт назарияларни икки гурухга ажратди:
  - а) детерминизм тамойилига амал қилувчилар;

б) шахсни келажагига ориентация қилишга акцентуация қилғанлар.

**Психологик тизимлар суперназария сифатида.** Психологияни ривожлантиришда олимлар алоҳида бир хусусиятни аниқлаб, унинг фактини ва характеристикасини тасвирлаш билан бирга тизимлар тўғрисидаги тушунчани киритиш керак, деб ҳисоблашди. Психологик тизимлар “суперназария” деб номланади. Уларнинг пайдо бўлишини бир қатор муаллифлар психологиянинг ғоявий етилмаганлиги билан боғлайдилар.

**Парадигмал ёндашиш.** Кун Томас “Илмий революциялар структураси” китобида кўпчиликни ўзига жалб қилган илмий ғояларни табиий ҳаракати тизимини кўрсатди, унда ҳаракат бир неча даврга бўлинган. Бошланғич даврда баъзи омиллар чегараси, муаммоси усулида умумий келгани йўқ. Аммо, фан онг юқори етилиш даражасига борганда парадигма пайдо бўлади, бу парадигмани актуал илмий амалиётини умумқабул қилган намунаси деб танилади. Парадигма Кун Томаснинг айтишича, етарли кучга эга, шунинг учун узоқ вақт олимларнинг ақлини асир қиласи, олимларнинг альтернатив йўналишларини ахтаришда адаштиради. Педагогика ўзга қонунларни, ғоявий хуносаларни ва уларнинг янги масалаларини киритади. Маълум муддат шу фан бўйича ишламаётганлар ушбу парадигмага амал қилиб келдилар. Тўғри келмайдиган фикрларни эътироф этадилар ёки шу қонунга мослаштирадилар.

Классик бихевиоризм (психология предметини стимулларга ҳаракат реакцияси деб ҳисобловчи) “проксимал стимуллар – проксимал реакциялар” боғланиш билан чегараланади (а-А). Фрейдизм организмни узоқ ўтмишга боғлиқлиги билан чегараланади (С-0). Функционализм мухит обьектларини улар билан операция қилиш муносабатини назарга олади (в-А). Бу схемани эътиборга олиб Бруневик ҳар бир саналган назария бутун жараённи бир фрагменти деб ҳисоблади, аммо, психология тарихини англаш учун Бруневик схемаси талабга жавоб бермайди: генетик сабаби ва назариялар бузилишини тушунириб бермайди.

“Систематология” даниялик олим **К.Мадсен** фанни ўзини илмий анализ қилиш кераклигини гапириб, психологик назарияларини солиштириб

ўрганиш кераклигини, уни “Систематология” қилишни таклиф қилади. Назария деб, у швед файласуфи Г.Гернебодан сўнг “илмий матн” ёки фикрлаш (ёзма, оғзаки), метоназария деб - шу матнни назарий анализини тушунамиз дейди. Матнни яратганда бир неча даражани таклиф қилади:

- а) дискриптив (тасвирловчи);
- б) гипотетик (тушунтирувчи);
- в) метастрата, бунда матннинг муаллифи билим, ҳақиқат, метод, модел тўғрисида ўз фикрини билдиради.

“Систематология” асосига Мадсен “фикрлаш эканомикасини” қўйди. Бу адаштирувчи ишонч, чунки кўз билан кўрилган ҳақиқатни билдиради, ҳақиқат илмий билимнинг мазмунини ташкил қилади, деб адаштиради. Материалистик диалектика позициясидан психологик ўрганишни илмий категориал анализ қилиш имконияти пайдо бўлади. Категориялар – фикрни энг умумий бузилмас, ўзаро боғланган иш ташкилотчилари ҳисобланади. Улар ҳақиқатни фаол тасвирланишидир. Фалсафий категориилар илми (форма ва мазмун, сон, сифат ва бошқалар) грамматик категорииларга ўхшаб узоқ тарихга эга.

**Мазмунан-формал.** Олимнинг ўз улушкини илмга қўшиши қайтаrilmas бўлганлиги учун тарихчини вазифаси бу улушнинг маҳсус хусусиятларини тасвирлашдан иборат. Конкret воқеаларни қайтадан ўзгартириб тарихчи уларни бошқалар билан солиштирмай, разрядга тақсимламай баҳолай олмайди. Бу икки бўлинмас тарихий фикрни операция қилиш назарияларда ўхшашиб эмасликлари билан акс эттирилган. Назарияларда мазмунига ёки “формасига” эътибор кучайтирилган. Буларда мазмун тарихий қайтаrilmas воқеаларни мослаштирган, формал эса тамойиллар ва конструкциялар билан мослаштирган.

**Индивидуал-социал.** Илмий ўрганиш бошидан социалдир. Шу билан бирга ҳар бир ўрганувчи шахс ўз дастурига эга ва ҳеч ким етолмаган мақсадга интилади. Аммо, ҳамманинг бошқачалигини тан олиш маъносиз бўлар эди, агар умумқабул қилинган ҳисбот тизими бўлмаса категория

тизими жамоани ижоди ва бойлигидир. Назариялар муаллифини санаб бориши мумкин, аммо категориялар “тилга” ўхшаб номсиз, улар бутун олимлар томонидан қабул қилиниб ҳар бирини фаолиятига раҳбарлик қилиб турган тамойил таркибиға ва тушунтириш нуқтасига киради.

Фан категорияси тарихий натижадир. Уларнинг мазмуни асрдан асрга ўзгаради. Категориал қурилиш ўз ривожланишида қатор даврларни ўтади.

**Психология тарихининг манбалари.** Психология тарихининг манбалари бўлиб психологияк билимларни тўплашнинг акс эттирувчи барча материаллар энг аввало ўтмиш психологларнинг, файласуфларнинг асарлари ҳисобланади. Тиббиётга айниқса, психиатрия соҳасига оид билимлар, шунингдек бошқа фанлар табиатшунослик, жумладан физика, кимё, астрономия, тилшунослик, этнография, антропология каби фанларнинг маълумотлари ҳам психология тарихининг манбаи ҳисобланади.

XX асрда психологиянинг ўтмишига бир неча бор қизиқиш кучайди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида қизиқиш тобора кучайиб борди. Бу йиллар психологиянинг уйғониш даври деб ҳисобланади.

XX асрнинг 10-йилларида психологиянинг ўша пайтда ҳукмрон бўлган метод ва фан сифатида ўрганиш тизими қаттиқ танқид қилинган. Бу фаннинг предмети сифатида феноменлар ёки онг актлари, методи эса ўз-ўзини экспериментал назорат қилиш тўғрисидаги тушунчадан иборат бўлган.

### Назорат саволлари:

1. Психология тарихи фанининг вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Психология тарихи фанининг ривожланиши тарихини даврлаштириб беринг.
3. Психология тарихи фанининг тамойиллари қайсилар?

## **VII-БОБ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ**

*Таянч тушунчалар: «Мемфис теологияси ёдгорликлари», пневма ёки ЦИ, Санкхая, Веданта, Йога, Миманса, Вайшешика, Даосизм, Лао-Цзи, Конфуцийчилик. софистлар, материалистлар, идеализм.*

### **7.1. Антик даврнинг психологик назариялари**

Қадимдан маданий фикр ва руҳиятлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ва ривожланган. Шунинг учун қадимий грек-римликлар ҳаётининг ривожланишини Шарқ халқларидан ажратиб алоҳида ўрганиб бўлмайди. Инсон онги ривожлана борган сари турли ўзгаришлар содир бўлади. Секин-аста ишлаб чиқариш революцияси бўлади. Шаҳар қишлоқдан, ҳунармандлар қишлоқ хўжалигидан ажралиб бошлайдилар. Инсон ҳаёт тарзининг ўзгариши, қулларнинг кўпайиши, дарё йўлларининг очилиши қадимий греклар онгини бир неча баробар ўстиради. Қадимий афсоналарга ишониш, бир неча табиий фанлар (математика, география, астрономия, тиббиёт) билан танишиши улар онгининг ўсишига, фикр юритишига туртки бўлади.

Шу даврда материалистик фикрлайдиган бир неча файласуф ва олимлар етишиб чиқкан. Буларга Демокрит, Гиппократ, Анаксиманларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг изланишлари катта аҳамиятга эгадир.

Эрамиздан аввалги V асрда фалсафий фикрлар марказидан бири Афина эди. Шу вақтларда донишманликка ўргатувчи ўқитувчилар, софистлар йўналиши ривожланган. Турли муассасаларда софистлар одамларни доноликка, билимдонликка, ўз сўзларини ўtkазишига ўргатишар эди. Улар ўз дарсларида инсоннинг психологик сюжетларини, инсоннинг бошқа инсонларга муносабатларини муҳокама қилар эди. Уларнинг фикрига қарши Суқрот ўз фикри билан чиқкан. Эрамиздан аввалги IV асрда Платон ва Аристотеллар илмий асарларида фалсафий психологик фикрлар тизими инсон фикрини ўсишига катта таъсир қилиши ҳақида ёзганлар.

Платон Европа идеализмини бошловчиси ҳам ҳисобланади. Аристотель фалсафасидаги психологик фикрларда биологик йўналишлар бор эди.

Аристотель дунёни ақлий фикрлари алоҳида инсонларда ер юзида бўладиган ҳодисаларда юзага келади, деб тасдиқлайди.

Эллинистик йўналиши грек маданияти билан Шарқ ҳалқлари маданиятини яқинлаштиради. Эллинистик йўналиши фалсафасига кўра жамият турмуш тарзини ўзгартириб юборади. Инсон ўзини шахсий ўрнини жамиятда топиб олади. Бир неча маданият марказлари юзага келади. Фанлар, техника, тиббиётнинг ривожланиши психологияни фан сифатида ривожига катта таъсир кўрсатади. Лукреций ва Гален каби буюк алломаларни таъсири катта бўлган. Тарихда пайдо бўлган христиан дини инсонларни илмий қарашларига қарши чиқишида эксплуататор синфга катта қурол вазифасини бажарган.

**Психик табиатга оид қарашлар.** Рух ҳақида афсонавий тушунчалар хукмронлик қилган. Ҳар бир конкрет нарсаларни 2 та ёки ундан ортиқ руҳи бор, деб тушунилган. Инсоннинг атрофидаги олам шу руҳлар билан боғлиқ. Рух ҳақидаги фикрлар психологик тарихга эмас, балки бутун табиатга қарашлар билан боғлиқдир. Секин-аста табиатга илмий қарашлар орқали психологик фикрлар ҳам ўзгарди ва ривожланди. Инсонлар дунёни тушунишда афсоналардан воз кеча бошлади.

Эрамиздан аввалги VI асрга келиб табиат ва инсонни тушуниш психологик фаолиятда катта бурилиш ясади. Қалб ҳақидаги греклар таълимоти, психологик қарашлар ва улар ҳақидаги билимлар жуда қизиқарли эди. Қадимги файласуфлар рух ҳақидаги афсоналарга бошқача йўл билан таянишар эди.

Гераклит қалбни таърифлаши бўйича: ҳаводаги намлики худди шароб ичган одамни қалбига ўхшатади. Қанчалик қалби қуруқ бўлса у кучлидир ва ақллидир. Гераклит биринчи бўлиб психология тарихида организмдаги руҳий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаб беради. Руҳий ҳолат ўзида ички тушуниши ва ўйлаш, шу билан биргаликда тушуниш чегарасини, ҳақиқий хаётни тушунишини белгилаб беради.

Гераклит изланишлари нафақат янги ҳаёт мазмунини, балки инсоннинг ривожини тушунтириб беради. Анаксагор (эр.ав. 500-428) оламни бир неча сифатли ҳар хил қисмлардан тартибга солинади, деб ҳисоблар эди ва булар онг томонидан тартибга солинади, деб таъкидлар эди. У инсон ва табиатни ўз-ўзини бошқаришига эътибор беради.

Анаксагор онгни, ақлни нарсалардан ташқари ёки фазодан ташқари ҳаракат қиласи, деб таъкидлаган. Лекин, бунга Платон қарши чиқкан. У – “Анаксагор онг ҳақида гапирганда бошқа йўлга кириб қоляпти” деб айтган. Лекин, Анаксагорнинг илмий асарларида бундай чекинишлар йўқ. Анаксагор шундай ҳисоблар эди: қанчалик инсон танаси ривожланган, тўлиқ бўлса шу организмда ақл – онг мукаммал бўлади. У “Инсон жонзотлар ичида энг ақлли ҳисобланишига сабаб уни 2 та қўли борлигидадир” деб айтиб ўтган. Лекин, бу таълимотга Аристотель қарши чиқкан. Анаксагор фикрича, “ақл”, “онг” ўзида танани кўрсатади. Шунинг учун қалб материалистик томондан иккинчидир. Анаксагор детерменизм тамойилини тўлиқроқ тушунтириб берган.

Демокрит (эр.ав.460-370) **Левкиппдан** кейин оламнинг атомистик моделини яратди. Бутун коинотда, кенгликда, бутун оламда ўзгармас қонунларга биноан шарсимон бўлинмас ўт атомлари ҳаракатдадир, қайсики улар қалбни яратади. Шундай қилиб, қалб моддалар ичида унинг бир туридир.

Тарқалиш, йўқолиш ҳақидаги физик қонун танага тегишлидир, шунга кўра Демокрит қалбнинг барҳаётлигини тан олмайди.

Бу йўналишларга қарши қалбни барҳаётлигини ёки бошқа қалбга айланишини афсонавийликка яқинлигини ёқлаб бир неча мактаблар чиқди. Қадимги Римда икки мактаб Пифагор ва Платон мактаблари. Бу мактаблар қалбни доим барҳаётлигини, доимо айланиб юришини, яъни диний томондан ҳам таъкидлашар эди. Уларнинг фикрича, қалб танага бир жазо сифатида маҳкамлаб қўйилган. Оламнинг яратилиши Пифагор томонидан шундай таърифланади: олам нарсалардан эмас, балки арифметик-геометрик

структурага эга. Ер юзида барча нарсалар – ҳаракатдаги нарсаларнинг ҳаммаси рақамли ҳолатларни, қиёфани кўрсатади. Қалб ҳам гармония – танага қарама-қаршилик гармониясидир. Пифагор мактаби 200 йил яшади. Бу мактаб фикрловчилари сон ёки рақамни нарсалардан ажралмас деб, ҳисоблар эдилар. Лекин сонлар нарсалардан алоҳида ажралди.

Сүкрот (эр.ав. 470-399) у кўчадами, бозордами қанақа вақт бўлишига қарамай, инсонларни қизиқтирган саволларига жавоб берарди. Сүкрот бошқа файласуфлардан фарқ қилиб, берган маслаҳатига пул олмас эди. Унинг муҳлислари турли касб эгалари бой ёки камбағал синфидан эди. Сүкрот фаолиятида сұхбатдошига ўзи танлаган бир неча саволлар билан мурожаат қиласы ва саволларга аниқ тўғри жавоб беришга ёрдам берарди.

Сүкротни шиори «Ўзингни ўзинг ўрган, бил» бўлган, лекин бу фикри билан Сүкрот психологияда биринчи бўлиб тан олиш методикасига таянган эмас. Ўз таълимотига кўра Сүкрот ўз ички ҳис-туйғуларни билишга эмас, балки инсон ўз қилмишларини ўз юриш-туришини анализ қилишни тушунтириб беришни тушунган эди. Сүкрот фикрига кўра, инсонни ўз-ўзига муносабати интеллектуал ахлоқий сифатларни намоён қиласи.

Платон (эр.ав. 428-348) қалбнинг янгича талқинини яратди. Платон материализмга қарши қарашлари фалсафий қарашларида сиёсий тус олган. Ёшлар материализмдан худосизликка йўлиқди ва жамият дарз кетади, деб таъкидлар эди. Платон хақидаги бир неча асарлар тўлиғича етиб келмаган. Платон асос солган фалсафий назария бошқа заминда ривожланди.

Платон академиясига киришда шундай сўзлар ёзилган эди. «Геометрияни билмайдиган бу ерга кирмайди». Геометрик фигуранлар бир томонда сезилади, ҳис қилинади ва кўрилади. Платон ўз устози Сүкрот ўлимидан кейин Сүкрот юртига Жанубий Италияга саёҳат қилди. Сүкрот мактабларида бўлиб диалектик метод сұхбат қилишни ўрганди.

Фоялар биринчидан қайсики инсон яшаётган воқеаликда, иккинчидан реал эмас. Фоя – инсон ақл-заковати меваси эмас, балки ақл-заковати назарияга тақлид қиласи. Платон фикрича: назариялар, фикрлар фазовий

онгга қарашлидир, қалб олами эса буларни ҳаммасини – назариялар ва материяларни бирлаштиради.

Аристотель (эр.ав. 384-322) Платоннинг шогирди булган. У Кичик Осиё шаҳарларида илмий ишлар ва ўқитиш билан шуғулланган. Аристотель биология билан шуғулланар эди. У организмга биологик, генетик ёндашди ва табиатни психик томонидан тушунди. Аристотель «қалб» ҳақида шундай фикрга келди: қалб тирик жонзотларнинг бошланиши, танани ҳаётга тайёрлигини белгилайди. Унинг талқини бўйича «қалбни танадан ажратиб бўлмайди». «Қалб – бу тўлиқ ишловчи организмдир». Аристотель «Қалб ҳақида», «Ҳайвонлар қисми ҳақида» асарларида ва кичик психологик иншоларда «хотира ҳақида», «туш кўриш ҳақида» ўзининг психологик тушунчаларини ёзиб кўрсатди. Уни фикрича, рух ҳаёт тамойили сифатида биринчи ўринда туради. Рух орқали бошқариладиган органик ҳодисалар, ноорганик дунёга қарама-қарши қўйиларди. Бошқа қутбда эса қайсики ҳодисалар улкан қобилият, яъни идрок ақлга қарама-қарши қўйилган эди. Бу икки йўналишнинг бирлигини тиклаш учун Аристотель издошлари курашишиди. Бу изланишлар қадимги Римда фалсафий-психологик таълимотларда катта ишлар қилинишига сабаб бўлди. Энг катта ютуқлардан бири психологик ҳодисаларни тушунтиришда Аристотель биopsихологияси катта ютуққа эгадир, қайсики у ўзида учта йўналишни бирлаштириди: Гераклит, Демокрит, Анаксагор. Аристотель жонли табиатни организмни турли даражада ривожланишига ўхшатди. Демокритнинг шогирди, издоши Эпикур Демокритга тушунча, қалбни, умумбиологик ҳодисадан психологик ҳодисаларни бир-биридан ажратиб берди. Қалб 4 элементдан ташкил топган. Уларни ҳар бирини ўз вазифаси бор:

Олов – иссиқлик манбаи; Буғланиш – ҳарақат; Шамол – совуққонлик;  
Номсиз элемент – қалб.

Булар ҳаммаси психологик фаолиятни намоён қиласи. Эпикурнинг шогирди Лукреций номсиз материяни номлаш учун термин топди. Бу – рух қалбдан фарқ қиласи. Бу тушунчани Лукреций «Аёллар табиати ҳақида»

асаридаги ҳаракат турини, фарқини бир бутун «атомли» дунёда тушунтириб берди. «Қалб» Лукреций таърифи бўйича: актив фаолиятли танани ўзига бўйсундира олади унинг бундан идрок келиб чиқади.

Кейинги қадамлардан бири бу «онг» тушунчасининг келиб чиқиши. Римлик врач Гален онг тушунчасини ҳар томонлама тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Нерв-психологик фаолиятнинг анализида бизга таниш «пневма» бўлади. Стоиклар (таъсирида тарбияланган Гален) пневмани 2 га ажратишар эди. «Психик» ва «ўсувчи» сезги органларига таъсир органидаги «психологик пневмани» ҳолатини ўзгартиради, лекин бу шахсни ўз-ўзига ҳисоб беришига камлик қиласди. Қалб юқорига худога ёки пастга материал дунёга йўналмайди, балки ўзига-ўзи, ўз қобилият фаолиятини қабул қиласди деб таъкидлаган эди Платон.

Августин фикри ҳам Платон фикрига яқин туради. Унинг фикрича, қалбни мустақил ҳаракати танадан ташқари, лекин унинг қуроли сифатида қўлланилиши психик тана бўлишидир. Қадимги вақтда қалб ҳақида бир неча катта изланишлар бўлди. Қалб – бу олов, ҳаво рақам ҳаракатланувчи. Қалб деганда инсон яшаш учун керакли нарсалар эмас, балки бутун тирикчилик, ҳаёт тушунтирилган. Ҳозирги замон тили билан гапирганда психология физикани бир қисми, деб тушунилган. Инсонни фазо билан узлуксиз боғлиқлиги қуйидаги тушунчани аниқлар эди.

Психика-онг-идрок. Хотира зехн эмас, бу эсталиклар холос, балки қалбни олдинги ўзининг ҳаракатларини эслашдир. Лекин қалб бажарган ҳаракатларни эслашга эга эмас. Қалбга ҳозир бажариладиган вазифалар, сезиш ва интеллектуал ҳаракатлар ҳам хосдир. Шу билан бирга Платоннинг фикрича, афсоналар биз учун қимматлидир.

«Психология фан сифатида рух ҳақидаги таълимотдан бошланиши керак эди. Рух ҳақидаги таълимот одамзот томонидан илгари сурилган биринчи илмий гепотеза»дир деб ёзади Л.С.Выготский. Анита – рух ҳақидаги қарашлар ибтидоий жамоа давридаёқ мавжуд бўлган бўлсада, бу даврда табиат ва инсон ҳақидаги тасаввурлар туб бурилишга учраб, антик оламда

дастлабки рух ҳақидаги илмий фаразлар пайдо бўла бошлайди. Илмий психология ва ундаги барча муаммоларнинг боши шу ердадир.

«Қайси йўллар билан бормагин, барибир руҳнинг чегарасига боролмайсан» деган афоризм билан эфеслик Гераклит (эр. ав. 530-470) индивидуал рух ва коинот бирлиги ғоясини илгари сурди. Унга кўра барча нарса асосида олов ётаркан. Организмдаги олов учқуни психологиядаги – руҳдир. У «оловли ва нам» ҳолатда бўлади ва маст одам қаерга кетаётганини билмайди, чунки унинг психикаси намдир» – деб ёзади Гераклит. Унинг таъкидлашича рух намни умумий логос қонунлари билан белгиланади. Бу фикр билан Гераклит барча психик ҳодисалар моддий дунё қонунларига буйсунишини таъкидламоқчи бўлади. Детерминизм тамойилини жуда содда кўринишда таърифламоқчи бўлади. Лекин унинг ғоялари психик ҳаётнинг ҳамма эшикларни очишга калит бўла олмас эди. Гераклит ўзидан олдин ўтган милет мактаби файласуфлари Фалес, Анаксимандр, Анаксименларнинг рух бўлинмаслиги тўғрисидаги фикрларини издоши хисобланади.

Гераклитдаги рух учқунлари кейинчалик Демокрит (эр.ав.400-370)нинг таълимотида «оловли атомларга» айланди. Демокрит ва унинг устози **Левкипп** (эр. ав. 500-440) атомик материализм назариясини илгари сурдилар. Унга кўра барча нарсалар 2 та асосдан – бўлинмас ҳаракатчан, шарсимон ва енгил атомлардан ва бўшлиқлардан пайдо бўлади. Бу атомнинг энг ҳаракатчанлари, яъни олов атомлари руҳни ҳосил қиласди. Яна бир грек мутафаккири Анаксагор (эр. ав. 500-428)нинг барча нарсалар гамеомерий номли майда моддалардан ташкил топганлиги ва уларнинг ақл билан ва яъни рух билан бошқарилиши тўғрисидаги фикри ҳам Демокритнинг атомик қарашларига ўхшайди. Сочилиб кетишидан иборат физик қонунни тана учун ҳам тааллуқли деб ҳисоблаб, Демокрит руҳнинг абадийлигини инкор этади. Демокрит руҳнинг тана ҳаракатининг сабаби деб билади. Унинг ёзишича, рух оғир танага кириб ҳаракатга келтиради. Тана ўлгандан кейин эса у фазода тарқалиб кетади. Биз нафас олганимизда руҳни ташкил этувчи атомларни ютиб нафас чиқарганда руҳимизнинг бир қисмини ташқарига чиқариб

юборамиз. Шу тариқа руҳимиз доимо енгиллашиб туради, деб ҳисоблайди Демокрит. Унинг фикрича ҳамма нарсанинг ҳатто, ўликнинг ҳам руҳи бор, фақат жуда кам. Демокритнинг бундай фикри панпсихизмга яқинлашиб қолади. Танадан ташқари руҳ бўлиши мумкин эмас, деган умумий хукм чиқарди. У нафақат тана ва руҳ бирлиги балки руҳнинг ўзи тана эканлигини таъкидлайди. «Агар руҳ танани харакатлантирса, демак унинг ўзи тана кисми» деб ёзади. Демокрит, Эпикур, Лукреций, кабилар Демокрит руҳ ҳақидаги тасаввурларни ривожланишини давом эттирадилар. Лекин Эпикурга кўра руҳ атомлардан эмас, ўзгармас 4 элементлардан: олов – иссиқлик асоси, буғ – харакат асоси, шамол – совищ, номсиз 4-элемент – руҳдан иборат. Эпикурнинг номсиз элементини Лукреций «А», деб атади. Шунингдек, Эпикурнинг фикрича фақат сезиш хусусиятига эга нарсалардагина руҳ бўлади.

### **Қадимги Шарқда психологик қараашларнинг пайдо бўлиши.**

Эрамизгача бир неча минг йиллар олдин Шарқда Миср, Ҳиндистон, Хитой каби буюк цивилизациялар пайдо бўлди ва айнан шу ерларда бошланган ғоялар тараққиёти, ҳозирги замон илмий тизимининг шаклланишига олиб келди. Айнан шу мамлакатларда жоннинг ўлмаслиги, вужудни ташлаб хоҳлаган томонга йўл олиши ҳақидаги дастлабки тасаввурлар вужудга келди.

Даставвал вужудга келган руҳ ҳақидаги тасаввурлардан бири тирик вужуд ташқи муҳитга боғлиқдир, жоннинг фаолияти эса ўз навбатида вужуднинг ҳаёти билан боғлиқ, деган тасаввурлар эди. Эрамизгача IV минг йилликнинг охирида Мисрда яратилган «Мемфис теологияси ёдгорликлари»да психик фаолият механизмлари қуидагича тасвиrlenади: бутун дунёning яратувчиси худо Птах одамлар нимани ўйлашмасин ва нимани сўзлашмасин, уларнинг юраклари ва тилларини У идора қиласи. Лекин У бундай бошқаришни вужуддаги органлар тизими орқали амалга оширади. Сезги органларининг аҳамияти шуки, «Худолар кўзнинг кўришини, кулоқнинг эшлишини, буруннинг нафас олишини юракка хабар

юборишлари учун яратишган». Юрек эса онгнинг ҳар қандай турини пайдо қиласди. Бошқача айтганда, айнан шу даврдан бошлаб онгли фаолиятнинг маркази юрак деган дастлабки тасаввурлар пайдо бўла бошлади.

Хитой тиббиётининг манбаи ҳисобланадиган «Ички аъзолар ҳақида» деб номланувчи китобда айтиладики, вужуднинг ҳокими мутлақи юрак бўлиб, ҳаёт фаолиятини, шунингдек психик фаолиятни ҳам таъминловчи қувват ҳавосимон бирикма ЦИ ҳисобланади. ЦИ инсонга ўйлаш қобилиятини ва ҳиссиётни ато қиласди. Ўйлаш юрак функцияси, ҳиссиёт эса жигарда жойлашгандир.

Ҳинд ва Хитой табиблари темпераментни учта асосга кўра фарқлаганлар: ҳавосимон бирикма (пневма ёки ЦИ), сафро ва шиллик модда. Хитой тиббиётида шунга кўра учта типдаги одамларни ажратишган:

1. Сафро ёки қони кўп одамлар – кучли ва йўлбарсдек жасур.

2. ЦИ кўп одамлар – ҳаракатчан, тез йиғлаб, тез куладиган ўзини тута олмайдиган, хулқ чегараси бўйича маймунга ўхшайдиган.

3. Шиллик моддаси кўп одамлар – кам ҳаракатли, журъатсиз.

Ҳиндистон ва Хитойда фалсафий йўналишлар эрамизгача биринчи минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўла бошлаган.

Ҳиндистон учун фалсафий фикрларнинг асоси сифатида Ведалар хизмат қиласди. Ведаларда жон муаммоси биринчи навбатда ахлоқ нуқтаи-назаридан мухокама қилинади. Инсоннинг ўз-ўзини камолотга етказиб, тўғри хулқ орқали комилликка етишиши жон муаммосининг асосий мағзини ташкил қиласди. Жоннинг кўчиши ҳақида Ведаларда атрофлича фикр юритилади.

Ҳиндистонда Жайнизм ва Буддизм каби диний таълимотлар шу йўсинда шаклланган. Жайнизм вужудни жон эрксизлигининг манбаи деб билса, Буддизм жонни алохида мавжудлик деб тан олмайди. Уларнинг таълимотига кўра психик ҳолат бу бир-бирини такрорламайдиган дақиқалар оқими, бир-бирини алмаштирувчи ҳолатлардан иборатдир. Кейинчалик пайдо бўлган Санкхая, Веданта, Йога, Миманса, Вайшешика каби фалсафий мактабларда ҳам жонни ўрганиш асосан метафизик – ахлоқий масалаларга боғланади.

Веданта таълимоти бўйича «мен» – алоҳида интуитив онгдир, унда объект ва субъект йўқ, у чексиз фазовий онг, дунёниг асосидир.

Йога мактаби эса илоҳиёт билан бевосита мулоқотда бўлиш учун психик фаолиятнинг ҳамма шаклларидан фойдаланиш керак, деб таълим беради. Йога ички психик актларни ва вужуд функцияси (вужуднинг фазодаги ҳолати, нафас ва бошқаларни) бошқаришни ўз ичига оловчи усувлар тизимини ишлаб чиқди.

Психик фаолиятни талқин қилишдаги ахлоқий йўналиш Хитой фалсафий мактаблари: даосизм асосчиси Лао-Цзи ва конфуцийчилик асосчиси Конфуций (эрамизгача 451-479 й.) мактабларида ҳам яққол қўринади.

Даосизм инсон ўз хулқ-авторини дао постулатлари асосида қўриши керак, деб таълим берса, конфуцийчилик – урф-одат, анъана, ахлоқий тушунчаларга эътибор беради. Конфуций биринчи марта инсон психологиясидаги туғма ва ўзлаштирилган хусусиятлар муаммосини кўтарди. Унинг фикрича билим ва психик сифатлар туғма бўлади. Инсон ўз табиатига кўра меҳр-шафқатли бўлади, уни ташқи муҳит бузади. Демак, муҳитнинг зарарли таъсирини йўқотиш учун инсон фикрини жамлаши, ўз-ўзини такомиллаштириши керак. Шу фикрни Конфуцийнинг издоши Мин-Цзи (эрамизгача 372-289 й.) ҳам ҳимоя қилган. Лекин кейинчалик бошқа шу йўналиш вакили Сун-Цзи (эрамизгача 298-238 й.) камтарлик меҳр-шафқатлилик каби ижобий ахлоқий сифатларнинг туғмалигини рад этиб, инсон ўз табиатига кўра шафқатсиз, фақат тарбиягина уни меҳр-шафқатли қила олади, дейди. Унинг фикрича, агар инсон табиатан хушфеъл бўлса, унда тарбиянинг нима кераги бор? Сун Цзи инсон характеристи кулол лойдан ясаган кўзага ўхшайди, деб таъкидлаган.

Ахлоқий масалалардан ташқари Ҳинд ва Хитой фалсафий таълимотларида билиш фаолияти хақида ҳам эътиборга сазовор фикрлар шаклланган.

Ҳинд фалсафий адабиётида идрокнинг ноаниқ ва аниқ турлари ажратилади. Биринчиси предметнинг органга бевосита тегиши натижасида

юзага келадиган сенсор-идрок бўлса, иккинчиси сўзда ифодаланган, бўлакларга бўлинган идрокдир.

Буддистлар аниқ идрок ақл таъсири билан бузилганлиги, субстанция, тур категорияларига амалий мақсад кўзлаб киритилганлиги туфайли ҳам энди идрок бўлмай қолади, деб ҳисоблашган.

Ҳинд психологияк таълимотларида идрок иллюзияси, галлюцинациялар, туш кўриш, шунингдек юқори сезувчи идрок масалалари алохида ўрин эгаллаган. Миманса мактабининг вакили Бхатта таълимотича, образ реаллиги ва иллюзияси ташқи объект билан сезги органи ўртасидаги муносабатлар хартеридан келиб чиқади. Агар муносабат бузилса иллюзия пайдо бўлади. Бузилиш периферик (сезги органида) бўлса иллюзия марказий бўлса галлюцинация пайдо бўлади. Туш эса онг остидаги хотираларнинг жонланишидир.

Идеализм (фр. *idealisme*) – идеализм: фалсафанинг бош масаласи – онгнинг борлиққа муносабати масаласида материализмга қарама-қарши ўлароқ онг, рух бирламчи, моддий дунё, борлиқ эса иккиламчи, онг сезги, тасаввур ва тушунчаларнинг маҳсулидир, деб даъво қилувчи фалсафий оқим.

Идеалистлар материалистларга қарама-қарши ўлароқ, психика тан билан яширин йўсинда бирлашган, инсон ўлгач, танани ташлаб «нариги дунёга», ғоялар дунёсига кетиб, у ерда абадий яшайдиган моддий бўлмаган қандайдир илоҳий субстанция ёки моҳиятнинг намоён бўлишидир, деб тушунадилар.

Материализм (лот. *Materialis* – моддий) фалсафасидаги икки асосий оқимдан бири, яъни идеализмга қарама-қарши ўлароқ, бирдан бир илмий, тарихан прогрессив дунёқарашдир. Фалсафа тафаккурнинг борлиққа муносабати ҳақидаги бош масаласини ҳал қилишда материализм дунё ўз табиатига кўра моддийдир, материя, табиат, борлиқ, инсон онгидан ташқари унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, материя бирламчи ҳамда сезгиларнинг манбаидир, онг эса иккиламчи, ҳосила нарсадир, дунёни ва унинг қонуниятларини тўлиқ билиш мумкин, деб таълим беради.

Материализм фалсафий оқим сифатида эрамиздан бир қанча асрлар аввал қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Грецияда пайдо бўлган.

Эрамиздан аввалги бир неча минг йиллар илгари Шарқда қадим цивилизациялар – Миср, Ҳиндистон, Хитой цивилизацияси таркиб топган. Улардаги ғоялар асосида замонавий фанлар ривожланади.

Милоддан аввалги бир неча минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистон ва Хитойда иккинчи минг йилликда пайдо бўлган «Веда» матнларига асосланади. Ведаларнинг якуни сифатида кейинчалик эр.ав биринчи минг йилликда Упанишадалар пайдо бўлган. Уларда рух муаммоси қўпроқ этник муаммо сифатида шахсни етукликка эришишининг нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва қабул қилинган умумий ғоялар, яъни руҳнинг учиб юриши унинг агадийлиги ушбу манбаларда ўз аксини топган. Шу асосда эр.аввалги 3-асрда жайнизм ва буддизм дини таълимотининг мазмуни шаклланди, ҳамда руҳий ҳодисаларнинг тана билан бўлган муносабатига доир ўз қарашларини ифода этди. Жайнизмда тана рух эркинлигини сабабчиси деб таърифланган бўлса, буддизмда умуман рухни алоҳидалигини инкор этган. Кейинчалик пайдо бўлган Санъя Веданта, Йога, Миманса фалсафа мактаблари ҳам руҳни ўрганишга метафизик этик томондан ёндашдилар. Ведантада Упанишададаги идеалистик ғоялар илгари сурилди. Уларда Атаман ва Брахман ҳақида фикр юритилди. Бу фикрга кўра рух доим тананинг интилишлари ва ҳиссий кечинмалари ортида яширинган бўлади. Қатъий интизом орқали рух булардан халос бўлиб, агадий Брахман даражасига етади. Йога таълимотида эса ҳақиқий юксакликка эришиш учун психик фаолиятга тўсқинлик қилаётган томонларни бартараф қилиш керак бўлади, дейилади. Бунинг учун йогалар махсус 8 оламни: аввал тана ҳаракатларини (нафас олиш гавда ҳаракатлари, кейин психик актлар) диққат тафаккурини бошқариш услубларини ишлаб чиқкан. Йогалар томонидан ишлаб чиқилган сезги чегараларида нарсаларни идрок этиш, кўриш, галлюцинация, идрок иллюзияси ҳиндарнинг психологик таълимотида катта ўрин эгаллаган.

## **7.2. Ўрта асрларда психологиянинг умумий тавсифи. V-XI асрларда**

### **Европада психологик билимларнинг ривожланиши**

Платон билан Аристотель яратган рух ҳақидаги таълимот ўрта асрларда Шарқда ҳам, Гарбда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди. Психологиядаги бу оқим кейинчалик (XVIII асрда) метафизик ёки рационалистик психология деб ном олади.

Психология шунинг учун ҳам метафизик деб аталадики, унинг текшириш предмети бўлган – рух психик жараёнлар – физик ҳиссий дунё чегарасидан ташқарида мавжуд моҳият, ғайри жисмоний бир нарса деб тушунтирилади; шунинг учун ҳам рационалистик деб аталадики, унинг текшириш методи тажрибадан ажратилган фақат қуруқ мулоҳазадан иборат эди.

Ўрта аср мутафаккирларининг рух ва руҳий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, асосан, руҳнинг моҳияти ҳақидаги, унинг кучи, қобилиятлари ва келиб чиқиши ҳақидаги, унинг тана ўлгандан кейинги тақдирни ҳақидаги, руҳнинг танага бўлган муносабати ҳақидаги масалаларга қаратилган эди.

Руҳнинг моҳияти ҳақидаги масала, одатда, Платон ва Аристотелларда қандай ҳал қилинган бўлса, худди шундай ҳал қилинар эди. Рух ўз табиатига кўра барча моддий ва жисмоний нарсаларга қарама-қарши қўйилар эди. Рух ўз табиатига кўра алоҳида қобилиятларга эгадир, деб фикр юритиларди.

Шунингдек, ўрта аср мутафаккирлари ирода масаласига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Масалан, Августин Иппонский (353-430 й.) биринчи бўлиб кишининг бошқа руҳий қобилиятлари орасида ироданинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритган. Ироданинг устунлиги ҳақида, айниқса, Дунс Скотт (1265-1308 й.) нинг таълимоти жуда яққолдир. Унинг айтишича, ирода ақлдан ҳам юқори туради.

Бутун ўрта аср тарихи мобайнида, ундан кейинги вақтларда ҳам, фалсафа ва психологияда ирода эркинлиги ҳақидаги тортишув жуда катта

ўрин эгаллади. Бу масала бўйича V асрдаёқ иккита оқим – детерминизм ва индетерминизм пайдо бўлган.

**Детерминистлар** (лот. determinare – белгиламоқ) инсон иродаси дунёдаги ҳамма нарсалар сингари сабабият қонунига бўйсунади, бинобарин, инсоннинг барча иродавий ҳаракатлари ҳам эркин эмас, балки зарурият билан, ўз сабаблари билан белгиланади деб таълим берадилар.

**Индетерминистлар** аксинча, инсон иродаси ва унинг ҳатти-ҳаракатлари ҳар қандай сабабиятдан ҳоли ҳамда заруриятга боғлиқ эмас, деб таълим берадилар. Индетерминизм соф идеалистик таълимот эди. Детерминизмда эса идеалистик тенденциялар ифодаланган эди.

Умумий ва мавхум тушунчалар ҳақидаги масала ҳам ирова эркинлиги ҳақидаги масаладан кам тортишувларга сабабчи бўлмайди. Бунда икки оқим – реалистлар билан номиналистлар ўртасида тортишув кетади.

**Реалистлар** – умумий тушунчалар («универсаллилар» ўша вактда шундай деб аташарди) реал, объектив ҳолда мавжуддир ва инсон ақлида якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда акс этади, деб даъво қилдилар. Шундай қилиб, реалистлар фақат Платоннинг нариги дунё идея (ғоя)лар дунёси ҳақидаги, ҳар бир киши ақлидаги бу ғояларнинг туғма эканлиги ҳақидаги таълимотини тақорорладилар, холос.

Анзельм Кентербенский (1033-1109 й.) ва Шамполик Вилгельм (1121-1170 й.) лар реализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари эди.

**Номиналистлар** (лат. nominale – ном, от) умумий тушунчаларни фақат предметларнинг номларидир, деб ҳисоблайдилар. Реалистларга қарама-карши ўлароқ, номиналистлар фақат индивидуал сифатларга эга бўлган алоҳида-алоҳида нарсаларгина реал мавжуддир, – деб даъво қилганлар. Умумий тушунчалар эса фақат биз бутунликка кирадиган предметларнинг ҳаммасига тадбиқ қилинадиган сўзлардир. Номиналистларнинг таълимотларида баъзи бир ўрта аср мутафаккирларининг материалистик тенденцияларида ҳам ифодаланган. Номинализмнинг энг кўзга кўринган

вакиллари И.Росцелин (1050-1125 й.), Дунс Скотт (1265-1308 й.), Вильям Оккам (1200-1349 й.)лар эдилар.

Айрим психик жараёнларни тушунтиришда ҳам баъзи бир психологларда материалистик элемент ва тенденциялар намоён бўлди. Масалан, Ўрта Осиёлик шифокор ва файласуф Ибн Сино (980-1037 й.) ва араб мутафаккири Ибн Рашид (1125-1198 й.)лар Аристотелга эргашиб, «сезувчи рухнинг ҳаракатланувчи ва жозибадор кучларини» ўрганиш учун ҳаракат қилдилар. Улар сезгиларни келтириб чиқарган қўзғовчилардан фарқ қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани қўядилар, онг фаолияти билан физиологик жараёнлар ўртасида яқин алоқа ва боғланишлар ўрнатишга интиладилар.

Қадимги Россияда китоб маданияти бошланиши билан (Х-XI асрларда) психология соҳасида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларида қандай таркиб топган бўлса, худди ўша ҳолда фикр ва билимлар тарқала бошлайди.

Бу билимларнинг энг муҳим манбаи Византия мутафаккирлари Иоганн Дамаскиннинг (673-777 й.) грек тилидан славян тилига таржима қилинган «Диалектика» ва «Ҳақиқий имон ҳақида» номли асарлари эди.

И.Дамаскин таълимотига кўра, рух алоҳида илоҳий субстанциядир. У сўз, ақл-идрок ҳамда эркин иродага эга бўлган ғайри жисмоний, оддий, тирик ва абадий моҳиятдир. Айни вақтда рух инсон танаси билан бирикиб битта мавжудотни ташкил қиласи. Уни инсоннинг ўсиш ва кўпайиш каби функцияларидан ажратиш мумкин эмас. Рух тана органларидан ўз қуроллари сифатида фойдаланади ва хулқ ҳамда ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Дамаскин рух танага боғлиқ: масалан, у биологик ўсишга ва бошқа ташқи сабабларга қараб ўзгаради, деб таъкидлайди.

Абу Наср Форобийнинг психологик қарашлари. Абу Наср Форобий Яқин ва Ўрта Шарқда илгор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бири бўлиб, «Шарқ Аристотели» деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккир. Форобий (873-950) дунёкарашининг асоси, яъни дунёning тузилиши ҳақидаги тушунчасини «пантеистик» деган фикр ташкил этади.

Мавжудот ягона бошлангичдан поғонама-поғона вужудга келган, яккалиқдан кўпликка, ранг-барангликка борган. Унинг дунёқарашидаги асосий мақсадлардан бири илмий-фалсафий усулнинг мустақиллигини назарий жиҳатдан асослаб беришга, унинг инсон тафаккурига, ақлий билимига асосланганлигини исботлашга интилишdir.

Форобий билишнинг икки шакли босқичини – ҳиссий ва хаёлий, ақлий билишни бир-биридан фарқлайди. У сезги ролига тўхталиб, беш турга бўлади.

Форобий сезгини билишнинг манбаи деб ҳисоблаган, унинг қарашлари Аристотелнинг «сезмаган одам ҳеч нарсани билмайди ҳам, тушунмайди ҳам» деган қарашларига ўхшаб кетади.

Форобий инсон (руҳ) жонининг бир тандан бошқасига ўтиб, қўчиб юриши мумкинлигини инкор этади ва уни балки тан каби индивидуал «субстанциясининг бирлиги» сифатида тушунади. Унинг фикри изчил эмас эди. Бундай иккиланиш Аристотелга ҳам хос бўлган.

Форобийнинг руҳий жараёнлар, уларнинг билиш ва мантиқ тизими ҳақидаги таълимоти ўрта асрлар фалсафасининг катта ютуғи эди.

Ал Хоразмийнинг психологик қарашлари. Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий ҳам Ўрта Осиёning буюк мутафаккирларидан бири ҳисобланади. Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий дунёқарашининг муҳим томони, унинг кенг билими, илмнинг кўп жабҳалари масалаларини тушунишга объектив ёндашишга қаратилган. Хусусан, унинг тиб, одам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билими ҳиссий сезгининг моддий асосларини қидиришга ёрдам беради. «Шахсий руҳ – у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади» дейди. Ўрта аср Шарқ **перипатетик**лари учун ақл билимнинг яна бир манбаидир. Улар ақлни икки турга – тугма ва орттирилган ақлга ажратишади. Хоразмий ақлни одам нафсларининг кучларидан бири деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, Абу Абдуллоҳ ал Хоразмийнинг психологик фалсафий қарашлари ўз даври илмий дунёқарашининг ривожига катта ҳисса қўшган.

VIII асрда исломда турли йўналишлар пайдо бўлди. Булардан мутакаллимлар, уларнинг психик таълимотига кўра ҳиссий билишнинг аҳамиятини, билимларимизнинг воқеликка мувофиқ келишини инкор этишидир. Улар нимаики ўzlари учун номақбул бўлса (ҳиссий билиш билан боғлиқ бўлган сезги маълумотлари ва билимни инкор этиш ёрдамида) ҳаммасини инкор этадилар ва уларга нимаики тасдиқлаш лозим бўлса, ҳамма тасаввур қилиш мумкин бўлган нарсага йўл қўйиш ёрдамида ҳаммасига йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Сўфизм таълимотида бутун одам худонинг мужассамланишидан бошқа нарса эмас. Худо ҳамма кўринадиган нарсаларда мавжуд. Нарсалар эса ўз навбатида худода мавжуд. Дунё – рух шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу руҳнинг бир қисми, эртами кечми у билан қўшилади. Бу қўшилиш худога яқинлашишнинг асосий босқичи – шариат, тараққиёт, маърифат ва ҳақиқат олиб келади. Сўфизмга кўра худо билан қўшилишнинг ўзи – энг олийроҳат. Сўфизм худога ақл ёрдамида ишониш эмас, балки унга ички ҳиссиёт орқали яқинлашишга катта эътибор беради.

### **7.3. Психологияда рационализм ва сенсуализм**

Францияда энг аввало Вольтер (1694-1778) ва Кондельяк (1715-1780) тажрибали билимлар метафизика ва схоластиканинг ўткир танқидчилари томонидан фикр юритилган. Кондельяк ўзининг “Ҳис қилиш ҳақидаги трактат”ида (1754) ўз олдига ҳар хил ҳал қилинган шу вазифани қўйдики, у сезгилар билишга соф қобилиятнинг дастлаб бошқа нарсани ўз ичига олмайдиган ҳайкал моделини таклиф қилди. Ҳайкал биринчи бўлиб ҳис қилишни олади. Бир ҳид бошқаси билан алмашади ва бу ҳамма нарсани билишга етарли бўлади. Декарт ўзининг қалб актларида туғилган ғоялар ҳисобига муносабатда бўлди, Локк эса рефлексия ҳисобига, кучли ва кутилмаган ҳис қилиш диққатни пайдо қиласи: бу ҳис қилиш яна тақрорланса, бизнинг олдимизда хотира пайдо бўлади. Икки ҳис қилиш солиштириш, фарқ, муҳокама ва шу каби интеллектнинг мураккаб

харакатигача бўлган яқинликни беради. Ҳар бир ҳис қилиш сезиш тонига эга. У ёқимли ва ёқимсиз бўлади. Ижобий ва салбий йўналишдаги ирода импульси пайдо бўлади.

Кондельяк ҳайкали Декартнинг жонли машинасидан шуниси билан фарқ қиласидики, унинг танаси психик йўналишлари учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Кондельяк сенсуализми феноменалистик характер касб этди. Франциянинг жамоатчилик ҳаёти секин-аста материалистик дунёқарашни эски тартибларини бузишга йўналтирилган хулосаларни талаб қилди.

Француз врачи Ламетри (1709-1751) сенсуализмни Декартнинг жонли танани машина шаклидаги хулқи ҳақидаги таълимоти билан бирлаштиргди. У тасдиқладики, икки субстанцияни Декарт томонидан бўлиниш теологлари алдаш учун ўйлаб топилган «стилистик айёрлик» эканлигини жон ҳақиқатдан ҳам мавжуд, факат уни танадан ажратиш мумкин эмас, тана қанчалик машина бўлса, у ҳолда одам ҳам уни жонли қобилиятлари билан бир бутунликда ҳис этадиган, фикрлайдиган хузур-ҳаловатга интиладиган курилмадир. Машина сўзи остида моддий детерминация кўринишдаги тизим кўзда тутилган.

1748 йил Лондонда инглиз олими Шарканинг «Одам-машина» деб номланган ва ўз номи билан чақириқ сифатида янграган трактати босмадан чиқди. Бу нарса гўё китоблар атрофида бўрон кўтарди. Ламетри трактати Француз фалсафий-психологик фикрларни ривожлантиришга жанговар материализмга айланма бурилиш намойиш этди.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида психологик қарашларнинг пайдо бўлиши тарихини тушунтириб беринг.
2. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойдаги психологик фикрларни изоҳланг.
3. Аристотель асарларидаги психологик қарашлар қандай ёритилган?
4. Гиппократнинг темперамент ҳақидаги таълимотини тушунтириб беринг?

## **VIII-БОБ. XVIII-XIX АСРЛАРДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

*Таянч тушунчалар: Нерв машинаси, неврологик амалиёт, детерминацион рух, физиологик тизим, ирода импульси, ассоциация, скептизм, классик идеализм, психодинамика.*

### **8.1. XVIII аср психологиясига умумий тавсиф. Француз ва немис психологиясининг ривожланиши**

Киши онгига муқаррар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади. Унда мураккаб объектив энг аввало одамни ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам (жалб этилган ижтимоий) бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади: бемор бунга қадар беҳад севган онасини сўймайдиган бўлиб қолади, яқин кишилари тўғрисида зарда билан гапиради ва ҳоказо. Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятларининг шаклланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шарти тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида одам билимлар ҳосил қиласи, киши дунёга келгунга қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойитади. А.И.Герцен шундай деб ёзган эди: «Ҳар бир киши илдизлари сол бўлмаса одам ато замонларига бориб етадиган даҳшатли шажарага таянади: соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан - бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари ..... Тил алоҳида объектив тизимтик унда ижтимоий тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Конкret одам томонидан ўзлаштирилар экан, тил маълум **бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади.** Тил – амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир.....». Онг тушунчasi психологияда, психиатрияда ва бошқа шу каби фанларда унинг юқорида

келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиатрларни беморда онги бузилганлиги масаласи доимо қизиктиради, шу туфайли улар онг деганда беморнинг ўз-ўзига қаердалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳам ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бериш имкониятларни тушунадилар. Онги яхши сақланиб қолган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидағи мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятга нисбатан таркиб топган муносабатлар тизимини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз ҳатти-ҳаракатини идора қиласиди. Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, факат одамларга хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди.

Психиканинг қуи даражаси онгсизликдан иборатdir. Онгсизлик – кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган таассуротлар билан боғлиқ психик жараёнлар, ҳаракатлар ва ҳолатлар йиғиндисидир. Психик ҳолат сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришнинг шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади, ҳатти-ҳаракатнинг нутқ ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликка қуидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйқу пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (туш кўриш), сезилмайдиган, лекин ҳақиқатда ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга жавоб реакциялари - олдинлари онгли ҳаракат бўлиб лекин такрорланавериб автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англашмайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар, фаолиятга ундовчи, аммо мақсад ҳиссини англамайдиган айrim майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир патологик ҳодисаларни англаш, қўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу қабиларни ҳам қўшиш мумкин. Шуларга асосланиб онгсизликни онгга қарама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Онгсизлик – бу кишининг худди онглилик каби ўзига хос психик қиёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил

бўлмаган қисмлар акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шартшароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

XVII аср психологлар кўз ўнгида психикага бўлган қарашларнинг тубдан ўзгариши даври сифатида намоён бўлади. Психологик фикр тараққиётидаги янги даврни «фанлар маликаси» бўлиб ҳисобланган механика таъсирида пайдо бўлган концепциялар очиб берди. XVII асрга оид психологик фикрларнинг ўзига хос томонлари талқинда очиқ намоён бўлади.

а) тушунтириш учун ҳеч қандай руҳга муҳтоҷ бўлмаган тана – механик тизим ҳақидаги таълимот;

б) ички кузатиш орқали ўз психик ҳолати ҳақида ҳамма нарсани билиш мумкин бўлган индивиднинг онги ҳақидаги таълимот;

в) инсон фаолиятини унга фойдали нарсалар томон йўналтирувчи ёки зарарли нарсалардан қайтарувчи эҳтирослар (аффектлар) ҳақидаги таълимот;

г) физиологик ва психологик томонлар ўртасидаги муносабати ҳақидаги таълимот.

Бу таълимотларнинг асосида фаннинг улуғ заҳматкашлари Рене Декарт (1598-1660), Бенедит Спиноза (1632-1677), Томас Гоббс (1588-1679), Джон Локк (1632-1704), Гомфриц Лейбниц (1646-1716) кабилар турад эди.

Француз математиги, табиатшунос ва файласуфи Декартнинг исми билан психология тарихидаги ғоят муҳим босқич боғланган. Айнан у ўзининг онг ҳақидаги таълимоти билан Аристотелнинг руҳ ҳақидаги таълимотидан психика тўғрисидаги тушунчаларнинг ажралиб чиқиши учун асос яратди. У автомат каби механик ишловчи организм моделини танлайди ва у билан ўша кунларгача руҳ билан бошқарилувчи бўлиб ҳисобланган тирик танани унинг таъсиридан «халос этди». Шу даврда Гарвей томонидан қон айланишининг кашф қилиниши «организм механик машина» деган фикрни ривожлантирди. Унда юрак қон ўтказувчи насос бўлиб ҳисобланади ва бу жараёнда руҳнинг ҳеч қандай функцияси йўқ деб таълим берилди. Декартгача барча фаолият жараёнлари ердаги ҳаёт ташқарисидан энергия олувчи маҳсус агент руҳ билан бошқарилади, деб ҳисоблаб келинди. Аммо Декартдан бошлаб, тана

механика қонунларига асосан тузилган автотизимдир, ундағи органларнинг ишлаши ҳам тананинг фаолияти ҳам, бошқа таналар билан алоқаси ҳам рухга мұхтож әмас, деб тақидланди. Лекин бу билан рух «иішсиз» бўлиб қолдими? Йўқ, Декарт рухни ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган олий субстанциягача кўтарди. «Рух онгнинг узлуксиз бўлмаган ҳодисалари-фикрларидан иборат» деб айтди олим. Рухнинг бирдан бир асосий белгиси унинг фикрлашидир. Фикрлашдан тўхташ рухнинг йўқ бўлишига олиб келади, деб ҳисоблади. Декарт тана ва рух субстанцияларини ўзаро таққослаш шунга олиб келадики, Декарт тана ўз табиатига бўлинувчи, рух эса бўлинмас, шунинг учун у турли хил нарса деган хулосага келди. Декарт дуализмининг маъноси шуки, тана ва рух мустақил субстанциялардир. Уларнинг ҳар қайсиси мавжуд бўлиши учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага мұхтож әмас. «Рух бутунлай менинг танамдан айри бўлиб, у танамсиз ҳам мавжуд бўла олади». «Биздаги иссиқлик ва ҳаракат фикрга боғлиқ бўлмагани учун улар фақат танамизга тегишлидир» деб ёзади Декарт.

Буни Декарт рухсиз таналар ҳам, масалан, олов иссиқликка эга бўлиши ва ҳаракатланиши билан исботлашга ҳаракат қиласи. Декартнинг фикрича, ҳаётни рух билан боғлаганлар хато қиласидар. Негаки «ўлим ҳеч қачон рух туфайли содир бўлмайди, балки тананинг мұхим қисмидаги бузилиши туфайли рўй беради».

Декартга кўра асосларнинг асоси шубҳланишдир. Унинг фикрича ҳамма табиий ва гайри табиий нарсалардан шубҳаланиш керак. Чунки шубҳаланганды одам фикрлайди. Бунда Декартнинг машхур афоризми – мен фикрлайпман, бундан чиқди, мавжудман. Ўзининг асосий фикрларини Декарт «Ақлни бошқариш қоидалари», «Рухлар эҳтирослари», «Одам хақида» номли асарида баён этди.

Декартнинг биринчи оппоненти бўлиб голландиялик файласуф Спиноза чиқди. Гегелнинг фикрича, Б.Спиноза Декарт фалсафасидаги дуализмни олиб ташлади. Унга кўра ягона ва абадий ажralмас хусусиятларга эга бўлган субстанция - бу табиат. Шунинг учун одамни субстанциялар учрашадиган

«жой» сифатида Спиноза инкор этади. Одам бир бутун моддий ва руҳий мавжудот, деб билади. Ҳеч ким Спинозачалик Декартнинг дуализми организмга машина сингари муносабатда бўлганини англамаган. Ўзининг энг машхур психологик асари «Этика»да файласуф дастлаб субстанциялар масаласида тўхталади. Шу ерданоқ унинг қарашлари Декартнинг қарашларидан узоқлашади. Декартдан фарқли равишда Спиноза монистик таълимотни илгари сурди. Субстанция деганда Спиноза биздан ташқарида жойлашган табиатни тушунади. Бу субстанция ўз навбатида бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, инсон уларнинг фақат иккитаси - тана ва фикрни билган. Шунинг учун рух ва тана битта индивидуални, яъни фикрлайдиган танани ташкил этган. Алоҳида руҳий субстанциянинг борлигини Спиноза инкор этади, лекин материя ва тафаккур бирлиги муаммосини охирида очиб беролмади. Субстанциялар таълимоти асосида Спиноза инсоннинг ҳиссий ҳолатлари – аффектлар масаласини ёритиб берди. Ўзининг аффектлар ҳақидаги таълимотида аффектларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг табиати: одамларнинг аффектларга қуллиги ва аффектларнинг кучи; инсон озодлиги ва инсон ақлининг кучи масалалари юзасидан тўхталди. Аффектларни Спиноза табиий ҳодиса деб билади. Аффектлар орасидан Спиноза З тасини алоҳида ажратиб кўрсатади. 1. Хоҳлаш. 2. Қониқиши. 3. Қониқмаслик. Қолган барча эмоциялар шулардан пайдо бўлади, деб ҳисоблайди Спиноза. Спиноза аффектлар бутунлай инсон иродасига боғлиқ ва уларни тўлиқ бошқариш мумкин, деган фикрга қўшилмайди. Бу борада у аффектларни инсон устидан ўтказадиган ҳукмронлиги ҳақида фикр юритади. Барча аффектлар Спинозанинг фикрича, инсонни шундай ҳолатга олиб келадики, бунда у ўз-ўзини бошқара олмайди. Тасодифларга қарам бўлиб, аниқлик кўз олдида, ноаниқлик томон боради, озодлик эса аффектларга эргашишда эмас, балки уларни ақлга бўйсундиришдир. Спиноза психологияси онгнинг психологик объект сифатида шаклланиши йўлидаги Декартдан кейинги муҳим қадам бўлди.

Эмпирик психологиянинг «отаси» Гоббснинг ватандоши Ж.Локк бўлган. Унинг «Инсон ақли ҳақидаги тажриба» асари психологиянинг кейинги тараққиётига кучли таъсир этди. Локкнинг мақсади инсон билишининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тажрибавий ўрганишдан иборат эди. Бунда у «тұғма ғоялар» ғоясини инкор этиб, билимларнинг манбаи индивиднинг ҳаётий тажрибаси деб билади. Тажрибанинг ўзида эса Локкнинг фикрича 2 манба бор: сезги ва рефлексия. Сезги объектдаги, табиатдаги барча моддий нарсалар бўлиб, уларнинг маҳсулоти фикрлардир. Яъни «Биз сариқ, оқ яшил, иссиқ, совуқ, юмшоқ, қаттиқ, ширин, аччиқ ва бошқалар ҳақидаги фикрларни шу манба орқали оламиз» деб ҳисоблайди Локк. Рефлексиянинг обьекти ақлимиз фаолияти билан эгалланган ва биз ташқаридан ололмайдиган фикрdir. Онгнинг обьекти шу фикрdir, чунки онг Локкнинг берган таърифига кўра ақлимизда рўй бераётган нарсаларни идрок этишдир. Локк тажриба манбаларини ўзаро фарқласада, уларни бир-биридан ажратмайди. Унинг фикрича, сезги билимнинг боши, рефлексия сезги асосида пайдо бўлади. Буни у шундай таърифлайди: «Ақлда бирорта нарса ҳам йўқки, у сезгида ҳам мавжуд бўлмаса». Локкнинг фикрига кўра, фикрлар икки хил – оддий ва мураккаб бўлади. Оддий фикр фақат битта тушунчани ўзида сақлайди. Бошқа фикрлар парчаланмайди. Мураккаб фикрлар оддий фикрларни қўшиш, таққослаш, умумлаштириш ва абстрактлаштириш натижасида пайдо бўлади. Оддий фикрлар йигиндиси онгни ташкил этади. Мураккаб фикрларнинг ҳосил бўлиш манбаларидан бири сифатида Локк ассоциацияни келтиради. У фанга биринчи бўлиб «фикр ассоциацияси» деган атамани киритган.

## **8.2. Ассоциатив психологиянинг юзага келиши ва ривожланиши. XIX асрнинг иккинчи ярмида ассоциатив психологиянинг ривожланиши**

Асрнинг энг етук намояндадаридан бири, швейцариялик олим **Альберт Галлер** (1708-1777) эди. Унинг «Физиология асослари» асари (1757) тарихчилар томонидан «Бу замонавий физиология ўтмишдаги ҳаммасидан чегара чизиги вазифасини бажарган» деб баҳоланди. Галлер Декартдан

ўзининг физиология ва тиббиётнинг ривожланишдаги асрий тажрибаси билан фарқ қиласади. Декарт ўзининг «нерв машинасини» кўраётганда, Галлер бутун организмни яққол тушунтиришга ҳаракат қилган. XVII асрда ёқ мускул ва нервларни ўрганиш, миянинг айрим қисмларини олиб ташлаш, амалиёт – ҳаммаси Декарт схемасини тасдиқлаб, унинг кўп бўлимлари ҳақида иккилантиришга олиб келди. Нерв-мускул «машинасининг айрим қисмлари бир-биридан ажратиб олингандагина, ишни қила олиши мумкин». Декартнинг бу нарсага қўшилиши, улар ўзининг бирлиги билан шу нарсага қодирдир, деб изоҳ берилган. Галлерда мускул кучи маҳсус куч деб юритилган. Бу мустақил кучdir, лекин у бошқа куч – нерв кучи билан боғлиқdir. Бу фикр асосида нерв мускул толаларини фаолиятига ундаиди, деган хулосага келиш мумкин. Бу иккала куч ҳам моддийdir ва улар табиатдаги бошқа кучлар каби биргаликда шундай ҳаракат қиласади. Детерминацион рух таъсиридан Галлер, фақатгина нерв ҳодисаларига эътибор берибгина қолмай, балки психик ҳодисаларга ҳам эътибор бериш керак, деб ҳисоблайди. Унинг қарашларига биноан бу ҳодисалар мураккаб ҳаракатларда ва бошқа воқеаликда бевосита иштирок этади.

Галлер бу мураккаб ҳаракатларни «тубан идрок» деб юритган. Бу психик ҳодисани Галлер хаётнинг ҳаракат кучи эмас, балки нерв механизмини ишлаш элементи, табиий қонунларга бўйсунувчи деб талқин қилган. Галлернинг физиологик тизими нерв психологик ҳодисаларга материалистик қарашларнинг ривожланишида бир бутун муҳим звенони ташкил этган. Табиат ҳодисаси бўлган инсон танасини тушунтириб, унга тааллуқли бўлмаган факторлар билан эмас, у Декарт схемасининг янги элементлари билан тўлдирди.

Рефлекс Прохазка бўйича ҳар қандай ташқи қўзғовчи билан чақирилмайди. Балки фақат ҳис қилишга асосланган қўзғовчи билан чақарилади. Ҳис қилиш ҳамма жойда билиш акти бўладими, йўқми фақат ва фақат битта умуний маънога «ҳаёт компасига» эга бўлади. Билиш билан кузатиладиган ҳис қилиш ва билиш билан кузатилмайдиган сезиш бизга ҳаёт

эҳтиёжларини кўрсатиб берадиган ҳаёт компаси бўлиб хизмат қилади ва зарурий таъсиrlарни кенг тушуниш имкониятини беради. Бу йўналишни ривожлантириб, Прохазка нафақат ҳис қилиш, балки психик қонуниятни бир мунча мураккаб формасининг организмни мослаштиришни ҳаёт шартларига бўйсундиради.

Эмпирик психология мавҳум психологияга қарама-қарши бўлиб, тажрибага асосланган психология ҳисобланади. Эмпирик психологияга кўра психологиянинг предмети онг ҳодисасидир. Психологиянинг методи эса ўз-ўзини кузатишдир. Эмпирик методга кўра онг ҳодисаларини экспериментал равишда ўрганиш мумкин эмас.

Эмпирик онг ҳодисаларини фақат ассоциацияларнинг, энг оддий элементларнинг қўшилишидан иборат, деб ҳисобланади.

Ассоционализм психик фаолиятининг барча қонуниятларини фақат ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши ва юзага чиқиб кетиши деган қоидани илгари сурувчи оқим XVIII асрда Англияда пайдо бўлган. Бунда материалистик оқим асосчиси Гоббс, идеалистик оқим асосчиси Беркли бўлган.

Беркли ва Юнгнинг ассоциациянинг хоссаларига айлантиришга бўлган уринишларини олимларнинг тартиб ва психик ҳодисаларни моддий-маънавий илмий дунёқарашидан келиб чиқиши билан исботламоқчи бўлдилар.

Онгли равишда бир фактордан иккинчи бир факторга қонуний ўтиш нейродинамика билан аниқланиб, бу илмий қараашга идеологик дунёқарааш, ижтимоий кучларини қўтарилишини ифодалаш, моддий жиҳатдан психик кўллашга қизиқиши киради.

XVII ва XVIII асрларда нерв механизмининг ҳеч қандай реал физиологик таянчга эга эмас эди. XIX асрда физиология кескин ўзгара бошлади, инсон онгининг шу кунгача ўрганганди билимлари Декарт ва Ньютоннинг физикадаги янгиликлардан сўнг кескин ўзгаради.

Гартлиочиларнинг фикрича, инсон миясининг психологик тўқималари психик ҳаётнинг «симфония»сини яратишида реал ҳаётнинг ўзгариши катта таъсир кўрсатади. Лекин Гартли ва унинг тарафдорларини фикрини олимлар реал ҳаётини инсон ўзининг ақл-идрохи билан ўзгартириши мумкинлиги билан инкор этадилар.

Шундай қилиб, ўтган асрда содир бўлган ҳодисалар инсон танасини эмас, балки инсон миясидаги ақлни натижасидир.

Бунинг исботи сифатида Томас Брауннинг (1778-1870) “Инсон онги фалсафаси ҳақида лекциялар” трактатини мисол қилиш мумкин.

Томас Браун асли касби врач, Эдинбург университети профессори шотланд фалсафа мактабига ҳурмат билан қарайди. Браун маъruzalariда шотланд мактабининг ассоциациянинг йўналишлари билан суғорилган бўлиб, Риднинг психологик қизиқишлари ва Беркли ҳамда Юнгнинг идеологик ассоционизмидан юқори қўйган.

Шотланд мактаби тарафдорлари билан биргаликда идеологик ассоциация тарафдорлари онгнинг психологик ўзгариши фақат ташки факторларга эмас, балки ички факторларга ҳам боғлиқлигини исботлашди. Шу факторлар Брауннинг тенденцияни икки хил йўналишда синтез қилишига сабаб бўлади.

Брауннинг ассоциатив психология тарафдорлари томонига ўтиши, уни шотланд мактаби тарафдорларидан онгнинг қобилиятга, ақлга ёки кучга қараб ўзгаришини исботлади.

Брауннинг шотланд мактаби тарафдорлари идеализмга содик ҳолда Д.Юмнинг скентицизми ва солипсистик қарашларига қарши боришли.

Ёш авлод Фихте Шиллинг ва Гегелнинг фалсафий тизимида илмий дунёқарашнинг илмий тажрибалар асосида юзага келишига ишонганлар. Кўпчилик ёшлар бу ғояларни инсон ҳаётини ҳамда табиатини ўзгартиришда фойдаланишга ҳаракат қиласидилар.

Лекин назарий жаҳатдан немис классик идеализмидан юз ўгирилар. Аммо танқидчилар бундан жавоб тариқасида Германиядаги Гербарт

концепциясининг педагогик тажрибалари ва Бенеккенинг фалсафий хуносаларини мисол қилиш мумкин.

Гербарт машхур психологик қобилият эгаси Кристиан Вольфга ҳамда Кантнинг фалсафий қарашларга қарши чиқиб уларнинг ғояларини трансцендентал апперцепция, онгнинг акти ва ҳоказо билан номлади. Гербарт аввалги авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ёш авлодга бемақсад, тушунарсиз ғояларини ўргатишида айблайди ҳамда қобилият, қизиқишга қараб психологиясини ўзгартириш мүмкінлигини тушунтиради.

Гербартнинг асосий меҳнати «Метафизика, тажриба ва математикага асосланган психология» (1816) деб номланган.

Бу асрда Гербарт рухининг фанга маълум бўлмаган томонларини ва бу инсон онги ва психикасига таъсир этишни ёритиб беради. Шунингдек, Гербарт психодинамиkadаги ўзаро қарама-қаршиликни ва компликацияни ифодалаб беради.

Ҳар қандай фалсафанинг буюк асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, рухнинг табиатга муносабати масаласидир.

Гербарт ҳар доим қандай бўлмасин бирон тарзда дин билан боғлиқ бўлган идеализмни қатъий суратда рад қилиш билан бирга, ўша вақтда тарқалган Юм ва Кант нуқтаи-назарини, турли тусдаги агностицизм, киритизм ҳам рад қилди.

Оlamнинг бирлиги унинг борлигига эмас, унинг моддийлигидадир. Бу моддийликни фалсафа ва табииёт илмининг узоқ ва қийинчилик билан тараққий қилишини исбот қилиб келмоқда.

Ҳаракат материянинг борлиқ формасидир, ҳеч қаерда ва ҳеч вақт ҳаракациз материя, материясиз ҳаракат бўлган эмас ва бўла олмайди.

Ассоциация хақида фикр юритилганда инглиз психологлари Юм ва Гартлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки улар XVIII асрдаёқ ҳар хил психик ҳодисалар ва элементлар идеал-тасаввурларнинг яхши бўлиб бирлашишини асосий қонун сифатида ассоциациялар ҳақидаги таълимотини илгари

сурдилар. Ассоциациялар ҳақидағи бундай таълимот бир вақтда ҳам идеалистик, ҳам материалистик йүналишда пайдо бўлади.

Идеалистик йүналишнинг вакили бўлган Давид Юм онгнинг барча мураккаб ҳодиса ва маҳсуллар ўзининг «мени» эканлигини (ўз-ўзини) англаш, ўзаро ташқи боғланишлар ассоциациялар билан боғланган «тасаввур бирикмалари» дир холос, деган таълимотни илгари суради.

Материалистик ақлнинг вакиллари Давид Гартли (1705-1757) ва унинг шогирди Жозеф Пристли (1733-1804) эдилар. Улар ассоциация тасаввурларини миядаги физиологик боғланишларга тенглаштириб қўйдилар. Гартли психологияга руҳнинг физикаси деб қаради.

Ассоциациялар ва уларнинг инсон психик фаолияти таркибидаги муҳим роли ҳақида таълимот XIX асрда жуда кенг тарқалди. Эмпирик психологиянинг «Ассоциатив психология» деб аталган алоҳида оқим пайдо бўлади. Бу оқим XIX асрнинг уч чораги мобайнида мавқени эгаллаб қолди.

Ассоциатив психология вакиллари барча мураккаб психик жараёнлар (хотира, тафаккур, нутқ, хаёл, ирода) бир хил бирламчи психик элемент бўлган сезгилардан ва уларнинг нусхаси бўлган тасаввурлардан ҳосил бўлади деб даъво қиласидилар. Айрим сезги ва тасаввурларнинг ассоциатив қонунига биноан ўзаро механик боғланишлар билан бирлашадилар. Масалан: хотира жараёнлари – ассоциацияларга тенглаштириб қўйилади, яъни эсда қолдириш янги ассоциациялар ҳосил қилишидир, эсга тушириш эса аввал мустаҳкамланган ассоциацияларнинг жонлантиришидир.

Ассоциатив психология вакилларининг хизматлари шундан иборатки, улар онгнинг юксак мураккаб жараёнларини, яъни тафаккур, нутқ ва идеалларнинг тажриба асосида (асосан ўз-ўзини қузатиш билан) ўзгаришини дикқат марказида тутдилар.

Ассоциатив психология тарафдорлари сифатида англиялик Жеймс Милль (1773-1836), Александр Бэн (1818-1903), Герберт Спенсер (1820-1903), германиялик Теодор Циген (1862-1950), Эббингауз (1850-1909)ни айтиш мумкин.

АҚШдаги психологияк инқироз мамлакат ривожланишининг ички шароити даврида авж олади, яъни бир пайтда ривожланган капиталистик давлатга айланадиган саноат ривожланишининг ўсиши, рақобатнинг кучайиши одамларнинг ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юборади. Мазкур ҳолатда эса ҳамон Библия концепцияси гуллаб яшнамоқда эди.

1890-йилларда кўплаб Америка университетларида тарбиявий психология лабораториялари вужудга кела бошлади. Америка психологларидан энг йирик намояндаси Жемс Кэттел бўлган. 1892 йил бир вақтнинг ўзида АҚШга икки Европа психологи Э.Титченер ва Г.Мюнтенберг келади.

Америка психологияси ўз миқёси ва хилма-хиллиги билан Европа психологиясини сиқиб чиқара бошлайди. АҚШдаги психология фанини ривожланиши жараёнини тўғри баҳолаш учун Европа мамлакатлари ва Америка континенти ғоявий шароити орасидаги фарқни ҳисобга олиш керак эди, Европа мамлакатларида психология фалсафадан ажралиб чиқаётган бўлса, Америкада бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафадан, ҳам диний эътиқоддан мустақил бўла бошлади.

### **8.3. Экспериментал психологиянинг ривожланиши**

Маълумки, XIX аср физика, биология, физиология, кимё ва бошқа табиат фанларининг гуллаб яшнаши билан характерланади. Фанда пайдо бўлган экспериментал методнинг кенг кўлланилиши фанларнинг ривожланишига туртки бўлди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида ёқ психологлар ўртасида психик ҳодисаларни ўрганишда экспериментни тадбиқ қилиш мумкин эмасмикан деган масала майдонга чиқди.

Бу масала бўйича файласуф И.Кант ўз фикр билдириб. унинг фикрича, психологияда экспериментнинг бўлиши мумкин эмас, уларга математикани тадбиқ қилиш мумкин эмас.

Психик ҳодисаларни ўлчашнинг мумкинлиги, психологияда экспериментнинг бўлиши мумкинлиги ҳақида немис психологи И.Гербарт

(1776-1841 й.) ижобий фикр билдирган. У «психологияда математикани тадбиқ этиш мумкин ва зарурлиги ҳақида» шундай деган: «Менинг текширишларим амалда фақат психологиянинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, балки физикага ва умуман табиат фанларига ҳам қисман алоқадордир».

Гербартнинг фикрича, асосий психик элемент тасаввурдир, қолган барча жараёнлар – хиссиёт, ирода, тасаввурлар комбинациясидан ва муносабатларидан иборатдир. Руҳий ҳолатлар доимо ўзгариш жараёнида бўлади. Тасаввурларнинг бу доимий ўзгариш ва алмашиш жараёнида маълум даражада доимийлик, қонунияти бор. Бу доимийликнинг микдор томонини ўлчаш мумкин. Шунинг учун ҳам, Гербартнинг фикрича, психологияга математикани тадбиқ қилиш мумкин.

Гербарт, гарчан psychologyда экспериментдан фойдаланишининг зарурлиги ва фойдалигини исботлаган бўлса ҳам, лекин унинг ўзи бу методдан фойдаланмаган.

**Вебер ва Фехнер.** Психологияда экспериментни татбиқ қилиш бўйича дастлабки ишларни физиолог Вебер (1796-1878 й.) ва физик Фехнер (1801-1887 й.)лар амалга оширилар. Вебер ва Фехнерларнинг мақсади ташқи таъсиротлар (физик омиллар) ва уларнинг мувофиқи – сезгиларнинг ўзаро муносабатлари соҳасидаги қонуниятларни топишдан иборат эди. Фехнер экспериментал методлар асосида сезгиларнинг ортиб бориши билан уларни кўзғатувчи таъсиротлар ўртасидаги қиёсий муносабатни аниқлаб, сезги кўзғатгич логарифмасига пропорционалдир, деган психофизик қонунни кашф этди. Вебер ва Фехнерлар ўтказган тажрибалар «Психофизика» деган алоҳида фаннинг пайдо бўлишига олиб келди.

Вебер ва Фехнер ишларининг аҳамияти, асосан, шундан иборатки, улар биринчи бўлиб психологияни, табиат фанлари сингари, экспериментал фанга айлантириш мумкин эканлигини исботладилар. Шу вақтгача фақат кузатиш, асосан, ўз-ўзини кузатишдан фойдаланиб келинаётган психология энди аниқ фанлардаги объектив методдан фойдалана бошлиайди.

**В.Вундт.** Экспериментал психология тараққиётида айниқса немис физиологи ва психологи Вильгельм Вундт (1832-1920 й.)нинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Вундтгача фақат ички тажрибадан ва ўз-ўзини кузатишдан фойдаланиб келган психология фақатгина тасвирий фан эди. Вундт эксперимент ва ўлчаш методларини зарур деб топиб, психологияни изоҳли фанга айлантиришни мақсад қилиб қўйди.

Вундт психология учун классик методлар бўлиб қолган бир қанча методларни, яъни қўзғатиш методи, ифодалаш методи ва реакция методларини кашф этди ҳамда ривожлантириди. Вундт 1879 йили Лейпцигда биринчи экспериментал психология лабораториясини ташкил қилди. Орадан кўп вақт ўтмасдан (1881 й.) у Берлин университети ҳузурида экспериментал психология институтини ташкил қилди.

Вундт шуғулланган масалалардан бири ўша вақтда астрономлар томонидан очилган диққатни бир вақтда иккита ҳар хил қўзғатгичга тўплаш мумкин эмаслиги ҳақидаги масала эди. Бу ҳодисани аниқлаш учун Вундт (лаборатория ташкил қилингунга қадар) 1861 йилда алоҳида маятник иш ўйлаб чиқарди (Вундт маятниги). Бу маятник градусларга бўлинган ёй атрофида ҳаракатланади ва ҳар бир маълум вақтдан кейин жинғирлайди. Бу психологик элементлар учун кашф этилган биринчи асбоб эди.

Илмий (изоҳли) психологияни оёққа турғизиш учун Вундт қўшимча восита сифатида ёндош фанлар, айниқса физиология, астрономия, этнография, тарих, мифология ва бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиш заруриятини илгари сурди.

**А.Ф.Лазурский** (1874-1917 й.) томонидан экспериментал методнинг алоҳида тури – табиий эксперимент ишлаб чиқилди. Экспериментнинг бу туридан бизда болалар психологиясини ўрганишда, педагогика масалаларини, айниқса, таълим психологияси масалаларини ҳал қилишда кенг ва унумли фойдаланилмоқда.

Экспериментал методнинг татбиқ қилиниши психология фани тараққиётига жуда унумли таъсир қўрсатди.

Бу метод ёрдамида оддий кузатиш ёки ўз-ўзини кузатиш йўли билан аниқлаш қийин бўлган ёки бутунлай мумкин бўлмаган кўп маълумотлар аниқланди, айrim психик ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар аниқланган, психик жараёнлардаги, айниқса, сезгилаr, диққат, идрок, хотира соҳасидаги баъзи бир қонуниятлар очилган.

Экспериментал анализ йўли билан мураккаб психик жараёнлар (идрок, хотира, тафаккур)нинг алоҳида компонентлари таркибий қисмлари ажратилган, психик жараёнларнинг физиологик ҳодисалар билан, шунингдек, ташқи физик муҳит ҳамда ижтимоий муҳит билан бўлган боғланишлари очилган.

Экспериментал текширишларнинг якунлари, шунингдек, экспериментал методнинг усулларидан фойдаланиш практик фаолиятнинг турли соҳаларида – ўқув тарбия ишларида, медицинада, меҳнатни ташкил қилиш ва рационализациялаштиришда, суд ишларида, санъатда жуда кўп фойда келтиради.

### **Назорат саволлари:**

1. XVIII аср психологиясига умумий тавсиф беринг.
2. XIX асрнинг иккинчи ярмида ассоциатив психологиянинг ривожланишини тушунтириб беринг.
3. Экспериментал психология қандай шаклланган?

## **IX-БОБ. XIX-XX АСРЛАРДА ХОРИЖДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

*Таянч тушунчалар: физиология, витализм, параллелизм, “эмоция ва эрк”, бош мия рефлекслари, рефлексология, психофизиология, рефлекслар, сенсор, механистик, детерминизм, анатомик тузилиши, структурализм.*

### **9.1. Янги психологик мактабларнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

#### **Структурализм**

Психологиянинг мустақил фан сифатида ажralиб чиқишига табиат ҳодисаларнинг тажрибалари ва детерминик тадқиқот муваффақияти орқали замин тайёрланган.

Психология тарихчиси Норденшел айтишича, ўша пайтда кўп органик ҳодисаларга янги тушунчани қўллашга шошилишар эди. Шу янги тушунчани маъноси шундай иборат эдики, бутун борлик жонлими, жонсизми – битта ягона содда аниқ бир сабаб боғланишидир, бунга таяниб мураккаб ҳаётий кўринишларини соддага айлантириш мумкин, деб айтган.

XX асрнинг 40-йилларда виталистик қарашнинг тарафдори И.Мюллернинг бошчилигига ёш олимлар гурӯҳи ўз устозига қарама-қарши чиқишиди. Шу ўқувчилар, жумладан Гельмголц ва **Дюба Рейман** томонидан «яширинча коллеж» ташкил қилинди, кейинчалик у тарихга физика-кимёвий мактаб деб киритилган эди.

Бу мактабнинг доҳийлари – Гельмголц, **Дюба Рейман** ва бошқалар психологияни тажрибали фан қилиб кўрсатди.

Гельмголц, Дюба Рейман ва бошқалар онгни материя сабаблари орқали тушунтириб бўлмайди, деган фикрга келишган.

«Бу жараёнда инсоннинг ақли» жаҳон сирига дуч келиб, уни ҳеч қачон енгиб бўлмайди”, – деди Дюба. Табиат ҳодисалари устидаги жуда кўп изланишлар ва муваффақиятли тажрибалар психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажralиб чиқишига катта омил яратади. Психология фанининг ривожига ҳар хил фанлар, йўналишлар олимларнинг ҳиссаси жуда каттадир. Масалан: табиий ҳодисаларга физик-математиклар кўзи билан қараш, яъни

энергияни сақланиш қонуни ҳеч қандай ўзгаришсиз тирик организмга тадбиқ қилишни аввалдан фан тасдиқлаб берган бўлса, кейинчалик ундан воз кечилди, бунга сабаб Дарвин таълимотларини психология фанига қўшган хиссаси ва бошқалардир.

Мюллернинг фикрича, ҳар бир сезги органи бу алоҳида махсус энергия билан зарядланган аппаратdir. Сезиш эса маълум бир ҳаракат сабабли бу энергиянинг аппаратдан чиқиши билан ҳосил бўлади деб таъкидлайди. Гельмголц эса буни яъни сезишни психология билан боғлайди. Шундай қилиб, психология фани жуда кўп тортишувларга сабаб бўлди.

Психофизиология деб ном олган йўналишда эса ҳамма психик ҳодисалар маълум бир қонуниятга бўйсунадилар ва буни математик ҳисоблаш йўли билан ўрганиш мумкин дейилади. Бу йўналишда немис олими Густав Фехнер иш олиб борди. У 1820-1830 йилларда Лейпцигда физика фанини олиб борар эди ва электр соҳасида кўп тажрибалар ўтказар эди. Шунда у психология билан қизиқиб қолади. Унинг фикрича, онг бутун коинот бўйлаб сочилиб тарқатилган, коинотдаги турли жисмларга эса жон берилган, материя эса психикани тескари томони, аниқроғи сояси холос дейди. Буни эса математик ҳисоблашда тасдиқлашга ҳаракат қилган.

XIX аср ўрталарига келиб нерв ҳаракатлари жуда ҳам катта тезлиқда ўтади, ҳатто ёруғлик тезлигига teng деб ҳисобланар эди ва буни ҳисоблаш мумкин эмас деб келинар эди. Лекин 1850 йилда Гельмголц бу муаммони ечди. Ҳисобига кўра, бу ҳаракат унча катта эмас, сониясига бир неча ўн метр эди холос. Бу тадқиқотига кўп олимлар ҳатто Гельмголцнинг ўз устози Мюллер ҳам ишона олмади. Гельмголц тажрибаси фақатгина физиология билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки психологияга ҳам тааллукли эди. Бу билан у нерв тизимидағи жараёнлар физиологик жараёнлар қаби маълум.

1860 йилда Германиядан ватанига қайтган Сеченов Петербургда медика-хирургик академиясининг биринчи рус физиологик мактабини ташкил қилди. Бу мактаб физика-кимёвий йўналишда эди. Бу даврда келиб Россияда эски иқтисодий тараққиёт емирилаётган, синфлар орасидаги

қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар ривожланаётган эди. Бу зиддиятлар билан бир пайтда одам танасининг тузилиши, унинг организми ва психик функцияниң ўзгариши масаласи ҳам мавжуд эди. Сеченов ва Чернишевскийнинг асосий рақибларидан бири бўлган П.Д.Юркевич шундай ёзган эди: “Ҳозирги замонда физиологлари кундалик ҳаётидаги ўзгаришларни ҳамда бу ўзгаришларни пайдо бўлиши ва сабабларини ортиқча ўрганмоқда”. П.Д.Юркевич ва унинг тарафдорлари фикрини «Современик» журнали ходимлари қоралашиб чиқдилар. Улар физиологик ва психологик ҳодисаларнинг материалистик дунёқараш нуқтаи-назаридан ёқлаб чиқдилар. И.М.Сеченов революцион-демократик интеллегенция билан яқин алоқада бўлиб «Нима қилмоқ керак?» асарини яратган.

Жон ҳақидаги баҳслар кескинлашган пайтда Сеченов мия устида олиб борган экспериментларида тормоз марказлари, яъни ҳаракат активлигини ушлаб турадиган қўзғалиш, «локализация» қилинган нерв марказларини очиб беради. Бу буюк кашфиёт эди.

Бу билан у нафақат бош мия физиологиясида янги бўлим очди, балки бу организмнинг функциялари ҳақидаги тасавурларни умуман ўзgartириб юборди. Бу кашфиёт физиологик онгга тормозланиш ҳақида янги тушунча олиб кирди. Олим бу билан эса тормозланиш ва қўзғалиш ўртасидаги ўзаро муносабатга алоқадор бўлган нейродинамик муаммоларнинг кенг комплексини очиб берди. Лекин бу кейинроқ содир бўлган эди.

Ўша вақтда Сеченов учун муҳим нарса шу эдики, у тажриба йўли билан мия моддасини кичкина бир бўлагидан чиқаётган ирода асрлар бўйи юракдан чиқади, деб ҳисобланиб келинаётганлиги нотўғри эканлигини исботлаб бериш керак эди. Яъни, инсон иродаси фақат руҳга эмас, балки инсон организмининг бир бўлаги ҳисобланган мия фаолиятига бўйсунишини исботлаши керак эди. Ахир ирода феъл-атворнинг энг ишончли белгиси қўзғовчиларга қарши тура олишни билиш, шарқиз импульсларни ушлаб қолиш эди. Бу белгиларнинг ҳаммаси эксперимент гувоҳлик бергани каби марказдан мияга тортилади. Бу кашфиётдан фойдаланиб, Сеченов 1863 йил

«Современник» журналига ўзининг «Инсон миясининг рефлекслари» номли биринчи психофизиологик трактатини ёзди. Сеченов мақоласидаги ғоялар рус замини бўйлаб узоқларга тарқалди.

Сеченов 1866 йилда «Нерф тизимининг физиологияси», 1867 йилда «Сезги органининг физиологияси» номли асарини ёзди. Сезги органининг физиологияси устида иш олиб бориш жараёнида Сеченов психологияга ҳам тўхталиб ўтди.

Экспериментал психология аввало “Вундт” дастури бўйича ишлаб чиқилди. Биринчи бўлиб элементларга бўлиш ва структурага муносабатларини топиш талаб қилинар эди. Бу структурага функция қарама-қарши қўйилган эди. Бу қарама-қаршилик Европада ҳам, Америкада ҳам катта исён, қаршиликка сабаб бўлди.

Янги психологиянинг методларини ўрганган ёшлар ҳаммаси функционалистлар эдилар.

Вильям Жеймс таълимоти янги психика таълимотига ўтишда салмоқли хисса қўшди. Роджернинг фикрига асосан Жеймс қарама-қарши турди. Уни шахснинг кучли психофизик боғланишлари қизиқтиради.

Жеймс 1870 йилларда ёқ психологияга мурожаат қилди. У Гарвард университетида дарс бериш давомида физиологиянинг психологияга таъсири ҳақида маъruzалар ўқиди. 1880-йилларда у журналларда психофизиологик саволлар билан мурожаат қилди, 1890 йилда эса унга катта шуҳрат келтирган «Психология негизлари» китоби нашрдан чиқди. У психологиянинг ўқув дастурига айланди. Жеймс ўқитувчилар билан психология ҳақидаги сухбатларида Вундтнинг мактабини танқид қилди. У ўзининг физиологиянинг психологияга таъсири курсини Вундт фикри бўйича эмас, Спенсер фикри бўйича ўқиди. Унинг таъкидлашича, психика функциясининг қиммати фақат эволюцион таълимотининг (ўқишининг) негизидагина кўриниши мумкин. Вундт психологияни алоҳидалик обьекти билан қўшиб кўрсатди. Жеймс эса субъектни ажратиш йўлларини ахтарди. Жеймснинг

диққат марказида шахснинг интеграцияси, ўзини тутиши иродага боғлиқ хусусиятлари киради.

Онгдан ташқари, индивид организм билан мужассамлашган. Жеймс “Эмоция нима бу?” мақоласида эмоция – бу одам ўзини-ўзи ҳис қилиши деб айтади. Кейинчалик ҳамма онг моторлидир деб хулоса қилади. Бу хулоса «прогматизм» билан боғлиқдир.

**Мистицизм.** Жеймс бошқа бир томондан мистик тажрибани ўрганади. Унинг таълимоти бўйича онг аниқланган пайтда шахс билан бирга бўлади.

Онгнинг йўқолиши ва неорелизмнинг пайдо бўлиши. Онг алоҳида ҳисоблансада, унга боғлиқ бўлмаган обьектдан ажралган ҳолда эмас, Жеймс индивидуал онгнинг турлилиги, уни қайтарилимаслигини тушуниб етгач, онг тўғрисидаги «образлар йифиндиси жойлашган бир идиш» деган ғояни рад этади.

Хўш, «Образлар йифиндиси» қаёқка йўқолди? Бу саволга Жеймс 1904-йил “Онг мавжудми?” деган мақоласида жавоб берди. У ўз мақоласида онг ичида мавжуд деб ҳисобланган нарсалар ундан ташқарида эканлигини тушунтириб берди. Онг обьект билан муомалада ва алоқада бўлиши мумкин, лекин улар бундан ҳеч нарса олмайдилар ҳам, йўқотмайдилар ҳам. Онг алоҳида мавжуд нарсадир.

Неореализм тушунчасини юзага келтирган Жеймс субъективизм устидан ғалаба қилишига, онгнинг реаллигини исботлашга ва бу билан феноменлар маълумотларини тугатишга уринди. Бу уринишлар онгнинг реаллигига шубҳа билан якунланди.

Жеймс дунёқарashi традицияси жуда идеалистик эди. Унинг онгни реал эканлиги, унга, предметга, шахсга қарагандек қараш кераклигини исботлаш учун қилган ҳаракатлари зое кетди, у феноменализм доирасини енга олмади. Жеймснинг психик тушунчалар изланиши икки йўналишда борди, яъни табиий илмий ва мистик йўналишларда кўпроқ изланишлар олиб борди.

Функционал психологиянинг тарафдорларидан бири Джон Дрюидир. У ўзининг “Психологияда рефлектор акт ҳақида тушунча” номли мақоласи билан танилади. Америка психология тарихи адабиётида бу мақолани функционал психологиянинг Вундт Титченер структуриал мактаби билан чегара учун сабаб қилиб кўрсатилади.

Лекин қандай қилиб рефлектор акти ҳақидаги тушунча структуралистлар билан кураш ва турли қарашлар учун асос бўла олади? Ахир структурализмнинг доҳийлари Вундт ва Титченер нерв ҳодисалари ҳақида билим психология учун фойдали, лекин у психологик ҳодисалар ҳақидаги билимни кенгайтира олмайди, деб ҳисоблайдилар. Улар Дрюи ўз мақоласида «элементализм» бутунликни айрим бўлакларга бўлиб ташлади, деб танқид қиласидилар.

Дрюи ўз мақоласида психологик фаолият у оқимдир, лекин онг эмас, активлик эса бутун организмни унинг нерв структураси билан ва муҳит билан эканлигини кўрсатиб беради, дейди

Дрюи аниқ фактлар асосида изоҳладики: ҳаракатдан сезиш боғлиқлиги ва сезищдан ҳаракат боғлиқлигини мавжуддир. Ҳаракат ҳақиқатдан ҳам сезгининг ривожланишида бевосита иштирок этади. Лекин образ ва қўзғовчи объект бир хил эмас.

**Чикаго мактаби.** Жеймс ва Дрюилар функционал психологиянинг Чикаго мактаби дастурини тайёрлашади. Бу дастур 1906 йилда Д.Н.Энжело томонидан Америка психология ассоциациясига тақдим қилинади. Унда функционал психологик жараёнлар ҳақида белгиланади. Жараён эҳтиёж билан муҳит ўртасидаги бирламчи вазифани бажаради. Онгнинг асосий белгиланиши «янгича нисбатан аккомодация»дир. Организм психофизик бутунлик сифатида ҳаракат қиласи. Шунинг учун психология онг билан чегараланиб қолмайди. Бу соҳада Энжело структуриал психологияга ҳужум қиласи.

Агар Титченер психологияни бошқа фанлардан қатъий чегараланишини талаб қиласа, функционалистлар унинг неврология,

социология, антропология билан ҳамкорлигини тарафдорлари бўлишиди. Чикаго мактабида мушаклар тузилиши ва эҳтиёж факторига катта аҳамият берилган.

Онгнинг ва хулқнинг фаолиятини ўрганувчи психофизик тартиб Америка функционализмида табиий-илмий бўёққа эга бўлиб Европа йўналишидан кескин фарқ қиласди. Лекин уларни умумийлик томонлари кўп бўлган.

Қисқа вақт мобайнида гуллаб яшнаган функционал мактабнинг теологизми структурализм сингари парчаланиб кетди, бошқа оқимлар томонидан сиқиб чиқарилди. Шу оқимлар функционализм муаммоларини «ютиб» юборади. Функционализмнинг фалсафий лойиҳаларининг бир нарса эканлигини кўрсатди.

XIX ва XX асрдаги психология – бу асосан эмпирик психологиядир. Психологияда XVII асрда пайдо бўлган бу йўналиш XIX ва XX асрнинг бошларида ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришиди. Унинг ютуқларига эришувига сабаб эксперимент методининг татбиқ қилиниши эди. Унинг предмет доираси жуда кенгайди. Юқорида айтилганда, психология фанининг маҳсус ўз вазифалари ва методларига эга бир қанча шахобчалари майдонга келди.

Эмпирик психология бир бутун нарса эмас эди. Бу психологиянинг ичида бир қанча йўналиш ва оқимлар мавжуд эди. Психология тарихида булардан анча машҳур ва муҳимлари ассоционизм, интеллектуализм, волюнтаризм, гештальпсихология ва фрейдизмлар эди.

**Интеллектуал психология** – бу психиканинг асосий элементи ва психологик фаолиятнинг асосий функцияси ақл – интеллектдир, деб хисоблайдиган йўналиш. Интеллектуал психология тарафдорларининг фикрича, турли-туман психик жараёнлар, шу жумладан эмоционал ва ирода жараёнлари ҳам сезги, тасаввур ва тушунчаларининг кўшилишидир, деб тушунтирилади. Ассоциатив психологиянинг вакиллари ҳам интеллектуалистларга киради, чунки улар ҳам бирламчи ва асосий элемент

тасаввурлардир, деб ҳисоблаганлар. Психология ва педагогикада интеллектуализмнинг энг кўзга кўринган вакили Гербарт ҳисобланади.

**Волюнтаристик психология**, интеллектуализмдан фарқ қилиб психик ҳаётнинг асоси сифатида шахснинг иродасини, активлигини, фаоллигини илгари суради. Барча мураккаб психик жараёнлар, хусусан, тафаккур ҳам инсоннинг иродавий активлиги деб талқин қилинган.

Волюнтаристик психологиянинг вакиллари Г.Линне (1889-1941), Г.Мюнстерберг (1863-1916) эдилар. Вилгельм Вундт ҳам гарчанд ироданинг асосий ҳислардир деб ҳисоблаган бўлса ҳам волюнтарист эди.

**Фрейдизм** – бу австриялик психиатр ва психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) номидан олинган бўлиб, психология ва невропатологиядаги алоҳида йўналишдир.

Фрейд таълимотига кўра, шахс психологик ҳаётининг асоси жинсий лаззат олишга қаратилган, туғма онгсиз майл(инстинкт)дир. Лекин тарихан таркиб топган одат, ахлоқий тамойиллар туфайли, ижтимоий «цензура»нинг мавжудлиги туфайли бу майл тўғридан-тўғри тўсилади. Шунинг учун ҳам баъзи кишиларда бу онгсиз табиий майл билан англаб турилган вазият ўртасида ички руҳий конфликт (тўқнашув) пайдо бўлади. Бу тўқнашувлар баъзан асаб касаллигига (неврозга) олиб келади.

**Гештальтпсихология** ёки бошқачасига структура, яхлит психология. Бу йуналишнинг асосий вакиллари Х.Эренфельс (1859-1932), В.Келлер (1887-1967), К.Кофка (1886-1941) лардир. “Гештальт” тушунчасини фанга Эренфельс киритган. Бу психологлар барча мураккаб психик жараёнлар элементлар ҳодисалардан – сезгилардан таркиб топади, деб ҳисобланган асоциатив психологияни танқид қилиб чиқдилар. Гештальтпсихологиянинг вакиллари бу таълимотга қарама-қарши ўлароқ, ҳар бир психик ҳодисанинг мазмуни унинг таркибиغا кирган қисм ва элементларнинг йиғиндисига нисбатан мазмундорроқ ҳамда бойроқдир. Айрим элемент ва қисмларнинг йиғиндиси бутуннинг мазмунини белгиламайди, балки, аксинча, бутун (яхлит структура) қисм элементларнинг ҳусусиятларини белгилаб беради.

Бу психик структуранинг яхлитлиги назарияси, аввало идрок фактлари, асосида ишлаб чиқилган эди. Идрок – бу сезгиларнинг йиғиндиси эмас, балки яхлит образдир, деб таъкидланарди. Психик маҳсуллар ва структураларнинг яхлитлиги ҳақидаги бу таълимот кейинчалик хотира, тафаккур ва ирода ҳодисаларига ҳам тадбиқ қилинган эди.

Бу алоҳида-алоҳида йўналиш ва оқимлар, бир қанча умумий хусусиятга эга бўлган ҳолда «Эмпирик психология» деган умумий ном остида бирлашдилар.

Психологиянинг предмети ва методларини бир хилда тушуниш бу барча оқимларнинг бирлашувига сабабчи бўлди.

**Эмпириклар** психологияни рух ҳақидаги фандир, деб эмас, «руҳий ҳодисалар» ёки «онг ҳодисалари» ёки бўлмаса фақатгина онг ҳақидаги фандир, деб таъкидладилар. Бу «руҳсиз» психологиядир (Н.Н.Ланге), «ҳеч қандай метафизикасиз психологиядир» (А.И.Введенский).

Эмпирик психологиянинг тарихий хизмати шундан иборатки, унинг вакиллари илмий жиҳатдан ўрганиш предмети сифатида руҳни инкор қилди. Бу ҳолатни психологиянинг метафизик ва идеалистик қарашлардан ҳоли бўлиш йўлидаги катта қадами деб ҳисоблаш мумкин.

Экзистенциализмнинг асосчиси бўлмиш немис файласуфи **Мартин Хайдегер** (1889-1978) “тушуниш учун ўз диққатимизни қаратса олсаккина биз фикрлашга ўрганамиз”, - деб ёзади. Унинг фикрича, нарса ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб етиш, инсон фикрлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Тушунишни талаб қиласидиган нарса инсонни фикрлашга ундейди. Тушунишни талаб қиласидиган нарса ҳеч қачон биз томонимиздан яратилмайди.

Хайдегернинг фикрича, тафаккур мавжудлигининг асосий хислати бу тасаввурдир. Тафаккур ҳақидаги таълимотга асосан тасаввур фикрда ифода этилади. Шунинг учун ҳам тафаккур ҳақидаги таълимотни логика, мантиқ деб атайди.

**К.Р.Мегрелидзенинг** таъкидлашича, инсондаги бирор бир руҳий ҳодиса ижтимоий омилни ҳисобга олмасдан туриб, тўғри тушунтирилиши мумкин эмас. Бу нарса биринчи навбатда тафаккурга тааллуқлидир. Тафаккурнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа кўринишларисиз ўрганиш мумкин эмас.

Инсон тафаккурининг усуллари нерв тизимида ҳам, миясида ҳам эмас, балки бир даврда мана шундай идрок этишга, ўйлашга, ишлашга, бошқа бир даврда эса нерв фаолиятини бошқача ишлашга йўллайдиган ижтимоий шароитдадир.

Инсонлар фикрлари ва қарашлари индивидуал тартибда эмас, ижтимоий муносабатлар туфайли содир бўлади. Бу ҳакда К.Р.Мегрелидзе шундай ёзади: инсон тафаккури табиий ва биологик қонунлар бўйича эмас, балки ижтимоий-тарихий қонуниятлар йўлида харакатланади. Инсоннинг фикрлаш усули аввало ижтимоий ҳодисадир. Фикр ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, фикр бирор нарса ҳақида, бирор предмет ҳақида бўлиши мумкин. Предметсиз фикрнинг бўлиши мумкин эмас.

Тафаккурнинг функцияси мия фаолияти жараёнида кечадиган субъектив психологик жараёнлар билангина чегараланмайди:

**Биринчидан**, онгнинг субъектив ҳолатинигина ифодаламасдан, балки обьектга ҳам тегишли бўлади ва нарсалар муносабатини ифодалайди.

**Иккинчидан**, янги фикрнинг вужудга келиши билан билиш жараёни тугалланмайди, балки фақатгина бошланади. Бу билишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ғоянинг субъектив ҳолатидир, энди фикрни амалга ошириш босқичи бошланади.

**Учинчидан**, алоҳида индивиднинг фикри ижтимоий етилган фикрларнинг хусусий кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс ижтимоий тушунчалар, тасаввурлар ёрдамида фикрлайди. К.Р.Мегрелидзе инсон фикрининг ижтимоий эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Фикрлар ва ғоялар эркин индивидуал ижоднинг маҳсули эмас, балки индивиднинг ўзи каби жамият ва ижтимоий муносабатлар

маҳсулидир. Шунинг учун инсон тафаккури тафаккур босқичлари, инсон тафаккурининг шакллари ва усуллари ҳақидаги жумбоқнинг ечимини мантиқий изланишлардан анъанавий психологиядан эмас, балки аввало бу ғояларнинг ижтимоий келиб чиқишидан излаш керак. У ёки бу индивид жамиятда етилган ижтимоий ғояларнинг тасодифий ифодаловчиси бўлиб қолади.

## **9.2. Вюсбург мактаби**

Психология фани тараққиётида немис психология мактаби муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ва асримизнинг бошларида Германияда Вюсбург психология мактаби деб номланган янги йўналишга эга бўлган психологик оқим пайдо бўлди. Мазкур йўналишнинг йирик вакиллари сифатида **О.Кюлпе** (1862-1915), **К.Бюллер** (1879-1922), **А.Мессер** (1837-1937), **Ах Нарсис** (1871-1946) ва бошқаларни санаб ўтиш лозим. Улар томонидан олиб борилган экспериментал тадқиқотлар тафаккур муаммосининг ривожига маълум даражада ҳисса қўша олди. Вюсбург психология мактаби вакиллари тафаккурни ҳиссий босқичда турган психик жараёнларга, яъни сезги ва тасаввурларга ажратиб ўрганишда расионал босқичдаги мураккаб жиҳатлардан механик равишда вужудга келади, деб тушунтириш мумкин эмаслигини экспериментал йўл билан исботлашга ҳаракат қилдилар. Олиб борилган тадқиқотларни ўзларининг устиларида ўtkазиб, натижаларни объектив бўлишига камроқ эътибор берганлар.

Вюсбург психология мактабининг намоёндалари тафаккур бу ички ҳаракат актидир, деб қарай бошлайдилар. Ўз-ўзини кузатиш методидан фойдаланиб, иш тутишда улар мана бундай ифоданинг маъносини тушунтириб беришлари лозим, тафаккур ҳаддан ташқари мashaққатлики, шунга қарамай қўпчилик шунчаки хукм чиқаришни маъқул кўрадилар. Шунингдек, улар олдида муносабатларни ўрнатиш қисм, яхлит, тур, жинс объектнинг нисбати ва ўзаро муносабатларини ушбу муносабатларнинг аниқ аъзоларини идрок қилишни аниқлаш вазифалари туради. Шунинг билан бирга уларнинг барча тадқиқотлари объектив методларни излашга оид

фаолиятларида авж олди. Жумладан, Н.Ах томонидан сунъий тушунчаларнинг шаклланиши бўйича дастлабки методика яратилди. Мазкур назария вакиллари тафаккурни муносабатларнинг акс этиши билан боғлаб, тафаккурни муносабатларнинг бирламчи қараб чиқиш, ёинки бирламчи маълумот бериш манбаи сифатида талқин қиласидар. Тафаккур тараққиёти масаласини кўтариб чиқиб, ўсишнинг фикрларни фаоллаштириш орқали амалий фаолиятдан тафаккурни мутлақо ажратиб кўйдилар. Тафаккурни тадқиқ қилишнинг асосий методи – бу ўз-ўзини кузатиш эканлигини тан олади, холос. Мазкур муаммо гноセологик нуқтаи-назардан олиб қаралганда ушбу позиция идеализм измига кириб бораётганлигини англаб олиш унчалик қийин эмас. Вюрсбург мактаби намоёндалари тафаккурни алоҳида мустақил билиш фаолияти сифатида аниқкўрсата билди. Бироқ тафаккурни амалиётда нутқдан ва ҳиссий образлардан қатъий ажратиб ташладилар.

Вюрсбург психология мактаби намоёндаларидан бири **О.Зелс** тафаккурни интеллектуал операциялар ҳаракати сифатида қабул қилган. У ўз олдига фикр юритиш фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари қай йўсинда шаклланишини кузатиш, интеллектуал фаолият босқичларини кўрсатиш ақлий фаолиятнинг продуктив ва репродуктив кўринишидаги зиддиятларни бартараф қилиш вазифасини кўйди. О.Зелс масала ечиш жараёнини ўрганишда умунийликка эга бўлган масалани вужудга келтириш босқичларига алоҳида эътибор бериб, элементлар билан предметлар муносабатини ажратиб кўрсатади. Бунинг натижасида муаммо комплекси намоён бўлади. Комплекс ўз ичига ушбу жиҳатларни қамраб олиши назарда тутилган: а) маълумнинг тавсифномасини бўлакларга ажратиш; б) қидириувчи номаълумнинг ўрнини аниқлаш; в) номаълум қидириувчи билан маълум ўртасидаги муносабатларни ажратиб кўрсатиш.

Шундай қилиб, Вюрсбург психология мактабининг намоёндаси О.Зелс психология тарихида биринчи бўлиб тафаккурни жараён сифатида экспрементал методлар билан тадқиқ қилган, интеллектуал операциялар ва уларнинг таркибий қисмларини назарий ва амалий жиҳатдан таърифлаб

берган, изчил илмий методларга асосланиб, ўрганишга бутун вужуди билан интилган психологиядир. Германияда психологиянинг гешталтпсихология йўналиши вужудга келди. Унинг, кўзга қўринган намоёндалари қаторига **Х.Эренфельс** (1859-1932), **В.Келлер** (1887-1967), **К.Кофка** (1886-1941) ва бошқалар киради. Гешталтчилар фикрига қараганда, ҳар бир психик ходисанинг мазмuni унинг таркибиغا кирувчи қисм ва элементларни биргаликда акс этиришдан кўлам жиҳатидан кенг, мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Гешталтчиларнинг аксиоматик характерга эга бўлган ушбу фикрлари мазкур таълимот ғоясини очиб беришга хизмат қилади, алоҳида олинган қисм ва элементларнинг йиғиндиси яхлит тузилиш мазмунини белгилаб бера олмайди, аксинча яхлит тузилма қисм ва элементларнинг хусусиятлари ва хоссаларини белгилаб беришга қурби етади.

### **9.3. Сезги органлари психофизиологияси**

Сезги органларининг психофизиологияси рефлекслар акти илмига ўхшаб, узоқ муддат механистик детерминизм таъсирида бўлди. Ташқи туртки ва механизмдек анатомик тузилиш фақат шу иккита факторлар ҳаракат ва сенсор актлар тўғрисидаги детерминистик билимни ташкил қиласди.

Ҳар ҳолатда механизм ўзини тўқнашувини туғдирап эди. Рефлекс тўғрисидаги илмга ҳаракат реакциясининг мақсадга мувофиқлиги ва вариантивлиги қийинчилик туғдирап эди. Сезги органларини ўрганишда эса ўзига қабул қилишда предметлилиги, ташқаридан проектлаштирилганлиги тўсқинлик қиласди. Сабаб сезгини назариясига кўра қабул қилиш органига буюмни таъсири тез келар эди.

Эффектдан буюм тўғрисида онгдаги информацияга ўтиш йўли туртки ва органни материал ўзаро ҳаракати аниқланмади. Улар ўзаро ҳаракатдан ташқаридан изланди. XIX асрнинг биринчи ярмида баъзи психофизиологлар Вебер, Пуркиньеда сенсор ва ҳаракат сферасида ўзаро боғланиш бор, деган фикр туғилди.

Кейинчалик ҳар хил рецепторларни фаолиятини экспериментал ўрганиш сезги образларини яратилиши илмий табиий анализнинг имкониятини

кенгайтирди. Тажриба, машқ қўп нарсани тушуна олиши мумкинлигини аниқлади. Физиолог учун машқ материал органини активлигини назорат қилиш ва объектив ўрганиш учун қулай бўлди.

Сезги органларини физиологияси ривожланган сари қабул қилишни (ўзлаштириш) детерминловчи муносабати тўғрисидаги баҳс ниҳоятда кучайган эди.

«Манивизм – эмпиризм» антитетаси пайдо бўлди. Бу антитета, айникса, яққол масофа кўриниши табиати ҳақидаги баҳсда билинади. Баҳсда бу кўриниш ўз асосида кучланиш (нативизм) ёки тажрибада олганлиги (эмпиризм) деган савол туради.

Эмпириклар ва нативистлар ўртасидаги баҳс шуни билдирадики, табиий ташкил тўғрисидаги тушунча қайта кўриб чиқишига муҳтож. Буни сезги органлари физиологияси муваффақиятлари ҳам талаб қиласди.

Гельмголц (1820-1894) бу муваффақиятларга янги асрни очди.

XIX асрда унинг номи билан физиологик тушунчасини тубдан ўзгариши боғланган. Янги кучли илмий тадқиқот йўналиши нерв толасида қўзғалишни тарқалишини тезлигини ўлчаш имкониятига эга бўлади.

Гельмголцни «Эшитиш органларини мусиқа назариясининг физиологик асоси сифатида ўрганиш» ва «Физиологик оптика» асарлари ҳозирги замон сезги органларининг физиологиясини фундаментини ташкил қилди. Гельмголцни физиолог сифатида кўрсатган хизмати айникса, фалсафани қизиқтириб келаётган баъзи масалаларни тушунтириш тамойили ва методларини физиологияга тарқалишида муҳим аҳамиятга эга.

Гельмголц табиатшунос сифатида материализмга яқин. Контнинг фалсафаси И.Мюллер концепцияси билан бирлашиб у ҳам ҳар бир сезги органи аппарат бўлиб «махсус энергия» билан зарядланган, сезиш шу энергияни баъзи бир физик сабаб ҳаракатини озод бўлиши натижасида ўтади.

Гельмголц фикрича, муаммони символлар назарияси ҳал қиласди: сезгиларни объектив дунёга муносабати символ ёки белги формасига эга. У сезги органларини табиатшунослик ўрганиши учун Мюллер доктринаси

хавфли эканини назарий жиҳатдан тушуна олмас ва уни физик қўзғалиш, нерв моддасидаги жараён ва сенсор акти ўртасидаги тўғри сабабли боғланиш деб ўйлар эди. Бу Гельмголц назариясини уни сезги органларининг психофизиологияси тўғрисидаги материалистик йўналишдаги ёзган ишларига қарама-қарши бўлди. Аммо Мюллер схемаси Гельмголцни конкрет экспериментал ишларида бошқаради, методологик томони уни қониқтиради, дейиш хато ҳисобланарди.

Физиолог олим Э.Х.Вебер (1796-1878) ишининг тақдири эса ўзгачароқ бўлди. Тери ва мускул сезгисини эксперимент йўли билан ўрганиб Вебер физик қўзғатувчи ва сенсор реакцияси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни математик формула билан ечиш мумкин, деган холосага келди. Вебер фикрича, қўшимча қўзғатувчи ҳар бир ёрдамчи берилган масофага нисбатан бир хил масофада бўлиши керак, шунда аранг сезилиш фарқи бўлади. Бу холосанинг аҳамияти катта. Ташқи қўзғатувчидан олинган сезишни тартибли характерда эканлигидан ташқари методологик жиҳатдан психологияни келажаги учун муҳим холоса, яъни сон ва ўлчовга бутун психик кўринишлар тобелиги физик кўринишга сабаб бўлди.

### **Назорат саволлари:**

1. Структурализмни тушунтиринг.
2. Вюсбург мактаби ҳақида нималарни биласиз.
3. Француз психология мактаби вакилларини айтинг.
4. Сезги органлари ҳақидаги билимлар.
5. Психофизиология нима?
6. Бош мия ҳақидаги билимлар.
7. Психологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши.

## **Х-БОБ. XX АСРДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

*Таянч тушунчалар: онг, Спиноза психологияси, Декарт таълимоти, бихевиоризм, необихевиоризм, фрейдизм, неофрейдизм, шахс типлари, экстраверсия, интроверсия, хулқ-атвор, психоанализ, реактивлик, импульсивлик.*

### **10.1. Психологияда методологик инқироз. Бихевиоризмга умумий тавсифнома. Необихевиоризмни юзага келиш ва ривожланиши**

Психология тарихида вужудга келган бихевиоризм мактаби шахсни ўрганишда ҳам ўз ўрнига эга. Ушбу мактаб вакиллариниг ғояси хулқ-атворни ўрганиш асосий масала сифатида ўрин олган бўлсада, унинг айрим вакиллари муаммони таҳлил этишда ўзларининг позицияларига эгадирлар.

Ўтган асрда америка психология мактабининг ҳақиқий қиёфаси сифатида майдонга чиқди. Унинг асосчиси Джон Уотсон (1878-1958) бу йўналишнинг ҳақиқий йўлбошчиси сифатида шаклланишига сабаб бўлди. Бихевио тушунчаси (behavior) инглизчадан таржима қилганда “хулқ-атвор” – деган маънени англаради. Бихевиоризм тушунчаси таржима қилганда – хулқ-атвор психологияси маъносини англаради.

Хулқ-атворни таҳлил қилиш тўлиқ объектив характерга эга бўлиб, ташқи қузатиладиган реакциялар билан чекланади. Инсоннинг фикри, онгини кўриб бўлмайди, уларни ўлчаш мумкин эмас, бундан кўринадики барчасини объектив қайд этиш имкониятини бўлмайди. Инсоннинг ички оламида кечаётганларни ўрганиш микони йўқ. Демак, шахс “қора қути” сифатида иштирок этади. Инсон ҳаракатининг ташқи ифодаланишининг объективлигини стимуллар ва вазиятлар шартлайди. Шундай экан психологиянинг вазифаси стимуллар бўйича намоён бўладиган маълум реакциялар белгилайди.

Бихевиористлар нуқтаи назарича шахс мазкур инсонга хос хулқий реакцияларнинг мажмуидан иборат. Стимул-реакция (S-R) формуласи бихевиоризмда етакчи ҳисобланади. **Торндайк эффекти** қонуни S ва R ўртасидаги алоқаларни аниқлаштиради, агар мустаҳкамланиш бўлганда. У

ижобий бўлади, қачонки рағбатлантириш, кутилган натижа олинганда, моддий рағбатлантириш ёки салбий бўлади, қачонки, оғриқ, жазолаш, омадсизлик, танқидий огоҳлантириш юз берганда. Инсонинг хулқ-автори кўпинча ижобий қўллаб-қувватлашни кутгандан, баъзан салбий кучлар қочишга сабаб бўлади.

Шундай қидиб, бихевиоризм йўналишига кўра шахс индивидга нисбатан онгли тартибга солинган инстиктлар, социаллашган эмоциялар, янги кўникмаларнинг шаклланишига кўмаклашувчи пластиклик, муҳитга молашувига кўмаклашувчи ва уларнинг сақлашга хизмат қилувчи қобилияtlарни ўзлаштиришида намоён бўлади.

Бу шахснинг уюшган ва нисбатан барқарор кўникмалар тизимидан иборат эканлигини англатади. Охирги барқарор хулқ-автор асосини уларнинг янги ҳаётий вазиятларга мослашуви, ўзгариши янги кўникмаларни шаклланишига олиб келувчилар ташкил этади.

Бихевиористлар одамни у ёки бу ҳаракатлар, реакциялар, хулқ-авторни дастурлашган, аниқловчи, ўрганувчи мавжудоддир. Ўзгаришлар ва мустаҳкамлаш ўзгарганда уни талаб этиладиган хулқ-авторга дастурлаш мумкин.

Бихевиоризм мазмунига психолог Толмен S-R реакцияга шубҳа билан қараш орқали, унга ўзгариш киритишга эришди. У ушбу схемага ўзгариш киритди ва уни S-I-R тарзда ифодалашга олиб келди. Бу ерда I-индивидуинг ирсиятига, физиологик ҳолатлари, олдинги тажрибасига боғлиқ бўлган психик жараёнлар.

**Б.Скиннернинг оперант бихевиоризми.** Беррис Фредерик Скиннер 1904 йил Пенсильвания штатида туғилган. Унинг оиласвий муҳити самимий ва эркин, интизом қаттиқ бўлган, ҳамда муносиб хизмат қўрсағандага рағбатлантирилган. Скиннер бутун ёшлиги даврида роликлик самакатларни, коруселларни, араваларни конструксия қилиш биланкўп шуғланган. Бу ёшлиқдаги ихтиrolар келажакда уни ҳаракатларини кузатиш модификациясига қизиқишидан дарак берарди. Уни шунингдек, мактабда

ўқишига қизиқиши катта бўлган, ҳамда унга билим берган ўқтувчиларини илиқлик билан хотиралайди.

Скиннернинг назариясига ёндашувлар: Бихевиоризм учун “хулқ” асосий тушунчага айланиб, унинг психикаси билан алоқаси чеклаб ўтилган. Мазкур йўналишдаги назариётчилар аввало инсонларнинг барқарор бир-бирларидан фарқини ўрганиш ва шахсларнинг хулқ-авторидаги турли хил мураккабликларни гипотитик тушунтиришга ҳаракат қилиш билан бирга индивиднинг хулқ-авторини унга ташқи муҳитнинг таъсирини ўргатиш йўли билан аниқлаш мумкинлигини эътироф этадилар.

Скиннернинг таъкидлашича психология, айниқса ўқитиш етарли даражада ривожланмаган, шу сабабли улкан масштабли назария мавжуд бўлмаган. Шунингдек у, назарий йўналишда текширувлар ўтказиш лозим эмаслигини, чунки улар кузатув факторларига тушунча бериб, ҳодисаларни турли терминлар ва ўлчамларда таъкидлаб, уларни турли меъёrlарда ўлчаб бўлмайди, деган фикрни илгари суради.

Скиннер ўзини назариётчи деб ҳисоблаган ва шахсни ўрганиш назариясини яратиб берган.

Скиннер ўз интервьюсида: “Мен ўзга дунё, ақл ва асаб тизими назариясини яратиб, хулқ-авторни тушунтиришга ҳаракат қиласман. Бундай назарияни муҳим ва фойдали деб ҳисоблайман» - деган фикрни билдирган.

Скиннер ўз назарияси билан фақатгина шахсни эмас, балки бутун хулқ-авторни тушунтиришга ҳаракат қилди. Скиннер психология аниқ далиллар асосида ва тадқиқотлар лаборатория шароитида амалга оширилиши кераклигини таъкидлади ва асослаб берди.

**Социал ўрганишлар назарияси.** Кейинги даврда классик бихевиоризм ривожланиб, янги социал-когнитив йўналиш шаклланди. Унинг вакиллари Алберт Бандура ва Джалиан Роттердир. Уларнинг ёндашувига кўра инсоннинг хулқ-авторига атроф-муҳит таъсир кўрсатади. Ўз навбатида инсон ҳам социал атроф муҳитни шаклланишига фаол таъсир кўрсатади.

Ўрганишларнинг юз бериши фақат тўғридан тўғри ва ташки қўллаб-куватлашда эмас, хулқ-атвор кузатишлар ва намуналар асосида шаклланади.

Дж.Роттер социал хулқ-атворни қуидаги тушунчалар орқали ифодалайди:

1. Инсоннинг хулқ-атворига унинг кутилмаси, субъектив эҳтимоллари, яъни инсоннинг фикрича маълум вазиятларда у ёки бу хулқ-атворни юз бергандан кейин маълум мустаҳкамлаш бўлади, деган фикрига кўра таъсир кўрсатади.

2. Инсоннинг хулқ-атворига инсон учун аҳамиятли бўлган мустаҳкамлаш (чет таъсирлар), қадриятлар таъсир кўрсатади.

3. Инсоннинг хулқ-атворига унинг шахс типи, унинг локус назорати таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Дж.Роттернинг таъкидлашича, хулқий потенциал “техник мавжуд” бўлган бешта асосий реакциялар блокини ўзига қамраб олади:

1. Муваффақиятга эришганликка йўналтирилган, натижада социал эътироф этишни асослашга хизмат қиласидиган хулқий реакциялар.

2. Ижтимоий меъёрлар, бошқа инсонларнинг талабларига мослашиш билан боғлиқ адаптацияни таъминловчи хулқий реакциялар.

3. Айни дамдаги вазиятнинг таъсирида фойдаланиладиган ҳимояловчи хулқ-атвор реакциялари.

4. “Зўриқиши майдонидан чиқиши”, қочиши, дам олишга йўналган қочиши техникасини ифодаловчи хулқ-атвор реакциялари.

5. Агресив хулқ-атвор реакциялари – бошқаларнинг танқиди, кинояси, пичинги, қизиқиши ва манфаатларига зид ҳаракатига нисбатан жисмоний агрессиянинг намоён бўлиши.

Дж.Роттер сингари А.Бандура ҳам шахс муаммосига ўзига хос ёндашувларини тақдим эта олди. А.Бандура бихевиоризмнинг S–R схемасига ўзининг тўрта оралиқ реакциясини киритди:

1. Тақлид учун ҳаракат намунасига боланинг эътибори. Аниқлик, фарқланувчанлик, эмоционал жозибадорлик, функционал аҳамиятга эгалик намунага қўйиладиган талаблардир.
2. Намуна, хулқ-автор модели таъсири ҳақидаги маълумотларни сақловчи хотира.
3. Боланинг тақлид намунасини идрок қилиши учун сенсор имкониятлар ва ҳаракат кўникмаларига эга бўлиши.
4. Боланинг тақлид моделини бажариши учун хоҳиш-истакларини белгиловчи мотивация.

Бола илк даврларидаги унинг шахсий муваффақиятлари ўзининг бошқалар кутаётгандек тутишига тайёрлигига боғлиқ. У ота-онаси кутаётгандек ва унга қониқиши келтирадиган ҳаракатларни амалга ошириб бошлайди ва бошқаларнидек ҳаракатланишни бошлайди.

Бандура тақдим этган социал когнитив назарияга кўра ташки ва социал муҳит инсоннинг хулқ-авторига таъсир кўрсатади, у инсон фаолиятининг маҳсули саналади. Демак, инсон ўзининг хулқ-автори туфайли атроф оламни ўзгартиради, ўзининг муҳитига ва шахсий хулқ-авторига таъсир кўрсатади. Инсон ўзининг хулқ-автори оқибатларини кўра олади, олдиндан кутилиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олишга ҳаракат қиласи ва бўлғуси натижаларни тимсолини ҳосил қиласи.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики классик бихевиоризм, уларнинг замонавий издошлари – социал когнитив назария вакиллари шахс муаммосига нисбатан ёндашулари билан бошқа шахс назарияларидан ўзларининг ғояларидаги методологик масалалар ва тадқиқот методлари билан фарқ қиласидилар.

## **10.2. Гештальтпсихологияга умумий тавсиф**

*Гештальтпсихология*, ёки бошқачасига структура, яхлит психология. Бу йўналишнинг асосий вакиллари Х.Эренфельс (1859-1932й.), В.Келлер (1887й.), К.Кофка (1886-1941й.) лардир. Бу психологлар барча мураккаб психик жараёнлар элементлар, ҳодисалардан сезгилардан таркиб топади, деб

хисобланган ассоциатив психологиянинг танқид қилиб чиқдилар. Гештальтпсихологиянинг вакиллари бу таълимотга қарама-қарши ўлароқ, ҳар бир психик ҳодисанинг мазмунин унинг таркибиға кирган қисм ва элементларнинг йиғинидисига нисбатан мазмундорроқдир. Айрим элемент ва қисмларнинг йиғиндиси бутуннинг мазмунини белгиламайди, аксинча, бутун (яхлит структура) қисм элементларнинг ҳусусиятларини белгилаб беради.

Бу психик структуранинг яхлитлиги назарияси, аввало идрок фактлари, асосида ишлаб чиқилган эди. Идрок – бу сезгиларнинг йиғиндиси эмас, балки яхлит образдир, деб таъкидланади. Психик маҳсуллар ва структураларнинг яхлитлиги ҳақидаги бу таълимот кейинчалик хотира, тафаккур ва ирода ҳодисаларига ҳам тадбиқ қилинган эди.

Гештальтпсихологиянинг марказий назарияси ҳар қандай психологик жараёнларнинг бош моҳияти уларнинг сезгиларга ўхшаш алоҳида элеметлари эмас, балки конфигурация шакл ёки гештальтчиларнинг яхлит яратишидан иборат.

Гештальтпсихологияда тафаккур муаммосининг тадқиқоти кенг камровли тарзда олиб борилади. Жумладан, В.Келлер антропоидларнинг интеллектуал ҳаракатларини экспериментал ўрганиш натижасида юқори даражада тараққий қилган маймунларнинг ақлий ҳаракатида инсон ҳаракатига хос ўхшашлиқ борлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

В.Келлернинг фикрича, топшириқни ечиш механизми қуйидагилардан иборат: организмнинг оптик майдонидаги вазиятларнинг муҳим элементлари бир бутунликни, яъни вазият элементларига, гешталт ичига кириб, гешталтда қайси жойни эгаллашга боғлиқ равишда янги аҳамият касб этади. Вазиятнинг муҳим элементларидан намоён бўлувчи гештальтчилар муаммоси вазиятда организмда баъзи бир зўриқишилар таъсирида вужудга келади, топшириқни ечиш муаммоли вазиятнинг қисмлари янги гешталтда янги муносабатда идрок қилина бошлаганида тугалланади. Масалани ечиш аниқ қадамларни юзага келтирувчи гешталт сифатида майдонга чиқади.

Гештальтчиларнинг айримлари “йўналиш” атамасини қўллаб, уни ўтмиш тажрибаси билан боғлашга интиладилар. Шунингдек, улар “тафаккурнинг эврестик методлари” тўғрисидаги тушунчадан ҳам фойдаланадилар. Бунда материални, қўйилган мақсадни, конфликтли ҳолатларни таҳлил қилишни назарда тутадилар.

Гештальтчилар тафаккур психологиясининг қатор муаммоларини кўтариб чиқадилар, чунончи ижодий тафаккурнинг ўзига хослиги, тафаккур жараёнида янгиликнинг вужудга келиши, билимлар билан тафаккур нисбати, топшириқни бажариш жараёнида аста-секин ва бирданига ечиш йўлини қўллаш кабилар. Тафаккурни психологик ўрганишда функционал ривожланиш ғоясини амалиётга тадбиқ қилиш ҳам маълум даражада гештальтпсихология намоёндаларининг хизмати ҳисобланади.

### **10.3. Псиҳоанализ ва унинг ривожланиши**

З.Фрейд ғарб маданиятига чукур таъсир кўрсатди. Фрейднинг клиник психология ва психиатриядаги илмий қарашларини алоҳида ўринга эга. Фрейднинг кузатишлари қатор неврологик бузилишларнинг психологик сабаблари мавжудлиги тўғрисидаги хulosага олиб келди. Бу орқали Фрейд онгсизликни кашиф қилди. Унинг фикрича кўзи ожизлик ёки карлик, беихтиёр кўрмаслик ва эшитмаслик хоҳиши инсонга кескин хавотирликни уйғотар экан. Фрейд гипноз онгсизликка йўл дейди ва пациентларни даволашда ундан фойдаланди. Натижада беморлар гипноз туфайли ўзларининг англаш бўлмас қобилиятларини очадилар. Сўнгра у пациентлар ўзларини руҳий енгиллашишларига имкон берувчи эркин ассоциация усулини олиб кирди. Ушбу усулга кўра мижоз ўзининг дардларини баён этади. Бу эса пациентларга руҳий енгиллик олиб келди. Фрейд руҳий бузилишларнинг замини, бугунги безовталанишларнинг сабаби пациентларнинг ўтмиши билан боғлиқ, болаликдаги туйғуларига бориб боғланишини таъкидлади. Касалликларнинг онгсизлик сабабларига таянган шахс назариясини психоанализ даволаш методи билан боғлади.

Фрейд топографик моделдан фойдаланиб, психик ҳаётни уч даражасини ажратди:

- Онг; Онголди; Онгсизлик.

**Онг даражаси** аниқ дамдаги инсоннинг маълумотларини сезги ва кечинмаларидан ташкил топади. Онг мияда сақланувчи маълум кам фоизли ахборотларни қамраб олади. Сўнгра маълумотлар онг олди ёки онгсизлик соҳада юкланади.

**Онгсизлик соҳа.** Инсон психикасининг энг чуқур ва аҳамиятли қатлами онгсизлиқdir. Бу онгга қанчалик босим ўтказувчи эмоция ва хотиралар орқали инстинктив қўзғалишларини сақловчи, аммо ушбу англашилмаган материаллар кўпинча инсоннинг кундалик фаолиятини белгилайди.

**Онголди соҳа,** баъзан хотираға кириш мумкин бўлган, ўзида барча тажрибани киритади, айни дамда англанилмаган, аммо тасодифий ёки минимал куч сарфлаш натижасида онгта тез қайтиши мумкинлиги.

**У** – психиканинг онгсизлик қисми бўлиб, биологик инстиктли майллардан иборат: агрессия ва сексуал. У жинсий майл – либидо билан тўйинган. Инсонда яширин энергетик тизим бўлиб, бу қувват ҳар бир кишида миқдори - доимий ўлчамга эга. Онгсиз ва иррационал бўлади. У қониқиши, яъни сўнгига баҳт, энг асоси инсон ҳаётидаги асосий мақсад тамойилига бўйсунади.

**МЕН** – иккинчи тамойил – гомеостаз – ички мувозанатни сақлаш тенденцияси. Мен (Эго) – онг – доимий равишда У билан низода бўлади, сексуал майллар таъсирида бўлади. У жамият таъсири остида шаклланади. Менга уч та куч таъсир кўрсатади: У, Кайвоний Мен ва инсонга ўз талабаларини қўювчи жамият. МЕН улар ўртасидаги уйғунликни таъминлашга ҳаракат қиласи, қониқиши эмас, балки реаллик тамойилига бўйсунади.

**ОЛИЙ МЕН** (юқори мен) ахлоқий стандартларни ташувчи, шахснинг бу қисми танқид, цензура, виждан роли бажаради. Агар Мен У га мос ҳаракатни амалга оширса ёки унга мос қарор қабул қиласа, Кайвоний Мен

унга қарши чиқади. Натижада айборлик, уят, виджон таъналари кўринишидаги жазони бошдан кечиради.

Барча ҳимоя механизмларининг мақсади “Мен”га ёрдам беришдан иборат. Шу сабабли ҳам у учта асосий безовталанишга йўналтирилган, яъни “Мен”ни заарлаши мумкин бўлган невротик, ахлоқий, ва реал.

Бироқ, “Мен” ичдан чиқадиган норозиликдан ҳимояланиб қолмасдан, илк даврларда “Мен” хавфли инстинктив стимуллар билан танишади, шунингдек у норозиликни кечиради.

Фрейд психосексуал ривожланиш босқичларини 5 даврини келтириб ўтади. У қуйидаги 1-жадвалда ўз аксини топган:

#### 1-жадвал

#### Психосексуал босқичлар

№	Босқичлар	Ёш даврлари	Либидо йўналтириладиган зона
1	Орал	0-1,5	Оғиз
2	Анал	1,5-3	Анус
3	Фаллик	3-6	Жинсий аъзолар
4	Латент	6-12	Мавжуд эмас
5	Генитал	12-18	Жинсий аъзолар

3. Фрейд ўз назариясида шахснинг ҳимоя механизмларини ажратишга ҳам эришди.

Кўпинча низоли зоналар психика структурасини У, салбий эмоция ва кечинмаларда кузатилувчи (таъсирланиш, безовталаниш ва умидсизлик) фрустрацияга олиб келди. Фрустрация МЕНни ҳар хил “чиқариш клапан”лари ёрдамида зўриқишлиарни олиб ташлашга ундейди. Булар психологик ҳимоя механизмлари дейилади:

- репрессия: ташвиш сабаб нарса мавжудлигига бехуш инкор ўз ичига олади;
- рад этиш, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, қўшилмаслик;
- реакция: у ёки бу ҳодисага таъсир кўрсатиш;

- проекция – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- идентификация – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- регрессия – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсиadir воқеларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;
- ёлғизланиш – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирамасликка интилиш, бунда шахснинг фаолияти пассив тус олади;
- рационализация – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- сублимация - ўзгартириш ёки табиатан энергия қизиқ томонидан Ид импульсларини ўз ичига олади ва уни ижтимоий мақбул хулқда ифодалашга йўналтирилади.

3.Фрейднинг изланишлари ундан кейинчалик бир қатор янги йўналишларни вужудга келишига сабаб бўлди.

#### ***10.4. К.Юнгнинг аналитик психологияси***

Фрейднинг издошлари сифатида фаолият олиб борган олимлардан бири К.Юнг ҳисобланади. Юнгнинг шахс муаммосига доир ёндашуви “Аналитик психология” деб номланиб, у ўзига хос ёндашувни ифода этади.

Шахс типологиясига доир ёндашуви:

Экстраверсия – «ичкаридан ташқарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга мойил шахслар кўпроқ одамлар ичидан бўлишни ёқтиришади, ўз кечинмаларини кўпроқ атрофдагилар билан баҳам кўради. Мулоқотга киришувчан, танишлари доираси кенг. Баъзи ҳолларда жиддийлик этишмайди. Одамларни тез ишончини қозона олади ва шунингдек, тез хафа қилишга ҳам мойил.

Интроверсия – «ташқаридан ичкарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга хос шахслар оғир, вазмин, кўнгли нозик, бепарво, дўстлик қоидалари қатъий амал қиласидиган. Мулоқот доиралар чекланган, тортинчоқ, кўпроқ ўзларининг ички дунёлари билан банд ва ёлғизликни ёқтирадиган.

Тўрта асосий психик функцияга эътибор қаратди:

- Тафаккур-рационал;
- Ҳиссиёт-рационал;
- Сезги-иррационал;
- Интуиция-иррационал.
- Фикрловчи тип – бирор нарсанинг қадр-қимматини аниқ фактлар ва мантиқий мулоҳазага таяниб баҳолайди.
- Ҳиссиётли тип – яхши-ёмон, гўзал-хунук тамойилига асосланиб эмоционал баҳолайди.
- Интуитив тип – ҳаётий воқеаларнинг мазмунини онгсизликда, туйғуси ва тахминларига кўра баҳолайди.
- Сезгига асосланувчи тип – сезги аъзоларига тушувчи, ташқи олам ҳақидаги ахборотларга таянади
- Психиканинг тузилиши.

• **Онг.**

• Шахсий онгсизлик – ўзида қачонлардир англашган, ҳозир сиқиб чиқарилган ва унutilган низо ва таассуротлар, етарлича ифодаланмаган ҳиссий таассуротларни қамраб олади. ШО – ўзида эмоционал зарядланган, бир фикр, туйғу ва таассуротларнинг устувор бўлиб қолишидан иборат комплексларни ташкил этади.

• Коллектив онгсизлик – инсоният ва ажлодларнинг хотира изларининг яширин сақланиши. Унда бизнинг ўтмиш эмоцияларимиз ва инсониятга хос фикрлар ва туйғулар акс этган.

Архетиплар – бирламчи модел ёки коллектив онгсизликнинг таркибий элементи ҳисобланади. Улар ўзида инсонлар идрок этгандарини, кечинмлари

ва воқеалар таъсирига жавоб беришини маълум образларда илгари суришлари туғмалик шаклини намоён этади.

• Энг асосий архетиплардан бири Мен архетипи, ота, она, Худо, донишманд ва бошқа архетиплари дир. Архетиплар ўзида символ(рамз)лар кўринишида намоён бўлади. Масалан, Мария, Мона Лиза ва бошқалар. Хоч, олтитомонли юлдуз, будда ғилдираги.

**Шахс структураси.** Шахс структураси қўйидаги тузилмалардан иборат: эго, персон, анима (анимус), соя ва ўзлик.

• Эго – онгнинг маркази бўлиб, ўз-ўзининг англашнинг асоси ҳисобланади.

• Персон – бу жамоа кишиси бўлиб, инсон ўзини бошқалар билан ўзаро муносабатда намоён қиласди.

• Салбий ва ижобий персонлар мавжуд. Биринчи навбатда у индивидуалликни ифодалаб, коммуникацияга мувофиқлаштиради. Иккинчидан – персон индивидуалликни бўғиб қўйиши мумкин. Шу боис персон-онгнинг юқори қатлами, эго анча чуқурлашув, ботик қисми.

• Соя ўзида шахснинг сиқиб чиқарилган томонини ифода этади. Соя эгонинг акс эттирилишида мавжуд. Соя шахснинг социал стандартлар мавжудлиги билан муросага қила олмаслигини ифодаловчи хоҳишлигини қамраб олган. Соя – ҳаёт қувват, ижод манбани сақловчи саналади. Шу сабабли эго соя қувватини зарур оқимга йўналтиради.

**Анима ва анимус.** Анима – эркақдаги аёлнинг ички тимсоли, яъни онгсиз намоён бўлувчи аёллик томони; Анимус – аёллардаги эркақнинг ички тимсоли, унинг онгсиз намоён бўлувчи аёллик тимсоли. Юнг анима ва анимус инсон хулқ-авторида уйғунлашаган тарзда намоён бўлиши керак, бу унинг ҳар томонлама мувофиқлашувини таъминлайди.

**Ўзлик.** Ўзлик – шахснинг яхлитлик архетипи. Ўзлик онглилик ва онглизликни бирлаштириб, бошқа барча элементлар уюшувини ташкил этувчи айнлана маркази ҳисобланади. Рухнинг барча жабҳаларини

интеграциясига эришганда, инсон уйғунликни сезади. Шу сабабли, ўзликни ривожланиши инсон ҳәётининг бош мақсадидир.

### ***10.5. А.Адлернинг индивидуал психологияси***

Альфред Адлер (1870-1937) индивидуал психологиянинг асосчиси ҳисобланади.

Унинг асосий асарлари: «Нерв характери ҳақида» (1912), «Индивидуал психологиянинг назарияси ва амалиёти» (1920), «Инсоншунослик» (1927), «Ҳәётнинг мазмуни» (1933).

**Инсон табиати.** Инсон – ягона ва ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи организм. (*individuum* (лот.) – бўлинмас) Инсон ҳәётий фаоллигининг ҳеч бир намоён бўлишини изоляцияда кўриб бўлмайди, лекин фақат шахсга муносабатда тўлиқ кўриб чиқиш мумкин.

Инсон ҳәёти – шахс учун аҳамиятли мақсадлар йўналишидаги ўсиш ва ривожланишга узлуксиз ҳаракат ҳаёт мақсадлари инсоннинг тақдирини белгилайди.

Инсон хулқ-автори – ирсият ва муҳит таъсири натижасигина эмас, балки инсоннинг ўз ҳәётининг архитектори саналган ижод кучидан ҳам иборат.

Индивид жамиятдан ташқари кўриб бўлмайди, унинг хулқ-автори эса социал контекстдан ташқарида. Ҳар бир инсонда умумийлик ва социал қизиқишининг табиий туйғуси мавжуд, яъни ҳамкорликнинг социал муносабатларига туғма равища интилиш мавжуд.

Инсон хулқ-автори ўзи ва атроф олам ҳақидаги тасавурлари билан белгиланади «апперцепция схемаси».

Эришилмаган мақсад ёки вазифалар инсон хулқ-авторини йўналтириб, ҳаракатлантириб туради.

Инсонга ягона, яхлит, унсурлари бир-бири билан ўзаро мувофиқ келувчи мавжудот сифатида қарайди.

Индивидуум мия ва тана, онглилик билан онгсизлик, тафаккур, туйғу, ҳаракат, шахсда намоён бўлувчилар ягонадир.

Шахснинг структурасини ҳаёт услуби билан аниқлаш мумкинлигини тавсия этади. Шахсий аҳамиятга эга мақсадларга талпиниш, камолотга интилиш, индивидуум органик жиҳатдан яхлитликни ифодалайди ва ўзининг ҳаётини бошқаради, ижодий кучини ва эркинликни танлашини намоён қилади.

Шахснинг структурасини ҳаёт услуби билан аниқлаш мумкинлигини тавсия этади. Шахсий аҳамиятга эга мақсадларга талпиниш, камолотга интилиш, индивидуум органик жиҳатдан яхлитликни ифодалайди ва ўзининг ҳаётини бошқаради, ижодий кучини ва эркинликни танлашини намоён қилади.

Индивидуум жамиятдан, бошқа инсонлардан холи ҳолда бўлмайди, инсоннинг хулқ-атвори социал детерминантлар билан аниқланган социал мазмунда содир бўлади, оқибатда инсонда бошқа инсонлар билан ҳамкорликда социал ўзаро муносабатларда иштирок этишга интилишни ифодаловчи социал қизиқишилар шаклланади.

Номукаммаллик атамасини А.Адлер фанга олиб кириб, ушбу туйгуни барча болалар жисмоний ўлчамлари, кам кучлилиги ва имкониятларининг пастлиги оқибатида намоён этилиши билан боғлиқ хусусиятларини илмий ва эмпирик жиҳатдан асослаб берди.

### Назорат саволлари:

1. Ҳаёт услуби ва шахс типларини тушунтиринг.
2. А.Адлернинг индивидуал психологияси ҳақида нималарни биласиз?
3. К.Юнгнинг аналитик психологияси
4. Психоанализ ва унинг ривожланишини тушунтириб беринг.
5. Гештальтпсихологияга умумий тавсиф беринг.
6. Спинозанинг «Аффект» ҳақидаги фикрларини тушунтиринг.
7. З.Фрейднинг фанга қўшган ҳиссасига тавсия беринг.

## **ХІ-БОБ. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ**

**Таянч тушунчалар:** Гуманистик психология, Гуманистик психологиянинг биринчи назарияси, Г.Оллпортнинг шахс назарияси, А.Маслоу шахс назарияси, Роджерс ва Франклнинг психотерапевтик ва назарий концепцияси.

### **11.1. Гуманистик психологияга умумий тавсиф.**

#### **Гуманистик психологиянинг биринчи назарияси**

Гуманистик psychology инсон табиатини тушунтиришда ўзининг ёндашуви билан бошқа psychology фанидаги йўналишлардан фарқ қиласди. Бу борада мазкур йўналишнинг вакиллари сифатида Г.Оллортнинг шахс кирралари, А.Маслоунинг шахснинг ўзини ўзи камол топтириш, К.Роджерснинг психотерапияси, Р.Мэйнинг шахснинг ҳаёт йўли ҳақидаги ғояларини эътироф этиш мумкин.

Мазкур йўналишнинг ҳар бир назарияси ўзининг илмий тушунчаси, инсоннинг ички оламини тушунишга йўналтирилган тадқиқот усуллари ва психотерапевтик ёндашувлари мавжуд.

Шунга кўра гуманистик психологиянинг умумий тамойиллари мавжуд:

- Инсон доимо янги мақсадга интилевчи, ўзини ўзи камол топтириш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқаришни ифодаловчи тараққиёт тамойили.
- Инсон ўз табиатига кўра эркин ва меҳрибонликни ифодаловчи инсонпарпаварлик тамойили.
- Мақсадли детерминизм тамойили. Шахснинг интилишлари келажакка йўналтирилганлиги билан унинг мақсад, қадриятлари ва кутилмаларини ифодаловчи сабабий детерминизмни тасдиқлаши.
- Инсон мустақил фикрловчи ва ҳаракат қилувчи мавжудот сифатида ўзининг субъект сифатида намоён қилишини ифодаловчи фаоллик тамойили.
- Шахсни алоҳида фрагментлар бўйича ўрганиб бўлмаслиги, балки уни яхлит ўрганишга ундовчи шахсни ноэкспериментал тадқиқ этиш тамойили.

- Гуманистик психологияда тадқиқот мақсади ва объективининг мослиги инсонни соғлом, ўзини ўзи рўёбга чиқариб боришини таъминловчи меъёрда ва тўлақонли фаолият олиб борувчи шахсни ўрганиш вазифасини ифодаловчи репрезентативлик тамойили.

**Г.Оллпортнинг шахс назарияси.** Таниқли АҚШ психологи Г.Оллортнинг фикрича, шахс “ички тизим”, “динамик қурилма”, “Мен”, “қандайдир метапсихологик Мен” ўзида олдиндан мақсад ва диспозицияни акс эттирувчи, инсон тафаккури ва хулқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир”. Худди шу боисдан шахснинг синфий-тариҳий жиҳатдан яққол баҳоланиши очилмай қолади, ижтимоий таҳлил ўрнини психологик талқин эгаллайди, дейди..

Шахснинг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир.

Унда кўрсатилишича, диспозиционал яқинлашиш бу иккита бир хил инсон бўлинмайди, деганидир. Ҳар бир инсон ўзини ҳар хил ҳолатлари билан ўзгачадир. Бунга Оллпорт ўзининг назариясини “характер”ни яъни “умумий анализини” кўрсатади. Ҳар бир шахсни бир-биридан фарқланадиган хусусияти мавжуд. Шахснинг характери нима? Оллпорт характерни худди нитропсихик жараёни белгилайди, унда ҳажми экспрессив хулқ-атворидир, деб таъкидлайди.

Масалан, инсонлар ишларини хотиржам бажарсалар, ҳар хил вазиятларда ўзларини эркин тутадилар. Оллортнинг таъкидлашича инсон хулқ-атвори унинг ўзини қилаётган ишида ўзини бошқара олишидир.

Оллортнинг фикрича унинг мотивлари автономлиги даражасига ва унинг биологик эҳтиёжларидан холос бўлишга боғлиқ. Шахслар ишнинг механизми сифатида Оллорт ҳатти-ҳаракатларини кўрсатди.

Ҳаракат тушунчаси характер ҳаракати эмас, балки “харакат мотив”, “ҳаракат қизиқиши”дир. Оллорт белгилаган ҳаракат мотив ҳисобланади. У катталарнинг мотивлари кичкина болаларнидан кескин фарқ қилишини эътироф этиш билан бирга уларнинг биологик ҳолат эмаслиги, шунингдек

улар рухий маънавий ҳолат ҳам эмаслигини таъкидлаган. Оллпортнинг фикрича инсон ҳаракатининг мотиви ҳақида, у қаердан пайдо бўлади, деган савол бизга киши табиий, бир томондан у ҳаракат мотив биологик фактор эмас деса, иккинчи томондан ҳар бир инсон маълум ҳаракатлар тўплами билан дунёга келади.

1937 йили Г.Оллпорт социал интеллектни одамларни тўғри баҳолай билиш, уларнинг хулқини тўғри башорат қилиш ва шундан келиб чиқкан ҳолда улар билан муносабатга киришиш қобилияти, деб тавсифлайди. У бошқа одамларни яхши тушинишини таъминловчи бир қатор сифатларни ажратиб кўрсатган: бу сифатлар таркибига социал интеллект алоҳида қобилият сифатида киритилган.

**Шахс типлари:** назариётчи, иктисодчи; эстетик; социал; сиёsatчи;

**А.Маслоу шахс назарияси.** Маслоу Абрахам Харольд (1908-1970) гуманистик психология асосчиларидан бири бўлган америкалик психолог бўлиб, у психологияга мотивацияларнинг иерархик моделининг муаллифи сифатида кириб келган. Бу иерархия асосида унинг туғма ва универсаллиги ҳақидаги ғоялар ётади.

Маслоу иерархияси асосий мазмунига кўра, эҳтиёжларни ҳеч қачон “ҳамма нарса ёки ҳеч нарса” тамойили асосида қондириб бўлмайди. Эҳтиёжлар бир-бирига қисман мос келади ва инсонда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ погонадаги эҳтиёжларга мотивация уйғониши мумкин.

1960-йиллар бошларида Маслоу қўл остида бир қанча гуманистик ёндашув вакиллари бирлашиб, психологиядаги икки муҳим интеллектуал оқим бўлган психоанализ ва бихевиоризмга қарши гуманистик психологияни яратадилар. Гуманистик психология кучли ташкил қилинган назарий тизим бўлмасдан, уни шахсга ва клиник психологияга назарий муносабат билдирувчи ўзига хос гурӯҳ деса ҳам бўлади. Маслоу ўз йўналишини психологиядаги учинчи куч деб номлаган. Бу ёндашув вакиллари инсон табиатининг аниқ келиб чиқиш концепцияларини ажратиб ўрганишган. Амалий жиҳатдан эса бу ёндашувлар ғарб фалсафий тафаккури тарихида

ўзининг чукур илдизига эга. Гуманистик психологиянинг илдизи экзистенциал фалсафа илдизларига бориб тақалади. Уни Серен Кьеркегор (1813-1855), Карл Ясперс (1883-1969), Мартин Хайдеггер (1889-1976) ва Жан-Поль Сартр (1905-1980) каби бир қанча Европалик файласуф ёзувчилар ҳисобланади.

Гуманистик психологиянинг намоёндалари Эрик Фромм, Гордон Оллпорт, Карл Рожерс, Виктор Франкл ва Ролло Мей каби машхур психологлар ҳисобланади. Гуманистик психология намоёндаларининг фикрича, инсон ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмайди, у ҳар доим ривожланишга имкон топади. Коллежнинг юқори курс талабаси ўзининг тўрт йил аввалги ўспиринлик даврига қараганда ҳозир бошқача. Унинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарган. Уни яна тўрт йилдан сўнг учратсангиз у ўз ҳаётининг янги йўлларини эгаллаган, масалан, ўзининг касбий каръерасига эга бўлган ёки оилали, фарзандли бўлган бўлиши мумкин. Шу йўсинда эркин мавжудот бўлмиш инсон бу хаётда яшashi учун ўзининг кўпгина имкониятиларини очиши зарур.

Маслоу учун шахснинг марказий хусусияти бу унинг умунийлиги ва бир бутунлигидадир. Яхши назарияда ошқозон ёки тиш ёки бош оғриғи каби реаллик мавжуд эмас. Фақатгина индивидиум эҳтиёжи мавжуд. Агар бир киши оч дейлик. Унинг ўзи ниманидир егиси келади, ошқозони эмас, агар у киши бирор нарса тановвул қиласа, ўзи еган бўлади. Унинг ошқозони эмас. Демак у киши ўзи бутунликда эҳтиёжини қониқтирган бўлади, фақатгина ошқозонининг эҳтиёжини эмас.

Яъни Маслоунинг фикрига кўра, мотивация битта бутун инсонга таъсир қиласи, унинг алоҳида организмига эмас.

## **11.2.Роджерс ва Франклнинг психотерапевтиқ ва назарий концепцияси**

К.Роджерснинг шахс назарияси бошқа психологлардан кескин фарқ қиласи.

Роджерс шахс назариясини учта тамойил бўйича ёритди:

1) инсон хулқ-атворини объектив кузатишлар орқали тушуниш мумкин, шахс эса субъектив идроки ва воқеликни билиши орқали баҳолайди;

2) инсон ўз тақдирини ўзи белгилайди, танлов ва қарор қабул қилишда эркин;

3) инсон ўз табиатига қўра меҳрибон ва ўзини ўзига камол топтиришга интилевчан;.

**Мен тузилмасида ҳар хил қадриятлар киради:**

1) билвосита организмда кечади («Мен ўз ота-онамни инсон сифатида идрок этаман»);

2) бошқаларда интroeцирловчилар хусусий, билвосита идрок этишга сабаб бўлади («Мен ўз хулқ-атворимни қониқмаган ҳолда идрок этаман»).

#### **Мен концепцияси характерловчи жиҳатлари:**

1) Барча шахс хусусиятлари “Мен концепция”да ўз аксини топади (жисмоний, социал, жинсий, туйғу ва эмоция, таб ва психологик қирралар ва бошқалар);

2) “Мен-концепция”нинг қисмлари ўртасида тузилмавий ва типлар бўйича боғланиш мавжуд;

3) конгруэнтлик-ноконгруэнтлик, яъни “Мен-концепция” инсоннинг реал кечинмаларини мувофиқ-номувофиқлигидир.

4) Ҳимоя ёки қуч “Мен концепция”нинг мос эмаслигини ифодалайди;

5) Зўриқишилар, яъни ҳимоя позициясида қайд этиш оқибатидаги ҳолат;

6) Ўзини ўзи ҳурматлаш даражаси ёки барча хусусиятлари бўйича ўзини қабул қилиш;

7) Фаол тушувчи ахборотлардан келиб чиқиб ўзини баҳолаш қобилияти.

#### **Шахс марказлашган психотерапиянинг асосий тамойили:**

1) Клиент ҳақидаги фақат фаол ахборотлар фойдаланилади;

2) Психоанализнинг зарур атрибулари инкор этилади, улар эмпатияни яқинлашуви ва ўрнатилишига халақит беради. Ўзаро таъсирлашув “юзма-юз” амалга оширилади;

3) Талқин, баҳолаш ва маслаҳатлар мавжуд эмас;

- 4) Клиентга шартсиз ижобий муносабатдан ташқари сўнгра салбий эмоцияга йўл қўйилади;
- 5) Клиент терапевтдан мустақил, автоном;
- 6) Натижалар онгнинг кенгайтиришга хизмат қиласди.
- 7) Психотерапияда қадрият ва идеалларнинг муҳимлиги қайд этилади.

**P.Мейлининг шахс хислатлари:**

1. Ўзига ишониш - ишончсизлик.
2. Ақл-заковат билан мулоҳазалаш - тор фикрловчи.
3. Онгли дунёқарашиб - келажакни ўйламаслик.
4. Мулоҳаза қилиш, ўзини тута билиш, барқарорлик - сохталик, тез берилувчанлик.
5. Хотиржамлик - тажанглик.
6. Кўнгилчанлик - айёрлик, сурбетлик.
7. Яхшилик, сабр-тоқатлилик - худбин, ўзбошимчалик.
8. Дўстона, гапга кирадиган, эпчил - бир нарсага қаттиқ ёпишиб оладиган, золим, майдагап.
9. Самимилик, кўнгилчанлик – ёвузилик, сурбетлик.
10. Ҳақиқатпарварлик - ҳайбаракачилик.
11. Иродалилик - иродасизлик.
12. Соф виждонлилик, тартиблилик - виждонсизлик, бетартиблик.
13. Изчиллик, мантикийлик, интизомлилик - оқибатни ўйламаслик, тарқоқлик.
14. Ишончлилик - ишончсизлик.
15. Улғайиш - организмнинг етилмай қолиши.
16. Одоблилик - одобсизлик.
17. Киришимлилик - одамови.
18. Қувноқлик - ғамгинлик.
19. Мафтункорлик - ихлоси қайтганлилик.
20. Дилкашлик - писмиқ.
21. Фаоллик - сусткашлик.

22. Мустақиллик - конформилик
23. Экспрессивлик - вазминлик
24. Хилма-хил қизиқишлар - тор қизиқиши.
25. Таъсирчанлик - совуққонлик.
26. Жиддийлик - бетайинлик.
27. Ҳалоллик - алдамчилик.
28. Тажоввузкорлик - оқ кўнгиллилик.
29. Тетиклик - қувноқлик.
30. Оптимизм - умидсизлик (пессимизм).
31. Ботирлик - қўрқоқлик.
32. Олий ҳимматлилик – зиқналик;
33. Эркинлик - тобелик.

Анъанавий ҳаёт мазмунинг муаммолари фалсафанинг предмети хисобланади. Файласуфлар одам ҳаётининг мазмуни нима ва у қандай бўлиши кераклиги масаласини ечадилар ва ҳ.к. Мавжуд психология фанлари тизими доирасида, ҳозирча қатъиян ҳаётий - мазмуний муаммоларга йўналтирилган, аниқ таърифланган, маҳсус тизим йўқ. (бунга ўхшаганларнинг бир қисми биологик сабабдан тортиб ғоявий сабабгача бўлган барча босқичларни кўриб чиқадиган рухланиш (мотивация) назариясини ўз ичига олади). Шунинг учун ҳаёт мазмунининг муаммоси билан алоҳида мактаб – экзистенциал психология шуғулланади. «Экзистенция» тушунчасининг ўзи, сўзма-сўз таржима қилганда “пайдо бўлиш”, “вужудга келиш”, “шаклланиш” маъноларини англатади. Бу бутун экзистенциализмнинг моҳиятини нафақат психология ва психотерапияда, балки фалсафа, санъат, адабиёт ва ҳоказоларда ҳам аниқ акс эттиради. Унда одам психодинамик механизmlари, хулқ-атвор шакли, табиий ва шахсий сифатларининг статик тўплами сифатида эмас, балки доим бор бўлган ва бўлувчи мавжудот сифатида асосий рол ўйнайди.

Психологияда экзистенциал йўналиш XX асрнинг биринчи ярмида Европада иккита ғоянинг чегарасида вужудга келди: бир томондан бу ўша

пайтда одамнинг ҳолис ва илмий таҳлилининг кўрсатмаси ва детерминистик қарашлари билан хукмронлик қилган кўплаб психолог ва терапевтларнинг қаноатланмаслиги бўлса, иккинчи томондан бу психология ва психиатрияга катта қизиқиш уйғотган экзистенциал фалсафанинг шиддатли ривожидир. Натижада психологияда Карл Ясперс, Людвиг Бинсангер, Медард Босс, Виктор Франкл кабилар томонидан тақдим этилган янги – экзистенциал оқим вужудга келди. Экзистенциализмнинг психологияга таъсири асл экзистенциализм йўналишининг шаклланиши билан чегараланиб қолмади. Жуда кўплаб психологик мактаблар у ёки бу миқёсда мана шу ғояларни ўзига сингдирдилар.

Айниқса, Э.Фромм, Ф.Перлс, К.Хорни, С.Л.Рубинштейнларнинг экзистенциал мотивлари жуда кучли. Шундай қилиб экзистенциал психология қуидагиларни ўрганади:

- 1) ўлим, ҳаёт ва вакт муаммоларини;
- 2) танлаш ва жавобгарлик эркинлиги муаммоларини;
- 3) ёлғизлик, севги ва муроқот муаммоларини;
- 4) мавжудликнинг мазмунини қидириш муаммоларини.

Экзистенциал психологиянинг асосий предмети – одамзод ҳаётининг мазмуни, уни йўқотиш, ўзgartириш ва эришишнинг шарт-шароитлари. Виктор Франкл, Ролло Мэй, Джеймс Бьюджентал каби муаллифлар томонидан экзистенциал фалсафа асосида ишлаб чиқилган умумпсихологик назариялар ва психологик практиканинг методологик асослари бугунги кунда экзистенциал психологиянинг чўққилари ҳисобланади.

Психологияда В.Франкл яратган экзистенциал таҳлил ва логотерапия назарияси одам табиатига, шахснинг нормал ривожининг механизmlари ва патология (файритабиийлик)га, шахс ривожидаги аномалларни яхшилаш йўли ва услубига бўлган тиббий, фалсафий ва психологик қарашларнинг мураккаб тизимини ўз ичиги олади.

Психолог Франклнинг назарияси уч асосий қисмга бўлинади: мазмунга интилиш ҳақидаги таълимот, ҳаёт мазмуни ҳақидаги таълимот ва эркинлик

иродаси ҳақидаги таълимот. Мазмунга интилишни ва одам ўз ҳаётининг мазмунини англашини В.Франкл барча инсонларда мавжуд бўлган ва шахс ривожи ва феъл-атворини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган туғма мотивацион ғоя сифатида кўриб чиқади. В.Франклнинг фикрича, ҳаётий кузатувлар, клиник амалиётлар ва эмпирик маълумотлар шуни ўз ичига оладики, одам яшаши ва фаол ҳаракат қилиши учун ўзининг қилмишлари эга бўлган мазмунга ишониши керак.

Психология ва психотерапияда экзистенциал йўналишнинг ёрқин вакиллари швецариялик психиатрлар Людвиг Бинсвангер ва Медард Босс. Улар ўз концепсиясини немис файласуфи Мартин Хайдеггернинг экзистенциал назарияси асосида ишлаб чиқишиган.

Бинсвангер ва Босс талқинидаги экзистенциал психология бир қатор ўзига хосликлар билан ажralиб турди. Аввало, улар психологияга табиий фанлардан сабабийлик тамойилининг олиб кирилишига қарши чиқдилар. Улар фикрича, инсон ҳаётида ҳеч қандай сабаб-оқибатга асосланган муносабатлар йўқ. Асосан, хулқ-атворнинг кетма-кетлиги мавжуд бўлиб, бу кетма-кетлик орқали сабабийликни келтириб чиқариб бўлмайди.

Шундай қилиб, Бинсвангер ва Босс талқинидаги экзистенциал психология казуалликни рад этган ҳолда, поситивизм, детерминизм ва материализмни ҳам инкор қиласди. Ушбу олимлар таъкидлашича психология бошқа фанларга ўхшамайди ва улар каби модел асосида қурилиши керак эмас. У ўз методини (феноменология) ва тушунчаларини (хаётдаги мавжудлик, мавжуслик модуслари, эркинлик, маъсулият, айланиш, транстенденция, маконийлик, темпораллик ва б.к.) талаб қиласди. Бинсвангер ва Босс экзистенциал назариясининг марказий тушунчаларидан бири мотивациядир. Мотивация доим сабаб ва оқибат муносабатларини тўғри ёки нотўғри тушунишни талаб қиласди. Бир хил воқеа тури сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин, шу жумладан табиий омиллар туфайли, лекин факт инсонгина мазкур ҳаракатни амалга ошириш, бирор бир мақсадга эришиш учун мотивацияга эга бўлади. Турли индивидлар турли мақсадларга эришиш

учун бир хил ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Шу билан бирга инсон томонидан у ёки бу мақсадга эришиш бир неча босқичлардан иборат бўлиши мумкин ва бу босқичнинг ҳар бири ўз оқибатига эга бўлади. Умуман олганда, мазкур ҳолатда инсон мотивациясини тушуниш инсон хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатини англашнинг бош мезони бўлади. Бинсвангер ва Босс концепцияси субъект (руҳ) ва объект (тана, муҳит, материя) ўртасидаги дуализмга салбий қарайди. Ушбу фикрни биринчи бўлиб Декарт илгари сурган ва кейинчалик инсон кечинмалари ва ҳаракатларини муҳит стимуллари ҳамда тана ҳолати нуқтаи назардан кўриб чиқиша кенг қўлланила бошланди. Экзистенциал назария индивиднинг дунёда бирлигини таъкидлайди ва бу бирликни бузувчи ҳар қандай қарашни фалсификация ва инсон воқелигини ягона оқимини бўлиб ташлашга бўлган уриниш дея баҳолайди. Босс сўзларига кўра, экзистенциал психология мақсади – инсоннинг боғлиқлик структурасини юзага чиқаришдир. У ёзади: “Боғлиқлик фақатгина бузилмаган бутунликда мавжуд; боғлиқлик бутунликдан келиб чиқади”.

Экзистенциал психологиянинг ушбу йўналиши шунингдек, феноменлар ортида уларни тушунтириб бериши ёки аниқлаб бериши мумкин бўлган нимадир бор, деган фаразни ҳам инкор этади. У инсон хулқ-атворини анъанавий бўлган “Мен-концепция”, онгиз, психик ва жисмоний энергия, инстинктлар, мия электрик жараёнлари, архетиплар ва бошқалар орқали талқин қилишни тан олмайди. Бинсвангер ва Босс феномен моҳиятини тушунтириб беришмайди, улар фақат феномен борлигини тан олишади ва психологиянинг бош вазифасини уларни чуқур ёритиш, тушунтириш ёки исботлаш эмас деб айтиб ўтади. Бу тадқиқотчилар ҳар қандай психологик назарияларга салбий муносабатда бўлганлар, зеро, назария остида доим у ёки бу фараз ётади, мазкур олимлар учун эса инсон томондан ҳис қилинган, унинг бошидан ўтган ва англаб етилган ҳодисалар ҳақиқийдир, илмий фаразлар эмас. Бу йўналиш тарафдорлари фикрича ўрганиш бу ҳеч қандай гипотеза ва стериотипларсиз кўра олишдир.

Бинсвангер ва Босс индивидга худди буюмдек қарашга қарши чиқдилар. Улар фикрича, инсонга бундай муносабат нафақат психологияга инсонларни ҳаётдаги мавжудлиги позициясидан англаш имконини бермайды, балки охир оқибат шахс дегуманизацияси күринишида намоён бўлади. Улар инсонларнинг технисизм, бюрократия, механизация натижасида четга чиқиб қолиши, узлатга чекиниши ва бузилиши ҳақида сўз юритган. Олимлар нуқтаи назарига кўра, инсонлар билан буюм каби муносабатда бўлганда, улар ҳам ўзларини эга бўлиш, назорат қилиш, форма бериш, ишлатиш мумкин бўлган буюм деб ҳисоблай бошлашади. Натижада бундай инсонлар ҳақиқий инсон ҳаётини яшаб ўтишга қодир бўлмай қоладилар. Инсон ўз ҳатти-ҳаракати учун эркин ва маъсулдир. Босс айтадики, эрк бу инсонлар эга бўлган нимадир эмас, бу шундок ҳам мавжуд ҳодиса. Бинсвангер ва Босс экзистенциал фалсафасида жуда катта ўрин инсон ўлими мавзусига ажратилган. Мазкур мутахассислар асарларида ўлим олдидан кўркув ҳаёт масаласидан кам ўрганилмаган. Бинсвангер ва Босс концепциясининг фундаментал тушунчаси “дунёда мавжудлик” (Дасеин) дир.

Инсон мавжудиги дунёсининг З даражаси бор: 1) билогик ёки жисмоний атроф-муҳит (ландшафт); 2) инсоният муҳити 3) инсоннинг ўзи, унинг танаси. Инсон мавжудлигининг моҳияти масаласига тўхталар экан, Бинсвангер ва Босс инсонларнинг ўзи дунё моҳияти эканлигини, улар ўз дунёсига эга эканлигини, аммо доимо бу дунё чегарасидан чиқишига ҳаракат қилишини айтиб ўтади. Мазкур ҳолатда, дунё чегарасида ортидаги мавжудлик ҳақида сўз борар экан, олимлар ўзга – нариги оламда яшашни назарда тутмаганлар, балки мавжуд бўлган муҳитидан янги дунёга, муҳитга ўтиш ҳақида фикр юритганлар.

### **11.3. Генетик психология. Россияда психологиянинг ривожланиши**

Бир неча ўн йиллар давомида **МИЛЛИЙ** психология тадқиқотлари шахс фаолияти тамойилларига асосланган эди. Бу тамойиллар муаллиф ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар йўқ. Бу тамойиллар биринчи бўлиб 1922 йил Рубинштейннинг “Шахс ижодий фаолияти тамойили” мақоласи орқали юзага

келган” деган фикрлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ўтган асрнинг 20-30 йилларида Л.С.Выготский томонидан ёзилган бир неча асарлар ҳам бу тамойилларнинг фундаментал ғоаяларига асос бўлган деган маълумотлар ҳам мавжуд. Бу тамойилнинг маъно мазмуни **МИЛЛИЙ** психолог Л.Я.Галперин ёритган эди. Унинг ёзишича шахс ижодий фаолияти фақатгина шахс тор доирасида эмас, субъектнинг ташқи ва объектив фаолиятини ўз ичига олиб ўрганиш керак; шахс ижодий фаолияти психиканинг зарурлигини, унинг таркиби ва тузилиши ташқи фаолият билан узвий боғлиқлигини ўрганиш; психологик фаолиятда шахс иштирок этмайдиган жараён эмас, субъектнинг муаммоли ҳолатдаги фаолияти билан кўриб чиқиш.

Миллий психологияда шахс икки хил қараш билан ўрганилади.

Барча психологик жараёнлар – дикқат, хотира, тафаккур шахсга тобе бўлган танланган характерга эга фаол ҳолатга эгадир (мотивация, қизиқиш, мақсад, характер).

Л.С.Выготский (1896) – методолог-психолог, кўп йиллар давомида бола психикасини ўрганишда эмпирик усуллардан фойдаланиш дастури устида иш олиб борган. 10 йил давомида олиб борилган тинимсиз ва тифиз изланишлар орқали у 180 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Бу асарлар орасида “Санъат психологияси”, “Фикр ва нутқ”, “Педагогик психология”, “Психологик кризиснинг тарихий мазмуни” каби асарлари машхурdir.

Ички психик жараёнларни тушуниш учун инсон организми доирасидан чиқиб, унинг атроф-муҳит билан бўладиган муносабатини ўрганиш керак эди.

Унинг концепцияси маънавий-тарихий деб аташ мумкин эди, чунки онг ва психик жараёнларга интерпретацияни фақатгина уларнинг ривожланиши ва қурилиши орқали бериш мумкин эди. Выготскийнинг асосий ғояси, юқори психик функцияларнинг ривожланишини тасдиқлаш билан боғлиқ эди. Улар ёш болада катталар билан мулоқот давомида ривожланади. Выготскийнинг фикрича, ривожланиш, маънавий белгиларни уларнинг ичига энг соддаси бўлган сўзларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Олий психологияга доир

муоммолар бирга инсонда туғилишдан мавжуд бўлган функциялар хусусида ҳам баҳс юритилади. Выготскийнинг фикрига кўра ривожланиш икки йўналишга бўлади:

Бола ривожланишида бу икки йўналиш ҳам иштирок этади ва биз уларни из ҳолатда филогенезда учратишимиш мумкин: булар; биологик ва тарихий, табиий ёки маънавий хулқнинг ривожланишидир. Онтогенезда бу икки жараёнлар ўз паралелларига эгадир.

Табиий функциялар булар механик хотира, диққат, образли фикрларни органик ривожланишлар бўлиб, улар ташқи муҳит билан бўлган алоқа давомида шаклланди. Олий психик функцияларга – мантиқий хотира, дунёқараш, тушунчаларда фикрлаш. Биринчи-табиий стимул реакция тамойили асосида, иккинчиси эса қонун билан ривожланади.

Выготский иккита гипотезани олдинга сурган:

- 1) Олий психик функцияларнинг тарқалиши;
- 2) Ташқи интеграция йўли орқали ички фаолиятнинг вужудга келиши. Изланишлар шуни кўрсатдики, хулқ-атворни ўзлаштириш аввал ташқи (социал) планда, катталар билан мулоқот давомида ривожланади ва шундан сўнг функциялар ичига айланади. Бу қонуният, маънавий ривожланишнинг умумгенетик қонуни, - деб аталади. Шахснинг шаклланиши, Выготскийнинг фикрича, моддий ривожланишни акс этади. Унинг фикрича бола шахсияти билан моддий ривожланиш ўртасида teng белгисини қўйишимиз мумкин. Шахс шундай тарихий ривожланишда шаклланади. Шахснинг кўрсаткичи деб, табиий ва олий психик функциялар кўринишида кўришимиз мумкин. Инсонда қанча маънавий функциялар кўп бўлса, унда шунча дунё ва ўз хулқ-атвори устидан бўлган бошлиқлиги кучаяди.

А.Н.Леонтьев (1903-1979) – психолог, илм ташкилотчisi, фаолият назарияси асосчisi. Унинг асарлари орасидан “Психика ривожланиши”, “Фаолият, онг, шахс”, кабилари машҳурдир. Леонтьев концепцияси инсон ривожланишида ижтимоий детерминациянинг ўрни ҳақидаги қарашни маъқуллаб, қайсиdir маънода Выготский йўлини давом эттирган.

Леонтевнинг шахс теорияси асосий тамойили ёрдамида инсоннинг натурал фаолиятини тушуниш билан ифодалаш мумкин. Унинг концепциясининг асосий тушунчаси бу фаолият категориясидир. Фаолият феномени сабаб, атроф олам таъсирида юзага келадиган жараён текширилади.

Рубинштейн (1889-1960) машхур психолог, файласуф ва психолог, фикрлаш психологияси муоммоси устидан тадқиқотлар олиб борган, психология асосларини яратувчиси, “Умуман психология асослари” номли дарслик муаллифи. “Ижодий фаолият тамойили” мақоласида у онгни актив фаолият деб баҳо берди. Бу ғоя асосида онг бирлиги ва фаолияти тамойилини яратади. Онг бирлиги ва фаолият ҳақидаги ғоялар психологиянинг ривожланишининг айни бир этапида вужудга келган бўлиб, XX асрнинг 30-40 йилларида интроспектив психология ва бихевиоризм билан боғлиқ муоммоларни ҳал қилиш учун ҳам вужудга келган. Онг бирлиги ва фаолият тасдиғи онг ва психикани пассив бир мавжудлиги деб эмас, субъект фаолияти, реал индивид ва инсон фаолияти уни атроф-муҳит билан бўлган муносабати жараёни ўрганилади.

Рубинштейн алоҳида таъкидлаб шуни айтадики, инсонга фақатгина фаолият эмас, балки шахс ҳам танлов ҳуқуқига эга ҳолда таъсир ўтказиш кучига эгадир. Шахсни ўрганиш давомидаги муҳим дақиқалардан бири, Рубинштейн фикрича фақатгина фаолиятини ёки ҳаёт эмас, бундан кенгроқ жабҳаларниуз ичига олади.

В.С Мерлин (1898-1982) шахсиятининг интеграл назарияларини ишлаб чиқади ва қуидаги босқичларини кўрсатди.

1. Биокимёвий;
2. Соматик;
3. Нейродинамик;
4. Психодинамик (темперамент босқичи);
5. Шахсият;
6. Жамиятдаги социал роли.

Бу босқичларни орасида бир томонлама, аксинча кўптомонлама боғлиқлик бор, яъни бир босқич бир вақтда бир неча босқичда алоқада бўлади. Темперамент босқичда қуидагиларни фарқлайди.

Экстраверсия – объектив ҳолатдан келиб чиқиб, психик ўзини тутиш.

Сергаклик – тўсиқ бўлаётган ҳолатда қочиш орқали реакцияга киришиш.

Реактивлик – ҳатти-ҳаракатга шундай жавоб қайтариш.

Импульсивлик – тезлик унда эмоциялар ҳатти-ҳаракатнинг кучи.

Эмоцияларни уйғониши қўйилган мақсадга актив ҳаракат қилиш. Шахсий фаолият ҳақида гапирганда, шуни назарда тутганки, психологик воситаларнинг тизими шундайки, инсон ўзининг шахсиятини кўрсатиш учун ҳаракатсиз улардан қочади. Темперамент Б.С.Мерлин фикрича кўра, ўзгартириш мумкин эмас, чунки у генетик жойлаштирилган, лекин унда айрим хусусиятларни тарбиялаш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Гуманистик психологияга умумий тавсиф беринг.
2. Гуманистик психологиянинг биринчи назариясини тушунтириб беринг.
3. Г.Оллпортнинг шахс назарияси ҳақида нималарни биласиз?.
4. А.Маслоу шахс назариясининг муҳим жиҳатларини изоҳланг.
5. Роджерс ва Франклнинг психотерапевтик ва назарий концепциясини тушунтириб беринг.
6. Мен концепцияси характерловчи жиҳатлари қайсилар?
7. Р.Мейлининг шахс хислатлари
8. Психологияда экзистенциал йўналишнинг назариясининг моҳиятини тушунтириб беринг
9. Генетик психологиянинг моҳиятини тушунтиринг..
10. Россияда психологиянинг ривожланиш тарихини изоҳлаб беринг.

### **ІІІ БҮЛІМ (МОДУЛ). УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ ХП-БОБ. УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ, МЕТОДЛАРИ**

**Таянч түшүнчалар:** *Психология, психика, индивид, шахс, онг, шахсни ўрганиш ёки қиёслаш методология, метод, психология тамойиллари, детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши тамойили.*

#### **12.1. Шахсни ўрганишнинг методологик асослари. Инсон ва инсоният ҳақидағи фан**

Инсон табиатининг ўзига хос томонларидан бири унинг жамият ҳаёти билан боғланган томони бўлиб, бу шахс муаммосини ўрганишни тақозо этувчи жиҳати ҳисобланади. Инсон мавжудлигининг турли жабҳалардан ўрганиш узоқ тарихий даврли анъаналарга эга. Бу эса инсоннинг шахслик аспектидаги кўп ўлчамлилик, кўпқирралилик ва хилма хиллик унинг ўзига хослигини белгилайди. Улар қуйидаги жиҳатлар билан характерланади:

- шахс феноменининг тушуниш асосида қарашлар, эътиқод, тафаккурлаш услублари билан боғлиқлиги;
- шахс тушунчасининг фанлараро мавқега эгалиги;
- шахснинг тавсифлашнинг имкониятлари кенг ва бой эканлиги;
- индивид, индивидуаллик, фаолият субъекти ва шахс тушунчаларининг ўзаро ўхшашлиги ва ўзаро алоқадорлиги;
- шахс тушунчаси этиологиясининг хилма хиллиги.

Психология фанида инсон зотига хослик масаласи индивид (лотинча *individ* ажralmas, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳоллик) тушунчалари орқали акс эттирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эси-хуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ анъана тутикариб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла

олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий мухит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалиқ өфигиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, муроқот тизими билан таниша боради. Ижтимоий курсов (оила аъзолари, маҳалла ахли, жамоатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий групҳ ичида (кишиларнинг оғушида, уларнинг қалб тўрисида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шакллантирувчи, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Бир хил турмуш шароитлари шахс фаоллигининг турли шаклларини яратиш ҳамда ҳар хил ҳаётий вазиятни вужудга келтириш имкониятига эга. Ҳаётда бирон бир танбех берининг ўзи кимгадир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бирининг сиртига ҳам юқмаслиги учрайди. Шундай қилиб, одамга таъсир қилувчи барча ташқи қўзғатувчилар ижтимоий шарт-шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари (томонлари, жиҳатлари, жабҳалари, таркиблари) тузилиши йиғиндиси билан бойитилиши эвазига шахс деган тушунча ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири – бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар

мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг қадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Шахснинг таркиб топиши бир қатор омилларга боғлиқ деган назариянинг намояндалари бўлмиш ҳозирги замон узоқ чет эл (АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швецария ва бошқалар) психологлари оқибат натижасида шахснинг тузилишини ўша иккита асосий омилларга, яъни биологик ва ижтимоий (социал) воқеликларнинг таъсирига боғлиқ бўлган тузилишининг мавжудлигидан манфаатдордирлар.

Ҳар бир шахснинг ҳаётда эришган ютуқлари, баҳтини характерловчи маълум мезонлар борки, уни ўрганишда алоҳида фан йўналишига зарурат туғилади. Бу эса инсоннинг ижтимоий фаоллигини таъминловчи шахс тушунчаси билан характерланади. Шахс фаол фаолият субъекти бўлиб, у ҳаётининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб боради.

**Шахсни изоҳлаш.** Шахс психологиясининг предмети уни изоҳлашга нисбатан анчагина мураккаб характерга эга, чунки инсонлар хилма хил бўлганлиги боис ҳар хил вазиятларга қараб, ўзгариб турадилар. Шу сабабли шахсни тушунарли тилда изоҳлаш учун мос аниқлик ва изоҳга эга бўлиш лозим. Ўз навбатида шахсни мос тарзда изоҳлашга мос келадиган тилга ҳам эга бўлиш керак. Оқибатда шахсни ўрганишнинг ўзига хос принциплари ва баҳолаш воситалари - тестларни шакллантиришга олиб келди.

Шахс психологиясида ўрганиладиган асосий муаммолардан бири шахс ривожланишини таҳлилидир. Шахс психологияда таҳлил қилишда унинг ҳаётининг барча босқичлари, онгизлик таъсир кўрсатадими ёки болалиқдан кейинги даврларда шахс сифатида ўзгариш юз берадими? Ушбу тарздаги саволларга жавоб излаш зарур бўлади.

Мазкур масалаларни шахс психологиясининг методологик масалаларидан ҳал этиш учун қатор шахс назарияларни кўриб чиқиш зарур бўлади.

Шахсни ўрганишга доир ёндашувларнинг ҳар бир муаммонинг ўзига хос бошқотирма сифатида унинг ҳал этишга эътибор қаратганликларини гувоҳи бўламиз.

Хаттоки, айрим ёндашувларни ўрганиш эса ўнлаб йилларни тақозо этади. Шахс психологияси эса мазкур масалаларга жавоб топишга интилади.

**Онгни ўрганиши.** Шахс муаммосини ўрганишга ёндашувнинг бир жиҳати унинг онгини ўрганишига йўналганлигидир. Психология шахснинг ушбу жиҳатини ўрганишда табиий фанларнинг методларини модификация қилиш асосида эришди. **В.Вундт** ва бошқа психологлар инсон табиатини ўрганишда табиий-илмий фанлар таъсирида уни инсоннинг ақлини ўрганишда фойдаландилар. Ушбу тадқиқотларда психик жараёнлар экспериментал ўрганилган бўлса-да, аммо уларда чекланишлар бор эди.

**Хулқ-атворни ўрганиши.** XX-асрнинг дастлабки ўн йиллигига америкалик олим Джон Б.Уотсон биологик масалаларни ўрганишга эътибор қаратди ва бу эса шахс хулқ-атворини ўрганишга қаратилган бўлиб, Вильгельм Вундтнинг қарашларига зид эди. Уотсоннинг бу ҳаракатлари бихевиоризм деб номланди. У психология инсон табиатининг моддий жабҳаларини ўрганишга қаратилган бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди. Унинг ғоясича, ташқи хулқ-атвор психологиянинг ўрганиш асоси бўла олади. Бу эса хулқ-атворни ўрганишга эҳтиёж туғдиради. Бихевиоризм эса инсон табиатини механик тасвирини ўзида ифода этди. Кейинчалик бу ғояни Скиннер бойитди.

Шахс психологиясининг методологик масалаларини бошланғич бўғинидан бири сифатида Фрейд фаолиятини қайд этиш мумкин. Веналик врач Фрейд психоанализга асос солди. Бу эса унинг врачлик фаолиятида эмоционал бузилишлардан азият чеккан инсонларни ўрганиш орқали ўзининг илмий ёндашувига асос солди. У ўзининг узоқ вақтли сеанслари асосида унинг ҳаёт тўғрисидаги ижодий талқинларини тақдим этди. Унинг ёндашуви экспериментал ўрганишдан кескин тафовут қилди. Фрейднинг

психоаналитик ёндашуви инсон табиати ҳақидаги ноёб қарашларни ишлаб чиқишига сабаб бўлди.

Г.Оллпортнинг хизматлари ҳисобида ўтган асрнинг 30-йилларига қадар Гарвард университетида шахс психологияси америка психологиясида бир тизимга келтиришга эришилди. Бунинг учун тадқиқот ишлари, ўкув курслари ва илмий журналлар нашр этишга эришилди.

Шахсни баҳолаш методлари. Шахсни назарий ўрганиш оқибатда уни баҳолаш методлари шакллантирилди. Ушбу методлар ўзининг объективлиги, ишончлилиги ва аниқлиги билан фарқ қиласи. Методлар ўз навбатида шахсни ўрганиш назарияларига мувофиқдир.

Бугунги кунда шахсни баҳолашда асосий ёндашувлар қуидаги тадқиқот методларига таянади:

Ўзи ҳақида ҳисоб бериш ёки объектив материаллар орқали баҳолаш;

- проектив методлар;
- клиник интервью;
- хулқ-атворни баҳолаш воситалари.

### **Шахсни ўрганиш ёки қиёслаш:**

- Шахснинг типи ва қирраси бир инсоннинг бошқасидан фарқ қилиш имкониятини беради.
- *Номотетик ёндашув*- гурӯҳдаги инсонларнинг бир-бирини бирор бир хусусияти ёки шахслик қиррасига кўра қиёсий ўрганиш.
- *Идеографик ёндашув* - бир инсонни бошқа кишилар билан қиёсламасдан ўрганиш.

### ***Шахс назарияларини ижобий баҳолаш мезонлари:***

- Верификация – назариянинг эмпирик жиҳатдан текширилганлиги ва унинг тасдиқланганлиги.
- Кенг қамровли эканлиги – яхши назария бошқалари билан бир хил шароитда хулқ-атвор феноменларини кенг спектрда тушунириши.

- тадбиқий қимматга эгалик – назария, инсон ҳаётй имкониятларини ошириш учун амалий истиқболларни тавсия этиш.
- назария билан тадқиқот ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.

Шахснинг узоқ ҳаёт йўлида турли хил тоифа инсонлар ҳаёт йўлини танлашда бир-бираидан фарқ қилувчи фаолият йўналишига эга бўлади. Бу эса инсоннинг ўзига бўлган ишончи, доимий равишда қувноқ бўлиши бошлаган ишининг қандай тарзда якунлашига сабаб бўлади. Шахснинг мақсадига эришишида унинг оптимистлиги, эмоционал барқарорлиги унинг ишонч ва эътиқодидан оғишидан сақлайди. Толкина Сэм Гэмжи мураккаб йўлга дуч келганда ўзининг тафовутли ва ишончли хулқ-атвор моделини намойиш этади. Бу шахс модели шахснинг тафаккур, туйғулари ва ҳаракатлар моделини тавсифловчи хисобланади (буни Дэн МакАдамс ва Дженифер Палс (2006) тақдим этган), унда социал вазиятлар ва ўзининг қирраларида ифода этувчи шахс табиатининг ноёб кўриниши саналади.

Шу боис навбатдаги масалалар инсоният тарихининг маданий мероси сифатида хизмат қиласидан шахс назарияларига қаратилади. Тарихий аҳамиятга эга бўлган истиқболлар шахс психологиясининг муаммолари йўналишини аниқлашга ёрдам беради ва бугунги кун тадқиқотларда ҳал этилиши керак бўлган масалаларнинг ечимини топишга хизмат қиласиди.

Хорижий психологиядаги шахс муаммосига доир илмий манбаларни таҳлилий жиҳатларида қўйидаги илмий ғоялар мазмунига эътибор қаратилади:

- З.Фрейднинг психоаналитик назарияси бўлиб, унинг методологик асосида болалик ва онгиз шаҳвонийлик мотивлари шахсга таъсир кўрсатиши таҳлили тақдим этилган.
- Гуманистик психология ёндашувида эса шахснинг ўсиши ва ўзининг “Мен”ини шакллантиришида ички имкониятларнинг ўрни юқори эканлиги илгари сурилади.

Бундай классик ёндашувлар инсон табиатини ёритишнинг кенг истиқболини тақдим этадики, улар яққол шахслилик аспектдан илмий

изланишлар олиб боришига хизмат қилмоқда. Шахс муаммосини ўрганаётган доир замонавий тадқиқотлар муаммони шахслик, биологик жиҳатдан ўрганаяпдилар. Уларнинг асосий мезонлари инсон билан атроф мұхит ўртасидаги ўзаро таъсирашувига ҳам таянади. Шунингдек, улар қадр-қиммат, оғишилар, маданий мұхит таъсири ва бошқа жиҳатлар, хусусан, онгсизликни ҳам ўрганмоқдалар<sup>1</sup>.

## **12.2. Психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

Хар қандай конкрет фан бошқа фанлардан ўз предметининг хусусиятлари билан фарқ қиласы. Психология ўрганадиган ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниклаш янада қийинроқ. Бу ҳодисаларни тушуниш күп жиҳатдан психология фанини эгаллаш заруратига дуч келган одамларнинг дунёқарашига боғлиқдир. Қийинчилик энг аввало шундан иборатки, психология ўрганадигай ҳодисалар кишилар ақлида аллақачонлардан буён алоҳида ҳодисалар сифатида бўрттирилиб ва ҳаётдаги бошқа кўринишлардан ажратилиб келинди. Чиндан ҳам шу нарса мутлақо равшанки, менинг ёзув машинкасини идрок этишим қаршимдаги стол устида турган ёзув машинкасининг ўзидан, яъни реал нарсадан мутлақо бошқа ва фарқ қиласидан нарса ҳисобланади; менинг чанғида юришга бўлган истагим ҳақиқатда чанғида юришга нисбатан аллақандай бошқа бир нарсадир; менинг Янги йилни қутиб олиш ҳақидаги хотирам Янги йил арафасида реал тарзда юз берганига қараганда фарқ қиласидан аллақандай бир нарса ҳисобланади ва ҳоказо. Шу тариқа аста-секин турли хил ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурлар таркиб топади ва улар психик ҳодисалар (психик функциялар, хусусиятлар, жараёнлар, ҳолатлар ва бошқалар) деб номлана бошлади. Бу ҳодисаларнинг алоҳида характерга эгалиги уларнинг одамларни қуршаб турган ташқи оламдаги ҳодисалардан фарқ қилишида, инсоннинг ички дунёсига тегишли эканлигига кўзга ташланади. Уларни реал ҳодисалар ва фактларга қарама-қарши кўйиладиган руҳий ҳаёт («психика» деган терминнинг ўзи юононча «псюхе» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «руҳ» деган

---

<sup>1</sup> Myers, D. G. Psychology. Hope College. Holland, Michigan, 2010. - P. 553.

маънони билдиради) соҳасига тааллуқли деб ҳисоблашарди. Бу ҳодисалар «идрок», «хотира», «тафаккур», «ирода», «ҳиссиёт» ва бошқа шу каби номлар билан гурухларга ажратилиб, ҳаммаси биргаликда психика, кишининг психик, ички дунёси, унинг руҳий ҳаёти ва ҳоказолар деб аталадиган тушунчаларни ҳосил қилади.

Гарчи кундалик мулоқот давомида бошқа одамларни кузатиб борган кишилар хулқ-авторининг турли хил фактлари (ҳаракатлар, қилиқлар, иш бажариш ва ҳоказолар) билан бевосита муносабатда бўлсалар ҳам амалда ўзаро биргаликда ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж уларни ташқи хулқ-автор ортида яшириниб ётган психик жараёнларни фарқлай билишга мажбур қилган. Кишининг ҳатти-ҳаракатлари замирида ҳамиша унга дастурламал бўлган мақсадлар, майллар, у ёки бу воқеадан таъсирланиш замирида эса характеристига хос асосий белгилар тушунилган. Унинг учун ҳам психик жараёнлар, хусусиятлар, ҳолатлар илмий таҳлил предметига айланишидан анча илгари кишиларда бир-бирлари тўғрисида содда психологик билимлар тўплана бошлаган. Бу билимлар авлоддан авлодга ўтган ҳолда тилда, ҳалқижодиёти ёдгорликларида, санъат асарларида ўз ифодасини топа борди. У, жумладан, мақол ва маталларда мужассамлаша бошлади. «Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал» (кўз билан кўрган ҳолда идрок этиш ва хотирада сақлаб қолишнинг эшитишга қараганда афзалликлари хақида); «Одат – кишининг иккинчи табиатидир» (туғма хулқ-автор турлари билан рақобат қила оладиган барқарор одатларнинг роли ҳақида) ва ҳоказолар.

Кишининг шахсий ҳаёт тажрибаси ҳам унга психика ҳақида муайян тасаввур бера олади: бирон-бир матнни қайтадан ўқиб чиқиш унинг киши хотирасида яхшироқ сақланиб қолишига ёрдам беришини, гарчи «Такрорлаш – илмнинг онаси» деган мақол унга таниш бўлмаса ҳам ўз шахсий тажрибасидан билиб олади.

Ижтимоий ва шахсий тажрибада юзага келган содда психологик маълумотлар илмий психологиягача яратилган психологик билимларни

ташкил этади. Улар анча кенг миқёсли бўлиши, маълум даражада теварак-атрофдаги кишиларнинг хулқ-атворига қараб иш қилишига ёрдам бериши, бир мунча тўғри бўлиши ва воқеликка мос келиши мумкин. Лекин, умуман олганда, бу билимлар тизимлиликдан, теранлиқдан, исботлиликдан маҳрумдир ва шунга қўра ҳам билимлар киши психикаси тўғрисида одамлар билан уларнинг у ёки бу хилда кутилаётган ҳолатлардаги хулқ-атворини тахмин қилиш имконини берадиган ҳамда илмий, яъни объектив ва ишонарли билимларни талаб қиласидиган жиддий (педагогик, даволаш, ташкилий ва бошқа шу каби) иш олиб бориш учун мустаҳкам негиз бўла олмайди.

Психик фаолият механизмлари у ёки бу психик жараённи амалга оширадиган конкрет анатомик-физиологик аппаратларнинг ишлашини тақозо қилгани учун ҳам психология бу механизмларнинг табиати ва ҳаракатини бошқа фанлар (физиология, биофизика, биокимё, кибернетика ва бошқалар) билан биргаликда очиб беради.

Шундай қилиб, психология фан сифатида психиканинг фактларини, қонуниятларини ва механизмларини ўрганади.

Психология фанининг предметини таҳлил қилишда асосий эътиборни қуидагиларга қаратиш лозим. Жумладан, шахс ҳақида фикр юритувчи фанлар сирасига психология ва педагогика фанларини киритиш мумкин. Шунга қўра педагогика шахсни таълим-тарбия жараённида камол топишини тадқиқ қиласа, психология шахсда кечадиган руҳий жараёнларни ўрганади. Шундан холоса қилишимиз мумкинки, психология фанининг предметини – шахснинг психикаси ва унинг психологик хусусиятлари ташкил қиласиди.

Психология асосан психикани кенг доирада тадқиқ қиласиди. Шунга қўра психиканинг юзага келтирувчи асосий психик фаолиятлари кўрсатилган. Айнан психик фаолиятлар қуидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- **билиш фаолиятлари**: дикқат, нутқ, фаолият;
- **билиш жараёнлари**: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур;
- **шахснинг ҳиссий-иродавий соҳаси**: – ҳиссиёт, ирода;

- шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари: темперамент, характер, қобилият.

### **12.3. Психология фанининг тамойиллари**

Ҳозирги мустақиллик шароитида психологияга бўлган талаб-эҳтиёж жуда кучайиб кетди. Ёшлар маънавиятини бойитиш учун уларнинг дунёқарashi, тафаккури, иродаси, умуман олганда онгини ўстириш жуда зарур. Бунинг учун экспериментал психологик тадқиқот ишларини кучайтириш, таълим ва тарбия жараёнини янги педагогик ва инновацион технологиялар асосида қайта қуриши лозим. Ҳозирда Республикаиз университетларининг психология бўлимлари, кафедра, лабораториялари илмий фикрлар марказига айлантирилмоқда.

Мазкур муассасаларда психологик тадқиқотлар ўтказилиб, психик жараёнлар, ҳолатлар, шахснинг индивидуал хусусиятлари, ҳиссий-иродавий соҳасига доир назарий ва амалий билимлар қўлга киритилди. Айниқса, фан соҳасида тадқиқотлар шу даражада кўпайдики, улар маълум қонун қоидага таяниши лозим. Шу боис олиб борилаётган изланишларга асос бўлиши учун тамойиллар ишлаб чиқилди.

*Шунга кўра психологиянинг тамойиллари қуйидагича:*

- 1. Детерминизм тамойили;**
- 2. Онг ва фаолият бирлиги тамойили;**
- 3. Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши тамойили.**

**Тамойил** – маълум фаолиятни бажаришда таяниладиган дастлабки қоидалар тизимиdir.

**Детерминизм тамойилига** кўра, психика яшаш шароити билан белгиланади ва шароит ўзгариши билан ўзгаради. Ҳайвонлар психикасининг тараққиёти табиий сараланиш билан, одам психикаси тараққиёти эса ижтимоий тараққиёт қонунлари билан белгиланади.

**Онг ва фаолият бирлиги тамойилига** кўра, онг ва фаолият бир-бирига қарама-қарши ҳам, айнан бир нарса ҳам эмас. Улар бир бутунликни ташкил этади. Онг фаолиятни ички режасини, дастурини ташкил этади. Бу

тамойил психологларга инсон хулқ-автори, ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятларини ўрганиш орқали ҳатти-ҳаракатлардан кўзланган мақсадларга, муваффакиятларга эришишни таъминловчи ички психологик механизм, яъни психикани объектив қонуниятларини очишга имкон беради.

**Психика ва онгнинг фаолиятда** тараққий этиш тамойилига кўра, психикага тараққиёт маҳсулоти ва фаолият натижаси деб қаралса, уни тўғри тушуниш ҳамда тушунтириб бериш мумкин. Бу тамойил Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, В.М.Теплов каби психолог олимлар ишларида ўз аксини топган. Л.С.Выготский таълим психикани ривожлантиришга йўналтиришини, П.П.Блонский эса тафаккурнинг кичик мактаб ёшида ўйинлар билан ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланишини таҳлил қилди. С.Л.Рубинштейн “Онг фаолиятда пайдо бўлиб, фаолиятда шаклланади” деган эди.

#### **12.4. Психологиянинг асосий методлари**

Маълумки, ҳар қандай фан ўз предметига эга. Психологиянинг предмети психика бўлиб, у обектив оламни психик ҳодисалар асосида акс эттириб, юзага келган ва шаклланган образ субъект фаолиятини, хулқ-авторини мақсад сари йўналтиради.

Бундан ташқари ҳар қандай фан қандайдир ҳодиса қонуниятларини билиш учун малум бир методлардан фойдаланади. **И.П.Павлов** “Методнинг кўлида тадқиқот тақдирни ётади” деган эди. Методлар тизими фаннинг умумий методологиясига бирлашади.

Методологияни кенг маънода оладиган бўлсак, у маълум тизимга эга бўлган ва билимларни излаб топишга қаратилган, мантиқан кетма-кетликка эга бўлган методлардир. Кўпчилик олимлар бу атамани илмий метод тушунчасига мос тарзда тушунадилар ва фойдаланадилар, методология фақат илмий тарзда қабул қилиниши деб такидлайдилар.

**Методология** (юонча *methodes* – билиш, тадқиқ қилиш, изланиш йўли, логос – тушунча, таълимот) амалий фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари, усувлари тизими ҳамда ушбу тизим ҳақидаги

талимотдир. **Методлар** – психологияни ўрганиш усуллари ва йўлари ийғиндиси, “**Метод**” бу билиш, англаш йўли бўлиб, бу усул орқали фаннинг предмети аниқланади. (С.Л.Рубинштейн).

**Методология** – услубиёт деб илмий тадқиқот тамойиллари тизимида айтилади. Айнан, методология тўпланган фактлар билимнинг реал ва ишончли асосига қай даражада хизмат қилиши мумкинлигини аниқлайди.

Расмий нуқтаи назардан, методология реал ҳаёт ҳақидаги билимлар мазмуни билан боғлиқ бўлмай, балки билимларни ташкил этиш борасидаги жараёнлар билан иш кўради. Шунинг учун “методология” термини, одатда, тадқиқ этилган процедура, техника, усуллар мажмuinи ва маълумотлар тўплаш, уларни қайта ишлашни англатади.

Методологияни моҳиятан тушуниш тадқиқот предмети доирасидаги эвристик (яъни, изланаётган) функцияни амалга ошириш асосланади. Ҳар қандай назарий билимлар тизими нафақат предмет доирасидаги тасвирлаш ва тушунтириш мазмунига эга бўлади, балки, бир вақтнинг ўзида янги билимлар изланишида қурол ҳисобланади.

Предмет доирасидаги объектив ҳаётни акс эттирувчи назария қанчалик тамойил ва қонунларни шакллантиrsa у шунчалик воқеъликнинг ўрганилмаган қирраларига кириш усулларини кўрсатади. Гегелнинг таъкидлашича: - “*Ҳар қандай фан амалий мантиқдир*”.

А.Н.Куприян назариянинг З та асосий методологик функцияларини ажратиб кўрсатади: мўлжалланган, баshoreтланган, классификацияланган – таснифий. Биринчиси, тадқиқотчи ҳаракатини маълумотлар олишга йўналтиrsa; иккинчиси, баъзи маҳсус соҳаларда ўзига хос боғлиқликни тиклашга суюнади; учинчиси эса хусусият ва алоқаларни намоён қилиш йўли орқали фактларни тизимлаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир фан тараққиётининг асосий шароитларидан бири унинг маълум даражада мумкин қадар объектив, аниқ ишончли услубларга эга эканлигидир. **Метод** – услубнинг маъноси бирор нарсага бориш йўли демакдир. Умуман психологияда инсон психикасини тадқиқ қилишда

методларнинг турли таснифи мавжуддир. Тадқиқот методларини илмий жиҳатдан таҳлил қилган рус психологи Б.Г.Ананьев мазкур методларни хусусиятларига қараб классификация қилган.

Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини турли гурухга ажратиб, ўрганган:

- А) ташкилий гурухга** – қиёслаш, лонгитюд, комплекс методлари киради;
- Б) эмпирик гурухга** – кузатиш, эксперимент, сұхбат, сўровнома, тест, фаолият маҳсулини ўрганиш методи, биография, социометрия;
- В) натижаларни қайта ишлаш ёки статистик методлар;**
- Г) шарҳлаш гурухига** генетик ва доналаш методлари киради.

Б.Г.Ананьев томонидан ажратилган классификацияга кўра, тадқиқот ишларида фойдаланиладиган асосий методлар эмпирик гурух методлари хисобланади. Шундай бўлсада бошқа гурух методларига ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқот методларининг биринчи ташкилий гурухи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталадиган турларни қамраб олади.

**Қиёслаш методидан** умумий психология, ижтимоий психологияда катта ёки кичик гурухларни ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш учун, тиббиёт психологиясида – соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш мақсадида, спорт психологиясида спортчиларнинг ҳолати, ўқувлилигини ва ишчанлигини ўзаро таққослаш мақсадида фойдаланилади.

Қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириш, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослигини ўрганишда кўлланилади. Психолог олимлардан Л.С.Выготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананьев, Д.Б.Ельконин, П.Галперин ва уларнинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар (чақалоқлик, гўдаклик, илк

болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирилик, ўспиринлик ёш даврларини ўзаро солиштириш) шу методдан фойдаланиб амалга оширилган.

**Лонгитюд методининг** бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилик узок муддат, ҳатто ўн йиллаб текшириладилар. Лонгитюд методидан немис психологи В.Штерн, француз психологи Р.Заззо, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар кўп йиллардан бери фойдаланмоқдалар.

Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра ёки аралаш жинсли Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) эгизаклар кузатилган. Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигини объектив шарт-шароитлари ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсири ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути, таъсирланиши, ҳис-туйғуни ўзгариши кишилар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти тизими ва ҳоказо) бўйича маълумотлар олиш лонгитюд методи орқали амалга оширилади.

**Комплекс методи** ёрдамида ўрганилган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи-назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантиқий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш, унинг психологик, физиологик, мантиқий жиҳатларини ёритишга хизмат қиласи.

Илмий тадқиқот методларининг учинчи гурӯҳи натижаларни қайта ишлаш бўлиб, улар статистик (микдор) ва психологик (сифат) таҳлил турларига бўлинади.

Илмий тадқиқот методларини шарҳлаш гурӯҳи генетик ва доналаш методларидан иборатdir.

**Генетик метод** билан тадқиқот давомида тугалланган маълумотлар яхлит ҳолда, мақсадга мувофиқ тарзда шарҳланади. Бу методдан

фойдаланишнинг асосий мақсади синалувчидага вужудга келаётган ички, жамики образларнинг ривожланиши, фаолият ва билиш жараёнларининг ўзгаришига тажриба натижасига суюниб таъриф ва тавсиф беришдир. Шунингдек, бунда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи мashaққатли дақиқаларга, ҳолатларга қўшимча шарҳлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар билан ривожланиш босқичларининг бевосита боғлиқлиги илдизи аниқланади.

**Доналаш методи** тадқиқот обьектига кирган шахс психикасидаги барча ўзгаришлардаги ўзига хослик, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва уйғунликнинг ўзаро боғланишлари ўрганилади. Жумладан, инсон хулқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир пайтда, биргаликда тадқиқ қилиниши бунга ёрқин мисолдир. Бунда ҳар бир билиш жараёнининг усули ифодаланади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади.

Эмпирик методлар гурухи ўз навбатида иккига, яъни **асосий ва ёрдамчи** методларга бўлинади. Асосий методларга кузатиш ва эксперимент методлари кирса, ёрдамчи методларга *сухбат*, *сурвнома*, *тест*, *социометрия* ва *фаолият маҳсулини таҳлил қилиши* каби методларни киритиш мумкин.

**Кузатиш методи** – икки хил бўлиб, обьектив (ташқи) ва субъектив (ички) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- а) кузатишнинг мақсад, вазифаси белгиланади;
- б) кузатилаётган обьект танланади;
- в) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;
- г) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;
- д) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўқиши, ўйин, меҳнат, спорт) амалга оширилиши аниқланади;
- э) кузатишнинг шакли (якка, гурӯх, жамоа) танланади;

ё) кузатилганларни қайд қилиб бориш воситалари (кундалик сұхбат дафтари, кузатиши варақаси, магнитафон, видеомагнитафон) тайёрлаб қўйилади. Кузатиши орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, асаб тизимининг ташқи ифодалари, имо-ишоралари, сезгирилиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти кабилар ўрганилади. Аммо ўта мураккаб ички кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди.

Масалан, ўспирин ёшларнинг спорт фаолиятини кузатиши орқали уларнинг иродаси, ишчанлиги, ҳис-туйғусининг ўзгариши хусусиятлари, талабга интилиш, ўз ҳаракатини идора қила олиш юзасидан материалларни йиғиш мумкин.

Ташқи кузатища баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш мумкин. Иш устидаги кайфиятни, чехрасидаги ташвиш ва изтиробни, синчковлик каби руҳий ҳолатларни кузатиб, тафаккурдаги ўзгаришни аниқлаш мумкин. Бундан ташкари қўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши ҳам инсоннинг руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумотлар беради. Психологияда ўз-ўзини кузатиши, яъни интереспексия методидан ҳам фойдаланилади, лекин бу психологиянинг илмий бўлмаган методи хисобланади.

**Тажриба ёки эксперимент методи** – ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. **Табиий тажриба** методларининг илмий асосларини 1910 йилда рус психологи **А.Ф.Лазурский** томонидан ишлаб чиқилган. У кичик мактаб ёшидаги бола шахсининг шаклланишини ўрганиш мақсадида ушбу методни қўллаган. Табиий методдан ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалар ходимларининг, ўқитувчилар, кексайган кишиларнинг психолигик ўзгаришлари, ўзаро муносабатлари, иш қобилияtlари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш жараёнида фойдаланиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишдан синалевчиларнинг ўzlари бехабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига

мувофиқлаштирилиши, катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш, кундалик меҳнат доирасида амалга оширилиши, завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Табиий эксперимент методи сиртдан кузатиш методидан кескин фарқ қиласи. Сиртдан кузатиш методида бирор психик жараён кузатилаётган киши ўша жараён қандай юз берса, шу ҳолича текшираверади, лекин бу жараённинг намоён бўлишига аралашмайди, яъни психик жараённи юзага келтирувчи шароитни ўзгартирмайди. Табиий эксперимент методидан фойдаланганда эса текширувчи ўрганилаётган бирор психик жараённи ўзи вужудга келтиради, лекин уни текширилаётган одам учун табиий бир шароитда ва унга сездирмасдан ўтказади.

**Лаборатория (клиника) эксперименти** методининг (1879 йили В.Вундт киритган) асосий хусусияти, шундан иборатки бунда ўрганилиши лозим бўлган психик жараёнларнинг (масалан идрок, диққат, хотира каби) қандай шароитда қачон юз беришини кутиб ўтирмасдан текширувчи киши (экспериментатор) синалаётган одамда шу жараёнларни маҳсус тарзда ишга солади. Бундан ташқари лаборатория эксперименти шароитида экспериментатор ўрганаётган ҳар бир психик жараённи хоҳлаган марта, яъни такрор-такрор яхшилаб синаб кўриши мумкин. Бу мураккаб психик жараёнларнинг табиатини ўрганишда катта қулайлик туғдиради. Биринчидан, исталган психик жараённи хоҳлаган пайтда юзага келтириш вақтни тежаш имконини берса, иккинчидан ҳар бир психик жараённи такрор-такрор юзага келтириб, синчиклаб ўрганиш бу жараёнларнинг қонуниятларини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда одамдаги айрим психик жараёнларнинг юз бериш тезлигини, диққатнинг барқарорлиги ва кенглигини, хотиранинг хусусиятларини щқув ҳамда малакаларнинг қонуниятларини аниқ ва пухта текшира оладиган кўплаб маҳсус асбоблар мавжуддир. Масалан, электрон хроноскоп орқали айрим психик (акс эттириш, кўриш, эшитиш, ҳид билиш,

тери сезгилари каби) жараёнларнинг юзага келиш тезлигини аниқ ўлчаш мумкин. Электрон тахистоскоп орқали диққатнинг хусусиятларини белгилаш мумкин, перцептометр орқали идрок қилиш хусусиятларини ўрганиш мумкин, аудиометр орқали эшитиш хусусиятларини ўрганиш мумкин ва бошқалар. Умуман, ҳозирги қунда техниканинг илдам тараққиёти муносабати билан лаборатория экспериментининг имконияти ортиб бормокда.

Лаборатория эксперименти методи энг аниқ метод сифатида психология фанининг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Лекин лаборатория эксперимент методининг ҳам маълум камчилиги мавжуд. Бу камчилик шундан иборатки, лаборатория шароитида ўтказилаётган текшириш ҳеч вақт маълум сунъийликдан холи бўлмайди. Текширилаётган одамга ҳеч нарса дейилмаса ҳам, бари бир лаборатория шароитининг ўзи текширилаётган одамнинг табиий психик ҳолатига таъсир қиласди. Бинобарин, бу нарса ўз навбатида текшириш натижаларига салбий таъсир қиласди. Ана шуни назарда тутиб лаборатория эксперименти ёрдами билан кўлга киритилган натижаларни баъзан бошқа методлар ёрдами билан текшириб кўриш лозим бўлади. Лаборатория эксперименти методи маҳсус хона ва турли асбоблар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу методдан айрим шароитларда фойдаланиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун психология фанида лаборатория эксперименти билан бир қаторда табиий эксперимент методидан ҳам кенг фойдаланилади.

### **Ёрдамчи методлар**

**Сухбат** методи билан инсон психикасини ўрганишда фойдаланилди. Унинг мақсади ва вазифаси белгиланади. Сухбатнинг обьекти ва субъекти танланади, мавзу ўтказиладиган вақти аниқланади, якка шахслар, гурух ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Сухбатнинг бош мақсади маълум бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишdir. Сухбат орқали турли ёшдаги одамларнинг

тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисидаги маълумотлар олинади. Суҳбат чоғида ўзаро изчил боғланган саволлар берилади.

Суҳбат методидан тўғри фойдаланиш ва ундан кутиладиган натижага эришиш суҳбат ўтказиш учун пухта тайёрланишга боғлиқдир. Суҳбат методи куйидаги шартларга риоя қилишни талаб этади.

Ўтказилган суҳбатнинг мавзуси ва мазмуни синалувчининг тараққиёт даражаси ҳамда ёш хусусиятларига мос бўлиши керак.

Суҳбат пайтида синалувчиларга берилган саволлар мазмунан яхшилаб ўйлаб олиниши лозим.

Суҳбат пайтида берилган саволларга “ҳа”, “йўқ” каби қисқа тарзда эмас, балки батафсил жавоб олишиш керак.

Синалувчилар зерикиб ёки толиқиб қолмасликлари учун суҳбат ҳаддан ташқари чўзилиб кетмаслиги лозим.

Суҳбат методининг юқорида таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. Такрорланган сўзлар, “ғализ” иборалар нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлилиги, муваффакиятсизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол-жавобнинг бир хил шаклда эмаслиги синалувчида ўзига хос ишлаш услуби ошкораликнинг етишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофлича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

### **Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи**

Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод фаолият психологиясида кенг қўлланилади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларини таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, техник, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли юзасидан материалларни қўллаш мумкин. Мазкур методдан фойдаланишда маҳсулотни яратган шахс бевосита

иштирок этмайди. Объект билан субъект ўртасида мулокот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан маълум хукм, хуроса чиқарилади.

Ижодий фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар, конструкторлар, олимлар, хунармандлар, ишчилар психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондаги психик ўзгаришлар камол топиш ва уларнинг кечишини ифодаловчи материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи етмайди. Шунинг учун инсон психикасини ўрганиш мақсадида бошқа методлардан ҳам фойдаланиш маъқул.

**Тест методи** – “Тест” инглизча сўз бўлиб синаш текшириш демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масала, топшириқ тест деб аталади. Тест айниқса, одамнинг қандай касбни эгаллаши мумкинлиги, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, истеъоддилар ва ақли заифларни аниқлашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик материалларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қилишга боғлиқдир.

**Биография** (таржимаи ҳол) методи – инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёт фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, хотиралари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар, эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, магнитафон овозлари, фотоловҳалар, ҳужжатли фильмлар ўрганилаётган шахсни тўлиқроқ тасаввур этишга хизмат қиласди.

Таржимаи ҳол маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда унинг сухбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишга ёрдам беради.

**Сўровнома методи** – психологияда кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади. Сўровнома одатда 3 хил тузилишда бўлади. Уларнинг биринчиси англанган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи турида синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади. Сўровномадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлашда фойдаланилади.

**Социометрик метод.** Бу метод кичик груп аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Бунга Америкалик социолог Дж.Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян груп аъзоларининг бир-бирлари билан муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятда ким билан бирга қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлар групдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қиласди. Бу маълумотлар групий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Психология фанининг предмети, мақсади ва вазифаларини кўрсатиб ўтинг.
2. Психология фанининг шаклланиш босқичлари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Психологиянинг моддий асоси нималар билан белгиланади?
4. Онг тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
5. Инсонларда онгсизлик ҳолати қачон рўй беради?
6. Ҳозирги замон психологиясининг тадқиқот методлари қайсилар?
7. Ташкилий груп методларини тушунтириб беринг.

## **ХІІІ-БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ЗАМОНАВИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА**

**Таянч түшүнчалар:** *Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси, психология тармоқлари, психология соҳалари, ижтимоий психология, тиббиёт психологияси, психотерапия, педагогик психология.*

### **13.1. Психологиянинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни**

Психология кўплаб фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб бормокда. Фанлар орасидаги боғлиқликлар психологиянинг фанлар тизимидағи ўрнини белгилаб беради. Бизга маълумки, мавжуд фанлар гуманитар, табиий ва фалсафий турларга бўлинади. Бир қатор бир-бири билан ёндош бўлган фанлар мазкур таснифлашга киритилади, лекин психология мустақил фан сифатида намоён бўлади. У инсон руҳий фаолиятининг табиий, тарихий ва ижтимоий томонини ўрганади. Психология барча турдаги фанлар орасида муҳим ўринни эгаллайди. Психология фалсафа, тарих, санъатшунослик, техника, педагогика фанлари билан узвий боғлиқ. Шунга мувофиқ психологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Психология **фалсафа** фани билан чамбарчас боғланган. Бу боғлиқлик иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш ва ривожлантириш анъаналарини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурини ривожланишига оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология фалсафанинг базасидан олади ва шу билан бирга ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуқлар билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мафкураси ва миллий онгни шаклланишига таалуқли, умумий, илмий қонуниятларни тизимлашда бу иккала фан – фалсафа ва психологиянинг ҳамкорлиги бевосита сезилмоқда. Бу боғлиқлик аввало янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш муаммоси кўндаланг турган тарихий даврда миллий истиқлол

ғояларини юртдошларимиз онги ва тафаккурида шакллантириш каби долзарб вазифаларни бажаришга хизмат қилмоқда.

**Социология** фани ҳам янгича муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига эришар экан, психология ушбу фан томонидан қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг қўлланилишига, оммалашишига баҳоли қудрат хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ривожланиб, ажралиб чиққан бугунги тараққиёт давримизда алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва ривожланишини таъминлаш ишига хизмат қилади. Қолаверса, хуқуқий-демократик давлат қуриш ишини событқадамлик билан амалга ошираётган Ўзбекистон аҳолисининг хуқуқий маданиятини ва демократик ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини амалда таъминлаш бу соҳада мунтазам тарзда ижтимоий фикр, инсонлар фикр ва қарашларидағи ўзгаришларни ўрганиш, башорат қилиш ва тараққиёт мезонларини ишлаб чиқишида иккала фан методологияси ва методларини бирлаштириш билан боғлиқ тадбиқий аҳамият касб этади.

**Педагогика** билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларни ёш авлод тарбиясининг замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузига хосдир. Ўз-ўзидан равшанки, бундай алоқа ҳамиша ҳам мавжуд бўлиб келган ва буни илғор психологлар ва педагоглар тушунтириб беришга ҳаракат қилишган. Рус педагоги ва психологи К.Д.Ушинский педагогика учун ўз аҳамиятига кўра психология барча фанлар ичидаги биринчи ўринда туради, деб таъкидлаган эди. Кишини ҳар жиҳатдан тарбияламоқ учун, - деб қайд этган эди К.Д.Ушинский, уни ҳар жиҳатдан ўрганмоқ даркор.

Республикамизда амалга оширилаётган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга оширилиши ҳам икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда эътироф этилган янгича моделдаги шахсни камол

топтириш, уни чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш даврларидағи ривожланиш анъаналаридан тортиб, токи янгича ўқитиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш, шу асосда ишни ташкил этиш, психологиядаги методларни дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

**Табиий фанлар** – биология, физиология, кимё, физика ва бошқалар психик жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш ва шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун материаллар беради. Айниқса, бош миянинг ҳамда марказий асаб тизимининг психик фаолиятларини бошқаришда ва уларни мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган ҳолда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар ва улардаги тадқиқот усусларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақозо этганлиги сабабли унга табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усусларидан ўз ўрнида фойдаланади ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психология фанининг предметини мукаммалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган.

**Кибернетика фани** соҳасидаги эришилган ютуқлар психология учун ҳам аҳамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириш борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика фани томонидан қўлган киритилган ютуқлар ва тадқиқот методлари, маҳсус дастурлардан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар асри бўлган XX-асрда ва ҳар бир алоҳида маълумотнинг қадр-

қимматини ошиши башорат қилинган XXI-асрда глобал ахборий жараёнлар ва янги илғор технологияларни моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади. Масалан, оддий мулоқот жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир сўзнинг шахслараро муносабатлардаги таъсирчанлигини ошириш мақсадида, ҳамда ана шундай ижтимоий фаолиятли жараёнда шахс тизимини такомиллаштиришда турли кибернетик моделлардан ўринли фойдаланиш замонавий психологиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширади ва маҳсус компьютер дастурларининг кенг қўлланилиши, инсон мияси ва руҳий олами сирларини тез ва аниқ ўрганишни кафолатлади.

**Техника фанлари** билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги айниқса, ҳозирги кунга келиб яққол сезилмоқда. Бир томондан, мураккаб техникани бошқарувчи инсон муаммосини ечишда, иккинчи томондан психик ҳолатни мураккаб қирраларини очишда маҳсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутади. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, у ҳам бўлса, техника тараққиётига бир вақтда мураккаб техника ва машиналар билан мулоқот қилаётган шахс фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг имкониятларига мослиги масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган масалалардир.

**Иқтисодиёт** билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги XX асрнинг янгиликларидан бўлиб, айниқса, бозор муносабатларига босқичмабосқич ўтиш шароитида иқтисодий онг ҳам иқтисодий хулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фанга хизмат қиласди.

Психологиянинг **табиатшунослик** билан алоқасининг тобора мустаҳкамланишига қўйидаги омил асосий сабаб бўлган. Бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Эксперимент методининг **Г.Фехнер** томонидан фанга жорий этилганлиги ана шу жумладан бўлиб, бу И.М.Сеченовнинг “**Бош мия рефлекслари**” китоби босмадан чиққанидан кейин айниқса кенг тус олган эди. Бу китобда психик ҳодисалар ҳам худди

одам организмининг бошқа барча функциялари каби табиий ҳодисалар эканлиги, улар сабабсиз юз бермасдан, балки нерв тизимининг рефлектор акс этиши фаолияти натижаси эканлиги кўрсатиб берилган эди. И.М.Сеченовнинг рефлектор назарияси психологик билимларнинг табиий-илмий негизини ташкил этади. Бу назария кейинчалик И.П.Павловнинг шартли рефлекслар ҳақидаги таълимотида унинг шогирдлари Л.А.Орбели П.К.Анохин К.М.Биков, Н.И.Красногорскийларнинг асарларида, шунингдек, А.А.Ухтомский Н.А.Бернштейн, И.С.Бериташвили ва бошқаларнинг асарларида янада ривожлантирилади. ҳозирги пайтда психология фанининг табиий-илмий жиҳатдан бу хилда асосланганлиги олимлар томонидан мия фаолиятининг нейрофизиологик механизмлари ўрганилаётганлиги ҳисобига тобора кучайтирилмоқда.

**Тиббиёт психологияси** асосларини тадқиқ этган клиник психологлар (В.М.Бехтеров, С.П.Боткин, С.С.Корсаков, А.Р.Лурия, В.Н.Мясишев ва бошқалар) тадқиқотларининг киши хулқ-авторида психиканинг қандай рол ўйнашини аниқлашдаги ўрни каттадир. Психология ва тиббиётнинг туташган жойида бўлган тиббиёт психологияси психология фанининг ютуқларини касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўллаб келаётир. Касалликнинг зўрайиши бир томондан психик омилларга (тушкунликка берилиш васvasага тушуш, ҳадиксираш ва шу кабиларга) боғлиқ бўлса, иккинчидан дарднинг ўзи ҳам, жумладан терапевтик муолажанинг самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин бўлган алоҳида психик ҳолатларни келтириб чиқарадики, бу ҳол врач ва психологнинг куч-ғайратлари бирлаштирилишини зарурат қилиб қўяди. Шу билан баробар мия қобиғининг баъзи бир жойлари, масалан, чакка қисми лат еганда психиканинг бузилишини клиник-психологик тадқиқ қилиш натижасида идрок ва хотиранинг қонуниятларини тушуниш имконини берадиган янги маълумотлар олинди. Психолог – клиник беморнинг оғзаки ёки ёзма нутқи психологик жиҳатдан бузилиши хусусиятларини аниқлаб, дарднинг манбаи

киши бош мияси катта ярим шарларининг муайян бўлмасида эканлигини қайд қиласди ва бу билан нейрохирургияга ёрдам беради.

### **13.2. Психологиянинг замонавий тармоқлари ва истиқболлари**

Ҳозирги замон психология соҳалари ҳозирги кунга келиб 300 дан ортиқни ташкил қиласди. Бу соҳалар ўзига хос объектга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қиласди. Шу боис фан соҳаларини ўрганиш қулай бўлиши учун тармоқларни маълум тизимга келтириш мақсадида маълум гуруҳларга таснифлаш жорий қилинган. Бу борада профессор **А.В.Петровский** психология фан соҳаларини қуидагича таснифлашни илгари сурди:

- *Аниқ фаолият турларини ўрганувчи психология соҳалари.*
- *Ривожланишининг ёши хусусиятларини ўрганувчи психология соҳалари.*
- *Шахс ва жамиятга бўлган муносабатни ўрганувчи психология соҳалари.*

*Аниқ фаолият турига қўра психологиянинг қуидаги турлари мавжуд:*

- **мехнат психологияси:** инсон меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишининг психологик тамойилларини ўрганади. Мехнат психологиясининг бир нечта бўлимлари мавжуд;
- a) **муҳандислик психологияси** – инсон билан машина ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш масалалаларини ҳал қиласди ва асосан операторларнинг фаолиятини ўрганади;
- b) **авиация психологияси** – учишга ўрганиш жараёни ва учиш мосламаларини бошқаришда инсон фаолиятининг психологик қонуниятларини ўрганади;
- v) **космик психология** – вазнсизлик ҳолати, фазовий тасаввурлар чалкашиб кетган вақтда ва организмга жуда кўп ортиқча таъсирлар юкланган пайтда асаб ва руҳий зўр бериш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда одам фаолиятининг хусусиятларини ўрганади.

**Педагогик психология** – унинг предмети ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганиш, ўқувчилар тафаккурини

тараққий топиши, интеллектуал фаолият малакалари ва усулларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади. Педагогик психология бўлимлари қуидагилардир:

- a) таълим психологияси;*
- б) тарбия психологияси;*
- в) ўқитувчи психологияси;*

**Тиббиёт психологияси** – шифокор фаолиятининг ва бемор хулқатворининг психологик жиҳатларини ўрганади. Уни қуидаги тармоқлари мавжуд:

- а) нейропсихология** – психик ҳодисалар билан миядаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганади;
- б) психофармакология** – доривор моддаларнинг шахс руҳий ҳолатига таъсирини ўрганади;
- в) психотерапия** – беморни даволаш учун руҳий таъсир воситаларини ўрганади;

**Юридик психология** – ҳукуқ тизими билан боғлиқ бўлган психологик масалаларни ўрганади.

#### *Унинг қуидаги тармоқлари мавжуд.*

- а) суд психологияси** – жиной жараён иштирокчиларининг хулқатворини, руҳий хусусиятларини таҳлил қиласди;
- б) криминал психология** – жиноятчининг хулқатвори, шахсининг шаклланишига доир психологик масалалар, жиноятнинг мотивлари билан шугуулланади.

**Ҳарбий психология** – кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқатвори билан боғлиқ ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатларини, психологик тарғибот методларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммоларини ўрганади.

**Спорт психологияси** – спортчилар шахси ва фаолияти хусусиятларини, уларнинг психологик жиҳатдан тайёrlигининг шарт-

шароитлари, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади.

**Савдо психологияси** – асосан ривожланган мамлакатларда кенг тарақкий этган бўлиб, кишилар руҳиятига тижорат таъсирини психологик шарт-шароитини, харидорларга хизмат кўрсатишининг психологик омилларини аниқлайди. Модалар психологиясини тадқиқ қиласди.

**Санъат психологияси** – санъат асарларининг яратилишида фаолиятнинг психологик томонларини, инсон томонидан бадий асарларни идрок этилиши, турли ҳодисаларни пайдо бўлиши ва эстетик тарбия муаммолари, мусиқавий, бадий, адабий қобилияtlарни шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини ўрганади.

**Илмий ижодиёт психологияси** – илмий фаолиятнинг психологик хусусиятлари, ижодиётда интуиция ва илҳомни тадқиқ қиласди.

#### ***Ривожланишининг ёш хусусиятларини ўрганувчи соҳалар.***

**А) ёш даврлари психологияси** – инсон шахсининг психологик хусусиятлари ва билиш жараёнларининг онтогенезда ривожланишини ўрганади. Ёш психологияси болалар психологияси, ўсмирлар психологияси, катталар психологияси, геронтопсихология каби тармоқларга бўлинади.

**Б) патопсихология** – мия фаолияти бузилишлари натижасида келиб чиқадиган турли шаклдаги руҳий ривожланишдан четланишни ўрганади.

**Олигофренопсихология** – миянинг туғма камчиликлари туфайли пайдо бўладиган бўлимларни ўрганади.

**Сурдопсихология** – эшитиш фаолиятида жиддий нуқсонлари бўлган болаларнинг ривожланишини ўрганади.

**Тифлопсихология** – кўриш қобилияти паст ёки умуман қўрмайдиган киши фаолиятини ўрганади.

**Қиёсий психология** – ҳаётнинг филогенетик шаклларини ўрганувчи психология соҳаси бўлиб, инсон ва ҳайвонлар психологиясини солишишир орқали ўхшашлик ва фарқ қилувчи томонларини аниқлайди.

**Акмеология** етуклик даражасига эришган шахс ривожланишининг юқори даражаси уларнинг қонуниятлари ва механизмларини, айниқса ривожланишининг энг юқори чўққига эришиш хусусиятларини ўрганади.

Ψ ***Инсон ва жсамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини ўрганувчи психология соҳалари.***

- 1. Ижтимоий психология** – уюшган ва уюшмаган ижтимоий гурухлардаги шахсларо ўзаро тасир жараёнида пайдо бўладиган психологик ҳодисаларни ўрганади.
- 2. Дифференциал психология** – шахс шаклланишининг индивидуал психологик йўналтирилганлиги каби хусусиятларни ўрганади.
- 3. Дин психологияси** – инсон онгига диний қарашларнинг таъсири масалаларини ўрганади.
- 4. Этнопсихология** – инсон психологиясининг этник хусусиятлари, миллий характер, миллий туйғу, миллий ғоя, ўз-ўзини англаш, этник стереотип, уларнинг қонуниятлари ва вужудга келиш хусусиятларини ўрганади.
- 5. Бошқарув психологияси** – бу психология фанининг шундай соҳасики, унда инсон томонидан - бошқаришнинг психологик томонларини ўрганади.
- 6. Маркетинг психологияси** – янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларни бошқаришни ва улар фаолиятини ташкил этишнинг психологик муаммоларини тадқиқ қиласи.

**Назорат саволлари:**

1. Руҳ ва онг ҳақидаги антик давр ва ўрта асрлардаги қарашларини тушунтириб беринг.
2. XVII аср биологик ва психологик билимларни тавсифлаб беринг.
3. Рефлекс ҳақидаги тушунча ва унинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ассоциатив психологиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси қандай намоён бўлади?
6. Психологиянинг соҳаларини санаб беринг.

## **XIV-БОБ. ПСИХИКА ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

**Таянч тушунчалар:** онг, психика, онгсизлик, ҳайвон психикаси, интеллектуал ҳатти-ҳаракатлар, инстикт, рефлекс, онг хоссалари, сескануванлик, тропизм, сезувчанлик, фототропизм, акс эттириш шакллари.

### **14.1. Психика ҳақида тушунча**

Психика миянинг хусусиятидир. Сезги, фикр, онг маҳсус тарзда ташкил топган материянинг олий маҳсулидир. Организмнинг психик фаолияти тананинг кўп сонли маҳсус аъзолари воситасида амалга оширилади. Улардан баъзи бирлари таъсиротларни қабул қилса, бошқаси уларни сигналларга айлантиради, ҳатти-ҳаракат режасини тузади ва унинг ижросини назорат қилади, учинчи бир хили ҳатти-ҳаракатга куч-ғайрат ва шиддат бағишлайди, тўртинчи хили мушакларни ҳаракатга келтиради ва ҳоказо. Ана шу мураккаб ишнинг ҳаммаси организмнинг ташки муҳитга фаол мувофиқлашувини ва ҳаётий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

Органик дунёнинг амёбалардан то одамга қадар узоқ давом этган эволюцияси давомида хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатларнинг физиологик механизmlари тўхтовсиз мураккаблашиб, табақаланиб ва шулар туфайли организм муҳит ўзгаришларига тез реакция қила оладиган ва мослашувчан бўла борди.

### **14.2. Ҳайвон психикасининг ривожланиши**

Киши психикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб, табиат қонунларининг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қиласидиган тадқиқотчиларни бу муаммо ҳамма вақт қизиқтириб келган. Материалистик йўналишдаги олимлар психиканинг пайдо бўлишини материянинг узоқ давом этган ривожланишининг натижаси деб изоҳлашади. Улар материянинг табиатини тадқиқ қилишаркан, ҳаракат материянинг ҳаёт кечириш усули, унинг таркибан ўзига хос ажралмас хусисияти эканлиги учун ҳам материя ҳаракатининг турли хил шаклларини ўрганадилар. Ҳаракатсиз, ҳамиша мутлақо ҳаракатсизликдаги материя

умуман бўлмайди. Оламдаги бутун материя жами ноорганик ва органик табиат ҳаракатланиш, ўзгариш ва ривожланиш ҳолатида бўлади.

Жонсиз, ноорганик материядан тортиб то энг олий ва муракқаб материя ҳисобланмиш киши миясига кадар барча материялар моддий оламнинг ялпи хусусияти – инъикос этиш хусусиятига, яъни таъсиротларга жавоб қайтариш қобилиятига эгадир. Инъикос материянинг мавжуд бўлиш шакллариға боғлиқ бўлади: инъикос ташқи таъсиротларга материянинг таъсир қилиш характеристи ва мавжуд бўлиш тарзига мувофиқ жавоб қайтаришга қодирлиги билан намоён бўлади.

Жонсиз табиатда ҳаракат жисм ва моддаларнинг механик, физиковий ёки кимёвий таъсири тарзида юз бериши мумкин. Ноорганик табиатдаги ҳаракатнинг оддий мисоллариға эътибор қилинг: денгиздаги ғоя сувнинг таъсирига муайян қарши тик кўрсатади – тўлқинлар қояга урилиб қайтади, лекин ғоянинг ўзи ҳам секин-аста емирила бошлайди; қуёш нури сув юзасига келиб урилгач, синиб қайтади; электр разрядлари натижасида озон молекулалари ҳосил бўлади. Жонли материяга ўтишда унинг ҳаракати тарзи ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Жонли материяга инъикоснинг биологик шакллари хос бўлиб, жонли материянинг маълум бир босқичида эса инъикосининг янги шакли сифатидаги психика пайдо бўлади.

Материя ҳаракатининг биологик шакли – ҳаёт-табиат ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Ўлик материядан тирик материяга ўтишни изоҳлайдиган қатор гипотезалар мавжуддир. Улардан бири А.И.Опаринга тегишли бўлиб, унга кўра органик моддалар – атомлари турли шаклларда азотнинг, кислороднинг, водороднинг, фосфор ва олtingугуртнинг атомлари билан боғланган модда – углерод негизида ҳосил бўлган бирикмаларнинг пайдо бўлиши жонли материя пайдо бўлишининг зарур шарти ҳисобланади. Ҳозирги пайтда фанда А.И.Опариннинг гипотезасини тасдиқлайдиган жуда кўп маълумотлар мавжуддир.

Опариннинг гипотезасига кўра, тахминан икки миллиард йил илгари атмосферада эркин кислород ажralиб чиқиб, органик моддаларда

фотохимиявий реакциянинг ва фотосинтезнинг юз беришига олиб келди. Биринчи галги океан бамисоли худди органик моддалардан тайёрланган аллақандай «шўрва»га ўхшаш бўлган. Органик бирикмаларнинг ривожланиши жараёнида углероднинг жуда ҳам мураккаб бирикмалари – бениҳоя катта молекулалар пайдо бўлди. Молекулалар шуниси билан ажралиб туришардики, улар таркибий кисмларга осонгина парчаланишарди. Бу бирикмаларнинг мавжуд бўлиб туришини таъминлаш учун муҳит билан доимий модда алмашинуви бўлиб туриши, яъни бу молекулалар муҳитдан янги моддаларни танлаб олиб, чатиштиришлари (ўзлаштиришлари) ва парчаланиш маҳсулини ўзга тусга киритган ҳолда ташқи муҳитга ажралиб чиқаришлари лозим эди. Шундай қилиб, бу бениҳоя катта молекулалар муҳит билан модда алмашинувини автокаталитик тарзда йўналтириб, ўзини-ўзи қайтадан ҳосил қилувчи тизимга айланиб қолиши. Оқсилли молекула билан муҳит ўртасидаги модда алмашинуви аввал бошданоқ фаол жараён эди. Бу бениҳоя катта молекулалар коацерватлар деган ном билан атала бошлади. Коацерват томчилари маълум маънода тўйимли моддалар учун курашда ўзаро рақобат қилишарди, деган тахминлар ҳам бор. Бу томчиларнинг анча қулай кимёвий таркибига ёки структурага эга бўлган баъзи бирлари бошқаларига нисбатан тезроқ ўсди. Улар эртароқ катталалиб, бекарор бўлиб қолишар ва анча майда заррачаларга парчаланиб кетишарди. Сўнгра жараён яна такрорланишда ўсиш, парчаланиш ва ҳоказо. Кимёвий таркиби бир мунча фарқ қиласидан томчиларнинг қўшилиши ҳам содир бўлиб турарди. Шундай қилиб, коацерватлар бир қанча хусусиятларга эга эди, шу туфайли уларни тирик модданинг структураси сифатида қабул қилиш мумкин.

### **Қўзғалувчанлик. Тропизмлар**

Ўсимлик ва ҳайвонларга мансуб шакллар эволюциясининг барча босқичларида жамики жонли организмлар инъикоснинг алоҳида, биологик шакли – таъсирланувчанликка эга бўлади. Таъсирланувчанлик тирик

организмнинг биологик аҳамиятига эга бўлган (биотик) таъсиrotларнинг таъсирига жавоб бериш қобилияти демакдир.

Оддий таъсиrlанувчанлик содда, бир ҳужайрали тирик организмдаёқ сезилади. Улар муҳитнинг таъсирига ҳаракатланиш билан жавоб беради. Муҳит биотик таъсиr ўтказяши мумкин бўлиб, бунинг натижасида жонли организмда протозазманинг хоссаси ўзгаради. Қўзғатиш таъсирига учрайдиган ўзини тартибга солувчи тизим сифатидаги тирик ҳужайрада қидирув ҳаракатлари ҳосил бўлади. Агар муҳит таъсири мазкур ҳужайрага хос кимёвий таркиб ва протоплазма структурасини қайта тиклашга ёрдам берса, ҳужайранинг излаш ҳаракати тўхтайди.

Биотик омилларга нисбатан ўзига хос ҳаракатлар билан жавоб бериш усуулари тропизмлар ёки таксислар деб аталади. Унинг фототропизм – жопли организмнинг ёруғлик таъсири остида ҳаракатланиш тенденцияси; термотропизм – иссиқлик таъсири остида ҳаракатланиш тенденцияси; хемотропизм – муайян физикавий-кимёвий муҳитни танлаш тенденцияси; топотропизм – механик усул билан қўзғатувчининг таъсири ҳаракатланиш тенденцияси каби турлари ва бошқа бир тропизмлар мавжуддир. Ўсимликларнинг биологик инъикос этиш шакли ўзини тартибга солишга ёрдам берадиган тропизмларнинг мавжудлиги билан мукаммаллик касб этади.

Ҳайвонларга мансуб шаклларда таъсиrlанувчанликнинг янги тури – сезувчанлик пайдо бўлади. А.Н.Леонтьевнинг гипотезасига кўра, сезувчанлик «генетик жиҳатдан қараганда, муҳитнинг организмни бошқа таъсуротлар билан боғловчи, организмни муҳитда мўлжал олишига ёрдам берувчи, сигналлик вазифасини ўтовчи таъсиrlарга жавоб таъсиrdан бўлак нарса эмас». Таъсиrlанувчанликдан сезувчанликка ўтилиши ҳаёт тарзининг ўзгачалиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам маълум бир шароитларда ҳатто оддий ҳайвонлар ҳам биотик таъсиrotлардан эмас, балки мазкур конкрет вазиятда турли хилдаги биотик таъсуротлар рўй бераётгани ҳақида

сигнал бериши мумкин бўлган абиотик, индифферент таъсуротлардан ҳам таъсиrlана бошлаши мумкин.

Ҳайвонларнинг организмларида биотик ва абиотик омилни сезувчанликнинг мавжудлиги туфайли ўсимликларга қараганда ҳам анча кўпроқ таъсиротларни акс эттириш имконияти вужудга келади.

Жумладан, инфузорияларда улар учун нейтрал (бефарқ) белги хисобланган ёруғликда таъсиrlанишнинг ҳосил бўлиши кузатилди.

Шубҳасиз, бу ўринда гап фақат муваққат боғланишларнинг ҳосил қилинишига нисбатан юз берадиган тенденция ҳақида бориши мумкин, холос. Чунки бир ҳужайралиларда мустаҳкам шартли боғланишлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас: бундай боғланишлар ҳосил бўлишга улгурмасиданоқ йўқолиб кетади. Бунинг устига инъикоснинг йўқолган шакллари қайтадан тикланмайди ва инъикоснинг бундай шаклларидан маҳрум бўлган ҳайвонлар биологик эҳтиёжларига мос келадиган шартшароитларни қидиришга янгитдан урина бошлаши керак.

Инъикос этиш даражаси кўп ҳужайрали ҳайвонларда анча юксакроқдир. Бир ҳужайралиларга ўхшаб сувли мухитда ҳаёт кечирадиган ковакичакликлар (масалан, ўтроқ ҳолда яшайдиган гидроид полиплар, медузалар) энг содда кўп ҳужайралилар жумласига киради. Лекин бу организмларнинг тузилиши бир ҳужайралиларга нисбатан анчагина мураккаброқдир. Мураккаблиги бу ҳайвонларнинг кўп ҳужайрали эканлигига эмас, балки улардаги ҳужайраларнинг нисбатан бир хил эмаслигидадир: масалан, танасининг ташқи қисмида санчиладиган (чақадиган) ҳужайралар жойлашган бўлса, ички қисми эса овқат ҳазм қиладиган ҳужайралар билан қопланган бўлади. Кўп ҳужайралиларнинг организмида, шунингдек организмнинг бирон-бир қисмида рўй берган кўзғалишнинг ўтказгичи функциясини бажарадиган алоҳида сезувчан протоплазмали ҳужайралар ҳам бўлади. Алоҳида сезувчан (нерв) ҳужайралари ўзаро бирикиб, ҳайвоннинг бутун танасига ёйилган нерв

шахобчасини ташкил этади. Ковакичаклилардаги қисқичлар – ўлжани ушлаб туриш органлари юксак даражада сезувчандир.

### **Ҳайвонларнинг интеллектуал ҳатти-ҳаракатлари**

Айрим нарсалар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг акс эттирилиши интеллектуал ҳатти-ҳаракатлар негизини ташкил этади. Қуйидаги тажриба интеллектуал ҳатти-ҳаракатга мисол бўла олади.

Тажриба ўтказилган асбоб иккита бўш найчадан иборат эди. Найчадан биттасига қарғанинг кўз ўнгидаги ипга боғланган хўрак – бир парча гўшт жойлаштирилди. Қарға хўракнинг найча ичиға киритилганини, иккинчи найчага ўтадиган жойдаги ёриқдан бир лаҳза пайдо бўлиб, иккинчи найча ичиға кириб кетганини кўрди. Қарға шу заҳотиёқ иккинчи найчанинг охирига сакраб борди ва хўракнинг пайдо бўлишини кутиб турди. Келтирилган мисол шуни кўрсатадики, юксак тараққий этган ҳайвонлар нарсалар ўртасидаги муносабатларни пайқаш қобилиятига ва мазкур вазиятнинг натижасини олдиндан билиш.

Олимлар юксак тараққий этган ҳайвонлар орасида приматларни (одамсимон маймунларни) алоҳида ўринга қўядилар. Приматлар кўплаб бошқа сут эмизувчилардан фарқли ўлароқ, фақат озуқа эмас, балки турли хилдаги нарсалар воситасида қилинган хийлаларга ҳам бефарқ караб туришмайди. Бу хилдаги қизиқишни «қатъий» ва «беғараз» қизиқиш (И.П.Павлов), «тадқиқот импульси» (Я.Ю.Войтонис) деб аташади. Маймунларда бу хилдаги фаолиятнинг фаоллиги қўриш қобилиятининг юксак даражада ривожлангани билан қўшилиб, уларнинг идрок этиш доирасини бекиёс кенгайтириб, тажрибасини беҳад ошириб юборади ва малакаларнинг ҳосил қилиниши учун, ҳатти-ҳаракатларнинг мураккаб турлари пайдо бўлиши учун бошқа ҳайвонлардагига қараганда анчагина кучли негиз яратади.

Маймунлар интеллекти (акли) улар бажарадиган вазифаларнинг фақат мураккаблиги билан эмас, балки улар фаолиятининг йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Маймунлар қўлига тушган нарсани соатлаб титиб

ўтириши, одамни қафасига ҳар хил усуллар билан махлиё этиши, судралиб кетаётган қурт-қумурсқаларни кузатиши мумкин ва хоказо. Маймунлар ҳатти-ҳаракатининг бундай хусусиятларига эга эканлиги уларнинг ҳаёт кечириш усули билан изоҳланади. Табиий шароитларда маймун озиқа излаб, узлуксиз равишда «текшириш» фаолияти билан машғул бўлади. Ёввойи шимпанзеларда «таомларнинг» саксон битта хили мавжуд. Уларнинг ярмиси мева-чевалар бўлса, тўртдан бир қисми барглардан иборатdir. Қолган қисмини дон-дун, гуллар, поялар, дараҳт пўстлоғи ташкил этади. Шимпанзелар булардан ташқари ҳашаротлар ва қурт-қумурсқалар билан озиқланади. Онда-сонда уларнинг «дастурхонида» калтакесаклар, майда кемирувчилар, баъзан эса йирик ҳайвонлар ҳам бўлиб туради. Бундан шу нарса тушуниладики, маймунларда мўлжал олиш – тадқиқотчилик ҳатти-ҳаракатининг юксак даражада тараққий этганлиги, уларнинг исталган обьектларга қаратилган қизиқишилари аниқ шаклланган биологик асосга эгадир. Маймунлар истеъмол қиласидан меваларнинг турли-туман шаклга ва тусга эгалиги улар томонидан фақат фарқ қилинадигина эмас, балки шартли рефлекслар ҳосил бўлиши натижасида тегишли таъм белгилари билан ҳам боғланади. Маймун овқат излаётиб, меваларнинг истеъмол қилиш мумкин бўлганларини истеъмол қилиб бўлмайдиганлари ва заҳарлиларидан бехато ажратади.

Бироқ, юксак тараққий этган катта маймунларнинг инстинктив ҳатти-ҳаракати бир ҳужайрали тубан ҳайвонлар инстинктидан жиддий фарқ қиласиди. Юксак тараққий этган маймунлар (жумладан, шимпанзе)да ҳатти-ҳаракатнинг уя қуришдек туғма шакли мавжуддир. Табиий шароитларда улар ҳар куни дараҳтларда шох-шаббалардан уя қуришади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, маймунлар уя қуришда материалларни танлаш чоғида амалий таҳлилга биноан иш қўришади.

Шундай қилиб, уя қуриш маймунларда гарчи инстинктив ҳаракатлар натижасида амалга оширилган бўлса ҳам бу ҳаракатлар ташқи шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда юз берди.

### **14.3. Асаб тизимининг тузилиши ва психика**

Бир ҳужайрали, масалан, амёба каби организм на овқатни идрок этиш учун, на уни излаш учун, на уни ҳазм қилиш учун ҳеч қандай ихтисослашган аъзоларга эга эмас. Ёлғиз биттагина ҳужайранинг ўзи ҳам сезувчи, ҳам ҳаракатланувчи, ҳам овқат ҳазм қилувчи аъзо бўлса керак. Кўриниб турибдики, амёбанинг ҳаёт кечириш имкониятлари унинг овқат қидириб топиш ва ўз ҳаётини сақлаб қолиш қобилияти ўта чеклангандир. Юксак тараққий этган ҳайвонларда аъзоларнинг ихтисослашуви озиқани фарқлаш, хавф-хатарни жуда тез ва аниқ сезиш имконини беради. Ихтисослашувнинг яккаю-ягона функцияси сигналларни идрок этишдан иборат ҳужайраларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Бу ҳужайралар рецепторлар (ташқи муҳитнинг таъсирини қабул қилувчи аппарат) деб аталмиш ҳужайралар гурухини ташкил этади. Бошқа ҳужайралар мушак тўқималари ишини ёки турли хил безларнинг шира чиқаришини ўз зиммасига олади. Бундай ҳужайралар эффекторлар дейилади. Аммо ҳаёт аъзолар ва функциялар ўртасида узлуксиз алоқа бўлишини. ҳаракатларнинг теварак-атрофдаги нарсалардан ва организмнинг ўзидан бўладиган сигналлар оқими билан келишилган бўлишини тақозо этаётган бир пайтда ихтисослашув аъзолари ва функцияларни бир-биридан ажратади. Бунга организмнинг асосий «бошқарув пульти» – яхлит бир бутун нарса сифатида ҳаракат қиласидаги марказий нерв тизими воситасида эришилади.

Асаб тизими тузилишининг умумий ўрни барча умуртқалиларда бир хилдир. Унинг асосий элементлари нерв ҳужайралари ёки нейронлар бўлиб, уларнинг вазифаси қўзғатишдан иборатdir. Нейрон унинг таначасидан ва таначанинг шохлаб кетган ўсимталари қўзғатиши қабул қилувчи – дендритлардан ва қўзғатиши бошқа нейронларга ўтказадиган толалар – аксондан таркиб топади. **Аксоннинг** дендритлар билан ёки бошқа нейронларнинг унинг танаси билан боғланадиган нуқта синапс деб аталади. Шу нуқтада нейронлар ўртасида функционал боғланиш юз беради. Нерв тизимида янги боғланишларнинг ҳосил бўлиш механизмини тушунтириб

беришда синапс ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу боғланишларни ҳосил қилишда синапслардаги ўзгаришлар (кимёвий ёки структуравий ўзгаришлар) туфайли қўзғатиш импульсларини муайян йўналишда танлаб ўтказиш таъминланади. Синапс – қўзғалиш бўйича қўйилган ўзига хос тўсиқ бўлиб, қўзғалиш уни енгиб ўтиши керак. Баъзи тўсиқларни енгиш осонроқ, бошқаларини эса қийинроқ, айрим ҳолларда иккала йўлдан бирини танлашга тўғри келади.

Нейронларнинг бир қисми қўзғалишни рецепторлардан марказий нерв тизимида, бошқа қисми ундан эффекторларга ўтказадилар, лекин нейронларнинг аксарият кўпчилиги марказий нерв тизимининг ўзида унинг турли жойлари ўртасида алоқа боғланишига хизмат қиласди. Марказий нерв тизимининг ўзи эса икки қисмдан – бош мия ва орқа миядан ташкил топгандир.

Бош миянинг юқори қисми олти қават нейронлар (10 миллиардга яқин) билан қопланган ҳамда пўстлоқ деб аталадиган катта ярим шарларни ҳосил қиласди. Пўстлоқ – психик фаолиятнинг энг муҳим (лекин яккаю-ягонаси эмас) органидир. Ярим шарлардан пастроқда, энса қисмидан мияча жойлашган бўлиб, унинг функциялари ҳали етарлича ўрганилмаган. Унинг мушаклар харакатини уйғунлаштиришда жиддий роль ўйнаши маълум. Катта ярим шарларга мия найчаси келиб тақалади. Найчанинг юқори қисми – таламус орқа миядан катта ярим шарларга борадиган барча нерв йўллари учун «оралиқ станцияси вазифасини бажаради. Найчанинг пастки қисми – гипоталамус сув алмашинувини, овқатланиш эҳтиёжини ва организмнинг бошқа функцияларини бошқариб турадиган марказлардан таркиб топгандир.

Марказий нерв тизимининг тилга олинган барча қисмлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни ўрганиш ва таърифлаш билан анатомия ва гистология шуғулланади.

Хозирги замон фанида мавжуд тасаввурларга қараганда, орқа мия ва мия найчаси рефлектор фаолиятининг асосан туғма (шартсиз рефлекслар) ҳисобланган шаклларни амалга оширади, катта ярим шарларнинг қобиғи эса

ҳаёт кечириш жараёнида орттириладиган ва психика томонидан бошқариладиган хулқ-автор шакллари органи ҳисобланади.

Тананинг ҳар бир сезувчи аъзоси (тери, кўзнинг тўр пардаси ва шу кабилар) ва ҳар бир ҳаракат аъзоси мияда ўзининг хусусий марказларига эгадир. Фақат рецепторларга ва эффекторларга эмас, балки периферияда рўй берадиган нарсаларнинг тасвирини йириклиштириб хабар қиласидиган мия хужайраларига ҳам хос бўлган ихтисослашув ҳозирги замон жарроҳлик техникаси ва қобиқни электр ёрдамида қўзғатиш методи (унга жуда ҳам нафис электродларни киритиш йўли билан) орқали батафсил ўрганилган.

Шу хилдаги кўплаб тажрибалар ҳайвонларда ўтказилди. Одамга келганда шуни айтиш керакки, соғлом кишиларнинг миясида жарроҳлик билан боғлиқ биронта ҳам эксперимент ўтказилмайди, албатта. Фақат айrim операциялар чоғида нейрохирурглар мияни электродлар ёрдамида текшириб кўриш имкониятига эга бўлишади. Мияда оғриқ нуқталар йўқлиги сабабли бундай тажриба чоғида bemорда ҳеч қандай ёқимсиз сезги рўй бермайди. Айни чоғда у эс-хушини йўқотмаган ҳолда қўзғатиш жараёнида нималарни ҳис этганини врачга айтиб бериши мумкин. Бу метод ёрдамида шу нарса аниқландики, бир хил нуқталарни қўзғатиш натижасида тортилиши, бошқаларида кўриш, эшлиши, тери сезгиларига таъсир қилиши кузатилади. Сезувчи ва ҳаракат нервларининг «охирги станциялари» мияда муайян бир тартибда жойлашганлиги, шу билан бирга организмнинг барча қисмлари ҳам мияда бир хилда ўрин эгалламаганлиги аниқланди.

Инсон катта ярим шарлар қобигининг анчагина қисмини қўл бармоқларни, айниқса унинг одамдаги бошқа барча бармоқларга қарама-қарши қўйилган бош бармоқ фаолияти билан боғлиқ хужайралар, шунингдек нутқ органлари – лаб ва тил мушаклари функцияси билан боғлиқ хужайралар эгаллайди. Шундай қилиб, одамнинг катта ярим шари қобигида меҳнатда ва муомалада асосий функцияни бажарадиган ҳаракат аъзолари анча кўп жойлашгандир.

Мия катта ярим шарлари ишининг умумий қонунлари И.П.Павлов томонидан аниқлаб берилган. Павлов ўтказган классик тажрибаларда итларда олдинлари фақат тегишли шартсиз қўзғатувчи (масалан, овқат)нинг бевосита таъсири остида юз берадиган физиологик реакцияга (масалан, сўлак оқишига) олиб кела бошлайдиган жуда ҳам хилма-хил сигналлар берадиган шартли рефлекслар ҳосил қилинган эди. Лекин И.П.Павловнинг таълимотини шу схема билангина чеклаб қўйиш нотўғри бўлур эди. Реал вазиятда (лаборатория шароитида эмас) ҳайвонлар озуқа қачон оғзига тушишини кутиб турмайди, балки уни излашга уринади, ҳаракат қилади, ҳаракатининг самарадорлигини текширади, хуллас шароитга актив мувофиқлашади.

Хозирги пайтда мамлакатимизда ва чет элларда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий нерв фаолиятининг умумий қонуниятлари ҳайвонларнинг фаол ҳатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Масалан, тутмачани чўқиганда дон тўклилган емакхонанинг эшиги очиладиган тажриба қутисига солиб қўйилган кабутар бир қанча вақт ўтмай бу вазифанинг уддасидан чиқа оладиган бўлиб қолади. Тутмача қуш учун шартли қўзғатувчи бўлиб қолади. Бу сигналга жавобан чўқиш ҳам И.П.Павловнинг тажрибаларидаги итнинг миясида қўнғироқ ёки нурга жавоб тариқасида сўлак безида ўзгариш юз бергани каби мажбурий зарурат билан содир бўлади.

Бош суюги қопқоғининг остига микроэлектродлар қўйиш йўли билан миядаги нерв тўқималарини бевосита қўзғатиш методи ёрдамида мия найчаларининг функцияларини ўрганишда эришилган ютуқлар кейинги йилларда психик фаолиятнинг физиологик механизмлари тўғрисидаги масалани янгича ёритишга олиб келди. Жумладан, мия найчаларининг қатор бўлмалари миянинг юқорида жойлашган бўлимлари учун энергия манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Мия найчаларини электр ёрдамида қўзғатиш билан бир қаторда унда эксперимент ўтказувчининг аралашувисиз, беихтиёр равища ҳосил бўладиган биотокларни ёзиб олиш методи ҳам қўлланилади. Бу тажрибалар

миянинг электр активлиги бир хил эмаслигини кўрсатди. Биотоклар ёзувининг характеристига қараб одамнинг психик ҳолатидаги ўзгаришлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Мияда ҳосил бўладиган тўлқинлар турли частотадаги электромагнит тебранишларига ўхшайди. Уларнинг энг секинлари киши тинч-осойишта пайтида, кўзларини юмиб ўтирган, бетоқат бўлмасдан ва диққат-эътибори бўшашибган ҳолатида кузатилади. Лекин бундай ҳолатда бўлган киши бирон-бир топшириқ (масалан, арифметикадан масала ечиш) берилса борми, унинг биотоклари дарҳол ўзгара бошлайди ва унда тўлқинлар тезлиги анча ошганлигини кўрсатадиган излар пайдо бўлади.

Мияда электроэнцефалограмма кўринишидаги кучайтиргич ёрдамида ёзиб олиш мумкин бўлган электр токлари пайдо бўлишининг кашф этилиши физиологлар ва врачлар учун ҳам психологлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Электроэнцефалограммалар миянинг фаоллиги қандай ўзгаришини кузатиш, бу ўзгаришларни психик жараёнлар билан таққослаш имконини беради. Биотоклар ёзуви гарчи мия ишининг мазмуни ҳақида эмас, балки фақат миянинг умумий биофизик ва биохимик фаоллиги ҳақида гувоҳлик берса ҳам бу тадқиқотлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, улар мия ва психика ҳақидаги фанга бундан кейин ҳам жуда кўп янги ва қизиқарли нарсалар беради. Унинг учун ҳам фаолиятнинг турли хил шароитларида, жумладан, космик фазога учиш каби мураккаб шароитларда бўлган одамнинг миясидаги биотоклар синчковлик билан ўрганилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Космонавт миясининг биотоклари ёзуви унинг марказий нерв тизимида юз берадиган ўзгаришлар кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласи. Биотоклар ёзувининг характеристига қараб одамнинг уйқуси ва уйғоқлиги ҳақида, киши онгининг фаоллиги даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Одамдаги психик жараёнларнинг мияга оид механизмлари билан ҳайвонлар психикаси механизмлари ўртасида ўхшашиблик кўп. Барча сут эмизувчиларнинг нерв тизими ва иши бир хил характерга эгадир. Унинг учун ҳайвонларнинг миясини ўрганиш фақат физиологияни эмас, балки психологияни ривожлантиришда ҳам фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, одам билан ҳайвоннинг психик фаолияти ўртасидаги тафовутлар фақат миқдор характерга эмас (бу етарлича аник-равшандир), балки сифат характерга ҳам эгадир. Бу тафовутлар киши организмининг бутун тузилиши ва функциясини тубдан ўзгартирган қудратли моддий омил – меҳнатнинг таъсири остида табиий йўл билан пайдо бўлгандир. Психиканинг органи – бош мия ҳам ўзгарди. Унинг ҳайвонлар миясидан сифат жиҳатдан фарқи юксалиш жараёнлари ва аввало, тафаккур механизмларини ўрнатиш пайтида яққол намоён бўлади. Бу жараёнлар сезги идрок жараёнлари сингари миянинг муайян қисмлари доирасида чекланиб қолмайди. Агар одамда қобиқнинг энса қисми шикастланган бўлса, унинг кўриш сезгиларини йўқотиши турган гап. Миянинг юксак билиш жараёнлари билан боғлиқ қисмлари шикастланиши бошқача характер касб этган. Бу ҳолда шикастланган қисмнинг функциясини бошқа бир қисм бажариши мумкин. Пластиклиқ, бир-бирининг ўрнини босиш ақлий ва нутқ фаолиятининг асосини ташкил этувчи нерв тўқималарига хос хусусиятдир.

Одамнинг психик ҳаётида катта ярим шарлар қобиғи сиртининг ўттиз процентини эгаллайдиган пешана қисмлари алоҳида роль ўйнайди. Пешана қисмларининг (касаллик, яраланиш ва шу кабилар оқибатида) шикастланиши хулқ-атворнинг оддий формаларига эмас, балки юксак формаларида таъсир кўрсатади. Масалан, пешана қисмлари шикастланган bemорлар кўриш, нутқ, ёзиш қобилиятларини сақлаб қолиб арифметика масалаларини ечган ҳолда унинг шартларини таҳлил этишга уринмайдилар. Масалани ечиш режасини тузганларида охирги саволни тушириб қолдирадилар. Улар масалани ечимини унинг шарти билан солиштириб чиқмайдилар, ўз хатоларини сезмайдилар ва ҳоказо. Кўпгина клиник фактлар шуни кўрсатадики, миянинг пешана қисмлари шикастланиши ақлий қобилиятни сусайтириши билан бирга кишининг шахсияти доирасида, унинг характерида ҳам қатор бузилишларга сабабчи бўлади. Касалга чалинганига қадар хушмуомалалиги, вазминлиги билан ажралиб турган bemорлар енгилтак, қизиққон, қўрс бўлиб қоладилар.

Психик функциялар муайян тарзда чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланган бўлиши аниқланди. Ҳар иккала ярим шарлар ахборотни образлар тарзида ҳам сўзлар тарзида ҳам қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятига эга, аммо чап ва ўнг ярим шарларда у ёки бу функцияларнинг турлича даражада ифодаланиши – бош миянинг функционал асимметрияси ҳам юз беради. Чап ярим шарнинг функцияси ўқиш ва ҳисоблашдан, умуман кўпроқ белгиларга асосланган ахборот (сўзлар, белгилар, рақамлар ва шу кабилар)га таянишидан иборатdir. Чап ярим шар мантиқий тузилишлар имкониятини таъминлайди, бусиз изчил аналитик тафаккур бўлиши мумкин эмас. Чап ярим шар фаолиятининг издан чиқиши, одатда нутқнинг бузилишига (сўзлаш қобилиятининг йўқолишига) олиб келади, нормал муномала имкониятини йўққа чикаради, нерв тўқималари оғирроқ шикастланганда – фикрлаш фаолиятида нуқсонлар содир бўлади. Ўнг ярим шар образи ахборотни ишга солиб, бўшлиқда мўлжал олиш, мусиқани идрок этилаётган ва тушунилаётган объекtlарга нисбатан ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлишга имкон беради. Ҳар иккала шар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Функционал асимметрия факат одамга хосдир. У одамда чап ёки ўнг ярим шарнинг нисбатан кўпроқ ишлашига олиб келаётган ва оқибатда унинг индивидуал-психологик характеристикасига таъсир кўрсатадиган муномала жараёнида шаклланади.

Бош мия юксак тараккijй этган ҳайвонлар ва одам психикасини белгилайдиган даражада фаолият кўрсатадиган орган ёки тўғрироғи, органларнинг мураккаб тизимиdir. Психиканинг мазмuni тирик мавжудот ўзаро муносабатда бўладиган ташқи олам билан белгиланади. Ташқи олам киши мияси учун шунчаки оддий биологик мухит (ҳайвон мияси учун бўлгани каби) эмас, балки одамлар томонидан уларнинг ижтимоий тарихи давомида яратилган ҳодисалар ва нарсалар оламиdir. Ҳар бир алоҳида одам хаётининг дастлабки қадамларидан бошланган психик ривожланишининг илдизлари тарихан таркиб топадиган маданиятнинг энг қадимий, энг чуқур даврларига бориб тақалади.

#### **14.4. Миянинг ишидаги психик ва нерв-физиологик хусусиятлари**

Психик ва нерв-физиологик жараёнларнинг ўзаро муносабати масаласи анча мураккаб масалалардандин. Ўрганиш жараёнида психиканинг ўзига хос хусусиятлари нерв-физиологик хусусиятлардан қанақа муҳим белгилари билан фарқ қилишини аниқлаш мумкин. Агар бундай ўзига хослик мавжуд бўлмаганида психология мустақил билим соҳаси сифатида ўрганилиши ҳам мумкин эмасди. Уни асаб тизими физиологияси билан айнан бир хил деб қаралган бўларди.

Психиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш анчагина қийинчиликлар билан боғлиқ. Гарчи психик хусусиятлар нерв-физиологик фаолият замирида юзага келиб, унинг натижаси ҳисобланса ҳам лекин бу нерв-физиологик жараёнлар, аслини олганда, психик ҳодисаларда ҳеч бир кўринмайди, ёки унда аллақандай тарзда «яширинган» бўлади. Психик жараёнлар ўзида ички, физиологик жараёнларнинг эмас, балки ташки объектларнинг характеристикасини (нарсаларнинг шаклини, катта-киклиги, ўзаро муносабатларини) мужассамлаштиради. Психик жараёнларнинг ана шу ўзига хос белгилари, яъни ташки дунёning тана тизими ҳолатида акс этиши, ўрин олиши юз беради ва намоён бўлади.

Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш психикасининг мазмуни ва тузилишида нейрофизиологик жараёнлар мавжуд бўлмагани ёки сезилмаслиги сабабли жиддий қийинчилик туғдиради. Бунинг устига психик ҳодисалар ўз негизидан маҳрум ҳолда, «танасиз», номоддий ҳисобланар эди. Бундан идеалистлар алоҳида танасиз руҳнинг мавжудлиги хусусида турли хил таълимотларни тўқиб чиқариш учун зўр бериб фойдаланишарди. Ана унинг учун ҳам психик ҳодисаларга нисбатан изчил материалистик ёндашувни сақлашга интилишлар айрим ҳолларда бошқа жиддий хатога, яъни психиканинг физиологик ҳодиса билан алмаштирилишига ва психологиянинг физиология билан алмаштирилишига уринишларга олиб келди. Психик ҳодисаларнинг рефлектор характерга эга эканлиги ҳақидаги назария бундай уринишларнинг хатолигидан далолат

беради. Бу назария рефлектор актда психиканинг реал, фаол ва бошқарувчанлик ролини кўрсатади.

#### **14.5. Онг ҳақида тушунча**

Психика воқеликнинг киши миясидаги акси сифатида ҳар хил даражалари билан фарқланади.

Психиканинг одамга хос бўлган олий даражаси онгни ташкил этади. Онг психиканинг олий, уни, яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб, кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишининг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Шу маънода онг, классик психологияда таъкидланишича, «ижтимоий маҳсул» бўлиб, англанган борлиқдан бўлак бошқа нарса эмасdir.

Онгнинг структураси, унинг муҳим психологик таърифи қандай?

Унинг биринчи таърифи номининг ўзидаёқ берилган бўлиб, онг деганидир. Кишининг онги бизнинг теварак-атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топди. Шундай қилиб, онгнинг структурасига муҳим билиш жараёнлари кирадики, улар ёрдамида одам ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезгилар ва идрокни, хотирани, хаёл ва тафаккурни қўшиш мумкин. Сезгилар ва идрок ёрдамида мияга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг ўша моментда киши тасаввурида ҳосил бўлган хиссий манзараси гавдаланади. Хотира онга ўтмиш образларини қайтадан гавдалантиrsa, хаёл эҳтиёж обьекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қиласи. Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг батамом барбод бўлиши у ёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

Онгнинг иккинчи таърифи – унда субъект билан обьект ўртасида аниқ фарқланишининг ўз ифодасини топиши, яъни одам «мен» деган тушунча билан «мен эмас» деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади.

Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб ундан ажралиб чиқсан ва ўзини атроф муҳитга қарама-қарши қўйган инсон ўз онгидаги ушбу қарама-қаршилик ва тафовутни сақлаб келмоқда. Жонли мавжудотлар ичидаги унинг ўзигина ўзини билишга, яъни психик фаолиятни ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодир. Одам ўз ҳатти-ҳаракатларини ва умуман ўзини ўзи онгли равишда баҳолайди. «Мен»нинг «мен эмас»дан ажратилиши – ҳар бир киши болалигига бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўзини ўзи англаши жараёнида юз беради.

Онгнинг учинчи таърифи – одамнинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгнинг функциясига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул килинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо. Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга оширилишида, унинг мувофиқлаштирилишида ва йўналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишининг юз беришини онгнинг бузилганлиги деб қарамоқ керак. Нихоят, онгнинг тўртинчи таърифи – унинг таркибиға муайян муносабатнинг кирганлигидир. Киши онгига муқаррар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади. Унда мураккаб объектив ва энг аввало одамнинг ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалингандаги онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади: бемор бунга қадар беҳад севган онасини сўймайдиган бўлиб қолади, яқин кишилари тўғрисида гапиради ва ҳоказо.

Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятлари шакланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шарти тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида одам билимлар ҳосил қиласи, киши дунёга келгунга қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган

инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойитади. А.И.Герцен шундай деб ёзган эди: «Хар бир киши илдизлари сал бўлмаса Одам ато замонларига бориб етадиган даҳшатли шажарарага таянади; соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан – бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари...». Тил алоҳида объектив тизимки, унда ижтимоий-тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Конкерт одам томонидан ўзлаштирилар экан, тил маълум бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади.

«Онг» тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиатрларни bemорда онг бор ёки йўқлиги, ё бўлмаса бузилганлиги масалалари доим қизиқтиради, шу туфайли улар онг деганда bemорнинг ўз-ўзига қаердалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бера олиш имкониятларини тушунадилар. Онги яхши сақланиб шахсий ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бера олган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидағи мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятига нисбатан таркиб топган муносабатлар тизимини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз ҳатти-ҳаракатини идора қиласи.

Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, фақат одамларга хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди.

#### **14.6. Онгсизлик муаммоси**

Психиканинг қуи даражаси онгсизликдан иборатdir. Онгсизлик – кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган таъсиротлар билан боғлиқ психик жараёнлар, ҳаракатлар ва ҳолатлар йиғиндисидир. Психик ҳолат (бундан шу нарса равшанки психика тушунчаси «онг», «онгли» тушунчаларига қараганда кенгроқдир) сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришнинг шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади, ҳатти-ҳаракатнинг нутқ

ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликда, онглиликдан фарқли ўлароқ, киши ўзи бажараётган ҳаракатларни мақсадга мувофиқ тарзда назорат қила олмайди, уларнинг натижасини баҳолай олиши ҳам амри маҳолдир. Онгсизликка қуидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйқу пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (туш кўриш); сезилмайдиган, лекин ҳақиқатан ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга («субсенсор» ёки «субцептив») жавоб реакциялари олдинлари онгли ҳаракат бўлиб, лекин такрорланавериб автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англанилмайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар; фаолиятга ундовчи, аммо мақсад ҳиссидан англашмайдиган айрим майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир патологик ҳодисаларни – алаҳлаш, кўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу кабиларни ҳам қўшиш мумкин. Шуларга асосланиб, онгсизликни онгга қарама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлур эди. Онгсизлик – бу кишининг худди онг каби ўзига хос психик қиёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил бўлмаган, қисман акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

Психиканинг мияга нисбатан муносабатини психиканинг теварак-атрофдаги муҳитга ҳамда психик фаолиятга муносабати (булар психик мослаштириш, дастурлаштириш ва бошқариш ёрдамида амалга оширилади) сифатида бундай кейинги ўрганиш психиканинг ривожланиши муаммосига мурожаат қилиш заруратини туғдиради. Психик акс эттириш қандай пайдо бўлганини, ривожланганини, эволюция пиллапоясининг турли босқичларида қандай ўзгариб борганини, киши онги қандай пайдо бўлгани ва шаклланганини тушуниб олгандагина психиканинг энг муҳим қонуниятларини очиб бериш ва жиддий психик фактларни аниқлаш мумкин бўлади.

Онг муаммоси бир қанча фанларнинг, жумладан, фалсафа (унинг асосий масаласи – бу онгнинг турмушга нисбатан муносабатидан иборатдир),

мантиқ, лингвистика, этнография, антропология, социология, нейрофизиология, педагогика кабиларнинг тадқиқот предметига айлангандир.

Психология фани индивидда онгнинг вужудга келиши, унинг тузилиши, ривожланиши ва ҳукм суришини тадқиқ қиласи. Онг предметга фаоллик, йўналганлик, интенциаллик хусусиятларига эга:

а) онг доимо ниманидир тушуниш сифатида; б) рефлексияга нисбатан қобилиятлилик; в) ўзини ўзи кузатиш, яъни ўзлигини англаш; г) мотивацион – қадрий хусусият яққолликнинг ёки равшанликнинг турлича даражаси ёки босқичи эканлиги.

Психологик маълумотларга қараганда, ҳар қайси индивиднинг онги ноёб, бетакрор, аммо у ихтиёрий эмас, чунки биринчи навбатда маҳсус тизимда ҳукм сурувчи тузилиш билан унга боғлиқ бўлган ташқи омиллар ҳамда ҳеч қандай алоқаси бўлмаган омиллар шартлангандир. Худди шу туфайли онгни тадқиқ қилинишнинг иккита муҳим қийинчилиги мавжуд: а) барча психологик ҳолатлар индивиднинг кўз ўнгидаги шундай намоён бўладики, бунда биринчидан, улар қай тариқа англашилмоқда (онгсизликнинг роли қанчалик), иккинчидан, англаш даражасига етказишнинг маҳсус ташқи ва ички машқи натижасида инсон томонидан англашинилади, учинчидан, бевоситалиқда онг функциясида янглишлик вужудга келади.

Ўзини кузатиш натижаларига кўра, онг ўзининг яққол психологик ўзига хослигидан маҳрумдир, чунки унинг ягона аломати шундан чборатки, бунда унинг шарофати билан индивид олдида (у ёки бу аниқлик, равшанлик даражасида) яққол психологик функциялар моҳиятини юзага келтирувчи турли ҳолатлар, ҳодисалар намоён бўлади. Худди шу боисдан онг психика ҳукм суришининг сифатга эга бўлмаган умумий шарти (шароити) тариқасида талқин қилинган, бунинг натижасида у мажозий белгиланган. Жаҳон психологияси фани концепцияларида бу ҳодиса аксарият ҳолларда «онгнинг нури», «онгнинг майдони», ҳатто «психик функцияларнинг умумий ҳокими»

каби таҳлил этилган, гоҳо у қайсиdir психик функциялар билан ғайритабий равиша (кўшимча диққат, тафаккур билан) айнишлаштирилган. Шу муносабати билан биринчи галда онгни яққол ўрганиш, текшириш тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Иккинчи ҳолда эса ушбу масала унга мутаносиб функция билан алмаштирилади. Бундай талқинларнинг барчаси шундай фикрни туғдирадики, гёёки онг илмий психология фани учун шунчаки қайд қилиниш, яъни фикция, холос (У.Жеймс). Онгни тадқиқ қилишдаги иккинчи қийинчилик ҳам бевосита биринчисидан келиб чиқади:

а) онг бир қатор психик функциялар каби ташки фазода локализациялашмайди; б) онг психик функциялардан фарқли ўлароқ вақтни (замонни, даврни) муайян қисмларга ажратса олмайди. Тадқиқотчилар онгни ўрганиш учун оммабоп, содда психологик методларнинг қўллаганликлари туфайли унинг маълум тавсифини топа олмадилар, жумладан, вақтнинг аниқ бирликлари ёрдамида уни ўлчаш, муайян вақт оралиғида онгни солиштириш. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, онгни конструктив тарзда талқин қилишнинг муҳим жабхаси И.Кант томонидан кўтарилган онгнинг барқарор, инвариант тузилиши ва схемаси мавжудлиги, узлуксиз равиша ўрин алмаштириб турувчи сенсор оқим, ахборотлар ва унинг муайян даражада ташкил қилувчанлиги тўғрисидаги юксак ғояси ҳисобланади.

Энди онгнинг психологик тавсифидан келиб чиқсан ҳолда унинг шакллари юзасидан қисқача мулоҳаза юритамиз. Онгнинг генетик жиҳатдан талқини онгсизлик бирламчилигини билдириб, у ўзига хос хусусиятга эга эканлигини, инсон фаолияти ва ҳатти-ҳаракатида муайян даражада рол ўйнашини тан олишни тақозо этади. Чунки инсон онгининг юксакроқ шакллари узоқ ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кейинги даврида вужудга келгандир. Худди шу боисдан онгнинг пайдо бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритилганда ижтимоий борлиқ, ижтимоий тараққиёт, уларга нисбатан муносабат услуби асосий мезонлар вазифасини бажариб келган ва ҳозир ҳам худди шундай бўлиб қолаверади.

Онгсизликнинг онглииқдан фарқи шуки, унинг томонидан акс эттириувчи воқелик субъектнинг кечинмалари билан, унинг борлиқса муносабати билан қўшилиб, аралашиб кетади. Шунинг учун онгсизликда субъект томонидан амалга ошириувчи ҳатти-харакатлар натижасини ихтиёрий равища назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Онгсизликда воқелик субъектнинг ўхшашлик, айният сингари мантиқий шаклларига асосланиб акс эттирилади.

Бу ҳолат бевосита эмоционал ҳис қилиш, эмоционал юқиш ва идентификациялашга дахлдорлик туйғуси орқали турлича ҳодисалар ўзининг тузилиши, моҳияти жиҳатидан ўзига хосликдан қатъий назар бир тизимга бирлаштирилади, психологик объектлар ўртасидаги у ёки бу хусусиятли аломатлар ўртасидаги тафовутлар, мантиқий қарама-қаршиликлар очилмасдан намоён бўлади, инъикос этилади.

Онгсизликда ўтмиш билан келажак кўпинча бир даврда хукм суроётгандай, гўёки улар бирон-бир психик актга бевосита бирлашган тарзда акс эттирилади, бунга туш кўриш жараёни ёрқин мисолдир. Онгсизлик борлиқни бола томонидан билишнинг илк шаклларида, ибтидоий тафаккурда, интуицияда, аффектив ҳолатларда, саросимага (паника) тушишда, гипноз ҳолатида, туш кўришда, одатий ҳаракатларда, субсенсор идрокда, ихтиёrsиз эсда олиб қолишида, шунингдек, интилишларда, хиссиётда, хулқ-атворда ифодасини топиб, уларнинг сабаблари ва оқибатлари шахс томонидан тубдан англашилмайди. Одатда, онгсизликнинг намоён бўлишининг тўрт туркуми психологлар томонидан тан олиниб келинмоқда.

I. Онгусти ҳолатлари.

II. Фаолиятнинг англашилмаган қўзғатувчилари. Англашилмаган мотивлар ва маъно англатувчи установкалар, одатда, улар шахсга оид маъно касб этиб, келажакка хоҳиш, истак орқали шартлангандирлар. Бундай ҳолатларнинг туркуми гипноз ҳолатидан чиққан субъектнинг ҳатти-харакатини ўрганишда кўлга киритилган, ушбу жараёнда унга аниқ ҳаракат дастури орқали кучли

таъсир ўтказилган (масалан, бозорга бориш ва айтилган нарсаларни харид қилиш кабилар). Қўйилган дастурий топшириқпарни бажариш жараёнида инсон ўз хулқ-атвори сабабларини изоҳлай ва тушунтира олиш имкониятига эга бўлмайди. Мазкур ҳодисаларнинг психологик табиатини психоаналитик позициясидан туриб тушунтиришга ҳаракат қилган Зигмунд Фрейд «онгсизликнинг динамик қисилиши» терминини фанга олиб киради. З.Фрейд, онгсизлик деб, ижтимоий нормалар талаби билан низоли ҳолат, қарама-қаршилик туфайли онгга кира олмаган, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами билан бегоналашиб, индивид янгиш айтган сўзида, гапда янгишиб кетишида, туш кўришида ва ҳоказоларда акс этишини тушунади. Онгсизликнинг шунга ўхшаш тарзда намоён бўлиш хусусияти шундан иборатки, субъектнинг амалга ошмай қолган майллари психотерапевтик ҳолатлар билан сабабий боғлиқлигини англаши мазкур майллар билан шартланган кечинмаларнинг йўқолишига олиб келмайди (масалан, қўрқувнинг йўқолишига), чунки англаниш субъект томонидан қандайдир у билан юз бермаётган, гуё шахсга алоқасиз, бегона ҳодиса сифатида идрок қилинади.

Хулқ-атвордаги онгсизлик самарадорлиги уларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар шахснинг бошқа одамлар билан ҳамкорликда бошидан кечиришида (масалан, психологик сеанс чогида) ёки гурухий психотерапия даврида ўзгаларда кечишида содир бўлса индивидни қониқтиради. Чет эл психологиясида, энг аввало, З.Фрейднинг психоанализида ва унинг издошлари қарашларида онгсизликнинг юзага келишини тор маънода, чекланиб тушуниш унинг динамик жабҳаларини шаклланишининг бир томонлама таҳлил қилиш билан шартланганлигидир. Чунки, онгсизликнинг ижтимоий-тарихий шартланганлигини тан олмаслик, онгсизликнинг инсон билан борлиқнинг ўзаро таъсиридан бевосита ажратиб олмаслик бир қатор англашилмовчиликларга олиб келади, уларни дифференциялаш орқали шу контекстдагина унинг асл моҳияти, функциялари шахс хулқ-атворида очилиши мумкин, холос. Бундай чекланишлар собиқ шўро психологиясида

установка назариясида, психологик ҳодисалар ўрганишда фаолиятли ёндашувда психикани диалектик материалистик тушунишдан келиб чиқкан ҳолда англашилмаган мотивларнинг функциялари, табиати, маъно англатувчи установкалар инсон ҳаётида шахсий маъно касб этувчи ғояларида бартараф қилиб борилди.

III. Фаолиятни бажариш усууларининг англашилмовчи регуляторлар (автоматлашган хулқ-атвор стереотиплари ва операцион установкалар) уни кечишининг барқарор ва йўналган хусусиятини таъминлайди. Улар автоматлашган ва ихтиёrsиз ҳаракатлар регуляцияси негизида ётади (масалан, топшириқни ечиш жараёни) ва англашилмаган ҳодисаларни олдиндан сезиш, пайқаш образлари ҳаракат усуулари билан шартланган бўлиб, турли вазиятлардаги ўтмиш тажрибаларига бевосита таянади. Автоматлашган одатий хулқ-атвор йўлида кутилмаган тўсиқлар пайдо бўлганда улар субъект томонидан англашиниши мумкин. Англашилмаган автоматлашган хулқнинг психофизиологик механизmlари тўғрисидаги илмий тасаввур, назария Н.А.Бернштейннинг «Ҳатти-ҳаракат тузилиш даражалари» концепциясида ишлаб чиқилган.

IV. Субсенсор идрок қилишнинг вужудга келиши. Онгсизликнинг табиати тўғрисидаги илмий тасаввурларнинг тобора ўсиши, уни пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, келтириб чиқарувчи механизmlари ва функциялари инсон хулқ-атворининг регуляцияси, шахс ҳаётининг яхлит объектив манзарасини яратишнинг зарур шарт-шароити ҳисобланди. Лекин бу муаммо ҳали тўлақонли илмий маълумотларга эга эмас, худди шу сабабдан унинг психофизиологик асослари, механизmlари ҳаракатга келтирувчи қучлар тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритиш имкониятини бермайди.

Билиш жараёнининг онгли ва онгсиз компонентларини илмий тадқиқ этишга бағишлиланган тадқиқот ишлари таҳлилиниң кўрсатишича, ушбу муаммо унинг айрим жабҳалари ёритилган бўлишига қарамай кам тадқиқ этилган бўлиб, аслида “англанмаганлик” муаммоси нисбатан унинг мазмуни

фалсафага асос солинган вақтдан бошлаб, Сүкрот, Афлотун (“ғоялар дунёси” ни эслатиш), Арасту (рух қисми) таълимотларида ўрганилган.

Англанмаганлик муаммосини ўрганишга Б.Спиноза (“ҳоҳиши деатамаацияловчи англанмаган сабаблар”), Г.Лейбниц (“англанмаганлик” тушунчасини киритган ва уни рухий фаолиятнинг энг қуи шакли, деб талқин этган), Д.Гартли (англанмаганликни нерв тизими фаолияти билан алоқаси), И.Кант (англанмаганликнинг интуитив ва ҳиссий билиш билан алоқаси), И.Гербарт (интеллектуалистик психология контекстидаги англанмаганлик), А.Шопенгауэр (англанмаган ички импульслар ҳақидаги ғоялар), Э.Гартман (“англанмаганлик фалсафаси”), Г.Фехнер (“айсберг-рух” ҳақидаги тасаввурлар), В.Вундт (“англанмаган тафаккур” ва “идрок жараёнларининг англанмаган характеристики”), Г.Гелмгольц (“англанмаган ақлий хulosалар чиқариш” ҳақида таълимот), И.Павлов (“англанмаган психик хаёт”), В.М.Бехтерев (“англанмаганликнинг фаоллиги”) ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Бу психиканинг тақорланмас эканлиги, у яхлит тузилма, онгли ва онгизлик соҳаларининг бирлигига асосланишини инобатга олган ҳолда хар бир инсоннинг шахсий муаммоларини ечишда индивидуал ёндашувни амалга оширишни назарда тутади. Ўтказилган анализ натижаларига қўра, биз онгизликнинг қуидаги концепцияларини ажратиш мумкин:

психоаналитик; персонологик; онтопсихологик; трансперсонал.

Тадқиқотчилар онгизликни ўрганишда бир нечта йўналишлар мавжудлигини таъкидлашади:

- биринчи йўналиш вакиллари органик (физиологик) англанмаганлик концепцияси тарафдорлари бўлиб ҳисобланади;
- иккинчи йўналиш вакиллари англанмаганлик психик феномен бўлиб ҳисобланади, деган фикр тарафдорлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, онгизлик категориясининг тадқиқот муаммоси сифатида немис тадқиқотчиларининг ишларида ҳам кўриб чиқилган. Бунда Г.Кнапп онг билан бир қаторда руҳнинг “қора” қисми ҳам

мавжудлигини тан олган Ф.Шеллинг ва бошқа мутафаккирлар ижодига эътиборни қаратади. Психоанализ асосчиси З.Фрейд янгилик ҳаракатлар ва тушларни тадқиқ этар экан, уларнинг асосий деатамантлари онгизлиқда яширган эканлиги ҳақидаги хуносага келган: “Рұхий ҳаётда шундай жараёнлар, тенденциялар борки, улар ҳақида инсон умуман ҳеч нима билмаслиги, жуда қадимдан ҳеч нима билмаслиги, балки биз ҳеч қачон бу ҳақида билмаган бўлиши мумкинлиги эҳтимолини қайд этиш мумкин. Бунинг эвазига онгизлиқ биз учун янги маъно касб этиб, “хозирги замонда” ёки “вақтинча” тушунчалари унинг моҳиятидан йўқолиб, худди шундай у нафақат “хозирги замонда яширган”ни эмас, балки узоқ муддатли онгизлиқни ҳам билдириши мумкин”.

Кўпгина тадқиқотчилар З.Фрейднинг илмий меросида онгизлиқ феноменини ўрганишда учта ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш зарур: топографик; динамик; экономик.

Бироқ Г.Кнапп З.Фрейд ишларида генетик, структурали ва адаптив ёндашувлар ҳам кузатилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, психик феноменларни юзага келиши ва ривожланишини тадқиқ этишни назарда тутувчи генетик ёндашувни психоанализ асосчиси “исбот талаб этмайдиган, деб ҳисоблаган” структурали ёндашув Фрейдда аниқ ифодаланмаган бўлсада, бироқ унинг таҳминича, “ушбу ёндашув топографикнинг ўрнини босиши мумкин экан”. Адаптив ёндашув эса “психоаналитик тафаккур учун ажralmas бўлиб ҳисобланади”.

Г.Кнапп З.Фрейд ишларида худди шундай англанмаганликнинг дескриптив (тасвирловчи) маъносини ҳам ажратиб кўрсатиб, бироқ “онгизлиқ феномени фақат пассив, ҳиссий акс эттириш билан чекланмаслигига, унинг марказий маъно-мазмунни унинг ҳаётий кучида ва ҳақиқийлигидан иборат” эканлигига эътиборни қаратади, яъни онгизлиқ феноменига етакчи ёндашув бўлиб динамикликни тан олади. Худди шундай психоанализ асосчиси ишларини таҳлил этар экан, Г.Кнапп уларда онгга нисбатан онгизлиқни бирламчи эканлигига ишораларни учратади.

“Онтогенезда ва филогенезда англанмаган тизим биринчи бўлиб юзага келади. Ундан нафақат бошқа тизимлар келиб чиқади, балки бошқа барча муносабатларда ҳам у бошланғич соҳа, эҳтиёжлар ва энергия (либидо) манбаи бўлиб, ҳаётни тўхтаб қолишига йўл қўймайди”. Бу эса З.Фрейднинг онгсизликни ўрганишнинг генетик ёндашувига нисбатан Р.Гринсоннинг фикрини тасдиқлайди. Г.Кнапп З.Фрейд ишларидағи “онгсизликни тушлар ва интеллектуал ижод контекстида кўриб чиқиб, бошқа аспектларни – онгсизликнинг “ёвуз” характеристини инкор этади, бироқ айнан шу ҳолатдаги “ёвуз” руҳда бўлган ташқи куч ёки илоҳий кўтариинки руҳланиш сифатида эмас, балки “ғайриоддий муваффақият, руҳий ҳаётга эга бўлиш” сифатида талқин этиладиган яна бир жиҳати мавжудлигига эътиборни қаратади: “У англанган фаолият иштирокисиз содир бўлиб, шунинг учун англанган тафаккурга бегона ва ёвуз бўлиб туюлиши мумкин”. Бироқ “ёвуз-ижодий” жиҳат З.Фрейднинг ишларида ўзнинг ривожини топмади.

Чунки Г.Кнапп фикрича, психоанализ асосчисига унинг ёрқин таъкидланган табиий-илмий ёндошиш установкаси ҳалал берган. Бироқ Г.Кнапп таъкидлашича, онгсизликнинг ижодий жиҳати кейинчалик бошқа психоаналитикларнинг тадқиқиотларида кўриб чиқилган. Туш кўриш материалларида З.Фрейд ишлаб чиқсан топографик модел учта тизимдан: онгсизлик, онголди, онгдан иборат бўлиб, улардан ҳар бири ўз вазифасига эга ва ўзига хос мазмунига кўра фарқ қиласи. Юқорида айтиб ўтилган модел З.Фрейднинг психикани уйқу ва тетиклик ҳолатидаги тузилиши ҳақидаги назарияси учун база бўлиб ҳисобланган. А.Беккер кўп қаватли комплекс ҳосила сифатидаги психика сингари туш кўришни тушунтириб беришнинг аниқ ифодаланганилиги З.Фрейд назариясидаги принципиал янгилик бўлиб, у психологик йўналишдаги барча кейинги тадқиқотлар учун пойдевор сифатида хизмат қилди, деб ҳисобланишини таъкидлаган эди.

З.Фрейд кейинчалик “Мен ва У” номли ишида тизимдан психик аппаратнинг тақсимланишини (онг, онгсизлик, онгдан олдинги) инстанция моделига (У, Мен, Олий-Мен) ўзгартириб, бу билан онгсизлик тушунчасига

аниқлик киритади. “Унинг мазмуни бир томондан торайган бўлса (онгсизлик муддатлари аниқ чегараларга эга бўлган соҳа маъносида) ҳам, “фақат” сиқиб чиқарилган маъносида ҳам ўз мазмун-маъносини йўқотади. Бундан ташқари атаманинг маъно-мазмуни кенгаяди – онгсизлик сифат, хусусият сифатида кўриб чиқилади ”.

З.Фрейд, Г.Кнапп, В.И.Овчаренконинг ишларида онгсизликнинг иккита тури эмас, балки учта тури ажратиб кўрсатилади:

- латент онгсизлик, унинг мазмуни психиканинг онгдан олдинги тизимиға мос бўлади ва индивид томонидан англаниши мумкин;
- сиқиб чиқарилган онгсизлик, унинг англаниши маҳсус психоаналитик методлардан фойдаланишни талаб этади;
- наслий умуминсоний онгсизлик, у универсал комплекслар, мотивлар ва ҳоказолардан иборат бўлади. Шу тарзда, З.Фрейд онгсизлик тушунчасининг мазмунига психик намоён бўлишлар, ҳаётнинг энергетик манбаси, ҳаёт мобайнидаги сиқиб чиқаришлар, Мен, Олий-Мен инстанцияларининг қисми, рухиятнинг ўзига хос ишлаш принципи, архаик мерос, онг антонимини киритганлигини таъкидлаш мумкин.

Г.Кнапп З.Фрейд издошлари томонидан англанмаганлик тушунчасининг қўлланиши бўйича уч йўналишни ажратиб кўрсатади:

- 1) классик йўналиш (бунда ушбу тушунча психоанализ асосчиси каби қўлланилади, яъни кўп маъноли бўлиб);
- 2) редукцион ёки неофрейдистик йўналиш (бунда онгсизлик тушунчи ўрнига марказга бошқа тушунчалар киради: А.Адлерда кемтиклик ҳисси; К.Хорнида хавфсираш ва хавфсирашдан ҳимояланиш; Э.Фроммда эса ўз-ўзини очиб бериш тенденцияси ва ҳоказолар);
- 3)“кенгайтирилган” йўналиш бунда онгсизлик атамаси сақланиб қолинади, унинг маъно-мазмун соҳалари дифференциалланади ва кенгайтирилади.

Хусусан, К.Г.Юнг маъruzаларида “Онгсизлик ўзи ҳақида фақат ўз маҳсулотларидагина хабар беради ва бизга уни фақат бу ўзига хос

маҳсулотлар асоси сифатида исботсиз қабул қилишимизгина, барча юзага келишлар манбасида ётувчи қандайdir нарса борлигини тасдиқлашимиз қолади, холос, деб таъкидлаган. Биз бу коронги соҳани психик англанмаганлик деб атаймиз. К.Г.Юнг онгсизлик “маҳсулотларининг” қуидаги синфларини ажратиб кўрсатган:

- 1) шахсий онгсизлик ёки “онг ости ақл” бўлиб, у шахсий келиб чиқиш дастуридан (комплекслардан), сикиб чиқарилган мазмун ва ижодий жараёнлардан иборат;
- 2) жамоа онгсизлиги ёки шахссиз онгсизлик бўлиб, архаик характердаги маълум бир ҳосилалар билан белгиланувчи “ҳам шакли, ҳам мазмуни бўйича мифологик мотивлардан” иборат бўлган жамоа паттернлари (“архетиплари”)дир.

3.Фрейднинг яна бир издоши, кейинчалик эса оппоненти бўлган О.Ранк концепцияси қизиқарли бўлиб, унга кўра, туғилиш жараёни болада англанмаганликда сақланувчи кучли хавфсирашни юзага келтиради ва катталардаги невротик симптомларнинг сабаблари бўлиб ҳисобланар экан. О.Ранк ва Х.Закс “онг ости” тушунчасини “онгсизлик” тушунчасидан ажратиб, биринчи тушунчани “уларда онг белгилари мавжуд бўлмайди, бироқ уни хоҳлаган вақтда тиклай олиш мумкин”, деган тасаввурлар билан изоҳласа, иккинчи тушунча маъносига эса ҳолатларга индивид онгига киришга қодир эмаслиги тасаввурларини тушунган. Онгсиз материалнинг асосий хусусиятларига тадқиқотчилар: аффективлик (“жуда кучли зўриқишдаги аффект”), онг соҳасига ўтиш учун узоқ муддат давомида интилишни ажратишган. 3.Фрейд изидан олимлар онгсизлик инсон болалигига юзага келади: “Психик дунёда ҳам энергияни сақланиш қонуни ҳукмронлик қиласи: онг руҳий ҳаётдан сикиб чиқарилган инфантиллик йўқолиб кетмайди, у онгсиз психик ҳаёт атрофида мужассамлашуви марказни ҳосил қиласи”, деган фикрга кела бошлишган.

Юқорида қайд этилган онглилик ва онгсизлик муаммосига оид ёндашувларнинг аксарияти шарқ олимларининг изланишларига тегишлидир.

Мазкур илмий изланишларимиз доирасида классик ва хориж олимларининг турли қарашлари ҳамда тадқиқот ишларининг натижаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1928 йилда чоп этилган катта тиббиёт энциклопедиясида онгсизлик атамаси психик онгсизлик масаласига тегишли бўлганлиги боис, инсон шахсининг онгига ҳисоб бермаслиги мумкин бўлган ҳодиса сифатида қаралиб, онгсизлик атамасининг аниқ моҳияти очиб берилмаганлиги талқин қилинади.

1929 йилда нашр этилган кичик совет энциклопедиясида онгсизлик атамаси қуидаги талқин этилади:

1. Ҳеч қандай англанган кечинмаларсиз давом этувчи жараёнлар, жумладан:

- физиологик жараёнлар;
- бирламчи ва автоматлаштирилган ҳатти-харакатлар, уйқу ҳолатидаги реакциялар;
- субъектнинг қўзғалиш ҳолатида пайдо бўлувчи харакатлар;
- беморлик ҳолатидаги харакатлар.

2. Аввалги реакцияларнинг такрорланиши сабабли асаб тизимидағи изларнинг жонланиши.

3. Психоанализда – алоҳида психик соҳа сифатида.

Таъкидлаш жоизки, 1976 йилда нашр этилган тиббиёт энциклопедиясида онгсизлик атамаси умуман учрамайди, фақатгина В.М.Лейбин ва М.С.Кельнер томонидан ёзилган “Психоанализ” мақоласида Павловнинг назариясига асосланган олий нерв фаолияти тўғрисидаги таълимотида, онгсизлик мия психофизиологик фаоллашувининг реал компоненти сифатида эканлиги қайд этилади.

Онгсизлик муаммосига бағишлиланган ишларни ўрганиш натижаларига кўра, онгсизлик муаммоси тадқиқида муайян тарихий даврлар мавжудлигига эътибор қаратилади.

I босқич – 1917-1932 йиллар – психоанализ контекстида онгизлик муаммосининг ривожлантирилиши (И.Д.Ермаков, М.В.Вульф, В.А.Белоусов, В.Ф.Шмит, А.Р.Лурия ва бошқ.); умумий психологияда (К.М.Корнилов, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн ва бошқалар), установкалар назарияси контекстида (Д.Н.Узнадзе);

II босқич – 1933-1953 йиллар – психоаналитик ғояларнинг танқиди (А.С.Прангисвили, А.Е.Шерозия, Ш.Н.Чхартишвили ва бошқалар) ўзгаларнинг диққатини установкалар назарияси контекстида онгизлик феноменига қаратиш;

III босқич – 1954-1991йиллар – ушбу босқични икки даврга ажратиш мумкин:

- 1954-1976 йиллар – касбга оид журнал саҳифаларида установканинг хос эмаслигини аниқлаш мақсадида установка ва онгизлик муаммосига дахлдор баҳс-мунозараларнинг ортиши;

- 1977–1991 йиллар – онгизлик моҳияти, онгизлик ва установка табиатининг айнан бир хиллиги тўғрисидаги баҳс-мунозаралар, онгизлик феноменининг келгусидаги тадқиқотлари, “онгизлик” категориясига оид билимларни чуқурлаштириш.

XX асрнинг 60-90 йилларида психология фанининг турли соҳаларида онгизлик муаммосига оид тадқиқотлар, жумладан, фаолият назарияси ва установка синтезига бағишлиланган уринишлар ниҳоятда ортганлиги кузатилди (А.Г.Асмолов ва бошқлар), психоанализнинг қайтадан вужудга келиши (В.М.Лейбин, Е.В.Гильбо ва бошқалар), установка назариясининг жадал ривожланиши (А.С.Прангисвили, А.Е.Шерозия, Ш.Н.Чхартишвили, Н.И.Сарджвеладзе ва бошқалар).

К.К.Платонов онгизлик феноменларининг классификациясини тақдим этиб, англамаган психик ҳодисаларнинг тўрт ост тузилмасини ажратди:

- биринчи ост тузилма – онг хиралашган шароитда барча англамаган ҳатти-ҳаракатлар ва ҳайвонлардаги гомологик айнан ўхшаш импульсив ихтиёrsиз инстинктив ҳаракатлардан иборат психик ҳодисалар;

- иккинчи – субсенсор таъсирга эга психик ҳодисалар;
- учинчи – психик иллюзор ҳодисалар (идрок, хотира, тафаккур ва бошқалар);
- тўртинчи – ички ривожланиш оқибатида автоматлашган шаклга эга илгари англанган ҳодисалар.

Ушбу классификацияда психологик установкалар ва англанмаган мотивация каби феноменларга дикқат-эътибор қаратилмаган.

А.Г.Асмоловнинг фаолият категориясига асосланган онгиззлик соҳасини ўрганиш масалаларини тадқиқ этди. Хусусан, фаолиятнинг умумпсихологик назарияси контекстидаги онгиззлик соҳаси таҳлилида англанмаган ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан юқори бўлган маъновий тавсифлари очилишини қайд қиласди). Фаолият назариялари тамойилларига (фаолият тизимида акс этган предметнинг акс этиш жойи ва ўз предметига эгалиги) асосланган ҳолда, А.Г.Асмолов англанмаган ҳодисаларни классификация қилишга уриниб, унинг уч синфини ажратади:

- ост индивидуал юқори англанган ҳодисалар;
- фаолиятнинг англанмаган қўзғалишлари (англанмаган мотивлар ва маъновий установкалар);

- ҳатти-харакат ва операцияларнинг англанмаган регуляторлари.

П.В.Симонов онгиззлик тўғрисидаги концепциясида унинг икки тури: онгостлилик ва юқори онглиликни ажратади. Тадқиқотчи биринчи турга янги яратиш билан боғлиқ бўлмаган автоматлашган кўнилмалар, онгдан сиқиб чиқарилган мотивацион конфликтлар, ўзлаштирилган ижтимоий меъёрлар, интуиция кўринишларини киритади. Иккинчисига эса – ижодиётнинг ilk босқичлари – фараз, гумон (хаёл) ва бошқа, ҳамда кулгу ва ҳазилни киритади.

Ю.Б.Гиппенрейтер онгиззлик ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб, ўзининг англанмаган жараёнлар тўғрисидаги классификациясини ишлаб чиқади ва уни учта гурухга ажратади.

- 1-гурух – онгли ҳатти-харакатларнинг англанмаган механизмлари;
- 2-гурух – онгли ҳатти-харакатларнинг англанмаган қўзғатувчилари;

- З-гурӯҳ –онгустилик жараёнлари.

Ю.Б. Гиппенрейтер ҳар бир гурӯҳни яна кичик гурӯҳчаларга ажратади:

- англанмаган автоматизм, англанмаган установкаларнинг ҳодисалари ва онгли ҳатти-ҳаракатларнинг англанмаган ҳамкорлиги;

- З.Фрейд томонидан ёзилган ҳодисалар (туш қўриш, хато ҳаракатлар, невротик симптомлар);

-онгустилик жараёнлари, яъни юқори онгли ишда интеграл самарадорликнинг пайдо бўлиши, сўнгра инсоннинг онгли ҳаётига кириб бориши, одатда унинг кечишида радикал ўзгаришлар кузатилади.

Шундай қилиб, инсон онги ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули бўлиш билан бирга, у меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибани ўзлаштиришда, ҳамкорликдаги ўзаро таъсирда, табиатга, жамиятга нисбатан муносабатлар моҳиятида вужудга келган.

Бизнинг фикримизча, “онг” ва“онгсизлик” муаммоларига қаратилган изланишларда турли хил ёндашувлар мавжуд. Улар ичida онгсизлик эволюцион-генетик, яъни биологик асосга эгалиги, шунингдек, онглиликнинг онгсизликка ўтиши ва онгсизликни англанишида инсайтнинг структурали, топографик, динамик, генетик, адаптив ва тасвирловчи ёндашувлар призмаси орқали ўз аксини топиши ҳақидаги фикрлар устуворлик қилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Психика нима ва унинг ривожланишини қандай тушунасиз?
2. Онг пайдо бўлишининг ижтимоий-тарихий моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Онг психологик категория сифатида қандай изоҳланади?
4. Онг тузилмаси тўгрисида тушунча беринг.
5. Онгнинг шакллари юзасидан қандай мулоҳазаларни биласиз?
6. Онгнинг турларини тавсифлаб беринг.
7. Онгнинг ривожланиши ўзига хослиги нимада намоён бўлади?
8. Онг ва онгсизлик муаммосини изоҳлаб беринг.

## **XV-БОБ. ФАОЛИЯТ**

**Таянч тушунчалар:** эҳтиёж, мотив, установка, қизиқиши, фаолият, ўйин, ўқииши, меҳнат, эҳтиёж турлари, табиий эҳтиёж, маданий эҳтиёж, моддий эҳтиёж, фаолиятнинг психологик назариялари.

### **15.1. Фаолиятнинг психологик тавсифи**

Тирик мавжудотларнинг атрофдаги олам билан ҳаётий аҳамиятга молик боғланишлар бўлишини таъминлайдиган фаолияти уларга хос ялпи хусусият ҳисобланади.

Жонли мавжудотни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундейдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёж – жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатидир.

Кишининг фаоллиги эҳтиёжларнинг қондирилиши жараёнида намоён бўлади. Худди шу ўринда одамнинг фаоллиги шакллари билан ҳайвоннинг ҳатти-ҳаракатлари фаоллиги ўртасидаги тафовутлар аён бўлади. Ҳайвон ўз эҳтиёжларининг обьекти бўлиши ҳамда унда уларни эгаллаб олиш учун фаол интилишга даъват этиши эҳтимоли борлигини ўзининг табиий тузилишига (танасининг ва аъзоларининг тузилишига, инстинктларининг бойлигига) кўра бамисоли олдиндан билиши туфайли фаоллик билан ҳаракат қиласи. Ҳайвонлар эҳтиёжининг қондирилиши жараёни уларнинг муҳитга яхшироқ мослашувини таъминлайди. Масалан, қундуз ҳатти-ҳаракатининг туғма равишда хосил бўлган программаси унинг қурувчилик эҳтиёжларини қамраб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш обьектлари: тўғон қуриладиган дарахтларнинг навлари, дарахтларнинг сувга яқинлиги, «ўрмон кесиши» усуллари (қундузлар дарахтнинг шохи айнан сувга тушишини мўлжаллаб, унинг сувга қарши томонини кемиради) ва хоказолар ҳам акс этган бўлади.

Шундай қилиб, ҳайвоннинг эҳтиёжларида унинг фаоллиги омили сифатида табиатдан олинган буюм бевосита иштирок этади.

Одамнинг фаоллиги ва фаолликнинг манбаи бўлган инсоний эҳтиёжлар тамомила бошқача манзара касб этади. Кишининг эҳтиёжи уни тарбиялаш жараёнида, яъни кишилик маданияти олами билан яқинлаштириш жараёнида шаклланади. Табиатдан олинадиган буюм шунчаки оддий ўлжа, яъни фақат биологик маънога эга овқат тарзидаги буюм бўлмай қолади. Одам қуроллар ёрдамида буюмни тарихий тараққиёт маҳсули ҳисобланмиш хусусий эҳтиёжларига мослаштирилган ҳолда тубдан ўзгартиришга кодирдир. Шунинг учун ҳам кишининг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тараққиёт билан белгиланадиган фаолият шаклини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилган жараёни сифатида алоҳида ажралиб туради. Эҳтиёжлар қондирилиши жараёнида ривожланиб ва ўзгариб боради. Улар ҳозирги замон кишисида унинг аждодларида бўлганига қараганда бошқачадир, унинг авлодларида ҳам бошқача бўлади. Кишининг эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш уни ҳар томонлама ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, лекин бу яккаю ягона шарт эмас, албатта. Бунинг устига камолотга эришишнинг бошқа шарт-шароитлари (ва биринчи навбатда меҳнат) мавжуд бўлмаса, ўз эҳтиёжларини осонгина қондириш имконияти кишини кўпинча инқирозга учратади. Меҳнат билан йўналтирилмайдиган текинхўрлик эҳтиёжлари зид хулқ-атвор (баъзан эса жиноий ҳатти-ҳаракат)нинг манбаи бўлиб қолиши мумкин ва айрим кишиларда шундай бўлмокда.

Меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжнинг янада ривожланиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини максимал даражада автоматлаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, иш вақтини қисқартириш натижасида, фақат ижтимоий фойдали меҳнатдан ўзини намоён эта оладиган бунёдкорлик кучларини жонлантириш оқибатида юз беради, деб ҳисоблаш учун асос бор. Ҳозир баъзан оғир ва зерикарли бўладиган меҳнат соғлом, ҳар томонлама камолга етган киши учун қувонч ва роҳат-фароғат манбаига айланади.

«Уумий таълим ва хунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтирилиши қандай рол ўйнаши таъкидлангандир.

Эҳтиёжларни танлаш ва шакллантириш масаласи ахлоқий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. А.С.Макаренко буни аниқ-равшан тарзда таъкидлаган ҳамда инсоний эҳтиёжларни танлаш ва тарбиялаш, уларни кишини янада баркамоллик сари курашга одатлантирадиган ўша маънавий чўққига кўтариш лозимлиги ҳақида ёзган эди.

### **Эҳтиёжларнинг турлари**

Кишининг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий характерга эгадир. Бу, биринчидан, ҳатто шунчаки тор маънодаги шахсий характерга эга бўлиб туюладиган (масалан, озиқ-овқат билан боғлиқ) эҳтиёжларни қондириш учун ҳам ижтимоий меҳнат тақсимотининг маҳсулидан (дастурхонга нон селекциячилар, агрономлар, тракторчилар, комбайнчилар, элеваторларнинг ходимлари, тегирмончилар, новвойлар, сотувчилар ва бошқа шу каби одамлар меҳнат ғайрат-шижоатларининг моддийлашган маҳсули сифатида келиб тушади) фойдаланилишида ўз ифодасини топади. Иккинчидан, киши ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда таркиб топган воситалар ва усуллардан фойдаланади, ҳамда муайян шарт-шароитларга эҳтиёж сезади. (Бир парча гўштни истеъмол қилиш учун ҳеч бўлмаганда ўша гўшт тегишли усулда тайёрланган бўлиши лозим. Кишида ликопча, пичок ва вилка, баъзи бир гигиена талабларига риоя қилиш ва шу кабиларга эҳтиёж туғилади.) Ва ниҳоят, учинчидан, кишининг кўпгина эҳтиёжлари унинг тор маънодаги шахсий талаб-эҳтиёжларидан кўра кўпроқ киши ўзи мансуб бўлган ва биргалиқда меҳнат қиласиган жамиятнинг, жамоанинг, гуруҳнинг эҳтиёжларини ифодалайди – жамоа эҳтиёжлари кишининг шахсий эҳтиёжлари тусини касб этади.

Бу жараён қуйидаги мисолда ўзининг ёрқин ифодасини топиши мумкин. Йиғилишда маъруза қилишдан иборат жамоат топшириғига эга бўлган ўқувчи маърузага уни тайёрлашнинг ўзи, айтайлик, қизиқарли китобни

ўқишига қарғанда ҳам жозибалироқ машғулот эканлиги сабабли эмас, балки у жамоанинг талабини бажаришга ўзида жуда зўр эҳтиёж сезаётганлиги учун ҳам ғоят пухталик билан тайёргарлик қўради.

Эҳтиёжлар келиб чиқишига ва предметига кўра фарқланади.

Келиб чиқишига кўра эҳтиёжлар табиий ва маданий бўлиши мумкин.

Табиий эҳтиёжларда кишининг фаоллик касб этаётган фаолияти, унинг ҳаёти ва унинг авлоди ҳаётини саклаш ва қўллаб-кувватлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларга бўйсунганлик ифодаланади, барча одамларда овқатланишга, сув ичишга, қарама-қарши жинснинг мавжуд бўлишига, ухлашга, совукдан ва ҳаддан зиёд иссиқдан сақланишга ва ҳоказоларга табиий эҳтиёж бўлади. Агар табиий эҳтиёжлардан қайси бири бирон даражада узоқ вақт давомида қондирилмасдан қолса, одам муқаррар равишда ҳалок бўлади ёки сулоласини давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Гарчанд табиий эҳтиёжлар (уларнинг сонига кўра) одамнинг ҳайвон аждодларидаги ва ибтидоий одамлардаги каби тарзда қолган бўлса ҳам лекин улар ўз психолого-моҳиятига кўра ҳайвонларнинг табиий эҳтиёжларидан тубдан фарқ қиласди. Эҳтиёжларни қондиришнинг усуллари ва қуроллари ўзгарибгина қолмасдан, энг муҳими, эҳтиёжларнинг ўзи ўзгариб бормоқда.

Маданий эҳтиёжларда одамнинг фаол фаолияти инсоният маданиятининг маҳсулига боғлиқ эканлиги ифодаланади; унинг илдизлари бутунлай кишилиқ тарихининг сарҳадларига бориб тақалади. У ёки бу хилда таркиб топган маданият шароитларида бирон-бир табиий эҳтиёжни қондириш воситаси бўлиб хизмат қиласидан нарсалар (вилка ва қошиқ, овқатни ейиш учун ишлатиладиган чўплар) ҳам, шунингдек бошқа одамлар билан меҳнат ва маданий муносабат боғлаш учун, кишининг мураккаб ва ранг-баранг ижтимоий ҳаёт қечириши учун зарур бўлган нарсалар ҳам маданий эҳтиёжлар объекти ҳисобланади. Турли иқтисодий ва ижтимоий тузум шароитида кишида унинг тарбиясига ва хулқ-атворнинг кенг ёйилган ҳамда удум бўлган одатлари ва шаклларини ўзлаштиришига боғлиқ ҳолда турли хилдаги маданий эҳтиёжлар туғилади. Агар кишининг маданий

эҳтиёжлари қондирилмаса, у ҳалок бўлмайди (табий эҳтиёжлари қондирилмаган шароитда ана шунаقا бўлиши мумкин эди), лекин ундаги одамийлик сифатлари жиддий заарланади.

### **Киши эҳтиёжларининг ривожланиши хусусиятлари**

Ҳайвоннинг ҳатти-ҳаракати ҳамиша у ё бу эҳтиёжни қондиришга бевосита йўналтирилган бўлади. Эҳтиёж ҳайвонни фақат фаолликка ундан қолмасдан, балки ушбу фаолликнинг шаклларини ҳам белгилайди. Мисол учун овқатланиш эҳтиёжи (очлик) ҳайвонда, жумладан, овқатланиш фаоллигини вужудга келтиради – оғзида сўлак ажратила бошланади, овқатни излаш ёки ўлжани пойлаш, эгаллаш ва уни истеъмол қилиш каби жараёнлар юз бера бошлайди. Шартли рефлекс – бу фаолликни янги қўзгатувчилар (масалан, қўнғироқ чалиниши) билан ёки янги ҳаракатлар (масалан, тепкини босиш) билан боғланиши мумкин. Лекин бунда ҳайвоннинг ҳатти-ҳаракати тузилиши шундайлигича қолади. Қўнғироқнинг чалиниши ташки қўзгатувчилар оқимидан айнан овқатланиш ҳақида хабар берувчи сигнал сифатида ажралиб туради. Ҳайвон тепкини босишни айнан овқатнинг олинишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракат тарзида бажаради. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳайвон энг мураккаб шартли рефлекслар орқали фаолият кўрсатган тақдирда ҳам эҳтиёжлар тўғридан-тўғри унинг психикасининг ҳам акс эттириш, ҳам йўналтириш функцияларини белгилайди. Ҳайвон организмининг талаб-эҳтиёжлари психика теварак-атрофдаги оламга нималарни инъом этиши ва қандай жавоб ҳатти-ҳаракатларини келтириб чиқаришини белгилаб беради.

### **15.2. Фаолиятнинг психологик назариялари**

Қизиқиши мотив сингари борлиқнинг мўъжизакор томонларини билишга, фан асосларини эгаллашга, фаолиятнинг турли туман шаклларига нисбатан ижодий ёндашишни вужудга келтиради, меҳнатга, таълимга масъулият билан муносабатда бўлишни шакллантиради, хар қайси яккаҳол (индивидуал) шахсга ишchanлик, ғайрат-шижоат, енгилмас иродани таркиб топтиришга пухта психологик шарт-шароитларни яратади. Қизиқишнинг

психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашил-ганда, қизиқиш, инсонга интилиш, фаоллик, ички турткى эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи, ролини бажаради.

Қизиқиш муаммоси психологик нуқтаи назардан Л.А.Добринин, Н.Д.Левитов, М.Ф.Беляев, Л.А.Гордон, Л.И.Божович, Н.Г.Мордова, М.Г.Давлетшин, М.В.Воҳидов, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг назарий методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ҳамда маҳсус экспериментал тадқиқотларида ривожлантирилди. Қизиқиши психологик моҳиятининг дастлабки кўриниши – бу одамлар томонидан англаб этиш ёки тушуниш имкониятидир. Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга онгли, танлаб муносабатда бўлади. Лекин бу воқелик (англаш, тушуниш) инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал-типологик хусусиятлари ривожланиши туфайли юзага келади. Инсон ўз шахсий қизиқишини қондиргандан кейин унда ёқимли ҳис-туйғулар уйғонади, руҳий қониқиш эса ўз навбатида лаззатланиш (праксик) ҳиссини вужудга келтиради, бунинг натижасида фрустрация (руҳий тушкунликка тушиш) унинг шахсиятини эгаллайди.

Қизиқишининг психологик моҳиятининг учинчи кўриниши – унинг иродавий сифатлар билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни енгиш, мустақилликни намоён қилиш хусусиятини қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди. Қизиқишининг психологик моҳиятининг тўртинчи кўриниши уни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир. Қизиқишининг нерв-физиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юритилганда, даставвал рус олими И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти хақидаги таълимотини таъкидлаб ўтиш жоиз, унинг “бу нима?” рефлекси, яъни ориентировка (мўлжал олиш) рефлекси қизиқишининг моддий негизини тушунтиришда муҳим аҳамият касб

этади. И.П.Павлов ва унинг шогирдларидан кейин П.К.Анохин, Н.А.Бернштейн, Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин ва бошқалар инсондаги қизиқишининг нерв-физиологик механизмларини бош мия катта ярим шарлари пўстлоқида ориентировка рефлекси негизида мураккаб мувакқат боғланишларнинг вужудга келишидир, деган тарзда талқин қилдилар. Қизиқишининг моддий асослари **ўзаро индукция қонуни, пўстлоғдаги оптимал қўзгалиш ўчоқи ва динамик стереотиплар** (И.П.Павлов), **доминанта** (А.А.Ухтомский), **ориентир мураккаб психофизиологик ҳодиса экани** (Э.Н.Соколов) ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

*Психологияда қизиқиши мана бундай типларга ажратилиши мүмкин: мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий, мақсадига биноан: бевосита ва билвосита, қўламига қарагандо: кенг ва тор.*

**Қизиқишлар даражаси бўйича:** барқарор ва бекарор ва бошқалар.

Қизиқишининг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши қуидагиларда мужассамлашади: билиш эҳтиёжларининг обьектлари қайсилар, билимнинг мазкур фаолият мақсади билан мутаносиблиги; шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар.

Фаолиятга нисбатан англанилмаган майллар борасида энг кўп ўрганилган масала **кўрсатма беришдир**. Бу масала грузин психологи **Д.Н.Узнадзе** ва унинг ходимлари томонидан ишланган. Кўрсатма бериш деганда билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни маълум усулда қондиришга тайёр туриш тушунилади. Талабалар ўқитувчилар берадиган топшириқларни бажаришга доим тайёр турадилар.

### **15.3. Фаолият ва унинг мақсадлари ҳақида тушунча**

Агар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракати бутунлай атроф-муҳит билан белгиланса, кишининг фаоллиги унинг ilk ёшлариданоқ бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабларига кўра йўналтириб борилади. Ҳатти-ҳаракатнинг бу тури шу қадар ўзига хосликка эгаки, психологияда уни аташ учун маҳсус термин – фаолият термини қўлланилади. Фаолликнинг бу,

алоҳида маҳсус инсоний турининг фарқ қилувчи психологик белгилари нималардан иборат?

Бу фарқ қилувчи белгилардан бири шундан иборатки, фаолиятнинг мазмуни тамомила уни келтириб чиқарган, эҳтиёж билан белгиланмайди. Башарти мотив сифатидаги эҳтиёж фаолиятга туртки бериб, уни рағбатлантирар экан, у ҳолда фаолиятнинг шакллари ва мазмуни ижтимонӣ шарт-шароитлар, талаблар ва тажриба билан белгиланади. Масалан, кишини ишлашга ундаған мотив (сабаб) овқатга нисбатан эҳтиёж туғилишидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Лекин одам станокни, масалан, унинг очлигини бартараф этиш учун эмас, балки бу унга топширилган детални тайёрлаш имконини бергани учун ҳам бошқаради. Унинг фаолияти мазмуни шунчаки эҳтиёж билан эмас, балки мақсад билан ундан жамият талаб қилаётган муайян маҳсулотни тайёрлаш учун белгиланади. Кишининг нима учун муайян тарзда ҳаракат қилаётгани унинг нимани кўзлаб иш қилаётганига мос келмайди. Уни фаолиятга ундовчи хоҳиш-истаклар, сабаб билан ушбу фаолиятни йўналтирувчи бевосита мақсад бир-бирига тўғри келмайди.

Бинобарин, фаолиятнинг биринчи фарқли белгиси шундан иборатки, у фаоллик манбай бўлган эҳтиёж сифатида юзага чиқсан ҳолда фаолликнинг йўналтирувчиси бўлган англашилган мақсад билан башқарилади.

Фаолият муваффақиятли бўлиши учун психика нарсаларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши ва улар билан (организмнинг эҳтиёжлари билан эмас) олдига қўйилган мақсадга эришиш усусларини ҳам белгилаб бериши лозим. Ва ниҳоят, фаолият кишининг хулқ-авторини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, хусусан олганда эса юзага келган эҳтиёжларни, ўзича зудлик билан қондира олмайдиган, яъни бевосита мададга таянмайдиган фаолликни рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш имконини берадиган даражада бошқаришга қодир бўлиши керак. Бундан кўриниб турибдики, фаолият билиш ва ирода билан чамбарчас боғлиқ бўлади, уларга таянади, билиш ва иродавий жараёнларсиз юз бериши мумкин эмас.

Демак, фаолият – кишининг англанилган мақсад билан бошқарib туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир.

Шундай қилиб, фаолият ҳақида гапириш мумкин бўлиши учун киши фаоллигига англанилган мақсаднинг мавжудлигини аниқлаш лозим. Фаолиятнинг барча қолган жиҳатлари – унинг мотивлари, бажарилиш усуслари, тегишли ахборотни танлаш ва қайта ишлаш англанилган бўлиши ҳам англанилмаган бўлиши ҳам мумкин. Улар шунингдек чала-ярим тарзда англанилган ва ҳатто нотўғри англанилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги бола уни ўйнашга мажбур қиладиган эҳтиёжни камдан-кам тарзда англаб етгани каби кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси ўз ўқиш фаолиятининг мотивларини англамаган ҳолда иш кўради. Интизомсиз ўсмир ўз ҳатти-ҳаракатларининг ҳақиқий мотивларини чала-ярим ва кўпинча нотўғри англайди.

#### **15.4. Фаолиятнинг тузилиши**

Фаолият – воқеликка нисбатан фаол муносабат билдиришнинг шундай бир шаклидирки, у орқали киши билан уни қуршаб турган олам ўртасида реал боғланиш ҳосил қилинади. Одам фаолият орқали табиатга, нарсаларга, бошқа кишиларга таъсир кўрсатади. Фаолиятда у ўз ички хусусиятларини ишга солиб ва намоён қилиб, нарсаларга нисбатан субъект сифатида, одамларга нисбатан эса шахс сифатида гавдаланади. Ўз навбатида уларнинг жавобий таъсиротини ҳис қилган ҳолда, у шу йўл билан одамларнинг, нарсаларнинг, табиат ва жамиятнинг ҳақиқий, объектив, муҳим хусусиятларини билиб олади. Унинг қархисида нарсалар объектлар сифатида, одамлар эса шахс сифатида гавдаланди.

Ҳаракат ва саъй-ҳаракатлар. Тошнинг оғирлигини билиш учун уни кўтариб кўрмоқ, парашютнинг чидамлилигини аниқлаш учун эса унда самолётдан сакраб кўрмоқ керак. Киши тошни кўтараётib ва парашютдан тушаётib, фаолият орқали уларнинг реал хусусиятларини билиб олади. У ана шу реал ҳаракатларни тимсолий ҳаракатлар билан алмаштириши, яъни «тош оғир» деб айтиши ёки парашютдан тушиш тезлиги ва траекториясини

тегишли формула бўйича ҳисоблаб чиқиши мумкин. Лекин ҳамиша ҳам иш, амалий фаолият биринчи галда туради. Ушбу фаолиятда фақат тош ёки парашютнинг эмас, балки кишининг ҳам ўз хусусиятлари (у нима учун тошни кўтарди, парашютдан фойдаланди ва ҳоказо) ҳам намоён бўлади. Амалиёт кишининг нимани билиши ва нимани билмаслигини, унинг оламда нимани кўраётган ва нимани кўрмаётганини, нимани танлаб олаётгани ва нимани рад этаётганини белгилайди ва кўрсатади. Бошқача сўзлар билан айтганда, у киши психикасининг мазмунини ва унинг механизмларини белгилаб беради ва шу билан баробар уларни намоён қиласи.

Фаолиятга йўллаган мақсад, одатда, ё кўпроқ, ё озроқ даражада узоқлашган бўлади. Унинг учун ҳам унга эришиш киши ана шу мақсад йўлида ҳаракат қила борган сари унинг олдида пайдо бўладиган қатор жузъий вазифаларнинг киши томонидан изчилик билан ҳал этила боришидан таркиб топади. Мисол учун, ишчининг меҳнат фаолияти, жумладан, умуман муайян бир маҳсулотни талаб қилинган сифат даражасида ишлаб чиқаришдан иборат ягона мақсадга ва мўлжалланган меҳнат унумдорлигига эришишга қаратилган дейлик. Бу мақсадни амалга ошириш учун вақтнинг ҳар бир бўлаги мобайнида маълум бир жорий вазифаларни бажариш, масалан, деталий йўлни, заготовка (танавор)ни ўлчаб чиқиш, хомашёни аппаратга солиш ва шу кабиларни муваффақиятли ҳал этиш зарур бўлади. Фаолиятнинг ёлғиз битта оддий жорий вазифани бажаришга йўналтирилган нисбатан тугалланган ҳар бир шундай қисмини ҳаракат деб атashади.

Биз юқорида келтирган меҳнат ҳаракатлари нарсалар билан амалга ошириладиган ишлардан иборат. Ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳолатини ёки хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларни шундай деб атashади. Нарсалар билан бажариладиган ҳар қандай иш (ҳаракат) макон ва замонда боғланган муайян саъй-ҳаракатлардан таркиб топди. Масалан, «а» ҳарфини ёзиш ҳаракати ручка (қалам)га ва бир-бирига нисбатан муайян тарзда жойлашган бош, кўрсатгич ва ўрта бармоқлар билан ручка (қалам) ни босишдан: сўнгра ручка (қалам)ни қофоз устида ушлаб туриш ва маълум бир

жойда перо қоғозга теккунга қадар пастга туширишдан кейин эса перони юқоридан ўнгдан чап томонга қараб ва сўнгра соат милларига қарши йўналишда доира шаклида юргизиб, юқорида ёзув бошланган нуқтада тўхташ, эгилган чизик бўйлаб пастга хуруж қилдириш, доиранинг қуи қисмига ётган жойда ўнгга қараб буриш ва чапдан ўнгга қараб ёйсимон шаклни чизиш билан тугаллашдан таркиб топади. Кишининг нарсалар билан қиладиган саъй-ҳаракатлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси ҳам ташқи ранг-баранглигига қарамасдан, қоида тариқасида гавданинг, оёқларнинг ва бошнинг ёрдамчи саъй-ҳаракатлари билан бирга қўшилган учта оддий қисмдан – «олиш», «қўчириш», «қўйиб юбориш»дан таркиб топади. Саъй-ҳаракатларнинг ҳар хил турларида бу қисмлар ўз траекторияси, қанчалик давом этиши, кучи, тезлиги, суръати (маълум бир вақт мобайнида такрорланиш сони) билан улар тананинг қайси бир қисми билан бажарилишига қараб фарқланади. Сифат нуқтаи назаридан саъй-ҳаракатлар аниқлиги, нишонга тегиши, эпчиллиги ва умумлашганлиги билан белгиланади.

### **15.5. Ҳаракатни бошқариш ва назорат қилиш**

Саъй-ҳаракатларнинг бажарилиши узлуксиз равища назорат қилиб ва унинг натижалари ҳаракатнинг пировард мақсади билан, таққосланган ҳолда тўғрилаб (корректировка қилиб) борилади.

Ана шундай назорат ва корректировка бузилган тақдирда беморлар ҳатто энг содда ҳаракатларни ҳам муваффакиятли бажара олмайдиган бўлиб қоладилар. Улар стол устидаги стаканни қўлига олишда ҳамиша адашиб, қўлни бошқа томонга чўзадилар, сув ичиш учун стаканни оғизларига тўғри олиб бора олмайдилар, уни кейин ўрнига қўя олмайдилар. Улар стулга тўғри ўтириша олмайди, нонни кесаман деб қўл бармоқларини кесиб юборишади, сатрларга риоя қилган ҳолда чизиклар ўтказишга қодир эмаслар ва ҳоказо.

Ҳаракат қай йўсинда назорат қилиб борилади? Бу ўринда ҳали кўп нарса аниқланган эмас. Бу, шубҳасиз, сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, мушаклар сезгиси) воситасидагина рўй бериши мумкин. Саъй-ҳаракатларни сенсор

назорат қилиши (сезги аъзолари ёрдамида назорат қилиш) нинг роли синаб кўрилаётган киши геометрик шаклнинг, масалан, олти бурчакли юлдузнинг тасвирини унинг ойнадаги аксига қараб туриб чизиши лозим бўлган тажрибаларда дурустгина исбот этилади.

Одатда буни олдинига сира бехато бажариб бўлмайди, чунки киши ойнада қаламнинг одам қўли ҳаракат қилаётган томонга эмас, балки қарама-карши томонга қараб юргизилаётганини кўради. Синалаётган киши фақат машқ қилиш туфайлигина кўриш натижасида олинган маълумотлардан фойдаланишни ва уларни қўлнинг ҳаракати билан тўғри мувофиқлаштиришини ўрганади.

Синаб кўрилаётган одамга тажриба жараёнида нарсаларнинг ва қўл ҳаракатларининг амалдаги ҳолатини жиддий равишда бузиб кўрсатадиган призмали кўзойнак тақилиб ўтказилган тажрибалар шу нуқтаи назардан олганда янада қизиқарлироқдир.

Бундай ҳолатда киши ўзининг саъй-ҳаракатларини тўғри бошқариш (нарсаларни ушлаш, уларга якинлашиш, белгиланган жойга қўйиш ва шу каби жараёнларни бажариш) қобилиятини мутлақо йўқотиб қўйиши маълум бўлди. Фақат узоқ вақт мобайнида машқ қилганидан кейингина у бундай бузилишларни тўғрилашга ўрганди. Агар кўриш сигналлари яна тахминан 0,27 сониясига кечика бошлаган бўлса, бузилишларга қўнишишига ҳеч қанақа машқ билан эришиб бўлмасди. Ҳа, айтганча, фаол саъй-ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган ҳайвонлар ҳам агар олдинги оёқларининг ҳаракатларини кўриб турмасалар, уни бошқара олмайдилар.

Бундан маълумки, саъй-ҳаракатларни бошқариш тескари алоқа принципига биноан амалга оширилади. Сезги аъзолари ана шундай алоқа воситаси, нарсалар ва саъй-ҳаракатларнинг муайян идрок этиладиган ва ҳаракат мўлжаллари (ориентирлари) ролини ўйнайдиган белгилари ахборот манбай бўлиб хизмат қиласди. Тескари алоқанинг бундай шаклини П.К.Анохин тескари афферентация деб атади.

Шундай қилиб, ашёвий (ёки бошқа хилдаги ташқи) ҳаракатнинг бажарилиши маълум бир тизимга оид саъй-ҳаракатларни амалга ошириш билангина чекланмайди. У муқаррар равишда саъй-ҳаракатларнинг жорий натижалари ва ҳаракатлар обьектининг хусусиятларига мувофиқ тарзда саъй-ҳаракатларни сенсор (хиссий) назорат ва корректировка қилишни ўз ичига олади. Мияга ташқи муҳитнинг ҳолати, унда саъй-ҳаракатлар қандай рўй берадигани ва унинг натижалари ҳақидаги ахборотни етказиб турадиган хиссий ориентирларини ўзлаштириш ана шу жараённинг негизи хисобланади.

Чунончи, темирчи темирнинг қиздирилиши даражасини унинг рангида қараб чамалаб кўриб, болғани уриш кучини шунга мутаносиблаштиради. Дурадгор рандани босиш кучини ва саъй-ҳаракат тезлигини ёғочнинг қаршилигини ўзгарувчан мушаклар сезгиси орқали мослаштиради. Кранчи юкни қўл ва оёқларининг қатъий равишида бир-бирига мутаносиб ва узлуксиз саъй-ҳаракатлари билан траекториясини кўриш орқали назорат қилган ҳолда уйғунлаштириб, мураккаб ва энг қулай траектория бўйлаб ўтказади. Шофёр машинани тўхтатаркан, тормоз тепкисини босиш кучини машинанинг ҳаракати тезлиги, йўлнинг ҳолати, машинанинг вазни ва шу кабилар билан уйғунлаштиради.

Кўриб турганимиздек, ушбу барча мўлжаллар саъй-ҳаракатларни алоҳида ўзича эмас, балки ҳаракат мақсадига мувофиқ тарзда белгилайди. Масалан, доира чизиги чизиш ва бўлак чизиқларни ўлчаш учун фойдаланиш уринишларнинг турли хил тизимини тақозо этади. Қалам билан «а» ҳарфини ёзишда «о» ҳарфини ёзиш чоғидагига қараганда бошқача уриниш бўлади. Кечикиб қолиб автобус орқасидан чопаётган йўловчининг саъй-ҳаракатлари тизими рекорд қўйиши ният қилган енгил атлетикачини сира ҳам қаноатлантирмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳаракат таркибига кирувчи саъй-ҳаракатлар тизими пировард натижасида ушбу ҳаракатнинг мақсади билан бошқарилади ва йўналтирилади. Қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг натижалари айнан шу

мақсад нуқтаи назаридан баҳоланади ва тўғрилаб турилади. Айнан шу харакатнинг мақсади уни бажаришда, назорат қилиш ва яхши изга солишда нарсаларнинг қайси бир хусусияти ва ҳолати мўлжал бўла олишини белгилаб беради.

Номларнинг ранг-баранглиги ушбу моделлар моҳияти нимадан иборатлиги, улар мияда қандай таркиб топиши ва амал қилиши ҳақида тавсия этилаётган гипотезаларнинг ранг-баранглигини акс эттиради. Буларнинг ҳаммасини ҳозирча биз аниқ билмаймиз. Лекин бўлғуси харакатлар ва улардан кутилаётган натижа мияда олдиндан аллақандай тарзда тасаввур қилинишининг ўзи шак-шубҳасиздир. Акс ҳолда, юқорида кўриб ўтганимиздек, фаолиятнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эди.

### **15.6. Фаолиятни интериоризациялаш ва экстериоризациялаш**

Мия келажакни қандай қилиб «олдиндан кўриши» ва ҳали бажарилмаган харакатларнинг натижаси психикасида қандай қилиб акс этиши мумкин? Бунинг учун атрофдаги оламнинг битта принципиал хусусияти – унинг қонунияти туфайли имконият туғилади. Бундан ундаги турли хил ҳодисалар муайян доимий боғланишлар ва муносабатлар орқали боғланган, ундаги нарсалар эса маълум бир шарт-шароитларда намоён бўладиган муайян муқаррар хусусиятларга ва тузилишга эга бўлади (олов доимо куйдиради; тундан сўнг ҳамиша кундуз келади, жисмнинг тезлиги ишлатилган кучга мутаносиб бўлади; қўшилувчи сонларнинг ўрни алмаштирилгани билан йиғиндиси ўзгармайди ва ҳоказо).

Объектлар билан ҳодисалар ўртасидаги бундай барқарор (инвариант) муносабатлар объектларнинг муҳим хусусиятлари ва ҳодисаларнинг қонуниятлари деб аталади. Айнан объектлар ва ҳодисаларда муайян муҳим ва барқарор хусусиятлар ҳамда қонуниятларнинг мавжудлиги маълум бир шароитларда уларнинг «феъл-авторини», яъни у ёки бу таъсиротлар остида уларнинг бўлғуси ўзгаришларини олдиндан билиш ва шу асосда харакатларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб туриш имконини беради. Ташқи, конкрет фаолият бу ҳолда гўё ички, тимсолий фаолият тарзida ҳис

этлади. Объектлар устида бўладиган конкрет ҳаракатлар ушбу объектларнинг муҳим хусусиятлари устида олиб бориладиган тимсолий (психик) жараёнлар билан алмаштирилади, яъни нарсалар билан бажариладиган жисмоний жараёнлар уларнинг моҳиятини тасаввур қилган ҳолда юз берадиган хаёлий жараён билан алмаштирилади.

Ташқи, реал ҳаракатдан ички, тимсолий ҳаракатга бу хилдаги ўтиш жараёнини интериоризация (том маъноси билан айтганда, ички тарзга айланиш) деб аташади. Интериоризация туфайли киши психикаси маълум бир вақт ичида унинг назари эътиборида бўлмаган нарсаларнинг тимсолида фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Киши муайян дақиқа чегараларидан ташқарига чиқиб, «хаёлида» ўтмишга ва келажакка, вақтга ва бўшлиққа эркин кўчиб ўтади. Кишининг ҳаракати ҳайвоннинг бутун ҳатти-ҳаракатини белгилаб берадиган юқоридагидек ташқи вазиятга худди қул каби қарамлиқдан қутулади.

Психология интериоризациянинг қандай юз беришини барча жиҳатларига қадар тўла билмайди. Лекин шу нарса аниқ исбот қилинганки, бундай ўзгаришнинг муҳим қуроли бўлиб сўз, ўзгариш воситаси бўлиб эса нутқий фаолият хизмат қиласи. Сўз буғимларнинг муҳим хоссаларини ва ахборотдан фойдаланишнинг инсоният амалиётида юзага келган усусларини белгилайди ва ўзида мужассамлаштиради. Унинг учун ҳам сўзларни тўғри ишлатишга ўрганиш айни чоғда буюмларнинг муҳим хусусиятларини ва ахборотдан фойдаланишнинг усусларини ўзлаштиришдан иборатdir. Киши сўз орқали бутун инсониятнинг, яъни ўзидан олдинги ўнлаб ва юзлаб авлодларнинг, шунингдек ўзидан юзлаб ва минглаб километр узоқдаги кишилар ва жамоанинг тажрибасини ўзлаштириб олади.

Сўзларни ва умуман нарсаларнинг муносабатини билдирадиган реал тимсолларни қўллаш нарсаларнинг ўзи бевосита бўлмаган ҳолларда тегишли муносабатлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга унинг учун ҳам имконият яратади, жамият амалиётида шаклланган тажриба ва билимлар, тимсоллар ва

талаблар ёрдамида киши фаолияти ва хулқ-атворини йўналтириб туришга кўмак беради.

Шундай қилиб, киши фаолияти жуда мураккаб ва ўзига хос жараёндир. У шунчаки эҳтиёжларни қондиришдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки кўпроқ даражада жамиятнинг мақсадлари ва талаблари билан белгиланади. Мақсаднинг англанилганлиги ва унга эришиш юзасидан ижтимоий ҳаракатлар тажрибаси билан боғлиқ эканлиги киши фаолиятининг ўзига хос белгисидир.

### **15.7. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши. Малакалар**

Ҳар қандай ҳаракатнинг таҳлил этилган жиҳатларини тегишли тарзда унинг мотор (ҳаракат), сенсор (ҳиссий) ва марказий қисмлари деб аташ мумкин. Шунга мувофиқ ушбу қисмларнинг ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган вазифалари ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариб туришидан иборат бўлиши мумкин. Киши фаолият жараёнида ҳаракатларни ижро этишда, назорат қилиш ва бошқариб турища фойдаланадиган йўл-йўриқлар ушбу фаолиятнинг усуллари деб аталади.

Айтиб ўтилган вазифаларнинг хар бирини киши англанилган тарзда ҳам ва англанилмаган тарзда ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, сўзни талаффуз этиши учун зарур бўлган ҳиқилдоқ ҳаракатлари тизими киши томонидан мутлақо англанилмаган ҳолда ишлайди. Лекин киши айтмоқчи бўлаётган иборанинг грамматик шакллари ва мазмуни ҳамиша онгда олдиндан аён бўлади. Ҳар қандай саъй-ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган ўша мушаклар қисқариши ва чўзилишининг мураккаб бирикувчи қоида тариқасида англанилмаган бўлади. Афтидан, саъй-ҳаракатлар онгнинг иштирокисиз, шунчаки физиологик тарзда идора этилади. Бироқ, одатда, ҳаракатларнинг пировард мақсадлари, шунингдек уларнинг умумий характеристи ҳамиша англанилган бўлади. Масалан, киши велосипедда мутлақо онгсиз ҳолатида юриши мумкин эмас. У қаёқка бораётганини, қайси йўл билан ва қанақа тезлик билан бораётганини ва шу кабиларни умуман тасаввур қилиши лозим. Бу ҳар қандай меҳнат, ўйин ва бошқа хил ҳаракат

жараёнларига ҳам тааллуқлидир. Ва ниҳоят айрим саъй-харакатлар онгли тарзда йўналтирилган ҳолда ҳам англанилмаган ҳолда ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, юриш саъй-харакатларнинг анчагина қисми англанилмаган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятнинг шундоққина кўриниб турган мисоли ҳисобланади. Лекин шу хилдаги саъй-харакатларнипг арқон устида юриш чоғида бажарилиши, сенсор назорат қилиниши ва марказдан бошқарилиши (айниқса уқувсиз дорбозда) энг жиддий даражада англанилиши зарур бўлган обьектга айланади.

Тескари ҳолат юз бериши ҳам мумкинки, бунда ҳаракатнинг маълум бир жиҳатлари олдинига майда-чуйдаларига қадар онгли равишда идора қилинишини тақозо этади, сўнгра эса онг борган сари кам иштирок этгани ҳолда бажарила бошлайди, бундай ҳолларни ишнинг бажарилиши автоматлаша бошлаганига ўхшатишади.

Кишида мақсадга мувофиқ тарздаги саъй-харакатларни, ижро этиш ва бошқаришнинг айнан шу тарзда қисман автоматлашуви малака деб аталади.

Биз айнан саъй-харакатларнинг англанилмаган ҳолдаги бошқарилиши тўғрисида сўз юритаётирмиз, негаки, ҳаракатларни бошқариш билан саъй-харакатларни бошқариш бир хилдаги нарса эмас. Саъй-харакатларнинг тобора кўпроқ даражада автоматлашуви айни чоғда ушбу саъй-харакатларни ҳам ўз таркибига олган ҳаракатларнинг онгли равишда бошқариш билан кўшилган ҳолда юз беради.

Чунончи, велосипедчи ўз мувозанатини сақлаш учун ишлатадиган саъй-харакатларнинг автоматлашуви унинг дикқат-эътиборини атрофидаги кўча ҳаракатига, йўлнинг ҳолатига ва шу кабиларга қаратишига ва шу асосда ўз ҳаракатларини янада англанилган тарзда бошқаришига ёрдам беради. Ўрганувчи пианиночининг керакли клавишиларни топиш чоғидаги саъй-харакатларининг шу тарздаги автоматлашуви умуман ҳаракатларни бажаришни англанилган ҳолда бошқариш даражасини кескин оширишга, куйнинг чалинишини асарнинг ижодий режасидан кам фарқ қиласидиган даражага кўтаришга имкон беради.

Умуман олганда, «соф» малака ҳақида, чамаси, фақат ҳайвонларга таъриф берилаётганда гапириш мумкин. Одамда патологик ҳолатлардан бўлак барча хилдаги фаолият пировард натижада онг билан бошқарилади. Ҳаракатнинг у ёки бу қисмлари автоматлашуви эса онгли равишда йўналтириладиган обьектни фақат алмаштиради, ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг ижро этилиши шарт-шароитларини, унинг натижаларини назорат қилиш ва баҳолашни онг унинг тасарруфи доирасига олиб киради.

Малаканинг тузилиши. Ҳаракатнинг қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида рўй берадиган ўзгаришлар қуйидагилардан иборатдир.

Саъй-ҳаракатларнинг ижро этилиш усуллари ўзгаради.

Бунга қадар ўз ҳолича юз бериб келган қатор жузъий саъй-ҳаракатлар ягона жараёнга, таркибига кирувчи алоҳида содда саъй-ҳаракатлар ўртасида тўсиқлар ва узилишлар мавжуд бўлмаган битта мураккаб саъй-ҳаракатга қўшилиб кетади. Масалан, ўқувчи босқичли ҳаракат сифатида бажарадиган ҳаракатни ўзгартириш жараёни тажрибали ҳайдовчи томонидан бир марта қўлни силлиққина ишлатган ҳолда бажарилади. Ортиқча ва кераксиз саъй-ҳаракатлар бартараф этилади. Жумладан, ўқувчи ёзувни ўргана бошлаган пайтда бу жараённи бажааркан, кўплаб ортиқча ҳаракатлар қиласи: тилини чиқаради, гавдасини қимирлатади, бошини энгаштиради ва ҳоказо. Ҳаракат жараёни ўзлаштириб олингандан кейин барча ортиқча саъй-ҳаракатлар йўқолиб кетади. Мужассамлашув юз беради, яъни саъй-ҳаракатларни иккала қўл (оёқ) билан бир вақтнинг ўзида бажариш бошланади. Агар бошловчи токаръ кескични олдинига узунасига қараб, сўнgra эса кўндалангига қараб юргизса, тажрибали токаръ кескични деталга бир вақтнинг ўзида бир қўли билан моховикни узунасига, бошқаси билан эса суппортни қўндалангига айлантирашкан, диагонал чизик бўйлаб қисқа масофадан олиб боради. Пировардида саъй-ҳаракатларни бажариш суръати тезлашади. Шундай қилиб, ҳаракатларни ўзлаштириш жараёнида унинг ҳаракатлантирувчи барча жиҳатлари: саъй-ҳаракатлар таркиби (у соддалашади), саъй-ҳаракатларнинг

изчиллиги (у узлуксиз бажариладиган бўлади) ва саъй-ҳаракатларнинг уйғунлиги (улар бир вақтнинг ўзида бажариладиган бўлади), шунингдек уларнинг тезлигини мумкин қадар режали бўлишига имкон туғилади.

## Кўникмалар

Хар қандай хулқ-автор янги шароитларда ёки янги объектларга нисбатан жараёнларнинг кўчиши асосида таркиб топади. Кўчиш эса шарт-шароитлар ёки нарсаларнинг фаолият мақсадлари учун муҳим бўлган белгилари бўйича ўхшашлигига таянади.

Бу ўхшашлик англанилган ёки англанилмаган бўлиши мумкин. Фаолият қанчалик мураккаб, мақсадлар қанчалик узоқроқ вақтга мўлжалланган ҳамда улар объектларнинг қанчалик кўпроқ ўзгартирилишини талаб қиласидиган бўлса, муваффакиятли кўчишни таъминлаш учун зарур бўлган оралиқ ақлий фаолияти шунчалик кенг тус касб этади. Лекин ҳар қанақа ҳолда ҳам бундай кўчиш кўникма, яъни қўйилган мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракат усусларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланиш деб ҳисоблаш мумкин.

Кўникма экстериоризация қилишни – билимларнинг жисмоний ҳаракатга мужассамлашувини тақозо этади. Унинг бошланиш нуқтаси ахборотнинг юксак даражада, яъни онгда қайта ишланишидан иборатdir. Амалий ҳаракатларнинг ана шу юксак даражадаги фаолияти натижалари билан йўналтириб турилиши эса унинг якунини ташкил этади. Масалан, маълум бир жисмнинг ҳажмини аниқлашдан иборат вазифа қўйилган, дейлик. Уни ҳал этиш учун аввало унинг геометрик жисмларининг қайси бир турига мансублигини аниқлаш лозим. Сўнгра бунақа жисмларнинг ҳажми қандай ҳисоблаб чиқилишини эсга туширмоқ керак. Шундан кейин қанақа ўлчовлар кишига кераклиги маълум бўлади. Сўнгра тегишли ўлчовларни амалга ошириш керак. Пировардида зарур ҳисоблаш жараёнларини бажариш лозим. Булардан кўриниб турибики, билимларни кўникмаларда рўёбга чиқариш бир қатор малакалар ва жараёнларнинг ўзлаштирилган бўлишини тақозо қиласиди.

Шундай қилиб, «кў尼克ма» атамаси фаолият субъектнинг ўзида мавжуд билимлар ва малакалар билан мақсадга мувофиқ бошқарилиши учун зарур психик ва амалий ҳаракатларнинг мураккаб тизими эгаллаб олинишини ифодалайди. Бу тизим вазифа билан боғлиқ билимларнинг танланишини, вазифа учун муҳим бўлган хусусиятларнинг ажратилишини, шу асосда вазифанинг бажарилишига имкон берадиган туб ўзгартиришлар тизими аникланишини, ана шу ўзгартиришларнинг амалга оширилишини, қўйилган мақсад билан унинг натижаларини таққослаган ҳолда назорат қилиб ва шу асосда баён этилган жараён тўғрилаб борилишини ўз ичига олади.

Кўникмаларнинг таркиб топиши билимларда мужассамлашган ахборотни ва нарсадан олинадиган ахборотни қайта ишлаш жараёнларининг, ана шу ахборотни аниклаш, уни ҳаракат билан таққослаш ва ўзаро боғлаш жараёнларининг бутун бир тизими эгалланишини билдиради.

Бу хилдаги шакллантириш, яъни кўникмаларга ўргатиш жараёни турли йўллар билан амалга оширилиши мумкинлигини қайд қилиб ўтиш зарурдир. Бу йўлларни бир-биридан фарқ қилувчи иккита ҳолатга ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда ўргатилаётган киши зарур билимга эга бўлади. Унинг олдига бу билимлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси қўйилади ҳамда кишининг ўзи синаб кўриш ва хатоларга йўл қўйиш орқали тегишли мўлжал олган, ахборотни қайта ишлаш воситалари ва фаолият усулларини топган ҳолда унинг ёчимини излайди.

Гарчи бу йўлнинг самарадорлиги паст бўлса ҳам, бугунги кунда у таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган йўл эканлигини қайд қиласиз. Иккинчи йўл шундан иборатки, таълим бераётган киши ўқувчининг билимларни қўллаш учун зарур бўлган психик фаолиятини бошқариб боради.

Бу ҳолда педагог ўқувчини белгилар ва жараёнларни танлаш мўлжаллари билан танишитиради, қўйилган вазифаларни бажариш учун олинган ахборотларни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш юзасидан ўқувчининг фаолиятини уюштиради. Бу йўл ҳозир педагогик психологияда жадал тадқиқ қилинмоқда.

## **15.8. Фаолиятпинг асосий турлари ва одамда уларнинг ривожлантирилиши**

Киши фаолияти онгли равишдаги фаоллик сифатида унинг онги шаклана ва ривожлана бориши туфайли таркиб топади ва ривожланади. Унинг ўзи онгнинг шаклланиши ва ривожланиши негизи, унинг моҳияти манбаи бўлиб хизмат қиласи.

### **Фаолиятнинг шакллантирилиши**

Фаолият ҳамиша кишининг бошқа одамлар билан муайян муносабатлари тизимида юз беради. У бошқа одамларнинг ёрдами ва иштирокини тақозо этади, яъни биргаликдаги фаолият хусусиятига эга бўлади. Унинг натижалари теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларнинг ҳаёти ва тақдирига муайян таъсир кўрсатади. Унинг учун фаолиятда кишининг фақат нарсаларга муносабати эмас, балки унинг бошқа одамларга бўлган муносабати ҳам доимо ўз ифодасини топади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, фаолиятда кишининг шахси ифодаланади ва англаш чоғда фаолият унинг шахсини шакллантиради.

Аҳил, уюшган жамоанинг событқадамлик билан олиб борилаётган ижтимоий фойдали фаолиятида иштирок этиш кишида жамоатчиликни, уюшқоқликни, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан боғлаш кўнимкасини ривожлантиради. Хулқ-атвордаги жасурликлар тақрорланиб, одат тусига кириб қоларди. Маълум бир шароитларда содир бўладиган муайян ҳатти-харакатлар шахс фазилати даражасига кўтариладиган одатларни келтириб чиқаради.

Кишида хилма-хил фаолият турларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараёндир.

Боланинг фаоллиги фақат аста-секинлик билан ривожланиш жараёнида, тарбия ва таълим таъсири остидагина онгли равища мақсадга йўналтирилган фаолият шаклини касб этади.

Бу фаоллик олдинига импульсив ҳатти-харакат хусусиятига эга бўлади. Туғилганидан кейинги дастлабки кунларда боланинг хулқ-атвори бир

нечтагина оддий туғма реакция – ҳимояланиш (нур ёруғлашганда ёки баланд товуш чиққанида күз қорачигининг торайиши, оғриқ сезган пайтида инграши ва безовталана бошлаши), овқат сўраш (тамшаниши), чалкаш-чулкаш (тебратилганда жимиб қолиши) ва бирмунча кейинроқ эса мўлжаллаш-изланиш (кўзғатувчига бошини ўгириши, нарсаларга қарashi ва бошқалар) каби реакциялар билан чекланади. Ўн биринчи-ўн иккинчи кунлигидан тортиб чақалоқда дастлабки шартли рефлекслар шакллана бошлайди. Шу туфайли бир ёши мобайнида болада изланиш хулқ-атвори (ушлаш, кўздан кечириш, ҳар хил шаклда айлантириш) ривожлана боради, бунинг натижасида у ташқи дунёдаги нарсаларнинг хоссалари ҳақида маълумот йиғади ва ҳаракатлар уйғунлигини ўзлаштиради. Таълим олиши ва тақлид қилиши таъсирида бир ёшидан бошлаб болада амалий хулқ-атвор шакллана боради. Бунинг ёрдамида бола буюмларни ишлатишнинг инсоний усулларини ва уларнинг ижтимоий амалиётдаги аҳамиятини ўзлаштира бошлайди.

Фаолликнинг ушбу шакллари билан биргаликда коммуникатив хулқ-атвор болага ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондириш, ижтимоий талабларни ва ахборотни ўзлаштириши учун ёрдам берадиган асосий восита ривожлана бошлайди.

Дастлабки кезларда бу хулқ-атвор нутққача даври шакллари (бақириш, имо-ишора қилиш, мимика) орқали рўёбга чиқарилади. Етти-саккиз ойлигидан бола олдинига сустроқ, кейинроқ эса фаол равишда инсоний мулоқот, ҳамжиҳатлик ва ахборот айирбошлишнинг асосий воситаси – нутқий хулқ-атворни ўзлаштира бошлайди. Нутқнинг ўзлаштирилиши тимсолларни буюмлардан ва ҳаракатлардан ажратиш учун, маъноларни бўрттириб кўрсатиш, уларни қайд этиш ва хулқ-атворни идора қилишда уларга таяниб иш тутиш учун ҳал қилувчи негиз яратади.

## Ўйин

Ҳаётининг биринчи йилларидаёқ болада фаолиятнинг оддий шаклларини ўзлаштириши учун дастлабки шарт-шароитлар таркиб топа

бошлайди. Улардан биринчиси ўйин фаолияти ҳисобланади. Маълумки, ўйин фаолияти ҳайвонларнинг болаларида ҳам кузатилади. Бу – уларнинг турли хилдаги хархашаларидан, уришишни тақлид қилиниши, у ёқдан-бу ёқса чопиши ва ҳоказолардан иборатдир. Баъзи бир ҳайвонларнинг буюмларни ўйнашлари ҳам кузатилади. Жумладан, мушукча думалаётган ип коптогидан кўзларини узмай қараб ўтиради ва унга ташланади, уни думалатади ва ҳоказо. Кучукча топган латтасини пол устида судраб юриб, титкилай бошлайди. Ҳайвон болаларининг ўйин жараёнидаги қилигини аввало уларнинг организмидаги фаолликка, жамланган куч-куватни сарфлашга бўлган эҳтиёжни қондириши деб қараш мумкин. Улар оч қолганларида ёки камроқ озиқа берилгандা, юксак ҳароратли мухитнинг таъсири остида ва ниҳоят, ҳайвоннинг танаси ҳароратини ошириб юборадиган ёки миянинг фаоллигини сусайтириб қўядиган кимёвий моддалар таъсири остида ўйинни тўхтатишлари ана шундан далолат беради. Агар ҳайвон бирмунча вакт мобайнида ўйнайдиган шеригидан маҳрум этиб қўйилса, кейинчалик унинг кўзғалиши ва ўйин фаолияти кескин кучаяди, яъни гўё тегишли куч-куват тўплангани каби ҳодиса рўй беради. Бу ҳодиса «ўйинга тўймаслик» деб аталади.

Ўйин фаолияти билан организмда куч-куват алмашинуви ўртасидаги боғланиш ўйинга нисбатан майлнинг туғилишига олиб келади. Лекин ўйин фаолиятини рўёбга чиқарадиган феъл-атвор шакллари қандай ва қаёқдан пайдо бўлади? Кузатишлар шуни кўрсатадики, булардан баъзи бирлари, масалан, мушукчадаги «сичқон овлаш» иштиёқи ҳайвоннинг тугма инстинктив ҳаракатлари жумласига киради. Бошқа бир хиллари эса, масалан, шимпанзе боласининг катта ёшдаги маймунлар ва одамларнинг ҳаракатларини такрорлаши тақлид қилиш орқали юз беради. Учинчи бир хили теварак-атрофдаги олам билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш жараёнида ҳайвонларнинг ўzlари томонидан топилади. Шундай қилиб, ҳайвон болалари ҳаракатларининг манбаи ҳам худди катта ёшдаги ҳайвонларда бўлгани каби турларга хос инстинктларда, тақлид қилишда,

ўрганишда мужассамлашгандир. Шунинг учун ҳам ҳайвон болаларининг ҳатти-ҳаракатлари катта ёшдаги ҳайвонларнинг турларига оид феъл-атворга ўхшамаслиги мумкин эмас. Лекин бу ҳаракатлар катта ёшдаги ҳайвонларда овқатланишга, душманлардан ўзини ҳимоя қилишга, муҳитда тўғри мўлжал олишга, хавф-хатардан сақланишга ва шу кабиларга бўлган муайян реал биологик эҳтиёжларни қондириши учун хизмат қиласи. Ҳайвон болаларида эса худди ана шу ҳаракатлар шунчаки «фаолият» ўрнида содир бўлади ва ўзининг реал биологик мақсадларидан ажralгандир. Улар ўйин фаолиятининг ўзига хос туб хусусияти ана шунда мужассамлашгандир. Унинг мақсади ўзининг ёрдами туфайли муваффақ бўлинадиган амалий натижаларга эришишдан эмас, балки амалга ошириладиган «фаолият»нинг ўзидан иборатдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўйин болаларда ҳам ўз фаоллигини рўёбга чиқариш шакли, ҳаёт кечириш ва фаолият кўрсатиш шакли бўлиб хизмат қиласи. Шу тарзда у функционал мамнунлик билан боғлиқдир. Фаолликка бўлган эҳтиёж унинг қўзғатувчиси бўлса, тақлид қилиш ва тажриба эса манбаи ҳисобланади. Лекин боланинг ўйин ҳаракатлари аввал бошданоқ буюмлардан фойдаланишнинг инсоний усуллари ва амалий хулқатворнинг катта ёшдагилар билан мулоқот жараёнида ва катта ёшлилар раҳбарлигида ўзлаштириб олинадиган инсоний шакллари замирида ривожлана боради. Бу ҳол болалар ўйин фаолиятининг принципиал жиҳатдан муҳим хусусиятларини белгилаб беради, унинг шакллари, манбалари, механизмлари, функциялари ва натижалари ҳайвонларнинг ўйинидан тубдан фарқ қилишига олиб келади.

Бола ўз тажрибасида қурол буюмлар билан бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги буюмлар – ўйинчоқларга дуч келади. Ўйинчоқларини ишлатишнинг инсоний усули – ўйин, яъни улар ёрдамида аллақандай бошқа, ҳақиқий буюмлар ва ҳаракатларни ифода этишдир. Катта ёшдагилар болаларни ўйинчоқлардан ана шу тарзда фойдаланишга ўргатади. Улар болага қўғирчоққа сув қандай ичирилиши, уни қандай қилиб тебратиш кераклигини,

сайр қилдиришни, ўйинчоқ айиқ боласини қандай овқатлантиришни, машинани қандай қилиб ҳайдаш кераклигини күрсатишади ва ҳоказо.

Лекин болада ўйинчоққа нисбатан «хақиқий» буюмнинг тасвири сифатидаги муносабатнинг ўзи ўйин фаолиятига фақат сўз аралашуви муносабати билан ҳосил бўлади.

Кичкина бола (бир ёшдан икки ёшга қадар) ҳали, масалан, тебратиш, овқатлантириш ва бошқа шу каби ҳаракатларни қўғирчоқдан чўпга кўчира олмайди. У тегишли буюмсиз ҳаракатни тасвирлашни ёки бу ҳаракатни бир буюмдан иккинчисига кўчиришни уddyалай олмайди. Бундай жараёнлар у фақат нутқни эгаллагандагина юз бериши мумкин. Бола пайрахага қўғирчоқ сифатида муомала қила бошлаши учун уни қўғирчоғим деб (масалан, «Катя» деб) атайдиган бўлиши керак. У овқатлантириш ҳаракатини қўғирчоқдан тойчага кўчириши учун унга катта ёшдаги кишилар «тойчани овқатлантир» ва ҳоказо деб айтиши керак. Кейинроқ сўз катталар «хақиқий» буюмларда кузатадиган ҳаракатларни боланинг ўзи ҳам мустақил равища ўйинчоққа кўчиришига имконият яратади. Бола сўзнинг аҳамиятини амалий ҳаракатлар орқали ёки катта ёшдагиларнинг ҳаракатларини кузатиш натижасида ўзлаштириб олган ҳолда сўз билан биргаликда бу ҳаракатларни ўйнайдиган буюмларига кўчиради. Бу ўринда ўйин фаолияти буюмнинг аҳамиятини белгилайдиган ҳаракатларни ўша буюмнинг ўзидан ажратишдан ва бу ҳаракатларни бошқа буюмга – ўйинчоққа кўчиришдан иборат бўлади. Унинг фаолияти туфайли сўзнинг аҳамиятини буюмнинг ташқи қўринишидан амалда ажратилади ва бу моҳият буюм устидаги ҳаракатлар билан, унинг киши фаолиятидаги вазифаси билан боғланади.

Бу жараён қанчалик чуқурлаша борган сари сўз буюмлар билан бевосита боғланишидан ҳоли бўла боради. Сўзнинг аҳамияти ташқи ҳаракатларда, сўнгра эса ҳаракат тўғрисидаги тасаввурда борган сари кенгроқ ифодалана бошлайди. Буюмлар билан бажариладиган реал ҳаракатларни нутқ ҳаракатлари билан алмаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Тўрт-беш ёшга етганда ўйинчоқлар билан ўйнаш чоғидаги реал ҳаракатлар борган сари

йўқола боради ва нутқ ҳаракатларга айланана бошлайди. Бола қўғирчоқни овқатлантириш жараёнини батафсил тасвирлаш ўрнига энди қошиқчани унинг оғзига бир мартагина тутиш ва «Овқатлантияпман... Энди бас, тўйиб қолдинг», дейиш билан кифояланади ва ҳоказо.

Учинчи ёшнинг ўрталарида бориб болада ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатларига қарши қўйиш пайдо бўлади, бола фаолияти ва истакларининг ташки оламга ҳамда бошқа одамларга эътирозини ифода этувчи “мени” ажралиб туради. Буюмларга бўлган муносабат одамларнинг буюмларга нисбатан функциялари сифатида намоён бўла бошлайди. Ролли ўйинлар пайдо бўлади. Ролли ўйинларда бола катта ёшдаги кишиларнинг ўзи кузатган ижтимоий функцияларини, уларнинг шахс сифатидаги хулқатворини айнан такрорлайди. Жумладан, икки яшар қизча қўғирчоқни овқатлантиаркан, овқат едириш ўйини билан овора бўлса, тўрт яшар бола қўғирчоқни овқатлантираётганда қизини овқатлантираётган она бўлиб ўйнайди. Боланинг социал тажрибаси кенгая борган сари майший мавзуга оид сюжетлар («она», «тарбиячи», «кино», «болалар боғчаси», «ҳайвонот боғи»), ишлаб чиқаришга оид сюжетлар («учувчилар», «трамвай», « завод») ва сўнгра ижтимоий-сиёсий («куруш» ва шу каби) сюжетлар билан бойитила боради. Бунда ўйин мазмуни конкрет ҳаракатларни тасвирлашдан одамлар ўртасидаги муносабатларини тасвирлашга тобора қўпроқ кўчирилади.

## Таълим

Боланинг хулқ-атвори ва фаолияти ривожини ўрганар эканмиз, битта энг муҳим фактга дуч келамиз. Болада бир нечтагина оддий шартли рефлекслардан ташқари унда кейинчалик кузатиладиган бошқа барча хулқатвор шакллари ва фаолият турлари олдинига йўқ бўлади. Амалий ва коммуникатив хулқ-атвор мўлжал олиш ва изланиш фаолияти, ушлаш ва у ёқ-бу ёққа суриш, эмаклаш, юриш, гапириш ва ўйнаш, меҳнат қилиш ва социал жиҳатдан биргаликда ҳаракат қилган бола түғилганидан сўнг маълум бир вақт ўтгач пайдо бўлади ва ривожлана бошлайди. Бунинг устига хулқатворнинг ҳар қандай шакли ва фаолиятнинг ҳар бир тури ўзининг пайдо

бўладиган муайян даврларига, шаклланиши субъектларига ва ўзининг қайта курилиши ҳамда мураккаблашиш босқичларига эга бўлади. Уларнинг ҳаммаси боланинг ривожланиш фактлари ҳисобланади, бу фактлар эса ундаги муайян туғма асос ва наслий дастурлар билан организмнинг ривожланиши ва анатомик-физиологик жиҳатдан етилиши, унинг олий нерв фаолияти функционал механизмларининг шаклланиши ва мураккаблаша бориши билан боғлик бўлади.

Шундай бўлсада на хулқ-атворнинг биронтаси, на шу фаолият турларидан биронтаси ташки мухит шарт-шароитларидан мустасно ҳолда, ўзича автоматик тарзда пайдо бўлмайди. Уларнинг барчаси боланинг амалий ва социал тажрибаси асосида, унинг теварак-атрофдаги одамлар ва буюмлар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати туфайли пайдо бўлади ва ривожлана боради. Бола «одамга айланиши» жараёнида қандай тажриба ортирган бўлса, ўрганиш фактлари, яъни тажрибанинг ўзлаштирилиши ҳисобланади.

Киши хулқ-атвори биологик тажриба билан эмас, балки социал тажриба билан белгиланади. Социал тажриба эса биологик йўл билан ўтказилиши мумкин эмас. У организмнинг хоссалари билан эмас, балки киши яшаётган хусусиятлари билан белгиланади. Биологик йўл билан наслдан-наслга фақат организмнинг социал тажрибани, хулқ-атвор ва фаолиятнинг инсоний шаклларини амалда ўзлаштириш учун зарур бўлган айрим хусусиятларигина ўтиши мумкин. Бола хулқ-атворининг туғма биологик хусусиятларга олдиндан қатъий холи эканлиги унинг ҳайvon боласига нисбатан энг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Ана шундай афзаллик туфайли киши хулқ-атвори турлари ва фаолияти усуллари эволюциясининг бошланиши унинг организмнинг биологик ривожланиши билан эмас, балки жамиятнинг тарихий ривожланиши билан бегилана бошлади.

Шундай қилиб, ўргатиш болада хулқ-атворнинг ва борлиқни акс эттиришнинг инсоний шаклларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган етакчи ривожланиш омили сифатида амал қиласди.

Лекин бола хулқ-атвори ва фаолиятининг биз ҳозирга қадар кўриб чиқкан барча турларида ушбу пировард натижа, яъни ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши фаолиятнинг айнан ўз мақсадларига тўғри келгани йўқ. Бола буюмларни бирон-бир нарсани ўрганиш учун у ёқдан-бу ёқса сурмайди. У дастлабки қадамлар қўяётганида ва илк бор гапиришга уринаётганида юриш ва гапиришни ўрганишни мақсад қилиб қўймаган бўлади. Унинг ҳатти-ҳаракатлари текшириб кўришга, фаоллик кўрсатишга, буюмларга эгалик қилишга, теварак-атрофдагиларга таъсир ўтказишга ва шу кабиларга бўлган бевосита эҳтиёжларни қондиришга қаратилгандир. Тегишли ҳаракатларнинг ва ахборотнинг ўзлаштирилиши шу сабабдан ҳам бола учун мақсад эмас, балки тегишли эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида хизмат килади.

Фаолиятнинг алоҳида тури бола ҳаётида содир бўладиган вақт ҳам етиб келади. Бу мақсади бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиришга қаратилган фаолиятдир. Субъектнинг ўрганишни ўзига мақсад қилиб олган бундай ўзига хос фаолияти таълим деб аталади. У куйидагилардан таркиб топади: а) идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташки оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши (бу жараённинг маҳсули – билимлардир); б) фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топадиган усуллар ва жараёнларнинг ўзлаштирилиши (бу жараён маҳсули – малакалардир); в) қўйилган вазифа ва илгари сурилган мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотдан фойдаланиш йўлларининг эгалланишидир (бу жараён маҳсули - кўнималар ҳосил қилинишидир).

Шундай қилиб, таълим кишининг ҳаракатлари муайян билимлар, малакалар, кўнималарни ўзлаштириб олишга қаратилган онгли мақсад билан идора қилинган жойдагина юз беради.

Бундан кўриниб турибдики, таълим – ўзига хос инсоний фаолиятдир. Ҳайвонларда эса фақат ўрганиш бўлиши мумкин. Лекин одамда ҳам фақат у ўз ҳатти-ҳаракатларини англаб етгач юксак хаёлий мақсадга (идеалга) кўра

йўналтириш лаёқатига эга бўлгандағина таълим фаолияти юз бериши мумкин. Бундай лаёқатнинг етарли даражадаги ривожланишига фақат олтиетти ёшга чиққан пайтга келиб, фаолиятнинг олдинги турлари- ўйин, нутқ амалий хулқ-автор ва шу кабилар негизида шакллана борган ҳолда эришилади. Ўқув фаолиятини шакллантиришнинг энг биринчи асосий шарти – болада муайян билимларни, қўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун англанилган мотивлар туғилиши ҳисобланади.

Катта ёшли кишилар боланинг ривожланишига фаол ижтимоий таъсир кўрсатувчилар сифатида намоён бўладилар. Улар унинг фаолияти ва хулқ-авторини уюштирадилар, уларни инсониятнинг ижтимоий практикаси доирасида йўналтирадилар. Бола фаолияти ва хулқ-авторини уларнинг инсоният ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш сари йўналтиришдан иборат ушбу фаол жараён ўқитиш деб аталади. Бола – шахсининг ривожланишига унинг таъсири нуктаи назаридан олинганда бу жараён тарбия деб аталади. Таълим ва тарбияни амалга оширишга ёрдам берадиган асосий воситалар - бу бажарилиши лозим бўлган ишни кўрсатиш ва тушунтиришдан, рағбатлантириш ва жазолашдан, вазифалар ва талаблар қўйишдан, текшириш ва тузатишдан иборатдир. Катта ёшли кишилар ушбу таъсирлар ёрдамида болада билимларни эгаллашга ва фаолият кўрсатишга истак туғдирган, уни йўналтирган, назорат қилган, тўғрилаб борган ва шу йўсинда уни шакллантирган ҳолда бу фаолиятни бошқариб турадилар.

### **Мехнат**

Мехнат – бу маълум бир ижтимоий фойдали (ёки ҳеч бўлмагандан жамият томонидан истеъмол қилинадиган) моддий ёки маънавий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолият демакдир. Мехнат фаолияти-кишининг энг етакчи, асосий фаолиятидир. Инсоният агар меҳнат қилишни тўхтадиган бўлса, у (тур сифатида) ўз хаёт-мамотини тугаллаган бўлур эди. Унинг учун ҳам меҳнат фаолияти кишининг ҳаёт кечиришини, бошқа турлар устидан ғалаба қозонишини ҳамда табиат кучлари ва моддаларидан

фойдаланишини таъмин этадиган ўзига хос турга оид хулқ-атвори деб ҳисобланиши мумкин.

Меҳнат фаолияти одамлар истеъмол қиласиган буюмларни ва ана шундан истеъмол қилинадиган буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур буюмларни – дон ва машиналарни, мебель ва қуролларни, кийим-кечак ва автомобилларни ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқариш мақсадини кўзлаган бўлиши мумкин. Булар энергиядан (иссиқлик, ёруғлик, электр, ҳаракат) ва ахборот воситаларидан (китоблар, чизмалар, фильмлар) иборат бўлиши мумкин. Пировардида бу идеология маҳсулотлари (фан, санъат, ғоялар) ва кишиларнинг хулқ-атворини ҳамда меҳнатини уюштирувчи (бошқарув, назорат қилиш, муҳофаза қилиш, тарбиялаш) ҳаракатлар бўлиши ҳам мумкин.

Бу ўринда киши томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот унинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарурлиги ёки зарур эмаслигининг аҳамияти йўқ. Агар бу маҳсулот умуман жамиятга керак бўлса, унинг ўзи кифоя. Хусусан, киши фаолиятининг мақсадлари унинг шахсий эҳтиёжлари билан белгиланмайди. Бундай мақсадларни унга жамият белгилаб бераётir, фаолиятнинг ўзи эса муайян ижтимоий топшириқни бажариш шаклини кашф этмоқда. Шундай қилиб, кишиларнинг меҳнат фаолияти ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланади. У жамият эҳтиёжлари билан шаклланади, белгиланади, йўналтирилади ва бошқарилади.

Бу фаолият ўз характерига кўра ҳам ижтимоий ҳисобланади. Ҳозирги жамиятда меҳнат тақсимоти туфайли киши ўзи учун талаб қилинган барча нарсаларни фақат ишлаб чиқармайдиган эмас, балки биронта ҳам маҳсулотни ишлаб чиқаришда деярли ҳеч қачон бошидан охирига қадар иштирок этмайди. Унинг учун ҳам киши ҳаёт учун талаб қилинадиган барча нарсаларни ўз меҳнатига айирбошланган тарзда жамиятдан олиши керак. Шахснинг эҳтиёжлари ташқаридан қараганда унинг ўз меҳнати билан эмас, балки жамият томонидан қондирилаётгандек бўлиб туюлади. Бунинг қандай юз бериши жамиятда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими

билин белгиланади. Унинг учун ҳам жамиятда ҳар қандай маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши айни пайтда меҳнат қилиш, унинг маҳсулини тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнида одамларнинг муайян муносабатларини руёбга чиқариш бўлиб ҳам ҳисобланади.

Шу тариқа киши меҳнат жараёнида бажарадиган ҳаракатлар биологик эҳтиёж билан эмас, балки илгари сурилган ишлаб чиқариш мақсади ва бу мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида унинг бошқа одамларга нисбатан муносабатлари билан белгиланади. Бу хилдаги ҳаракатларни бажариш ва бошқариш учун ахборотни қайта ишлашнинг олий жараёнларидан фойдаланиш ва энг аввало, тасаввур ва тафаккурни ишга солиш зарурдир.

Булардан шу нарса равшанки, киши психикасининг бу ажойиб хусусиятлари манбанини исбот қилиш мақсадида «руҳ»нинг қандайдир алоҳида хусусиятларини ўйлаб топишга ҳожат йўқ. Буларга бўлган зарурат инсон фаолияти қонуниятлари билан белгиланади, яъни кишининг ижтимоий-меҳнат моҳиятига эга бўлган жонзот сифатида мавжудлиги шаклининг ўзидан келиб чиққандир.

Рўёбга чиқарилиши учун юксак психик функциялар бажарилишини тақозо этаркан, жамоа меҳнат фаолияти айни чоғда инсониятнинг ривожланиш жараёнида уларнинг шаклланиши учун асос ва шарт-шароитлар яратади.

Мисол учун ибтидоий овчилар ўртасидаги ҳуркитувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик. Уларнинг ҳаракатлари ўз ҳолича ўлжани ушлашга қаратилган бўлмайди. Буниси тутул, агар у ёлғиз ўзи ҳаракат қиласидиган бўлса, у ҳолда унинг бу ҳаракатлари ўлжанинг осонгина қочиб кетишига олиб келган бўларди – унинг ўзи эса қоларди. Унинг учун унинг бутун фаолияти фақат бошқа кишиларнинг - овчиларнинг фаолияти билан уйғунлашган тарздагина бирон-бир маъно касб этади. Ҳайвон ҳуркитувчи мақсадга эришиш учун овчиларнинг ҳаракатларини ҳисобга олиши, яъни буғуни дуч келган томонга ҳайдамасдан, балки овчилар томонга ҳайдаши керак. Шу тариқа унинг ҳатти-ҳаракатлари биологик моҳиятга эга бўлган

мақсадга қаратилған бўлмасдан, аксинча ижтимоий моҳият касб этади. У ички инстинктив кечинмалар шаклида эмас, балки ташқи реал обьектлар билан бўладиган ҳаракатларнинг идрок этилиши орқали акс этади. Шу тарзда обьектлар ва улар билан бажариладиган ҳаракатларнинг тимсоллари фаолиятга ундейдиган биологик эҳтиёжнинг хаёлдаги кечинишидан амалиётнинг ўзи билан ажратилади.

Воқеликка нисбатан бундай муносабатда бўлиш эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, онгнинг негизини ташкил этади. У кишини буюмларга нисбатан фаолият субъектига ва одамларга нисбатан эса шахсга айлантиради. У кишини теварак-атрофдаги оламнинг қулидан унинг соҳиби даражасига кўтаради, кишига бу оламни қайта ўзгартириш ва узоққа мўлжалланган мақсадларга эришиш учун интилиш имконини беради, кишининг ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда режалаштирилган фаолиятга ва унинг Ер куррасида мавжудлигини эса мослашган ҳолда ҳаёт кечиришдан маълум бир мазмун ва юксак мақсадга эга бўлган фаол ҳаёт кечиришга айлантиради.

### **Назорат саволлари.**

1. Шахснинг малака ва одатлари қандай шаклланади?
  2. Эҳтиёжлар фаоллик манбаи сифатида қандай намоён бўлади?
  3. Эҳтиёжлар турларини санаб беринг.
  4. Инсон эҳтиёжларининг ривожланишига нималар таъсир қиласи?
  5. Қизиқиши психологик тавсифлаб беринг.
  6. Шахснинг установкаси ёки англанмаган майлларни изоҳлаб беринг.
  7. Шахснинг эътиқод ва дунёқараши қандай шаклланади ва ривожланади?
1. Фаолиятнинг асосий турларини кўрсатинг?
  2. А.Н.Леонтьев бўйича фаолият тузилишининг моҳиятини изоҳланг?

## XVI-БОБ. ШАХС

*Таянч тушунчалар: шахс, биогенетик назария, социогенетик назария, шахс шаклланиши ва ривожланиши, Г.Айзенкнинг шахс типлари назарияси. Шахс назариясининг асосий концепция ва қонуниятлари. Экстраверт ва интровертлар ўртасидаги фарқлар.*

### 16.1. Шахс ҳақида тушунча

Мехнат туфайли ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан ва жамиятда ривож топаётган, бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятни амалга ошираётган ва улар билан муносабатга киришаётган киши секин-аста шахсга айланиб бормоқда - моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш субъектига айланмоқда.

Одам дунёга одам бўлиб келади. Бу таъкид юзаки қарагандагина исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб ва такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган ибора бўлиб туюлади. Гап шундаки, бу ўринда хусусан инсоний белгилар ва фазилатларнинг ривожлантирилиши учун табиий шарт-шароитлар пайдо бўлиши генетик жиҳатдан олдиндан белгилаб қўйилганлиги таъкидланади. Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши унда тик юриш учун имкониятнинг мавжудлигини тақозо этса, миясининг тузилиши ақлихушининг ривожланиши учун имконият туғдиради, қўлларининг шаклшамойили меҳнат қуролларидан фойдаланиш истиқболининг мавжудлигини кўрсатади ва ҳоказо. Булар билан чақалоқ ўз имкониятлари йигиндисига биноан одам ҳар қандай ҳолатда ҳам бу хилдаги фазилатлар йигиндисининг сохибига айлана олмайдиган ҳайвон боласидан фарқ қиласи. Шундай қилиб, юқорида айтилганлар орқали чақалоқнинг инсон зотига мансублиги тасдиқланади ва бу факт индивид тушунчасида қайд этилади (бундан фарқли ўлароқ, ҳайвон боласи дунёга келиши биланоқ ва ҳаётининг охирига қадар жонзот деб юритилади). «Индивид» тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойилик босқичидаги

қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, конкрет кишини индивид деб атаганда биз жуда кўп нарсаларни айтган бўламиз. Аслини олганда, бу билан унинг потенциал равишда инсон эканлиги айтилгандир.

Унинг бундан кейинги ва ҳатто жуда ҳам умумий тарздаги таърифи фазилатларининг баён этилиши ва изоҳланишини тақозо қиласи. Бундай фазилатларсиз у фақат бошқаларга ўхшамайдиган эмас, балки улар каби харакат қилмайдиган, фикрламайдиган, изтироб ҳам чекмайдиган, жамият аъзоси сифатида, тарихий жараённинг иштирокчиси сифатида ижтимоий алоқаларга жалб ҳам этилмаган реал киши эмас, балки демографик маълумотномалардаги жонсиз бирлик ҳолида қолади, холос Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида ижтимоий фазилат кашф этади, шахс бўлиб етишади. Индивид ҳали болалигига ёқ тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар тизимиға жалб этилади. У бу тизимни аллақачон тайёр ҳолда учраганди. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларнинг шу қадар чигалликларини вужудга келтиради, бу ҳол уни шахс сифатида шакллантиради.

Психологияда индивид томонидан амалий фаолият ва муносабат жараёнида ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таъсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган тизимли тарздаги ижтимоий фазилат шахс тушунчаси билан ифода этилади.

Ижтимоий муносабатлар тизимини ўзида мужассамлаштириш субъект бўлиш деган маънони англатади. Катта ёшдаги кишилар билан ўзаро муносабатларга жалб этилган бола даставвал улар фаоллиги объекти тарзида, лекин унта катта ёшдагилар унинг ривожланишидаги етакчи омил сифатида тавсия қиласидиган ўша фаолият таркибини эгаллаган, масалан, таълим олган ҳолда иш кўради, ўз навбатида ана шу ўзаро муносабатларнинг субъектига айланади.

Ижтимоий муносабатлар улар субъектиниң аллақандай ташқи моҳияти эмас, балки индивиднинг ижтимоий фазилати тарзидаги шахснинг бир қисми, йўналиши, жиҳати сифатида намоён бўлади.

Агар бошқа барча жонли мавжудотлардан фарқли ўлароқ, инсон насл-насабининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир конкрет кишининг моҳияти, яъни шахс тарзидаги алоҳида индивидга хос абстракт субъект сифатида у жалб этиладиган конкрет ижтимоий боғланишлар ва муносабатлар мажмуасини ташкил этади. Улар, ўша боғланишлар ва муносабатлар, ундан ташқаридаидир, яъни ижтимоий ҳаётдадир ва шунинг учун ҳам шахссиз, ҳам объективдир (кул кулдорга батамом қарамдир) ва шу билан бирга улар шахс сифатида унинг ичкарисида, унинг ўзида мужассамдир ва шунга кўра субъективдир (у кулдорни ёмон кўради, унга итоат қиласи ёки унга қарши исён кўтаради, умуман унга нисбатан муносабат билдиради, у билан ижтимоий жиҳатдан тақозо этиладиган алокалар ўрнатади).

«Индивид» ва «шахс» тушунчаларининг ўхшашлиги эмас, балки бирлиги ҳақидаги фикр қуидагича тарзда ўртага қўйилиши мумкин бўлган саволга жавоб берилишини тақозо қиласи: шахс бўлиб ҳисобланмаган индивиднинг мавжуд бўлиши ёки аксинча индивиднинг конкрет соҳиби сифатида ундан ташқарида ва усиз мавжуд бўлиш факти кўрсатилиши мумкинми? Тахминий тарзда фикр юритилган тақдирда униси ҳам ва буниси ҳам бўлиши мумкин. Агар кишилик жамиятидан ташқарида вояга етган индивидни ҳаёлан тасаввур қилинадиган бўлса, бу ҳолда у биринчи бор одамларга дуч келиб, биологик жонзотга хос индивидуал хусусиятлардан бўлак ҳеч қандай, юқорида айтилганидек, келиб чиқиши жиҳатидан ҳамиша ижтимоий-тариҳий ҳарактер касб этадиган шахсий фазилатларга эга эканлигини намоён қила олмайди балки теварак-атрофдаги одамлар мабодо уни биргаликдаги фаолият ва муносабат жараёнига «торта олишган» тақдирда уларнинг пайдо бўлиши учун зарур табиий шарт-шароитларгагина эга бўлади. Ҳайвонлар орасида тарбияланган болалар тажрибасини ўрганиш

бу вазифани амалга оширишнинг ғоят даражада мураккаблигидан далолат беради. Қаршимизда ҳали шахс сифатида камолатгаэришмаган индивид бўлади. Реал индивидни гавдалантирумайдиган шахснинг пайдо бўлиш имкониятлари мавжудлиги муайян истиснолар билан тан олиниши ҳам мумкин.

## **16.2. «Эндопсихика» ва «Экзопсихика» ҳақида тушунча**

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий муаммолардан биринчиси бир шахсни бошқа одамлардан ажратиб турадиган индивидуал тузилишига эга эканлигидир. Ушбу яққол психологик муаммони ҳал қилиш шахснинг мазкур тузилишининг ички шароитларида ифодаланувчи хулқ-атворни олдиндан башорат қилиш имкониятини яратади. Мазкур масаланинг қўйилиши даставвал таълим ва тарбия эҳтиёжларидан, ташкилотчиликка оид фаолият соҳалари ва бошқа эҳтиёжлар замиридан келиб чиқади. Лекин бу масалани илмий асосда ҳал қилиш бошқа муаммони, яъни шахсни тоифаларга ажратиш (типология), унинг энг муҳим, мукаммал тузилишини аниқлаш билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, шахс типологияси, шахсни типологик таҳлил қилишнинг энг нозик, ибратли жиҳатларини чеклаб ўтиш, у ҳақида етарли даражада тўла тасаввурга эга бўлишни хоҳласак, унинг энг умумий тасвирини умумлашган тарзда таъкидлаб ўтиш лозим.

Шахс тузилиши билан боғлиқ бўлган иккинчи масала эса бундай тузилишининг бир қанча таркибий қисмларга ажратишини тақозо этади, бинобарин, ушбу бўлакларнинг йиғиндиси яхлит инсон шахсини вужудга келтиради. Жаҳон психологияси фанида психологлар шахсни психологик тузилишининг таркибий қисмларини турли моҳиятига асосланиб турқумларга ажратиши (классификациялашни) тавсия этмоқдалар.

Ҳозирги замон жаҳон психологиясида биологик (табиий) ва ижтимоий (социал) омил (фактор)нинг воқеликнинг таъсири остида шаклланган инсон шахсида иккита муҳим қисм бўлганлигини тасдиқловчи назария юксак мавқени эгаллаб турибди. Мазкур назарияга биноан «ички психик» («эндопсихик» - юнонча «эндо» ички деган маънони билдиради) қисмларга

ажратилади, деган ғояни илгари суриласди. Ушбу талқинга кўра «эндопсихика» шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик элементлар ва функцияларнинг ўзаро боғликлиги акс эттирилади. Унинг негизида инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан «эндопсихик» айнан бир нарса деган тушунчани тасдиқлаш ётади, гўёки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради. Психик тузилишнинг «экзопсихик» қисми бўлса шахснинг ташқи муҳитига нисбатан муносабатини, шахсга қарама-қарши бўлган барча жиҳатларини, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. «Эндопсихика» ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёrsиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларни акс эттиради. «Экзопсихика» эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслаги, устунлик қилувчи, ҳукмон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларни, тажрибаларни ва шу сингариларни қамраб олади. Табиий омилга (асосга) эга бўлган «эндопсихика» биологик шарт-шароитларга боғлиқдир, аксинча, «экзопсихика» ижтимоий воқеликлар таъсири остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боради.

Шахснинг таркиб топиши бир қатор омилларга боғлиқдеган назариянинг намояндалари бўлмиш ҳозирги замон узоқ чет эл (АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швецария ва бошқалар) психологлари оқибат натижасида шахснинг тузилишини ўша иккита асосий омилларга, яъни биологик ва ижтимоий (социал) воқеликларнинг таъсирига боғлиқ бўлган тузилишининг мавжудлигидан манфаатдордирлар. Объект-субъект муносабатини белгилайди. «Эндопсихика» ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёrsиз (идеомотор) ҳаракатларини ва шу каби фазилатларини акс эттиради. «Экзопсихика» эса ўз таркибига хос муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари,

установкалари, маслаги, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгалланган билимларни қамрайди.

Тараққийпарвар (гуманистик) психология фанида таъкидланганидек, шахс тузилишидаги табиий, органик жиҳатлар ва ҳолатлар унинг ижтимоий шарт-шароитларига боғлиқ таркибий қисмлариdir. Шахс тузилишидаги табиий (анатомик-физиологик ва бошқа сифатлар) ва ижтимоий омиллар яхлит бирликни ташкил қиласи ва улар ҳеч маҳал ихтиёrsиз равишда бирбирига қарама-қарши қўйилишига йўл қўймаслик керак.

Шундай қилиб, илмий психология (материалистик деб аташдан сақланиш мақсадида) фанида барча категорияларга умумбашарий, умуминсоний тамоийл нуқтаи назардан ёндашиш шахс тузилишида табиий (биологик) ва ижтимоий (социал) омиллар ролини тан олади, инсон шахсидаги биологик ва ижтимоий воқеликларни атиги шуларнинг негизида қарама-қарши қўйишга танқидий муносабатда бўлади.

Шахс муаммосини диалектик материализм позициясида туриб ҳимоя қилувчи собиқ совет психологияси ва бошқа тараққийпарвар йўналиш вакиллари шахснинг фаоллиги теварак-атрофдаги олам билан бўладиган ўзаро муносабат жараёнида фаолият вужудга келиши мумкин, деган таълимотга асосланади. Шахсни фаоллигининг манбаи унинг эҳтиёжлари ҳисобланиб, худди шу эҳтиёжлар одамни муайян тарзда ва маълум йўналишда ҳаракат қилишга ундейди. Худди шу боисдан эҳтиёж шахс фаоллигининг манбаи сифатида юзага келади ва унинг яққол турмуш шароитига боғлиқлигини акс эттирувчи ҳолатдир.

### **16.3. Шахс тузилишининг уч таркибий қисми**

Шахснинг тузилишига, биринчи навбатда, унинг индивидуаллигининг киши эҳтиросининг, ички қиёфасининг, қобилиятларининг тузилишида мужассамлашган, шахс психологиясини англаb этиш учун зарур, лекин етарли бўлмаган тизимли тарзда тузилиши киради. Шу тариқа шахс тузилишининг биринчи таркибий қисми – унинг индивид ичкарисидаги (интериндинвид) кичик тизим алоҳида намоён бўлади.

Шахс ўзи бирикиб кетган жамият билан, гурухлар билан ҳақиқий муносабатлар тизимида субъект бўлиб, индивиднинг органик тузилиши ичидаги аллақандай ёпиқ бўшлиқдагина жойлашган бўлиши мумкин эмас, балки у ўзини индивидлараро муносабатлар бўшлигига намоён қиласди. Индивид ўз ҳолича эмас, балки шахслараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ҳеч бўлмаганда иккита индивид (амалда бирлик, гурух, жамоа) жалб этиладиган жараёнлари ана шу ўзаро биргаликдаги ҳаракат иштирокчиларидан ҳар бирининг шахси намоён бўлиши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, шахснинг тадқиқ этилишини индивидлараро «бўшлиққа» кўчириб, юқорида баён этилган жамоага тааллуқли ҳодисалар – жамоанинг ўзини-ўзи белгилаши, жамоанинг айнан бир хил бўлиб кетиши ва ҳоказолар нималардан иборатлиги ҳақидаги саволга жавоб оламиз. Хусусан, булар ўзи нима: гурух тарзидаги кўринишларми, ёхуд шахсий кўринишларми. Шахснинг таърифи ва мавжудлигининг ўзи индивиднинг «териси ичидаги» қолмасдан, балки индивидлараро «бўшлиққа» олиб чиқилиши биланоқ «индивид» ва «шахс» (ёхуд шахсий, ё гурух тарзидаги) тушунчаларни айнан бир-бирига ўхшатиш натижасида ҳосил бўладиган сохта муқобилига барҳам берилган бўлади. Шахсий фазилатларнинг намоён бўлиши гурух тарзидаги ўзаро муносабатларнинг намоён бўлиши сифатида, гурух тарзидаги намоён бўлиш эса шахснинг ўзини намоён қилишининг конкрет шакли сифатида фозага чиқади.

Интраиндивид ва интериндивид кичик тизимлари шахснинг ўзини намоён қилишининг барча жиҳатларини акс эттира олмайди. Шахснинг тузилишини таркиб топтирадиган учинчи бир қисмни – метаиндивид (индивиднинг устки кўриниши) кичик тузилишини ҳам алоҳида кўрсатиш имконияти мавжуддир. Бунда шахс индивиднинг органик гавдасидан ташқарига чиқарилиб қолмасдан, балки унинг бошқа индивидлар билан «шу ерда ва эндиликда» мавжуд бўлган алоқаларидан ҳам ташқарига жойлаштирилади. Бундай ҳолда субъектнинг ўз фаолияти ёрдамида билиб ё

билмасдан бошқа кишиларга ўтказадиган «жамғармалари» психологнинг диққат марказида бўлади. Бу билан индивид шахс сифатида ўзи билан у ёки бу даражада боғлиқ одамларнинг ақлий ва ҳиссий-иродавий жиҳатларида фаол тарзда ҳосил қилинадиган туб ўзгаришлар субъекти бўлиб хизмат қиласди. Гап субъектнинг бошқа индивидларга таъсир ўтказиши чоғидагина эмас, балки бевосита бир лаҳзалик ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш чегараларидан ташқарида ҳам ўзлигини бошқаларда ўзига хос давом эттиришдек фаол жараён ҳақида бормоқда. Субъектнинг ўзлигини бошқа индивидда давом этгиришдан, бошқа кишиларга ўтказилган «жамғармалар» ҳисобига ўзининг шахс сифатида бошқалар «кўнгилдагидек» ўрнашиб қолишни таъминлашдан иборат бўлган бу жараён персонализация (персонажлаштириш) деган ном олгандир.

### **Шахснинг фаоллиги ва унинг ҳаётий позицияси**

Кишининг теварак-атрофда муносабат, биргаликдаги фаолият ва ижодий иш жараёнида намоён бўладиган ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар қилиш лаёқати шахснинг фаоллиги сифатида тушунилади. Шахс фаоллигининг анча умумий тарздаги, бирикма ҳолидаги таърифи унинг ғоявий принципиаллигига, ўз нуқтаи назарини изчил ҳимоя қила боришида, сўзи билан ишининг бирлигига ифодаланадиган фаол ҳаётий позициясини билдиради. Жамиятда фаол ҳаётий позиция ижтимоий бурчга нисбатан онгли муносабатда бўлишни, фуқароликни, жамоачиликни, фаолиятга нисбатан ижодий муносабатда бўлишни, илмий дунёқарашга таянадиган эътиқодни, ижтимоий-ахлоқий қоидаларнинг бузилишига муросасизликни тақозо этади.

Ижтимоий фойдали фаолиятда меъёридан ортиқча деб аталмиш фаоллик кишиларга хос фаол ҳаётий позицияда туришнинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Меъёридан ортиқча фаоллик муайян шахс учун қатъиян мажбурий бўлмаган, лекин ижтимоий жамиятнинг олий мақсадларига ва қадриятларига мос келадиган фаолият кўрсатилишини тақозо этади. Ҳеч ним ишчига меҳнат ҳукуқи тартиб-қоидаларига биноан ўзининг кунлик топшириғидан ошириб юбориш, келгуси йил ҳисобига

ишлаш, фақат ўз нормасини эмас, балки шасхда ўзи билан бирга ишлаган ва ватанини ҳимоя қилиш чоғида мардларча ҳалок бўлган ўртоғининг нормасини ҳам бажариш, ўз жамғармаларини тинчлик фондига, ёдгорлик ўрнатиш учун ҳадя қилиш каби талабларни қўймайди. Буларнинг ҳаммаси меъёридан ортиқча фаоллик туфайли юз беради. Шахс меъёридан ортиқча фаоллик кўрсатган ҳолда ўзининг ижтимоий орзу-истаклари сари олға қадам ташлайди. Шу аснода педагог меъёридан ортиқча фаолликни унинг хўжакўрсин учун намойиш қилинадиган туридан фарқлай билиши керак. Ўзи учун мажбурий бўлган, яъни қоида тарзидаги фаолият ўқища, меҳнат тайёргарлиги ва ҳоказода етарли даражада фаоллик кўрсатмасдан, баъзи ҳолларда ҳамманинг кўз ўнгидаги «меъёридан ортиқча» фаоллиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун уринади. Жумладан, у деворий газета чиқаришни ўз зиммасига олаётуб, эҳтимол, бу билан ўзининг бутун жамоага маълум бўлиб қолаётган фаолиятсизлигини яширишга уринган бўлиши ҳам мумкин. Меъёридан ортиқча фаоллик меъёридаги (норматив) фаолликдан ҳоли ва ундан ташқарида юз бериши мумкин эмас.

Шахснинг мослашувчанликка ҳам, хулқ-атворнинг салбий (ноконформлилиги) турига ҳам зид бўлган жамоа тарзида ўзини-ўзи белгилаши ҳам унинг фаол ҳаётий позициясидан далолат беради. Ёш йигит ва қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш ахлоқий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

#### **16.4. Шахс борасида биогенетик ва социогенетик назария**

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш психология фанининг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зоро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон – биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан,

кишининг психик, туғма равища ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгиларининг, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг хулқ-автор (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш, одам психикаси ва ҳатти-харакатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин? Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилевчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати хақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намояндлари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари «ички қонунлар» асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир

томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўкувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослапгериш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Торндайк ўкувчиларнинг «табиий кучлари» ва «туғма майллар» психик ривожланишнинг етакчи омили килиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири - иккинчи даражалидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Америкалик педагог ва психолог Дж.Дьюи – инсон табиатини ўзgartириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгариши, тарбиянинг эса микдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач-психолог З.Фрейд мазкур оқим намояндаси сифатида шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қўйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авлод-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига қўра, инстинктив майлар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд, шахснинг фаоллигини даставвал жинсий майлар билан боғлайди. Бироқ инстинктив майлар жамиятда худди ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майларни (яъни, жинсий майларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига қўра, тормозланган инстинкт ва майлар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган

онгизлил даражасига ўтказилиб юборилади. Онгизлик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли «комплекслар» бирлашадилар, гүё инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабаби айни шу «комплекслар»нинг намоён бўлишидир.

Бундай таълимотлардан, хусусан дин ҳомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг тақдири ана шу илмлар билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлашади.

### **16.5. Шахс назариялари. Г.Айзенкнинг шахс типлари назарияси**

Айзенк Кеттелнинг: “психологиянинг мақсади хулқ-атворни олдиндан айтиб беришдир”, - деган фикрига қўшилиб, унинг шахсни тавсифлашда факторли анализдан фойдаланганлигини маъқуллайди. Лекин Айзенк факторли анализни Кеттелга нисбатан ўзгачароқ қўллаган. Айзенк фикрича, тадқиқот стратегияси тадқиқотчини қизиқтирган қандайдир шахс хусусиятини белгилаб, тўлиқ асосланган илмий фараздан бошланиши керак. Унга қарама-қарши ўлароқ, Кеттелнинг айтишича, шахсни ташкил қилувчи асосий элементлар батарея тестлари ҳамда маълумотларни қайта ишлаш орқали намоён қилинади. Шундай қилиб, Айзенк назарияси Кеттелникига қараганда анча шафқатсиз ёндашувга эга. Кеттелдан фарқли ўлароқ, Айзенкнинг таъкидлашича, шахс хулқ-атвори намоён бўлишини тушунтириш учун учта супербелги (у буларни типлар деб атайди) зарурдир. Эсингизда бўлса, Кеттел шахс структурасини ташкил қилувчи 16 та белги ёки факторни белгилаган эди. Ва ниҳоят, Айзенк индивид ривожланишида асосий эътиборни генетик омилларга қаратади. Бу билан, Айзенк ташқи муҳит таъсирини инкор қилмаган, балки шахс хусусиятлари ва типлари аввало, ирсиятга алоқадор эканлигини кўрсатмоқчи бўлган. Ҳозирги пайтгача, генетиканинг шахс хулқ-атворига қай даражада таъсир этиши аниқланмаган бўлса-да, кўп психологлар бу борада Айзенкнинг фикрларига қўшилишади.<sup>2</sup>

Айзенк назариясининг моҳияти шундан иборат-ки, шахс элементлари иерархик жойлашиши мумкин. Унинг жадвалда экстраверсия сингари

<sup>2</sup> Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.5

маълум бир шахс хусусиятлари ёки типлари келтирилган бўлиб, улар хулқатворга кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, ҳар бир келтирилган супербелгилар бир қанча таркибий белгилардан ташкил топганини кўрсатган. Бу таркибий белгилар асосий типнинг юзаки акси бўлиши ёки бўлмасам, шу типга тегишли ўзига хос хусусият сифатида кўрилиши мумкин. Ва ниҳоят, белгилар кўп сонли одатий реакциялар дан таркиб топган бўлиб, улар ўз навбатида, кўплаб ўзига хос реакциялардан шаклланади. Мисол учун, бирон шахсни кузатадиган бўлсак, агар у бошқа бир инсон билан илиқ юз ва самимий табассум билан қўл узатиб кўришса ва бу ҳолат ҳар сафар ким биландур учрашганда содир бўлаверса, бу унинг одатий реакцияси ҳисобланади. Ушбу одатий реакция бошқа одатий реакциялар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буларга мисол қилиб, бошқа одамлар билан суҳбатлашиш, турли базмларга боришни ёқтириш ва ҳаказоларни айтиш мумкин. Бу одатий реакциялар гурухи киришимлилик хусусиятини шакллантиради.

### *Шахснинг асосий типлари*

Айзенк инсонлар ҳақида маълумотлар олиш учун ўз-ўзини кузатиш, эксперт баҳолаш, биографик маълумотлар анализи, физик ва физиологик параметрлар, шунингдек, объектив психологик тестлар сингари кўплаб методлардан фойдаланган. Олинган маълумотлар шахс структурасини аниқлаш учун факторли анализда қўлланилган<sup>3</sup>. Ўзининг дастлабки тадқиқотларида Айзенк икки асосий типни ажратган – интроверсия/экстраверсия ва нейротизм/барқарорлик (баъзи ҳолатларда бу фактор бекарорлик/барқарорлик деб ҳам аталади). Шахснинг бу икки ўлчови ортогонал бўлиб, улар статистик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ эмас. Шунга мувофиқ, инсонларни тўрт гурухга ажратиш мумкин. Бунда шахс ўзида юқори ё қути диапазондаги бир тип билан юқори ё қути диапазондаги иккинчи бир тип комбинациясини намоён этади. Жадвалда кўрсатилишича, ҳар қайси тип билан шахс белгиларини изоҳлайдиган номлар бирлаштирилади. Бу 4 гурухни кўриб чиқишда 2 та нарсани инобатга олиш

<sup>3</sup>Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.6

керак. Биринчидан, иккала масофа (диапазон) типлари меъёрий тақсимотга эга, узлуксиз ҳисобланади ва кенг индивидуал фарқлар спектрини кўриб чиқади. Иккинчидан, ҳар бир типга мос белги таърифи бошқа ҳодисаларни ўз ичига олади. Кўплаб одамлар ўрта нуқтага яқин бўлишга мойил иккала тип масофаларида ва шунинг учун 1-жадвалдаги каби экстремал тавсифга унча эга бўлишмайди.

Айзенк томонидан икки мустакил параметрлар асосида шахсларнинг тўрт категорияси таърифи

Ҳар бир категория ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, интроверсия ва экстраверсиянинг юқори ва қуи даражаси ҳамда барқарорлик ва нейротизмнинг юқори ёки қуи даражаси комбинацияси натижаси ҳисобланади.

**1-жадвал**

Ҳусусият	Барқарор	Невротизм
<b>Интроверт</b>	Хотиржам, мувозанатлашган, ишончли, назорат қилувчан, тинчликсевар, эътиборли, ғамхўр, пассив	Кайфияти тез ўзгарувчан, хавотирланувчан, риgid, мулоҳазали, пессимист, маҳдуд, мулоқотчан эмас, индамас
<b>Экстраверт</b>	Лидер, бегам, қувноқ, кўнгилчан, ҳозиржавоб, мулоқотчан, дўстликсевар, киришимли	Жиззаки, ҳаловатсиз, агрессив, қўзгалувчан, ўзгарувчан, импульсив, оптимист, фаол

Жадвалдан шуни кўриш мумкин-ки, интроверт ва барқарор шахслар, қонун-қоидаларга амал қиласиган, ғамхўр ва эътиборли инсонлардир. Ва аксинча, интроверт ва нейротизм комбинацияси индивид ҳатти-харакатларида хавотирланиш, пессимистик кайфият ва маҳдудликка сабаб бўлади. Экстраверт ва барқарор шахснинг хулқ-атворида меҳрибонлик, кўнгилчанлик ва киришимлилик кўзга ташланади. Ва ниҳоят, экстраверт ва нейротизмга мойил шахсларда агрессив хулқ-атвор, импульсивлик ҳамда тез

кўзғалувчанлик сингари хусусиятлар намоён бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, Айзенк асосий эътиборини индивидуал фарқларга қаратган. Демак, бу комбинациялар ичида бирини иккинчисидан афзаллик тарафи йўқ. Уларнинг ҳар бирини ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуддир.

Кейинчалик Айзенк ўз назариясига шахсни ўлчашдаги учинчи типни, яъни *психотизм* – *Супер-эго* кучини киритган. Бу хусусиятга эга шахслар эгоцентрик, импульсив, бошқаларга нисбатан бефарқ, жамият нормаларига қаршилик қилишга мойил бўлади. Улар кўпинча хавотирда бўлишади, инсонлар билан мулоқотга киришишга қийналишади ва бошқаларга кўнгилсизликлар олиб келишади. Айзенкнинг фикрича, психотизм генетик хусусиятга эга бўлиб, бу ҳолат аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди<sup>4</sup>.

### *Шахс хусусиятларини ўлчаш*

Кеттел сингари Айзенк ҳам шахснинг учта супер хусусиятидаги индивидуал фарқларни аниқлаш учун кўплаб ўзини-ўзи баҳолаш сўровномаларини ишлаб чиқсан<sup>5</sup>. Уларнинг энг охиргиси “Айзенк шахс сўровномаси” ҳисобланади (Eysenck Personality Questionnaire, EPQ). EPQ пунктларидан намуналар 2-жадвалда берилган. Шуни эътиборга олиш керакки, бу сўровнома шахс структурасини шакллантиришда муҳим ҳисобланган мазкур уч факторли пунктдан иборат. Бундан ташқари, EPQ ўз ичига ёлғон шкаласини ҳам киритган бўлиб, унинг ёрдамида шахс ўзини яхши кўрсатиш мақсадида ёлғон ишлатишини аниқлаш мумкин бўлади. Шунингдек, 7-15 ёшдаги болаларни тест қилиш учун “Ўсмир шахс сўровномаси” (Junior EPQ) ҳам ишлаб чиқилган.

Айзенк ва Кеттел факторлаштиришда турли хил шахс сўровномаларидан фойдаланиши, шахсни таърифлашда муҳим ҳисобланган хусусиятлар сонида фарқлар юзага келишининг асосий сабаби ҳисобланади. Бу ерда факторли анализ натижалари бевосита олинаётган маълумотлар типи ва манбаасига

<sup>4</sup> Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.7

<sup>5</sup> Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.5

боғлиқдир. Айзенкнинг шу нарсага ишшончи комил эдики, унинг икки критерияси – интроверсия/экстраверсия ва барқарорлик/нейротизм бошқа күплаб шахс сўровномаларини ўтказган бир қанча тадқиқотчилар томонидан эмпирик жиҳатдан тасдиқланган. Ушбу нуқтаи назар тўғри эканлигини исботловчи асосий далиллар экстраверт ва интровертлар хулқ-авторини тадқиқ этилиши натижасида олинган.

### ***Интроверт ва экстравертлар ўртасидаги фарқлар***

Айзенк ўзининг назарий концепцияларида катта эътиборни аниқ ўлчовларга қаратди. Бугунги кунга қадар унинг ишларини катта қисми интроверсия-экстраверсияга боғлиқ равишда шахс хулқ-авторида фарқлар мавжуд бўлиш ёки бўлмаслигини аниқлашга қаратилган эди<sup>6</sup>.

Айзенкнинг таъкидлашича, хулқ-автордаги индивидуал фарқлар факторли анализ орқали аниқланиши, сўровномалар ҳамда лаборатория шароитларида ўлчаниши мумкин.

Айзенк назарияси доирасидаги тест натижалари орқали олинган тадқиқотларга кўра, бир қатор эътиборга лойик фактлар келтирилган. Масалан, экстравертлар интровертларга қараганда, оғриққа анча чидамли бўлиб, иш пайтида сухбат қуриш ва кофе ичиш учун кўпроқ пауза қилишади. Улардаги қўзғалиш ҳаракат ва фаолиятларини самарали бўлишини таъминласа, бу нарса интровертларга тўскىнлик қиласади<sup>7</sup>.

Экстравертлар ва интровертлар ўртасидаги баъзи бир эмпирик ўрнатилган фарқлар куйида келтирилади.

- Интровертлар назарий ва илмий кўринишга эга бўлган фаолият турлари билан шуғулланишни ёқтиришса (масалан, инженерлик ишлари ва кимё каби), экстравертлар эса инсонлар билан ишлашни маъқул кўришади.

- Коллежда интровертлар экстравертларга қараганда кўпроқ муваффақиятларга эришишади. Коллежни психиатрик сабабларга кўра қолдирадиган студентларнинг аксарияти интровертлар бўлса, академик

<sup>6</sup> Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.6

<sup>7</sup> Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.6

сабабларга кўра қолдирадиганларининг асосий қисмини экстраверталар ташкил қиласи.

Интровертлар эрталаб ўзларини анча тетик хис қилишса, экстраверталарда бундай ҳолат кечкурун кузатилади. Бундан ташқари, интровертлар эрталаблари яхши ишлашади, экстравертлар эса куннинг иккинчи ярмида.

Интровертлар ва экстравертлар ўртасидаги асосий фарқлардан бири уларнинг стимулларга бўлган сезгирилигидир. Бу фарқ “лимон томчisi тести” ёрдамида осон аниқланиши мумкин. Агар бир одамнинг оғзига 4 томчи лимон суви томизилса, интровертларда экстраверталарга қараганда икки баравар кўп сўлак ажралар экан. Бу ҳолат интроверт ва экстраверталар физиолик фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади. Айзенкнинг фикрича, интроверт ҳамда экстраверталарнинг стимулларга бўлган реакциясидаги фарқнинг асосий сабаби уларнинг бош мия стволидаги ретикуляр формациянинг фаолиятига боғлиқ.

Айзенкнинг шахснинг тўлиқ суратини яратишда қилган саъй-харакатлари таҳсинга сазовордир. Кўпчилик психологлар уни илмий асосланган шахс структураси моделини яратишда биринчи даражали мутахассис деб ҳисоблашади. Ўзининг ҳар бир ишида Айзенк, индивидуал хулқдаги фарқларни тушунтиришда нейрофизиологик ҳамда генетик омиллар ролига эътибор қаратган. Бундан ташқари, унинг таъкидлашича, ишончли шахс назарияси яратишдаги асос – бу аниқ ўлчов ишлари ҳисобланади. Шунингдек, унинг криминология, таълим, психопатология ва хулқдаги ўзгаришлар соҳаларида тадқиқотларини алоҳида таҳқидлаб ўтиш жоиз. Хуроса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, Айзенк назариясининг шухрати ҳали бунданда юқорига кўтарилиб, олимлар томонидан уни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммаллаштириш давом этади.

### **Дж.Келлининг шахс конструктлари назарияси**

Джордж Келли (1905-1966 йй.) - америкалик психолог, Огайо университети профессори. 1955 йилда нашр этилган, ўзининг асосий иши

бўлган “Шахс конструктлари психологияси” устида Келли 20 йил ишлаган. Унинг назарий концепцияси Э.Эриксон, А.Маслоу ва бошқалар психологларники сингари бой амалий ва психотерапевтик тажрибага таянади. Энг асосийси, уларни бир фикр бирлаштиради. Унга кўра, шахсга алоҳида элементларга бўлиб бўлмайдиган, бир бутун тизим сифатида қараш керак. Шунга қарамасдан, Келлининг назарияси психоанализ ва гуманистик психология доирасида ишлаб чиқилган классик ишлардан ажралиб қолди<sup>8</sup>.

Ҳар бир шахс назарияси ўзининг конкрет тушунтириш принципига асосланган марказий нуқтасига эга. Мисол учун, психоанализда марказий тушунча – бу “онгизлик таъсири” ҳисобланиб, шахс модели икки асосга кўра қурилади. Булар онгизлик ҳолати ва жамиятда қабул қилинган қонун-қоидалардир. З.Фрейд инстинктив кучлар (онг ости, онг олди ва онг) шаклланиш даражасига эътибор қаратиб, шахс подтизимини учга бўлади (Id, Ego, Super-Ego). Шахс динамикаси онг ости фаолият натижаси ҳисобланади. К.Роджерс назариясининг асосини шахс ўзи ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва ўз-ўзига баҳо бериши ташкил этса, К.Левинда эса майдон тушунчasi етакчи ўринда туради. Кўпчилик замонавий психологлар учун шахс таҳлилиниңг асосий обьекти – шахснинг мотивацион соҳаси, унинг йўналганилиги, принципи эса психик детерминация ҳисобланади.

Баъзи бир ишларда шахснинг индивидуал хусусияти сифатида барқарор когнитив структуралари қабул қилинган. Бу – шахс билиш жараёнининг таркибий элеенти ҳисобланади.

Одатда, анъанавий шахс коцепцияларида когнитив (онг олди) характеристика бошқа тушунчалар ёрдамида ифодаланган. Бир неча ўн йиллар аввал Америка, шунинг билан бирга жаҳон психологиясининг бир қисмини бихевиоризм мактабига тегишли деб ҳисоблашган. XX асрнинг 50-йилларидан чет эл психологиясида психика тузилишининг асоси онг деб қаралган. Шу билан бирга, Фарбда экспериментал психология соҳасида янги йўналиш – когнитив психология вужудга келиши билан боғлиқ ўзига хос

---

<sup>8</sup> Boeree C. G. GeorgeKelly/Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – Р.3

революция содир. Билиш жараёнлари – идрок, тафаккур, дикқат ва хотира билан боғлиқ тадқиқот ишлари сони кўпайди.

Психологиянинг предмет ва методлари янгича талқин этила бошлади. Когнитивистларнинг фикрича, шахснинг хулқ-авторини унинг билимлари бошқаарди. Билимлар ролини ажратиш тадқиқотчиларнинг умумий йўналишини белгилаб берди. Энди ташқи шарт-шароитлар ва стимулларни таснифлаш бирдан бир мақсад бўлмай, билимлар тизимини, яъни объектлар, ҳолатлар ва бошқа инсонларнинг ички репрезентативлари(тасаввурлари)ни намоён қилувчи восита сифатида чиқди.

Шундай қилиб, когнитив психология, замонавий психологиянинг етакчи йўналишларидан бирига айланиб, бихевиористлар томонидан психологик жараёнлар шаклланишининг ички структурасини рад этилиши ва психоанализ томонидан шахс фаолиятида билимнинг ролини пасайтирилишига қарши реакция сифатида вужудга келди.

Когнитив психология психик жараёнлар кечишидаги ва шахс хулқ-авторидаги билимлар, когнитив структуралар ва схемаларнинг ҳал қилувчи ролига асосланган ҳолда шаклланади. Когнитив психология ривожланишининг биринчи босқичи Д.Бродбент, У.Найссер, Р.Аткинсон ва бошқа олимлар тадқиқотлари билан боғлиқдир. Дж.Брунер, С.Шехтерлар эмоциянинг когнитив назарияси асосчилари ҳисобланади. Айзенк эса индивидуал фарқларнинг когнитив назариясини таклиф этган бўлса, Дж.Келли, М.Макони ва Томслар шахс муаммолари билан шуғулланишган.

Биз факат Дж.Келлининг шахс когнитив назариясига тўхталиб ўтамиз. У ерда шахс конструктлар тизими сифатида талқин этилади.

“Онг” категорияси ичидаги хулқ-автор кўрсаткичлари сифатида ё бизнинг тасаввурларимиз таркиби (ўз-ўзини баҳолаш, социал таркиб), ёки бўлмасам онгнинг формал характеристикаси (когнитив майдон структураси, когнитив баланснинг мавжудлиги ёки диссонанс) қабул қилинади. Онгнинг формал характеристикаси (масалан, когнитив диссонанс, консонанс) билан Леон Фестингер шуғулланган. У ишлаб чиқсан махсус назарияга кўра,

индивиднинг онгида бирон-бир объект ёки ҳодиса ҳақида қарама-қарши маълумотларга дуч келинса, унда ноқулайлик ҳисси вужудга келади. Келлининг концепцияси когнитив деб номланишига, унда инсоннинг унга таъсир қилувчи стимулларни идрок этиши, ушбу стимулларни ўз хулқатворида талқин қилиш ва ўзгартириш йўллари эътиборга олиниши сабаб бўлган. Л.Фестингердан фарқли ўлароқ, Дж.Келли онгнинг нафақат формал, балки мазмуний характеристикасини тадқик қилишга ҳаракат қилган<sup>9</sup>.

Келлининг фикрича, инсоннинг билиш билан боғлиқ фаолияти реал фактларнинг классификацияси ҳамда интерпретацияси билан бошланади. Охиргиси ўз ҳолиша эмас, балки фаолият субъектига бўлган муносабатидаги реаллик сифатида ўрганилади. Интерпретация тушунчасининг ўрнига, у “конструктлаш” сўзини ишлатади. Инсон фактлар маънога эга бўлган конструктлар тизимидан фойдаланган ҳолда реалликни конструктлайди (уни тушунтиради, талқин қиласди). Аллақачон қуриб бўлинган конструктлар тизимиға асосланиб, инсон воқеа ва ҳодисаларни прогноз қилишга ҳаракат қиласди. Шахс психикасининг асосий функцияси – келажакни прогноз қилиш ҳамда хулқатворни бошқариш мақсадида реаликни тадқик этишдир. Дж.Келли назариясининг асосий моҳияти ҳам айнан шунда.

### **Назорат саволлари:**

1. Шахс тушунчанинг моҳиятини изоҳланг?
2. Шахснинг психологик тузилиш моделлари таҳлилини изоҳланг?
3. Г.Айзенкнинг шахс типлари назариясини тушунтириб беринг.
4. Шахснинг асосий типлари қайсилар?
5. Хусусият ва типларнинг нейрофизиологик асослари нималардан иборат?
6. Шахс хусусиятларини қандай ўлчанади?

---

<sup>9</sup> Boeree C. G. GeorgeKelly/Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.4-5

## IV БЎЛИМ (МОДУЛ). КОГНИТИВ ПСИХОЛОГИЯ

### XVII-БОБ. ДИҚҚАТ

**Таянч тушунчалар:** дикқат, дикқат турлари, ихтиёрий дикқат, ихтиёrsиз дикқат, ихтиёрийдан сўнгги дикқат, дикқатнинг фокуси, ориентранган дикқат, ички ва ташқи дикқат, дикқатнинг кўлами, дикқатнинг барқарорлиги, дикқатнинг йўналганлиги, фаол ва пассив дикқат.

#### 17.1. Дикқат ҳақида тушунча

**Дикқатнинг таърифи.** Дикқат – киши фаолияти барча турлари, энг аввало меҳнат ва ўқув фаолияти самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир. Меҳнат қанчалик мураккаб ва масъулиятли бўлса, у дикқатга шунчалик катта талаблар қўяди. Зийраклик кишига унинг кундалик ҳаётида – турмушида, бошқа одамлар билан муносабатга киришишида, спортда зарурдир. Ўқувчиларнинг дикқат-эътибори ўқув-тарбия жараёнини муваффакиятли ташкил этишнинг асосий шартларидан биридир. Таълим олишда дикқатнинг ролини таъкидларкан, буюк рус педагоги **К.Д.Ушинский** «... дикқат айнан шундай бир эшикки, ташқи оламдан киши қалбига кириб келадиган жамики нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали киради»<sup>10</sup>, – деб ёзган эди. Болаларни бу эшикни очик сақлашга ўргатиш биринчи даражали аҳамиятга молик иш эканлиги тушунарли. Бутун таълимнинг муваффакияти ана шу иш муваффакиятига таянади.

Билиш жараёнлари кечишининг энг муҳим хусусияти унинг танлайдиган, йўналтирилган тусдалигидан иборатдир. Теварак-атрофдаги оламнинг кўплаб таъсирлари орасидан киши ҳамиша ниманидир идрок этади, ниманидир фараз қиласи, нима ҳақдадир фикр юритади, ўйлади. Онгнинг бу хоссасини унинг дикқат каби хусусияти билан ўзаро боғлиқ деб хисоблашади. Дикқат билиш жараёнларидан фарқли ўлароқ, ўзининг алоҳида мазмунига эга эмас, у барча билиш жараёнларининг жўшқин жиҳатидир.

**Дикқат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги**

---

<sup>10</sup> Ушинский К.Д. Программа педагогического курса для женских ученых заведений. – Соч., соч., М., - Л., ПФА нашриёти, 1950, 10-том, 22-бет

*даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлигиdir.*

Йўналтирилганлик субъектнинг эҳтиёжларига, унинг фаолияти мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган обьектларнинг танланганлигида, ихтиёрий ёки ихтиёrsиз танлашда, ажратишда намоён бўлади. Диққат-эътиборнинг бир хил обьектларда кўринганлиги (концентрацияланиши) айни пайтда барча бегона нарсалардан чалғиши, бошқа обьектларнинг вақтинча инкор этилишини тақозо қиласди. Шу туфайли инъикос аниқ-равshan бўла боради, тасаввурлар ва ўй-фикрлар фаолият тугалланмагунга қадар, ундан кўзланган мақсадга эришилмагунча онгда сақланиб колади. Шу йўсинда фаолиятнинг назорат қилиб ва бошқарив борилиши таъминланади.

Олий шакллардаги диққатни психик жараёнлар ва кишининг англанилган хулқ-атвори кечишининг бошқарилиши билан боғлиқ деб хисоблашади.

Диққат сезги, хотира, тафаккур ва ҳаракат жараёнларида намоён бўлиши мумкин. Шу сабабли диққатни бирор нарсага қаратиш обьектига боғлиқ ҳолда диққатнинг намоён бўлишининг қўйидаги шаклларини: сенсор (перцептив), ақлий ҳаракатлантирувчи шаклларини ажратиб кўрсатадилар.

Ҳозирги вақтда *сенсор* (кўриши ва эшиитиши) диққати кўпроқ ўрганилгандир. Диққатга таъриф берадиган маълумотларнинг кўпчилиги амалда уни тадқиқ этиш натижасида кўлга киритилган. Диққат бамисоли билиш (*идрок*, хотира ва тафаккур) жараёнлари орасида намоён бўлиб, улар самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Жумладан, идрокнинг аниқ-равshanлиги ва тўлақонлилиги диққатга боғлиқ, диққатнинг сусайиши перцептив жараёнларнинг бирмунча даражада бузилишига ва шакланаётган сиймонинг ўзгариб кетишига олиб бориши мумкин.

## **17.2. Диққат турлари**

*Ҳосил бўлиши хусусиятига ва амал қилиши усулларига кўра диққатнинг иккита асосий тури – ихтиёrsиз ва ихтиёрий турлари мавжуд деб хисоблашади. Ихтиёrsиз диққат кишининг англашилган ниятлари ва*

*мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади ва қўллаб-қувватланади.*

***Ихтиёрий диққат онги равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган диққат-эътибордир.*** Ихтиёрий диққат ихтиёrsиз диққат замирида ҳосил бўлади. Диққатнинг бу турлари диққатнинг даражалари сифатида қабул килиниши ҳам мумкин. Диққатнинг турларидан ҳар бир (сенсор, ақлий ва ҳоказолар) турли даражаларда намоён бўлиши мумкин.

***Ихтиёrsиз диққатнинг пайдо бўлиши жисмоний, психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади.*** Кўзғатувчиларнинг сифати, аввало, уларнинг субъект учун янгилиги ихтиёrsиз диққатнинг пайдо бўлишидаги асосий шартлар жумласига киритилган бўлиши мумкин.

Янгилиги илгари мавжуд бўлмаган қўзғатувчининг юзага келишидан, мавжуд қўзғатувчиларнинг жисмоний хусусиятлари ўзгаришдан, улар таъсирининг сусайиши ёки йўқолиб колишидан, таниш қўзғатувчиларнинг йўқлигидан, қўзғатувчиларнинг фазода кўчиб юришидан (ҳаракатланувчи буюмлар, одатда диққатни ўзига жалб этади) иборат бўлиши мумкин. Одатдагидан бошқача барча нарсалар диққатни ўзига тортади. Амалда биттагина умумий хусусияти – янгилиги билан ажралиб турадиган хилма-хил қўзғатувчилар мослашиб қолингани оқибатида улардан таъсирланиш сусаймаганлиги натижасида диққатни жалб қиласи.

Диққатни кучли қўзғатувчилар: *баланд овоз, ёрқин нур ва кучли ҳид* жалб этади. Бунда қўзғатувчининг абсолют жадаллигидан кўра нисбий жадаллиги, яъни қўзғатувчининг уша пайтда таъсир қилаётган бошқа қўзғатувчилар билан куч жиҳатдан ўзаро нисбати аҳамият касб этади; шундай қилиб улар ўртасидаги кескин фарқ ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу қўзғатувчининг фақат кучига эмас, балки унинг бошқа хусусиятларига ҳам тааллуқлидир. Жумладан, *кичкина буюмлар иирик нарсалар орасида, учбуручак эса тўртбурчаклар орасида тезроқ пайқалади.*

Индивиднинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган, унинг учун аҳамиятга эга бўлган қўзғатувчилар ихтиёrsиз диққатни қўзғайди. Чунончи, синалевчи тажриба шароитларида маърузачи ўқиётган хабарни идрок этиш бўйича

кўрсатмага мувофиқ диққатини жамлаган ва бошқа бир кишининг шу билан бир вақтда эшитилаётган овозига етарли даражада эътиборни қаратмаган бўлса ҳам, ўша бошқа бирор синалувчининг номини тилга олганида унга дарҳол диққатини қаратади.

Ихтиёrsиз диққатда бевосита қизиқишининг роли бениҳоя каттадир. Нимаики қизиқарли, ҳиссиётга бой, завқли бўлса, диққатнинг узоқ вақт мобайнида кўриниб туришини тақозо этади.

*Ихтиёrsиз диққат шахснинг умумий йўналғанлигига ҳам боғлиқдир.* Масалан, театр билан қизиқадиган киши, эҳтимол футбол бўйича бўлажак мусобақа ҳақидаги эълонга эътибор бермасдан, айни чоғда театрга оид янги эълонни тезроқ пайқashi мумкин. Ихтиёrsиз диққат субъектнинг англашилган ниятларидан мустасно тарзда, унинг бирон бир иродавий уринишларисиз рўй беради. *Ихтиёrsиз диққатнинг асосий вазифаси мухитнинг доимий равишда ўзгариб турадиган шароитларида тез ва тўғри мўлжал олишидан, унинг мазкур пайтда энг кўп даражада ҳаётий мазмун касб этиши мумкин бўлган объектларни алоҳида ажратиб кўрсатишидан иборатдир.*

*Ихтиёрий диққат диққатнинг олий тури сифатида меҳнат жараёнида таркиб топгандир.* Ихтиёрий диққат агар киши фаолияти жараёнида ўз олдига маълум бир вазифа қўйган ва ҳаракат программасини онгли тарзда ишлаб чиқкан бўлса юз беради. Унинг диққатини жалб этадиган объектларнинг алоҳида ажратиб кўрсатилиши ана шу ҳол билан белгиланади. Диққат анча янги, қизиқарли, мароқли бўлмаган нарсаларга қаратилмасдан, аксинча фаолиятнинг мақсади билан боғлиқ нарсаларга, уни амалга ошириш учун муҳим ва зарур бўлган нарсаларга жалб этилган шароитларда кўпинча иродавий куч-гайратларни ишга солиш талаб қилинади.

Диққатни маълум объектга қаратиш учун иродавий куч-гайрат сарфлаш зарурати ишга тушаётган пайтда, бинобарин, қийинчиликлар пайдо бўлганида, билишга оид қизиқиш сусайганида ва шунингдек, тўсиқлар (янги,

кучли ёхуд ҳиссий жиҳатдан аҳамиятга молик қўзғатувчилар) мавжуд бўлган кезда аниқ-равшан намоён бўлади.

Ихтиёрий диққат жараёнида шахснинг фаоллиги намоён бўладики, бундай вақтда қизиқишилар билвосита хусусият (бу фаолият мақсади ва натижасининг эҳтиёжлари) касб этади. *Ихтиёрий диққатнинг асосий вазифаси психик жараёнларнинг кечишини фаол бошқариб туришдан иборатdir*. Киши айнан ана шу ихтиёрий диққатнинг мавжудлиги туфайли хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда, танлаб «ажратиб-олиши»га, муҳим ва жиддий нарсаларни алоҳида ажратиб кўрсатишга, тўғри қарорлар қабул қилишга, фаолият жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлади.

Ихтиёрий ва ихтиёrsиз диққатдан ташқари унинг яна бир алоҳида турини – ихтиёрийдан сўнгги диққатни алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу тушунча психологияга Н.Ф.Добринин томонидан жорий этилгандир.

*Агар мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун диққатнинг ихтиёрий кўринганидаги каби фақат фаолият натижаси эмас, балки унинг мазмуни ва жараёнининг ўзи қизиқарли ва аҳамиятли бўлса, бу ихтиёрийдан сўнгги диққат тўғрисида мулоҳаза юритишига асос беради.* Бу ҳолда фаолият кишини шу қадар қизиқтириб юборадики, у диққатни обьектга қаратиш учун сезиларли иродавий куч-ғайрат сарфламаса ҳам бўлаверади. Шундай қилиб, ихтиёрийдан сўнгги диққат ихтиёрий диққатдан кейин намоён бўлган ҳолда унинг ўзидангина иборат деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бу диққат англанилган ҳолда илгари сурилган мақсад билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ихтиёrsиз диққатдангина иборат қилиб кўйилиши ҳам мумкин эмас. Масалан, юқори синф ўқувчиси имтиҳонга тайёрланаётib, қийин китобнинг қисқача мазмунини ёзиб чиқаркан, олдинига ўзини диққат-эътиборли бўлишига, алаҳсимасликка мажбур қиласди. Лекин кейинчалик у ишига шундай қизиқиб кетадики, оқибатда уни китобдан чалгитиши қийин бўлиб қолади. Даставвал иродавий куч-ғайратлар мададига таянган диққат ихтиёрийдан сўнгги диққатга айланади. *Ихтиёрийдан*

сүнгги дикқат бирор нарсага узоқ вақт давомида жуда ҳам барқарор қаратилиши билан белгиланади, күпроқ юқори даражадаги жадал ва унумли ақлий фаолиятни, барча турдаги меҳнатнинг юксак унумдорлигини асосли равишда ана шундай дикқат тури билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

### **17.3. Диққатнинг физиологик механизмлари**

Диққатнинг физиологик асосларини тушуниб етишда буюк рус физиологлари *И.П.Павлов* ва *А.А.Ухтомскийларнинг* илмий ишлари катта аҳамиятга эгадир.

***И.П.Павлов ва А.А.Ухтомскийларнинг гояларига биноан диққатнинг ҳодисалари қўзғалиши ва тормозланиши жараёнларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати натижасида муайян мия тузилишиларининг қўзғалувчанлиги билан боғлиқдир.***

И.П.Павловнинг ҳисоблашича, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида мия қобиғида қўзғалиш учун анча қулай ва мақбул шароитларга эгалиги билан ажралиб турадиган бирон бир қисм мавжуд бўлади. Бу қисм нерв жараёнлари индукцияси қонунига биноан пайдо бўлади. Бош мия қобиғининг битта қисмида кўринган нерв жараёнлари шунга мувофиқ тарзда унинг бошқа қисмларида тормозланишга (ва аксинча) олиб келади. Қўзғалишнинг энг мақбул марказида янги шартли рефлекслар осонгина пайдо бўлади, табақаланиш муваффақиятли равиша юз беради. Мазкур ҳолда бу «катта яrim шарларнинг ижодий бўлмаси»дир. Энг мақбул қўзғалиш маркази ўзгарувчандир. И.П.Павлов шундай деб ёзган эди: «*Агар бош суяқ косаси орқали кўриши мумкин бўлганда ва агар энг мақбул қўзғаладиган катта яrim шарлар ўрни ёритилганда борми, бу ҳолда биз фикрлайдиган онгли одамда унинг катта яrim шарлари бўйлаб доимо ўзгариб турадиган, шакли ва катталиги ғалати кўринишга эга бўлган ҳамда яrim шарларнинг қолган барча бўшилигидаги кўпроқ ёки озроқ даражадаги соя билан ўралган оч рангли дознинг у ёқдан-бу ёққа қай тарзда кўчиб юришини кўрган бўлардик*»<sup>11</sup>. Ушбу

<sup>11</sup> **Павлов И.П.** Двадцатилетний опыт объективного изучения высшей первой деятельности (поведения) животных. Пол. Собр. Соч., М,-Л, ФА нашриёти 1951, III том, 1-китоб, 248 бет

оч рангли «доғ» худди ўша энг мақбул қўзғалиш марказига мос келади, **унинг «у ёқдан бу ёққа кўчиб юриши» дикқатнинг жёшиқинлигини таъминлайдиган физиологик шарт** ҳисобланади. И.П.Павлов қўзғалиш марказининг бош мия пўстлоғи бўйлаб ҳаракат қилиши ҳақидаги қоидаси ҳозирги замондаги экспериментал тадқиқотлар (Н.М.Ливамовнинг маълумотлари) билан исботланди.

*Дикқатнинг физиологик механизmlарини тушуниб этишда доминанта (наслдан-наслга ўтувчи асосий белги) принципи алоҳида аҳамиятга эгадир. А.А.Ухтомскийнинг фикрига кўра, мияда ҳамиша қўзғалишининг устун ва ҳукмронлик қилувчи маркази мавжуд бўлади.* А.А.Ухтомский доминантани «юксак даражадаги қўзғалиш марказлари» консталляцияси (мавжуд ахволи) деб таърифлайди. Доминантанинг ҳукмронлик қилувчи сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у қўзғалишининг янги ҳосил бўладиган марказларини факат тийиб қўя қолмайди, балки суст қўзғалишларни ўзига жалб этишга («тортишга») ва шу туфайли уларнинг ҳисобига янада кучайишга, улар устидан янада кўпроқ даражада устунлик қилишга ҳам қодирдир: Доминанта қўзғалишининг барқарор маркази ҳисобланади. А.А.Ухтомский: «Доминанта» деган ном замирида юксак даражадаги қўзғалишининг кўпроқ ё озроқ барқарор маркази тушунилади», деб ёзган эди. А.А.Ухтомскийнинг доминанта тўғрисидаги тасаввурлари узоқ вақт давомида дикқатнинг ҳаракатлантирувчи механизмини тушуниш имконини беради.

*Кейинги йилларда дикқатнинг нейрофизиологик механизmlари тизимида катта ярим шарлар пўстлогининг етакчи роль ўйнаши ҳақидаги масаввурлар тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.* Катта ярим шарлар пўстлоғи даражасида нейронларнинг алоҳида турлари мавжудлигини (дикқат нейронлари – янгилик детектори ва қурилма тўқималари – кутиш тўқималари) дикқат жараёнлари билан боғлайдилар.

#### **17.4. Дикқатнинг хусусиятлари**

Диққат турлича сифат кўринишлари билан таърифланади. Диққатнинг бу кўринишларини диққатнинг сифати ёки диққатнинг хусусиятлари деб аталади. Диққатнинг барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва кўлами шулар жумласига киради. Диққатнинг ҳар хил сифатлари бир-бирларига боғлангандир. Диққат асосий хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги туфайли хосил бўлган мураккаб функционал структураси билан белгиланади.

**Диққатнинг барқарорлиги.** *Барқарорлик – диққатнинг замон ичидаги таърифи*дир. У жадал диққатни сақлаб туришининг давомлилиги билан белгиланади. Фаолиятнинг нисбатан узоқ вақт мобайнида юксак унумлилиги барқарорлик қўрсаткичи ҳисобланади. Шундай қилиб, диққатнинг барқарорлиги унинг давомлилиги билан ҳам, у юз берган бутун вақт мобайнида қаратилганлиги даражаси билан ҳам белгиланади.

*Диққатнинг барқарорлиги диққат қаратиладиган обьектларнинг хусусиятларига ва диққати ўйналтирилган шахснинг фаолигига боғлиқ бўлади.* Диққат жалб қилинадиган обьектларнинг ўзгарувчанлиги, харакатчанлиги диққатни узоқ вақт мобайнида жалб этишнинг муҳим шартлари

дир. Агар обьектнинг ўзи ўзгармайдиган бўлса ва агар уни турли жиҳатдан ўрганиб бўлмаса, у ҳолда бундай обьектларга узоқ вақт мобайнида диққатни жалб қилиб туриш ўта мушкулдир. Барча бир хиллик диққатни сусайтириб қўяди.

*Объект мураккаблаша борган сари диққатнинг барқарорлиги орта боради. Мураккаб обьектлар фаол фикрлаш фаолиятини тақозо этади.* Диққатни жалб этишнинг давомлилиги ҳам ана шунга боғлиқдир. Лекин бу мураккаблик мақбул даражада бўлиши керак, акс ҳолда диққатнинг жалб этилиши кишини тез толиқтириб қўйиши ва унинг диққати сусайиб қолиши мумкин. Фаолиятга кизиқиши қанчалик қучли бўлса, кишини ўзига қанчалик кўп жалб этса, диққатнинг қаратилиши ҳам шунча узоқ ва жадал давом этади. *Киши бажарилаётган ишининг муҳимлигини, аҳамиятини англаб етган тақдирда диққат гоят барқарор бўлиши мумкин.* Унинг учун ҳам билишга оид барқарор қизиқишлиарни шакллантириш – ўқувчиларнинг таълимдаги

синчковликларини оширишнинг, ўқув жараёни муваффақиятлигининг мухим шартларидан биридир.

Дикқатнинг барқарорлигини сақлашда шахснинг фаоллиги катта аҳамиятга эгадир. Фаоллик объектлар билан юз берадиган ташқи ифодага эга бўлган амалий ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин. Дикқат жалб этиладиган объектларнинг анча тўлароқ акс эттирилишини тақозо қиладиган турли хилдаги перцептив ва тафаккурга оид вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ ички фаоллик ҳам мухим рол ўйнайди. Объектларнинг ҳар томонлама ўрганилишини, уларда янги хусусиятлар ва белгиларнинг алоҳида кўрсатиб берилишини, улар мазмунининг баён қилинишини, боғланишларининг аниқланишини тақозо этадиган вазифалар қўйилиши ва уларнинг ҳал этилиши – дикқатнинг узоқ вақт давомида кўринишини сақлашнинг мухим шартидир.

Дикқатнинг барқарорлиги унинг статиклиги дегани эмас. Дикқатнинг барқарорлиги унинг ҳаракатчанлик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир.

Дикқатнинг ҳаракатчанлик хусусиятларидан бири унинг *ўзгарувчанлиги* (*флуктуацияси*)дир. *Ўзгарувчанлик деганда дикқатнинг жадаллиги даражаси вақти-вақти билан беихтиёр равишда қисқа муддатли ўзгариб туриши, – унинг вақти-вақти билан беихтиёр равишда кучайиб ёки сустлашиб кетиши тушунилади.* Жумладан, соатнинг жуда ҳам оҳиста, зўрга эшитилиб турган чиқиллашига қулоқ соларканмиз, биз товушни гоҳ сезамиз, гоҳ уни сезмай қоламиз. Бу алмашинув сакраш тарзда, қисқа вақт ичида содир бўлади.

Дикқатнинг ўзгариб туриши иккиланувчи тасвир деб аталмиш тасвирларни идрок этишда осонгина қузатилади. Агар бир неча дақиқа давомида кесик пирамиданинг тасвирига тикилиб қаралса, унинг устки томони бамисоли олдинга сурилиб чиқсан, гоҳо бизга қараб тургандай, гоҳида эса биздан узоклашиб кетаётгандай бўлиб туюлади. Дикқатнинг вақти-вақти билан тез-тез қисқа муддатли ўзгариши асосан аранг пайқаладиган, жуда содда ибтидоий ва ҳаракатсиз объектларни суст идрок

этиш жараёнида аниқланди (Я.Н.Ланге ва бошқаларнинг тадқиқотлари). Бундай ҳолларда диққатнинг тўла қаратилганлик вақти 2-3 сониядан ошмайди (кўпи билан 12 сонияга teng бўлади), кейин тахминан худди шундай давомлилик билан унинг сусайиши содир бўлади. Шубҳасиз, диққатнинг барқарор қаратилганлиги доирасида унинг анчагина, қисқа муддатли ўзгариши субъектив равишда кўпинча сезилмай қолади ва фаолиятнинг кўпгина турлари юз бериши ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги пайтда ўтказилаётган инженерлик психологиясига оид тадқиқотларнинг маълумотларига мувофиқ диққатнинг ўз-ўзидан рўй берадиган флюктуациясини сенсор тизимлари «ўтказиш қобилияти»нинг йўналтириб борилишини таъминлайдиган ўзини ўзи бошқариши билан боғлиқ ўзгариш жараёни деб ҳисоблаш мумкин.

Диққатнинг қаратилганлиги узоқ давом этадиган иш мобайнидаги барқарорликнинг ўзгаришида ҳам намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар диққатнинг қаратилганлик босқичлари деб ҳисобланади. Булар – ишга илк бор киришиш, диққатнинг қаратилганлигига эришиш ва сўнгра ундаги кичик ўзгаришларнинг иродавий куч-ғайратлар эвазига бартараф этилиши, чарчоқ кучайган пайтда диққатни қаратишнинг ва ишлаш қобилиятининг сусайишидир. Диққатнинг қаратиш босқичларига эгалиги ҳақидаги маълумотлар меҳнат психологияси соҳасида ўтказилган тадқиқотларда олингандир. Диққатнинг барқарорлигидаги бундай ўзгаришлар ўқувчиларнинг дарс давомидаги диққатида ҳам намоён бўлади: дарснинг бошланишида диққатни бирор нарсага қаратишнинг қийинлиги ва етарлича барқарорлигига эришилмаслик, сўнгра диққатнинг мумкин қадар узоқ вақт қаратилиши ва дарснинг тугалланишига яқин қолганда чарчаганлик оқибатида диққатнинг бир оз сусайиши кузатилади. Диққатнинг қаратилишига хос бўлган бу хусусиятларни педагогик иш тажрибасида ҳисобга олиш зарур.

**Диққатнинг кўчиши.** *Диққатнинг кўчиши субъектнинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга, бир обьектдан иккинчи обьектга, бир*

ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга атайды үтишида намоён бўлади. Диққатнинг кўчиши ё онгли равишдаги хулқ-атворга, фаолиятнинг талабларига (муайян фаолиятнинг ўзида бир объектдан, бир ҳаракатдан бошқаларига ўтиш чоғида), ёхуд ўзгариб кетаётган шарт-шароитларга мувофиқ тарзда янги фаолиятга киришиш заруратига боғлиқ бўлади ёки дам олиш (қачонки, олдинги иш кишини чарчатиб қўйган кезларда) мақсадида амалга оширилади. Фақат объектлар ва жараёнлар ўзгариб, фаолият эса узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолган ҳолларда диққатнинг барқарорлиги доирасида унинг кўчиши юз беради. Бундай кўчиш узоқ давом этадиган иш пайтида чарчашнинг олдини олади ва шу билан диққатнинг барқарорлигини оширади. Лекин бу тез-тез такрорланавермаслиги лозим, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Диққатнинг кўчишида қатор кўрсаткичлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу, энг аввало, битта фаолият ёки жараёндан бошқа бирига ўтиш учун сарф бўладиган вақт; ишнинг унумдорлиги ёки маҳсулдорлиги (унинг ҳажми ёки ҳажми жиҳатдан муайян материални диққатни кўчирмасдан бажаришнинг фаолиятга таққосланган вақти); ишнинг сифати, аниқлиги (унинг бехатолиги ёки кўчириш билан боғлиқ ҳолдаги хатоларнинг мавжудлиги)дир. Диққатнинг тўла, тугалланган ҳолдаги кўчирилиши, ёхуд чала, тугалланмаган кўчирилиши тўғрисида сўз юритилиши мумкин. Диққати чала, тугалланмаган ҳолда кўчирилган киши янги ишни бажаришга киришган тақдирда олдин бажариб келган ишига бўлган диққатини батамом бўлиб қўя олмайди. Диққатнинг чала кўчирилиши натижасида унинг йўналишидаги ўзгариш диққатнинг янги фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш, янги вазифани бажариш учун зарур бўладиган даражада жамланишининг юз беришига олиб келмайди. Диққатнинг чала кўчишида олдинги фаолиятнинг тормозловчи таъсири, масалан, янги ишнинг эски ишга хос тартиб-қоидалар бўйича бажарилаётганлигига намоён бўлиши мумкин. *Диққатни кўчиришининг муваффақияти бир қанча шарт-шароитларга боғлиқдир. Кўчириши олдинги ва кейинги фаолиятнинг хусусиятлари билан*

боғлиқ бўлади. Жумладан, дикқатни кўчиришнинг муваффақиятлилиги кўрсаткичлари енгил-елпи фаолиятдан мashaқатли фаолиятга ўтишда анча камаяди. Кўчиришнинг муваффақиятлилиги кишининг олдинги ва янги фаолиятга бўлган муносабати билан белгиланади. Олдинги фаолият қанчалик қизиқарли ва кейингиси ўзига қанчалик камроқ жалб этадиган бўлса, дикқатнинг кўчиши ҳам шунчалик қийин бўлади. Агар олдинги фаолият тугалланмаган бўлса, янгисини бошлаш анча қийинроқдир. Дикқатни кўчиришнинг муваффақиятлилиги олдинги фаолиятга дикқатнинг қанчалик жалб этилганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Агар дикқат ғоят даражада қаттиқ жалб этилган бўлса, қўчирилиши жуда ҳам қийин бўлади. Дикқатнинг кўчирилиши кўп жиҳатдан янги фаолият мақсадининг шахс учун аҳамияти, унинг аниқ-равонлиги ва соддалиги билан белгиланади.

Дикқатнинг кўчирилишида анчагина индивидуал фарқлар мавжуддир. Баъзи одамлар бир фаолиятни қўйиб, иккинчисини бажаришга тез ва осонгина киришиб кетса, бошқаларига бундай тарзда ўтиш учун узоқ вақт ва анчагина куч ғайрат сарфлашга тўғри келади. Дикқатни кўчиришнинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари нерв жараёнлари ўзгарувчанлиги хусусиятлари билан боғлиқ, деб тахмин қилинади. Шу билан бирга машқ қилиш йўли билан ҳам дикқатни кўчириш кўрсаткичлари оширилиши мумкин.

Хозирги кўпгина касблар айнан дикқатнинг кўчувчанлигига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Дикқатнинг кўчиши ўқув жараёнида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар дикқатини кўчиришнинг зарурлиги ўқув жараёнининг ўзи қандай олиб борилаётганлиги хусусиятларидан: мактабда кечадиган кун мобайнидаги турли ўқув фанларининг алмашишидан, дарсларда материални ўрганиш босқичларининг изчиллигидан (бу ўқувчилар фаоллиги турлари ва шаклларининг алмашинишини тақозо этади) келиб чиқади. Дикқатнинг оқилона кўчирилиши ақлий меҳнат гигиенаси нуктаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга ва ишга лаёқатлиликни тегишли даражада сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Диққатнинг кўчиши билан бир каторда унинг **бўлинишини**, ҳам алоҳида ажратиб кўрсатадилар. *Диққатнинг бўлиниши деганда унинг асосий фаолиятдан уни муваффақиятли тарзда бошқа яна биттаси билан қўшиб бажарии мумкин бўлмайди.* Ақлий фаолиятнинг иккита турини бирга қўшиб олиб бориш ҳам қийин. Ҳаракат фаолиятини ва ақлий фаолиятни биргаликда бажарилган тақдирда диққатнинг тақсимланиши анча самарали бўлади. Уларнинг бирга қўшиб бажарилишида ақлий фаолиятнинг самарадорлиги ҳаракат фаолиятига нисбатан анча камайиб кетиши мумкин. Барча ҳолларда бирга қўшиб бажарилаётган фаолият турларидан ҳеч бўлмаганданда биттасининг автоматлаштирилиши диққатни муваффақиятли равища тақсимланишининг асосий шарти ҳисобланади.

**Диққатни тақсимлаш малакаси** ўқув фаолиятини эгаллаб олиш жараёнида шаклланади, у машқ қилиш ва тегишли кўникмаларни орттириш орқали ривожлантирилиши мумкин.

**Диққатнинг кўлами.** Диққатнинг хусусиятлари қаторига айни бир вақтнинг ўзида аниқ-равshan идрок этиладиган обьектлар сони билан белгиланадиган кўлами ҳам киради. Кўплаб содда обьектлар (ҳарфлар, шакллар ва ҳоказолар) 0,07-0,1 сония вақт оралиғида идрок этилган тақдирда катта ёшдаги кишида диққатнинг кўлами ўртача 5-7 элементга teng бўлиши аниқлангандир. Диққатнинг кўлами идрок этиладиган обьектларнинг хусусиятларига боғлик бўлади. Жумладан, англанилган матн тақдим этилганда 14 ҳарфли сўзлар осонгина илғаб олинади. Шу билан бирга идрок этувчи субъект обьектни умуман илғаб оларкан, унинг учун ҳам ундаги хатоларни пайқамаслиги мумкин. *Кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг кўлами жуда ҳам чекланган бўлади. Ёш улгайган сари у кенгая боради. Идрок этилаётган материални мазмунига кўра гурухларга ажратса билиш, тизимга sola билиш, бирлаштира олиш малакаларининг шакллантирилиши диққатнинг кўламини кенгайтиришининг асосий шарти ҳисобланади.*

Тез ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар қилишни тақозо этадиган меҳнат фаолиятида диққатнинг кўчирилиши, тақсимланиши ва кўлами бир

бутун, яхлит бўлади. Кўчиш таксимлашга айланиб қолиши, тақсимлаш ҳодисаси тездаёқ кўчиш билан тўлдирилиши ва алмаштирилиши мумкин. Кўлам, тақсимланиш, кўчиш ўртасидаги чегараларни амалда пайқаб олиш қийин, улар ягона диққат ҳодисасининг ҳар хил қирралариридир.

**Диққатнинг бузилиши.** Диққатнинг салбий жиҳатларидан бири *паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диққатни узоқ вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, диққатнинг осонгина ва тез-тез бўлиниб туришида намоён бўлиши мумкин.* Паришонхотирликнинг бу кўриниши кўпинча иш қобилияти сусайиб кетишининг ва хулқ-атвордаги уюшмаганликнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Паришонхотирликнинг сабаблари ҳар хилдир. Паришонхотирлик шахснинг барқарор ҳислати сифатида ихтиёрий диққатнинг сустлиги – кўрсаткичи ҳисобланади ва нотўғри тарбия натижаси (боланинг эркалатиб юборилиши, жазоланмасдан қолиши, таассуротларнинг ҳар хиллигига одатланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу хилдаги *паришонхотирликка қарши, аввало, шахсда иродавий фазилатларни шакллантириши йўли билан кураш олиб бории керак*. Доимо паришонхотирликни бола саломатлигининг яхши эмаслиги, нерв тизимининг умуман бузилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Паришонхотирлик ҳаддан ташқари, ҳиссий ҳаяжонланиш ёхуд чарчаш оқибати сифатида қисқа муддатли бўлиши ҳам мумкин. Сўнгти ҳолатда у кўпинча ўқиш куни ва хафтасининг охирида намоён бўлади.  
**Педагогик иши тажрибасида диққатни тарбиялаши мақсадида паришонхотирликнинг барча сабаблари ва хусусиятлари инобатга олинини шарт.**

Қачонки, киши ишга берилиб кетиб, ўз ўй-хаёли, кечинмалари билан бўлиб, машғул бўлган ишидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаётган ва эшитмаган ҳолларда ҳам «паришонхотирлик» ҳақида сўз юритилади. У, масалан, теварак-атрофдагиларга эътибор бермайди, ўзига қаратилган саволларга парво қилмайди. Бундай «паришонхотирлик» диққатнинг ёрқин ифодаланган

холдаги ташланганлигидан, унинг беҳад жамланганлиги ва жадаллигидан ҳосил бўлади. Диққатнинг энг кўп даражада жамланганлиги, юқорида қайд этиб ўтилганидек, фаолиятда муваффақият қозонишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Диққатнинг паришонхотирликдан ташқари бошқа хилдаги бузилишлари ҳам борлиги эътироф этилади. Диққатнинг ҳаддан зиёд ҳаракатганлиги, бир обьектдан ва фаолият туридан бошқаларига доимий равишда ўтиб туриш ёки аксинча, ҳаракатсизлиги, диққатнинг суст ҳаракат қилиши, унинг тор доирадаги тасаввурлар ва фикрларга паталогик тарзда қайд этилиши шулар жумласига киради. Диққатнинг бу хилдаги бузилишлари миянинг баъзи бир органик касалликлари, энг аввало, унинг пешана қисмидаги касалликлари юз берган пайтларда кузатилади.

### **17.5. Ўқув жараёнида диққатнинг ривожланиши**

Мактаб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда диққатнинг барча турларига хос хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Ўқув жараёнида ихтиёrsиз диққат муҳим роль уйнайди. Ихтиёrsиз диққатнинг бошланғич синфлардаги роли айниқса каттадир. Негаки, кичик ёшдаги ўқувчиларда диққатни ихтиёрий равишда бирор нарсага қаратиш қобилияти суст ривожланган бўлади. Лекин ҳатто қуий синфларда ҳам ўқув-тарбия жараёнини диққатнинг фақат ана шу турига асосланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Ушинский қайд этиб кетганидек, «*ўз дарсингизни мароқли ўтказар экансиз, болаларни зериктириб қўйшидан кўрқмаслигинги мумкин, лекин шуни эсда тутингки, машгулотда ҳамма нарса ҳам мароқли бўлавермаслиги мумкин, аксинча муқаррап зерикарли нарсалар ҳам бўлади ва шундай бўлиши ҳам керак. Болани уни қизиқтирган ишнигина эмас, балки қизиқтиrmайдиган ишни ҳам бажаришга – завқ-шавқ олиши мақсадида ўз бурчини адo этишига ўргатинг*<sup>12</sup>. Мактаб иш тажрибасида унинг учун ҳам ихтиёрий ва ихтиёrsиз диққатни бирга кўшиб олиб бориш ва ихтиёrsиз диққатга таянган ҳолда ихтиёрий диққатни тарбиялаш зарур.

<sup>12</sup> Ушинский К.Д. Родное слово. – Собр. Соч. М. Л., ПФА, нашриёти, 1949, 6-том, 252-бет.

Диққатни иродавий куч-ғайратлар ёрдами билан доимо бир маромда сақлаб туриш ўта зўриқиши талаб қиласи ва кишини жуда ҳам толиқтириб кўяди. Ўқитиш жараёнида ихтиёрийдан сўнгги диққатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги худди шу ҳолат билан белгиланади. Даставвал у ихтиёрий диққат сифатида пайдо бўлиши муносабати билан фаолиятнинг, ишга «тортиш» жараёнининг илк босқичларини пухта ташкил этиши шарт. Ихтиёрийдан сўнгги диққатга хос бўлган қизиқиши шахснинг фаоллигига боғлиқдир.

Демак, шахс фаоллигини таъминловчи диққат жараёнига хос хусусиятларни билиш психологик билимларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Диққат деганда нимани тушунасиз?
2. Диққатнинг турлари, диққатнинг хусусиятлари.
3. Диққатнинг концентрацияси, диққат ва онг.
4. Диққат ва бошқа билиш жараёнларининг алоқадорлиги.

## XVIII-БОБ. СЕЗГИ

**Таянч тушунчалар:** анализатор, сезги, туюш, интериоризация, экстериоризация, адаптация, синестезия, сенсибилизация, бинокуляр күриш, дивергенция, монокуляр күриш, статик сезгилар, мувозанат сезгилари.

### 18.1. Сезги ҳақида тушунча

Жаҳон психологияси фанида тўпланган маълумотларнинг кўрсатишича, сезиш оддий психик билиш жараёни ҳисобланиб, моддий қўзғатувчиларнинг муайян рецепторларга бевосита таъсир этиши орқали реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини ва шунинг билан бирга, инсон организмининг (унинг аъзоларининг) ички ҳолатларини акс эттиришдан иборат билишнинг дастлабки босқичидир. *Сезги биосфера ва неосферада ҳаракатланувчи жамики нарсаларнинг, хоҳ микро, хоҳ макро тузилишидан қатъи назар, сезги органларига таъсир қилиши маҳсулиниң содда образлар, тимсолларнинг айрим таркибий хусусиятлар тариқасида акс этишидир.* Инсон атроф-муҳитдаги моддалар шаклини, ҳаракатлар кўринишини, уларнинг хоссаларини ўзига хос хусусиятларини сезги органлари ёрдамида, сезгилар орқали билади, холос.

Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб, сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички қўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир. Маълумотларнинг кўрсатишича, сезгилар моддий (объектив) борлиқнинг, воқеликнинг ҳаққоний тасвирини инъикос қиласи, бинобарин, моддий олам қандай кўринишга, шаклга, хусусиятга эга бўлса улар худди шундайлигича ҳеч ўзгаришсиз, айнан акс эттириш имкониятига эгадир.

Психологияда сезгиларнинг физиологик асосини ва механизmlарини қўзғатувчиларнинг ўзига мутлақ мос (адекват) бўлган анализаторлар таъсири натижасида юзага келувчи асаб (нерв) жараёни, унинг тизими, тузилиши ташкил қиласи. Физиологлар ва психологларнинг таълимотларига кўра анализаторлар уч ўзаро узвий уйғунликка эга бўлган таркибий қисмлардан

иборатдир. Содда қилиб талқин қилинганды мазкур таркиблар қуидаги кетма-кетликтеги түзилишдир:

*ташиғи күч-құвватни (энергияни) асаб (нерв) жараёнига айлантириб берувчи периферия қисмдан, яғни рецептордан;*

*анализаторларнинг периферия қисмини марказий қисм билан бөгловчи афферент (марказга интилувчи асаб толаси), үтказувчи асаб йүллариdan;*

*периферия қисмларидан келувчи нерв импульслари (харакатлари) қайта ишиланувчи анализаторларнинг мия пүстыдаги қисмларидан (участкаларидан) иборатдир.*

Бошқача сүз билан айтганда, периферик нервларнинг учлари (күз, қулок, тери, бурун кабилар), таъсиротни элтувчи (афферент), жавоб қайтарувчи (эфферент) нерв толалари, анализаторларнинг орқа ва бош мия марказлари анализаторни ташкил қиласы.

Жаҳон психологияси фанининг сўнгти ютуқлари ҳамда атамаларига биноан сезгилар қуидагича классификация қилинади (ушбу таснифланишнинг дастлабки кўриниши инглиз олими Ч.Шерингтонга таалуклидир):

- *ташиғи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган ҳамда рецепторларга тананинг сиртқи қисмiga жойлашган сезгилар, яғни экстериорецептив сезгилар (рецепторлар);*
- *ички тана аъзолари ҳолатларини инъикос этувчи ҳамда рецепторлари ички тана аъзоларида, түқималарида жойлашган сезгилар, яғни интерорецептив сезгилар;*
- *танамиз ва гавдамизнинг ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида маълумот (ахборот, хабар) берувчи, мускулларда, бөгловчи пайларда, мушакларда жойлашган сезгилар, яғни проприорецептив сезгилар.*

Биринчи туркум сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери-туюш, таъм-маза, каби турлар ташкил қиласы. Кўриш 380 дан 770 гача миллимикрон диапазондаги электромагнит нурлардан иборат жараёндир. Эшитиш эса тебраниш частотаси 16 дан то 20000 гача бўлган товуш тўлқинларидан

иборатдир. Кўриш сезгилари бош мия пўстини тепа бурмасининг қисмида жойлашган бўдади. Тери-туюш, ҳаракат сезгилари мия пўстини марказий бурмасининг орқа қисмидан ўрин олгандир.

## **18.2. Сезги турлари**

Энди сезгилар классификацияси, моҳияти ва унинг негизлари юзасидан кенгроқ мулоҳаза билдирамиз.

А.Р.Лурияниң фикрича, интерорецептив сезгилар асл, туб маънодаги сезгилар эмас, балки эмоциялар билан сезгилар ўртасидаги оралиқ сезгилар сифатида намоён бўлади. Психология фанида мазкур сезгиларнинг субъектив равишда пайдо бўлиши етарли даражада чукур ўрганилмаган, худди шу боис улар «номаълум ҳислар» доирасига киритилгандир. Улар тўғрисидаги билимлар билан танишиш, ўзгариб боришларини текшириш «касалликларнинг ички манзараси»ни ифодалаб беришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ички органларнинг хасталигига вужудга келувчи мазкур ҳолатлар ички касалликларни диагностика қилишда алоҳида аҳамият касб этиши турган гап (А.Р.Лурия тадқиқотларидан).

Бундай хусусиятли ихтиёrsиз сезгилар инсонда жуда эрта уйғонади, шунинг билан бирга уларнинг ифодаланиши ўзига хос шаклларга эгадир. Чунончи, улар «олдиндан ҳис қилиш» тариқасида пайдо бўлиб, ҳатто инсон уларни таърифлаб бериш имкониятига қодир эмас, кўпинча ушбу кечинмалар туш кўришда қайсиdir касаллик ҳуруж қилаётганлигидан дарак берувчанлик вазифасини ўтмайди, холос.

Улар инсоннинг кайфиятида, эмоционал реакциялари ўзгаришида кўзга ташланади, болада эса ҳатти-ҳаракатнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Чунки, бола ўз тана аъзоларидаги ички ҳолатларнинг ўзгаришини англаш, сезиш, ҳис қилиш ўқувига эга эмас, худди шу туфайли ундаги ҳатти-ҳаракатнинг умумий ўзгариши белгиларидан буни сезиш мумкин. Бу ҳодисаларнинг ёрқин мисоли сифатида қуйидаги воқеликни таҳлил қиласиди: бола ўз ички интерорецептив сезгиларини намойиш қилиш мақсадида «касал» бўлиб қолган қўғирчоғини парвариш қила бошлайди.

Интерорецептив сезгиларнинг объектив аҳамияти жуда юқори, чунки улар ички жараёнларни ўзаро ўрин алмаштириш балансини таъминлаб туришнинг асоси ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, улар организмлардаги жараёнларни ўзаро ўрин алмасиб туришининг гемостази (барқарорлиги) деб аталади. Ичдан пайдо бўладиган сигналлар ҳатти-харакатни вужудга келтиради, стресс, зўриқиши, аффект ҳолатларини йўқотиши (бартараф қилиш, пасайтириш), туғилиб келаётган майлларни эса қониқтиришга йўналтирилган бўлади. Оқибат натижада, ички тана аъзоларининг фаолиятини издан чиқиш ҳолати юз бериши мумкин. Худди шу сабабдан тиббиёт психологиясида интерорецептив сезгилар ҳам муҳим роль ўйнайди. Соматик ва висперал жараёнлар, руҳий ҳолатлар (психосоматика) ўртасидаги муносабатларни ўрганиш имконини яратади.

*Интерорецептив сезгиларнинг физиологик механизмлари интерорецепция билан биргаликда К.М.Биков, В.Н.Черниговскийлар томонидан атрофлича ўрганилган. Бу нарсаларнинг барчаси шартли рефлектор фаолияти механизмларидан келиб чиққан ҳолда шарҳлаб берилган.*

*Проприорецептив сезгилар тана двигателъ аппаратининг ва гавданинг фазодаги ҳолати тўғрисида сигналлар билан таъминлаб туради. Улар инсон ҳаракатининг регуляторини ва афферент асосини ташкил қиласидилар.*

Периферик рецепторлар мускулларда, пайларда ва бўғимларда жойлашган бўлиб, маҳсус таначалари шаклига эгадирлар. Мазкур таначалар Пуччини таначалари деб аталади.

Таначаларда вужудга келувчи кўзғатувчилар мускулларининг таранглашуви натижасида ва бўғимлар ҳолатининг ўзгаришида, нерв толалари (иплари) ёрдамида орқа миянинг орқа устунидаги (столбасидаги) оқ суюқликларга етказилади. Кўзғовчилар Бурдах ва Голл ядросининг қуи бўлимларига етиб келади ва ундан пўстости тугунларидан ўтиб, бош мия катта ярим шарининг қоронғилашган зонаси-да ўз ҳаракатини якунлайди.

Проприорецепторлар ҳаракатининг афферент асоси эканлиги А.А.Орбели, П.К.Анохин (хайвонларда), Н.А.Бернштейн (одамларда) томонидан ўрганилган.

Психологик маълумотларга кўра, гавданинг фазодаги ҳолати сезирлиги статик сезгиларда ўз ифодасини топади. Унинг маркази ички қулоқ каналларида жойлашган бўлиб, ўзаро бир-бирига перпендикуляр бўшлиқда туташ ҳолатда ётади. Масалан, бош ҳолатининг ўзгариши қўйидаги схемага биноан амалга ошади:

- а) ўзгариш эндолимфа суюқлигига боғлиқ қўзғалиш; б) эшитиш нерви;
- в) вестибулятор нерв; г) бош мия пўстининг чакка бўлмаси; д) мия аппаратаига ўтади.

Вестибулятор сезирлик аппарати қуриш билан бевосита алоқада бўлиб, фазони ориентирлаш жараёнида иштирок этади. Масалан, автомобилнинг йўлдан ўтиши (қатнови), қалин ўрмонни кесиб ўтиш пайти ва ҳоказо. Худди шундай ҳолат учишда ҳам юзага келиши мумкин. Патология ҳолатида ҳам худди шундай жараёнга дуч келинади.

Экстрорецептив сезгилар моддалиқдан (5 тадан) ташқари интермодаль носпецифик сезги туркумларига ҳам ажратилади. Масалан, эшитиш органи (аъзоси) орқали сониясига 10-15 тебранишни сезиш мумкин, лекин қулоқ билан эмас, балки суюклар ёрдамида (мия қопқоғи, тирсак, тизза учлари орқали) пайқаш – вибрация сезирлик дейилади. Масалан, карларнинг товушларнинг идрок қилиши, пианинони ушлаб туриш, пол ёки мебелнинг ҳаракати кабилар. Одатда, вибрацион сезирлик интермодаль сезги деб ҳам номланади. Интермодалнинг бошқа бир кўриниши мана бундай ҳолатда намоён бўлади:

- а) хид, таъм ва маза сезгиларида; б) ўта кучли товушда, ўта ёрқин ёруғликда;
- в) тричеминал, яъни уч хил таъсирнинг уйғулашган, интегратив ҳолатида кабилар.

Сезгининг носпецифик шакли – терининг фото сезирлиги рангларнинг нозик жилоларини ажратиш, қўл учлари билан сезиш орқали рўёбга чиқади.

Терининг фото сезгирилиги А. Н. Леонтьев томонидан кашф қилинган бўлиб, бу нарса кўпгина ҳолатларга оқилона ёндашиш имкониятини вужудга келтиради. Ушбу кашфиёт қўл учига яшил ва қизил рангли ёруғлик юбориш орқали дунё юзини кўрган. Ранг сигналларининг оғриқ қўзғатувчилар билан муносабати қиёсий жиҳатдан олиб борилганда, инсонни фаол мўлжаллаш (ориентирлаш) жараёнида унинг қўл учи терисига келиб тушадиган ранг нурларини фарклашга ўргатиш мумкин экан.

### **18.3. Сезги турларининг психологик тавсифи**

Психология фанида учта катта гурух (туркум)га ажратилган сезгилар (экстрорецептив, проприорецептив, интериорецептив) ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

- Кўриш сезгилари; Эшитиш сезгилари; Ҳид билиш сезгилари; Таъм билиш сезгилари; Тери сезгилари; Мускул-ҳаракат (кинестетик); Статик сезгилар;
- Органик сезгилар; Кўриш сезгилари.

Инсон томонидан ранг ва ёруғликни сезиш кўриш сезгилари таркибиغا кириб, сезиладиган ранглар эса хроматик ва ахроматик турларга бўлинади.

Психофизиологик қонуниятга биноан ёруғлик нурлари учбурчак шиша призма орқали ўтиб синганда ҳосил бўладиган ранглар хроматик ранглар деб аталиб, улар камалак ранглар ҳисобланади ва таркибига қизил, зарғаддоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк, бинафша тусларини қамраб олади. Бироқ мазкур рангларнинг турлари, кўринишлари табиатда хилма-хил ва ниҳоятда кўпdir. Одатда, оқ ранг, қора ранг, кул ранг ва уларнинг турлича кўринишлари ахроматик ранглар деб номланади.

Кўриш сезгиларининг органи – кўз ҳисобланиб, у кўз соққаси ва ундан чиқиб келадиган кўрув нервларидан ташкил топгандир. Кўз соққасини ташқи томирлари ва тўр пардалари ўраб туради. Ташқи парданинг тиник бўлмаган оқ қисми склерада ёки қотган, қаттиқ парда деб номланади, унинг олд томонига жойлашган бир мунча қавариқ қисми тиник мугуз парда бўлиб, унинг олдинги қисми рангдор парда деб аталади. Мазкур парданинг рангига биноан, унинг товланишига қараб, одамларда кўз кўк, қора, сариқ жило

беради ва уларни биз кўк кўз, қўй кўз, қора кўз ва ҳоказо деб атаймиз. Рангдор парданинг ўрта қисмида юмалоқ тешик мавжуд бўлиб, биз уни қорачиғ деб атаймиз. Худди шу тешик орқали кўз ичига ёруғлик нурлари киради. Келаётган, тушаётган, ажраётган ёруғликнинг озлиги ёки қўплигига қараб, қорачиғ кенгайиши ёки торайиши жараёнлари ҳукм суради.

Кўзларнинг учинчи пардаси *тўр парда* деб номланиб, у кўз соққасининг деярли бутун ички юзасини қоплайди. *Қорачиг билан рангдор парданинг орқасида икки томони қавариқ, тиниқ жисм кўз гавҳари жойлашган бўлади, ёруғлик нурлари унда тўпланиб, сўнг синади ва тўр пардага нарса ёки жисмнинг акси, сурати тушади.* Ҳалқа шаклдаги киприксимон мускулнинг узайиши ёки қисқариши туфайли гавҳар ё яссиланади ёки қавариқ ҳолиги келади (жисм кўздан узоқлаштирилганда гавҳар яссиланади, кўзга яқинлаштирилганда эса у шар шаклига киради). Кўз гавҳарининг мазкур хосияти туфайли хоҳ узокда, хоҳ яқинда бўлмасин, нарсаларнинг акси гавҳардан ўтиб, сўнг тўр пардасига тушаверади.

Кўз соққасининг гавҳар билан тўр парда ўртасидаги бутун ички юза шишасимон жисми деб номланувчи маҳсус тиниқ суюқлик билан қопланган бўлади. Тўр парда ранг ва ёруғликни сезиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда кўрув нервининг тармоқлари жойлашгандир. Ушбу тармоқларнинг чеккада учларида таёқчалар ва колбачалар деб аталадиган маҳсус нерв хужайралари мавжуддир. Инсон кўзининг тўр пардасида 130 миллионга яқин таёқча ва 7 миллионга яқин колбача бор деб тахмин қилинади. Колбачалар ёрдами билан хроматик (кундузги) ранглар кўрилади, холос. Таёқчалар ёруғликни яхши сезувчан бўлиб, хира ва қоронғи пайтларда ўз функциясини бажаради, ахроматик рангларни акс эттиради.

Тўр парданинг энг сезгир жойи сариқ доғнинг асосан колбачалар билан тўлган марказий чукурчаси ҳисобланиб, унга қайси нарсанинг акси тушса, худди шуни ҳаммадан равшанроқ кўрамиз. *Объектга тик қараши натижасида кўз мускуллари унга қаратиласди ва акс эттирилувчининг сурати сариқ додга тушади, бундай тарздаги кўриши тўғридан кўриши*

*дейилади. Агарда нарсаларнинг сурати сариқдогдан ташқарида, яъни тўр парданинг бир жойида бўлса ранг ва ёргуликни сезадиган таёқчалар ва колбачалар мавжуд эмас, бу кўрув нервининг кўз соққасидан чиқши жойи бўлиб, у ёргуликдан таъсирланмаганини учун кўр дөг деб аталади.*

### **Эшитиш сезгилари**

Эшитиш сезгилари товушларни эшитишдан иборат бўлиб, мусиқавий ва шовқинли товушларни акс эттиради. Одатда, товушлар оддий ва мураккаб турларга ажратилади, уларнинг биринчиси тонлар, иккинчиси эса бир неча тондан ташкил топади. Тонлардан бири асосий тон ҳисобланади ва товушнинг баландлигини, кучини белгилайди, бошқалари қўшилувчи товушлар саналиб, улар обертонлар дейилади. Мусиқа асбобларидан таралаётган товушларнинг ўзига хослиги фан тилида тембр деб аталади. Ҳатто нутқ товушлари ҳам оҳангли товушлар (унли товушлар) ёки шовқинлардан (ундош товушлар) ташкил топган бўлади.

Эшитиш сезгилари органи қулоқ бўлиб, ташқи қулоқ (қулоқ супраси билан эшитув йўлидан иборат), ўрта қулоқ (ноғора парда ва унга ёпишган учта суюкча: болғача, сандон ва узангидан ташкил топган), ички қулоқ (қулоқ лабиринти ўзаро бирлашган учта бўлакдан тузилган). Ташқи қулоқ ҳаво тўлқинларини йигувчи карнай вазифасини бажаради. Ноғора парда ва унга ёпишган суюкчалар ҳаво тўлқинларини ички қулоққа узатади. Ўрта қулоқ маҳсус йўл орқали оғиз ва бурун бўшлиғи билан туташган бўлади. Ички қулоқнинг юқори қисми учта ярим доира каналдан, ўрта қисми камерадан ва пастки қисми чиғаноқдан ташкил топгандир.

*Ички қулоқнинг учала бўлими эндолимфа номли маҳсус суюқликдан иборатdir. Ички қулоқнинг асосий қисми чиғаноқдан иборат бўлиб, унинг ичida Кортий органи мавжуд, у гумбаз шаклига эга, асосида эса мембрана жойлашган. Мембрана узунлиги қисқариб борувчи эластик толалардан иборат бўлиб, улар таранг тортилган турларга ўхшайди, унинг юқори қисмида маҳсус таёқчасимон ҳужайралар мавжуд ва улар Кортий дугалари деб юритилади. Мембраннынг толалари эндолимфага ингичка қиллари бор*

*махсус ҳужайралар ёрдамида Кортий дугалари орқали мия катта яrim шарлари пўстининг бўлагига жойлашгандир.*

**Эшитиш сезгиларининг физик сабаблари.** Ҳаво тўлқинларининг харакати туфайли товуш чиқарувчи жисмлар тебранганида эшитиш сезгилари ҳосил бўлади. Агарда мусиқавий товушлар ҳаво тўлқинларининг текис, ритмик ҳаракатлари натижасида вужудга келса, шовқинлар товушлар эса уларнинг нотекис ҳаракатларидан туғилади.

**Хид билиш сезгилари.** *Хид билиши сезгиларига ҳидларни ҳис қилиши киради ва уларнинг органи бурун ковагининг юқори томони ҳисобланиб, бу ерда ҳид билиш ҳужайралари ҳамда сезувчи нерв тармоқлари жойлашган, улар шиллик пардаларда ботиб туради.*

Ҳидли моддалар сезувчи нервни қўзғайди, ҳид билиш маркази бош мия яrim шарлари орқа юзасининг пастки қисмида мавжуд деб тахмин қилинади. Ҳидли моддалар ҳид билиш ҳужайраларига газ ҳолатида таъсир этиб, кимёвий реакциялар йўли билан уларни қўзғатади (уларнинг барчаси буғланади ва эрийди). Одатда, газ ҳолатидаги ҳидли моддалар ҳаво билан нафас олиш жараёнида бурун ковагига кириб келади, натижада акс эттириш ҳолати ҳосил бўлади.

**Таъм билиш (маза) сезгилари.** Таъм билиш сезгилари ширин, аччиқ, нордон, шўр сингари мазаларни ҳис қилиш билан тавсифланади. Улар муайян туркумга киритилган ва киритилмаган хилма-хил турларга эга бўлиб, нарсаларнинг, моддаларнинг номлари билан юритилади: ноннинг мазаси, қовуннинг мазаси кабилар.

Таъм билиш сезгиларининг органи тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидан ташкил топгандир. Тилнинг шиллик пардасида махсус таъм билиш сўрғичлари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида таёқсимон ҳужайралардан тузилган махсус таъм билиш «куртаклари» («сўғонлари»)га эга. Ўзига хос хусусиятлари, сифатлари билан тафовутланувчи таъм билиш сўғонлари тил юзасида бир текис тақсимланмаганлиги учун унинг орқа қисми аччиқ мазани, учи ширин мазани, четлари эса нордон мазани аниқ

сезади, лекин унинг ўртаси бўлса таъм мазасини акс эттира олмайди. Таъм билиш сўғонларининг ҳужайрали қисмларида маҳсус сезувчан нервларнинг чекка учлари жойлашган, улар таъм билиш органидаги қўзғалишни бош мияга узатиб туради, унинг марказлари ҳид билиш марказларига яқин жойдадир.

Таъм билиш сезгилари моддаларнинг кимёвий хоссалари таъсирида хосил бўлади ва сўғонлар эриган моддалар таъсири остида қўзғалади.

Ҳид ва таъм билиш сезгилари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, кимёвий моддаларнинг таъсири этиши натижасида юзага келади. Аммо уларнинг биттаси контакт, иккинчиси дистант сезгилар тоифасига киради.

**Тери сезгилари.** *Тери сезгилари таркиби туиши ва ҳарорат турларидан иборат бўлиб, уларнинг бундай номланишининг бош омили – бу рецепторларнинг тери ва организмнинг ташқи шиллик пардаларида жойлашганлиги*дир.

Туиши сезгилари икки хил ахборотни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг биринчиси тегиши ва тарқалишини туиши сезгилар, иккинчиси эса силлик ёки гадир-будурни туиши билан тавсифланади. Одатда, тана аъзосига нарсаларнинг тегишини сезиши ташқи қўзғалиши кучайганда сиқиқни сезишига айланади, у янада кучайганда сиқиқ оғриқ сезгисига айланади.

Туиши сезгилари органи – теридаги ва ташқи шиллик пардалардаги туиши таначалари деб номланувчи таначалардан иборатdir. Таначаларнинг ичida, қисман ташқарисида (эпителийда) туиши нервининг чекка тармоқлари мавжуд, улар терида ва шиллик пардаларда бир текис тақсимланган. Улар бармоқларнинг учларида, тил учida, лабда зич жойлашган, худди шу боисдан сезгирлик даражаси бошқалардан юксакроқдир. Қайси ерда таначалар сийрак бўлса, демак, у жойларда сезиш қўрсаткичи шунчалик пастдир.

Психологияда туиши таначалари ва сезувчи нервининг чекка тармоқлари зичлиги **эстизиометр** асбоби ёрдами билан ўлчанади. *Асбоб кериладиган икки оёқли циркулдан ташкил топган бўлиб, унинг ўзагидаги даражалар оёқдарнинг учлари ўртасидаги масофани ўлчайди.*

Туйишнинг аниқлик даражалари: а) бармоқ учларида 1 мм-2 ммгача, б) кўл кафтида 10 мм, в) орқада 60-70 мм масофа бир йўла икки оёқча тегаётганлигини сезиш мумкин (масофа камайса, сезгирик пасаяди).

***Туйиши сезгиларининг маркази бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида жойлашган деб тахмин қилинади.***

*Туйиши сезгиларининг ташқи, яъни физик сабаби – бу бирон-бир нарсаларнинг терига бевосита тегишидир.*

Ҳарорат сезгилари иссиқ ёки совуқни сезиш билан тавсифланади. Махсус таначаларнинг ичида иссиқни ёки совуқни сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари жойлашган бўлади.

Уларнинг ташқа сабаби – бирон-бир ҳароратга эга бўлган қаттиқ, суюқ ва газсимон жисмларнинг танага тегиб туришидир. Иссиқни ёки совуқни фарқлаш қўзғатувчи ҳарорати билан бадан ҳарорати ўртасидаги нисбат билан белгиланади. Масалан, қўзғатувчининг ҳарорати бадан ҳароратидан паст бўлса совуқни, агарда юқори бўлса иссиқни сезамиз, ҳис қиласиз.

Фарқлаш: а) жисмларнинг иссиқ ўтказувчанлиги: темир ва юнг.

Ҳарорат сезгилари: а) ташқи қўзғатувчилар, б) организм ичида: қўрқиш – қон томири тораяди, уялиш – қон томири кенгаяди.

**Мускул-ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар.** *Мускул-ҳаракат сезгилари мотор сезгилари, гоҳо кинестетик сезгилар деб номланиб, уларга оғирликни, қаршиликни, органлар ҳаракатини билиш сезгилари киради.* Уларнинг органлари – гавда мускуллари, пайлар, бўғимлардан иборатдир. Органларнинг таркибида сезувчи нервларнинг чекка тармоқдари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирида ҳаракат ва статик сезгилар вужудга келади.

*Мускул-ҳаракат сезгиларининг физик сабаби мускулларга таъсир этувчи нарсаларнинг механик тазиёки ва гавда ҳаракатларидир.*

Статик сезгилари гавданинг фазодаги ҳолатини сезиш ва мувозанат сақлаш сезгилар деб аталади.

Гавданинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат сақлаш сезгиси учун ички қулоқдаги вестибуляр аппарат рецептор вазифасини бажаради.

*Вестибуляр аппарат қулоқ даҳлизи ва ярим доира каналлардан ташкил топган бўлади, сезувчи нерв тармоқдари эса гавданинг фазодаги ҳаракатини ва ҳолатини бошқаради. Гавда мувозанатини сақлашда отолитлар алоҳида аҳамият касб этиб, улар эндолимфада сузуб юрадиган майдо оҳактош кристалларидан ташкил топгандир.*

**Органик сезгилар.** Органик сезгиларнинг рецепторлари ички органларда: қизилўнгач, меъда, ичак, қон томирлари, ўпка ва шу кабиларда жойлашган бўлади.

Ички органлардаги жараёнлар органик сезгилар рецепторларининг қўзғатувчиларидир. Улар қўйидагилардан иборатдир:

- a) оғриқ сезгилари; б) хуш туйғулар; в) нохуш туйғулар.

#### **18.4. Сезгининг хусусиятлари ва тавсифи**

Сезгилар ўзларига адекват (мос) бўлган қўзғатувчиларни акс эттириш шаклларидан бири ҳисобланмиш билиш жараёнларидир. Кўриш сезгисининг адекват қўзғатувчиси ҳаво тўлқини узунлиги 380 дан 770 миллимикрон диапазондаги электромагнит нурланишидан иборатдир. Бу электромагнит нурланишлар кўриш анализаторларида кўриш сезгисини вужудга келтирувчи нерв (асаб) жараёнига айланади. Эшитиш сезгилари тебраниш частотаси 16 дан то 20000 гача бўлган товуш тўлқинлари таъсирининг рецепторларда акс этишидир. Тактил сезгилари механик қўзғатувчиларнинг тери юзасида таъсири натижасида ҳосил бўлади. Карлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган тебранишни акс эттириш сезгилари нарсаларнинг тебранишларини инъикос қилиш орқали юзага келади. Бошқа турдаги сезгилар ҳам ўзларининг махсус қўзғатувчиларига эгадирлар. Лекин сезгиларнинг турли кўринишлари фақат ўзларининг махсуслиги билангина эмас, балки улар учун умумий хусусиятлари билан ҳам тавсифланадилар. Сезгиларнинг ана шу хусусиятларига сифатлари, жадаллиги, давомийлиги ва фазовий локализацияси киради.

Сифат мазкур сезгининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди ва айни шу сезги тури чегарасини ўзгартиради.

Масалан, эшитиш сезгилари товушнинг баландлиги, тембри, қаттиқлиги билан тафовутланади, кўриш сезгилари эса рангларнинг қуюқлиги, жилоси, товланиши, тони ва бошқа шу кабилар билан фарқланади. Сезгиларнинг сифат жиҳатидан кўп турлилиги материя ҳаракати шаклларининг турлитуманлигининг акс эттиришидир.

Сезгиларнинг жадаллиги уларнинг микдорий тавсифидан иборат бўлиб, таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг функционал ҳолати билан белгиланади.

Сезгиларнинг давомийлиги уларнинг вақтинчалик таснифланишидан иборатdir. Сезгиларнинг давомийлиги ҳам сезги аъзоларининг функционал ҳолати билан, шунингдек, қўзғатувчининг таъсир қилиш вақти ҳамда жадаллиги билан ўлчанади.

Қўзғатувчи сезги асосида таъсир қилиши билан дарҳол сезги ҳосил бўлмайди, балки у бир қанча дақиқадан кейин вужудга келади. Ана шу қисқа вақт *сезгининг латент (яширин)* даври деб аталади. Латент даври сезги турлари учун ҳар хил фурсатда кечади. Масалан, тактил сезгилари учун латент даври 130 миллисония, оғриқ сезгилари учун эса 370 миллисонияга тўғри келади, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига таъсир этилгандан сўнг 50 миллисониягача вақт оралиғида ҳосил бўлади.

Қўзғатувчи таъсир қила бошлиши билан бир даврда ҳосил бўлмаганидек, қўзғатувчининг таъсири тўхташи билан бир вақтнинг ўзида сезги йўқолмайди. Ваҳоланки, сезгиларнинг инерцияси (сезгиларнинг сақланиши) таъсиридан кейинги ҳодисаси, деб аталадиган нарсада намоён бўлади.

Кўриш сезгиси баъзи бир инерцияга эга бўлиб, кўриш сезгисининг таъсири тўхташи билан дарҳол йўқолиб кетмайди. Қўзғатувчи таъсирининг изи кетма-кет келувчи образлар деб аталадиган ҳодиса сифатида сақланиб қолади. Психологияда кўзнинг тўр пардасида рангни сезадиган уч хил хусусиятли элемент бор деб тахмин қилинади. Қўзғалиш жараёни ҳосил бўлганда, улар толиқадилар ва сезгириклари анча камаяди. Қизил рангга қараб турганимизда кўз тўр пардасидаги қизил рангни қабул қилувчи

элемент бошқаларга нисбатан ортиқроқ толиқади, шунинг учун кўз тўр пардасининг худди шу жойига қизил рангдан сўнг оқ ранг таъсир этадиган бўлса, қолган иккита қабул қилувчи элемент ортиқроқ сезгирикка эга бўлади ва биз кўз қаршимизда кўкиш яшил рангни кўрамиз.

Эшитиш сезгилари ҳам кетма-кет образларга эга бўлиши мумкин. Чунки қулоқни битирадиган қаттиқ овоз ёки товуш билан бирга юзага келадиган нохуш сезги, яъни бу «қулоқ»нинг шангиллашидир. Эшитиш анализаторига бир неча сония давомида таъсир этадиган бир қатор қисқа товуш импульсларидан сўнг улар туташ ҳолда ёки бир оз пасайтирилган тарзда идрок қилина бошлайди. Агар бу товушларнинг таъсирини моделлаштириш мумкин бўлганда эди, ана шундай ҳодисани кузатиш имкони юзага келарди. Бу ҳодиса товуш импульсининг таъсири тўхтаганидан кейин учрайди ҳамда товушнинг импульси жадаллиги ва давомийлигига боғлиқ равишда бир неча сония мобайнида давом этиши мумкин.

Бошқа анализаторларда ҳам худди шунга ўхшаш ҳодисаларни кузатиш мумкин. Масалан, ҳарорат, оғриқ ва маза сезгилари ҳам қўзғатувчининг таъсири тўхтагандан сўнг бир неча муддат оралиғида давом этаверади.

Сезгилар учун қўзғатувчининг фазовий локализацияси, қўзғатувчининг фазода ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Дистант, яъни масофа рецептори томонидан амалга ошириладиган фазовий анализ бизга қўзғатувчининг фазодаги ўрни ҳақида маълумот беради. Контакт сезгилар: тактил, оғриқ, маза баданинг қўзғатувчи таъсир қилаётган жойи билан боғлиқдир. Бунда оғриқ сезгиларининг локализацияси, яъни баданда жойлашган ўрни, тактил сезгиларга қараганда баданга анчагина тарқалган, лекин унчалик аниқлик даражасига эга эмас. Бу ҳолатни яққол намойиш қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни келтирамиз: 1 квадрат мм терига нисбатан бармоқлар 120, панжа 14, кафт 15, кўкрак 29, пешана 50, бурун учи 100 ва ҳоказо.

**Локализация** (маҳаллий чекланганлик) психик функцияларнинг бош мия катта яrim шарлари қобиғидаги муайян ҳужайраларнинг иши билан боғланишидир. Масалан, кўрув анализаторининг иши асосан мия қобиғининг

энса қисмининг фаолияти билан боғланган, эшитиш анализаторининг иши эса чакка бўлаклари билан, тери-туюш ҳамда ҳаракат анализаторлари бўлса тепа ва энса бўлаклари билан боғлангандир.

Сезгиларнинг қуи чегараси мазкур анализаторларнинг мутлақ (абсолют) сезгирилиги даражасини аниқлади. Мутлақ (абсолют) сезгирилик билан сезги чегараларининг меъёри ўртасида тескари мутаносиблик (пропорционаллик) мавжуд; сезги чегарасининг меъёри қанчалик кичик бўлса, мазкур анализаторларнинг сезгилиги шунчалик юксак бўлади.

Анализаторлар сезгиларнинг юқори чегарасига ҳам эгадирлар. Таъсир қилаётган қўзғатувчига нисбатан тағин адекват, яъни айнан сезгини ҳосил қила оладиган қўзғатувчининг юқори мутлақ (абсолют) чегараси дейилади. Рецепторларга таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучини бундан кейин ҳам ортиб бориши рецепторларда фақат оғриқ сезгисини юзага келтиради.

Мутлақ (абсолют) чегаранинг меъёри шароитга қараб ўзгаради: инсон фаолиятининг хусусиятларига, унинг ёшига, рецепторларнинг функционал ҳолатига, қўзғатувчининг кучи ҳамда давомийлигига ва ҳоказога боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Вебер тадқиқотига асосланиб Фехнер сезгилар интенсивлигининг қўзғатувчи кучига боғлиқлигини қуидаги формула билан ифодалаб берган:

5 К 1&1 С, бу ерда 5 – сезги интенсивлиги, – қўзғатувчининг кучи, К ва С константалардир. Ушбу қонун, асосий психофизик қонунга мувофиқ, сезгиларнинг интенсивлиги қўзғатувчи кучининг логарифимига пропорционалдир. *Қўзғатувчининг кучи геометрик профессия бўйича ортиб борса, сезгиларнинг интенсивлиги арифметик прогрессия билан ортиб боради (Вебер-Фехнер қонуни).*

*Фарқ ажратиш сезгирилиги ҳам фарқлаш чегарасининг меъёрига тескари пропорционалдир; фарқ айирма сезгирилиги шунчалик кичик бўлади.*

Айирма сезгирилиги сезгирилик турларининг айрим хусусиятларини бошқа жиҳатдан тавсифлаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, шаклларни,

хажмларни кўриш воситасида идрок қилинадиган нарсаларнинг рангларини акс эттириш ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

Сезгиларни ўлчашни асосан икки методи психология фанида ҳукм суриб келади. Улардан бири бевосита метод деб аталиб, субъектив равиша баҳолашга асосланади. Ўлчашнинг иккинчи методи эса аломатларни объектив равиша баҳолашга асосланган бўлиб, сезгиларнинг билвосита (бевосита) мавжудлигига қаратилгандир.

Бевосита метод ёки қўзғатувчининг сўз билан баҳолаш методи қуидагича тузилишга эгадир: синаловчига тери, товуш, ёруғлик таъсир қила оладиган қўзғатувчи ҳавола қилинади, даставвал қўзғатувчи минимал интенсивликка (жадалликка) эга бўлади, сўнг уларнинг кучи орттириб борилади. Мазкур тадбирдан кейин синаловчи «у қайси бир сезги қўзғатувчисининг дастлаб сезганлигига» жавоб бериш сўралади.

Тери сезгирлигини ўлчаш учун маҳсус асбоб, «эстезиометр» қўлланилади. Эшитиш сезгирлигини ўлчаш аудиометр ёрдамида амалга оширилиб, товушларнинг турли даражаларида интенсивлиги аниқланади. Баъзан кичкина темир шарни ҳар хил баландликдан ташлаб кўриш орқали ҳам юқоридаги мақсад амалга оширилади. Кўриш сезгирлигини аниқлаш эса синаловчи кўзига ёруғликнинг турли-туман интенсивликда юбориш орқали (гоҳо қоронғилиқда), қуидан юқорига ёруғлик бирлиги (яъни люкс) орттириб борилади. Таъм ва хид билиш сезгирлиги ҳам маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчанади, гоҳо кимёвий усул ҳам қўлланилади.

Бевосита методи объектив аломатларга асосланаб иш юритишни тақозо этади. Собиқ совет психологлари, психофизиологлари Г.В.Гершуни, Е.Н.Соколов, О.С.Виноградов ва бошқалар мазкур метод ёрдамида кўп йиллар мобайнида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлир. Маълумки, сезгилар ҳеч маҳал суст билиш жараёни бўлмаган, бинобарин улар вегетатив, электрофизиологик, нафас олиш жараёнлари ўзгариб боради, шунинг учун ўз табиати билан рефлектор жараёндир. Сезгилардаги рефлектор ўзгаришлар уларнинг объектив равища юз бераётганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Масалан, сезгиларни ҳосил қилувчи ҳар қандай қўзғатувчи рефлектор жараёнларни ҳам вужудга келтиришга қодир: қон томирларининг торайиши, тери гальваник рефлекс (тери электр қаршилигининг камайиши), миянинг электр активлиги частотасининг ўзгариши (альфа, ритма, депрессияси ҳолати) қўзғатувчига қараб кўзнинг йўналиши, бўйин мускулларининг таранглашуви ва бошқалар. Мана бу нарсаларнинг барчаси сезгиларнинг пайдо бўлишини объектив кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

*Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, синаловчига кучсиз қўзғатувчи билан таъсири этилса, яъни субъектга кучсиз қўзғатувчи билан таъсири этилса, у ҳолда субъектда ҳеч қандай сезги ҳосил бўлмайди, шунингдек, санаб ўтилган рефлекторларда ҳам ўзгариши юз бермайди.*

Қон томир ёки электрофизиологик реакциялар кучсиз қўзғатувчи таъсирида ҳам аниқ намоён бўлиши мумкин, аксинча сезиш жараёни эса амалга ошмайди. Бу ҳолатни электроэнцефалографик реакциялар тасдиқлайди. Товуш қўзғатувчига келиб чиққан ҳолда Г.В.Гершуни инсон субсенсор диапазонга эга деган илмий ғояни олға суради. Бу нарса англашинилмаган физиологик реакциялар, сезиб бўлмас қўзғатувчиларга асосланади.

Сезгиларнинг ўзгариши адаптация ва сенсибилизация ҳолатларида ўз ифодасини топади.

Сезги органларининг сезирлигини ўзгартириш қонуниятларини ўзлаштириб олганлигимизга асосланиб, маҳсус равища танланган қўшимча қўзғатувчиларни қўллаш ёрдами билан маълум бир рецепторларни сенсибилизациялаш, яъни уларнинг сезирлигини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Қўзғатувчининг бирин-кетин анализаторга таъсири билан анализаторларга хос сезгининг пайдо бўлишини *синестезия* дейилади. Синестезия юонча *биргаликда сезиш* деган маънени англатиб келади. Синестезия ҳодисасини ҳар хил турдаги сезгиларда кузатиш мумкин. Кўриш ва эшитиш синестезияси ҳаммадан қўра кўпроқ учраб туради, унда товуш

кўзғатувчиларининг таъсири билан одамда кўриш образлари вужудга келади. Бундай табиатли синестезиялар ҳар хил одамларда ўзига хос равишда кечади, лекин улар ҳар қайси шахс учун муайян даражада доимий бўлиши кузатилади. Масалан, айрим композиторлар (бастакорлар) – Римский-Корсаков, Скрябин кабилар «*рангни эшитиши*» қобилиятига, рассом Чорлёнис, Беҳзод «*рангли мусиқа*» истеъодига эга бўлганлар. Эшитиш ва таъм синестезия ҳодисаси кўпинча «*ўткир таъм*», «*савлатли ранг*», «ширин товуш», «аччиқ шамол», «баҳайбат овоз», «мотамсаро осмон», «қалб ўртар наво», сингари ибораларда ўз ифодасини топган бўлади. Чунки уларнинг моҳиятида иккиланганлик хусусиятлари маҳсус кучайтиргич тариқасида муҳим аҳамият касб этади.

Сезгирик машқ қилиш орқали ривожлантирилиб борилади. Бундай ўзгариш компенсация ва фаолият мазмунидаги ўз аксини топа боради. Айниқса, кўр (кўр мусиқачи), кар, соқов, ҳайкалтарош одамларда, вибрация сезгиси билан шуғулланувчиларда сезгирик кескин равишда ошиши мумкин. Психолог Элен Киллер ҳид сезгисига нисбатан сезгирикни маҳсус равишда тадқиқ қилиб, у ўзига хос хусусиятлар мавжуд эканлигини далиллаб берган.

Шундай қилиб, сенсибилизация ҳодисасида сезгирикнинг ортиши куйидагиларга боғлиқдир:

*муайян, узоқ муддатли организмдаги ўзгаришиларга;*  
*муваққат хусусиятли экстра таъсир ёки фавқулоддаги ҳолат ва вазиятга;*  
*ёш хусусиятлари, типологик шароитлар, эндокрин ҳаракати, организмнинг умумий ҳолати, унинг толиқишига;*

Сезгирикнинг ўсиши қўп жиҳатдан субъект установкасига, нутқнинг аҳамиятлилигига, нутқ инструкциясига боғлиқдир.

Сезгиларга бағишлиланган экспериментал тадқиқотлар куйидаги йўналишларда олиб борилганлигини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

*Вебер ва Фехнерларнинг «психофизиологик қонуни»нинг очилиши.*

*Г.Эббингаузнинг хотира юзасидан ўтказилган тадқиқотлари негизи.*

*Г.Гельмгольцнинг сезги органлари түгрисидаги психофизиологик ишлари ва ишламалари.*

*В.Вундтнинг психофизиологиядаги сезгилар ва ҳаракатлар бўйича олиб борган изланишилари.*

*П.П.Лазеров томонидан ёруғлик тони муаммосининг ўрганилиши.*

*Е.Н.Соколов, С.В.Кравков каби тадқиқотчилар ўтказган тажрибалар ва олинган қонуниятларнинг талқини.*

*Сезгилар учун яна бир муҳим хусусият бу адаптация жараёнидир.*

Адаптация – сезги органлари, яъни аъзолари (анализаторлар)нинг таассурот кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгаришидан иборатdir. Адаптация ҳодисасида сезгирлик ортиши ёки камайиши мумкин. Кучли таъсирдан кучсиз таъсиротга ўтганда сезгирлик аста-секин ортиб боради, таъсирот кучайганда эса сезгирлик камайиб боради (кўрув, эшитув, ҳид билиш, тери-туюш ва ҳоказо).

Одатда, генетик нуқтаи-назардан адаптация уч хил хусусиятли негиз (манба) таъсирида вужудга келади.

1. Қўзғатувчиларнинг давомли таъсири жараёнида сезгиларнинг тўла йўқолиши тарзидаги адаптация. Доимий таъсир қилиб турадиган қўзғатувчи таъсир ўтказадиган бўлса, бундай ҳолатда сезги сўниб қолади. Масалан, терига тегиб турадиган енгилгина бир юк тез орада сезилмай қолади. Ёқимсиз ҳидли бир жойга кириб қолганимизда бир оздан сўнг бу ҳидни батамом йўқолиб кетгандай ҳис қиласиз. Оғизда бирон-бир нарса ушлаб туриладиган бўлса таъм сезгисининг интенсивлиги бўшашади.

Доимий ва ҳаракатсиз қўзғатувчининг таъсирига нисбатан кўриш анализаторларида тўла адаптация ҳодисасини шу билан тушунтириб бериш мумкин. Бундай ҳолатда қўзғатувчининг ҳаракатсизлигини кўриш рецепторлари аппаратининг ҳаракатчанлиги босиб юборади. Кўзни ҳар доим ихтиёрий ва ихтиёrsиз равишда ҳаракатланиб туриши кўриш сезгисининг

узлуксизлигини таъминлайди. Кўзғатувчи таъсиридан 2-3 сония ўтгач, кўриш сезгиси йўқолади, яъни адаптация ҳодисаси юзага келади.

2. Кучли қўзғатувчининг таъсири остида ҳам сезгилар заифлашади. Масалан, қўлни муздек сувга тутиб турган пайтда, совуқ қўзғатувчи таъсири билан юзага келган сезгининг интенсивлиги пасаяди. Қоронгироқ хонадан жуда ёруғ жойга кириб қолсак, биз аввал бошқа ёруғликдан «кўр» бўлиб қолиб, атрофимиздаги нарсаларни ажратা олмаймиз. Маълум фурсат ўтгандан сўнг кўриш анализаториларнинг сезгирилиги кескин суръатда пасаяди ва биз мўътадил кўриш имкониятига эга бўламиз. Кўриш сезгиригининг интенсив ёруғлик қўзғатувчиси билан таъсир қилганда пасайишдан иборат ҳодисани ёруғлик адаптацияси деб юритилади.

Кўриб ўтилган икки турдаги адаптацияни кўпинча психология фанида негатив адаптация деб аталади. Чунки, ҳар иккала адаптация натижасида ҳам анализаторларнинг сезгирилиги кескин пасаяди.

3. Сезгириликни, кучсиз қўзғатувчи таъсири остида содир бўладиган, ортиб боришини ҳам адаптация деб аташ анъянага айланиб қолган. Аксарият сезги турларига хос бўлган адаптациянинг мазкур тури позитив адаптация дейилади.

Қоронғулик адаптациясида кўриш сезгирилиги ортади. Сокинлик ка нисбатан адаптация эшитиш адаптацияси замирида юзага келади. Масалан, совуқ сувда (совуқ еган) қўл – бир ҳарорат – иссиқдай; иссиқ сувда қўл совуқ сувда ўзгармагандай туюлади. Ҳарорат сезиш билан боғлиқ бўлган позитив адаптациялар юқоридаги хусусиятларга эга.

Тиббиёт психологиясида негатив оғриқ адаптациясининг мавжудлиги тўғрисидаги гипотеза (уқолга, игнага, иссиқ нурланишга нисбатан) ҳам хукм сурини таъкидланиб ўтилди.

Адаптацияни хосил бўлиш хусусиятлари тўғрисида маълумот: а) тактил (тери) адаптация жуда тез хосил бўлади; б) кўз адаптацияси бир неча дақиқа; в) ҳид ва таъм адаптациялари ундан ҳам узунроқ вақт талаб қиласади.

**Адаптациянинг аҳамияти** шундан ибратки, у кучиз қўзғалишни пайқашга ёрдам беради, кучли қўзғалишдан сезги органини сақлайди.

**Адаптацияни тушунтириб бериш:** 1) таёксимон хужайраларга жойлашган кўриш пурпури айниб кетади; кимёвий модда борлиги илмий жиҳатдан исботланмаган; 2) миянинг пўстлоқ қисми сезгириликни пасайтирадиган «мулоҳазаловчи» тормозланиш. Тормозланиш – бошқа жойларда қўзғалишни кучайтиради – сезгирилик ортади, изчил ўзаро индукция ҳодисаси рўй беради.

Анализаторларнинг ўзаро муносабати ва машқ қилиш натижасида сезгириликнинг кучайиши сенсибилизация деб аталади. Сезгилар ўзаро муносабатининг физиологик механизми анализаторларнинг марказий қисмлари жойлашган бош мия пўстидаги қўзғалишнинг иррадиация ҳамда концентрация жараёнларидир. И.П.Павловнинг таълимотига кўра, кучиз қўзғатувчи бош мия катта ярим шарларининг пўстида осон иррадиацияланадиган, яъни осон ёйилиб кетадиган қўзғалиш жараёнини юзага келтиради. Қўзғалиш жараёнининг иррадиацияси натижасида бошқа анализаторларнинг сезгирилиги ортади. Кучли қўзғатувчи таъсир этганда, аксинча, концентрацияга мойил бўлган қўзғалиш жараёни юзага келади. Ўзаро индукция қонунига кўра, бундай қўзғалиш жараёни бошқа анализаторларнинг марказий қисмларини тормозланишга олиб келади ва натижада уларнинг сезгирилиги пасаяди.

Адаптация ёхуд мослашув – сезги органлари сезгиригининг қўзғатувчи таъсири остида ўзгариши демакдир.

Бу ҳодисанинг уч хил турини алоҳида кўрсатиш мумкин:

Қўзғатувчининг узоқ муддат давомида таъсир этиши жараёнида сезгининг тамомила йўқолиб қолишига ўхшайди. Доимий қўзғатувчилар таъсир қилган тақдирда сезги йўқолиб қолиш хусусиятига эга. Масалан, терининг устига кўйилган енгилгина юк тездаёқ сезилмайдиган бўлиб қолади. Ҳид билиш сезгилари атроф-муҳитга ёқимсиз ҳид ёйилганидан кейин кўп ўтмай батамом йўқолиб қолиши ҳам оддий бир ҳодисадир. Агар тегишли

моддани оғизда бир оз вақт сақлаб туриладиган бўлса, таъм билиш сезгисининг жадаллиги сусая бошлайди ва пировардида сезги умуман йўқолиб кетиши мумкин.

Доимий ва ҳаракатсиз кўзғатувчи таъсир қилиб турган тақдирда кўриш анализаторининг тўла кўниши юз бермайди. Бу кўзғатувчининг ҳаракатсизлиги рецептор аппаратининг ўзи ҳаракатланиши ҳисобига кўриниши билан изоҳланади. Кўзларнинг доимий равишда ихтиёрий ва ихтиёrsиз ҳаракат қилиши кўриш сезгисининг сурункалилигини таъмин этади.

### **Таъсирнинг кўзлар тўрпардасига нисбатан барқарорлашуви**

1. Шароитлари сунъий равишда ҳосил қилинган экспериментлар бундай шароит яратилгандан кейин 2-3 сония вақт ўтиши биланоқ кўриш сезгиси йўқолиб қолишини, яъни тўла кўниш юзага келишини кўрсатди.
2. Адаптация деб шунингдек, юқорида баён этилган ҳодисаларга яқинроқ бўлган, кучли кўзғатувчининг таъсири остида сезгининг заифлашиб қолиши билан ифодаланадиган яна битта ҳодисага айтилади. Масалан, совук кўзғатувчи ҳосил қиласидан сезгининг жадаллиги қўлни совук сувга солганда сусаяди. Биз ярим қоронғи хонадан ёрқин ёритилган жойга чиққанимизда олдинига кўзларимиз қамашади ва теварак-атрофдаги бирон-бир нарсанинг фарқига ета олмайдиган бўлиб қоламиз. Бирмунча вақт ўтгандан кейин эса кўриш анализаторининг сезувчанлиги кескин сусайиб, биз одатдагидек кўра бошлаймиз. Ёргликнинг жадал кўзғатиши натижасида кўзнинг сезувчанлиги сусайиб кетишини ёруғлик адаптацияси деб аталади.

Адаптациянинг баён қилиб ўтилган бу иккита турини *негатив адаптация атамаси* билан бирлаштириш мумкин негаки, бунинг оқибатида анализаторларнинг сезувчанлиги сусайиб кстади.

3. Нихоят, кучсиз кўзғатувчининг таъсири остида сезирликнинг ортиши ҳам адаптация деб айтилади. Айрим сезги турларига хос бўлган адаптациянинг бу турини *позитив адаптация* деб таърифлаш мумкин.

Кўриш анализаторига тадбиқан буни қоронгулик адаптацияси дейилади. Бунда қоронғиликда узок вақт бўлганлик таъсири остида кўзнинг сезувчанлиги ортади, эшитиш кўниқмасининг шунга ўхшайдиган шакли сокинлик адаптацияси ҳисобланади. Ҳарорат сезгиларида позитив адаптация олдинига бир хил ҳароратдаги сувга солинганида совитилган қўл иссиқликни ва, аксинча, олдинига иситилган қўл эса совуқни сезган пайтда маълум бўлади. Оғриқни нисбатан негатив адаптациянинг мавжудлиги масаласи узоқ вақтгача мунозарали бўлиб келди. Маълумки, оғриқ кўзғатувчисининг кўп марталаб қўлланилиши негатив адаптацияга олиб келмасдан, аксинча вақт ўтиши билан борган сари кучлироқ таъсир қиласди. Лекин янги фактлар игнанинг санчилишига ва жадал тарзда иситиш нури ўтказилишига тўла негатив адаптация мажудлигидан далолат беради.

**Сенсибилизация.** Анализаторлар ўзаро муносабати ва машқ қилиш натижасида сезувчанликнинг ортиши сенсибилизация деб аталади.

Анализаторларнинг марказий бўлмалари жойлашган бош мия қобиғида кўзғалишнинг *иррадиациялашуви* (*тарқалиши*) ва *концентрациялашуви* (*кўриниши*) жараёнларн сезгилар ўзаро муносабатининг физиологик механизми бўлиб ҳисобланади. И.П.Павловнинг фикрича, кучсиз кўзғатувчи катта ярим шарлар қобиғида осонгина тарқаладиган қўзғалиш жараёнини ҳосил қиласди. Қўзғалиш жараёнининг тарқалиши (иррадиациялашуви) натижасида бошқа анализаторнинг сезувчанлиги ошади. Кучли кўзғатувчи таъсир қилганда қўзғалишнинг аксинча кўриниш хусусиятига эга бўлган жараёни юзага келади. Ўзаро индукция қонунига биноан бу марказий бўлмаларда бошқа анализаторларнинг тормозланишига ва улар сезувчанлигининг сусайиб кетишига олиб келади.

Анализаторларнинг сезувчанлиги иккинчи сезгиларга мансуб кўзғатувчилар таъсири остида ҳам ўзгариши мумкин. Жумладан, синалевчиларга эшиittiриб «лимон каби нордон» деган сўзларга жавобан кўзларнинг ва тилнинг электр сезувчанлигини ўзгартириб юборгани

кузатилади. Бу ўзгаришлар тилнинг лимон суви билан қўзғатилиши пайтида ҳосил бўлган ўзгаришларга айнан ўхшаш бўлган.

Сезги аъзолари сезувчанлигининг ўзгариши қонуниятларини билган ҳолда маҳсус танланган қўшимча қўзғатувчиларни қўлланиш йўли билан у ёки бу рецепторни сенсибиллаштириш, яъни унинг сезувчанлигини ошириш мумкин.

Сенсибиллаштиришга машқ қилиш натижасида ҳам эришиш мумкин. Масалан, мусиқа билан шуғулланадиган болаларда паст-баланд оҳангларни эшлиши қобилияти қандай ривожлана боришини биламиз.

**Синестезия.** Сезгиларнинг ўзаро муносабати синестезия деб аталмиш яна бир ҳодисада намоён бўлади.

*Синестезия – бир анализаторнинг қўзғалиши таъсири остида бошқа анализаторга хос сезгининг ҳосил бўлишиидир.* Синестезия сезгиларнинг ҳар хил турларида кузатилади. Товуш қўзғатувчилари таъсир қилганда субъектда кўриш образлари пайдо бўлганида кўпинча кўриш-эшлиши синестезияси учрайди. Ҳар хил одамларда бу синестезияларда мувофиқлик бўлмайди, лекин улар алоҳида ҳар бир одам учун айтарлича турғун хисобланади. Айрим композиторлар (Н.А.Римский-Корсаков, А.Н.Скрябин ва бошқалар)да «рангни эшлиши» қобилияти бўлганини биламиз. Бу хилдаги синестезиянинг ёрқин намунасини литвалик рассом М.К.Чюрлёниснинг ижодида, унинг ранглар симфониясида кўрамиз.

Кейинги пайларда товуш образини ранг образига айлантирадиган ранг-музиқавий созларнинг яратилаётганлиги ва ранг-музиқанинг жадал тадқиқ қилинаётганлигига синестезия ҳодисасига асослангандир. Кўришни қўзғатувчилар таъсир қилганда эшлиши сезгиларининг ҳосил бўлиши, эшлиши қўзғатувчиларига жавобан таъм билиш сезгиларининг ҳосил бўлиши каби ҳоллар камдан-кам учрайди. Синестезия жуда кенг тарқалган бўлсада, у ҳамма одамларда ҳам учрайвермайди. «Ўткир ҳид», «антика ранг», «ширин товуш» ва шу каби ибораларни ишлатиш мумкинлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Синестезия ҳодисалари киши организмидаги анализатор

тизимлари ўзаро доимий боғланганлигидан, объектив оламни ҳиссий акс эттиришнинг яхлитлигидан яна бир далолатдир.

Кўриш ёки эшитиш сезгисининг йўқотилганлиги маълум даражада сезувчанликнинг бошқа турларини ривожлантириш ҳисобига тўлдирилади

### **18.5. Психология фанида сезги назариялари**

Ташқи олам хусусиятлари тўғрисидаги ва шахснинг ўз гавдасини тута билиш юзасидан билимлар, маълумотлар, хабарлар ва таассуротлар манбай бу сезгилар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун сезгилар инсон организмига, яъни унинг тана аъзоларига тушадиган ахборотларнинг асосий канали (йўли) саналиб, улар ташқи дунё ҳамда ички тана аъзолари тўғрисидаги хабарни бош мия катта ярим шарлари ва бош миянинг таркибларига етказиб туради, худди шу боисдан инсон ўзини қуршаб турган макро муҳитни *ориентирлаш* (*мўлжаллаш*) имкониятига эгадир. Агарда мазкур каналлар берк бўлиб қолган тақдирда, сезги органлари зарур ахборотлар билан таъминламайди, бинобарин, онгни хукм суриш имконияти ўз-ўзидан йўқолади.

Немис файласуфи *Христиан Вольф* «Рационал психология» (1732 йил) ва «Эмпирик психология» (1734 йил) китобларида: *онгнинг ички ҳолати, ақлий фикр юритишига қобилиятилик табиий моддий асос замонидан келиб чиқиб, ташқи оламдан келиб тушадиган ахборотлар шохобчасига, яъни сезги каналига, ҳеч қандай боғлиқ эмас деб тушунтиришга ҳаракат қилди.* Сезгиларга мана бундай ёндашиб назариётчиси «фанга рационализм» тушунчаси билан бирга кириб келди. Х.Вольф ва унинг тарафдорлари психик жараёнлар (сезги, идрок, хотира ва бошқалар) мураккаб ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули эмас, деган ғояни илгари сурдилар. Шунинг билан бирга «Онг», «Ақл» тарихий эволюция натижаси эмас деб, инсон психикасига ўзгача ёндашиб, уни изоҳлаб бериш мушкул бўлган «бирламчи» хусусият эканлигини тушунтиришга интилдилар.

Мазкур назарияга асосланган психологлар инсоннинг сезгилари унинг ташқи олам билан боғлаб турувчи бирдан-бир шахобча эканлигини инкор қилишгача бориб етдилар ва воқеликни мана бундай тарзда изоҳлашга

ҳаракат қилдилар: *гүёки сезгилар инсонни ташқи оламдан ажратиб турадилар*, улар *атроф-муҳит ўртасидаги бартараф қилиб бўлмайдиган девор ҳисобланадилар*. Беркли, Юм, И.Мюллер, Гельмгольц сингари олимлар сезги органларининг «*специфик энергияси*» назариясини ишлаб чиқдилар. Бу foянинг асосчиси сифатида Иоганн Мюллер қатъий позицияда туриб, уни бутун вужуди билан ҳимоя қилишга интилди. Ушбу назарияга биноан, ҳар қайси сезги аъзоси хоҳ қулок, хоҳ тил, хоҳ тери бўлишидан қатъий назар, ташқи дунёнинг таъсирини акс эттирамайди, атроф-муҳитда бўлиб турган реал, яққол жараёнлар юзасидан ахборотлар беришга қобил эмас, фақат у ташқи таъсирдан шахсий жараёнларнинг қўзғатувчисидан туртки олади, холос. Мазкур назарияга кўра, *ҳар бир сезги аъзолари ўзининг «специфик энергияси»га эга, ҳар қандай таъсирдан қўзгалади*. Масалан, *кўзни босиб, унга электр токи билан таъсир қилиб кўрилса, унда ёруғлик сезгиси ҳосил қилинади; қулоққа электр қўзғатувчиси билан таъсир ўтказилса, у ҳолда товуши сезгиси вужудга келади*. Бинобарин, сезги аъзолари ташқи таъсирни акс эттирамайди, балки улардан, яъни уларнинг таъсиридан қўзгалади, холос. Инсон ҳеч қачон ташқи воқеа, яққол дунёнинг объектив таъсирларни идрок қилмайди, балки сезги аъзолари фаолиятида ўзларининг шахсий субъектив ҳолатларини акс эттиради.

### **18.6. Сезгиларнинг рецептор ва рефлектор назариялари**

Сезгиларнинг рецептор назариясига кўра, *рецептор ёки сезги аъзолари уларга таъсир қилувчи қўзғатувчиларга нисбатан суст (пассив) жавоб қайтаради, сезгилар ҳаракатга қарама-қарши турувчи суст жараёндир, ҳаракатнинг ўзи эса аксинча фаол (актив)дир*.

*Ҳозирги даврда сезгиларнинг рецептор назарияси мутлақо сезги жараёнининг физиологик механизмини очиб беришга яроқсиз эканлигини қатор тадқиқотчилар томонидан ишончли омилларга суюнган ҳолда таъкидлаб ўтилгандир.*

Сезги жараёнининг фаол (актив)лигини тан оловчи назария сезгиларнинг рефлектор назарияси деб аталади. Ушбу фикрни асослаш учун

мисолларга мурожаат этайлик ва ҳайвонот оламида акс эттиришни таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳайвонлар ва жониворларнинг сезгилари суст (пассив) хусусиятга эмас, балки ташқи олам таъсирининг биологик аҳамиятга молик жиҳатларини фаол (актив) равишда ажратган ҳолда ҳатти-ҳаракатни амалга оширадилар. Масалан, болари (асалари) бир хил туркумдаги гулларга нисбатан аралаш ҳолдаги гулларга фаол (актив)роқ жавоб реакциясини билдиради; қирғий ириш-чириш ҳидларига, ундан кўра сув ўтларининг илдизлари ҳидига чаққон ҳаракат қиласи. Мушук сичқоннинг қитирлашига эътиборини кучайтиради, лекин худди шунга ўхшаш камертон товушини келтирсак, асло унга парво ҳам қилиб қўлмайди.

Бу омиллар шуни кўрсатиб турибдики, биринчидан, *сезгилар фаоллик (активлик) хусусиятига эга, иккинчидан, уларнинг вужудга келишида ҳаракат таркиблари иштирок этади*. АҚШлик психолог Неффнинг таъкидлашича, микроскоп остига олиб терига игна санчилса, худди шу участкада (майдонда) рефлектор ҳаракат реакциялари кузатилган; томирнинг қисилиши, тери гальваник рефлекс (КГР), гоҳо кўз ҳаракати, бўйин мускуларининг таранглашуви, қўлнинг ҳаракат реакцияси содир бўлиши мумкин.

И.М.Сеченовнинг фикрига кўра, *жисмни кўз билан идрок қилиш учун кўз ўши нарсани «қидирсан», фақат шундагина мақсадга мувофиқ ҳаракат юзага чиққан бўлади*. Ҳозирги даврда психология фанида кўз ҳаракатлари назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, улар ва макро ва микро, ихтиёрий ҳамда ихтиёrsиз кўринишларга ажратилади. Улар куйидаги номлар билан ифодаланади: *конвергент, дивергент, горизонтал, вертикаль, циклофузион, торсион, версион, вергент, сакгадик, трепмор, дрейф, флики* кабилар. Кўз ҳаракати ёрдами билан фазода ўрин алмашиб турган жисмларни таниш, билиб олиш ва идентификациялаш амалга оширилади. Кўз ҳаракатлари уч жуфт ташқи мускуллари, яъни мия бош суюгининг III, IV ва VI жуфт нервлари орқали рўёбга чиқади. Кўзниң микро ва макро ҳаракатлари сезгининг механизм ролини бажариш имкониятига эга.

## **18.7. Сезгининг нейрофизиологик асослари**

Билиш жараёнларни, хусусан, сезгиларни ўрганишдан аввал шахс психикасининг барча томонлари билан узвий боғлиқлигини англаш, тушуниш лозим. Чунки сезгилар идрок жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлса, идрок инсоннинг ҳаётий тажрибаси, унинг хотираси билан бевосита боғлиқдир.

Психология фанида ва фалсафада *билишининг икки босқичи*, яъни унинг ҳиссий (*сезги, идрок, масаввур*) ва ақлий (рационал) поғоналари мавжуд эканлиги мумтоз хусусият касб этгандир. *Ақлий босқич хотира, тафаккур, хаёл жараёнларини қамраб олган бўлиб, ўзининг мукаммаллиги, юксаклиги, маҳсулдорлиги, ижодийлиги* билан олдинги босқичдан кескин ажralиб турди. Бироқ бугунги кунда билиш босқичларининг микдори, тавсифи психология фани олдида турган зарур вазифаларни бажаришга қурби етмайди, онг даражалари хусусиятларига кўра билиш қўшимча босқичларга нисбатан кучли эҳтиёж сезади. Худди шу боис билишининг ҳаракатли ҳиссий, ақлий, ижодий, тарихий босқичларга ажратиб тадқиқот қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатли ҳиссий босқич нутққача даврда устуворлик қилиш билан бошқа билиш кўринишларидан кескин тафовутланиб турди. Ҳиссий ва ақлий босқичлар барча инсонларга хос бўлиб, улар онтогенезнинг турли даврларида ҳукм суриши мумкин ва акс эттириш имконияти бошқаларга қараганда маҳсулдорроқ, самаралироқдир. Ижодий-тархий билиш босқичи янгилик яратиш, кашфиёт қилиш, муайян сифат ўзгаришларини вужудга келтириш, у ёки бу хоссаларни такомиллаштириш билан тавсифланади.

Жаҳон психологияси фани маълумотларига қараганда, сезгилар биз учун атроф-муҳит тўғрисида ва ўзимиз ҳақимизда ягона билиш манбаи сифатида хизмат қиласи. Сезгилар шундай бир информацион каналки, улар ташқи оламдан ва ички тана аъзоларидан келадиган барча ҳолатлар, таассуротлар айнан худди шу йўллар орқали мия пўстига етиб боради, инсонга таъсирларга нисбатан тўғри жавоб реакциялари қайтаришга ёрдам беради.

Хис этиш ёки сезишнинг филогенетик тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳайвонларда маълум бир нарсани сезиш, хис этиш уларнинг биологик жиҳатдан зарурият, эҳтиёж эканлигига қараб ривожланган.

Бу ҳолатлар кўпгина чет эл олимлари томонидан изчил равиша ўрганилган ўзига хос омиллар, механизмлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, Фриш асалари ҳатти-харакатларини кузатганда, у қуидаги ишни амалга оширган: гулга ўхшаш мураккаб геометрик шаклга нисбатан асаларининг *дифференцировкаси* (*фарқлашии*) осон кечган. Агарда шу мураккаб геометрик шакл ботаникага оид бўлмаса, у ҳолда арида дифференцировка жуда қийинлик билан вужудга келган. Тадқиқотчи *Боцнинг* кузатишича, жониворлар, қурт-қумурсқаларга хос бўлган товушларга нисбатан худди шу турдаги ҳашаротлар бефарқлик билдирмаган, мабодо товушлар қаттиқ ва тез суръатда кечса, у тақдирда уларга ҳеч қандай эътибор бермаган. Ушбу вазиятни ўзича баҳолаган олим биологик шартланганликдан келиб чиқкан, табиий эҳтиёж, инстинкт билан узвий боғланган.

Тадқиқотчи *Бойтендайк* ўз кузатишларида шу нарсани таъкидлайдики, *жумладан, итлар органик кислоталарнинг ҳидини яхии ҳис этадилар, аммо улар ҳайвонларнинг танасини, хушибўй гуллар, ўтлар ҳидини эса аниқ сезизи, ҳис этиши имкониятига эга эмас эканлар.*

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, қўзғатувчиларнинг биологик жиҳатдан айнан *мослиги* (*адекватлиги*) уларнинг физиологик ривожланиши учун моддий негиз, табиий эҳтиёж, зарурат моҳияти билан боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсондаги аниқ сезгиларнинг шу даражада тараққий этишига ижтимоий муҳит, жараён муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Чунки айrim индивидларнинг сезувчанлиги уларнинг кундалик фаолиятидан келиб чиқкан ҳолда, биологик шартланган хусусиятлар билан жипс алоқада ривожланиши ҳам мумкин. Жумладан, тадқиқотчи *Реусса* маълумотига кўра: *тикувчилар, бўёқ цехида ишиловчилар қора рангнинг 40 (қирқ) хилини бир-бираидан*

*фарқлаш имкониятига* эга эканлар, умуман бошқа соҳада фаолият кўрсатадиган одам дархол бундай рангнинг икки турини фарклаб олар экан, холос. Бундан ташқари, дегустаторларда таъм билиш сезгилари жуда ҳам аниқ ва яхши ривожланган бўлар экан. Чунки сезгининг ўсиши кўзгатувчиларнинг рецепторга таъсири натижасида юзага келади, яъни рецепторлар ривожланиши билан боғлиқ.

Сезгилар акс эттиришнинг хусусияти ва рецепторларнинг жойлашишига қараб, инглиз психологи Ч.Шеррингтон уларни уч катта гуруҳга ажратади:

1. *Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи ҳамда тананинг юза қисмида рецепторлари жойлашган экстрапоцептив сезгилар.*
2. *Тананинг ички аъзоларида (ўпка, юрак, жигар ва ҳоказо) ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички тана аъзоларининг ҳолатини акс эттирувчи рецепторлар билан мужассамлашган интероцептив сезгилар.*
3. *Инсон гавдасининг ҳаракати ва ҳолати ҳақида маълумот бериб турувчи, рецепторлари мушакларида, пайларда проприоцептив сезгилар.*

Психология фанида ҳаракатни сезувчан проприоцептив сезги тури **кинестезия** деб аталиб, унга тегишли рецепторлар эса кинестезик ёки кинестетик тушунчasi билан номланади. Экстрорецепторлар ўз навбатида *контакт* ва *дистант* рецепторларига ажратилади, гоҳо сезгилар тушунчasi «хис-туйғу» атамаси билан ҳам юритилади. Одатда, *дистант рецепторлар* муайян масофадаги обьектдан келадиган кўзгатувчиларни қабул қилиб, сўнг уларни нерв йўллари орқали марказга узатади. Кўриш, ҳид билиш сезгилари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Экстрорецептив, яъни ташқи сезгилар тўғрисидаги дастлабки маълумот қадимги юонон олим Арасту (Аристотель эрамиздан олдинги 384-322 йилларда яшаб, фаолият кўрсатган), томонидан тавсифланиб берилган бўлиб, у сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза, таъм турларига ажратган эди. Психологик маълумотларга қараганда, сезгилар гоҳо ўзаро боғланиб бошқа

сезги турларини юзага келтириши мумкин: масалан, пайпаслаб кўриш натижасида сезиш таркибида тактил тери-туюш сезгилар билан бир қаторда сезгиларнинг тамомлай бошқа тури, яъни ҳарорат сезгиси ҳам киради. Худди шунга ўхшаш воқелик, ҳодиса тактил ва эшитиш сезгиларига нисбатан оралиқ ўринни *вибрацион сезги* эгаллаши мумкин.

*Мувозанат сезгиси мураккаб вестибуляр аппарати, вестибуляр нервларини ҳамда кўз пўстости қисмларини ўзида бирлаштиради.* Турли анализаторлар учун умумий ҳисобланган оғриқ сезгилари қўзғатувчиларнинг таъсир кучи ҳаддан ташқари кучли эканлигидан далолат беради. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, инсоннинг тана аъзоларида рецепторларнинг жойлашув даражаси ҳар хилдир, жумладан, бармоқ учларида рецепторлар зич, елка қисмида эса жуда сийрак жойлашгандир. Ҳозирги замонда сезгилар ички ва ташқи турларга қарийб ажратилмайди ва улар ҳарорат, оғриқ, маза, вибрацион, статик, динамик сезгилар деб юритилади.

*C.B.Кравков* (1893–1951) маълумотларига кўра, *бир сезги аъзосининг фаолияти иккинчисининг таъсири туфайли ўзгаради*, товуш асосан кўриш сезгисининг ёруғлик сезувчанлигини орттиради. Шунга ўхшаш турли хидлар ҳам ёруғлик ва ҳид билишга нисбатан сезгирликни ошириши ёки камайтириши мумкин. Бундай ўзаро таъсир сабабли мия устуни юқори қисми ва кўриш бўртикларигатегишли ўсимталарнинг яқин жойлашганлиги туфайли бошқасига ўтиши осонроқ амалга ошади.

Инглиз неврологи *Хед* сезгиларни *протопатик* ва *эпокритик* номлар билан иккита даражага бўлган. *Протопатик содда тузилишига эга дегани* учун унда кўпроқ ҳақиқий ҳолат билан эмоционал ҳолатни ажратиб бўлмайди. Мураккаб *эпокритик даражаси ақлий босқич таркиблари* (*элементлари*) *иштирок этиши мумкин*, жумладан, кўриш сезгиси бунга яққол мисолдир. Маълумотларнинг кўрсатишича, *биринчи пропатик сезгилар, кейинчалик эса эпокритик сезгилар тикланади*.

Сезгиларни объектив йўналиши бўйича *Е.Н.Соколов*, *Виноградовлар текширганлар* ва улар пассив жараён эмаслиги, вегетатив элементлар

физиологик нафас олиш тизимида ўзгаришга сабаб бўлиши тушунтирилиб берилган. Ушбу вақт рефлектор ўзгаришларни сезгининг объектив кўрсаткичи сифатида ишлашга имконият яратади. Маълумки, сезгини пайдо қилувчи ҳар бир қўзғатувчи, яъни қўзғатгич, рефлектор жиҳатдан юзага келувчи жараёнларни чақиради, чунончи, томирларнинг торайиши, тери-гальваник рефлекторларнинг пайдо бўлиши (тери қаршилигининг ўзгариши), миянинг электр активлигининг ўзгариши, кўзларнинг қўзғатгич томон бурилиши кабилар. Буларнинг ҳаммаси сезги жараёнининг пайдо бўлишидагина ишга тушади, худди шу сабабдан улар сезгиларнинг объектив кўрсаткичлари тариқасида хизмат қила олади.

*Чет эл психологлари ва физиологлари сезгириликни Менделнинг қонуниятига асосланган ҳолда насл, яъни ирсият билан боғлиқ шаклда тадқиқ қилганлар.* Спейдер таъм билиш наслга боғлиқ деган хulosा чиқаради ва 100 оиласда буни синаб кўради. Олинган маълумотларга қараганда, ота-оналар билмаган таъмни болалари ҳам пайқамаганлиги намоён бўлган.

Афферент синтез босқич, асосан тўрт жабха (компонент) негизида содир бўлиши тажрибаларда синаб кўрилган. Унинг асосий жабҳалари, энг аввало, доминант мотивация (ўта хоҳиш) ва унга ҳамроҳ ҳисобланган эмоциянинг кучлилиги ҳамда барқарорлигига намоён бўлади:

- Организмга қўзғатувчиларнинг маълум бир таъсири.*
- Йўналтирувчи афферентациянинг мавжудлиги.*
- Афферентациянинг муайян шарт-шароитлари.*
- Хотира аппаратлари ва механизмлари.*

Буларнинг ўзаро таъсири учта нейродинамик омил орқали бажарилади:

*а) йўналганлиги; б) нейронларда қўзгалишининг конвергенцияси (тўйиниши); в) қўзгалишининг пўстлоқ ва пўстлоқости тузилмаларда қайта ҳосил бўлиши, тикланиши.*

Бу механизмлар асаб тизимида турли қўзғалишларни тўплашга, бирлаштиришга, солиштиришга ва мазкур муҳитда энг қулай ҳатти-ҳаракат актини бажариш учун қарор қабул қилишга олиб келади.

Катта ярим шарларда маҳсус нейронлар гуруҳи борлиги туфайли улар турли-туман қўзғалишларгина қайта қабул қилиш билан чекланмай, балки мия пўстлоғининг пирамида ҳужайраларидан аксон орқали келувчи эфферент қўзғалишларни ҳам қабул қиласди. Бу эса орқа мия пўстлоқ ости ва пўстлоқдаги кўплаб аксонлар нейронларнинг вазифаси циклик қўзғалишни кўпинча сақлаб туриш, ўзига хос «кутиш» тўпламини сақлашдан иборат. Шу билан бир вақтда периферик ишчи аъзоларига юбориладиган буйруқ нусхасини бутун мияга тарқалишини таъминлайди. Бир нейроннинг ўзидағи *эфферент қўзғалиши конвергенцияси* периферик рецепторлардан келувчи афферент қўзғалиш билан аксонга узатилган буйруқ нусхаси олинган натижаларни баҳолаш учун шарт-шароитлар яратади.

### **Назорат саволлари:**

1. Сезги ҳақида тушунча.
2. Сезги турлари ва уларнинг мазмуни.
3. Сезги ва бошқа жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги.
4. Сезги жараёнига доир назариялар.
5. Сезгининг асосий турлари.
6. Сезгининг ривожланиши.

## **XIX-БОБ. ИДРОК**

**Таянч тушунчалар:** идрок, идрокнинг мураккаблиги, идрок қонунлари, илюзия, галлюцинация, атракция, апперцепция, идрок феноменлари, фазо ва вақтни идрок қилиши, ҳаракатни идрок қилиши, структуралилик, барқарорлик ва англанилганлик.

### **19.1. Идрокнинг умумий тавсифи**

Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгидаги акс этишига идрок деб айтилади. Идрок этиш жараёнида алоҳида ҳолдаги сезгиларнинг тартибга солиниши ҳамда нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг яхлит образларига бирлашуви юз беради.

Қўзғатувчининг алоҳида хусусиятлари акс этадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсаларни умуман, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бунда идрок алоҳида сезгилар йиғиндисидан иборат тарзда эмас, балки ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари билан сифат жиҳатидан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади. Идрокнинг анча муҳим хусусиятлари *предметлилик, яхлитлилик, структуралилик, барқарорлик ва англанилганлик*дан иборатdir.

*Идрокнинг предметлилиги* объективлаштириш ҳодисаси деб аталмиш ҳодисада, яъни ташқи дунёдан олинадиган ахборотнинг ўша дунёга мансублигига ифода этилади. Бу хилдаги мансублик бўлмаса, идрок кишининг амалий фаолиятида ўзининг мўлжал олдириш ва йўналтиришдан иборат вазифасини бажара олмайди. Идрокнинг предметлилиги тугма ҳислатга кирмайди; субъектга оламнинг предметлилигини кашф этиш имконини туғдирадиган муайян ҳаракатлар тизими мавжуддир. Бу борада туйиш ва ҳаракат сезгилари ҳал қилувчи роль ўйнайди. И.М.Сеченов предметлилик нарсанинг ўзи билан алоқа боғланишини таъмин этадиган жараёнлар негизида, оқибат натижада ҳамиша ташқаридан ҳаракатлантирувчи жараёнлар негизида шаклланишини такидлаган эди. Ҳаракатлар иштирок этмаган тақдирда бизнинг идрокимиз ҳам предметлилик белгисига, яъни ташқи дунё объектларига мансубликка эга бўла олмасди.

Предметлилик идрокнинг белгиси сифатида ҳатти-харакатни бошқаришда алоҳида роль ўйнайди. Фишт ва портловчи модда боғлами пайпаслаб кўрилганда бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлиб кўриниши ва идрок этилиши мумкин, лекин уларнинг «ўзларини тутиши» жуда ҳам турлича тарзда юз беради. Одатда, биз нарсаларга уларнинг кўринишига қараб эмас, балки уларни амалиётда қай тарзда ишлатишимиизга мувофиқ ҳолда ёки уларнинг асосий хусусиятларига қараб баҳолаймиз. Бунга эса идрокнинг предметлилиги ёрдам беради.

Предметлилик перцептив жараёнларнинг ўзини, яъни идрок, жараёнларининг бундан кейинги шаклланишида ҳам катта роль ўйнайди. Ташқи олам билан унинг инъикоси ўртасида тафовут юз берган пайтда субъект идрокнинг анча тўғри акс эттирилишинн таъмин этадиган даражадаги янги усусларини қидиришга мажбур бўлади.

Идрокнинг яна бир хусусияти унинг **яхлитлиги**dir. Сезги аъзоларига таъсир қиласидан нарсанинг айрим хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, бу яхлит образ нарсанинг айрим хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги унинг структуралилиги билан боғлангандир. Идрок маълум даражада бизнинг бир лахзалик сезгиларимизга жавоб бермайди ва уларнинг шунчаки оддий йигиндиши ҳам эмас. Биз ана шу сезгилардан амалда мавхумлашган ва бирмунча вақт давомида шаклланадиган умумлашган структурани идрок этамиз. Агар киши биронта куйни тинглаётган бўлса, олдинроқ эшитган оҳанги янгиси эшиттирила бошлагандан кейин ҳам унинг қулоғига чалинаётгандай туюлаверади. Одатда, тингловчи мусикавий асарни тушунади, яъни умуман унинг структурасини идрок этади. Афтидан, эшитилган оҳанглардан энг сўнггиси алоҳида ҳолида бундай тушуниш учун асос бўла олмайди: тингловчининг

хаёлида күйнинг бутун тузилиши таркибига кирувчи ранг-баранг ўзаро боғланишлар билан қўшилган ҳолда эшитилиб туради.

**Идрокнинг константлиги.** Куршаб турган объектларнинг идрок қилаётган субъектга нисбатан мавқенинг эркинлиги даражаларнинг кўплиги ва уларнинг юзага чиқиши шарт-шароитлари бекиёс ранг-баранглиги оқибатида бу объектлар ўз қиёфасини тўхтовсиз равища ўзгартириб, идрок қилаётган кишига турли жиҳатлари билан ўгирилиб намоён бўладилар. Шу билан баробар перцептив жараёнлар ҳам ўзгариб боради. Лекин перцептив тизимнинг (перцептив тизим – муайян идрок этиш жараёнини содир этадиган анализаторлар йиғиндисидир) бу ўзгаришларни қоплашга лаёқатлилигини таркиб топтирадиган константлик хусусиятига эга эканлиги сабабли биз ўзимизни қуршаб турган нарсаларни шаклига, ўлчамига, тусига ва хоказоларга кўра нисбатан ўзгармайдиган тарзда идрок этамиз.

Идрокнинг бу хусусиятини катталик константлиги мисолида баён қиласиз. Маълумки, нарсаларнинг тасвири (шу жумладан, унинг кўз тўрпардасидаги тасвири ҳам) унга қадар бўлган масофа қисқарган пайтда йириклишади ва аксинча. Лекин масофаси ўзгарган пайтда объектнинг кўз тўрпардаларидаги тасвирининг катталиги гарчи ўзгарса ҳам, унинг идрок этиладиган катталиги қарийб ўзгармасдан қолади. Театрдаги томошабинларга бир разм солинг: узокроқдаги одамларнинг юzlари тасвири яқинроқда ўтирганларни кига қараганда анча кичик бўлиб кўринса ҳам, ҳаммасининг ҳажми баб-баравардек туюлади. Ўз кўлингизнинг бармоқларига бир қаранг: бир хиллари кўлингизни узатиб турганингиз каби масофадан, бошқалари эса яқинроқдан кўринаётгандай бўлади: узокроқ чўзилган кўлингиз бармоқлари тасвири кўз тўрпардаларида яқинроқдаги қўл бармоқлари тасвирининг ярмига teng бўлган бир пайтда бармоқларнинг ҳажми бир хил бўлиб туюлади.

***Идрокнинг константлиги нималарга асосан ҳосил бўлади? Бу, эҳтимол тугма механизмдир?***

Текшириш учун қалин ўрмонзорда муқим яшаб келаётган одамларнинг идроки тадқиқ қилиб кўрилди. Бундай одамларнинг идроки улар илгари узок масофадаги нарсаларни кўрмайдиган бўлганликлари учун қизиқиш туғдиради. Бу одамларга анчагина узоқда жойлашган обьектлар кўрсатилганида улар бу обьектларни ўzlаридан узоқда жойлашган обьект сифатида эмас, балки кичик обьект сифатида идрок этишган эди. Идрок константлигининг бу хилдаги бузилиши текис ерда яшовчилар баландликда туриб пастга қараганларида ҳам кузатилади. Кўп қаватли уйнинг юқори қаватидаги деразасидан қараганда ҳам обьектлар (одамлар, автомобиллар) жуда кичик бўлиб кўринади. Шундай бўлса ҳам ҳавозаларда ишлаётган курувчилар пастда жойлашган обьектларни ҳажми кичраймаган ҳолда кўраётганликларини айтишди.

Нихоят, *идрокнинг константлиги тугма тарздалиги ҳақидаги фикрга зид* бўлган яна бир мисол. *Болалигида кўр бўлиб, ёши улгайгандан кейин жарроҳлик йўли билан кўзлари кўрадиган бўлиб қолган одам кузатувдан ўtdi. Операциядан кейин кўп ўтмай бемор шифохонанинг ердан 10-12 метр баландликдаги деразасидан ўзига ҳеч қанақа зиён етмайдиган қилиб сакрай олиши мумкин деб ўйлади. Эҳтимол, пастда жойлашган обьектлар узоқда жойлашган бўлиб эмас, балки кичик бўлиб кўрингандир ва бу баландликни аниқлашда хатога олиб келгандир.*

Перцептив тизимнинг фаол таъсир кўрсатиши идрок константлигининг ҳақиқий манбаидир. Субъект рецептор аппаратлари ҳаракатларининг ва жавоб сезгиларнинг: ранг-баранг ва ўзгарувчан оқимидан идрок этиладиган обьектнинг нисбатан ўзгармас, инвариантли тузилишини алоҳида ажратиб курсатади. Айнан бир хилдаги обьектларни ҳар хил шароитларда қайта-қайта идрок этавериш ана шу ўзгарувчан шарт-шароитларга нисбатан перцептив образнинг инвариантлилигини ва шунингдек, рецептор аппаратининг ўз ҳаракатларини таъмин этади, демак ана шу образнинг константлигига сабаб бўлади. Бунда идрокнинг шарт-шароитлари ўзгариши ва кузатувчининг сезги аъзолари фаол ҳаракат қилиш натижасида ҳосил бўладиган янги кўринишлар

ўзича бирон-бир даражада сезилмайди; бор-йўғи қандайdir нисбий инвариантлик, масалан, қандайdir нарсанинг шакли, унинг ўлчамлари ва ҳоказолар тарзида идрок этилади.

**Апперцепция.** Идрок факат қўзғалишга эмас, балки идрок этаётган субъектнинг ўзига ҳам боғлиқдир. Алоҳида ҳолида кўз ҳам, қулоқ ҳам идрок этмайди, балки конкрет тирик киши идрок этади ва идрокда ҳамиша идрок этувчи киши шахсининг ҳислатлари, унинг идрок этилаётган нарсаларга муносабати, кишининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари, истаклари ва ҳис-туйғулари у ёки бу тарзда акс этади. Идрокнинг киши психик ҳаёти мазмунига, унинг шахсиға хос хусусиятларга боғлиқлиги апперцепция номи билан юритилади.

Кўп сонли маълумотлар шуни кўрсатадики, субъект томонидан идрок этиладиган манзара бир лаҳзалик сезгиларнинг шунчаки оддий йифиндиси эмас; у кўпинча муайян пайтда ҳатто кўзнинг тўрпардаларида йўқ бўлган, лекин киши гўё олдинги тажриба асосида кўриб тургандек туоладиган қисмларни ҳам ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Идрок ахборотни гипотезаларни илгари суриш ва текшириб кўриш учун ишлатиладиган фаол жараён ҳисобланади. Бу гипотезаларнинг хусусияти эса шахснинг олдинги тажрибаси мазмuni билан белгиланади. *Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, синалувчиларга тўғри ва эгри чизиқларнинг ихтиёрий бирикмасидан иборат нотаниши қадди-қомат кўрсатилганда идрок этишининг биринчи босқичидаёқ идрок қилинаётган объектни солишишиб кўриши мумкин бўлган андазалар қидирила бошланади.* Идрок этиш жараёнида объектнинг у ёки бу категорияга мансублиги ҳакидаги гипотезалар илгари сурилади ва текширилади.




Шундай қилиб, бирон нарсани идрок этаётганда бундан олдинги идрокнинг излари ҳам фаоллашади. Унинг учун айнан бир нарсанинг ҳар хил одамлар томонидан турлича идрок этилиши ва тасвирлаб берилиши табиийдир.

*Идрокнинг нарсалар билан қилинадиган фаолият жараёнида шакланадиган константлиги – киши ҳаёти ва фаолиятининг зарур шартидир.* Бусиз инсон чексиз ранг-баранг ва ўзгарувчан оламда мўлжал ола билмасди. Константлик хусусияти нарсанинг ва унинг яшаш шароитининг бирлигини акс эттиаркан, теварак-атрофдаги оламнинг нисбатан барқарорлигини таъминлайди.

## **19.2. Идрокнинг англанган бўлиши**

Гарчанд идрок қўзғатувчининг рецепторларга бевосита таъсири натижасида ҳосил бўлса ҳам, перцептив образлар ҳамиша муайян маъноли аҳамиятга эга бўлади. *Кишининг идроки унинг тафаккури билан, нарсанинг моҳиятини тушуниб етиши билан чамбарчас боғлиқдир.* Нарсани онгли идрок этиш – унга фикран ном бериш, яъни идрок этилган нарсани нарсаларнинг муайян гуруҳига, синфга киритиш, уни сўз воситасида умумлаштириш демакдир. Ҳатто ўзимизга нотаниш нарсани кўрганимизда ҳам унинг бизга таниш обьектлар билан ўхшашлик жиҳатларини пайқаб олишга, уни қандайдир тоифага киритишга уринамиз. Идрок шунчаки сезги аъзоларига таъсир қиласидиган қўзғатувчиларнинг оддий йиғиндиси билан белгиланмайди, балки мавжуд маълумотларни яхшилаб талқин қилиш, изоҳлаб бериш йўлларини жадал излаш бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда гоҳ шакл, гоҳ фон (икки қиёфа ва вазн) навбатма-навбат идрок этиладиган, «икки мазмунли» деб аталмиш расмлар диққатга сазовордир, Бу расмларда идрок қилинган обьектнинг алоҳида кўрсатилиши унинг англаб етилиши ва номланиши билан боғлиқдир.

Фикримизга якун ясарканмиз, идрок фаол жараён эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. Идрок этиш жараёнида киши нарсанинг айнан ўзига ўхшаш образини яратиш учун қўплаб перцептив ҳаракатлар қиласиди.



Идрокнинг фаоллиги энг аввало идрок этиш жараёнида (пайпаслаб сезиш пайтида қўлларнинг ҳаракати, кўз билан кўриш орқали идрок этишда кўзларнинг ҳаракати ва бошқаларда) анализаторларнинг эфектор (харакатлантирувчи қисмлари) иштирок қилишидан иборатdir. Бундан ташқари кўз билан кўриш мумкин бўлган тик ҳолатда кўринади, яъни шам тепага қараб алангаланиб ёниб турган ҳолда идрок қилинади.

Америкалик психолог А.Эймснинг «қийшайган хона» билан боғлиқ тажрибалари ҳам қизиқарлидир. Бу хона шу тарзда қурилганки, *перспектива қоидаларини қўлланиши туфайли у кўз тўрпардасида худди одатдаги тўғри бурчакли хона каби образ ҳосил қиласди*. Қийшайган хона»га аллақандай нарсалар жойлаштирилган тақдирда кузатувчи уларни нотўғри хажмда идрок киласди (масалан, катта ёшдаги киши кичкина боладан ҳам кичик бўлиб туюлади). Афтидан, одамлар меъёридаги тўғри бурчакли хоналарга шу қадар ўрганиб кетишганки, қийшайган хонанинг ўзидан кўра кўпроқ унда жойлашган объектлар қийшайган тарзда идрок этилади, Лекин шуниси ажабланарлики, бундай хонада аёллар ўз эрларини ўзгармаган ҳолда кўришади; уларни одатдаги тарзда идрок этишади, хонани эса қийшайган ҳолда кўришади. Шу хилдаги вазиятда перцептив тизим қарама-қарши ахборот мавжуд бўлган бир пайтда бир тўхтамга келиши керак. Тўхтамнинг натижаси субъектнинг бундан олдинги тажрибаси билан белгиланади: яхши таниши бўлган нарсаларни хона бузиб кўрсатмайди. Хонани пайпаслаб танишиб чиқши бошқа нарсалар сохталашувиning таъсир

кучи секин-аста камайшиига олиб боради ва тировардида хонанинг ўзи тўёри, яъни қийшиайган тарзда идрок этила бошлайди.

Шундай қилиб, идрок субъектнинг бундан олдинги тажрибасига боғлиқ бўлади. Кишининг тажрибаси қанчалик бой бўлса. Унинг билимлари қанчалик кўп бўлса, унинг идроки ҳам шунчалик бой бўлади, буюмда у шунчалик кўп нарсаларни кўра олади.

### **19.3. Идрокнинг нерв-физиологик асослари**

Идрок ҳам сезги каби рефлектор жараёндир. И.Павлов идрокнинг негизини теварак-атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисалар рецепторларга таъсир этиши натижасида бош миянинг катта ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган шартли рефлекслар, муваққат нерв боғланишлари ташкил этишини кўрсатиб берган эди. Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисалар комплекс қўзгатувчилар сифатида хизмат қиласи. Анализаторларнинг қобиқ бўлмалари ўзагида ана шу комплекс қўзгатувчиларнинг мураккаб таҳлили ва синтези амалга оширилади. «... *Шартли қўзгатувчилар сифатидаги омиллар узлуксиз ва ранг-баранг тарзда ўзгариб турадиган табиат билан уйғунлашган ҳолда гоҳо организм учун ўтамайды қисмлар тарзидаги ярим шарлар бўлиб ажратиб туришар (таҳлил этилар), гоҳо кўплаб турли-туман комплексларга қўшилиб кетишар (синтез қилинар) эди» Таҳлил идрок этиш объективнинг фон ажратилишини таъмин этади. Таҳлил асосида идрок объективнинг барча хусусиятлари яхлит образга умумлаштирилади.*

Идрок сезгиларга қараганда миянинг анча юксак даражадаги таҳлил қилиш-умумлаштириш фаолияти ҳисобланади. Таҳлил килмасдан туриб идрокнинг англанган бўлиши мумкин эмас. Жумладан, нотаниш хорижий тилда айтилган нутқ бошдан-оёқ товушлар оқими тарзида идрок этилади. Нутқнинг англанилган ҳолда идрок этилиши, яъни у тушунилиши учун нутқни алоҳида ибораларга, моҳият-эътибори билан сўзларга ажратиш шарт. Айни пайтда нутқни идрок этиш жараёнда таҳлил билан баб-баравар тарзда синтез ҳам қилинади, шу туфайли биз алоҳида тарқоқ товушларни эмас,

балки сўзларни ва ибораларни идрок этамиз. Мувакқат нерв боғланишларининг ўрнатилиши синтезнинг негизини ташкил этади.

Идрокнинг негизи нерв боғланишларининг иккита туридан – битта анализатор доирасида ҳосил бўладиган боғланишлардан ва анализаторлараро боғланишлардан таркиб топади. Биринчи ҳолат организмга битта модалликдаги комплекс қўзғатувчи таъсир этганда кузатилади. Эшлиш анализаторларига таъсир қиласидан алоҳида товушларнинг ўзига хос бирикмасидан иборат куй ана шундай қўзғатувчи бўлиши мумкин. Ушбу комплекснинг ҳаммаси битта мураккаб қўзғатувчи сифатида таъсир қиласиди. Бунда нерв боғланишлари фақат қўзғатувчиларнинг ўзларида эмас, балки уларнинг вақтга, фазога ва ҳоказоларга тадбиқан муносабатида пайдо бўлади (*бу муносабатда бўладиган рефлекс деб юритилади*). Натижада катта яrim шарлар қобиғида бирикиш жараёни, мураккаб синтез юз беради.

***Идрок негизида ҳосил бўладиган мувакқат нерв боғланишлари ташки оламдаги нарсалар ва ҳодисалар хусусиятларининг объектив боғланишлари асосида таркиб топади.***

Анализаторлар ўртасида ҳосил бўладиган боғланишлар туфайли биз идрокимизда нарсалар ва ҳодисаларнинг бунинг учун маҳсус мослашган анализаторлар бўлмаган хусусиятларини (масалан, нарсанинг ҳажми, солиштирма оғирлиги) ҳам акс эттирамиз. Унинг учун ҳам биз идрок қилганимизда оламни сезгиларимизга нисбатан чукурроқ билиб оламиз.

Шундай қилиб, идрок образининг тузилишидаги мураккаб жараён негизини анализаторлар ичида ва анализаторлор ўртасида қўзғатувчиларни алоҳида билдирадиган энг яхши, шарт-шароитлар яратилишини ҳамда мураккаб яхлит ҳолдаги нарса хусусиятларининг ўзаро биргаликдаги харакатининг ҳисобга оладиган боғланишлар тизими ташкил этади.

#### **19.4. Идрокнинг хусусиятлари ва турлари**

Идрокнинг классификация қилинишида ҳам худди сезгилардаги каби идрок қилишда иштирок этувчи анализаторлардаги мавжуд фарқларга асосланилади. Идрок этишда қайси бир анализатор устуноқ келганига

мувофиқ тарзда кўриш, эшитиш, пайпаслаб кўриш, кинестезик, ҳидлаш ва таъм билиш, йўли билан идрок қилиниши фарқланади.

Идрок қилиш жараёни, одатда ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган бир қанча анализаторлар воситасида содир бўлади. Ҳаракат сезгилари у ёки бу даражада идрокнинг барча турларида иштирок этади. Мисол тариқасида тери туюши ва кинестезик анализаторлар иштирок этадиган пайпаслаб туриб идрок этишни кўрсатиш мумкин. Шунга ўхшаб эшитиш ва кўриш орқали идрок этишда ҳаракат анализаторлари ҳам иштирок этади.

*Идрокнинг ҳар хил турлари соғ ҳолида камдан-кам учрайди, одатда улар бир-бирлари билан уйғунлашиб кетади ва натижада идрокнинг мураккаб турлари ҳосил бўлади.* Жумладан, ўқувчининг дарс пайтида матнни идрок қилиши кўриш, эшитиш, кинестезик идрокларни ўз ичига олади.

Материянинг мавжуд бўлиш шакллари – фазо, вақт ва ҳаракат идрокни таснифлашнинг бошқа тури учун асос бўлади. Бундай тарздаги таснифлашга (классификациялашга) биноан фазони идрок этиш, вақтни идрок этиш. ва ҳаракатни идрок этиш алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Ҳаракат идроки – идрок этилаётган объектни текшириш ва унинг ўзига айнан ўхшайдиган нусхасининг яратишга йўналтирилган ўзига хос ҳаракатdir. Идрокнинг муҳим қисми ҳаракатлантирувчи, (мотор) жараёнлардан иборатdir. Нарсани пайпаслаб ҳис этадиган қўлларнинг ҳаракатлари, нарсанинг кўринадиган шаклини кузатувчи кўзларнинг ҳаракати, эшитиладиган, овоз чиқарадиган ҳиқилдоқнинг ҳаракати ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Қўл ва кўзларнинг ишида кўпгина умумийликлар мавжуд. Кўзлар худди қўллар каби суратни ва нарсанинг шаклини изчиллик билан текшириб чиқади, «ушлаб кўради». И.М.Сеченов шу ҳақда шундай деб ёзган эди: «... Гап нарсаларнинг шакли ва ҳажми ҳақида боряптими ёки уларнинг олислиги ва нисбий жойлашганлиги ҳакида боряптими, бундан қатъи назар, кўзнинг кўриши пайтидаги ва қўлларнинг пайпаслаши чогидаги ҳаракатланувчи

*таъсиротлари моҳият эътибори билан мутлако бир хилдир...»<sup>13</sup>* Кўл кўзларга ўзининг пайпаслаб ҳис этиш усуllibига «ўргатади», бундай пайпаслаб ҳис этишнинг ўзига хос стратегияси ва тактикасидан «сабоқ» беради.

Кўлнинг пайпаслаб сезиш ва кўзнинг кўриш жараёнидаги ҳаракат функцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар иккита катта соҳага ажралади. Биринчисига қидиувчи, йўлловчи ва тузатувчи ҳаракатлар киради. Улар ёрдамида идрок этиш учун тайинланган обьектни кидириш, кўзни (ёки кўлни) «бошланғич марра»га каратиш, ана шу маррани тўғрилаш амалга оширилади. Иккинчи соҳага образни ҳосил қилишда, обьектларнинг фазодаги таърифини аниқлашда, таниш обьектларни топишда ва шу кабиларда иштирок этадиган ҳаракатлар киради. Бу хусусан, синестик ҳаракатлар, перцептив ҳаракатлардан иборатdir.

***Идрок – перцептив ҳаракатлар тизимиdir ва уни эгаллаш маҳсус ўқитишини ва тажрибани талаб қиласди.***

**Кузатиши.** *Ихтиёрий идрок этишининг муҳим шакли кузатишдирки, у нарсаларни ёки теварак-атрофдаги олам ҳодисаларини кўра-била, режали тарзда идрок этишдан иборатdir.*

Кузатишда идрок этиш мустақил фаолият сифатида намоён бўлади. Сезги аъзоларини ишлатишни, тери орқали сезишни, кўра билишни, эшитишни ва ҳоказоларни ўрганиш керак. Биз чет тиллардаги айrim сўзларни кўп ҳолларда фарқлай олмаймиз, мусиқавий асарларнинг бузиб ижро этилаётганини пайқамаймиз ёки суратларнинг бўёқ ранглари тасвиридаги ана шундай бузилишларни кўрмаймиз. Кузатишини ўрганиш мумкин ва лозим. Нутқ маданияти ҳакида сўз юритилиши каби идрок этиш, кузатиш маданияти ҳакида ҳам гапириш мумкин. Шу муносабат билан голландиялик таниқли астроном М.Миннартнинг мана бу сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «Кўра бошлаш сизларнинг ўзларингизга боғлиқ – ўз

<sup>13</sup> Сеченов И.М. Осязание как чувство.ю соответствующее зрению. – избранные философские и психологические произведения. М., Госполитиздат, 1947, 555-бет.

кўзларингизга «нимага қарашни бил» деб аталадиган сехрли асос билан тегиб қўйсангиз кифоя»<sup>14</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, қузатишнинг муваффақияти қўп жиҳатдан вазифанинг аниқ қилиб қўйилишига боғлиқдир. Кузатувчи учун қузатишнинг йўналишини қўрсатадиган «компас» бўлиши керак. Кузатувчи олдига қўйиладиган вазифа, қузатиш ўрини ана шундай «компас» ҳисобланади.

Таълимнинг кўргазмалилигига ўқитувчининг сўзи билан уйғунлаштирилган тарзда маҳсус воситалар (кўргазмали қуроллар, ускуналар, намойиш қилинадиган тажрибалар, турли хил эккурсиялар ва ҳоказо)дан фойдаланиш йўли билан эришилади.

Бу воситалар ҳозирга қадар ёрдамчи рол ўйнайди, деб ҳисоблаб келинарди: улар билимларнинг ўзлаштирилишини осонлаштирадиган ва ўқувчиларда ўрганилаётган материалга қизиқиш уйғотишга ёрдам берадиган иллюстратив материал сифатида ишлатиларди. Лекин кейинги пайтларда ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари таълимда кўргазмалилик принципига бошқача ёндашиш имконини беради.

Афтидан, ўқитиши жараёни ўқувчилар дарс вақтида ўқитувчи томонидан хабар қилинадиган ахборотни қабул қилиши билан чекланадиган принцип асосида ташкил этилмаслиги керак; ўқитиши жараёни ўқувчиларнинг фаол фикрлаш фаолияти тарзида ташкил этилиши керак. Бундай фаолиятдан кўзланган пировард натижа ўқувчилар учун янги билимларга йўл очиб беришдан иборат бўлиб, ўқитиши жараёни ҳам ана шу мақсадга қаратилгандир. Билимларнинг анча пухтароқ эгалланишини таъминлаш учун бу мақсадга қандай воситалар орқали эришиш мумкин? Экспериментал тадқиқотлар шуни қўрсатадики, чамалаб текшириш перцептив фаолият негизида таркиб топган вазиятнинг образини у ёки бу тарзда ўзгартириш ечимни қабул қилиш жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу босқич – реал вазиятдан мавҳумликка ўтиш босқичи – образи илгари сурилган

---

<sup>14</sup> Минарт М. Свет и Цвет и природе. М., Наука, 1969, 14-бет.

вазифага мувофиқ тарзда қайта қуришдаи иборат фаолиятдан бўлак ҳеч нарса эмас.

Қарор қабул қилиниш жараёни учун муаммоли вазиятни ички жиҳатга ўтказиш (дилга жо қилиш) заруратининг туғилиши ўқитишдаги кўргазмалилик принципининг қўлланилишига тўгри ёндашувнинг фавкулодда муҳимлигидан далолат беради. Кўргазмали қуроллар баён этилаётган материалнинг фақат тасвиридан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Янги билимларни кашф этиш ҳодисаси ўқувчи учун ҳам фанда ёки санъатда ижодий муаммоларни ҳал этиш жараёни каби мاشаққатли ишга айланиб қолмаслиги учун таълимда кўргазмалиликнинг қўлланилиши фақат вазиятнинг образини яратиш жараёнини эмас, балки ушбу образнинг галдаги вазифаларга мувофиқ тарзда қайта яратилиши жараёнини ҳам йўналтириб юбориши лозим. Бундай тарзда ёндошилганда қўлланиладиган кўргазмали қуролларнинг қандай характерга эгалиги, уларнинг танланиши билан бирга уларнинг дарсда қанчалик кўп кўрсатилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дарсда кўргазмали қуролларни қўлланишнинг изчиллиги ўқувчиларнинг ўрганилаётган материал андазасини яратиш юзасидан фаолиятини йўналтириб туриши керак.

### **19.5. Фазо, вақт ва ҳаракатнинг идрок қилиниши**

**Фазони идрок қилиш.** *Фазонинг идрок қилиниси кишининг ўзини қуришаб турган муҳитни чамалашининг муқаррар шартларидан бўлиб, унинг ушбу муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатида катта рол ўйнайди.* У объектив равища мавжуд бўлган фазонинг аксини ифода этади ва объектларнинг шакли, ҳажми ва ўзаро биргаликда жойлашуви, улар сатҳи, олислиги ва иўналишларининг идрок этилишини ўз ичига олади.

Кишининг муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати унинг учун хос бўлган координатор тизими билан биргаликда киши гавдасининг ўзини ҳам қамраб олади. Сезувчан одамнинг ўзи фазода муайян ўрин эгаллайдиган ва маълум бир фазовий белгилари (*ўлчами, шакли, гавданинг учала ўлчови,*

ҳаракатларнинг фазодаги йўналиши) мавжуд бўлган моддий гавда ҳам демакдир.

Нарсаларнинг шаклини, ўлчамини, бир-бирларига нисбатан эгаллаган ўрнини, у ёқдан бу ёққа кўчишини англаш ва айни пайтда хусусий гавданинг теварак-атрофдаги нарсаларга нисбатан ҳолатини таҳлил қилиш организмнинг ҳаракатланувчи фаолияти жараёнида юз беради ва фазодаги таҳлил деб аталувчи аналитик-синтетик фаолиятнинг алоҳида юксак даражада намоён бўлишидан иборатдир. Шу нарса аниқландики, фазодаги таҳлилнинг турли хилдаги шакллари анализаторлар комплекс фаолиятининг негизида вужудга келади, уларнинг бирортаси ҳам муҳитнинг фазовий омилларини таҳлил қилишда асосий рол ўйнамайди.

Фазони чамалашда ҳаракат анализатори алоҳида роль ўйнайди. Турли хилдаги анализаторлар ана шу анализатор воситасида ўзаро биргаликда ҳаракат қила бошлайди. Фазони чамалашнинг маҳсус қуроллари қаторига анализаторлар фаолиятида ҳар иккала ярим шарлар ўртасидаги нерв боғланишларини: *бинокуляр кўришини, бинаураль эшиитишни, терининг бимануаль туюшини, дириник ҳид билишини* ва шу кабилари» киритиш лозим. Нарсаларнинг мантиқий хусусиятларини акс эттиришда функционал симметрия муҳим роль ўйнайди. У барча жуфт анализаторларга хос бўлган хусусиятдир. Функционал асимметрия шундан иборатки, анализаторнинг томонларидан бири маълум бир жиҳатдан етакчилик қиласди, устун бўлади. Анализаторларнинг томонлари ўртасидаги муносабатлар уларнинг устунлик қилиши жиҳатидан олганда ҳаракатчан ва бир хил эмаслиги аниқланди. Жумладан, ўткирлигига кўра устунлик қиласидиган кўз кўриш майдони ўлчами жиҳатидан етакчи бўла олмаслиги мумкин ва хоказо.

**Нарсалар шаклининг идрок қилиниши.** Нарсаларнинг шакли, одатда кўриш, терининг идрок туюши ва кинестезик анализаторлар ёрдамида қилиниши идрок қилинади. Баъзи ҳайвонларда маълум бир шаклдаги обьектлар таъсирига жавобан туғма реакциялар. Феъл-атворни ҳаракатлантирувчи туғма механизmlар деб аталмиш механизmlар

кузатилади. Бу туғма механизмлар катъиян ихтисослашган бўлади. Товуқларнинг картон коғоздан йиртқич қушнинг суратини эслатадиган қилиб қирқилган шаклни кўриб жўжаларини ҳимоя қилишга туша бошлашлари бунга мисол бўла олади.

Шакл билан танишиш чоғида алоҳида ажратиб қўрсатилиши лозим бўлган ва кўпроқ даражада ахборот берадиган белги ташқи кўринишdir. Айнан ташқи кўриниш иккита реалликни, яъни шакл билан муҳитни бир-биридан ажратадиган чегара вазифасини бажаради. Кўз микроҳаракатлар орқали обьектларнинг чегаралари (ташқи кўриниши ва майда-чуйда деталлари)ни фарқлай олиши мумкин. Кўриш тизими обьект билан фон ўртасидаги чегарани фақат ажратса билишга эмас, балки шу чегара бўйлаб силжиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу кўзлар ҳаракати воситасида амалга оширилади. Кўзлар нарсанинг ташқи кўринишини бамисоли иккинчи бор фарқлайди ва унинг шакли образини ҳосил қилишнинг муқаррар шарти ҳисобланади.


Нарса шаклининг кўриш орқали идрок этилиши кузатишнинг шартшароитлари: нарсанинг катта-кичиклиги, унинг кузатувчи кўзларидан узоқ-якинлиги, ёритилганлиги, обьектнинг ёрқинлиги ва фони ўртасидаги кескинлик ва ҳоказолар билан белгиланади.

**Нарсаларнинг катта-кичиклигини идрок қилиш.** Нарсаларнинг идрок қилинаётган катта-кичиклиги уларнинг кўз тўрпардасида тасвирланган ўлчами ва кузатувчининг кўзларидан олис-яқинлиги билан белгиланади. Кўзларнинг турли олисликдаги нарсаларни аниқ-равshan кўришга мослашуви иккита механизм – аккомодация ва конвергенция ёрдамида юз беради.

**Аккомодация** – кўз гавҳарининг эгрилигини ўзгартириши йўли билан унинг аксини синдириб қайтариши қобилиятини ўзгартириши демакдир. Жумладан, яқинроқда жойлашган нарсаларга қараганимизда мушакларимизда қисқариш юз беради, натижада кўз гавҳари таранглашиш даражаси камаяди ва у янада қавариқ шаклга киради. Ёш улгая борган сари

кўз гавҳари аста кам ҳаракат қиласиган бўлиб қолади ва мослашув, яъни турлича узоқликдаги нарсаларга қараганда ўз шаклини ўзгартириш қобилиятини йўқотади. Натижада яқинроқдаги нарсалардан кўра узоқдаги нарсалар яхшироқ кўрина бошлиди, бу аниқ-равshan кўринадиган яқинроқдаги нуқта ёш ўтиши билан тобора узоқлаша боришида ўз ифодасини топади.

Аккомодация, одатда конвергенция билан, яъни кўриш ўқларини қайд қилинаётган нарсага йуналтириш билан боғлиқдир. Аккомодациянинг муайян ҳолати кўриш ўқлари тортишишининг муайян даражада бўлишини тақозо қиласи ва аксинча, кўриш ўқларининг у ёки бу тарзда тортишиши аккомодациянинг муайян даражасига мос келади.



Конвергенция бурчаги бевосита масофа индикатори, яъни ўзига хос масофа ўлчагич сифатида фойдаланилади. Муайян масофа учун конвергенция бурчагини объект олдида жойлаштирилган призмалар ёрдамида ўзгартириш мумкин. Бунда агар конвергенция бурчаги катталашадиган бўлса, объектнинг кўриниб турган ўлчами ҳам катталашади, унгача бўлган идрок этилаётган масофа эса қисқаради. Агар призмалар конвергенция бурчаги кичрайдиган тарзда жойлаштирилган тақдирда объектнинг кўринадиган ҳажми ҳам кичрайди, унгача бўлган масофа эса ортади.

Иккита қўзғатувчи – нарсанинг кўз тўрпардасидаги тасвири аккомодация ҳамда конвергенция натижасида кўздаги мушакларнинг зўриқиши ўлчамлари бир-бирига мосланган ҳолда бирга қўшилиши идрок этилаётган нарсанинг ҳажми ҳақидаги шартли рефлекс тарзидаги сигнал хисобланади.



**Нарсаларнинг чуқурлиги ва узоқлигини идрок этиш.** Аккомодация ва конвергенция фақат жуда кичик доирада, унча катта бўлмаган масофада, масалан, аккомодация 5-6 метр атрофида, конвергенция 450 метрга қадар амал қиласди. Ваҳоланки киши ўзи идрок этаётган нарсаларнинг чуқурлигини ва улар эгаллайдиган бўшлиқни 2500 метрга қадар масофадан туриб фарқлай олади.

Чукур (ичкари) жойлашганликни баҳолай билишга оид бундай қобилият биринчи қарашда туғма ҳислатга ўхшайди.

Экспериментда эмаклайдиган болани қолдириладиган жойга тўшак ёзилган бўлиб унинг ёнидаги чуқурликнинг уста қалин шиша билан ёпиб кўйилган эди. Эксперимент шуни кўрсатдики, тўшак устида bemalol эмаклаб кетаётган бола шиша ёнига келиб тўхтаб қолади.

Нарсаларнинг чуқурлиги ва олислиги, асосан бинокуляр кўриш орқали идрок қилинади. Олисдаги объектларни (масалан, осмондаги юлдузлар) бинокуляр тарзда қайд этиш чоғида ҳар иккала кўзнинг кўриш чизиқлари параллел бўлади. Бунда узоқдаги нарсаларнинг тасвирлари ўнг ёки чап кўзнинг ёхуд иккала кўзнинг тўрпардаларига баравар тушиш-тушмаслигидан қатъий назар фазонинг ёлғиз бир жойида кўринаверади. Бинобарин, битта кўзнинг тўрпардасидаги баъзи нуқталарга бошқа бир кўзнинг тўрпардасидаги муайян нуқталар тўғри келади. Ҳар иккала кўз тўрпардаларининг симметрик тарзда жойлашган ушбу нуқталари ахборот етказувчи нуқталар деб аталади. Тўрпардалардан бирини иккинчисига қўйганда вертикал ва горизонтал ўқлар бир-бирига мос келадиган нуқталари ахборот етказувчи нуқталардир.

Тўрпардадаги ахборот етказувчи нуқталарнинг қўзғатилиши кўриш майдонида битта объект ҳақида сезги ҳосил қиласди. Кўзларнинг ҳар бир ҳолатида тўрпардаларнинг ахборот етказувчи нуқталарига ташқари фазодаги муайян нуқталар мос келади. Фазодаги нуқталарнинг кўзнинг муайян ҳолатида битта объектни кўриш имконини берадиган чизма тасвирини гороптер деб аталади.



Агар нарса тасвири ҳар иккала кўзниңг тўрпарда марказидан ҳар хил олисликда жойлашган ахборот етказмайдиган, ёхуд диспарат нуқталарга тушса, у ҳолда иккала самарадан бири – ё қўшалоқ тасвиirlар (агар нуқталарнинг диспаратлиги етарлича катта бўлса) пайдо бўлади, ёхуд муайян объектнинг қайд этилаётган объектга нисбатан кўпроқ ёки озроқ даражада олислиги (агар диспаратлилик кичикроқ бўлса) ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Кейинги ҳолатда ҳажмдорлик тасаввур ёки стереоскопик самара ҳосил бўлади.

Бу самарани стереоскоп (*икки манзарани чап ва ўнг кўзга алоҳида ажратиб кўрсатишга мўлжалланган аппарат*) ёрдамида кузатиш мумкин. Бу манзаралар кўзлар ўртасидаги масофага баравар олисликда жойлашган иккита фотокамера билан алоҳида суратга олиш чоғида юзага келадиган бўрттириб кўрсатилган қўшалоқ тасвиirlни ҳосил қиласди. Шундай қилиб, диспарат тасвир юзага келадики, уни кўраётганда қавариқ тасвир пайдо бўлади.

Агар стереоскопда ўрталарида тасвиirlарнинг бир-бирига қўшилиб кетишини таъмин эта олмайдиган даражада фарқ бўлган иккита тасвир бериладиган бўлса, у ҳолда ўзига хос бир самара пайдо бўлади: шаклларнинг гоҳ биттаси, гоҳ бошқаси бирин-кетин алмашган ҳолда гавдаланади. Бу ҳодиса *бинокуляр мусобақа* деган ном билан аталади. Бунда иккала объект баъзан иккала шаклнинг бирга қўшилишидан ташкил топган шаклдай кўринади. Масалан, *битта кўзга кўриниб турган панжаранинг сурати ва*

*боиқа күзга құринадиган отнинг сурати гүё от панжара устидан сакраётгандек тасаввур туғдириши мумкин.*

**Йұналишнинг идрок этилиши.** Фазонинг фарқини ажратищдаги мұхим жиҳатлардан бири объектнинг бошқа объектларга ёки кузатувчига нисбатан жойлашған йұналишининг идрок этилишидир. Биз объектни қўриб турган йұналиш унинг кўзимиз тўрпардасидаги тасвирининг ўрни ва гавдамизнинг теварак-атрофимизда турган нарсаларга нисбатан ҳолатига кўра белгиланади. Одам учун Ернинг горизонтал сатҳига нисбатан гавданинг тик ҳолатда бўлиши характерли хусусиятдир. Кишининг ижтимоий-мехнат маҳсули эканлигига кўра ҳосил бўлган ҳолат унинг ўзини қуршаб турган нарсаларни билиб оладиган йұналишни белгилашда асосий манба ҳисобланади. Унинг учун ҳам фазони қўришда, шу жумладан йұналишни идрок этишда ҳам қўриш сезгиларидан ташқари фақат кўз ёки қўл ҳаракатларини кинестезик сезиш эмас, балки статик сезгилар, яъни гавданинг мувозанати ва ҳолатини сезиш ҳам катта рол ўйнайди.

Бинокуляр қўришда кўринадиган нарсанинг йұналиши бир-бирига айнан ўхшаш йұналиш қонуни билан аниқланади. Бу қонунга биноан кўз тўрпардасининг ахборот етказувчи нуқталарига тўғри келадиган қўзғатувчилар бизга айнан бир хил йұналишда кўринади. Бу йұналиш ҳар иккала кўзнинг қўриш чизиқлари кесишган жойни ҳар иккала кўз оралиғининг ўртасига мос келадиган нукта билан боғлайдиган чизиқни ҳосил қиласади. Бошқача қилиб айтганда, ахборот етказувчи нуқталарга тушадиган тасвирларни биз бамисоли пешананинг ўртасида жойлашған биргина «циклогик кўз»дан келаётган тўғри чизиқда кўраётгандай бўламиз.

Товушнинг йұналиши биноурал эшлиши орқали идрок қилинади. Товушнинг йұналишини фарқлаш негизини ҳар иккала қулоқдан бош мия қобигига сигналлар етиб келиши вақтидаги фарқ ташкил этади. Товушлар горизонтал чизик бўйлаб фақат чап ва ўнг йұналишда эмас, балки юқорига ва пастга қараб ҳам эшлиши мумкин. Эксперимент маълумотлари шуни

кўрсатадики, кейинги ҳолатда товушнинг фазода жойлашувини идрок этиш учун синалувчининг боши ҳаракат қилиши зарурдир.

Шундай қилиб, товушнинг жонлашуви механизми фақат эшитиш сигналларини эмас, балки бошқа анализатор тизимларининг маълумотларини ҳам ҳисобга олади.

**Кўриш иллюзиялари.** Идрок ҳамиша ҳам объектга оламдаги нарсаларнинг айнан ўзини акс эттирадими? Идрок этишдаги кўплаб хатоларга ва уларга йўл қўйилган шарт-шароитлар асосан кўриш иллюзияларига изохлар

1. Камон ўқининг иллюзияси. Бу бир-бирига келадиган ва бир-биридан фарқланувчи чизиклар принсиби 2 та асослангандир: гарчи иккала ўқ амалда баравар узунликда бўлса ҳам бир-биридан фарқланувчи учлар узунроқ бўлиб туюлади.

2. Темир йўл изларининг хаёлий кўриниши. Гарчи ҳар иккала из ҳам аслида баровар бўлса ҳам бир-бирига тўғри келадиган иккала тўғри из оралиғидаги бўшлиқнинг анча тор қисмидаги чизиқлар узунроқ бўлиб туюлади.

3. Тик чизиқларнинг бошқача кўриниши. Цилиндрнинг устки қисми гарчи унинг кенглиги тик бўйича баб-баравар бўлса ҳам кенгроқдай туюлади.

4. Елпифич иллюзияси. Параллел ўтадиган чизиқлар марказга якироқда муҳитнинг таъсири остида қабариқ бўлиб. марказдан узокроқда эса ичкарисига эгилгандек туюлади.

5. Кесишишинг иллюзияси. Битта тўғри чизиқда эҳтимол ВХ чизиқлари эмас, балки АХ чизиқлари ўтади.

6. Умумий марказли доираларнинг иллюзияси. Умумий марказли доиралар тўғри чизиқларнинг қисқа бўлаклари (оқ рангда тасвирланган) ушбу доираларни уларнинг муҳит билан кесишган жойидан кесиб ўтганлиги сабабли бурама чизиқ сингари идрок этилади.

Иллюзиялар ҳайвонларда ҳам кузатилади. Ўзини яшириш кўришдаги хомхаёлларнинг амалда қўлланилишига асосланган бўлиб, бу кўплаб йиртқич

хайвонлар, балиқлар, паррандалар ва ҳашаротлар учун муҳофаза мосламаси ҳисобланади. Ўзини яширишнинг самарали усулларидан бири мимикрия (хайвонлар ёки ўсимликларнинг улар яшаётган муҳитдан фарқ қилмайдиган тусга шаклга кириши) бўлса, иккинчиси қиёфанинг бузилишидан, яъни ҳайвоннинг ташқи кўриниши шундай ўзгарадики уни сира ҳам билиб ва фарқ қилиб бўлмайди. Зебранинг ёрқин тарғил чизиқлари унинг кўриниши бузилишини кўрсатадига мисол бўлиб, ана шу тарғиллик туфайли муайян масофадан туриб ҳайвоннинг ташқи кўринишини аниқ ажратиб олиш қийин бўлиб қолади.

**Вақтнинг идрок қилиниши.** Вақт ҳам макон сингари материянинг асосий ҳаёт кечириш шаклларидан биридир. Вақтнинг идрок қилиниши воелик, ҳодисаларининг объектив равишда даволайлигини, тезлигини ва изчиллигини акс эттириш демакдир. Объектив реалликни акс эттираркан, вақтнинг идрок этилиши кишига ўзини қуршаб турган муҳитдан мўлжал олиш имконини беради.

Вақт сарҳисоби фақат инсон учун эмас, балки ҳайвонлар учун ҳам мослашувчанлик фаолиятининг фавқулодда муҳим қисми ҳисобланади.

Одамда вақт чамалаш мия қобиги бўлмалари ёрдамида рўй беради. Клиник кузатувларда олинган кўплаб маълумотлар вақтни идрок этиш кобиқнинг маълум бир жонида рўй беради. Вақтни сарҳисоб қилишнинг маҳсус маркази мавжуд, деб тахмин қилишга асос йўқлигини ишонарли равишда тасдиқлади. Вақтни идрок этишнинг бузилишлари қобиқнинг турли бўлмалари лат еганда кузатилади. Вақт яхлит бирлик сифатида амал қиласидан тизимга бирлашган бир қатор анализаторлар ёрдамида идрок қилинади. Вақтнинг идрок этилиши негизини қўзгалиш ва тормозланашнинг ритмик тарзда алмашинуви, марказий нерв тизимида, бош миянинг катта ярим шарларида қўзгалиш ва тормозланиш жараёнларининг сусаиши ташкил этади.

*Вақтни идрок қилишида турли хил анализаторлар иштирок этади, лекин вақтнинг оралиқларини кинестезик ва эшитиши сезгилари жуда ҳам аниқ*

*хисоб-китоб қила олади.* И.М.Сеченов кинестезик анализаторларни макон ва вақтга оид муносабатларни идрок этиш органи деб атаган эди. Ҳаракат сезгилари фаолиятнинг ҳодисалар тезлиги ва изчиллигининг етарли даражада аниқ акс эттирилишини таъминлайди. Кинестезик анализатор ритмни идрок этишда алоҳида роль ўйнайди. *Ритм* деганда психологик нуқтаи назардан бир қатор объектларникг бир қатор омиллар гурӯҳи сифатида идрок килинишини тушунилади. Изчил гурӯҳлар, одатда битта намуна бўйича ҳосил бўлади ва такрорланиш сифатида идрок этилади. Идрок этилаётган гурӯҳларнинг характеристи қўп жиҳатдан бир қанча омилларга хос хусусиятлар: омилларнинг нисбатан жадаллиги, уларнинг абсолют ва нисбий давомийлиги, вақтдаги ўрни билан белгиланади.

**Ҳаракатнинг идрок қилиниши.** Ҳаракатнинг идрок қилиниши – объектларнинг фазода эгаллаган ҳолати ўзгаришининг акс эттирилишиидир. Ҳаракатнинг идрок этилиши ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳайвонларнинг баъзилари учун ҳаракат қилувчи объектлар хавф-хатар ёки озиқланиш имконияти пайдо бўлгани ҳақида сигналлар вазифасини бажаради ва жавоб тариқасидаги таъсиротнинг тездаёқ рўй беришига сабаб бўлади. Кўриш тизими эволюцион ривожланишининг баъзи хусусиятлар» инсон кўзининг тўрпардаси тузилишида сакланиб қолгандир: тўрпарданинг периферик бўлимлари фақат ҳаракатларни сезувчан бўлади. Объект кўриш майдонида пайдо бўлганда кўзнинг рефлектор бурилиши юз беради, натижада объектнинг тасвири кўриш майдонининг марказига кўчади, объект ана шу жойда фарқланади ва аниқлалади.

*Ҳаракатни идрок этишида кўриши ва кинестезик анализаторлар асосий рол ўйнайди.* Тезлик, тезланиш, ҳаракатнинг йўналиши ҳаракатдаги объектнинг параметри хисобланади. Киши объектнинг фазода у ёқдан-бу ёқка кўчишига оид маълумотларни иккита ҳар хил йўл билан, яъни кўчиш ходисасининг ўзини бевосита идрок этиш ва бирмунча вақт мобайнида бошқа жойда турган объектнинг ҳаракати ҳақида хулоса чиқариш асосида олиш мумкин. Ҳаракатланаётган объектнинг ҳаракатсизлиги, агар у муайян

вақт бирлигидаги кўзнинг муайян ўткирлиги ва кузатишнинг олислигига фарқлаш мумкин бўлган масофадан кўпроқ масофани ўтса, ҳаракатни бевосита идрок этиш мумкин бўлади. Акс ҳолда биз ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг натижасинигина идрок этамиз. Соатлардаги дақиқа ва соат миллари ҳаракати ҳақида ана шундай хulosса чиқариш мумкин.

Кўриш орқали биз обьектлар ҳаракати ҳақидағи ахборотни иккита ҳар хил усул билан: қайд этилган нигоҳ ва кўзларнинг кузатувчи ҳаракати ёрдами билан олишимиз мумкин. Кўз нисбатан ҳаракатсиз бўлиб турадиган биринчи ҳолда ҳаракатланувчи обьект тўрпардада тезлик билан жойини ўзгартирадиган тасвирни ҳосил қиласди. Бунда обьектнинг тўрпардадаги тасвири фақат бир жойдан иккинчи жойга кўчиб колмасдан, балки доимо ўзгариб ҳам туради. Лекин обьектни ҳар бири алоҳида тарзда бир оз бошқача ҳолатда акс эттирадиган бир қатор таъсирлардан иборат ҳолда эмас, балки ҳаракатланиш ҳолатида бўлган ёлғиз ўша битта обьект сифатида идрок этамиз.

Шуларга кўра ҳаракатни идрок этиш учун кўринаётган тасвирларнинг кўз тўрпардаси бўйлаб жойини ўзгартириб туриши лозим деган хulosага келиш ҳам мумкин эди. Кўз тўрпардасида тасвирларнинг худди шу тарздаги кўчиши биз нигоҳимизни, хонанинг бир бурчагидан иккинчисига кўчирган пайтимизда ҳам содир бўлади. Лекин бу ҳолда биз атрофимиздаги нарсаларнинг ҳаракатини сезмаймиз. Киши хонада юрганда, тасвирлар кўз тўрпардаси бўйлаб жойидан кўчиб туришига қарамасдан, хонани ҳаракатланмайдиган нарса сифатида, ўзини эса ҳаракатланувчи обьект сифатида идрок этади. (Вестибуляр аппаратнинг биронта жойи лат еган бўлса бу хилдаги тузатиш рўй бермайди ва ҳаракат қилаётган одамга бутун борлиқ ҳаракат қилаётгандек бўлиб туюлади.)

Ҳаракатни идрок қилишининг мумкин бўлган иккинчи усули – ҳаракатланувчи обьектни нигохи билан кузатиб боришдир. Бунда ҳаракатланувчи обьектнинг тасвири тўрпардага нисбатан озми-кўпми даражада ҳаракатсиз бўлиб қолади, лекин биз барибир обьектнинг

ҳаракатланганини кўрамиз. Афтидан, кўзларнинг кузатувчилик ҳаракатлари тўрпарда бўйлаб жойини ўзгартириб турадиган сигналлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам ҳаракатнинг идрок этилишига олиб келиши мумкин.

Ҳаракат қилиб бораётган нарсаларга узоқ вақт қараб турилса, ҳаракатнинг салбий изчил образи пайдо бўлади. Жумладан, юриб кетаётган поезд деразасидан жойга узоқ вақт қараб турилгандан кейин нигоҳни вагон ичидаги ҳаракатсиз нарсаларга кўчириладиган бўлса, бундай ҳолда ушбу нарсалар поезд йўналишига тескари йўналишда ҳаракат қилаётганидек бўлиб кўринади.

Ҳақиқий ҳаракатлар ва туюлма ҳаракатлар фарқ қилинади. Теварак-атрофдаги нарсаларни ҳаракатланаётган тарзда зоҳирий сезиш кишида чарчаган ёки маст-аласт ҳолатида пайдо бўлади.

Стробоскопик ҳаракат ҳам туюлма ҳаракатга мисол бўлиши мумкин. Кинематограф ана шу ҳаракат принципига асосланади. Маълумки, кўз энергия ҳусусиятига эгадир. Бу шундан иборатки, кўриш сезгиси қўзғатувчи таъсир қила бошлиши билан дарҳол ҳосил бўлмайди ва шунингдек, қўзғатувчининг таъсир этиши тўхтаганидан кейин бирмунча вақт ўтгач йўқолади. Кўзнинг унга қаратилган нур таъсирини бирмунча вақт оралиғида сақлаб қолиш қобилиятига эга эканлиги туфайли кинода сонияига 24 кадр алмашгани ҳолда биз лип-лип этиб турадиган манзалар туркумини эмас, балки маълум даражада барқарор тасвирни кўрамиз. Бунда ҳаракатланадиган нарса ҳақида таассурот бир-бирларидан қандайдир макон ораликлари билан ҳам, қандайдир вақтинча тўхталиш билан ҳам ажратилган нарсаларнинг айrim ҳолларини изчил идрок этиш натижасида ҳосил бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Идрок ҳақида тушунча.
2. Идрокнинг сезги билан генетик боғлиқлиги.
3. Идрок ва билиш жараёнлари.
4. Идрок қонунлари.
5. Идрок иллюзиялари.

## **ХХ-БОБ. ХОТИРА**

**Таянч тушунчалар:** мнема, ахборот, образли хотира, ассоциация, хотира типлари, ҳаракат хотираси, фаноменал хотира, мнемоника, эйдемизм, реминистенция, парамнезия, проактив тормозланиши, амнезия.

### **20.1. Хотира ҳақида умумий тушунча**

Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, индивид ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги ҳатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади. Индивидуал тажриба орта бориши ҳисобига хулқ-автор секин-аста мураккаблашди. Агар ташқи дунёнинг мия қобиғида ҳосил бўладиган образлари бежиз йўқолиб кетаверса, тажрибанинг шаклланиши мутлақо мумкин бўлмай қолур эди. Бу образлар бир-бири билан ўзаро турли хил алоқалар боғлаган ҳолда мустаҳкамланиб, сақланиб қолади ҳамда ҳаёт ва фаолият талабларига мувофиқ тарзда яна бошқатдан намоён бўлади.

**Хотиранинг таърифи.** Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб колиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади. Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади. Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба ортирилишига боғликдир. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик бўладиган фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ-автори унинг бутун ҳаётий тажрибаси билан белгиланади.

Шундай қилиб, хотира шахс психик ҳаётининг энг муҳим белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Хотиранинг роли «ўтмишда юз берган» нарсани акс эттириш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. Психологияда ўтмиш образлари тасаввурлар деб юритилади. Бирон-бир фаол таъсир хотира

жараёнида ташқарида бўлиши мумкин эмас. Негаки, ҳар қандай, ҳатто энг содда психик ҳодиса ҳам ўзининг ҳар бир қисми кейингина билан «боғланиши» учун сақлаб қолинишини муқаррар тақозо этади. Бу хилдаги «боғланиш» учун лаёқат бўлмаса, ривожланиш бўлиши мумкин эмас: киши «мангу чакалоқлик ҳолатида» қолиб кетган бўлур эди (И.М.Сеченов).

*Хотира барча психик жараёнларнинг энг муҳим характеристикаси бўлиши билан бирга инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.*

Хотира психологиянинг энг кўп ўрганилган бўлимларидан бири ҳисобланарди. Лекин ҳозирги пайтда хотиранинг қонуниятлари янада ўрганилиши уни фаннинг тайин ҳам муҳимроқ муаммосига айлантириб кўйди. Жуда ҳам ранг-баранг, шу жумладан, психологиядан ғоят йироқ туюлган билимлар соҳаси (биринчи галда техника)нинг тараққиёти кўп жиҳатдан хотира муаммоларининг ўрганилишига боғлиқдир.

Хотиранинг хотира механизмларини ўрганишнинг психологик даражаси хронологик жиҳатдан бош назариялардан устунроқ бўлиб, фанда жуда кўп турли хилдаги йўналишлар ва назарияларнинг илгари сурилганлиги билан маълумдир. Бу назарияларни улар хотира жараёнларининг шакллантирилишида субъектнинг фаоллиги қандай роль ўйнашига ва бундай фаолликнинг моҳиятига қандай ёндашувига боғлиқ ҳолда таснифлаш ва баҳолаш мумкин. Ё ўз ҳолича обьект («материал»), ёхуд субъект ва обьектнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати мазмунидан қатъий назар, яъни индивиднинг фаолиятига қиёс бўлмаган ҳолдаги (субъект) онгнинг «соғ» фаоллиги хотира ҳақидаги кўпгина психологик назарияларнинг диққат марказида бўлади. Кўриб чиқилаётган концепцияларнинг муқаррар бир ёқламалиги ана шундандир.

Назарияларнинг биринчи грухи ассоциатив йўналиш деб аталмиш йўналишни ташкил этади. Унинг марказий тушунчаси – ассоциация тушунчаси – алоқа қилишни, боғланишни англатади ва барча психик ўзгаришларнинг муқаррар принципи вазифасини бажаради. Бу принцип куйидагилардан иборатдир: агар муайян психик ҳосилалар онгда бир

вақтнинг ўзида ёки бевосита бирин-кетин пайдо бўлса, у ҳолда бу ҳодисалар ўртасида ассоциатив алоқа таркиб топади ва бу алоқанинг бирон-бир қисми такоран пайдо бўлиши онгда унинг барча элементлари муқаррар равишда гавдаланишига олиб келади.

Шундай қилиб, ассоциационизм ҳар иккала тасаввур ўртасида алоқа боғланиши учун уларнинг онгда айни бир вақтда пайдо бўлишини зарур ва етарлича асос деб ҳисоблайди. Шу сабабдан ассоционистлар олдига ёдлаб қолиш механизмларини тобора чуқурроқ ўрганишни умуман вазифа қилиб қўйилмаган эди ва улар «айни бир вақтдаги таассурот»ларнинг пайдо бўлиши учун зарур ташқи шарт-шароитларга таъриф бериш билан чекланишди. Бундай шарт-шароитларнинг бутун ранг-баранглигини қуидаги учта туркумга ажратиш мумкин: *а) тегишили объектларнинг фазо ва вақтдаги турдошлиги; б) уларнинг ўхшашилиги; в) уларнинг фарқланиши ёки қарама-қаршилиги.*

Онг қандайдир пассив тарзда намоён бўладиган ассоциационизмга ва бошқа назарияларга қарама-қарши ўлароқ, хотира жараёнларида онгнинг фаоллиги ва ишчанлигига урғу бериш психологиядаги бир қанча йўналишлар учун хос хусусиятдир. Бунда эсда олиб қолиш, қайта эсга тушириш ва шу каби жараёнларда диққатнинг, мақсаднинг англаб этишнинг муҳим рол ўйнаши қайд этиларди. Лекин бу ўринда ҳам хотира жараёнлари амалда субъектнинг фаолияти билан боғланмаган бўлиб, унинг учун ҳам тўғри тушунтириб берилмасди. Масалан, эзгу ният эсда олиб қолиш ёки эсга тушириш жараёнининг ўзини қайта қуришга олиб келмайдиган шунчаки оддий иродавий зўриқиши сифатида, онгнинг «соф» фаоллиги сифатида намоён бўлади.

Хотиранинг фаоллиги, онглилиги ва англаб этилганлиги унинг ривожидаги юксак босқичларига боғлиқ деб қаралганлиги сабабли, унинг куи босқичларига татбиқан яна ўша турдошлиги бўйича боғланиш тушунчаси қўлланилиб келди. Боғланишларнинг икки тури – ассоциатив ва маънавий боғланишлар борлиги ҳақидаги концепция ана шу тариқа яратилди.

Хотиранинг иккита тури: *механик* («материя билан бағлиқ хотира») ва *мантиқий* («материядан тамомила мустақил тарзда»ги, «рух билан боғлиқ хотира») хотиралар мавжудлиги ҳақидаги назария ҳам шунга боғлиқ ҳолда юзага келгандир. Анчагина яшовчи бўлиб чиқсан бу идеалистик концепция хотира психологияси томонидан батамом бартараф қилинди.

Олимларнинг тахминига кўра, *объектнинг акс эттирилиши*, масалан, *бирон нарсани кўриши орқали идрок этиши жараёнида унинг шакли бўйлаб кўз билан «пайпаслаб чиқши» импульснинг нерв хужайраларининг тегишили гуруҳи бўйлаб идрок қилинаётган объекти бамисоли барқарор макон ва замондаги нейронлар тузилиши тарзида андазалайдиган ҳаракати билан биргаликда юз беради*. Шунинг учун тадқиқ қилинаётган назария нейронлар модели назарияси деб ҳам аталади. Нейронлар моделининг юзага келиши ва шундан кейинги фаоллашуви жараёни, бу назария тарафдорларининг нуқтаи назарларига кўра, идрок этилган нарсани эсда олиб қолиш, эсда саклаш ва яна қайта эсга тушириш механизмини ташкил этади.

Хозирги замон нейрофизиологик тадқиқотлар изларнинг нейронлар ва молекуляр даражада ўрнашиб ва сакланиб қолиши механизмларига тобора чукурроқ кириб бораётгани билан ажralиб туради. Масалан, шу нарса исботланганки, нерв хужайларидан чиқадиган аксонлар (нерв толалари) ё бошқа хужайраларнинг дендритлари билан туташади, ёхуд ўз хужайраси танасига қайтиб келади. Нервлар боғланиши бундай тарзда тузилганлиги туфайли ҳар хил мураккабликдаги кўзғалишнинг реверберлаштирувчи (акс эттирувчи) доираларини такрорлаб туриш имконияти юзага келади. Натижада хужайранинг ўзини-ўзи тўйинтириши рўй беради, негаки, унда пайдо бўлган қувват ё бевосита шу хужайранинг ўзига қайтиб келиб, кўзғалишини мустаҳкамлади, ёхуд бошқа нейронлар занжири орқали қайтиб келади. Айрим тадқиқотчилар муайян тизим ҳудудидан ташқари чиқмайдиган реверберлаштирувчи қўзғалишнинг ушбу чидамли доирасини изларнинг сакланиш жараёнининг физиологик субстрати деб ҳисоблайдилар. Бу ўринда изларнинг қисқа муддатли деб аталмиш хотирадан узоқ муддатли

хотирага кўчиши содир бўлади. Бир хил тадқиқотчилар хотиранинг ушбу турлари ягона механизмга таянади, деб ҳисоблашса, бошқалари бу ўринда турли хилдаги хусусиятларга эга бўлган иккита механизм амал қиласди, деб фараз қилишади. Афтидан, бу муаммонинг узил-кесил ҳал қилинишига биохимик тадқиқотлар ёрдам бериши керак.

**Хотиранинг биохимик назариялари.** Шундай қилиб, ҳозирги босқичда хотиранинг механизмларини ўрганишнинг нейрофизиологик даражаси биохимик тадқиқотлар даражасига тобора яқинлашиб ва қўпинча тўғридан-тўғри қўшилиб кетмоқда. Бу ҳол ушбу даражаларнинг туташган жойида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларда ўз тасдиғини топди. Ана шу тадқиқотлар асосида, жумладан, эсда олиб қолиш жараёнининг икки босқичли характерга эгалиги ҳақида гипотеза пайдо бўлди. Бу гипотезанинг мөхияти қўйидагилардан иборатdir. Биринчи босқичда (қўзгатувчининг бевосита таъсиридан сўнг) мияда ҳужайраларда асл ҳолига қайтувчи физиологик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган қиска муддатли электрохимик реакция юз беради. Иккинчи босқич биринчи босқич негизида юзага келиб, аслида у янги оқсил моддалар (протеинлар)нинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган биохимик реакциядан иборатdir. Биринчи босқич сониялар ёки дақиқалар мобайнида давом этади ва уни қисқа муддатли эсда олиб қолишининг физиологик механизми деб ҳисоблайдилар. Ҳужайраларда қайтарилимайдиган ўзгаришларга олиб келадиган иккинчи босқич узок муддатли хотиранинг механизми ҳисобланади.

*Агар тажриба ўтказилаётган ҳайвонга бирон янги нарсани ўргатилган бўлса, ундан кетиши қисқа муддатли электрохимик реакцияни у биохимик реакцияга айлана бошлаганига қадар бирданига тўхтамиб қўйилса, ҳайвон нимани ўргатилганини эсига тушира олмайди.*

Бир тажрибада каламушни полдан салгина баланд супачага чиқариб қўйилди. Жонивор шу заҳотиёқ полга сакраб тушаверди. Бироқ бир гал сакраётган чоғида электр разряди таъсиридан оғриқ сезгач, каламуш тажрибадан ҳатто 24 соат ўтгандан кейин ҳам сакраб тушмаган ва уни

супачадан олиб қўйишларини кутиб ўтираверган. Бошқа бир каламушда оғриқ сезиш биланоқ дарҳол қисқа муддатли эсда олиб қолиш реакцияси тўхтатиб қўйилган эди. Бу каламуш эртасигаёқ ўзини гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек тутаверди.

Маълумки, вақтинча хущдан кетиб қолиш одамларда ҳам бевосита ходиса юз бергунга қадар содир бўлган нарсаларнинг унутиб қўйилишига олиб келади.

Ҳали тегишли биохимик ўзгаришлар бошлангунга қадар қисқа муддатли электрохимик реакция оқибатида мустаҳкамланиб улгурмаган таъсиротнинг излари ўчиб кетади, деб ўйлаш мумкин.

Хотиранинг кимёвий назарияси тарафдорлари ташқи қўзғатувчилар таъсири остида нерв ҳужайраларида рўй берадиган ўзига хос кимёвий ўзгаришларнинг изларини мустаҳкамлаш, эсда сақлаб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари механизмларининг негизини ташкил этади. Бу ўринда нейронларнинг оқсил молекулаларини ва энг аввало, нуклин кислотаси деб аталадиган кислоталарнинг молекулаларини ҳар хил тарзда қайта гурухлаш назарда тутилади. Дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) генетик, ирсий хотиранинг, рибонуклеин кислота (РНК) эса октогенетик, индивидуал хотиранинг асоси ҳисобланади, Швециялик биохимик Хиден ўтказган тажрибаларда шу нарса аён бўлдики, нерв ҳужайрасининг қўзғатилиши унинг таркибида РНК. қўпайишига олиб келади ва унга таниш қўзғатувчиларнинг такрорий таъсир кўрсатишидан тебраниш қобилияти борлиги ҳақида хабар қилувчи узоқ давом этадиган биохимик излар қолдиради.

РНК жуда ўзгарувчан бўлади; унинг эҳтимолдаги ўзига хос ўзгаришлари миқдори 1015-1020 сони билан ўлчанади; уларнинг компонентлари шакли, фазода жойлашиши, бўлиниб кетиш тезлиги ва бошқалар ўзгариб туради. Бу эса РНК бениҳоя катта миядаги ахборотларнинг калитини ўзида мужассамлаштира олади деганидир. РНКнинг бошқа таъсиротларга жавоб қайтармаган ҳолда таниш қўзғатувчиларнинг ўзига хос тузилиши таъсирида

тебраниш қобилиятига эгалиги хотиранинг сирли биохимик механизми негизини ташкил этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Энг янги, шу жумладан, биохимик тадқиқотларда эришилган ютуқлар келажакда инсон хотирасини бошқариш имкониятлари хусусида оптимистик прогнозлар қилиш учун асос беради. Лекин ана шундай прогнозлар билан бирга баъзи асоссиз, айрим ҳолларда хаёлий ғоялар, масалан, одамларга уларнинг нерв тизимиға тўғридан-тўғри кимёвий таъсир кўрсатиш йўли билан таълим бериш мумкинлиги ҳақидаги, билимларнинг маҳсус хотира дориси (таблеткаси) ёрдамида етказилиши ҳақидаги ва шу каби ғоялар расм бўлиб қолди.

Шу муносабат билан инсон хотираси жараёнлари гарчанд барча босқичларида ўзаро биргаликда жуда мураккаб ҳаракат қилиш билан ажралиб турса ҳам, уларнинг сабабий боғлиқлиги (детерминация) ҳодисаси юқоридан, кишининг фаолияти асосида рўй беради. Бу ўринда бутундан унинг қисмлари сари бориш принципи амал қилади. Шунга мувофиқ ташқи таъсирларнинг излари моддийлашуви ҳам бошқа йўналишда эмас, аксинча организм – аъзо (орган) унинг йўналишида амалга ошади. Хотиранинг фармакологик катализаторларидан фойдаланиш ишнинг моҳиятини ўзгартира олмайди.

Хотира механизмларини турли даражаларида тадқиқ қилиш, шубҳасиз, бир-бирини ўзаро бойитади.

## **20.2. Хотира турлари**

Хотира киши ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этиши сабабли унинг намоён бўлиши шакллари ҳам бенихоя ранг-барангдир. Хотиранинг турларга бўлиниши, энг аввало, эсда олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари ўрин олган фаолиятнинг айнан ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши керак. Бу хотиранинг у ёки бу тури (масалан, кўриш ёки эшитиш хотираси) кишида унинг психик тузилишига хос хусусият сифатида гавдаланган ҳоллар учун ҳам тўғридир. Муайян

психик хусусият фаолиятда гавдаланмасидан бирдан унда шаклланади-ку, ахыр.

Хотира таърифларининг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қиласди. Бунда хотиранинг айрим турлари учта асосий мезонга мувофиқ тарзда бўлинади: 1) фаолиятда кўпроқ сезилиб турадиган психик фаолликнинг хусусиятига караб хотира ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз мантиқли турларга бўлинади; 2) фаолиятнинг мақсадлари (хусусиятига кўра ихтиёrsиз ва ихтиёрий хотира турларига бўлинади; 3) материални қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кўра (унинг фаолиятдаги роли ва тутган ўрнига боғлиқ равишда) қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади.

Фаолиятнинг ҳар хил турларида психик фаолликнинг турли хил кўринишлари: ҳаракат, эмоционал, сенсор, ақлий кўринишлари устунлик хотира турлари қилиши мумкин. Фаолликнинг ушбу кўринишларидан ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулида: иш-ҳаракатларида, туйғуларда, образларда, ўй-фикрларда ўз ифодасини топади. Хотиранинг уларга хизмат қилувчи ўзига хос турларига психологияда тегишли номлар: ҳаракат, эмоционал образли ва сўз-мантиқли хотира номлари берилгандир.

**Ҳаракат хотираси** – турли хилдаги иш ҳаракатлари ва уларнинг тизимини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга туширишдан иборатdir. Хотиранинг бошқа турларига қараганда унинг бу тури устунлиги аниқ намоён бўладиган одамлар учраб туради. Психологлардан бири мусиқий асарни хотирасида мутлақо қайта тиклай олмаслигига, яқиндагина эшигтан операни эса бор-йўғи пантомима тарзидагина қайта тиклай олишига иқрор бўлган эди. Бошқа одамлар эса, аксинча, ўзларида ҳаракат хотираси борлигини умуман пайқамайдилар. Хотиранинг бу тури бенихоя катта аҳамиятга эга эканлигининг боиси шундаки, у худди юриш, ёзиш ва шу каби малакалар билан баб-баравар тарзда турли хил амалий ва меҳнат малакалари

шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳаракатлар хотирада сақланиб қолмаган тақдирда биз ҳар гал дастлаб тегишли ҳаракатларни бажаришни ўрганишга мажбур бўлардик. Кишининг жисмоний жиҳатдан абжирлиги меҳнатдаги маҳорати, «олтин қўллиги» одатда унинг яхши ҳаракат хотирасига эга эканлигининг аломати ҳисобланади.

**Эмоционал хотира** – ҳис-туйғуга хос хотирадир. Ҳис-туйғулар ҳамиша бизга эҳтиёжларимиз ва қизиқишиларимиз қандай қондирилаётгани, бизнинг теварак-атрофдаги оламга муносабатимиз қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида хабар бериб туради. Шунинг учун ҳам ҳиссий хотира ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳис этилган ва хотирада сақлаб қолинган туйғулар ёхуд ҳаракатга чорловчи, ёки ўтмишда салбий кечинмаларга сабаб бўлган ҳаракатлардан тийилишга ундовчи сигналлар тарзида амал қиласи. Бошқа бир кишига ҳамдард бўлиш, китоб қаҳрамони кечинмалари билан яшай билиш қобилияти ҳиссий хотирага асосланади. «*Агар сиз бошингиздан кечирганларингиз бир лаҳза эсга келганда рангингиз оқариб, ё қизариб кетиши қобилиятига эга бўлсангиз, агар сиз бир вақтлар бошингизга тушган мусибат ҳақида ўйлашдан қўрқсангиз, у ҳолда сизда ҳисстуиғуни хотиralаши ёхуд ҳиссий хотира мавжуддир*»<sup>15</sup>.

**Ҳиссий хотира** – маълум бир маънода хотиранинг бошқа турларига қараганда кучлироқ бўлиши мумкин. Қачонлардир бўлиб ўтган ва батамом эсдан чиқиб кетган воқеалардан, ўқилган китоблардан, кўрилган кинофильмлардан баъзан таассурот, ҳис-туйғугина қолишини ҳар ким ўз тажрибасидан билади. Лекин бу хилдаги туйғу ҳам қуп-қуруқ нарса эмас. Айнан унинг учун ҳам у боғланишлар занжирини кенгайтиришдаги илк тугун сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Образ хотираси** – *тасаввурларни, табиат ва ҳаёт манзараларини, шунингдек, товушларни, хидларни, таъмларни эсда олиб қолишдан иборат хотира ҳисобланади*. У кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билишга оид

---

<sup>15</sup> Станиславский С.К, Работа над собой в творческом процессе передавания. – Собр. Соч. в 8-ми т. М., Искусство, 1954, 2-том, 217-бет

хотирадир. Агар соғлом ривожланган барча одамларнинг ҳаётда мўлжал олишида кўриш ва эшлиши хотираси одатда яхши ривожланган ва етакчи роль ўйнайдиган бўлса, у ҳолда тери туйиши, ҳид билиш ва таъм билишга оид хотираларни маълум бир маънода профессионал хотира турлари деб аташ мумкин: хотиранинг бу турлари худди тегишли сезгилар каби фаолиятнинг ўзига хос шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда алоҳида тарзда ривожланади. Улар хотиранинг етишмайдиган турлари ўрнини босиши ёки унинг вазифасини бажариши тўғри келган шароитларда, масалан, кўзи ожизлар, карлар ва шу каби ногирон одамларда ҳайрон қоларли даражада ривожланган бўлиши мумкин.

«Бадиий» касб билан шуғулланадиган одамларда образ хотираси айниқса ривожланган бўлади.

Баъзан **эйдетик хотира** деб аталмиш хотирага эга бўлган одамлар ҳам учрайди. Хотиранинг эйдетик, яъни кўргазмали образлари – ташки кўзғатувчи билан ҳис-туйғу аъзоларининг қўзғатилиши натижасидир. Эйдетик образлар шу жиҳатдан ҳам тасаввурларга ўхшайдики, улар бирон таъсир ўтказадиган нарсалар йўқлигига ҳам ҳосил бўлиб, оддий тасаввурга мутлақо сифмайдиган даражадаги деталлаштирилган кўргазмалилиги билан ажралиб туради. Киши, масалан, кўз ўнгидаги йўқ бўлган нарсани одатда идрок этиш чоғида амалга ошириш мумкин бўлгани каби нигоҳни у қисмдан бу қисмга «кўчирган» ҳолда барча икир-чикирларга қадар «кўради». Худди эйдетик кўриш хотирасига ўхшаш ҳолдаги яққол эйдетик эшлиши ва эҳтимол ҳатто эйдетик туйиш хотираси ҳам учраб туради, деб таҳмин қилиш мумкин.

**Сўз-мантиқ хотирада** иккинчи сигналлар тизими асосий роль ўйнайди. Сўз-мантиқ хотира бошқа турдаги хотираларнинг ривожига таянган ҳолда уларга нисбатан етакчи бўлиб юзага чиқади ва хотиранинг бошқа барча турлари ривожи унинг ривожига боғлиқ бўлиб қолади. Таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириб олишларида сўз-мантиқ хотира етакчи рол ўйнайди.

**Ихтиёrsиз ва ихиёрий хотира.** Хотиранинг юкорида кўриб чиқилгаи турларида, шунингдек, унинг фаолият замирида шаклланиб, сўнgra фаолиятнинг бамисоли қонуний хусусиятлари бўлиб қоладиган таърифлари акс этгандир. Киши хотирасининг у ёки бу хилдаги тузилиши эндиликда фаолиятнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига: мотивларига, мақсадларига, усусларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам гавдаланиши мумкин.

Аммо хотирани фаоллик билан олиб борилаётган фаолиятнинг ўз хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқ турларига бўлиниши ҳам мавжуддир. Жумладан, фаолият мақсадларига қараб хотира ихтиёrsиз ва ихтиёрий хотира турларига ажратилади.

Бирон нарсани эсда олиб қолиш ёки эслаш учун маҳсус мақсад бўлмаган ҳолда эсда олиб қолиш, ва яна қайта эсга тушириш ихтиёrsиз хотира деб аталади. Олдимизга биронта мақсад қўйиб эсда олиб қолганимизда ихтиёрий хотира ҳақида гап боради. Сўнгги ҳолатда эсда олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари ўзига хос тарздаги мнемик ҳаракатлар сифатида юзага чиқади.

Ихтиёrsиз ва ихтиёрий хотира шу билан биргаликда хотиранинг ривожланишидаги иккита изчил босқични ҳам ўзида акс эттиради. Ҳаётимизда ихтиёrsиз хотира нақадар катта ўрин эгаллашини ҳар бир киши ўз тажрибасидан билади. Ихтиёrsиз хотира асосида тажрибамизнинг ҳажми жиҳатидан ҳам, ҳаётий аҳамияти жиҳатидан ҳам асосий қисми маҳсус мнемик ният-мақсадлар қўйилмасдан ва куч-гайратлар сарфланмасданоқ таркиб топади. Аммо киши фаолиятида кўпинча ўз хотирасини бошқариш зарурати туғилиб қолади. Ана шундай шароитларда зарур нарсаларни атайлаб ёд олиш ёки эслаб қолиш имконини берадиган ихтиёрий хотира роль ўйнайди.

**Қисқа муддатли ва узок муддатли хотира.** Эсда олиб қолишнинг энг дастлабки, ҳали ташқи таъсирларнинг излари мустаҳкамлангунига қадар ва шунингдек улар айни ҳосил бўлаётган пайтида юз берадиган жараёнлар кейинги вақтларда тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб

этмоқда. У ёки бу материал хотирада сақланиб қолиши учун у субъект томонидан тегишли равища мушоҳада қилинган бўлиши керак. Бундай мушоҳада учун муайян вақт талаб қилинади, унга изларни *консолидациялаш* (*бирлаштириши*) вақти деб айтилади. Субъект томонидан бу жараён гўё хозиргина бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг акс садоси тарзида кечирилади: бевосита идрок этмаётган нарсани биз бирон дақиқа мобайнида гўё ҳали ҳам кўраётгандай, эшитаётгандай бўламиз ва ҳоказо (у кўз ўнгимизда тургандай, қулоғимизга эшитилаётгандай бўлаверади ва ҳоказо). Бу жараёнлар бекарор ва асли ҳолига қайтувчандир, лекин улар шу қадар ўзига хосликка эга ва тажриба орттириш механизмлари амал қилишидаги роли шу қадар аҳамиятлидирки, уларни ахборотни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга туширишнинг алоҳида бир тури ҳисобланади. Бу жараён қисман муддатли хотира деган ном олди.

Хотиранинг қисқа муддатли ва узок муддатли хотирага бўлиниши янгилик ҳисобланади. Илгари бунга маълум даражада бевосита ва бавосита деб аталмиш бўлиниш тўғри келарди. «Бевосита эсда олиб қолиш» деган атама орқали субъектнинг гўё бирон-бир даражадаги фаоллигисиз юз берадиган эсда олиб қолишининг бамисоли автоматик хусусияти таъкидланар эди. Бевосита эсда олиб қолиш озми-кўпми даражада тарқалган муайян усуллар ва воситаларнинг қўлланилишини тақозо этарди. Ҳозирги пайтда хотирини бевосита ва бавосита турларга ажратиш, афтидан, батамом барҳам топган бўлиши керак. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, ҳатто қисқа муддатли эсда олиб қолиш ҳам, маълум бўлишича, объектнинг муайян даражадаги фаоллигини ва тегишли усуллардан фойдаланишини тақозо қиласи. Бошқача сўзлар билан айтганда қисқа муддатли эсда олиб қолиш ҳам бевоситалик билан бир хилдадир. Унинг усулларини ўзини-ўзи кузатиш орқали намоён қилиб бўлмайди, негаки у юксак даражада автоматлашган ички ҳаракатлардан иборатдир.

**Оператив хотира** тушунчаси киши томонидан бевосита амалга оширилаётган долзарб ҳаракатлар, ишларга хизмат қиласиган мнемик

*жараёнларни англатади.* Қачонки, биз бирон бир муреккаб ҳаракатни, мисол учун арифметик амални бажараётган бўлсак, у ҳолда уни қисмларга, бўлакларга ажратган ҳолда бажарамиз. Бундай ҳолда ишни бажариш давомида айрим оралиқ натижаларни «ёдимиизда» сақлаб борамиз. Пировард натижага якинлашганимиз сари «ишлаб чиқилган» конкрет материал унутилиб қолиши мумкин. Айнан шунга ўхшаш ҳодисаларни ўқиш, кўчириб ёзиш ва умуман исталган бирорта муреккаб ҳаракатни бажараётганимизда кузатамиз. Киши иш бажараётиб қўлланиладиган материалнинг бўлаклари ҳар хил бўлиши мумкин (болаларда ўқиш жараёни алоҳида ҳарфларни бирга қўшишдан бошланади). Хотиранинг оператив бирликлари деб аталмиш ушбу бўлакларнинг ҳажми у ёки бу фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишига жиддий таъсир кўрсатади. Энг мақбул оператив бирликларни ҳосил қилишнинг аҳамияти ана шу йўл билан белгиланади.

Оператив хотиранинг бу тарзда тушунилиши гарчанд узок муддатли ва қисқа муддатли хотираларни бир-бирига яқинлаштирувчи нуқталарни белгилаб беришига қарамай, уни узоқ муддатли хотирадан ҳам, қисқа муддатли хотирадан ҳам ажратиб туради. Оператив хотира да қисқа муддатли хотирадан ҳам, узоқ муддатли хотирадан ҳам келиб турадиган материаллардан иборат «ишли қотишишма» ҳосил бўлади. Ушбу ишчи материал амал қилиб турган даври мобайнида оператив хотира тасарруфида бўлади.

**Ҳар хил хотира турларининг ўзаро боғлиқлиги.** Бу ўринда хотирани турларга бўлиш учун асос қилиб олингаи мезонлар инсон фаолиятининг унда тарқоқ ҳолда эмас, аксинча таркибан бирлигига намоён бўладиган турли хил жиҳатлар билан боғлиқдир. Хотиранинг тегишли турлари ҳам худди ана шундай бирликни ифодалайди. Жумладан, тушунча ҳақидаги фикр хотираси сўз-мантиқ хотира бўлиш билан бирга ҳар бир алоҳида ҳолда, шунингдек, ё ихтиёrsиз, ёхуд ихтиёрий хотира бўлиб ҳисобланади; айни чоғда у албатта ё қисқа муддатли, ёхуд узоқ муддатли хотира тарзида намоён бўлади.

Бошқа жиҳатдан қараганда, хотиранинг айнан бир хилдаги мезонига кўра ажратилган ҳар хил турлари ҳам ўзаро боғланган бўлади. Жумладан, ҳаракат, образли, сўз-мантиқ хотира шунинг учун ҳам бир-биридан алоҳида амал қила олмайди, негаки энг аввало ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг тегишли жиҳатлари ва бинобарин, уларнинг акс эттирилиши шакллари ҳам ўзаро боғлангандир. Ихтиёrsиз ва ихтиёрий хотира ўртасида ҳам мураккаб изчил боғланиш мавжуд (бу боғланишларнинг моҳияти эсда олиб қолиш жараённига таъриф берилаётганда баён этилади). Қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира турига келганда шуни айтиш керакки, улар ўз моҳияти жиҳатидан битта жараённинг иккита босқичи ҳисобланади. Қисқа муддатли хотира – шундай бир ўтказувчилик, бирон-бир нарса бу ўтказувчини четлаб узоқ муддатли хотирага ўта олмайди. Унинг барча жараёнлари ҳамиша қисқа муддатли хотирадан бошланади.

### **20.3. Хотира жараёнлари ва механизмлари**

Хотирани ҳар хил турларга ажратишда фаолиятда конкрет қайси бир функцияни – материални эсда олиб қолишни, эсда сақлашнинг ёхуд унга муҳимлик бағишлишними бажаришидан қатъий назар, фаолиятни белгилайдиган баъзи барқарор хусусиятлари ва жиҳатлари назарда тутилади. Масалан, *хотирани ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз-мантиқ турларга ажратишида унинг объектни ҳам эсда олиб қолиши, ҳам эсда сақлаши, ҳам уни яна қайта эсга тушириши амалга ошириладиган шакл каби (образ, сўз ва ҳоказо) жиҳати ҳам акс этгандир.*

Лекин хотиранинг турларидан ташқари унинг жараёнлари ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бунда хотиранинг ҳаётда ва фаолиятда бажарадиган айнан ўша турли хилдаги функциялари асос қилиб олинади. Материални эсда олиб қолиш (мустахкамлаш), яна қайта эсга тушириш (муҳимлик бағишлиш, қайта тиклаш), шунингдек, уни эсда сақлаб қолиш ва унутиш хотира жараёнларига киритишади. Кўрсатиб ўтилган жараёнларда хотиранинг фаолият билан алоқаси, шунингдек, унинг ҳодисалари алоҳида мустақил (мнемик) ҳаракатлар тарзида кечиши айниқса яққол гавдаланади.

Гарчанд хотира жараёнларни бир-бирига таққослаганда уларнинг бажарадиган вазифалари йўналишида гўё зиддиятлар борлиги кўзга ташлангандай бўлса ҳам, бу жараёнларни яхлит бирликдан иборат деб хисоблаш керак. Бу бирлик уларнинг фақат ташқи боғланишида ва ўзаро бир-бирига боғлиқлигига (материални яна қайта эсга тушириш таърифлари кўп жиҳатдан, масалан, уни эсда олиб қолиш, шунингдек, эсда сақлаш ва унутиш хусусиятлари билан белгиланади) эмас, балки уларнинг ўзаро бир-бирига ўтишдаги ва бир жараённинг иккинчи жараёнга диалектик тарзда ўтишларидаги янада якинроқ муносабатларга ўз таъсирини ўтказади.

**Эсда сақлаб қолиш** – унутиш жараёнлари ҳам худди шундай тарзда таҳлил қилиниши мумкин. Лекин бунинг учун улар энг аввало айнан жараёнлар сифатида англанилган бўлиши керак. Жумладан, эсда сақлаб қолиш индивид фаолиятида хотира материалининг иштирок этиш, функцияси сифатида тушунилиши мумкин. Бундай иштирок этиш англаб етилмаган ҳолда юз бериши ҳам мумкин. Лекин кишининг ҳар қандай харакатига унинг шахсига оид жамики тажрибаси таъсир қиласи. Шу маънода у ёки бу материалнинг хотирадан кўтарилиши (унутилиши) унинг фаолият доирасидан чиқиб қолишини англатади, холос. Бошқача сўзлар билан айтганда, бутунлай унутиш бўлмайди. Психологик жиҳатдан бу психиканинг муайян мазмунини қисқа муддатли хотирага, англаб етилган доирага кўчиришда қийинчилик туғилганлигини (ёки кўчириб бўлмаслигини) англатади, холос. Бу тушунча одатда айнан ана шундай маънода (кўпроқ ёки озроқ даражада батамом унутиб кўйиш маъносида) ишлатилади. Бироқ жараён сифатидаги унутиш генетик жиҳатдан олганда дикқатнинг обьектдан чалғитилишдан бошланади. Дикқатнинг А обьектидан Б обьектига ҳар қандан таҳдитдаги кўчирилишининг ўзига хос тарзда унутилишини англатади. Шунинг учун ҳам фақат қайта эсга туширишдаги қийинчилик (ёки эсга тушириб бўлмаслиги) билан боғлиқ нарсаларгина эмас, балки муайян пайтда тажрибанинг муҳимлиги англанилмаётган, онгда иштирок этмаётган жамики мазмуни ҳам унутилган бўлади. Шундай қилиб, унутиш ҳар қандай

психик жараённинг, шу жумладан, ҳар қандай хотира жараёнинг ҳам бир жиҳати ҳисобланади.

#### **20.4. Эсда олиб қолиш**

Эсда олиб қолшни хотиранинг янги материални илгари ўзлаштирилган материал билан боғлаш орқали эсда сақлаб қолиншига олиб келадиган жараён сифатида таърифлаш мумкин. Бу индивид тажрибасини янги билимлар ва хулқ-атвор шакллари билан бойитишнинг зарур шартидир. Эсда олиб қолиш ҳамиша танланган бўлади, сезги аъзоларимизга таъсир қиласидиган барча нарсалар ҳам хотирамизда сақланиб қолавермайди.

**Эсда олиб қолиш ва ҳаракат.** Экспериментларда шу нарса исботланганки, ҳар қандай эсда олиб қолии, шу жумладан, ихтиёrsиз эсда олиб қолии ҳам, субъектнинг обьект билан ҳаракатининг қонуний маҳсулидир.

Бир тажрибада синаувчиларга карточкаларда тасвирланган нарсаларни таснифлаш таклиф қилинди. Ҳар бир карточкада нарсалардан ташқари сонлар ҳам тасвирланган эди. Тажриба ўтказилиб бўлгач, синаувчилардан карточкаларда нималарни кўрганликларини эсга туширишларини сўрашди. Бу ҳолда нарсаларнинг эсда сақланиб қолганлиги аён бўлди. Сонларга келганда эса баъзи синаувчилар уларни умуман кўрмаганликларини тасдиқлашди. Бошқа бир тажрибада карточкаларни уларда тасвирланган сонлар тартибига кўра ёйиб кўйиш керак эди. Бу ҳолда ҳаммаси аксинча бўлди: сонлар яхши эслаб қолинди ва расмлар қарийб пайқалмади.

Шундай қилиб, киши нима билан ҳаракат қилган бўлса, шу нарса эсда сақлаб қолинади. Амалий иш ҳаракатларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилган тажрибаларда ҳам ана шу қонуният аниқланади.

Баён этилган фактлар шуни ишонарли тарзда исботлайдики, воқеалар (расм ва сонлар)нинг шунчаки оддий ёндошлиги эсда олиб қолишнинг бир хил аҳамиятга эга натижаларини таъмин эта олмайди. Ҳамма гап кишининг материални нима қилишига боғлиқдир. Ўз-ўзидан равшанки, фаолиятнинг айнан бир хил ташқи шарт-шароитлари ҳар хил одамларда эсда олиб

қолишнинг мутлақ бир хилдаги натижаларига олиб келмайди, негаки, бу шарт-шароитлар ҳамиша кишининг ўтмишдаги тажрибаси, унинг индивидуал хусусиятлари орқали янгича акс этади. Аммо бу, эсда олиб қолишнинг фаолиятга боғлиқлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, кишининг ҳар қандай ҳаракатини умуман унинг шахсиятидан ажратилмаган тарзда, яъни шахснинг майллари, мақсадлари ва уларга эришиш усуслари хусусиятларига боғлик деб ҳисоблаш кераклигини англаади.

**Қисқа муддатли ва узоқ муддатли эсда олиб қолиш.** Қисқа муддатли эсда олиб қолиш дегани нима? Агар бизга бир нечта тасодифий рақамлар, ҳарфлар ёки сўзларни ўқиб бериб, уларни дарҳол такрорлашимизни сўрашса, буни сира ҳам қийналмасдан бажарган бўлардик. Ҳатто бир қатор маъносиз бўғинларни яна қайта эсга тушириш ҳам (қаторларнинг ҳар бирида бештадан зиёд бўғин бўлмаган тақдирда) бизда унчалик қийинчилик туғдирмасди. Масалан, биз «бо-бом ов-чи» қабилидаги бўғинлар қаторини факат у талаффуз этилиши биланоқ дарҳол такрорлай олган бўлардик. Талаффуз этилгандан кейин бирмунча вақт ўтгач, биз бу ишнинг уддасидан чиқа олмасдик. Бу қисқа муддатли эсда олиб қолиш демакдир. Мазкур қаторни ҳатто узоқ вақт мобайнида эсда сақлаб қолиш учун ҳам уни бир неча марта тақрорлашимизга эҳтимол, ҳатто эсда олиб қолишнинг аллақандай маҳсус (мнемотехник) усусларидан фойдаланишимизга тўғри келган бўларди (масалан, бўғинларни сўнга бириктириб, улардан «бобом – ов – чи» тарзида сунъий гап тузилган бўларди). Бундай йўсингдаги эсда олиб қолиш узоқ муддатли эсда олиб қолиш бўлур эди.

Қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг аввало инженерлик психологияси эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқ этилаётганлиги бугунги қунда умумназарий жиҳатдан катта аҳамият касб этмоқда. Айтиш мумкинки, ҳозирги замон хотира психологиясининг бутун масалалари барибир унинг қисқа муддатли жараёнлари қонуниятларни тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Бу ўринда хотирани ва унинг механизмларини тадқиқотнинг барча

даражаларида – психологик, нейрофизик, биохимик жиҳатдан ўрганиш натижасида туб муаммонинг ҳал этилишига эришилиши керак.

«Қисқа муддатли эсда олиб қолиш» деган номнинг ўзиёқ тегишли таснифлашга, аввало, вақтга оид белги асос қилиб олинганлигини кўрсатади. Бироқ вақт ўлчови хотира ҳодисаларини англаб етишда ҳар қанча муҳимлигига қарамай ўзича қисқа муддатли эсда олиб қолишга тугал бир таъриф берилишини таъминлай олмайди. Хотира жараёнларини ўрганишда унинг турли хил вақт шароитларида ахборотни ўзлаштириш борасида киши фаолияти хусусиятига боғлиқлигини аниқлаши керак. Шу нарса аниқланганки, эсда олиб қолиш юқоридан берилган дастурга кўра бошқарилади, яъни кишининг эсда олиб қоладиган материал иштирокида амалга оширадиган фаолияти хусусияти билан белгиланади.

*Оператив эсда олиб қолиши деб аталадиган эслаб қолишини қисқа ва узок муддатли эсда олиб қолиши ўртасидаги оралиқ даражаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Оператив эсда олиб қолишини кишининг одатдаги ҳаракатларига хизмат қилувчи хотира жараёни деб таърифлаш мумкин.* У киши бажараётган ҳаракатнинг ҳар бир конкрет жараёнида бирон натижага эришиш шароитларидан бири сифатида юз беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оператив хотиранинг хусусиятлари (ҳажми, аниқлиги, лабиллиги ва бошқалар), бир томондан, хизмат кўрсатилаётган фаолиятнинг мазмуни ва тузилишига боғлиқ бўлса, иккинчидан унинг шаклланганлик даражасига боғлиқдир.

Оператив хотиранинг унумлилигини ва демак, у хизмат кўрсатаётган фаолиятнинг муваффақиятлилигини таърифлашда хотиранинг бизга хозиргача маълум бўлган оператив бирликлари, яъни унда ҳаракат мақсадларига эришиш жараёнида сақланиб турадиган муайян ҳажмдаги материал марказий ўринни эгаллайди. Хотиранинг оператив бирликлари ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Мақбул даражадаги оператив бирликни шакллантириш – оператив хотиранинг ва у хизмат кўрсатадиган фаолиятнинг унумлилигини оширишда асосий воситадир.

Оператив эсда олиб қолиш даражасида ахборотнинг қисқа муддатли хотирадан узоқ муддатли хотирага ўтиш жараёнини кузатиш мумкин. Масалан, *бир-бирига боғланиб келадиган матнни ўқиётганимизда ҳарфларнинг моҳиятини улар сўзларга бирлаштирилганига қадар, сўзларнинг моҳиятини улар гапларга бирлаштирилганига қадар хотирамизда сақлаб туришимиз керак* ва ҳоказо. Бу жараёнлардан ҳар бири амалга оширилиб бўлгандан кейин уларга тегишли конкрет моҳият унутилади (олдинги сахифанинг учинчи абзацидаги иккинчи гап қандай сўзлар билан бошланганини эслай олмаймиз). Бироқ борди-ю оралиқ жараёнларда «ишлилган» материал тамомила унутилиб кетадиган бўлса, у ҳолда ҳар бир жараёндан кейин ҳаракатни давом эттириш амри маҳол бўлиб қоларди. Ҳар бир юқорироқ даражага тегишли маъно фильтри тизимидан ўтказилган жузъий маъноларни ўзида бирлаштирадиган янада умумийроқ маънолар ўтказилиб туради.

**Ихтиёrsiz va ихтиёрий эсда олиб қолиш.** Эсда олиб қолиш жараёнларини ўзига жалб этган фаолиятнинг мақсадларига мувофиқ эсда олиб қолишнинг иккита асосий тури: ихтиёrsiz va ихтиёрий эсда олиб қолиш фарқ қилинади.

**Ихтиёrsiz эсда олиб қолиш** – билиш ва амалий ҳаракатларни амалга оширишнинг маҳсули ва шартидир. Бунда эсда олиб қолиш ўз ҳолича бизнинг мақсадимиз сифатида юзага чиқмаганлиги сабабли беихтиёр хотирамизда олиб қолинган жамики нарсалар хусусида одатда «Ўзидан-ўзи эсда сақланиб қолган экан» деймиз. Аслида эса бу фаолиятимизга хос хусусиятлар билан боғлиқ ҳолдаги қатъиян қонуний жараёндир! Тадқиқотлар шуни кўрсатадики ихтиёrsiz эсда олиб қолиш унумли бўлиши учун муайян материалнинг фаолиятда тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Агар материал фаолиятнинг асосий мақсади мазмунига кирган бўлса, у ўша мақсадга эришиши шартларига ва усулларига жалб этилган ҳолдагига нисбатан яхшироқ эсда олиб қолинади.

**Ихтиёрий эсда олиб қолиш** – махсус мнемик ҳаракатлар, яъни асосий мақсади эсда олиб қолишдан иборат бўлган ҳаракатлар махсулидир. Бундай тарздаги ҳаракатнинг махсулдорлиги ҳам унинг мақсадлари, сабаблари ва уни амалга ошириш усулларининг хусусиятлари билан боғлиқдир. Бунда махсус ўтказилган тадқиқотлар материални айнан, тўла ва изчил эслаб қолиш вазифасининг аниқ қилиб қўйилиши ихтиёрий эсда олиб қолишининг асосий шартларидан бири эканлигини кўрсатди. Турли хилдаги мнемик мақсадлар эсда олиб қолиш жараёнининг характеристига, унинг ҳар хил усулларини танлашга таъсир қиласи ва шунга боғлиқ ҳолда унинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Ихтаёрий эсда олиб қолища эсда олиб қолишга ундовчи сабаблар катта рол ўйнайди. Хабар қилинаётган ахборот тушунилиши ва ёд булиб қолиши мумкин, лекин ўқувчи учун барқарор аҳамият касб этмасданоқ тезда унутилиб кетиши ҳам мумкин. Бурч ва масъулият ҳисси етарли даражада оширилмаган одамлар эсда олиб қолишилари лозим бўлган нарсаларнинг кўпини аксарият ҳолларда унутиб қўядилар.

Ёд олинаётган материалнинг ўринини тузиш мантиқий жихатдан эсда олиб қолишининг энг муҳим усулларидан биридир. У қуйидаги уч ҳолатни ўз ичига олади: 1) *материалнинг таркибий қисмларга бўлинини;* 2) *уларга сарлавҳа ўйлаб топиш ёки материалдаги ушибу қисмнинг бутун мазмуни билан осонгина боғланадиган бирон бир таянч нуқтасини ажратиб кўрсатиш; 3) қисмларни уларнинг сарлавҳаларига ёки ажратиб кўрсатилган таянч нуқталарига биноан боғланишларнинг ягона занжисирига боғлаш.* Алоҳида фикрларни ва гапларни мазмунли қисмларга бирлаштириш эсда олиб қолинадиган материалнинг хажмини камайтирган ҳолда эсда олиб қолиниши лозим бўлган бирликлар сонини қисқартиради. Эсда олиб қолиш яна шунинг учун ҳам осонлашадики, ўрин тузилиши натижасида материал аниқ равшан, бўлакларга ажратилган ва тартибга солинган шаклга эга бўлади. Шу туфайли ўқиш жараёнининг ўзидаёқ у фикрда осонгина ўрнашиб қолади.

Материални тушуниб етиш учун тузилган ўриндан фарқли ўлароқ, уни эсда олиб қолишга мўлжалланган ўринда материал яна ҳам майдада бўлакларга ажратиласди, бунинг устига нималар қайта эсга туширилиши кераклигини сарлавхаларнинг ўзи кўрсатиб ва эслатиб туради, унинг учун ҳам улар ўз шаклига кўра кўпинча чала-ярим, узуқ-юлуқ бўлади.

Мантиқий эсда олиб қолиш усули сифатидаги қиёслаш. катта аҳамиятга эгадир. Объектлардаги фарқларнинг таъкидланиши айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол эсда олиб қолишнинг ихтисослашувини таъмин этади ва объектларнинг тимсолларини қайта эсга туширилишини кайси йўл билан амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Объектлар ўртасида фақат умумий ва айниқса кенг миқёсдаги боғланишлар ҳосил қилиш уларнинг яна қайта эсга туширилишини қийинлаштириб кўйиши мумкин. Қайта эсга туширишдаги қийинчилик туғилишни кўп жиҳатдан ана шу хол билан изоҳланади. Объектлар ўртасидағи фарқлар қанчалик якқол билиниб турган бўлса, уларнинг эсда олиб қолиниши ҳам шунчалик тез ва пухта бўлади.

Қайта эсга тушириш, айниқса материални ёд олиш жараёнида эсда олиб қолишни тезлаштиради уни мақсадга мувофиқлаштиради, негаки, қайтариб айтиш давомида ўзимизнинг заиф томонларимизни аниқлаб оламиз, ўзимизни ўзимиз назорат қилиб борамиз. Муҳими, қайта эсга тушириш танишиб чиқиш билан алмаштириб қўйилмаслиги керак. Танишиб чиқиш эсга туширишдан кўра осонроқ. Лекин фақат яна қайта такрорлай олишимиз, эсга тушира олишмиз мумкинлиги ўз билимларимизга муқаррар ишонч туғдиради.

Қайта эсга тушириш мумкинлиги эсда олиб қолишнинг мустаҳкамлиги белгиси бўлиши шарт эмас. Шу сабабли ўқитувчи ўқувчилар такрорлаш йўли билан билимларни эсда тобора мустаҳкамроқ сақлаб қолишга эришишлари ҳақида ҳамиша қайғуриши керак. К.Д.Ушинскийнинг сўзлари билан айтганда, билимларнинг такрорланиши тўғрисида уларнинг мустаҳкам эгалланиши ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган ўқитувчини юкни чала-чулпа боғлаб кетаётган ширакайф аравакашга ўхшатиш мумкин: у орқасига

ўгирилиб қарамасдан, аравасини ҳадеб олға чоптиргани ва олис йўлни босиб ўтгани ҳақида мақтангани билан манзилга қуп-қуруқ аравада келади.

Лекин материал англаб ва тушуниб етилган ҳолда, фаол такрорланган тақдирдагина самарали бўлади. Акс ҳолда бу механик тарздаги эсда олиб қолиш бўлади. Шунинг учун такрорлашнинг энг яхши тури – ўзлаштирилган материални кейинги фаолиятга жалб этишдан иборатdir. Экспериментал таълим тажрибаси шуни кўрсатдики, программадаги материал маҳсус қатъий вазифалар тизимиға уюштирилганда (бундан олдинги ҳар бир босқич кейингисини ўзлаштириш учун зарур қилиб қўйилса) материалнинг муҳим қисми ўқувчининг фаолиятида ҳар гал янги даражада ва янгича боғланишларда муқаррар равища тақрорланиб туради. Бундай шароитда керакли билимлар ҳатто ёд олинмасдан ҳам, яъни ихтиёrsиз равища мустаҳкамланган эсда олиб қолинаверади. Илгари ўзлаштирилган билимлар янги билимлар мазмунига жалб этила бориб, фақат янгиланиб қолмасдан, балки сифат жихатидан ўзгаради, бошқача тарзда англанилади.

## 20.5. Қайта эсга тушириш

*Қайта эсга туширишини психиканинг илгари мустаҳкамланган мазмунини узоқ муддатли хотирадан чиқариб олиш ва уни амалий хотирага ўтказиши йўли билан актуаллаштирилиши содир бўладиган хотирлаш жараёни сифатида таърифлаш мумкин.*

*Актуаллаштириши жараёни* (илгари ўзлаштирилган материални қайта тиклаш) содир бўлишининг турлича қийинлик ёки осонлик даражаси билан: бизни қуршаб турган нарсаларни «автоматик» равища танишдан то эсдан чиқариб юборилгаи нарсаларни қаттиқ қийналиб эсга туширишга қадар даражаси билан таърифланиши мумкин. Шунга кўра қайта эсга тушириш жараёнининг ичida унинг ҳар хил турларини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда уларни қуидагича тартибда жойлаштириш мумкин: таниш, хусусан қайта эсга тушириш (у ихтиёrsиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин) ва эслаш. Бунда шахснинг тарихий хотираси бўлмиш хотирлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

*Таниш бирон, бир объектни тақроран. идрок қилиши шароитида қайта эсга тушириши демакдир.* Таниш катта ҳаётий аҳамиятга эга. Таниш бўлмаганда биз ҳар гал нарсаларни аввалдан таниш бўлган нарсалар деб эмас, балки янги нарсалар деб идрок қилган бўлур эдик. Таниш ҳамиша бизнинг тажрибамизни теварак-атрофимиздаги объектларни идрок қилишимиз билан боғлайди ва бу билан бизга атрофимиздаги воқеликда тўғри мўлжал олиш имконини беради.

Таниш ўзининг аниқлиги, яққоллиги ва тўлалигига кўра ҳар хил бўлади. У ихтиёrsиз ёки ихтиёрий жараён тарзида амалга оширилиши мумкин. Одатда таниш тўлақонли, яққол ва муайян тарзда юз берса, у бир лаҳзалик ихтиёrsиз ҳодиса тарикасида амалга оширилади. Идрок этиш жараёнида илгари биз идрок қилган нарсани ихтиёrsиз равишда, бирон бир куч-ғайрат ишлатмасдан, ўзимиз сезмаган ҳолда таниб оламиз. Ихтиёrsиз таниш кишининг ҳар кунги фаолияти билан қўшиб кетади. Бироқ таниш жуда ҳам чала-яrim ва шунинг учун ноаниқ бўлиши мумкин. Жумладан, бирон кишини кўрганимизда уни ўзимизга «танишдек ҳис қиласиз», лекин уни биз илгари билган кишига айнан ўхшатишга ожизлик қиласиз. Шундай ҳолатлар бўладики, биз кўриб турган кишимизни таниймиз, лекин илгари уни қандай шарт-шароитларда идрок этганимизни эслай олмаймиз. Гоят чала-яrim ёки етарли даражада тўла бўлмаган таниш холларда бу жараён мураккаб ихтиёрий тус олиши мумкин. Объектни идрок қилишга таянган ҳолда уни билишимизни аниқлаб олиш мақсадида атайлаб турли хилдаги ҳолатларни эсга туширамиз. Бундай ҳолда билиш қайта эсга тушириш жараёнига айланиб қолади.

**Ихтиёrsиз ва ихтиёрий қайта эсга тушириш.** Аслида, танишдан фарқли ўлароқ, қайта эсга туширилаётган объектни эсга тушириш қайта идрок қилинмаган ҳолда амалга оширилади. Қайта эсга тушириш, гарчи бу фаолият қайта эсга туширишга атайлаб йўналтирилган бўлмаса ҳам, одатда киши муайян пайтда амалга ошираётган фаолиятнинг мазмунидан келиб чиқади. Бундай тарзда қайта эсга тушириш ихтиёrsиз эсга тушириш бўлади.

Бирок у ўз-ўзидан бирон бир турткисиз юз бермайди. Нарсаларнинг идрок этилиши ўз навбатида, муайян ташқи таъсирлар остида ҳосил бўлган тасаввурлар, ўй-фикрлар ихтиёrsиз эсга туширишга туртки бўлади. *Ихтиёrsиз қайта эсга тушириши* ҳатто тасодифий идрок қилинган обьектлар туфайли содир бўлган тақдирда ҳам, алғов-далғов бўлмасдан, балки йўналтирилган тусда бўлади. Бунда қайта эсга туширилган тимсоллар ва ўй-фикрларнинг йуналиши ҳамда мазмuni бизнинг ўтмишдаги тажрабамизда таркиб топган боғланишлар билан белгиланади.

Ихтиёrsиз эсда олиб қолиш обьектларни тасодифий идрок қилиш билан юзага келмай, балки у муайян пайтда киши бажараётган маълум бир фаолиятнинг мазмuni билан юзага келса йўналтирилган ва уюшган бўлиши мумкин. Жумладан, кишида ўқиган китобнинг мазмuni таъсири остида унинг ўтмишдаги тажрибасини ихтиёrsиз тарзда қайта эсга тушириши анча йўналтирилган ва уюшган бўлади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ихтиёrsиз эсга туширишни худди ихтиёrsиз эсда олиб қолиш каби бошқариш мумкин ва лозим. Ўқитувчи дарсни қанчалик тизимли ва мантиқий қилиб ташкил этса, ўқувчиларнинг дарс пайтида ўтмишдаги тажриба мазмунини ихтиёrsиз эсга туширишлари ҳам шунчалик кўп даражада уюшган бўлади.

Ихтиёрий қайта эсга тушириш киши қайта эслаш юзасидан ўз олдига кўядиган вазифага қўра содир бўлади. Материал яхши мустаҳкамланган ҳолларда у осонгина қайта эсга тушади. Бироқ баъзан керакли нарсаларни эслай олмаймиз ва бунда муайян қийинчиликларни енгиб фаол қидирув ишларини олиб боришимизга тўғри келади. Бундай қайта эсга тушириш эслаш деб аталади.

Эслаш ҳам худди ихтиёrsиз эсда олиб қолиш каби жуда мураккаб ақлий иш бўлиши мумкин. Яхши эслай олишга ўрганиш лозим бўлади. Ўз билимларидан самарали фойдалана олишга тайёрлик ана шунга боғлиқдир. Одатда, яхши эсда олиб қолиниши яхши қайта эсга туширилишини таъминлайди. Лекин эслашнинг муваффақиятли бўлиши, кўп жиҳатдан, эслаш қандай шароитларда ва қандай амалга оширилганига боғлиқ бўлади.

Эслашнинг муваффақиятлилиги эслашнинг қандай усулларидан фойдаланилганига боғлиқдир. Эслаш усуллари орасида энг муҳимлари куйидагилардан иборат: *эсланиши лозим бўлган материалнинг ўринини тузиши; ўзида тегишили обьектларнинг образларини фаол намоён қилишига интилиши, керакли нарсани қайта эсга туширишига бошқа йўллар билан олиб келувчи билвосита боғланишларни атайлаб ҳосил қилиши.*

Эслашнинг муваффақиятлилиги эслаш вазифасини бажаришнинг қанчалик асослаб берилганига жиддий равишда боғлиқдир.

Эслаш ўтмишдаги таъсиротларни оддий қайта эсга туширишдан иборат эмас. Илгари ўзлаштирилган билимлар қайта эсга туширилганида янги билимлар билан боғланади, янгича тартибга солинади, чуқур англаб етишади. Қайта эсга тушириш ҳодисасига эслаш имкониятига ишонч катта таъсир кўрсатади.

**Хотирлаш.** Хотирлаш ўтмишимизнинг вақт ва фазодан муайян ўрин олган тимсолларини қайта эсга туширишдан иборатdir. Хотирлашда биз ўтмиш обьектларини фақат қайта эсга туширибгина колмай, балки уларни муайян вақт ва жойга мансуб ҳисоблаймиз, яъни биз уларни қаерда, қачон ва қандай шароитларда идрок қилганимизни эслаймиз, уларни ҳаётимизнинг муайян даври билан боғлаймиз, бу обьектларнинг даврий изчиллигини англаймиз.

Ҳар бир кишининг ҳаёт тарихи ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари эса киши хотираларининг мазмунини вақтда жойлаштириш учун таянч пунктлари бўлиб хизмат қилади.

Унинг учун ҳам хотираларимизнинг мазмуни ўзгармасдан қолмайди. У шахс йўналишининг эволюцияси билан боғлиқ равишда қайта қурилиб ва қайта англанилиб боради.

Хотирлаш кишининг шахсий ҳаётига у ёки бу тарзда боғлиқ бўлганлиги учун ҳам доимо бир қатор ҳиссиётлар билан бирга юз беради.

## 20.6. Унутиш ва эсда саклаш

**Унутиш.** Унутиш жараёни озми ёки кўпми даражада чуқур бўлиши мумкин. Унутилган образлар ёки фикрларнинг актуаллаштирилиши шунга кўра маълум даражада қийинлашади ёки умуман мумкин бўлмай қолади. Маълум материал шахс фаолиятига қанчалик кам қўшилса, актуал ҳаётий мақсадларга эришишда қанчалик аҳамияти камайиб борса, уни унутиш шунчалик чуқур бўлади. Бунда бирон материални эслаб олиш мумкин эмас, бу материал батамом йўқолиб кетган, шахснинг тажрибасидан мутлақо чиқиб кетган, деган маъно чиқмайди. Материалнинг конкрет «фактик» формаси унутилади, лекин материалнинг муҳим, барқарор аҳамиятли мазмуни тегишли билимлар ва иш-ҳаракат формаларига қўшилиб кетади ва ана шу иш-ҳаракат формаларида умумлашган ҳолда қайта тикланади. И.Павловнинг тажрибаларида исботланганидек, сўниб қолган рефлекслар ўзларининг қайта тикланишлари учун аввал бошда ҳосил қилинган рефлексларига қараганда камроқ такрорлашни талаб қиласди. Бундан ташқари, сўниб қолган рефлекслар маълум шароитларда тормозланиш ҳолатидан халос бўлиши мумкин. Эсимиздан аллақачонлар чиқиб кетгандек бўлиб кўринган нарсаларнинг айрим ҳолларда тўсатдан, кутилмаганда қайта эсга тушиб қолиш ҳодисаларининг сабаби ана шунда. Масалан, бир одам жуда кўп йиллар илгари уринган ва ундан сўнг кўп йиллар фойдаланмаслик натижасида эсидан чиқиб кетадиган бўлиб туюлган немис тилида касаллик ҳолатида гапира бошлаган.

Принципial жиҳатдан олганда унутиши мақсадга мувофиқ ҳодисадир. Шахснинг фаолияти таркибиға қўшилиб, унинг учун аҳамиятли бўлиб қолган нарсалар унутилмайди. Фаолият таркибиға қўшилиш материални инсон эҳтиёжи билан боғлашнинг ва шундай экан, унутмаслик учун курашнинг ҳам ишончли воситасидир. Фаолият таркибиға қўшилишнинг ана шундай усууларидан бири эсда сақланиши лозим бўлган нарсанинг мунтазам суръатда такрорланишидан иборатdir.

Бирмунча бекарор ва шу билан бирга вақтинчалик унутиш манфий индукциянинг таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Жумладан, материални

ёд олиш пайтида, бегона ёт кучли қўзғатувчилар эсда олиб қолиш самаралигини пасайтириб, янги муваққат боғланишларнинг ҳосил қилиниши ё қийинлаштириши, ёки илгари ҳосил қилинган боғланишларнинг изларини кучизлантириш ва у билан унутишини юзага келтириши мумкин бундай унутиш олдинги фаолият (*проактив*, яъни “олдиндан таъсир қилувчи” тормозланиш, яъни кейинги фаолиятдан ишлаб чиқилган *ретроактив*, яъни “орқага қараб ҳаракатланувчи” ) таъсири билан боғланганига салбий таъсири ёрдамида ёки аксинча таъсири остида пайдо бўлади. Агар олдинги ёки кейинги фаолити мураккаб ёки мазмун жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлса, тормозланиш айниқса яққол намоён бўлади.

*Прокатив* ва *ретроактив* томозланиш қандайдир бир фаолият доирасида ҳам, жумладан, берилган материални ўрганиш жараёнида намойиш бўлиши мумкин. Маълумки материалнинг ўрта қисми олдинги ва охирги қисмларига қараганда ёмон эсда сақланиб қолади, материалнинг ўрта қисми, агар материал ҳажми жиҳатидан катта бўлса, проатив ва ретроактив тормозланишнинг салбий таъсирига учрайди. Шунинг учун материални ўрта қисми қўп марта такрорланишни талаб қиласи. Бир меъёрда, секинроқ суръат билан ишлашга риоя қилиш зарур: дикқатни предмет устида узокроқ тутиб туриш керак; фақат шундагина қўзғатувчилар мияда мустаҳкамланади.

Вақтинча унутиш тегишли мия пўстлоғининг зўриқиши натижасида пайдо бўладиган ҳаддан ортиқ тормозланиш сабабли ҳам юзага келиши мумкин. Толиққан пайтда эсда олиб қолишининг кескин пасайиб кетиш сабаби ҳам шунда. Эсдан чиққан нарсалар ҳам нервлари нормал ишлай бошлаганидан сўнг қайта эсга туширишни мумкин.

Манфий индукция ва ҳаддан ортиқ тормозланиш туфайли юзага келиши мумкин бўлган вақтинча унутиш билан *реминиценция* ҳодисаси боғлиқ бўлади. Бу нарса шунда ҳам намоён бўладики, хотирлаш кейинроқ амалга оширилганига қараганда янада тўлароқ амалга оширилган қайта эсга тушириш бирмунча тўлароқ бўлади, Бу нарса кўпинча ҳажм жиҳатдан каттароқ материални эсда олиб қолишида содир бўлади. Тажрибалар шуни

күрсатадики, *реминиценция катта ёили одамларга қараганда болаларда күпроқ учрайди*. Ўкув ишларида реминиценциянинг пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Мустаҳкамланаётган материалга қизиқишнинг бўлиши материални узокроқ эсда сақлашга олиб келади. *Унутиши вақтга боғлиқ бўлади*. Буни биринчи марта экспериментал равишда немис психологи Эббингауз (1850–1909) аниқлаган. Унинг кўрсатишича, унутиш материал ёд олингандан сўнг айникса тез рўй беради, ундан кейин эса унутиш анча секинлашади. Эббингауз бу қонуниятни айрим маъносиз бўғинларни унутиш устида олиб борган ишларида тасдиқлади. Ундан кейин ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар унутиш суръати материалнинг мазмунига, унинг қанчалик англанилганлигига боғлиқлигини кўрсатади.

**Эсда сақлаш шартлари.** Унутиш фақат вақтнинг функцияси эмас. Худди эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш каби у ҳам танлаб унутиш харakterига эгадир. Ўз мазмуни билан инсон эҳтиёжлари, инсоннинг чукур қизиқишилари, инсон фаолиятининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган барқарор аҳамиятли материал секинроқ унутилади. Одам учун айникса катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган нарсаларнинг кўплари мутлақо эсдан чиқмайди. Материалнинг эсда сақланиши шахс фаолиятида унинг қатнашиш даражаси билан белгиланади.

Унутиш эсда олиб қолинадиган материалнинг ҳажмига боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миқдор ва сифат жиҳатдан бир хилда иш олиб борилган бўлса, ёд олинган материалнинг эсда сақланиш проценти маълум вақт оралиғидан сўнг шу материалнинг ҳажмига нисбатан тескари пропорционал муносабатда бўлади. Шу сабабли, ўкувчиларга эсда олиб қолиш учун бериладиган материални дозаларга бўлиб бериш жуда муҳимдир.

Бироқ унутиш илгари идрок қилинган материал ҳажмининг соғ миқдорий камайишидангина иборат эмас. Эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш жараёнида хотирада мустаҳкамланган материал маълум сифат ўзгаришларига учрайди. Шу муносабат билан материалнинг турли қисмлари

бир хилда унутилмайди. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, материалнинг асосий қоидалари эсда яхшироқ сақланиб қолади. Айрим маъно бирликлари чалароқ эсланиб қолади, материалнинг *текстуал* мазмуни эсда жуда кам сақланади. Шу сабабдан хотирада сақланиб қоладиган материал тобора умумлашган характерга эга бўла боради.

Шундай қилиб билимларни унутишга қарши курашишнинг асосий воситаси бундан кейинги фаолиятларда билимлардан фойдаланиш, уларни амалда қўлланишдан иборатдир. Бу эса ўтмишдаги билимларни фақат эсда сақлашга эмас, балки чукурроқ ўзлаштиришга олиб келади.

## **20.7. Хотирадаги индивидуал фарқлар ва хотиранинг ривожланиши**

Хотира жараёнларидаги индивидуал фарқлар. Одамлар хотирасидаги индивидуал фарқлар жараёнларининг хусусиятларида, яъни бошқача қилиб айтганда, ҳар турли одамларда эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш қандай қилиб амалга оширилишида ва хотира мазмунининг хусусиятларида, яъни нималар эсда олиб қолинишида намоён бўлади. Бу иккиёқлама ўзгаришлар ҳар бир одам хотирасининг самарадорлигини турли томондан белгилайди.

Хотира жараёнларida индивидуал фарқлар эсда олиб қолишнинг тезлигига, аниқлигига, мустаҳкамлигига ва қайта эсга туширишга тайёрлигига ифодаланади. Эсда олиб қолиш тезлиги у ёки бу киши учун маълум ҳажмдаги материални эсда олиб қолишга талаб қилинадиган такрорлаш миқдори билан белгиланади. Эсда олиб қолишнинг мустаҳкамлиги ёд олинган материалнинг қанча вақт эсда сақланиши ва унутиш тезлиги даражаси билан ифодаланади. Нихоят, хотиранинг тайёрлиги одам ўзига зарур бўлган нарсаларни керак бўлган пайтда қанчалик осон ва тезлик билан эслай олишида ифодаланади. Бу фарқлар маълум даражада юксак нерв фаолияти типларининг хусусиятлари билан, қўзғатиш ва тормозланиш жараёнларининг кучли ҳамда ҳаракатчанлиги билан боғлиқдир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган хотира жараёнларидаги индивидуал фарқлар ҳаёт ва тарбия шароитларининг

таъсири билан ўзгаради. Унинг учун хотиранинг юқорида кўрсатилган хусусиятлари хотирани тарбиялаш шароитлари билан белгиланади ва биринчи навбатда ҳар бир кишида эсда олиб қолишнинг радионал усуллари қанчалик таркиб топғанлигига боғлиқдир. Улар ишда аниқлик ва батартиблик бўлиши билан, ўз вазифаларига жавобгарлик сезиши билан, уларни бажаришда жонбозлик кўрсатиши ва бошқа шу кабиларга одатланиши билан боғлиқдир. Хотиранинг тайёrlиги, бундан ташқари, билим олиш ва уларни мустаҳкамлашнинг мунтазамлиги билан боғлиқдир.

**Хотиранинг турлари.** Хотирадаги индивидуал фарқлар ана шундай ҳолларда намоён бўладики, бир хил одамлар образли материалларни (нарсаларни, тасвирларни, товушларни, рангларни ва шу кабиларни) бирмунча самарали эсда олиб қоладилар, бошқа бировлари эса сўз материалларни (тушунчалар, фикрлар, сонлар ва ҳоказоларни) яхши эсда сақлаб қоладилар, учинчи бир тоифа одамларда эса муайян материални эсда олиб қолишда яққол устунлик сезилмайди. Шунга мувофиқ равища, *психологияда хотиранинг кўргазмали-образли, сўз-абстракт ва оралиқ турлари фарқланади*. Хотиранинг бу турлари маълум даражада одамларнинг олий нерв фаолиятларидағи биринчи ва иккинчи сигнал тизимларининг ўзаро муносабатига боғлиқдир. Ҳаёт фактларининг тасдиқлашича, эсда олиб қолишда образлар ёки фикрларнинг устунлик қилиши, биринчи навбатда одамларнинг ҳаёт шароитлари ва фаолияти билан белгиланади. Ҳаёт, касбий фаолият талаблари у ёки бу турдаги хотиранинг озми-кўпми даражада ёрқинроқ намоён бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, хотиранинг кўргазмали-образли тури кўпроқ рассомларда, сўз-абстракт тури кўпроқ назариячи олимларда учрайди. Лекин одатда хотиранинг у ёки бу турининг устунлиги кузатилмайди.

Турли таассуротларни эсда олиб қолаётганда қайси анализаторнинг энг маҳсулдор бўлишига қараб, хотиранинг кўргазмали-образли тури дифференциаллашади. Шунга мувофиқ хотиранинг ҳаракат, куриш ва эшитиш турлари фарқ қилинади. Лекин хотиранинг бу турлари соф ҳолда

кам учрайди. Кўпинча хотиранинг: *кўриши-ҳаракат*, *кўриши-эшиитиши*, *эшиитиши-ҳаракат* каби аралаш турлари кўпроқ учраб туради. Киши ўз хотирасининг тегишли хусусиятларидан хотира маҳсулдорлигини ошириш усули сифатида фойдаланади.

Ўспиринлик ёшидаёқ хотира факат тарбия обьекти эмас, балки ўз-ўзини тарбиялаш обьекти ҳам бўлиши керак. Хотирани шакллантириш қонуниятларини билишга асосланган тақдирдагина хотиранинг ўз-ўзини тарбиялашида анчагина ютуқларга эришилади. Шу муносабат билан хотирада материалнинг сунъий мустаҳкамланишини таъмин этадиган расмий усувлар биргаликда келишини билдирадиган *мнемониканинг* фойдаси тўғрисида гапириш керак. Лекин мнемоника факат мантиқий мазмунни алмаштиради ва ҳеч қачон унинг ўрнини босмайди. Шахснинг мазмунли билиш фаоллиги маъноли хотиранинг ривожлантириш асосидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Хотира ҳақида умумий тушунча.
2. Хотиранинг нейрофизиологик асослари.
3. Хотиранинг физиологик асослари.
4. Хотира турларининг психологик тавсифи.
5. Эсда олиб қолиш турлари ҳақида мушоҳадалар.
6. Эсга туширишнинг психологик моҳияти.
7. Хотира маҳсулдорлигини ошириш йўл ва воситалари.
8. Хотира патологияси ва уни тузатиш усувлари.
9. Инсонда хотиранинг ривожланиши.

## **XXI-БОБ. ХАЁЛ**

**Таянч тушунчалар:** хаёл ёки фантазия, орзу, хаёл турлари, хаёл операциялари.

### **21.1. Хаёл ҳақида тушунча ва унинг инсон психик фаолиятидаги роли**

**Хаёл ва муаммоли вазият.** Хаёл ёки фантазия, тафаккур каби, юксак билиш жараёнлари қаторига кириб, кишининг ўзига хос инсоний характерга эга бўлган фаолиятларида намоён бўлади. Мехнатнинг тайёр натижасини хаёлга келтирмай туриб ишга киришиб бўлмайди. Фантазия ёрдами билан кутилаётган натижани тасаввур қилиш – инсон меҳнатининг ҳайвонлар инстинктив фаолиятидан туб фарқидир. Исталган меҳнат жараёни зарур тарзда хаёлни ўз ичига қамраб олади. Хаёл бадиий, конструкторлик, илмий адабий, музикавий ва умуман ижодий фаолиятнинг зарур томони сифатида намоён бўлади. Қисқа қилиб айтганда, қўлда оддий бир стол ясаш учун операцияси ёки бирор қисса ёзишга қараганда оз хаёл талаб қилинмайди, столнинг қандай шаклда бўлишини, унинг баландлигини, кенглигини, оёқлари қандай маҳкамлигининг овқатланиш столи, лаборатория столи ёки ёзиш столи сифатида ўзининг белгиланган хизматига қанчалик жавоб беришини олдиндан тасаввур қилиш лозим. Бир сўз билан айтганда, ишни бошлашдан олдин бу столни тайёр ҳолда кўра билиш талаб қилинади.

Хаёл инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охирги ва оралиқ маҳсулотларида ўз ифодасини топади, шунингдек муаммоли вазият ноаниқлик кўрсатган хилларда хулқ-автор дастурини тузишни таъминлайди. Унинг билан бирга хаёл актив фаолиятни дастурловчиси эмас, балки унинг ўрнини алмаштирувчи тимсоллар ҳосил қилиш воситаси сифатида юзага чиқади.

Хаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва муҳим вазифаси шундан иборатки, у меҳнатни бошламасдан олдин унинг натижасини тасаввур қилиш имкониятини беради. Хаёл меҳнаткашнинг факат сўнгги натижасинигина эмас (масалан, битказилган тайёр маҳсулот сифатидаги стол), балки меҳнатнинг оралиқ маҳсулотларини (мазкур ҳолда столни ясаб

битказиш учун тайёрланадиган деталларни ҳам) тасаввур қилиш имкониятини беради. Бинобарин, хаёл одамга фаолият жараёнида меҳнат маҳсулотларининг охирги ёки оралиқ психик моделларини ҳосил қилиш йўли билан йўл-йўриқ кўрсатади. Бу эса меҳнат маҳсулотларини нарсалар сифатида гавдалантиришга ёрдам беради.

Хаёл тафаккур билан маҳкам боғлангандир. Хаёл ҳам тафаккур сингари, келажакни олдиндан кўриш имкониятини беради.

Тафаккур билан хаёл ўртасидаги умумийлик ҳамда улар ўртасидаги фарқлар нималардан иборат? Хаёл тафаккур сингари, муаммоли вазиятда, яъни масала ечишнинг янги усувларини қидириб топишда юзага келади. Тафаккур сингари, хаёл шахснинг эҳтиёжларига асосланади. Эҳтиёжларни қондиришнинг реал жараёнидан олдин эҳтиёжларни қондиришнинг сохта, хаёлий жараён содир бўлади, яъни бу эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин бўлган вазиятни жонли, ёрқин тасаввур қилиш мумкин. Хаёл жараёнларида амалга ошириладиган воқеликни олдиндан акс эттириш ёрқин тасаввурлар тарзида ва конкрет-образ шаклида содир бўлади. Унинг билан бир пайтда тафаккур жараёнларида олдиндан акс эттириш оламни умумлаштириб, воситали тарзда билиш имконини берувчи тушунчалар билан ишлашда содир бўлади.

## **21.2. Хаёл турлари**

Хаёл ўзининг активлиги ва фаоллиги билан характерланади. Унинг билан бирга хаёл аппарати фақат атрофдаги оламни ўзгартиришга қаратилган шахс ижодий фаолиятининг шарти сифатида фойдаланилиши мумкин ва фойдаланилади. Айрим ҳолларда хаёл фаолиятнинг ўрнида, унинг сунъий аралашмаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Мана шу ҳолларда одам ўзига ҳал қилиб бўлмайдигандек кўринадиган масалалардан, турмушнинг оғир шароитларидан, ўз хатоларининг таъқибидан ва шу кабилардан яшириниш учун реал тасаввурлардан узоқ бўлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади Н.В.Гогол Манилов образини яратиб, фойдасиз орзулада фаолиятдан қочишининг қулай имкониятини топган одамлар

типининг умумлаштирилган образини ифодалаб беради. Бу ерда фантазия ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратади, амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат программаларини белгилайди. Хаёлнинг бундай формаси пассив хаёл деб аталади.

Киши пассив хаёлни олдиндан ўйлаб юзага келтириши мумкин: жўрттага юзага келтирилган ирода билан боғлиқ бўлмаган, лекин ҳаётда гавдалантиришга қаратилган хаёлнинг мана шундай образлари ширин хаёл деб аталади. Қандайдир қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида ширин хаёл суриш ҳамма одамларга хосдир. Мана шундай ширин хаёлларда фантазия маҳсулотлари билан эҳтиёжлар ўртасидаги алоқа сигнали намоён бўлади. Аммо инсон хаёлий жараёнларида ширин хаёл кечириш ҳоллари кўпроқ бўлса, бу шахснинг пассивлигидан далолат берувчи нуқсон ҳисобланади. Агар киши пассив бўлса, у келажакда яхши ҳаёт учун курашмаса, унинг ҳозирги ҳаёти эса қийин, кўнгилсиз бўлса, бундай ҳолда у ўзининг эҳтиёжлари тўла қондириладиган, истаган нарсасини қўлга кирита оладиган, ҳозирги пайтда умид қила олмайдиган бирон мансабни эгаллайдиган сохта ҳаётни кўп вақт хаёл қиласи.

Пассив хаёл ўйлаб қўйилмаган тарзда ҳам юзага келиши мумкин. Бу асосан онг фаолиятининг, иккинчи сигнал тизимининг сусайишида, кишининг вақтинча ҳаракатсизлик ҳолатида, уйқусираш ҳолатида, аффект ҳолатида, уйқуда (туш кўришда), онгнинг касалликка учраб бузилишида (галлюцинацияда) ва шу кабиларда содир бўлади.

Агар пассив хаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган турларга бўлиш мумкин бўлса, актив хаёлни ижодий ва қайта тикловчи хаёл турларига бўлиш мумкин бўлади,

Ижодий хаёл, қайта тикловчи хаёлдан фарқ қилган ҳолда, оригинал ва қимматли моддий маҳсулотларда амалга ошириладиган янги образларнинг яратилишини таказо киласи. Мехнатда пайдо бўлган ижодий хаёл эҳтиёжларини қондириш йўлини излашда яққол тасаввурлар билан актив ва

мақсадга мувофиқ иш тутадиган техник, бадиий ва исталган бошқа ижодиётнинг ажралмас томони бўлиб қолади.

Инсон шахсининг қиммати қўп жиҳатдан унинг структурасида хаёлнинг қайси тури устунлигига боғлиқдир. Агар ўсмирлар ва ёшларда конкрет фаолиятларда амалга ошириладиган ижодий хаёллари пассив, қуруқ хаёлпастликдан устунлик қилса, бу шахснинг тараққиёт даражаси юксакроқ эканлигидан далолат беради.

### **21.3. Хаёлий образларни қайта ишлаш механизмлари**

Киши фаолиятида хаёлнинг бажарадиган вазифаси аниқлаб олингач, фантазия тарзининг яратилишини амалга оширадиган жараёнлар қараб чиқилиши ва уларнинг структуралари аниқланиши лозим.

Одамга амалий ва ижодий фаолиятларда йўл кўрсатувчи фантазия тарзлари қандай пайдо бўлади ҳамда уларнинг тузилиши қандай? Хаёл жараёнлари, идрок, хотира ва тафаккур жараёнлари каби аналитик-синтетик характерга эгадир. Тахлил идрок ва хотирадаёқ объектнинг айрим умумий, мухим белгиларини ажратиш ва сақлаш ҳамда мухим бўлмаган белгиларидан четлашиш имкониятини беради. Бу тахлил синтез билан, яъни ўзига яраша этalon ҳосил қилиш билан тугалланади. Ана шундай этalon ёрдами билан бутунлай ўзгартириб юборилганда ҳам маълум ўхшашлик доирасидан четга чиқмайдиган обьектларни билиш амалга оширилади. Тахлил ва синтез хаёлда бошқача йўналишга эга бўлиб, образлар билан қилинадиган фаол жараёнларда бошқа тенденцияларни топиб, очиб беради.

Хотиранинг асосий тенденцияси образларни қайта тиклаб, этalonга максимал яқинлаштиришда, яъни илгари ҳаётда бўлган, идрок қилинган, тушунилган, англанган иш ҳаракат ёки обьектни оқибат натижада аниқ нусхасига яқинлаштиришдан иборатdir. Хаёлнинг асосий тенденцияси оқибат натижада мутлақо янги, шу пайтгача ҳосил қилинмаган вазият моделини ҳосил қилишни таъминлайдигаи тасаввурларни (тимсолларни) қайта тузишдан иборатdir. Ҳар иккала тенденция ҳам нисбий характерга эгадир, биз ўз танишимизни, гарчи унинг белгилари, кийимлари, ҳатто овози

сезиларли даражада ўзгариб кетган бўлишига қарамай, жуда кўп йиллардан сўнг ҳам таний оламиз. Фантазия яратган ҳар қандай янги образда эскилик, илгаридан маълум бўлган белгилар кўриниб туради.

Хаёлни унинг механизмлари жиҳатидан таърифларканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хаёлнинг моҳияти тасаввурларни қайта тузиш жараёнидан ва ўзимиздаги мавжуд образлар асосидаги янги образлар яратишдан иборатдир. Хаёл, фантазия реал воқеликни янги, кутилмаган ҳамда одатдан ўзгача қўшилиш ва боғланишларда акс эттиришдан иборатдир.



Агар ҳатто қандайдир мутлақо ғаройиб нарсани ўйлаб чиқариб, унга синчиклаб қараганимизда у нарсанинг барча элементлари – ҳаётдан, ўтмиш тажрибадан олинганилиги, булар ижодий фантазиянинг бирон босқичидаги каби, беҳисоб фактларнинг олдиндан ўйлаб ёки ўйламасдан қилинган таҳлилнинг натижалари бўлиб чиқади. Бу ҳолат бадиий ижодда қатнашадиган хаёлга нисбатан К.Паустовскийнинг айтган қуйидаги гаплари билан ифода қилиниши мумкин: «Ҳар бир дақиқа, бехосдан ташланган ҳар бир сўз ва нигоҳ, ҳар бир чуқур маъноли ёки ҳазиломуз фикр, киши қалбини учиб тушган терак момифи ёки тунги юлдуз шуъласи сингари, билинрабилинмас ҳар бир ҳаракати – буларнинг ҳаммаси олтин чанг заррачаларидир.

Хаёл жараёнларида тасаввурлар синтези турли шаклларда амалга оширилади.

Тимсолларни синтезлашнинг энг содда формаси агглютинация бўлиб, бу кундалик ҳаётимиизда бирлаштириб бўлмайдиган турли сифатлар, хусусиятлар ва қисмларни «ёпишириб» бирлаштиришдан иборатdir. Агглютинация йўли билан эртак образлари яратилади (сув париси – Русалка, товук оёғида турган уйча, Пегас, кентавр ва бошқалар). Агглютинациядан техника билан боғлиқ бўлган ижодиётда ҳам фойдаланилади (масалан, танк билан қайиқнинг сифатларини ўзида бирлаштирадиган танк-амфибия, фортельяно билан баян бирлашмаси бўлган аккордеон).

Тасаввур формаларини ўзлаштириш жиҳатидан агглютинацияга яқин турувчи – гиперболизациядир. Гиперболизация нарсаларни фақат катталаштириш ёки кичиклаштириш (тоғдек катта одам ва бош бармоқдек кичик бола) билан эмас, балки нарсалар қисмининг миқдорини ва уларнинг ўрнини алмаштириш билан, ҳам характерланади: ҳинд афсонасидаги кўп кўлли худолар, етти бошли аждарлар ва шу кабилар.

Фантазия тимсолларини яратиш мумкин бўлган йўллардан бири нарсаларнинг қандайдир сифатларини, белгиларини қайд қилиш, уларга диққатни жалб этишдан иборатdir. Ана шу усул ёрдами билан ўртоқлик ҳазиллари ва аччиқ карикатуralар яратилади. Бундай ҳолда фантазия образлари яратиладиган тасаввурлар қўшилиб кетса, фарқлар йўқолиб кетади, ўхшаш томонлар эса биринчи қаторга ўтиб олади, бу схематизациялашни амалга оширишга ёрдам беради. Схематизациялашга рассомнинг ўсимликлар дунёсидан андаза олиб, нақш яратиши яхши мисол бўлади. Нихоят, хаёлда тасаввурлар синтези типиклаштириш ёрдами билан амалга оширилиши мумкин. Типиклаштиришдан бадий адабиётда кенг қўлланилади, у орқали бирор жиҳатдан бир хил бўлган фактларда такрорланадиган муҳим томонлар ажратилади ва улар конкрет образда гавдалантирилади.

Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўхшатишларнинг одатдаги йўлини инкор этиб, уларни айни чоғда санъаткор психикасида ҳукмрон бўлган ҳис-туйғулар, фикрлар, интилишларга бўйсундиради. Гарчи ўхшатиш механизmlари узгармай қолса ҳам, яъни ўхашалиқ, изчиллик ёки контраст қарама-қаршилик ўхшатишлигича қолсада, тасавурларни тўплаш ана шу сабабий боғланиш тенденцияси билан белгиланади.

#### **21.4. Хаёл жараёнининг физиологик асослари**

Фантазия мия функцияси сифатида Фантазия тимсолларининг пайдо бўлиши киши мияси фаолиятининг натижасидир. Хаёл бошқа ҳамма психик жараёнлар каби катта яримшарлар пўстлоқ қисмининг функцияси ҳисобланади.

Хотиранинг физиологик асоси муваққат нерв боғланишларининг туташиши ва уларнинг кейинчалик актуаллашишидан (қайта тикланиши, тормозланмай қўйишидан) иборатdir. Агар хотира жараёнларида пайдо бўлган боғланишлар кейинчалик яна тикланса, хаёл жараённада кишининг ҳаёти давомида ҳосил қилинган боғланишлар тизими гўё емирилади (бузилиб кетади) ва янги тизимга бирлашади.

Бундай бирлашиш эҳтиёж ёки қандайдир бевосита таассурот орқали мия пўстида етарли даражада қучли қўзғалиш манбани ҳосил қилиш натижасида мумкин бўлади.

Хаёл, айтиб ўтилганидек, катта мия ярим шарлари пўстлоғининг функцияси ҳисобланади. Унинг билан бирга хаёл тузилишининг мураккаблиги ва унинг ҳиссиётлар билан боғлиқлиги хаёлнинг физиологик механизmlари фақат мия пўстлоғи билан эмас, балки миянинг чуқурроқ қисмлари билан боғлиқ деб тахминнинг тўғрилигини исботлайди. Фантазия тимсолларининг таркиб топиши ва уларни фаолият жараёнларига қўшишга бош мия ярим шарлари пўстлоғи билан бирга қатнашувчи миянинг ана шундай чукур қисмлари гипоталамик тизимиdir. (Гипоталамус унинг

қадимги пўстлоқ ва пўстлоқ ости қисмлари билан боғланиши мия стволининг ярим шарларга чиқаверишида, олдинги қисми атрофида «лимб» ёки чегара хосил қиласди).

**Хаёл ва органик жараёнлар.** Инсон мияси фантазия ишлаб чиқарган тимсолларга организмнинг периферик қисмларига бошқарувчи таъсир кўрсатиб, уларнинг ишлаш жараёнини ўзгартириб юборади. Ҳали ўрта асрларда ёқишини ҳайратда қолдирадиган факт маълум эди; айрим одамларда, кўпроқ асаб бузилиши (истерия) ни бошдан кечган одамларда (инжилдаги афсонага кўра, Исо пайғамбар крестда бошидан кечирган азобуқубатлар ҳақидаги фикрлардан сўнг) қўл ва оёқларнинг кафтида қон талаб кўкарган ва ҳатто яра пайдо бўлган. Бундай белгилар «стигматлар» деб ном олган (грекча «стигма» деган сўз «чандик», «белги» деган маънони англатади).

Таъсирчанлиги ва хаёлга бойлиги билан ажралиб турадиган айрим одамларни кузатиш ҳам хаёлнинг физиологик жараён кечишига таъсири ҳақида қизиқ маълумотлар беради. Флобер «Бовари хоним» романи қаҳрамони Эмма Бовари хонимнинг заҳар ичиши воқеасини ёзганда, у оғзида маргимуш таъмини яққол сезган. Вольтер ҳар йили Варфоломсев кечасини нишонлашда оғриб қолган. Минг-минглаб гуноҳсиз кишилар диний фанатизм қурбони қилиб ўлдирилган кун ҳақидаги фикр унинг безгагини кўзғатган, ҳарорати кўтарилиб, томирлари тез ура бошлаган.

Психик фаолиятнинг айрим бузилишлари ҳам ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳаддан ташқари таъсирланувчан ва тетик хаёлга боғлиқдир. Баъзан ана шундай касалликка обрўли кишининг айтган сўзини нотўғри тушуниш ҳам бевосита сабаб бўлади. Шундай ҳоллар маълумки, врачнинг эҳтиётсизлик билан айтган сўзининг таъсирида даволанишга келган киши оғир касаллик билан оғриб қолган бўлсан керак, деб хаёлдан ўтказади ва унда бу касалликнинг тегишли алматлари ривожлана бошлайди. Ятроген, деб аталадиган касалликлар юзага келади. Ўқитувчининг педагогик жиҳатдан ножӯя ҳатти-ҳаракатлари ва унинг эҳтиётсизлик билан айтган сўзи ҳам

ўқувчини жароҳатлантириши ва унда фантастик кўркув ҳиссини юзага келтириши мумкин. Баъзан дидактоген деб аталадиган нерв касалликлари ана шундай юзага келади.

Фантазия тимсолини етказиб берувчи мия – якка-ёлғиз тизимдир: унинг бирон-бир қисмида юз берган ўзгариш унинг бошқа бўлимлари ишига таъсир қилади. Яхлит нарса сифатидаги инсон танасининг барча аъзоларига тўғриловчи таъсир кўрсатади. Негаки психик жараён организмнинг ҳаёти фаолиятида у ёки бу ўзгаришга олиб келмоқда. Уз навбатида хаёл бошқа психик жараёнлар каби киши организмининг кўплаб тизимлари ишига анчагина таъсир кўрсатади.

## **21.5. Хаёл ва ижод**

**Фантазия ва ўйин.** Боланинг етакчи фаолияти ўйин бўлиб қоладиган боғча ёшидаги даври ва мактабда таълим олишнинг дастлабки йиллари хаёл жараёнларининг барқ уриб ривожланиши билан характерланади.

Фаолиятни амалга ошириш ва ташкил қилиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган хаёлнинг ўзи фаолиятнинг ҳар хил турларида таркиб топади ва бола ҳаракат қилмай қўйғандан сўнг йўқолиб кетади. Боғча ёшидаги даврда бола хаёли аста-секин ташқи таянчга (даставвал ўйинчоқларга) суюнадиган фаолиятдан сўзлар билан содда (чўпчаклар тўқиши, тарихий воқеаларни айтиш, шеър тўқиши) ва бадиий (расм чизишни) ижодиётни амалга оширишга имкон берадиган мустақил, ички фаолиятга айлана боради. Боланинг хаёли нутқни ўзлаштириш муносабати билан, бинобарин, катта одамлар билан киладиган мулоқоти жараёнида ривожланади. Нутқ болаларга шу пайтгача ҳеч қачон кўрмаган нарсаларини тасаввур қилиш имконини беради. Шу нарса аёнки, нутқ тараққиётидан орқада қолиш хаёлнинг тараққиётига ва хаёлнинг орқада қолишига, камбағалланишига ҳам таъсир қилади.

**Орзу.** Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижодий фаолиятга ҳамма вақт фантазия қўшилган бўлади. Бироқ ҳамма вақт ҳам одамнинг амалий ҳаракатларида хаёл жараёнлари дарҳол амалга ошавермайди. Кўпинча хаёл жараёнлари одам амалга оширишни истайдиган тимсоллар шаклга, яъни

алоҳида ички фаолият шаклига кириб олади. Ана шундай одам келгусида хоҳлайдиган тимсолларни орзу деб аталади.

Одамнинг амалий ишлаб чиқариш фаолиятида фантазиянинг роли катта, лекин ҳамма вақт ҳам сезиларли бўлавермайди. Исталган, ҳатто энг оддий нарсалар (электр чироги, авторучка, елим шишаси, устара тифи, циркуль ва хоказолар)да ҳам шу нарсаларга нисбатан кучли эҳтиёж сезган жуда кўп, авлодларимизнинг орзулари маълум даражада гавдаланганини кўрамиз. Нарсанинг тарихи қанча узун бўлса, у қанча кўп ўзгарган бўлса, бу нарсада одамларнинг шунча кўп орзулари қайд қилинган бўлади. Амалга оширилган орзу янги эҳтиёжни юзага келтиради, янги эҳтиёж эса янги орзуни туғдиради. Даставвал ишлаб чиқариш фаолиятида қўлга киритилгаи ҳар бир янгилик, янги нарса такомиллашгандек бўлиб кўринади, лекин уни ўзлаштира борган сари камчиликлари кўриниб қолади ва одамлар янада яхшироқ нарса ҳақида орзу қила бошлайдилар. Бунинг билан одамлар янада яхши нарсаларнинг юзага келиши жараёнига туртки берадилар. Бундан тўрт аср муқаддам оддий дераза ойнаси амалга ошириб бўлмайдиган орзу эди; деразаларга буқа пуфагидан қилинган нарса тортиб қўйилар ва у ёруғликни сал-пал ўтказар эди. Ўша даврларда худди сув ва ҳаво каби ёруғликни ўтказадиган тиник материал ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди.

### **Назорат саволлари**

1. Хаёл тўғрисида умумий тушунча.
2. Хаёл турларининг психологик тавсифи.
3. Хаёлнинг хусусиятлари юзасидан мулоҳазалар.
4. Хаёлнинг психологик хусусиятлари.
5. Хаёлнинг физиологик асослари.

## **ХХII-БОБ. ТАФАККУР**

**Таянч тушунчалар:** тафаккур, ихтиёрий тафаккур, ҳукм, хуроса, тушунча, ҳиссий билиш, акс эттириш, абстракт, мавхум ва бевосита тафаккур.

### **22.1. Тафаккурниң умумиј характеристикаси**

Кишининг бутун ҳаёти унинг олдига ҳамиша жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ва муаммоларни қўяди. Бундай муаммоларнинг, қийинчиликларнинг, тасодифларнинг юзага келиши атрофимиздаги воқеликда ҳали жуда кўп номаълум, тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, яширин нарсалар борлигидан далолат беради. Демак, оламни борган сари чуқурроқ ўрганиб бориш, унда одамлар ва нарсаларнинг тобора янги-янги жараёнларини, хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини очиш лозим. Тафаккур шунинг учун ҳам зарурки, ҳаёт ва фаолият давомида ҳар бир индивид нарсаларнинг қандайдир янги, илгари маълум бўлмаган хусусиятларига дуч келади. Ўтмишдаги билимларимизнинг камлиги билиниб қолади. Коинот чексиз бўлганидек, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Тафаккур ҳамиша ҳали билиб олинмаган, янгиликнинг ана шундай чексиз чукур жиҳатларига қаратилган бўлади. Ҳар бир одам тафаккур қиларкан, бунинг билан шу пайтгача қандайдир янгиликни, номаълум нарсани мустақил равишда кашф қилади (бу инсоният учун эмас, балки фақат «ўзи учун», арзимас бўлса ҳам, ҳар ҳолда янгилик кашф этади). Масалан, ҳар бир ўқувчи бирон ўқув вазифасини ҳал қилар экан, ўзи учун албатта қандайдир янгилик очади.

**Тафаккур** – жиҳдий равишда янгиликни қидириш ва очишга социал жиҳатдан боғлиқ, алоқадор психик жараёндир, унинг таҳлили ва синтези жараёнида воқеликни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур амалий фаолият асосида ҳиссий билишлардан пайдо бўлади ва ҳиссий билиш чегарасидан анча ташқарига чиқиб кетади.

**Ҳиссий билиш ва тафаккур.** Билиш фаолияти сезиш ва идрок қилишдан, бошланади ва кейин тафаккурга ўтиб кетиши мумкин. Бироқ истаган тафаккур, ҳатто энг ривожланган тафаккур ҳам ҳамиша ҳиссий

билиш билан, яъни сезги, идрок ва тасаввурлар билан боғланган бўлади. *Тафаккур фаолияти ўзининг бутун “материалини” фақат битта манбадан, яъни ҳиссий билишдан олади.* Тафаккур сезгилар ва идрок қилиш жараёнлари орқали ташқи олам билан бевосита боғланади ҳамда шу тариқа оламни акс эттиради. Бу акс эттиришнинг *тўғрилиги* (*адекватлиги*) амалий фаолият орқали табиат ва жамиятни амалий ўзгартириш жараёнида узлуксиз текширилиб турилади.

Оламнинг сезгиларимиз ва идрокларимиз орқали бизга ҳар куни берилаётган ҳиссий тасвири жуда зарур, лекин олам тасвирини чукур, ҳар томонлама билиш учун етарли эмас. Биз бевосита кузатаётган воқеликнинг бу ҳиссий тасвирида турли нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва бошқа шу кабиларнинг мураккаб ўзаро таъсирлари, уларнинг сабаб ва натижалари, ўзаро бир-бирига ўтишлари ҳали мутлақо етарли равишда ажратилган эмас. Бизнинг идрокимизда ўзининг хилма-хиллиги ва бевоситалиги билан намоён бўладиган бу ҳамма ўзаро муносабатлар ва алоқалар чигалини фақат биргина ҳиссий билиш ёрдами билан «ечиб» бўлмайди. Масалан, аллақандай бир танага тегиб турган қўлдан келаётган ҳаракат сезгиси ана шу тананинг ҳарорат ҳолатини бир хилда характерлаб бера олмайди. Мана шу ҳарорат сезгиси, биринчидан, мазкур нарсанинг иссиқлик ҳолати билан, иккинчидан, кишининг ҳолати билан (*иккинчи ҳолда ҳамма гап қандай танага – иссиқроқ нарсагами ёки совуқроқ нарсагами қўлини тегизиб турганлигига боғлиқ*) белгиланади. Мана шу содда мисолнинг ўзидаёқ ҳиссий билиш учун юқорида кўрсатилган боғлиқликнинг ҳар иккиси бўлинмаган бир бутун ҳолатда намоён бўлади. Идрок қилиш жараёнида субъект (одам) билан билинаётган обьект ўртасидаги ўзаро таъсирнинг умумий мажмуи натижаларигина берилган бўлади. Лекин яшаш ва ҳаракат қилиш учун аввало ташқи оламдаги нарсаларнинг ўзи қандай эканлигини, одамга қандай бўлиб қўринишидан қатъий назар ва умуман уларни билиб бўлиш ёки билиб бўлмаслигидан қатъий назар, обьектив суръатда билиш керак.

Киши тафаккур жараёнида сезги, идрок ва тасаввур маълумотлардан фойдаланаркан, шу билан бирга, ҳиссий билиш чегарасидан четга чиқади, яъни ташқи оламдаги шундай ҳодисаларни, уларнинг хусусиятлари ва ўзаро муносабатларини билан бошлайдики, улар сезгиларимизда бевосита мутлақо берилмаган бўлади ҳамда унинг учун умуман бевосита кузатиш мумкин бўлмайди. Масалан, ҳозирги замон физика фанининг энг мураккаб муаммоларидан бири элементар заррачалар назариясини яратишидир. Бироқ бу ғоят майда заррачаларни, ҳатто ҳозирги замондаги энг қудратли микроскоп ёрдами билан ҳам кўриб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, уларни бевосита идрок қилиб бўлмайди; уларни кўриш мумкин эмас – улар ҳақида фақат тафаккур қилиш мумкин. Абстракт, мавхум бавосита тафаккур туфайли, бундай кўзга кўринмайдиган элементар заррачаларнинг воқеликда ҳақиқатан борлиги ва муайян хусусиятларга эга эканлигини исботлаш мумкин бўлди. Бевосита кузатиб бўлмайдиган заррачаларнинг бу хусусиятларини ҳам тафаккур жараёнида тўғридан-тўғри йўл билан эмас, балки бошқача йўл билан, яъни бавосита йўл билан билинади.

## 22.2. Тафаккур ва нутқ

Кишининг тафаккур фаолияти учун унинг фақат ҳиссий билиши билан ўзаро боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки тил билан, нутқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда инсон психикаси билан ҳайвонлар психикаси ўртасидаги принципиал фарқлардан бири намоён бўлади. Ҳайвонларнинг элементар, жуда содда тафаккури ҳамма вақт фақат ҳайвоний ҳаракат тафаккурилигича қолади; улар ҳеч вақт мавхум, бавосита билиш даражасига етмайди. Уларнинг, яъни ҳайвонларнинг тафаккури айни чоқда гўё кўз ўнгиларида турган нарсаларни бевосита идрок қилиш билан иш кўради. Ана шундай *примитив* тафаккур аёний ҳаракат тарзидаги нарсалар билан муносабатда бўлади ва бундай аёний ҳаракат доирасидан четга чиқмайди.

Фақат нутқ пайдо бўлгач, билинаётган обьектдан маълум бир хусусиятни ажратиб олиб, уни маҳсус сўз ёрдамида тасаввурда ёки

тушунчада мустаҳкамлаш, қайд қилиш имконияти туғилди. Тафаккур сўзда ўзининг зарурий моддий қобиғига эга бўлади, тафаккур фақат сўз орқали бошқалар учун ва ўзимиз учун ҳам бевосита реалликка айланади. Инсон тафаккурини, у қандай шаклда амалга оширилмасин, тилсиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳар қандай фикр нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. У ёки бу фикр қанчалик чукур ва асосли суратда ўйланган бўлса, у сўзларда, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ҳамда яққол ифодалangan бўлади. Ва, аксинча, қандайдир фикрнинг сўз орқали ифодаланиши қанчалик кўп такомиллаштирилган, сайқалланган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик яққол ва тушунарли бўлади.

**Тафаккурнинг ижтимоий табиати.** Тафаккурнинг тил билан узвий, чамбарчас боғлиқлиги инсон тафаккурининг социал, ижтимоий-тариҳий моҳиятини очик-ойдин намоён қилиб беради. Билиш инсоният тарихи давомида эгалланган барча билимларнинг изчилигини зарурий тарзда тақозо қиласди. Билимларнинг бу тарихий ворислиги уларни қайд қилиш, мустаҳкамлаш ва эсда сақлашда бир кишидан бошқасига, авлоддан-авлодга ўтказиш йўли билангина содир бўлиши мумкин. Билишнинг бундай барча асосий натижаларининг ана шундай қайд қилиниши тил ёрдами билан китобларда, журналларда ва бошқа шу кабиларда амалга оширилади. Буларнинг ҳаммасида инсон тафаккурининг социал табиати жуда намунали суратда намоён бўлади. Кишининг ақлий тараққиёти инсониятнинг ижтимоий-тариҳий тараққиёти давомида ҳосил қилган билимларини ўзлаштириши жараёнида муқаррар равишида амалга оширилади. Индивиднинг оламни билиш жараёни илмий билимларнинг тарихий тараққиёти билан юзага келган, бевосита ифодалangan, бунинг натижаларини ҳар бир индивид таълим олиш давомида ўзлаштиради; бу эса кишининг инсоният билан муносабатининг айнан ўзидир.

### **22.3. Тафаккур шакллари**

Табиат ва жамиятни билиш ҳамда ўзгартиришнинг ижтимоий-тариҳий тараққиёти жараёнида илмий билимлар ҳосил қилинади, ривожлантирилади

ва тизимга солинади. Бошқача айтганда, билишнинг тил ёрдами билан қайд қилинган асосий ютуқ ва натижаларининг мажмуюи сифатида таркиб топган фан тизими – физика, кимё, биология, социология, психология ва бошқа шу кабилар ҳосил бўлади ҳамда тўхтовсиз кўпайиб боради. Билишнинг мазкур тарихий тараққиёти ва бунинг натижасида ҳосил бўладиган билимлар тизими билиш назарияси, яъни фалсафанинг бир қисми бўлган *гносеология* ва *логика* предметини ташкил қиласиди. Билиш назарияси фалсафий предмет бўлиб, бутун билиш фаолиятининг энг умумий қонуниятларини, ўрганади, масалан, билиш назарияси инсоният тарихи давомида юзага келган «борлик», «материя», «онг», «сифат», «микдор» каби категорияларнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини ўрганади. Билиш назариясининг фалсафий, ниҳоят даражада умумий принциплари асосида инсон тафаккури бир-бирини ўзаро тўлдирувчи иккита конкрет алоҳида фанлар томонидан, расман логика ва психология томонидан ўрганилади.

*Логика тафаккурнинг мантиқий шаклларини – тушунчаларни, ҳукмларни ва хуносаларни ўрганади.*

Тушунча шундай бир фикрки, унда воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим, фарқ қиласиган (специфик) белгилари акс эттирилади. Масалан, «одам» тушунчасининг таркибига меҳнат фаолияти, меҳнат куролларини ишлаб чиқариш, нутқ каби ниҳоятда муҳим белгилар киради. Ана шу барча зарурий муҳим хусусиятлар одамларни ҳайвонлардан фарқлайди.

Тушунчаларнинг мазмуни ҳукмларда очилади, ҳукмлар ҳамиша сўз шаклида, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, овоз чиқариб ёки ўз ичидаги ифодаланади. Ҳукм – воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ёки уларнинг хусусиятлари ва белгилари ўртасидаги боғланишларнинг акс эттирилиши демакдир. Масалан «Металл қизитилганда кенгаяди» деган ҳукм ҳарорат ўзгариши билан металлар ҳажми ўртасидаги боғланишни ифодалайди. Тушунчалар ўртасидаги ҳар турли боғланишларни ва муносабатларни мана шундай йўл билан аниқлар экан, ҳукмлар нималар

ҳақида нималарнидир баён қилувчи фикрлардир. Ҳукмлар воқеликдаги нарсалар, воқеалар ва ҳодисалар ўртасидаги қандайdir муносабатларни тасдиқлайди ёки инкор қиласи. Масалан, биз «Ер Қуёш атрофида айланади» дер эканмиз, бунинг билан коинотдаги иккита жисм ўртасидаги маълум бир объектив маконий алоқа борлигини тасдиқлаймиз.

*Ҳукмлар умумий, жузъий ва якка-ёлғиз бўлади.* Умумий ҳукмларда мазкур гурӯхдаги, мазкур синфдаги ҳамма нарсалар тўғрисида нимадир тасдиқланади (ёки инкор қилинади). Масалан, «Ҳамма балиқлар ойқулоқлари (жабраси) билан нафас олади». Жузъий ҳукмларда тасдиқлаш ёки инкор қилиш ҳамма нарсага тааллуқли бўлмайди, балки айрим нарсаларга тааллуқли бўлади. Масалан, «Баъзи талабалар – аълочилардир». Якка-ёлғиз ҳукмларда тасдиқлаш ёки инкор қилиш фақат битта нарсага тегишли бўлади. Масалан, «Бу ўқувчи дарсни ёмон тайёрлаган».

Ҳукмлар иккита асосий усул билан ҳосил қилинади: 1) бевосита усул билан, бунда идрок қилаётган нарсалар ифодаланади; 2) бавосита усул билан, яъни хulosса чиқариш ёки мулоҳаза юритиш йўли билан. Биринчи ҳолда кўз ўнгимизда жигарранг столни кўрадиган бўлсак, масалан, «Бу жигар-рангли стол» деб оддийгина ҳукм чиқарамиз. Иккинчи ҳолда мулоҳаза юритиш ёрдами билан бир хил ҳукмдан бошқа ҳукм келтириб чиқарилади, ҳосил қилинади. Масалан, Д.И.Менделеев ўзи кашф қилган элементларнинг даврий қонунига асосланиб, соғ назарий равишда, фақат хulosса чиқариш ёрдами билан, унинг даврида хали маълум бўлмаган химиявий элементларнинг айрим хусусиятларини келтириб чиқарган ҳамда олдиндан айтиб берган.

Тафаккурнинг ана шундай хulosса чиқарувчилик, муҳокама юритувчилик (жумладан, олдиндан айтиб берувчилик) ишида унинг бавоситалик характеристи нихоятда аниқ намоён бўлади. Хulosса чиқариш, мулоҳаза юритиш – буларнинг ҳаммаси воқеликни бавосита билишининг асосий шаклидир.

Шундай қилиб, фикрлаш фаолиятининг нормал давом этиши учун силлогизм ва барча мантиқий формалар нихоятда зарурдир. Улар туфайли ҳар қандай тафаккур исботли, ишончли қарама-қаршиликсиз бўлади ва

демак, объектив воқеликни тўғри акс эттиради. Унинг учун тафаккурнинг тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш каби формаларини маҳсус равишда ўрганувчи формал мантиқ, унинг билан бирга, фикрлаш фаолиятининг ғоят муҳим қонуниятларини ҳам ўрганади.

Формал логика предмети – тафаккурнинг ҳамма томонларини ўз ичига олмайди, балки унинг фақат бир томонини ўз ичига олади, у биз юқорида кўриб ўтганимиздек, тафаккурнинг нихоятда муҳим томонидир (тафаккурнинг мантиқий формалари). Формал логика фикрнинг аллақачон юзага келган, гўё тайёр томонларини – тушунчаларни, ҳукмларни ва бошқа шу кабиларни текширади ҳамда улар ўртасидаги маълум муносабатларни (формулаларни) ўрнатади. Силлогизм ана шундай муносабатлар ёки ана шундай формулалар мисолларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга формал логика бу фикрларнинг – тушунчалар, ҳукмлар, хулосаларнинг бевосита пайдо бўлиш ва ривожланиш шароитларидан четлашади, абстрактлашади.

Силлогизм шакли, формал логиканинг бошқа ҳар қандай шакли каби, тафаккур жараёнининг қандай боришини ифодалаб бермайди, мазкур фикрнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнининг конкрет суратда қандай содир бўлиши кўрсатиб бермайди. Масалан, силлогизмда одат бўйича, олдин катта, яъни умумий асос, ундан сўнг кичик, яъни жузъий асос туради, фақат ана шундан кейингина ҳар икки асосдан хулоса чиқарилади. Аммо бундан ҳаётий, ҳақиқий, реал тафаккур жараёнида олдин фақат умумий қоида (умумий ҳукм) кейинчалик қандайдир жузъий ҳукм келиб чиқади, деган маъно англашилмайди, албатта. Умумий ва жузъий ҳукмлар ҳам ажралмас ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Бундан ташқари, реал тафаккурда силлогизм асослари ёки истаган бошқа хулоса чиқариш асослари ҳеч қачон бирданига тайёр ҳолда берилган бўлмайди. Бу асосларни тафаккур ёрдами билан намоён қилиш, қандайдир йўл билан унга эга бўлиш, қисмларга ажратиш керак бўлади.

Формал логика у ёки бу фикрлар пайдо бўлиши ва тараққиётининг бевосита шароитларидан четлашади ва абстрактлашади. У, чунончи, тафаккурнинг ҳиссий билиш билан ўзаро боғланишидан тўла суратда четлашади. Бошқача қилиб айтганда, у психологиядан фарқли ўлароқ, бизнинг тафаккуримиз сезгилар, идрок ва тасаввурлар асосида конкрет қандай пайдо бўлишини ҳамда мазмунан бойишини асло тадқиқ қилмайди. Мантикий формулаларда, масалан, силлогизмда гўё аллақачонлар қотиб қолган, бутунлай тугалланган, тўла, аниқ ва охиригача ифодаланган фикрлар, яъни тафаккурнинг тайёр маҳсулотлари, натижалари бир-бири билан солиштириб қўрилади.

#### **22.4. Тафаккур жараён сифатида**

Тафаккурни психологик жиҳатидан тадқиқ қилиш ундай ё бундай билиш жараён сифатида натижаларининг ҳосил бўлишига олиб келадиган ички, яширин сабабларини ўрганиш демакдир. Тафаккурнинг бундай натижалари, маҳсулотлари, масалан, қуйидаги омиллардир: мазкур ўқувчи масалани ечдими ёки ечмадими; ўқувчида масалани ечиш ғояси, режаси, тахмини юзага келдими ёки келмадими; ўқувчи маълум билимларни, амал усулларини ўзлаштиридими ёки ўзлаштиrmадими; ўқувчида янги тушунчалар ва бошқа шу кабилар таркиб топдими ёки таркиб топмадими. Психология ташқи жиҳатдан майдонга чиқадиган ана шу фактларнинг ҳаммасини ички, яъни фикрлаш жараёни жиҳатидан очишга ҳаракат қиласи. Бунинг билан психология психик ҳодиса ва воқеаларнинг ички, спицифик сабабларини ўрганади, бу ички, специфик сабаблар психик ҳодиса ва воқеаларни фақат тасвирлаб ва ифодалаб бериш билан чекланмай, балки уларнинг қонуниятларини уқтириб беради. Бунда психология фани диалектик материализмнинг детерминизм принципига (яъни сабабий боғланиш принципига) асосланади: ташқи сабаблар ички шароитлар орқали амал қиласи. Бошқача қилиб айтганда, масалан, истаган педагогик таъсир одамга тўғридан-тўғри ва бевосита эмас, балки бавосита равишда, гўё ўзича мазкур одамнинг психик ҳолати орқали,

яъни одамнинг ҳиссиётлари, фикрлари ва бошқа шу каби ҳолатлари билан боғлиқ равишда таъсир қиласи.

## 22.5. Ақлий операцияларнинг асосий турлари

**Анализ ва синтез.** Тафаккур жараёни аввало анализ, синтез ва умумлаштиришдир. Анализ – объектнинг у ёки бу томонларини, элементларини, хоссаларини, боғланишларини, муносабатларини ва бошқа шу кабиларни ажратиб олиб, ўрганилаётган объектни ҳар хил компонентларга (тарбиявий қисмларга) бўлиш демакдир. Масалан, ўқувчи ёш техниклар тўгараги машғулотларида қандайдир механизм ёки машинанинг ҳаракат қилиш услубини тушунишга уриниб, даставвал бу механизмнинг ҳар хил элементларини, бўлакларини ажратади ва уни алоҳида қисмларга бўлиб ташлайди. Бошқача қилиб айтганда, мана шу оддий ҳодисалар ўқувчи ўрганаётган объектни бўлакларга ажратиб, таҳлил қиласи.

Бирон-бир нарсани анализ қилиш давомида бу нарсанинг ғоят муҳим, аҳамиятли, қизиқарли ва бошқа шу каби муайян бир хусусиятлари жуда кучли қўзғатувчи бўлади ва унинг учун бундай хусусиятлар олдинги қаторга чиқиб оладилар. Бундай қўзғатувчилар кучли қўзғалиш жараёнини (даставвал бош миянинг пўстлоқ қисмида) юзага келтиради ва индукциянинг физиологик қонунига кўра шу нарсанинг кучсиз қўзғатувчи ҳисобланган бошқа хусусиятлари табақалаштирилувини тормозлаштиради. Шундай қилиб, анализ психик жараённинг физиологик асосини бош миянинг юқори қаватларидаги қўзғалиш билан тормозланиш ҳодисалари ўртасида маълум муносабат ўрнатиш ташкил этади.

Бир бутун нарсани анализ қилиш натижасида ажратилган компонентларни бирлаштириш *синтездир*. Синтез жараёнида бўлинаётган объектнинг ажратиб олинган элементларини бирлаштириш, жой-жойига қўйиш юзага келади. Масалан, ўқувчи механизмнинг ажратиб олинган қисмларини бир-бири билан таққослайди, улар ўртасида алоқа ўрнатади ва бир қисмнинг бошқа қисмларга қандай таъсир қилишини тушуна бошлайди. Натижада синтез амалга оширилади, яъни ҳар турли элементлар ўртасида

алоқа ва ўзаро муносабат ўрнатилади. Бош миянинг пўстлоқ қисмида муваққат нерв боғланишларининг ҳосил қилиниши синтезнинг физиологик асосини ташкил этади.

*Анализ билан синтез ҳамма вақт ўзаро боғлиқдир.* Улар ўртасидаги ажралмас бирлик таққослаш билан боғлиқ бўлган билиш жараёнининг ўзидаёқ яққол намоён бўлади. Теварак-атрофдаги олам билан танишишнинг дастлабки босқичларида турли обьектлар аввало таққослаш йўли билан билиб олинади. Иккита ёки бир неча нарсаларни ҳар қандай таққослаш уларни бир-бири билан солишириб кўришдан ёки муносибини топишдан, яъни синтездан бошланади. Ана шундай синтез қилиш акти давомида таққосланаётган ходисалар, нарсалар воқеалар ва бошқа шу кабилар анализ қилинади, уларнинг умумий ва фарқланувчи томонлари ажратилади. Масалан, бола сут эмизувчилар синфининг турли намоёндаларини ўзаро таққослайди ва ўқитувчининг ёрдами билан секин-аста бу ҳайвонларнинг энг умумий белгиларини ажратади. Мана шундай қилиб, таққослаш умумлаштиришга олиб келади.

Таққосланаётган нарсаларни умумлаштиришда – уларни анализ қилиш натижасида – қандайдир умумийлик бўлади. Турли обьектлар учун умумий бўлган бу хусусиятлар икки хил бўлади: 1) ўхшаш тарздаги умумийлик ва 2) муҳим белги тарзидаги умумийлик. Масалан, ниҳоят даражада ҳар хил нарсалар ўртасида ҳам қандайдир ўхшашликни топиш мумкин; чунончи, рангининг умумийлигига қараб олчани, гулни, қонни, хом гўштни, пиширилган қисқичбақани ва бошқа шу кабиларни бир группага, бир синфга бирлаштириш мумкин. Бироқ улар ўртасидаги бу ўхшашлик (умумийлик) юкорида қўрсатилган нарсаларнинг ҳақиқий муҳим хусусиятларини мутлақо ифодаламайди. Бу хилда ўхшашлик нарсаларнинг фақат ташқи, жуда юзаки, муҳим бўлмаган белгиларига асослангандир. Объектларнинг ана шундай юзаки, чукур бўлмаган таҳлили натижасида қилинадиган умумлаштириш катта қимматга эга бўлмайди ва унинг билан бирга, ҳамиша янглишмовчиликларга олиб келади. Юзаки, фақат ташқи хусусиятлар

анализига асосланган умумлаштириш кит ҳақида, масалан чуқур хато хулоса чиқаришга, яъни кит сут эмизувчи ҳайвон эмас, балки балиқдир деб хулоса чиқаришга олиб келади. Мазкур ҳолда бу объектларни таққослаш уларнинг умумий белгилари орасидан фақат ўхшаш томонларини ажратади, аммо муҳим томонларини ажратмайди (*ташқи қўриниши, танасининг балиққа ўхшиаш шакли ва шу кабилар*). Аксинча, таҳлил натижасида муҳим томонлари сифатида умумий хусусиятлари ажратилса, ундай пайтда китнинг балиқларга эмас, балки сут эмизувчи ҳайвонларга мансублиги ўз-ўзидан равшан бўлади.

## **22.6. Тафаккур мотивацияси**

Анализ ва синтез, умуман тафаккур фаолияти бошқа ҳар қандай фаолият каби ҳамма вақт шахснинг қандайдир эҳтиёжларига асосланади. Агар эҳтиёжлар бўлмаса, ҳеч қандай фаолият ҳам бўлмайди.

Бошқа ҳамма психик жараёнлардаги каби, тафаккурни тадқиқот қилишда психология фани мазкур кишини билиш фаолиятига киришишга қандай эҳтиёжлар ва мотивлар мажбур қилганлигини ҳамда қандай конкрет шароитларда анализ, синтез ва шу кабиларга эҳтиёж туғилганлигини ҳисобга олади ва маълум даражада махсус текшириб кўради. (Психологияга қарама-қарши формал логика тафаккур билан ҳиссий билиш ўртасидаги ўзаро муносабатдан эмас, балки фикр юритиш фаолиятининг эҳтиёжлар, мотивлар, ҳиссиётлар ва шу кабилар билан бўлган ўзаро алоқаларидан ҳам мавҳумлашади.) «Соф» тафаккурнинг ўзи, фикр юритиш жараёни ўз-ўзича фикр юритмайди, ўйламайди, балки маълум қобилият, ҳис-туйғу ва эҳтиёжларга эга бўлган киши, индивид, шахс фикр юритади. Фикр юритиш фаолиятининг эҳтиёжлар билан чамбарчас боғлиқлигига шундай муҳим бир факт намоён бўладики, ҳар қандай тафаккур ҳар доим шахснинг табиат, жамият ва бошқа одамлар билан бўлган ўзаро муносабатларини ҳар томонлама тўла акс эттирувчи тафаккуридир.

Психологияда тадқиқ қилинаётган тафаккур мотивлари икки турли бўлади. 1) ўзига хос билиш мотивлари ва 2) ўзига хос бўлмаган мотивлар. Биринчи ҳолда тафаккур фаолиятига ундовчи ва уни ҳаракатга келтирувчи

кучлар билиш эҳтиёжларини намоён бўладиган қизиқиш ва мотивлар (қизиқувчанлик ва шу кабилар). Иккинчи ҳолда тафаккур соф билиш билан боғлиқ бўлган қизиқишилар таъсирида эмас, балки озми кўпми ташқи сабаблар таъсирида бошланади. Масалан, мактаб ўқувчиси ўзи учун бирон янгилик очиш ёки бирор нарсани билиб олиш иштиёқида эмас, балки катталарнинг талабларни бажариш мажбурияти орқасида ёки ўртоқларидан орқада қолиб кетишдан қўркқани учун дарс тайёрлай бошлайди ва ҳоказо. Бироқ даставвал қандай мотивда бўлмасин, тафаккур жараёни давомида хусусий билиш мотивлари таъсир қила бошлайди. Кўпинча шундай бўлади: ўқувчи катталарнинг мажбур қилиш натижасида дарс тайёрлашга ўтиради, лекин ўқув ишлари жараёнида бажараётган, ўқиётган, ҳал қилаётган нарсаларини яхши билиш билан боғлиқ бўлган қизиқишилар юзага келади.

Шундай қилиб, киши у ёки бу эҳтиёжлар таъсири билан фикр юрита бошлайди ва унинг фикр юритиш фаолияти давомида тобора чукур ҳақида кучли билиш эҳтиёжлари пайдо бўлади ва тараққий этади.

## **22.7. Мураккаб мантиқий масалаларни ечиш ва ижодий тафаккур**

Тафаккур мақсадга йўналтирилганлик характеристига эгадир. Қачонки хаёт ва амалиёт жараёнида киши олдида янги мақсад, янги муаммо, янгича вазият ва янги фаолият шароитлари пайдо бўлса, унда даставвал тафаккур қилишга зарурат туғилади. Масалан, врач қандайдир янги, шу пайтгача маълум бўлмаган касалликка дуч келиб, даволашнинг янги методларини топиб, ундан фойдаланишга интилганда ана шундай бўлади. Ўз моҳияти жиҳатидан олганда, тафаккур фақат шундай шароитларда зарур бўладики, янги мақсадлар туғилиб, бу мақсадларга эришиш учун фаолиятнинг эски, аввалги восита ва усуллари (гарчи улар зарур бўлса ҳам) етишмай қолади. Бундай вазиятлар муаммоли вазият деб юритилади. Муаммоли вазиятлардан бошланадиган ақлий фаолият ёрдами билан мақсадга эришиш ва эҳтиёжларни қондиришнинг янги усуллари ҳамда воситаларини яратиш, очиш, топиш, кашф этиш мумкин бўлади.

*Тафаккур янгиликни излаш ва очиши демакдир.* Ҳаракатнинг илгаридан маълум бўлган эски усуллари, эски билимлар ва малакалар билан чекланиш мумкин бўлган ҳолларда муаммоли вазият юзага келмайди ва унинг учун тафаккур ҳам мутлақо талаб қилинмайди. Масалан, II синф ўқувчисини «2x2 қанча бўлади?» типидаги савол фикр юритишга мажбур қилмайди. Бундай саволларга жавоб қайтариш учун бу ўқувчиларда бор бўлган эски билимларнинг ўзиёқ кифоя қиласи. Бу ерда тафаккур ортиқчадир. Агар ўқувчи маълум масала ёки мисолларнинг янгича ечиш усулини яхши ўзлаштирган бўлса, лекин ўзига маълум бўлиб қолган бу бир хил типдаги масала ва мисолларни қайта ва қайта ечишга мажбур бўлган ҳолларда тафаккур фаолиятига эҳтиёж бўлмайди. Бинобарин, ҳаётдаги ҳар қандай вазият ҳам муаммоли вазият, яъни тафаккурни уйғотувчи вазият бўла бермайди.

Муаммоли вазият билан масалани фарқ қилиш зарурдир. Муаммоли вазиятда киши фаолият давомида кўпинча кутилмаганда, қандайдир, тушуниб бўлмайдиган нарсага, номаълум, ташвишли нарсаларга дуч келиб қолади. Масалан, учувчи самолётни бошқариб кетаётганда тўсатдан моторда қандайдир ўзгача, ноаниқ шовқинни пайқай бошлайди. Дарҳол учувчи фаолиятига содир бўлган ҳодиса маъносини очиш учун зарур бўлган тафаккур қўшилади. Шу тариқа юзага келган муаммоли вазият киши англаши мумкин бўлган, масалага айланади. Масала муаммоли вазиятдан келиб чиқади, вазият билан маҳкам боғлиқ бўлади, лекин вазиятдан фарқ қиласи. *Муаммоли вазият – анча хира, ҳали кўп жиҳатдан аниқ бўлмаган ва кам англанилган таассуротлардир.* Муаммоли вазият бамисоли «нималардир кўнгилдагидек эмаслиги»дан, «нималардир кўнгилни хира қилиб турганлиги»дан гўё сигнал беради. Масалан, учувчи моторда қандайдир тушуниб бўлмайдиган ҳодиса рўй бераётганлигини пайқай бошлайди, лекин у моторнинг қайси қисмида, нима сабабдан, қандай ҳодиса рўй бераётганини ҳали аниқлай олмаган, бундан ташқари, у юз бериши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини ҳали

бilmайди. Мана шундай тарздаги муаммоли вазиятдан тафаккур жараёни бошланиб кетади. Тафаккур ана шу муаммоли вазиятнинг ўзини таҳлил қилишдан бошланади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш натижасида соф маънодаги масала, соф маънодаги муаммо пайдо бўлади.

Масаланинг юзага келиши, муаммоли вазиятдан фарқ қилиб, гарчи олдиндан бўлса ҳам берилган (маълум) ва номаълум (қидирилаётган) нарсани тахминан бўлакларга бўлишга улгурилди деган маънони англатади. Бу бўлакларга бўлиш масаланинг сўз билан ифодаланган қисмида намоён бўлади. Масалан, ўқув масаласида унинг асосий шартлари озми-кўпми яққол қайд қилинган (нима берилган, нима маълум) ҳамда талаблар, саволлар берилган (нимани исботлаш, топиш, аниқлаш, ҳисоблаш талаб қилинади). Бу билан дастлабки яқинлашиш тарзида ва мутлақо тахминий равища қидирилаётган нарса (номаълум нарса) белгиланади. Ана шу номаълумни қидириш ва топиш масалани ечиш натижасида қўлга киритилади. Бинобарин, масаланинг асосий, даставвалги ифодаланиши фақат минимал даражада ва жуда тахминий равища қидирилаётган нарсани аниқлайди, Масалани ечиш давомида унинг тобора янги ва тобора муҳим шартлари ҳамда талабларини намоён қилиш жараёнида қидирилаётган (номаълум) томонлари ортиқроқ даражада аниқланади. Масаланинг характеристикаси борган сари мазмунли ва аниқ бўла боради. Масаланинг батамом ечилиши қидирилаётган нарсанинг топилганлигини, тўла равища аниқланганини билдиради. Агар қидирилаётган нарса (номаълум нарса) масаланинг бошланғич ифодасидаёқ бутунлай ва тўла равища аниқланган бўлса, яъни унинг асосий шартлари ва талабларининг ифодаланишида аниқланган бўлса, унда бу номаълумни қидиришга ҳеч қандай зарурат бўлмас эди. Номаълум нарса дарҳол маълум бўлиб қолар, яъни ечилиши учун тафаккур қилишни талаб этадиган ҳеч қандай масала юзага келмас эди. Аксинча, агар номаълумни қайси бир соҳада излаш кераклигини тахминан белгиловчи масаланинг дастлабки ифодаси бўлмаганида, яъни қидирилаётган нарсани минимал даражада олдиндан кўра билиш бўлмаганда, номаълумни топиш мумкин бўлмас эди. Номаълумни

қидириш учун ҳеч қандай тахминий маълумот, бирор таянч, бирор мўлжал қолмаган бўлар эди, муаммоли вазият (худди халқ эртакларида айтилганидек: «У ёққа борай десам, қаёққа боришимни билмайман, бирор нарсани топай десам, нимани топишимни билмайман») каби азобли эсанкираш ва саросималик ҳиссидан ташқари ҳеч нарсани юзага келтирмас эди.

Масалани ечиш давомида тафаккур жараён сифатида айниқса яққол намоён бўлади. Тафаккурни жараён сифатида талқин қилиш, энг аввало фикр юритиш фаолияти детерминацияси (сабабий боғланиш)нинг ўзи жараён сифатида амалга оширилишини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, киши масалани ечиш давомида ўзига шу чоққача номаълум бўлган янги-янги шартларни ва талабларни намоён қиласди. Булар тафаккур бундан кейин давом этишини сабабий жиҳатдан боғлаб тушунтириб беради. Бинобарин, тафаккур детерминацияси қандайдир абсолют тайёр ва аввалданоқ тугал бир нарса сифатида азалдан берилган бўлмайди. Тафаккур детерминацияси масала ечиш давомида ҳосил қилинади, аста-секин таркиб топтирилади ва ривожлантирилади, яъни жараён тарзида намоён бўлади. Жараённинг дастлабки пайтларида унинг бундан кейин содир бўлиш йўли илгаридан бутунлай ва тўла равишда дастурлаштирилмаган бўлади; масалани ечиш давомида уни амалга оширишнинг янги шартлари узлуксиз пайдо бўлиб ва тарақкий этиб туради. Ваҳоланки, олдиндан ҳамма нарсани тўла программалаштириб бўлмас экан, фикр юритиш жараёни давомида (илгаридан тўла ҳисобга олиб бўлмайдиган янги шартларга жавоб тариқасида) доим тўғрилаб бориш, аниқлаб туриш лозим бўлади.

Фикр юритишнинг асосий механизмларини яхши аниқлаш учун, номаълумни фикран олдиндан кўра билишга қаратилган ва психологияда айтилган қўйидаги учта ўзаро қарама-қарши фикрни кўра билишига қаратилганини кўриб чиқамиз. Психологияда тафаккур жараёнига ҳар хил қарашларга боғлик ҳолда масалани ечиш давомида ўқувчиларда тафаккурни шакллантиришнинг турли йўлларини белгилаб беради.

Биринчи нуқтаи назар билиш жараёнининг ҳар бир олдинги босқичи («қадами») ўзидан бевосита кейин келаётган босқични бошлаб беришига асослангандир. Бундай тезис тўғри, лекин етарли эмасдир. Ҳақиқатда тафаккур давомида номаълумни минимал даражада олдиндан кўриш «бир қадамдан» кўра кўпроқ бўлади. Унинг учун ҳамма нарсани олдинги босқич билан бевосита ундан кейинги босқич ўртасидаги ўзаро алоқа билан тушунтириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, масала ечиш давомида фикран олдиндан кўра билиш ҳажмини ва даражасини камайтиришни баҳоламаслик мумкин эмас.

Иккинчи қарама-қарши фикр, аксинча, тафаккур жараёнида ҳали қўлга киритилмаган, намоён қилинмаган натижани (маҳсулотни), яъни ҳали номаълум қарорни олдиндан кўра билиш моментини орттириб, абсолютлаштириб ва ортиқ баҳолаб юборади. Олдиндан кўриш ҳамиша фақат қисман ва тахминан бўлади. Ундан сўнг дарҳол натижанинг (ечимнинг) тайёр ва тўла таърифига айланади. Бу фикрнинг хато эканлигини куйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Ўқувчи қийин масалани зўр бериб ечишга уринади, лекин, табиийки, қандай қилиб ечишни у ҳали билмайди; ўқувчи масаланинг ечимини ўзининг тафаккур қилиш жараёни охирида, натижасида ёки хулосасида топа олади. Масаланинг ечимини аллақачон билган ўқитувчи ўқувчига ёрдам бера бошлайди. Тажрибали педагог ҳеч қачон масаланинг бутун ечилиш йўлини бирданига айтиб бермайди, ўқувчисига аста-секинлик билан ва керак бўлган пайтда озгина маслаҳат бериб, ишнинг асосий қисмини ўқувчининг ўзи бажариши учун имконият яратади. Фақат мана шундай йўл билан ўқувчининг мустақил тафаккурини таркиб топтириш ва ривожлантириш мумкин. Агар масала ечишнинг асосий йўлини ўқувчига дарҳол айтиб берсақ, тафаккурнинг бўлажак натижасини маълум қилсак, ва шу тарзда ўқувчига «ёрдам» берадиган бўлсак, бу фақат фикр юритиш фаолияти тараққиётини тормозлаштириши мумкин. Агар ўқувчи масалани ечишнинг ҳамма йўлини бошидан охирги босқичигача билса, унинг тафаккури умуман ишламайди ёки жуда пассив, минимал

даражада ишлайди. Ўқувчилар ҳамма вақт ўқитувчининг малакали ёрдамига муҳтоҷ бўлади, лекин бундай фикр юритиш жараёнларини маълумотлар, олдиндан тайёр бўлган натижалар билан алмаштириб, уларнинг тафаккурини мутлақо четга сурib қўймаслиги керак.

Шундай қилиб, биз кўриб чиқсан ана ўша нуқтаи назарлар гарчи улардан биринчиси фикран олдиндан кўришга етарли баҳо бермаса ҳам, иккинчисининг эса унинг ролини ошириб юборишига қарамай, номаълумни қидириш жараёнида фикран олдиндан кўришнинг борлигини тан олади. Учинчи нуқтаи назар бўлса, аксинча, масалани ечиш давомида олдиндан кўришни умуман инкор қиласди.

Учинчи нуқтаи назар тафаккурга кибернетик муносабатнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда жуда кенг тарқалгандир. Унинг маъноси қуйидагидан иборат: тафаккур жараёнида тегишли объектнинг унинг билан боғлиқ бўлган умумий қоидалари, теоремалари, ечиш вариантлари ва шу каби белгиларнинг ҳаммасини, жуда кўпини ёки айримларини бирин-кетин қаторасига саралаб қараб чиқиш (эслаб кўриш, ҳисобга олиш, фойдаланишига уриниб кўриш) лозим. Бунинг натижасида улардан факат масалани ечиш учун заруринигина танлаб олиш лозим бўлади. Масалан, агар масаланинг асосий шартларида параллелограмм кўрсатилган бўлса, ундай пайтда масалани ўйлаш жараёнида мазкур объектнинг ҳамма хусусиятларини қаторасига эсга тушириб қараб чиқиш ва масалани ечиш унинг ҳар бир хусусиятидан навбатма-навбат фойдаланишига уриниб кўриш керак. Оқибат натижада бу хусусиятлардан қандайдир бирортаси, эҳтимол, мазкур ҳолат учун муносиб келиб қолар.

Таҳлил қилинаётган обьект киришган алоқа ва муносабатлар тизимини очиш давомидагина одам бу обьектнинг ҳали маълум бўлмаган янги белгиларини қашф қила бошлайди, таҳлил қилиб, уларни пайқай бошлайди. Аксинча, бундай алоқалар тизимини кишининг ўзи оча бошламагунча, у масалани ечиш учун янги ва керакли хусусиятга, ҳатто унга тўғридан-тўғри айтиб берилса ҳам ҳеч қандай эътибор бермайди.

Тасодифий айтиб бериш кўпинча бирор янгиликни кашф ва ихтиро қилишга ёрдам беради. Бироқ ана шундай айтиб беришдан фойдаланишда, тафаккур жараёнининг юқорида кўрсатиб ўтилган қонунияти намоён бўлади. Масалани ечиш устида зўр бериб ўйлайдиган кишигина «баҳтли» фурсатни пайқаши ва ундан фойдаланиши мумкин. Ҳамма гап у ёки бу ташқаридан айтиб бериш бориб тушадиган замин, умуман ички шароит тизими қанчалик тайёрланганлигидадир. Бу ерда ҳам бошқа ҳамма ердаги каби, ташқи сабаблар фақат ички шароит орқали таъсир қиласи.

**Масала ечишда тафаккур жараёни.** Тафаккур ва масала ечиш ўзаро бир-бири билан маҳкам боғлангандир. Лекин тафаккурни масала ечиш воситасига айлантириб, уларни бир-бирига tengлаштириш мумкин эмас. Масалани ечиш фақат тафаккур ёрдами билан амалга оширилади, бошқача йўли йўқ. Лекин тафаккур фақат масала ечишдагина намоён бўлмайди. Юқорида қайд этилганидек, фикрлаш фаолияти ҳозирдаёқ илгари сурилган, таркиб топган, (масалан, мактаб масаласи типидаги) вазифаларни ҳал қилиш учунгина зарур эмас. У вазифанинг йўйилиши учун ҳам, янги муаммоларни намоён қилиш ва англаш учун ҳам зарурдир. Муаммони топиш ва қўя билиш кўпинча унинг бундан кейинги ҳал қилинишига қараганда катта ақлий зўр беришни талаб қиласи. Тафаккур масала ечиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда эмас, балки унинг билан бирга билимларни ўзлаштириш, ўқиш жараёнида текстни тушуниш ва бошқа кўп ҳолларда ҳам керакдир.

Гарчи тафаккур масала (муаммо) ечиш воситасига айлантирилмаса ҳам, лекин уни айнан масала ечиш давомида, яъни ўқувчининг ўзи ўз кучига яраша муаммо ва саволларга ёндашиб, уларни ифодалаб ечиш давомида таркиб топтириш ҳаммадан кўра яхшироқдир. Сўнгги йилларда муаммоли вазиятни ва масала ечишни психологик тадқиқот қилиш асосида ўқувчиларга бериладиган муаммоли таълимнинг методлари ишланмоқда. Бундай таълим методлари ўқувчиларни ўзлари ҳал қила оладиган айрим муаммоларни биринчи очувчилар, тадқиқотчилар қилиб қўйишга қаратилгандир. Масалан, ўқувчи бир қатор масалаларни ечади ва бунинг натижасида мана шу барча

масалалар ечимининг асосида ётган ўзи учун янги теоремани (албатта, инсоният учун эмас) очади. Мана шундай шароитларда боланинг тафаккурини, ҳар доим қандайдир янгилик очувчи, қийинчиликларни енгишга қобил ҳақиқий, мустақил тафаккурни тарбиялаш жуда яхшидир. Психология фани ўкувчининг йўлидаги ҳамма қийинчиликларни бартараф этиш керак эмас, деган холосага келмоқда. Ўқувчи ана шу қийинчиликларни бартараф қилиш жараёнидагина ўзининг ақлий қобилиятини ривожлантира олади.

## 22.8. Тафаккур турлари

Психологияда тафаккур турларининг қуйидаги бирмунча шартли классификацияси тарқалгандир: 1) *кўргазмали ҳаракат*; 2) *кўргазмали образли ва 3) мавҳум (назарий) тафаккур*.

**Кўргазмали ҳаракат тафаккури.** Тарихий таракқиёт давомида одамлар ўз олдиларида турган масалаларни дастлаб амалий фаолият нуқтаи назаридан ечганлар; кейинчалик ундан назарий фаолият ажралиб чиқсан. Масалан: бизнинг узоқ авлодимиз ерни даставвал амалий (қадамлаб ва ҳоказо) равишда ўлчашга ўрганган ва шундан кейингина мана шундай амалий фаолият давомида кўринган билимлар асосида, аста-секин маҳсус назарий фан сифатида геометрия фани юзага келган ва ривожланган. Амалий ва назарий фаолият ўзаро чамбарчас боғлангандир. «Ғоялар, тасаввурлар ва онг ишлаб чиқариши даставвал бевосита моддий фаолиятга қўшилиб кетган бўлади». Бу шуни англатадики, соф назарий фаолият бирламчи эмас, балки амалий фаолиятнинг ўзи бирламчидир. Амалий фаолиятнинг тараққиёти давомида ундан нисбатан мустақил назарий фикр юритиш фаолияти ажралиб чиқади.

**Кўргазмали-образли тафаккур.** *Кўргазмали-образли тафаккур содда формада кўпинча боғча ёшидаги болаларда, яъни тўрт-етти ёшигача бўлган болаларда пайдо бўлади.*

Бу ёшдаги болаларда тафаккурнинг амалий ҳаракатлар билан алоқаси гарчи сақланиб қолса ҳам, лекин бу алоқа аввалгидек мустаҳкам, тўғри ва

бевосита бўлмайди. Бола билаётган объектини анализ ва синтез қилиши давомида қизиқтираётган нарсасини қўллари билан албатта ва ҳамма вақт ҳам ушлаб кўриши шарт эмас. Жуда кўп ҳолларда тизимли равища объектни амалий таҳлил қилиб кўриш талаб қилинмайди. Лекин барча ҳолларда мазкур объектни аниқ идрок қилиш ва яққол тасаввур этиш шартдир. Бошқача қилиб айтганда, боғча ёшидаги болалар фақат кўргазмали образлар билан фикр юритадилар ва ҳали тушунчаларга эга бўлмайдилар.

**Мавхум тафаккур.** Болалар амалий ва кўргазмали-ҳиссий тажрибалари асосида уларнинг мактаб ёшидаги даврларида аввал содда шаклдаги мавхум тафаккур, яъни мавхум тушунчалар шаклидаги тафаккур ривожланади. Тафаккур бу ерда фақат амалий харакатлар тарзида ва кўргазмали образ шаклида эмас (идрок ва тасаввурлар каби), балки аввал мавхум тушунчалар ва муҳокамалар шаклида намоён бўлади.

Мактаб ўқувчиларининг турли фанлар – математика, физика, тарих асосларини ўзлаштиришлари давомида тушунчаларни эгаллашлари уларнинг ақлий тараққиётлари учун катта аҳамиятга эгадир. Математика, география, физика, биология ва бошқа кўплаб тушунчаларни мактаб таълими давомида таркиб топтириш ва ўзлаштириш жуда кўп тадқиқотларнинг предметини ташкил этади (П.Я.Гальперин, В.В.Давидов, Г.С.Костюк, Н.А.Менчинская, Р.Г.Катадзе, Д.Б.Эльконин ва бошқалар). Бу ишларда тушунчаларнинг хусусан қайси белгилари, қандай изчиликда, қандай шароитларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши батафсил қараб чиқилган. Мактаб таълим мининг охирига келиб, болаларда маълум даражада тушунчалар тизими таркиб топади. Ўқувчилар фақат айрим (масалан, «солиширма оғирлик», «сут эмизувчи», «танқидий реализм») тушунчаларни эмас, балки тушунчаларнинг бутун бир синфлари ёки тизимларини ҳам (масалан, геометрик тушунчалар тизими) муваффақиятли равища бошлайдилар.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳатто энг мавхум тафаккурнинг ҳам ҳиссий билиш чегарасидан анча чиқиб кетишига қарамай, ҳеч қачон сезги, идрок ва тасаввурлардан тўла-тўкис ажralиб кетмайди. Фикр юритиш

фаолиятининг кўргазмали-ҳиссий тажриба билан бундай чамбарчас боғлиқ бўлиши ўқувчиларда тушунчаларни таркиб топтириш давомида яна ҳам катта аҳамиятга эгадир.

## **22.9. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари**

Хар хил одамларда тафаккурнинг индивидуал энг аввало уларда фикрлаш фаол хусусият фаолиятининг ҳар хил ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турлари ҳамда шакллари турлича (кўргазмали-қиёфали, кўргазмали-таъсирчан ва мавхум тафаккур) нисбатда таркиб топгани учун юзага келади. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига билиш фаолиятининг мустақиллик, эпчиллик, фикрнинг тезлиги каби бошқа сифатлари ҳам киради.

*Тафаккурнинг мустақиллиги даставвал янги масала, янги муаммони кўра билиши ва қўя билишида, ундан сўнг эса уларни ўз кучи билан еча билишида намоён бўлади. Тафаккурнинг ижодий характеристи худди мана шундай мустақилликда ёрқин ифодаланади.*

Тафаккурнинг ўзгарувчанлиги шундан иборатки, масалани ечишнинг бошда белгиланган йўли (ўрини) аста-секин юзага чиқадиган ва аввалдан ҳисобга олиб бўлмаган муаммо шартларини қаноатлантирумаса, ана шу йўлни ўзгартира олишдан иборатдир.

Фикрнинг тезлиги хусусан шундай ҳолларда керак бўладики, баъзан (масалан, жанг пайтида, авария пайтида) кишидан бирор қарорни жуда қисқа муддат ичидаги қабул қилиш талаб қилинади. Фикрнинг тезлиги мактаб ўқувчиларига ҳам керакдир. Масалан, айрим яхши ўқувчиларни, ҳатто юқори синф ўқувчиларини доскага чақириб, улардан янги масалани ечиш талаб қилинганда, ҳаяжонланиб, бутун синф олдида ўзларини йўқотиб қўядилар. Бу салбий эмоциялар гўё уларнинг тафаккурини тормозлаб қўяди. Фикр жуда секин ва тез-тез муваффақиятсиз ишлай бошлайди. Гарчи ўзлари учун тинч шароитда (досканинг олдида эмас, уйда ёки партада ўтирганда), ўша ўқувчилар, ўша масаланинг ўзини ҳатто ундан қийинроқ масалаларни ҳам тез ва яхши ечадилар. Фикрнинг тормозлаштирувчи ҳис ва туйғулар таъсирида

жиддий секинлашуви күпинча имтиҳонларда ҳам намоён бўлади. Бошқа бир ўқувчилар, аксинча, имтиҳон пайтида ҳаяжонлансалар, уларнинг тафаккури секинлашмайди, балки тезлашади. Яна шундай шароитда улар одатдагидек тинч шароитдагига қараганда анча юксакроқ натижаларга эришадилар.

*Айрим ўқувчиларнинг ана шу индивидуал хусусиятларини, уларнинг ақлий қобилиятларини тўғри баҳолаши билан маҳсус ҳисобга олиш зарурдир.*

Тафаккурнинг юқорида кўрсатилган барча ва бошқа жуда кўп сифатлари унинг асосий сифати ёки белгиси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай тафаккурнинг энг муҳим белгиси, унинг айрим индивидуал хусусиятларидан қатъий назар, муҳим томонларни ажратиб, мустақил равишда тобора янги умумлаштиришларга кела билишдан иборатдир. Киши ўйлаётган пайтда, бу ўйнинг ҳатто жуда ёрқин, кизик, янги ва фавқулодда бўлишига қарамай, бирор нарса ёки ҳодисаларни шарҳлаш билан чекланмайди. Тафаккур мазкур ҳодисанинг моҳиятига чукур кирган ва ташки жиҳатдан бир-биридан қанчалик фарқ қилишидан қатъий назар, озми ёки кўпми бир хил ҳодисаларни барчасининг умумий тараққиёт қонунини кашф этган ҳолда зарур равишда олдинга қараб боради.

### **Назорат саволлари:**

1. Тафаккур психологияси предмети.
2. Тафаккур операциялари ҳақида тушунча.
3. Тафаккур сифатларининг психологик тавсифи.
4. Тафаккур турлари ҳақида мулоҳазалар.

## **ХХIII-БОБ. НУТҚ**

**Таянч тушунчалар:** новербал нутқ, имо-ишора, мимика, пантомимика, дактилогик нутқ, товушили нутқ, эхологик (акс садо), сигнификация (шартли белгилар, сигналлар, моделлар), вербал нутқ,. оғзаки нутқ, ёзма нутқ, монологик нутқ, полилогик нутқ, ташқи нутқ, ички нутқ.

### **23.1. Нутқ түғрисида умумий тушунча**

Инсоният тараққиёти тарихида тил туфайли акс эттиришнинг имкониятлари қайта қурилади, олам одам миясида янада аник, равshan инъикос эттириладиган бўлади. Тилнинг пайдо бўлиш муносабати билан ҳар бир алоҳида шахс жамиятининг ижтимоий-тарихий тараққиётида, жараённида тўплаган тажрибаларидан фойдаланиш имконияти туғилади. Тил ёрдами билан ҳар бир инсон шахсан ўзи ҳеч қачон дуч келмаган нотаниш ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, шароитлар юзасидан билим олишга эришади. Худди шу боисда тил одамга кўпчилик хиссий ва интеллектуал таъсирлар ҳамда таассуротлар түғрисида ўзига ўзи ҳисбот бериш имкониятини яратади. Инсон тил ёрдами билан бошқа одамларга ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакка зид нарсалар, воқелик юзасидан ахборот, хабар, маълумот бериши уларга ижтимоий тажриба моҳияти, кўнирма ҳамда малакаларни ўтказиши, узатиши мумкин.

Маълумки, ҳайвонлар, жониворлар ўзларининг индивидуал тажрибаларини ўз туркумидаги бошқа намояндаларга ўтказишга ёки беришга мутлақо қобил эмаслар. Улар, айниқса, ўз туркумларидаги ав-лоднинг илгариги тажрибаларини ўзлаштириш қобилиятига эга эмаслар, чунки мавжудотлар туғма ирсий белгиларга, инстинктларга ва шартсиз рефлексларга асосланадилар, холос.

Биосфера ва неосфера түғрисидаги маълумотлар, қонуниятлар, ҳаракатлантирувчи кучларни билиш ва эгаллашда қисқа ижтимоий-тарихий давр оралиғида ғоят улкан ютуқпарга эришувчи инсоннинг ҳайвонот оламидан муҳим фарқи шундан иборатки, биринчидан, одамнинг шахсий индивидуал тажрибаси умуминсоний тажриба билан узвий уйғунликка эга,

иккинчидан, тажриба маҳсулотлари муайян даражада сакданади, учинчидан, мазкур тажрибалар такомиллашиб, модификациялашиб боради, тўртинчидан, уларнинг моҳияти, тузилиши қўлёзмаларда ўз аксини топади.

Одамдаги шахсий индивидуал тажрибанинг умуминсоний тажриба билан боғлиқдиги кишиларда тилнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Тил оддий қилиб тушунтирилганда сўз ва белгилар тизими ҳамда мажмуасидан иборатdir. Инсон томонидан у ёки бу фаолиятнинг бажарилиши белгилар, аломатлар хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг маҳсулдорлиги, муваффақияти тил таркибларининг аҳамиятига бевосита алоқадордир. Масалан, ҳайдовчи учун кўча қоидалари, математик учун формулалар, оператор учун сигналлар (семиотика — зета юонча «белги») белгилар, символлар, аломатлар вазифасини бажариб, фаолият учун регулятор сифатида хизмат қиласди.

Шунинг учун белгилар ва уларнинг аҳамияти инсоннинг юксак психик функциялари (яъни идроқ, хотира, тафаккур, хаёл)нинг воситасидир. Одатда, белгилар турли-туман бўлишидан қатъи назар, уларнинг энг муҳими – бу сўздир. Ҳар бир сўз маълумот, хабар, ахборот вазифасини бажаради ва муайян мазмунни ўзида акс эттиради (*масалан: машғулот, дафтар, ёмғир ва бошқалар*).

#### **Тилнинг асосий функциялари қўйидагилардан иборат:**

- a) тил яшашнинг воситаси, ижтимоий тажрибани авлоддан авлодга узатиш, бериш ва ўзлаштириш қуроли тарзида вужудга келади (авлодлар отоналар, ўқитувчилар ва мураббийлар);
- б) тил восита ёки коммуникация усули, ҳатто одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқарувчи қурол сифатида намоён бўлади (*масалан: «Лекция бўлмайди», «Бугун байрам» – таъсир қилишдан, таъсир ўтказишдан иборатdir);*
- в) тилнинг муҳим функцияларидан яна биттаси – интеллектуал фаолиятнинг қуроли сифатида хизмат қилишdir (*муаммоли вазият*

моҳиятини тушуниш, ечишни режалаштириш, ижро этиш, мақсад билан солиштириш).

Одам ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқўзи хоҳ амалий, хоҳ ақлий ҳаракат бўлишидан қатъи назар, уни режалаштира олади. Фаолиятни бундай режалаштириш ечими учун восита қидиришнинг ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишнинг асосий қуроли тилдир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, тилнинг энг асосий функцияси – бу коммуникациядир.

*Нутқ фаолияти – одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириши, авлодларга бериши (узатиши) ёки коммуникация ўрнатиши, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириши ва амалга ошириши мақсадида тилдан фойдаланиши жараёнидир.*

Нутқ ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш ақлий топшириқларни ечиш фаолиятидан иборатдир. Агарда тил алоқа воситаси (қуроли) бўлса, нутқ эса айнан ўша жараённинг ўзидир.

**Нутқ фаолиятининг физиологик механизмлари.** Нутқни идрок қилиш оддий рефлектор фаолиятининг қонунлари асосида содир бўлиши мумкин. Чунки уни юзага келтирувчи стимуллар биринчи сигналлар типидаги қўзғатувчилардан иборатдир (масалан: «Марш», «Салом»).

Нутқни юзага келиши ва идрок қилинишидан инсон «сигналларнинг сигнали» (И.П.Павлов) тарздаги сўзлардан фойдаланиши мумкин. Мазкур жараён бош мия катта ярим шарларининг пўстида амалга ошади.

П.Брока (1861 й.) мия пўстининг маълум қисми (мия чап ярим шари пешана қисмининг пастки томонидаги бурмаларнинг орқа қисми) шикастланса, bemорларда нутқ артикуляциясининг бузилишини кашф этган ва «сўз образларини ҳаракатлантирувчи марказ» деб атаган.

К.Вернике (1874 й.) бош мия ярим шарлари пешана қисмининг тепа томонида «сўзларнинг сенсор образлари» жойлашган деб далиллашга ҳаракат қиласди.

П.К.Анохин – нутқ жараёнини таъминлашда жуда ҳам содда элементар «стимул-реакция» типидаги физиологик механизм ҳам, нутқ фаолиятининг юксак формалари учун нутқ воситаси билан фикр баён қилишнинг ичдан дастурлаштириш механизмлари учун характерли ва иерархик тузилишига эга бўлган махсус механизмлар ҳам қатнашадилар.

### **23.2. Нутқ механизмлари (Н.И.Жинкин)**

Бирон фикрни нутқ воситаси ёрдами билан баён қилишдан олдин, махсус код орқали бу фикрнинг асосини тузамиз – у дастурлаштириш механизмидир.

Ундан кейин режалаштиришдан гапнинг грамматик тузилишига ўтиш билан бир груп механизмлар келади.

*Эсда олиб қолишини сўзларнинг грамматик хусусиятларини амалда қўллашни таъминловчи механизм.*

*Бир хил типдаги тузилишидан бошқа типдаги тузилишига ўтиш механизми.*

*Дастур элементларини фамматик тузилишига ёйши механизми.*

*Сўзни маъносига қараб қидиришини таъминловчи механизмлар.*

*Синтагмаларни ҳаракат жиҳатидан дастурлаштирувчи механизмлар.*

*Нутқ товушларини танлаш ва ҳаракат дастуридан товушларни тўлдиришига ўтиш механизмлари.*

Нутқни амалга оширишни таъминловчи механизм. Тадқиқодчи А.Р.Лурия нутқнинг афазиясини текшириб, улар қуйидаги турлардан иборат эканлигини баён қиласди:

1. *динамик афазия – гаплар ёрдами билан сўзлаш қобилиятининг бузилиши;*
2. *эфферент мотор афазияси – гапнинг фамматик тузилиши бузилиши;*
3. *афферент мотор афазияси – нутқ артикуляциясининг бузилиши;*
4. *семантическая афазия – гаплар ўртасидаги боялиқпикнинг бузилиши;*
5. *сенсор афазия – сўзларни идрок қилишининг бузилиши.*

**Нутқ ривожланиши даврлари:**

*1-давр – 2 ойдан 11 ойгача, 2-давр – 11 ойдан 19 ойгача, 3-давр – 19 ойдан 3 ёшгача.*

Нутқ ривожланиши қуйидаги хусусиятларга эга:

- а) гугулаш;
- б) ғудурланиш (сохта сўзлар);
- в) парадигматик фонетика (1,3-1,5 ёшгача) - буви, бува, ўтири, ўтиради;
- г) нутқнинг вазиятбоблиги (Ж.Пиаже - ситуатив нутқ);
- д) нутқ эгоцентризми (Ж.Пиаже - эгоцентрик нутқ).

### **23.3. Нутқ турлари**

Психология фанида нутққа ва нутқ фаолиятига бағишлиланган бир талай илмий тадқиқот натижалари мавжуд бўлсада, лекин бу борада умумийлик, таърифлар бирлиги, унинг эволюцион ва ижтимоий-тариҳий тараққиётига оид қарашларда моҳият ҳамда шакл жиҳатдан ўхшашлик йўқ. Нутқнинг нейропсихологик асослари, механизмлари, артикуляцион ва фонетик аппаратлари, психолингвистик тузилиши (фонема, флексия) тўғрисида илмий-амалий хусусиятли умумлашмалар ҳамда умумлашмалар умумлашмаси ишлаб чиқилмаган. Худди шу боисдан нутқнинг генезиси, унинг филогенетик ва онтогенетик хусусиятлари, пайдо бўлиши, ўсиши, ўзига хос тавсифланиши, босқичлари, фазалари, патологияси бўйича хилма-хил ёндашувлар мавжуддир. Психологлар томонидан нутқ психологик муаммо сифатида ўрганилиши ҳам ўзига хослик, унинг қирралари, шаклий тузилиши, мантиқан изчиллиги, таснифланиши мавжуд бўлиб, илмий талқинининг туб моҳияти, баёнийлиги билан ўзаро тафовутланади. Ёндашувлар таҳлилига тўхталишдан олдин нутқнинг психологик тавсифлари юзасидан мулоҳаза юритиш, унинг тадбиқий жиҳати қийматини оширишга хизмат қиласи.

Бизнингча, нутқнинг муайян асосларга суюнган ҳолда ноанъанавий таснифини бериш унинг қийматини янада оширади, инсон-техника

муносабатини амалий жиҳатдан намойиш қилган бўлади (одатда, оғзаки ва ёзма туркумга ажратилар эди): *вербал ва новербал*.

Генетик келиб чиқиши жиҳатидан новербал нутқ бирламчи хисобланади, чунки инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврида даставвал *товушсиз, сўзсиз* нутқ турларини пайдо бўлган бўлиб, у ўз ичига шахс камолотининг йирик санасини қамраб олгандир. Инсониятда нутқнинг ҳозирги замон авлодига хос артикуляцион аппарати пайдо бўлгунга қадар имо-ишора негизига қурилган. Маълумки, қадимги аждодларимизнинг нутқи ва нутқ фаолияти ҳозирги замон кишиларида қандай функцияни бажараётган бўлса, ўша даврда ҳам худди шундай вазифани ижро этган. У даврларда ахборотлар, маълумотлар кўлами тор бўлганлиги туфайли инсонлар новербал нутқдан кўп даврлар муваффақиятли фойдаланиб келганлар. Авлодлар тарбияси маълумотлар узатиш новербал нутқ орқали амалга оширилган, ижтимоий ва хусусий (шахсий) фикр узатиш ҳамда қабул қилиш ана шу тариқа намоён бўлган, тобора такомиллашиб борган.

Новербал нутқ турини шартли равишда қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

*Имо-ишора, мимика, пантомимика, эхологик, яъни акс садо, сигнификация, дактилогик (бармоқ нутқи).*

Инсон ер юзасидан ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки палласида асосий нутқтури сифатида имо-ишора алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун этник стереотиплар асосида муайян кечинмаларни, маълум ахборотларни шахслараро муносабат жараёнида узатиш ва қабул қилишда ифодаланувчи товушсиз, лекин маъноли, мазмунли нутқ тури имо-ишорали нутқ дейилади. Масалан, ўзбекларда фикрни тасдиқдаш олд томонга бош силташ билан ифодаланса, худди шу маънони булғорларда бошни сарак-сарак қилиш англашиб келади. Бир ҳалқда санаш бошмолдоқдан бошланса, бошқасида жимжилокдан, бирисида бармоқлар букилса, иккинчисида ундей қилинмайди. Аксарият ҳолларда имо-ишора ҳис-туйғусиз намоён бўлади ва шахслараро муносабатнинг туб маънодаги ҳам қуроли, ҳам воситаси

функциясини бажарып келган. Лекин уни ҳис-туйғусиз деб номлаш ҳам илмий-амалий қийматини пасайишига олиб келади, бу ҳолат унинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттиради, шахслараро муносабат мағзини ташкил этиб келган, баъзида ҳозирги замонда ҳам ундан кенг кўламда фойдаланилади.

Юз ҳаракатлари (физиономия) ёрдамида инсонни инсон томонидан идрок қилиш, ўзгалар фикрига жавоб қайтариш, тана аъзолари рангининг ўзгариши ҳисобига шахслараро муносабатга киришишда намоён бўлувчи новербал нутқ турига мимика дейилади. Табассум, жилмайиш, мийифида кулиш, лаб қисиши ва чўччайтириш, тил чиқариш, қош учирини ва сузиш, хуллас турли психологик ҳолатларни, айниқса, ҳиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятли нутқ тури мимика бўлиб ҳисобланади. Мимика ёрдами билан ҳақгўйлик, қувлик, ёқтириш ва ёқтирмаслик, самимилик ва икки юзламачилик, ҳасад, қувонч, қайғу, баҳтиёрлик сингари юксак туйғулар намойиш этилади. Хуш ёки нохуш кечинма-лар акс этилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда муомала жараёни ёки қисқа муддатли, узоқ муддатли вақт мезонини намоён қиласди, аянч, баҳт ҳисларини ифодалаб келади. У *моно вазиятни, диада, триада, полиада* кўринишидаги шахслараро муносабат шаклларини яққол акс эттиради, фикрни узатиши, қабул қилиши, таъсирланиши, руҳланиши каби функцияни бажаради. Ҳаётий тажрибанинг кўпайиши билан ички кечинмаларни (интериоризациялаш) ташки воқеа ҳодисаларга алмаштириш (экстериоризациялаш) билан якунланади, кўпинча индивидуал ва ижтимоий тарбия вазифасини бажаради.

Юз ҳаракатлари, тана аъзолари, қадди-қомат ёрдами билан фикрларни узатиш, сюжетли қоидали, маъноли, драматик кечинмали новербал нутқ турига пантомимика деб аталади. Ўз моҳияти кўлами билан мимикадан устувор хусусиягга эга бўлиб, ахборотлар, интим ҳолатлар, мураккаб кечинмалар юзасидан ўзгаларга маълумот узатиш тарзида хукм суради. Инсонда турмуш тажрибаси ортиб бориши, касбий фаолият мазмунини

ролларга ва сюжетта асосланган ҳолда сценарийсини яратиш, вазиятга қараб қисқа ва узоқ муддатли информатив функцияни бажаради. Пантомимика юмор ҳиссини, қүрқинч түйғусини, захмат образини, даҳшат кечинмасини ўзида акс эттириб, кўпинча коммуникатив функцияни ижро қиласди, ҳиссий алоқа ўрнатиш орқали таассуротлар мукаммаллиги таъминланади.

Новербал нутқни шартли равища қўйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) *товоришиз*: а) имо-ишиора, б) мимика, в) пантомимика, г) дактилогик; 2) *товоришили*: а) эхологик (акс садо), б) сигнификация (шартли белгилар, сигналлар, моделлар).

Вербал нутқ туркумини шартли равища қўйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) оғзаки, 2) ёзма, 3) монологик, 4) полилогик, 5) ташқи, 6) ички, 7) экспрессив, 8) импресив, 9) лаконик (қатра, йиғик), 10) эпик (ёйик), 11) аффектив (жахд ҳолатидаги).

Инсоннинг ижтимоий-тариҳий тараққиёти даври таҳдил қилинганда генетик келиб чиқиши жиҳатидан бирламчи қаторида оғзаки нутқни келтириш жоиз. Оғзаки нутқ новербал туркумдан кейин пайдо бўлган нутқ туридан бири ҳисобланади ва у шартли равища қўйидаги нутқ кўринишларини қамраб олади: монологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импресив, лаконик (йиғик, қатра), аффектив (ҳис-ҳаяжон, жаҳл).

Пауза, мантиқий ургу, темп, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи нутқ тури оғзаки нутқ деб аталади.

Новербал нутқ ўзининг асосий функциясини бажариб бўлганидан сўнг (унинг маълум таркиблари фаолият кўрсатишда давом этиб келмоқда) ахборот узатиш, тажрибаларни эгаллаш, инсонни камол топтириш ва шунга ўхшаган вазифалар табиий равища оғзаки нутқ зиммасига юкландган. Жарангли, жарангсиз фаол, суст, ҳис-ҳаяжонли, монотон, юксак суръатли, шивирлаш кўринишидаги оғзаки нутқ хусусиятлари ва қонуниятларини ўзида мукаммаллаштирган ҳолда алоқа қуроли, воситаси тариқасида муомала

таркибларини акс эттиради. Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қурайлиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг киррали эканлигини билдиради.

Оғзаки нутқнинг дастлабки туридан бири – бу монологик нутқдир. Якка шахснинг ички кечинмаларини тил механизмларига асос-ланган ҳолда акс эттирувчи, унинг ўзига қаратилган (*эгоцентрик*), таъсиrlанишини ифодалашга ва ахборот узатишга мўлжалланган нутқ тури монологик нутқдеб аталади. Унда шахсий ҳис-туйғуларнинг ички ва ташқи шакллари уйғунлашади, шунингдек, ўзгалар фикрини ифодали ўқишида ҳам ўз аксини топади. Одатда, монологик нутқда фикрлар қисқартирилмайди, мабодо бу қоида бузилса, ахборот маъносини тушуниш қийинлашади. Ҳис-ҳаяжоннинг ташқи ва ички кечинмалари ҳамда уларнинг механизмлари аниқ, равон, изчил акс эттирилади.

*Муайян ахборотларни тартибга келтириши, гояларни яратиши, фикрий дастурни ишлаб чиқишига мўлжсалланган, лекин латент давридаги маълумотлар маъжмуасидан тузилувчи нутқ тури ички нутқ дейилади. Ички нутқнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу кўлам жиҳатдан ташқи нутқдан кенгроқ эканлигидир. Иккинчи бир хусусияти эса тафаккурнинг механизми функциясини бажаришидир.*

Ахборотлар ички моҳиятини ташқи ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатларнинг яққол ифодаланишини акс эттирувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ турига экспрессив нутқ дейилади. Ўзининг тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

Ички кечинмалар шахсий фикрлаш билан уйғунлашиши туфайли фикрий боғланишни вужудга келтирувчи ҳолатлар, ходисалар моҳиятини ички ва ташқи омилларга асосланиб акс эттирувчи нутқ турига импресив нутқ дейилади. Мулоҳазалар моҳияти шахс кечинмалари билан муносабатга киришиши натижасида ўзига хос воқеликни намойиш қиласи.

*Турли омиллар таъсирида бирданига вужудга келувчи, жаҳлнинг маҳсули ҳисобланмиши, қисқа муддатли нутқ турига аффектив нутқ дейилади.* Бирданига сухбатдош, рақиб томонга узатилувчи, ўта таъсирчан, хавфли, руҳий нишон вазифасини бажарувчи қисқа муддатли нутқ аффектив деб номланиб, зарбаси жиҳатидан альтернативи йўқлиги билан бошқа нутқ турларидан кескин ажралиб туради. Жаҳл, қасос, алам, тажовуз кечинмаларини ўзида акс эттириб, ўта танглик, зўриқиши (стресс) маҳсули бўлиб ҳисобланади (жаҳл келганда акл кетади: ҳиссиёт билан эмас, балки ақл билан иш тут).

### **Назорат саволлари:**

1. Нутқ тўғрисида умумий тушунча.
2. Нутқ механизмларининг психологик моҳияти.
3. Нутқ генезиси назариялари.
4. Нутқ турларининг психологик тавсифи.
5. Нутқни ривожланиш фазалари ва ўзига хос хусусиятлари.
6. Нутқ ва муомала.

# V БҮЛİM (МОДУЛ). ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ СОҲА

## ПСИХОЛОГИЯСИ.

### XXIV-БОБ. ҲИССИЁТ

**Таянч тушунчалар:** ҳис-туйгулар, аффектлар, кайфият, стресс, газабланиш, нафратланиш, жирканиш, қўрқув, уялиши, эҳтирос, эмоция, салбий ҳис-туйгулар, ижобий ҳис-туйгулар.

#### **24.1. Ҳиссиётнинг умумий тавсифи ва унинг турлари.**

##### **Ҳис-туйғу ҳақида тушунча**

Киши идрок этиш, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараёнларида фақат воқеликни билиб қолмай, балки шу билан бирга ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга, қандай бўлмасин, муносабат билдиради, унда уларга нисбатан у ёки бу тарзда ҳис-туйғу пайдо бўлади. Бундай ички шахсий муносабатнинг манбаи фаолият ва муносабат жараёнлари бўлиб, у ана шу жараёнларда рўй беради, ўзгаради, барқарор тус олади ёки йўқолади. Кишининг ҳаётий йўлини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ватаппарварлигини ҳам ҳис-туйғу деб аташади. Арзимаган илинж билан бировни алдаган ёлғончига нисбатан кишида пайдо бўладиган нафратланиш ҳам ҳис-туйғу қаторига киради. Узок давом этган ёмғирдан сўнг қуёш чараклаб кетганлиги туфайли ҳосил бўлган бир лаҳзалик мамнунлик ҳам ана шундай тушунча билан ифода этилади.

Ҳис-туйғулар – кишининг ўз ҳаётида нималар юз берадиганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул булаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир.

Ҳис-туйғуларнинг кечиши субъект алоҳида ҳис этаётган психик ҳолат сифатида гавдаланади. Бунда бирон-бир нарсани идрок этиш ва тушуниб этиш, бирон-бир нарса тўғрисида билиб олиш идрок этилаётган, тушуниб олинаётган, маълум ёки номаълум нарсаларга нисбатан шахсий муносабат билан бирликда рўй беради. Ана шу ҳолларнинг барчасида ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши хусусида, кишининг алоҳида ҳиссий ҳолати хусусида гапирилади. Шу билан бирга ҳис-туйғуларнинг кечиши ўз ривожланишига эга бўлган, жорий ва ўзгариб турадиган психик жараёндар. Мисол учун, яқин

кишидан ажралиб қолишнинг оғирлигини бошдан кечириш, жумладан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жудоликдан сўнг ўзининг ҳаётдаги ўрнининг ўзгариб қолганини фаол англаб олинишини, ҳаётий қадриятларнинг қайта баҳоланишини, танглик вазиятини бартараф этиш учун ўзингда куч топа билишни ва шу кабиларни англатади. Шу тарздаги жўшқинлик билан кечаётган ҳиссий жараён ўз якунида жудолик вазиятининг ўзига ва шу вазиятда киши ўзлигига берадиган ижобий ва салбий баҳоларнинг маълум даражада мувозанатлашуви рўй беради.

Хис-туйғуни бошдан кечиришнинг турли формалари эмоция, эффект, кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс ҳолати). Эҳтирос ва, нихоят, тор маънодаги сўз билан айтганда, хис-туйғулар – шахснинг эмоционал соҳасини ташкил этадики, улар киши хулқ-авторини тартибга солиб туради, билишнинг жонли манба, одамлар ўртасидаги мураккаб ва кўп қиррали муносабатларнинг ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Хис-туйғулар шахс эҳтиёжларига жавоб берадиган нарсаларни аниқлаб олишга ёрдам беради ва уларнинг қондирилишига қаратилган фаолиятга омил бахш этади. Илмий кашфиёт қилинган пайтдаги қувончли кечинмалар олимнинг изланувчанлик фаолиятини рағбатлантиради, билиш эҳтиёжини, қондириш жараёнини жадал тарзда сақлайди. Эҳтиёж намоён бўлишнинг алоҳида шакли сифатидаги қизиқиш доимо ёрқин ҳиссий тусга эга бўлади.

Хис-туйғулар – воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос шаклларидан биридир. Агар билиш жараёнларида нарсалар ва воқеликдаги ҳодисалар акс этса, хис-туйғуларда эса субъектнинг ўзига хос эҳтиёжлари билан, қўшилиб, ўзи билиб олаётган ва ўзгартираётган нарсаларга ва воқелик ҳодисаларига нисбатан унинг муносабати акс этади.

## **24.2. Хис-туйғуларнинг физиологик асослари**

Барча психик жараёнлар каби эмоционал ҳолат хис-туйғуларнинг кечиниши ҳам мия фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Эмоцияларнинг пайдо бўлиши ташқи оламда рўй берадиган ўзгаришлардан бошланади. Бу ўзгаришлар киши ҳаёти ва фаолиятининг жонланишига ёки пасайишига, бир

хил эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига ёки бошқаларнинг йўқолишига, киши организми ичида юз берадиган жараёнлардаги ўзгаришларга олиб боради, Ҳис-туйғулар кечинишига хос физиологик жараёнлар ҳам мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар билан боғлиқдир. Маълумки, шартли рефлекслар тизими катта ярим шарлар қобиғида туташган ва мустаҳкамланган бўлади, мураккаб шартсиз рефлекслар эса ярим шарларнинг қобиқ ости бўлмалари, мия ўқига тааллуқли кўриш тепаликлари ва нерв қўзғалишини миянинг олий бўлмаларидан вегетатив нерв тизимиға етказиб турадиган бошқа марказлар орқали амалга оширилади. Ҳис-туйғуларнинг кечирилиши мия қобиғи ва қобиқ ости марказларининг биргаликдаги фаолияти натижаси ҳисобланади.

Кишининг теварак-атрофида ва унинг ўзида юз бераётган ўзгаришлар киши учун қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, ҳис-туйғу кечинмалари ҳам шу қадар чуқур бўлади. Шунга кўра рўй берадиган муваққат боғланишлар тизимининг жиддий қайта қурилиши катта ярим шарлар қобиғи бўйлаб тарқалган ҳолда қобиқ ости марказларига таъсир қиласиган қўзғалиш жараёнларини юзага келтиради. Миянинг катта ярим шарлар қобиғининг пастроқдаги бўлмаларида организм физиологик фаолиятининг ҳар хил марказлари: нафас олиш, юрак-қон томирлари, овқатни ҳазм қилиш, ички секреция безларини ишлатиш ва бошқа марказлар жойлашгандир. Унинг учун қобиқ ости марказларининг қўзғатилиши бир қанча аъзолар фаолиятининг кучайиб кетишига олиб келади, Шу боисдан ҳам ҳис-туйғуларнинг кечирилиши нафас олиш маромининг (киши ҳаяжонланганидан бир лаҳза нафаси чиқмай қолади, оғир ва ўхтин-ўхтин нафас олади) ва юрак иш фаолиятининг ўзгариши (юрак уришдан тўхтаб қолади ёки тез-тез ура бошлайди) бир вақтда содир бўлади, организмнинг айrim қисмларига қон келиши ўзгариб (уялганидан ранги қизариб, қўрқанидан оқариб кетади), секреция безларининг иши бузилади (ғам-ғусса кўз ёши тўкилишига сабабчи бўлса, ҳаяжонланиб кетганда оғиз қурийди, қўрқанида баданда «совуқ» тер чиқади) ва ҳоказо. Тананинг ички

аъзоларида юз берадиган жараёнларнинг қайд қилиниши ва кишининг ўзи томонидан кузатиб борилиши нисбатан осон.

Эмоцияларнинг физиологик асосларига оид барча тадқиқотлар уларнинг бир-бирига қарама-қарши эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди: мамнуният-азоб, қониқиши-норозилик, лаззатланиш-азбланиш, ёқимли-ёқимсиз ва ҳоказо. Ҳиссий ҳолатларнинг бундай қарама-қаршилигига далил исботи миянинг тузилмалари ихтисослашуви ва физиологик жараёнлар кечишининг қонуниятлари замирида мужассамлашгандир.

### **24.3. Ҳис-туйғуларни бошдан кечириш шакллари**

Ҳис-туйғулар баъзан ҳар қандай психик жараённинг фақат ёқимли, ёқимсиз ёки аралаш асорати тарзида бошдан кечирилади. Бу ўринда улар ўз ҳолица англанилавермайди, аксинча, нарсалар ва ҳаракатларнинг хусусияти тарзида англанилади ва биз ёқимли киши, ёқимсиз таъм, баҳайбат ҳўкиз, кулгили ифода, нафис барглар, қувноқ сайр ва ҳоказолар деб гапирамиз. Кўпинча бундай ҳиссий тус олдинги кучли кечинмаларнинг оқибати, ўтмиш тажрибанинг акс-садоси бўлиб чиқади. Баъзан у нарсанинг кишини қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслиги, унинг фаолияти муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ўтаётганлиги белгиси сифатида хизмат қиласи. Масалан, геометриядан айнан битта топшириқ унга ҳал этишнинг муваффақиятлигига боғлиқ ҳолда турли хилдаги ҳис-туйғуларни ҳосил қилиши мумкин.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги киишида турли хил шаклни касб этадиган ўзига хос кечинмаларни: эмоцияларни, аффектлар (хиссий бўронлар)ни, кайфиятларни, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатларини ва хусусан ҳис-туйғулар (тор маънодаги сўз билан айтганда)ни ҳосил қиласи.

### **Эмоциялар**

«Ҳиссиёт» («эмоция») ва «ҳис-туйғу» деган сўзлар кўпинча синонимлар сифатида қўлланилади.

Торроқ маънода олганда, ҳиссиёт бу қандайдир бир оз доимийроқ ҳистуйғуларнинг бевосита ва вақтинча бошдан кечирилишидан иборатдир. «Эмоция» сўзини ўзбек тилига аниқ таржима қилинганда у руҳий ҳаяжонланиш, руҳий ҳаракатланиш деган маънони англатади. Ҳиссиёт деб, масалан, кишининг мусиқавий асарга нисбатан ўрнашиб қолган хусусияти сифатидаги муҳаббат туйғусининг ўзини эмас, балки концерт пайтида яхши мусиқий асарни эшитаётib, бошидан кечирган лаззатланиш, завқланиш ҳолатига айтилади. Мусиқий асарнинг ёмон ижро этилганини эшитганда ҳосил бўладиган худди шундай ҳис-туйғу нафратланиш каби салбий ҳиссиёт сифатида бошдан кечирилади. Бошқа бир мисолни олиб қўрайлик. Ҳис-туйғу сифатидаги қўрқув ёки ваҳима, яъни муайян объектларга, уларнинг бирикмаларига ёки ҳаётдаги мавқеига нисбатан таркиб топган ўзига хос муносабати бир-биридан фарқ қиласиган ҳиссий жараёнларда кечирилиши мумкин: баъзан киши ваҳимали нарсадан қочади, баъзан эса қўрққанидан серрайганича қотиб қолади ва титрай бошлайди, ниҳоят, ваҳима босиб, ноиложлиқдан хавф-хатарга қарши ҳаракат қилиши мумкин.

Бир хил ҳолатларда эмоциялар таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Улар ҳатти-ҳаракатларга, фикр-мулоҳазалар билдиришга туртки берадиган куч бўлиб чиқади, куч-ғайратларни ошириб юборади ва стеник деб аталади. Қувонганидан киши «тоғни талқон қилиш»га ҳам тайёр бўлади. Ўртогига ҳамдардлик ҳиссини кечираркан, унга ёрдам бериш усулини излайди. Таъсирчан ҳиссиётга берилган кишининг гапирмай жим туриши қийин, у фаол ҳаракат қилмай тура олмайди. Бошқа бир ҳолларда эмоциялар (астеник деб аталмиш эмоциялар) сустлиги ёки лоқайдлиги билан ажралиб туради, ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши кишини бўшаштириб юборди. Қўрққанидан унинг «оёқлари қалтираб қолиши» мумкин. Айрим ҳолларда киши кучли ҳис-туйғуга берилиб кетиб, хаёлга чўмиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Бундай пайтда ҳамдардлик яхши, лекин бефойда ҳиссий кечинма бўлиб қолади, уялиш сирли виждон азобига айланиб қолади.

## **Аффектлар (ҳиссий портлашлар)**

Кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтиб кетадиган жараёнлар аффектлар (ҳиссий портлашлар) деб аталади. Улар онгнинг анчагина даражада ўзгарганлиги, ҳатти-харакатларни назорат қилишнинг бузилганлиги, одамнинг ўзини ўзи идрок қила олмаслиги, шунингдек унинг бутун ҳаёти ва фаолияти ўзгариб қолганлиги билан ажралиб туради. Аффектлар бирданига катта куч сарф қилинишига сабаб бўлгани учун ҳам қисқа муддатли бўлади: улар ҳис-туйғуларнинг бамисоли бирдан лов этиб ёниб кетишига, портлашига, бир зумда ҳамма ёқни тўс-тўполон қилган шамолга ўхшайди. Агар оддий ҳиссиёт фақат руҳий ҳаяжонланишини ифода этса, у ҳолда аффект бўрондир.

Аффектнинг ривожланиши бирин-кетин алмасиб турадиган турли босқичларга эгадир. Ҳаддан ташқари дарғазаб бўлган, ваҳима босган, ўзини йўқотиб қўйган, ғаройиб даражада завқ-шавққа тўлган, умидсизликка берилган киши ҳар хил пайтларда оламни ҳар хил акс эттиради, ўз кечинмаларни турлича ифодалайди, ўзини турлича идора қиласи ва ўз харакатларини турлича бошқаради.

Киши аффектив ҳолатининг бошланишида барча бегона, ҳатто амалий жиҳатдан муҳим нарсаларни истаса-истамаса ҳам бир четга суриб қўйган ҳолда ўз ҳис-туйғусига сабаб бўлган ва у билан боғлиқ нарсалар ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас. Ифодали саъий-харакатлар тобора бемулоҳазали тус ола бошлайди. Кўз ёши тўкиш ва ўкириб йиглаш, қаҳ-қаҳа отиб қулиш ва бақириб-чақириб гапириш, ажралиб турадиган турку-таровот ва юздаги имоишора, тез-тез ёки қийналиб нафас олиш етилиб келаётган аффектнинг одатдаги манзарасини ҳосил қиласи, Кучли зўриқиши натижасида майда саъий-харакатлар барбод бўлади. Индуктив тормозланиш ярим шарлар қобиғини тобора кўпроқ даражада эгаллай бошлайди, бу тафаккурнинг издан чиқишига олиб келади; қобиқ ости йўлларида қўзғалиш кучая бошлайди. Киши кечирилаётган ҳис-туйғуларга ваҳимага, ғазабланишга, умидсизликка ва шу кабиларга берилишга кучли истак сеза бошлайди. Бундай босқичда ҳар

қандай ақли расо киши ўзини тийиши, ўзини ўзи идора қила олиши мумкин. Бу ўринда аффектнинг хуружини орқага суриш, унинг авж олишига йўл кўймаслик муҳимдир. Бу ўринда агар ўзингни босиб қолай десанг, ўзингча ақалли ўнтагача санашга ҳаракат қилиб кўр, деган машхур халқ ҳикмати ҳам бор.

Хиссий портлаш рўй берган тақдирда, унинг кейинги босқичларида киши ўзини тута олмасдан қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-хушини йўқотиб қўяди, сўнгра бу ҳақда эсласа уялиб юрадиган бўлади ва нималар содир бўлганини баъзан худди тушида юз бергани каби эсга олади. Тормозланиш миянинг қобиғини эгаллаб олади ва кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий негизлари мустаҳкамланган муваққат боғланишларнинг таркиб топган тизимини ишлатмай қўяди. Аффектив портлашдан кейин ҳолдан тойиш, мажолсизлик, барча нарсаларга бефарқлик билан муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик, баъзан эса мудроқ босиши бошланади.

### **Кайфият**

Кайфиятлар анча вақт давомида кишининг бутун ҳатти-ҳаракатига тус бериди турдиган умумий ҳиссий ҳолатини ифода этади. Кайфият шоду хуррамлик ёки қайғули, тетиклик ёки ланжлик, ҳаяжонли ёки маъюслик, жиддий ёки енгилтаклик, жizzакилик ёки мулойимлик ва ҳоказо тарзда бўлади. Кайфияти ёмон киши ўртоғининг ҳазилига ёки танбехига кайфияти чоғ вақтидагига қараганда тамомила бошқача муносабат билдиради.

Кайфиятлар одатда ўз-ўзига ҳисоб бермаслиги ва суст намоён бўлиши билан белгиланади. Киши ҳатто уларни пайқамайди ҳам. Лекин баъзан кайфият, масалан, қувноқлик ва тетиклик, ёхуд, аксинча, ғамгинлик кайфияти анча жадаллик касб этади. Бундай пайтда у кишининг ақлий фаолиятида ҳам (ўй-фикрларнинг кечишига, зеҳнининг ўткирлигига), саъй-ҳаракатлари ва ишларининг хусусиятларида ҳам ўз изини қолдиради, ҳатто бажарилаётган ишнинг унумдорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Кайфият жуда хилма-хил, яқин ва анча узоқ турувчи манбаларга эга бўлиши мумкин. Турмушнинг бутун боришидан, жумладан, ишда, оиласда, мактабда муносабатларнинг қандай йўлга кўнилганлигидан, кишининг ҳаёт кечириш йўлида пайдо бўлаётган ҳар қанақа зиддиятлар қай тарзда бартараф этилишидан қаноат ҳосил қилиш ёки қаноатланмаслик кайфиятларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Кишининг узоқ вақт ёмон ёки ланж кайфият билан юриши унинг ҳаётида бирон нарсанинг кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади.

Кайфиятлар кўпроқ киши саломатлигининг умумий ҳолатига, айниқса нерв тизими ва модда алмашинувини тўғрилаб турувчи ички секреция безларининг ҳолатига боғлиқдир.

### **Стресс ҳолатлари**

Психологик таърифига кўра аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин бошдан кечирилишининг давомлилигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳистуйғулар бошдан кечирилишининг алоҳида шакли кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатидан, (инглизча - ташқи кўрсатиш, зўриқишиш деган сўздан олинган) ёхуд ҳиссий зўриқишидан иборатдир. Ҳиссий зўриқишиш хавф-хатар туғилган, киши хафа бўлган, уялган, тахлика остида қолиб кетган ва шу каби вазиятларда рўй беради. Ҳиссий бўроннинг жадаллигига ҳамиша ҳам эришилавермайди, кишининг кучли ҳаяжонланиш вақтидаги ҳолати ҳатти-харакат ва нуктнинг бир хил вазиятларда бетартиб тарздаги фаоллиги намоён бўладиган, бошқа бир пайтда эса қатъият билан ҳаракат қилиниши керак бўлган ҳолатларда сусткашликка, фаолиятсизликка эрк бериладиган даражада издан чиқиши билан белгиланади. Шу билан бирга ҳиссий зўриқишиш унчалик кучли бўлмаган пайтларда куч-ғайратларнинг сафарбар этилишига, фаолиятнинг кучайтирилишига ёрдам бериши мумкин. Хавф-хатар кишини бамисоли ҳушёр торттиради, уни дадил ва мардона ҳаракат қилишга мажбур этади. Ҳиссий зўриқишиш ҳолатида индивиднинг ҳатти-харакати киши нерв тизимининг типига, нерв жараёнларининг кучлилиги ёки ожизлигига жиддий равишда боғлиқдир. Имтиҳондан ўтиш вазияти одатда кишининг қаттиқ

ҳаяжонга соладиган (яъни ҳиссий зўриқишига сабабчи бўладиган) таъсиrlарга нисбатан бардошлигини аниқлайди. Имтиҳон топширувчиларнинг баъзи бирлари ўзини йўқотиб қўяди, «хотирасининг сусайгани»ни намоён қилади, берилган саволнинг мазмунига диққатини жамлай олмайди, бошқалари эса имтиҳонда одатдаги ҳолатлардагига қараганда фикри-хаёлини бир ерга тўплаган ва фаолроқ бўладилар.

### **Асосий ҳолатлар ва уларнинг ташқи ифодаси**

Ҳис-туйғуларнинг ҳиссиёт (эмоция)лар, кайфиятлар, кучли ҳаяжонланиш тарзида бошдан кечирилиши чоғида маълум даражада сезиладиган ташқи белгиларга ҳам эга бўлади. Юзларнинг ифодали ҳаракатлари (мимика), кўл ва гавданинг маъноли ҳаракатлари, турқи-тароват, оҳанг, кўз қорачиғларининг кенгайиши ёки торайиши кабилар шулар жумласига киради. Бу ифодали ҳаракатлар бир хил ҳолатда ўзига-ўзи ҳисоб бермаган тарзда юз берса, бошқа бир ҳолатда онгнинг назорати остида содир бўлади. Кейинги ҳолатда улар оғзаки бўлмаган алоқа воситалари сифатида хизмат қила бориб, муносабат жараёнида атайлаб қўлланилиши мумкин. Киши ўзининг қаҳр-ғазабини теварак-атрофдагиларга қўлларини мушт қилиш, кўзларини чимириб қараш, дўйқ-пўписали оҳанг билан намойиш қилади.

Ҳар бир ўзининг психологик таърифлари ва ташқи кўринишларига эга бўлган қўйидагича асосий ҳиссий ҳолатлар (К.Изарднинг фикрига қараганда, «асосий ҳиссиётлар»)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қизиқиши (эмоция тарзида) – малака ва кўниқмаларнинг ривожланишига, таълим олишга мойиллик туғдирадиган билимларни эгаллашга ёрдам берадиган ижобий ҳиссий ҳолатдир.

Қувонч – ҳалибери қондирилиши мумкин бўлмаган ёки ҳар ҳолда қондирилиши ноаниқ бўлган долзарб эҳтиёжнинг етарли даражада тўла қондирилган бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ ижобий ҳиссий ҳолатдир.

Ҳайратланиш – тўсатдан рўй берган ҳолатлардан ҳиссий жиҳатдан таъсиrlанишнинг ижобий ёки салбий жиҳатдан аниқ-равшан ифода

этимаган белгисидир. Ҳайратланиш диққат-эътиборни ўзига тортган обьектга қаратилған ҳолда барча олдинги ҳиссиётларни тормозлантириб қизиқиш тусини олиши мүмкін.

Изтироб чекиши – ҳозирга қадар қондирилиш эҳтимоли озми-кўпми даражада мавжуд деб тасаввур қилиб келинган ҳаётий муҳим эҳтиёжларнинг қондирилиши мүмкін эмаслиги ҳақида аниқ ёки шундай туюлган ахборот олиниши билан боғлик салбий ҳиссий ҳолатдир. У кўпинча ҳиссий зўриқиши (стресс) шаклида бошдан кечирилади. Изтироб чекиши астеник ҳиссиётлар (кишини бўшаштирадиган) тусида бўлади.

Ғазабланиш – одатда аффект тарзида кечадиган ва субъект учун ғоят муҳим эҳтиёжни қондириш борасида жиддий тўсиқ пайдо бўлгани оқибатида келиб чиқадиган, ифодаланишига кўра салбий тарздаги ҳиссий ҳолатдир. Изтироб чекишдан фарқли ўлароқ, ғазабланиш стеник тусда бўлади (яъни, гарчанд қисқа муддатли бўлса ҳам, ҳаётий куч-ғайратларни ошириб юборади).

Нафратланиш – обьектлар (нарсалар, одамлар, ҳолатлар ва бошқалар)га яқинлашиш (жисмонан биргаликда харакат қилиш, муносабат жараёнида алоқа боғлаш ва шу кабилар) субъектнинг мафкуравий, маънавий ёки эстетик принциплари ва йўл-йўриқларига кескин зид келиб қолиши оқибатида рўй берадиган салбий ҳиссий ҳолатдир. Нафратланиш, агар у ғазабланиш билан кўшилиб кетадиган бўлса, шахслараро муносабатларда хужум ғазабланишини сабаб қилиб, нафратланишга эса «бирон кишидан ёки бирор нарсадан кутилиш» истагини баҳона қилиб кўрсатиладиган тажовузкор хулқ-авторга сабаб бўлиши мүмкін.

Жирканиш – шахслараро муносабатларда рўй берадиган ва субъектнинг ҳаётий нуқтаи назарлари, қарашлари ва хулқ-авторига номутаносиблиги оқибатида ҳосил бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир. Кейингилари субъектнинг назарида ярамас, таомилдаги маънавий қоидаларга ва эстетик мезонларга мос келмайдиган бўлиб туюлади.

Кўрқув – субъект ўзининг хотиржам ҳаёт кечиришига зиён етиши мумкинлиги ҳақида, унга реал тарзда таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатар ҳақидаги хабарни олиши билан пайдо бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир. Энг муҳим эҳтиёжлари бевосита сиқилиши натижасида рўй берадиган изтироб чекиш ҳиссиётидан фарқли ўлароқ, киши кўрқув ҳиссиётига берилганда муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини фақат эҳтимолий тарзда бўлади ва ушбу (кўпинча етарлича ишонарли бўлмаган ёки бўрттириб юборилган) прогнозга биноан ҳаракат қиласи. Шу ўринда «Кўрқсанга қўша кўринади» деган халқ мақолини эслатиш мумкин. Кўрқув ҳиссиёти стеник тусда ҳам, астеник тусда ҳам бўлиши («Кўрққанидан оёқлари қалтиради»), ёхуд ҳиссий зўриқишлиар тарзида, ёхуд рухан астойдил тушкунликка берилган ва ҳавотирланган тарзда, ёхуд аффектив ҳолатга тушган тарзда (даҳшатли қўрқув ҳиссиётнинг энг сўнгги туридир) кечиши мумкин.

Уялиш – ўзининг ният мақсадлари, ҳатти-ҳаракатлари ва ташқи қиёфаси фақат теварак-атрофдагилар томонидан кутилганича мос келмаганлигини эмас, балки ўзига лойик хулқ-атвор ва ташқи қиёфа ҳақидаги шахсий тасаввурларга ҳам мос келмаётганини англаш етишида ифодаланадиган салбий ҳолатдир.

Асосий ҳиссий ҳолатларнинг юқорида келтирилган турлари (ҳиссиётларнинг луғатларда қайд этиладиган умумий сони жуда кўп) бирон бир таснифлаш схемасига бўйсундирилган эмас. Айтиб ўтилган ҳиссиётларнинг ҳар бири ифодаланиш даражасига кўра тобора кучайиб борадиган ҳолатлар тарзида; хотиржамлик билан қониқиш, шодланиш, завқланиш, шод-хуррамлик, ўзини тута олмайдиган даражада завқланиш ва ҳоказо, ёхуд тортинчоқлиқ, ийманиш, уялиш, ўзини айблаш ва ҳоказо, ёки норозилиқ, ачиниш, изтироб чекиш, қайгуриш тарзида бўлиши мумкин. Тўққизта асосий ҳиссий ҳолатдан олтитаси салбий хусусиятга эга бўлса, демак ижобий ҳиссий ҳолатлар киши ҳиссиётларнинг умумий рўйхатидаги улуши кам бўлади, деб ҳисоблаш ярамайди. Афтидан салбий ҳиссиётларнинг

ғоят даражада ранг-баранглиги хусусиятлар ҳақида салбий ҳиссий ҳолатлар муваффақият билан ва жуда ҳам яхши хабар етказувчи ноқулай вазиятларга мослашувни янада муваффақиятлироқ тарзда амалга ошириш имконини беради. Уларнинг хусусиятлари ҳақида салбий ҳиссий ҳолатлар муваффақият билан ва жуда яхши хабар беради.

Ҳис-туйғу кечинмалари ҳар доим ҳам бир хил тусда бўлавермайди. Ҳиссий ҳолатда, иккита бир-бирига зид ҳис-туйғуларнинг ўзига хос бирикмасини мужассамлаштириш мумкин; масалан ишқ-муҳабbat ва нафрат рашқ ҳиссининг кечирилиши жараёнида бирга қўшилиб кетади (ҳис-туйғуларнинг амбивалентлиги ходисаси).

#### **24.4. Ҳис-туйғулар ва шахс**

Ҳис-туйғулар – киши шахсининг анча ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, у билиш жараёнлари ва хулқ-атвор ҳамда фаолиятни иродавий бошқариш билан биргаликда намоён бўлади. Шахс ўзи билиб олаётган ва бажараётган нарсага унинг барқарор муносабати ҳис-туйғуларнинг мазмунини ташкил этади. Шахсни таърифлаш дегани кўп жиҳатдан муайян конкрет киши умуман нимани севади, нимани ёмон кўради, нимадан нафратланади, нима билан фахрланади, нимадан хурсанд бўлади, нега уялади, нимага ҳавас қиласи ва ҳоказолар деган маънони англатади. Индивиднинг барқарор ҳис-туйғулари предмети, уларнинг жадаллиги, кечинмаларнинг хусусияти ва ҳиссиётлари аффектлар, кучли ҳаяжонланиш ҳолатлари ва кайфиятлари шаклида тез-тез намоён бўлиши кузатувчи қўз ўнгida кишининг ҳиссий дунёсини, унинг ҳис-туйғуларини ва шу аснода унинг индивидуаллигини намоён этади. Айнан унинг учун ҳам ҳиссий жараёнларни таҳлил қилиш вақтида ўткинчи ҳолатларни ўрганишдан киши шахсини белгилайдиган барқарор ҳис-туйғуларга ўтиш лозим.

Вазият билан боғлиқ хусусиятга эга бўлган ва индивиднинг муайян пайтда обьектга нисбатан муносабатини акс эттирадиган ҳиссиётлардан, аффектлардан, кайфиятлардан ва ҳиссий зўриқишлардан фарқли ўлароқ, улар пайдо бўлиши пайтига келиб таркиб топган конкрет ҳолатларда ҳис-туйғулар

(тор маънода олганда) киши шахсининг йуналтирилганлигига мужассамлашган барқарор эҳтиёжлари обьектига нисбатан унинг муносабатини акс эттиради. Шу сабабли ҳис-туйғулар барқарорлиги билан, улар субъектнинг ҳаёти соатлар ва кунлар эмас, балки ойлар ва йиллар воситасида ўлчанадиган даражада давомийлиги билан белгиланади. Ҳис-туйғулар конкрет характерга эга бўлади, улар субъектнинг барқарор ижобий ёки салбий муносабат билдиришига сабаб бўлган фактлар, воқеалар, одамлар ва ҳолатлар туфайли рўй беради. Барқарор сабаблар факат барқарор ҳис-туйғуларга асос бўлган тақдирдагина кишида мунтазам равишда фаолликни ҳосил қиласи, фаолият кўрсатиш учун ундовчи доимий майлга айланади.

### **Эҳтирослар**

Эҳтирослар кишидаги барқарор ҳис-туйғуларнинг алоҳида турини ташкил этади. Одамларнинг бажараётган ишига ва ҳаётида юз бераётган нарсаларга нисбатан ички муносабати бошдан охиригача барқарор тус касб этади, доимий ҳаракат килувчи кучга айланади. Бу куч киши томонидан уни хаяжонлантирган нарса қандай идрок этилиши, тасаввур қилиниши ва хаёлга келтирилиши, унинг бир-бири билан алмашиб турадиган ҳиссиётларни, аффектларни, кайфиятларни қандай бошдан кечириши хусусиятларини белгилайди. Бу куч муайян ҳаракатларга даъват этувчи ва қарор топган ҳис-туйғуга мос келмайдиган ҳатти-ҳаракатларга қарши қудратли тўсик сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳис-туйғу кишининг тафаккур ва фаол фаолият кўрсатиши жараёнига жалб этилган бўлади. Кишининг фикрлари ва ҳатти-ҳаракатлари йўналишини белгилайдиган барқарор, чуқур ва кучли ҳис-туйғу эҳтирос деб аталади.

Эҳтирос кишини ҳис-туйғулар предмети ҳақида астойдил фикрлашга, уларнинг негизини ташкил қиласидиган эҳтиёжларни жонли ва ёрқин тасаввур этишга, бу эҳтиёжларни қондириш йўлида учрайдиган ҳақиқий ёки факат учраши мумкин бўлган тўсик ва қийинчиликлар тўғрисида ўйлашга ва ҳар томонлама мулоҳаза юритишга мажбур қиласи. Жумладан, миллий озодлик учун курашчида ватанга муҳаббат туйғуси бир қанча эзгу зиддиятлар билан

боғланган бўлиб, уни ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, пировардида ғалабага олиб бориши мумкин бўлган йўлни қатъият билан излашга мажбур этадиган енгилмас кучга айланади.

Хукмон эҳтирос билан боғлик бўлмаганлари иккинчи даражали аҳамиятга эгадек бўлиб туюлади, орқа ўринга суриб қўйилади, кишини ҳаяжонлантирмай ва қизиқтирмай қўяди, баъзан умуман унутилиб кетади. Боғлик бўлганлари эса кишини ўзига ром этади, ҳаяжонлантиради, диққатини жалб этади, эсда (бир хил пайтларда икир-чикирлари билан қўшилиб) сақланиб қолади. Қониқтирилмай қолган эҳтирос одатда кучли ҳиссиётларни ва ҳатто аффектив портлашларни (ғазабланиш, норозилик, умидсизлик, ранжиш ва ҳоказоларни) келтириб чиқаради.

#### **24.5. Ҳис туйғулар ва уларнинг шаклантириш йўллари**

Психологияда ҳис-туйғулар турларининг ҳамма учун маъқул бўлган таснифи йўқ. Қўйидаги турларни алоҳида ажратиб кўрсатиш удум бўлган: маънавий, интеллектуал (ақлий) ва эстетик (нафосат) ҳис-туйғулар.

Маънавий (ахлоқий) ҳис-туйғулар ўз мазмунига кўра, кишининг кишига ва кенгроқ маънода олганда, жамиятга муносабатини билдиради. Шахс ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида унинг хулқ-атворини бошқариб турадиган ахлоқ нормалари шу ҳис-туйғуларнинг теварак-атрофдагилардан объектив равишда олиб турадиган баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Маънавий ҳис-туйғуларга муҳаббат (кенг ва тор маънодаги), ҳамдардлик, хайриҳоҳлик, инсонпарварлик, содиқлик ва ҳоказолар киради.

Интеллектуал ҳис-туйғулар шахснинг билиш жараёнига унинг муваффақиятлилиги ва муваффақиятсизлигига муносабатини ифодалайди ва акс эттиради. Психологияда яхлит бирликда ривожланаётган фикрлаш жараёнлари ва ҳиссий жараёнлар ўртасидаги чукур боғланишлар аниқланди. Бу жараёнларнинг ўзаро бирликдаги ҳаракатида ҳис-туйғуларнинг роли шундан иборатки, улар ақлий фаолиятни ўзига хос равишда бошқариб турувчи куч сифатида намоён бўлади, филогенезда бўлгани сингари онтогенезда ҳам ҳис-туйғуларнинг ривожланиши кишида ҳиссий жавоб,

кечинмалар туғдирадиган, билиш жараёни ва унинг натижаларини баҳолаш бўлган билиш фаолияти билан биргаликда юз беради.

Қизиқиши (хиссиёт тарзидағи), ажабланиш, қизиқувчанлик, шубҳаланиш, кашф этганидан шодланиш, ҳақиқатга иштиёқмандлик ва ҳоказолар интеллектуал ҳис-туйғулар қаторига киради. Жумладан, ажабланиш ҳисси туфайли киши янги вазиятни дикқат билан таҳлил қиласи ва баҳолай бошлайди, ўни чамалай бошлайди, вужудга келган зиддиятларни бартараф этишга интилади.

Ҳис-тунғуларни, айниқса маънавий ҳис-туйғуларни тарбиялаш масаласи педагог ишида энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолади.

Интеллектуал ҳис-туйғулар шахснинг билиш жараёнига, унинг муваффакиятлилиги ва муваффакиятсизлигига муносабатини ифодалайди ва акс эттиради. Психологияда яхлит бирликда ривожланаётган фикрлаш жараёнлари ва ҳиссий жараёнлар ўртасидаги чукур боғланишлар аниқлайди. Бу жараёнларнинг ўзаро бирликдаги ҳаракатида ҳис-туйғуларнинг роли шундан иборатки, улар ақлий фаолиятни ўзига хос равишда бошқариб турувчи куч сифатида намоён бўлади. Филогенезида бўлгани сингари онтогенезида ҳам ҳис-туйғуларнинг ривожланиши кишида ҳиссий жавоб, кечинмалар туғдирадиган, билиш жараёни ва унинг натижаларини баҳолаш бўлган билиш фаолияти билан биргаликда юз беради.

Қизиқиши (хиссиёт тарзидағи), ажабланиш, қизиқувчанлик, шубҳаланиш, кашф этганидан шодланиш, ҳақиқатга иштиёқмандлик ва ҳоказолар интеллектуал ҳис-туйғулар қаторига киради. Жумладан, ажабланиш ҳисси туфайли киши янги вазиятни дикқат билан таҳлил қиласи ва баҳолай бошлайди, уни чамалай бошлайди, вужудга келган зиддиятларни бартараф этишга интилади.

Интеллектуал кечинмалар асосида кишига билиш жараёнида катта қийинчиликларни енгиш, унинг азоблари ва қувончларини бошдан кечириш, чинакам баҳтиёр бўлиш, кашфиёт қилиш имконини берадиган ҳақиқатга нисбатан умумлашган иштиёқ туйғуси пайдо бўлади. Ҳақиқатни

қидириш, унга бўлган иштиёқ пировард натижада оламда юз берадиган барча нарсаларга чукур ҳиссий муносабат туғдирган ҳолда унинг эътиқодлари билан қўшилиб кетади, инсон ақл-идроқининг чинакам кудратини қарор топтиради.

Эстетик, ҳис-туйғулар субъектнинг ҳаётида юз берадиган турли хилдаги нарсаларга ва уларнинг санъатда акс эттирилишига нисбатан аллақандай ажойиб ёки бемаъни, фожиавий ёки кулгили, олижаноб ёки жирканчли, нафосатли ёки хунук нарса сифатида муносабатини акс эттиради ва ифодалайди. Бу ҳис-туйғулар тегишли баҳоларда, бадиий дидларда гавдаланади ва эстетик завқланиш ва шод-хуррамлик ҳисси сифатида ёки улар обьекти билан шахснинг эстетик мезонлари бир-бирига мос келмай қолган тақдирда жирканиш, нафратланиш ва шу каби ҳиссиётларида намоён бўлади. Эстетик ҳис-туйғулар кишининг маданий жиҳатдан ривожланганлиги, унинг онги шаклланиши маҳсули ҳисобланади. Эстетик ҳис-туйғуларнинг ривожланганлиги ва мазмундорлиги даражаси (қолаверса, маънавий ва интеллектуал ҳис-туйғуларда ҳам шундай) шахснинг событқадамлиги, унинг ижтимоий етуклигини кўрсатадиган жиддий мезон сифатида, намоён бўлади.

Айни чоғда «юксак ҳис-туйғулар» тушунчасининг шартли эканлигини таъкидлаш лозим. Негаки, унга, жумладан, маънавий ҳис-туйғуларнигина эмас, балки маънавиятсиз ҳис-туйғулар (иззатталаблик, хасислик, ҳасадгўйлик ва бошқалар)ни ҳам, яъни амалда шахснинг ярамас ҳиссиётларини ҳам киритишга тўғри келади. Ниҳоят, аниқ равshan таснифлаш мезонининг йўқлиги сабабли маънавий, интеллектуал ва эстетик ҳис-туйғуларни психологик таҳлил жараёнида қийинчилик билан бир-биридан фарқлаш мумкин, ҳазил-мутойиба эстетик ҳис-туйғу бўла туриб, шу билан бирга интеллектуал ҳис-туйғу сифатида (агар у теварак-атрофдаги воқеликдаги зиддиятларни пайқай билиш малакаси билан боғланган бўлса) баҳолашни ва айни чоғда маънавий ҳис-туйғу деб ҳисобланиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси кишининг ҳиссий жиҳатлари бирлигини таъкидлайди.

Педагог ўз олдига маънавий, эстетик ёки интеллектуал ҳис-туйғуларни алоҳида-алоҳида шакллантиришни мақсад қилиб қўя олмайди. Вазифа ишга фақат комплекс ёндашилган тақдирда – ёш йигит ва қизнинг шахсининг тарбия жараёнида бир бутун ҳолда шакллантирилган тақдирдагина муваффакиятли ҳал этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳиссиёт тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Ҳис-туйғуларнинг вазифалари нималарда кўринади?
3. Ҳиссий ҳолатларнинг физиологик асосларини нима ташкил қиласди?
4. Инсоний эмотсиялар ва ҳайвонлардаги эмотсиялар ўртасидаги фарқни изоҳланг?
5. Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланишини қандай изоҳлайсиз?
6. Ҳисларни кечириш шаклларини қандай баҳолайсиз?

## **XXV- БОБ. ИРОДА**

**Таянч тушунчалар:** ирода, локус назорат, ироданинг физиологик асоси, ирода акти, ироданинг нерв-физиологик асослари, Ирода ва таваккал, иродавий зўр берии.

### **25.1. Иродавий ҳаракатлар ҳақида тушунча**

Инсонлар теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни билиб оладилар ҳамда ўзларининг шахсий эҳтиёжларини ва улар мансуб бўлган жамият эҳтиёжларини қондириш жараёнида уни қайта ўзгартиришга қаратилган фаолиятда уларга нисбатан ҳис-туйғуни бошдан кечирадилар.

Олдиндан мўлжаллаб қилинган иродавий ҳаракатлар.

Кишининг фаолияти – хусусий вазифалар ҳал этилаётган бошқа бир амалдан келиб чиқадиган якка ва биргаликда боғланган тизимdir. Ҳаракатлар исталган киши бажараётганига ўхшаш мақсад каби тафаккур этиладиган ёки ифодаланадиган натижани олишга қаратилган бўлади. Жумладан, ёш олма дарахти ўтқазилаётганда муайян чукурлик ковлаб, ўғит солиб, чукурнинг ўртасига қозиқ қоқилиб, у ерга ўтқазилаётган дарахтнинг илдизларини тўғрилаб ва уни бойлаб қўяётган одам ўз мақсадини амалга ошираётib, маълум режа бўйича ҳаракат килади. Бу режа иш жараёнида бир қатор тафаккур ва тасавурлар тарзида кенгаяди ҳамда кучи, тезлиги, кўлами, мувофиқлиги, аниқлиги бўйича белгиланган ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади, ҳаётта тадбиқ этилади. Алоҳида ҳаракатларни ташкил этадиган ҳаракатларни бажариш ва нимани, қандай ва қай тарзда бажариш кераклигини кўрсатадиган фикрий операциялар амалга оширилаётган пайтда предметга ҳам, қуролларга ҳам, меҳнат жараёнининг ўзига ҳам диққат жамланади, кучайтирилади. Шу билан бирга ҳаракат жараёнида у ёки бу ҳис-туйғулар бошдан кечирилади: тўсқинлик ва қийинчилиқдан қониқмаслик ва ташвиш тортиш ҳамда сезилаётган камчиликларни муваффақиятли бартараф этишдан қаноат ҳосил қилиш, меҳнат кўтаринкилиги ва чарчаганлиги, шунингдек меҳнатнинг ўзидан қувонч туйғуси.

«Майдон»да бўлган қўзғатувчи билан бевосита белгиланадиган ихтиёrsиз ҳаракатдан фарқли ўлароқ, олдиндан мўлжалланган ҳаракат бунинг учун керакли воситалар (белгилар, норматив баҳолар ва бошқалар) ёрдамида, яъни билвосита амалга оширилади. Ўқувчи чизмани ўқийди, инструкцияларни бажара олади, ишлаб чиқариш таълими устасининг кўрсатмаларини эслайди ва хоказо, шундай қилиб фаолият амалга оширилгунга қадар унинг ўз онгида тузилишини таъминлайди ва шундан кейингина ишга киришилади.

Олдиндан мўлжалланган ҳаракат ўз-ўзини бошқариш орқали амалга оширилади. Унинг структураси киши эришишни истаган мақсадни; унга эришиш учун амалга оширилмоқчи бўлган ҳаракатлар ва жараёнлар дастурини; ҳаракатлар муваффақиятлилигининг мезонларини аниqlаш ва ҳаракатларнинг олинган реал натижаларини у билан солиштириб чиқиш; пировардида амални тугаллаган хисоблаб, қарор қабул қилиш керак ёки унинг бажарилишига зарур тузатишлар киритиб, уни давом эттириш лозим. Шундай қилиб, олдиндан мўлжалланган ҳаракат ўз-ўзини бошқариш, уни ўринлаштириш ва ижро этиш устидан ихтиёрий назорат қилишни назарда тутади. Онтогенез жараёнида катталар томонидан бошқариш ва назорат функцияси олдинига бола билан биргаликдаги фаолият ва мулоқот жараёнида амалга оширилади, сўнgra эса намуналар интериоризацияси ва ҳаракатларни бажариш схемаси юз бераётганлиги сабабли боланинг ўзи ана шу схема ва намуналарга биноан ҳаракатларни назорат қилишни ўрганиб олади.

Иродавий ҳаракатлар олдиндан мўлжалланган ҳаракатларнинг алоҳида турини ташкил этади. Иродавий ҳаракатлар олдиндан мўлжалланган ҳаракатнинг барча энг муҳим белгиларини сақлаб қолган ҳолда, қийинчиликларни бартараф этишни зарур шарт сифатида ўз ичига олади. У ёки бу атайлаб қилинган ҳаракат қийинчиликни енгишда қатнашдими ёки йўқми эканлигига қараб, иродавий ҳаракатлар бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Иродавий ҳаракатлар мураккаблиги бўйича фарқланиши мумкин. Масалан, ўкувчи жисмоний тарбия дарсида биринчи марта таяниб сакрашга уринаётиб, йиқилиши ва лат ейиши мумкинлиги билан боғлиқ бўлган баъзи бир хавфсирашларни енгид ўтади. Бундай иродавий ҳаракатлар оддий деб аталади. Мураккаб иродавий ҳаракатлар бир қанча оддий ҳаракатларни ўз ичига олади. Мураккаб ишлаб чиқариш фаолиятини бажариш тўғрисида қарор қабул қиласкан, ёш йигит қатор ички ва ташқи тўсиқлар ва қийинчиликларни бартараф этади ҳамда ўз ниятини амалга оширади. Ўз навбатида, мураккаб ҳаракатлар кишининг онгли равишда қўйилган яқин ва узоқ мақсадларга эришишга қаратилган, уюшган иродавий фаолияти тизимиға киради. Унда кишининг у ёки бу иродавий фазилатлари намоён бўлади, иродаси кўринади.

**Ирода** – бу кишининг олдига қўйилган мақсадларга эришишда қийинчиликларни енгид ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ-атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз-ўзини бошқариши демакдир. Ирода – бу шахс фаоллигининг алоҳида шакли, унинг хулқ-атворини ташкил этишнинг у томонидан қўйилган мақсад билан белгиланадиган алоҳида туридир.

Ирода табиат қонунларини эгаллаб оладиган ва шу тариқа уни ўз эҳтиёжларига кўра ўзгартириш имкониятига эга бўладиган кишининг меҳнат фаолиятида пайдо бўлди.

Ирода ўзаро боғлиқ иккита вазифанинг – ундовчи ва тормозлаш (тўхтатувчи) вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди ва уларда ўзини намоён қиласди.

Ундовчи вазифаси кишининг фаоллиги билан таъминланади. Ҳаракат олдинги вазият (чақириқقا нисбатан киши айланиб қарайди, ўйинда ташланган тўпни қайтаради, қўпол сўздан хафа бўлади ва ҳоказо) билан боғлиқ бўлган пайтдаги реактивликдан фарқли ўлароқ фаоллик ҳаракатнинг айни ўзида намоён бўладиган ички ҳолатига нисбатан субъектнинг ўзига хос хусусиятини қучга киритиш ҳаракатини чиқаради (зарур ахборотни олишга

эҳтиёж сезаётган киши ўртоғини чақиради, жаҳли чиққан ҳолатда ёнверидагиларга қўполлик қилишга йўл қўяди ва ҳоказо).

Олдиндан мўлжалланмаганлиги билан фарқ қиласиган табиий хулқатвордан фарқли ўлароқ, фаоллик ихтиёрийлиги билан, яъни онгли равишдаги мақсадга мувофиқ ҳаракатнинг шартлилиги билан фарқ қиласи. Фаоллик бир дақиқалик вазият талаби билан, унга мослашув, берилган чегараларда ҳаракат қилиш истаги билан юзага келтириш мумкин ва мумкин эмас, у вазиятдан устунлиги билан, яъни асос қилиб олинган маълумотларнинг, кишининг вазият талаблари даражасига кўтарила олиш, асосий вазифага нисбатан зиёд мақсадларни қўя билиш қобилияти (қалтис иш учун таваккал қилиш», ижодий жўшқинлик ва бошқадар) билан юзага келтириш мумкин ва мумкин эмас.

Иродавий жараёнларнинг яна бир хусусиятини, унинг ундовчи функцияси кўринишлари сифатида намоён бўладиган турини ҳам кўрсатиш мумкин. Агар кишида унинг объектив зарурлигини англаган ҳолда ҳаракатни амалга оширишга фаол («бу ўринда ва эндиликда») эҳтиёжи мавжуд бўлмаса, ирода ҳаракатларнинг моҳиятини ўзгаририб юборувчи, уни янада аҳамиятлироқ қилиб қўядиган ва бу билан ҳаракатларнинг ҳаққоний асоратлари билан боғлиқ кечинмаларни вужудга келтирган ҳолда қўшимча майлларни вужудга келтиради.

Ироданинг ундовчи ва тормоз қилувчи функциялари яхлит бирлигидагина шахснинг мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишни таъминлайди.

## **25.2. Ирода борасидаги назариялар**

Ироданинг тадқиқоти узоқ тарихга эга бўлиб, у инсон онгининг моҳиятини кашф қилишдан бошланиб, муайян билимлар тўпланиши туфайли шахснинг иродаси табиатини тушунишга илмий ёндашув вужудга келган давргача бўлган тарихий йўлни босиб ўтган.

Арасту ўз даврида иродани жон ҳақидаги фаннинг муҳим тушунчаси деб эътироф этган. Унинг фикрича, ирода инсон хулқ-атворини ўзгартиришини бошқариш имкониятига эга бўлган омил ҳисобланади.

Гуманитар йўналиш, яъни инсон муаммоларига эътиборнинг ортиши билан ўз-ўзидан иродани ўрганиш ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда. XVIII-XIX асрларда бу муаммо энг марказий психологик тадқиқот масалаларидан бири эди. Бироқ психология фанида XX аср бошларида рўй берган инқироз туфайли у иккинчи режага ўтиб қолди, уни мутлақо инкор этиш мумкин эмас.

XVII асрдаёқ **Гоббс** ва **Спинозалар** таъкидлаб ўтганларидек, фаоллик манбайнини бемахсул соҳанинг пайдо бўлиши, деб тушунтириш мумкин эмас, чунки унинг шахсий куч-қувватини ҳиссий интилиш билан узвийликда қараш лозим. Спинозанинг фикрича, ирода билан ақл айнан бир нарсадир. Унга бундай ёндашиш ироданинг илмий нуқтаи назардан тушунтиришни шакллантирган бўлса, иккинчи бир томондан у мустақил субстансия сифатида тан олинди. **В.Вундтнинг** мулоҳазасича, ироданинг негизида апперцепция актининг субъекти томонидан ички фаоллик уники эканлигини ҳис этиш ётади. Унинг бу концепцияси эмоционал ёки аффектив ном билан психология фанига кириб келди. **У.Джеймснинг** тан олишича, иродавий ҳаракатлар бошқа руҳий жараёнларга қориштириб бўлмайдиган бирламчи хусусиятга эгадирлар. Ҳар қандай ғоя дастлаб динамик тенденцияга эга бўлганлиги туфайли иродавий актнинг вазифаси диққат ёрдами билан бир ғоянинг бошқаси устидан устуворлигини таъминлашдан иборатdir.

Етарли даражада қатъий фикр қарор топганлиги, ирода – бу инсоннинг кўйилган мақсадларига эришиш учун қилган фаоллигидир. Ирода тушунчаси моҳиятига инсон томонидан мақсад қўя олиш қаби шахсий гавдасини ва хулқини идора қилиш ҳам киритилади. **И.В.Селиванов** иродани тадқиқ этиш негизидан келиб чиқкан ҳолда айрим хulosаларни чиқаради:

*a) ирода – бу шахснинг ўз фаолиятини ва оламдаги ўзини-ўзи бошқариш шаклларини англашнинг тавсифидир;*

*б) ирода* – инсон яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб, у онгининг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир;

*в) ирода* – бу амалий онг, ўзгарувчи ва қайта қурилувчи олам, шахснинг ўзини онгли идора қилишиликдир;

*г) ирода* – бу шахснинг ҳиссиёти ва ақл-заковати билан боғлиқ бўлган хусусиятидир, аммо қайси дир ҳаракатининг мотиви, турткиси ҳисобланади.

**В.И.Селиванов** ироданинг психологик жабҳаларини ёритаётib, у шундай ғояни илгари суради, инсоннинг онгини жараёнлар, ҳолатлар, хислатларни ўзида мужассамлаштирувчи яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шахснинг у ёки бу онгли ҳаракати ўзининг тузилишига кўра бир даврнинг ўзида ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам иродавий ҳисобланади.

Тадқиқотчи **В.И.Иванников** эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади. Шунингдек, ҳаракат маъносининг ўзгариши ҳисобига тармоқловчи ёки қўшимча турини яратувчи имконият янги реал мотивларни ҳаракат билан бирлаштирувчи, ёинки вазиятнинг тасаввур мотиви тариқасида талқин қиласди. Иродавий бошқарув эса ҳаракатни “ихтиёрий бошқарув кўринишларининг биттаси сифатида” тушунилади, бунда бошқарув мотивациянинг ихтиёрий ўзгариши орқали амалга оширилиши сифатида қаралади.

Келтирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, психология фанида иродани тушуниш, таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмагандай, иродавий сифатларнинг маънавий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, мустақиллик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик, интизомлилик, дадиллик, жасоратлилик ва тиришқоқлиликни киритади.

**П.М.Якобсон** бўлса, ироданинг муҳим сифатлари сифатида мустақиллик, қатъийлик, тиришқоқлик ўзини уddaлашни қўрсатади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сарасига А.И.Шчербаков куйидагиларни киритади: событқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилик, уринчоқлик ва қатъиятлилик, чидамлилик ва ўзини уddaлашлик, ботирлик ва жасоратлилик.

Ирода борасидаги тадқиқотларда “ишонч” атамаси қўлланилиши камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Шунга қарамасдан ишонч, ирода сифати тариқасида тадқиқ этилишга ҳақлидир. Бунинг учун **А.И.Шчербаков** томонидан қуидагича тадқиқот иши амалга оширилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бир талабага қисқа вақт (фурсат) ичида инсититутни тугатиш таклиф қилинган, лекин синаувчи бу ишни уддасидан чиқа олмасликни ошкора билдирган. Шундан сўнг тадқиқотчи талабада ўз кучига ишонч уйғотишини мақсад қилиб қўйган ва унда иродавий зўр бериш, қийинчиликларни енгиш воситаларини шакллантирган. Бунинг натижасида талаба ўз мақсадига эришишга мушарраф бўлган. Худди шу боис ҳозирги замон психологиясининг иродага оид назарияси заифлиги туфайли иродавий сифатларни таснифлашнинг асосий тамойили ишлаб чиқилмагандир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тиришқоқлик, қатъиятлик сифатлари билан бир қаторда чидамлиликни иродавий хислатларнинг етакчиси тариқасида тан олиш, қийинчиликларга қарамасдан, ҳаракатни давом эттиришга интилиш тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этиши шакшубҳасиз. Лекин оғрикка чидаш, бардошликка мойиллик нуқтаи назардан ёндашинилганда эса ироданинг эркинлиги таъбири, иродавий соҳанинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши моҳияти юзасидан методологик нуқсоний талқин юзага келиши мумкин.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, то ҳозиргача психология фанида асосий, муҳим иродавий сифатларни таснифлашнинг умумбирлик тамойили мавжуд эмаслиги туфайли аксарият ҳолларда бир иродавий хислат қўшалоқ атама билан белгиланиши давом этиб келмоқда (масалан, мустақиллик ва ташаббускорлик, журъат ва дадиллик, тиришқоқлик ва қатъиятлик, вазминлик ва ўзини уddaлаш қабилар).

### **25.3. Ироданинг нерв-физиологик асослари**

Иродавий яъни ихтиёрий ҳаракатларнинг нерв-физиологик асосида бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг шартли рефлекслар ҳосил қилишдан иборат бўлган мураккаб фаолияти ётади. Иродавий ҳаракатлар ҳар доим тўла

онгли ҳаракатлар бўлгани учун бош мия пўстлоғида юзага келадиган оптимал қўзғалиш манбалари билан ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳақда академик И.П.Павлов шундай деб ёзган эди: “Менинг тасаввуримча, онг айни шу чоғда худди шу шароитнинг ўзида маълум даражада оптимал (ҳар ҳолда ўртача бўлса керак) қўзғалишга эга бўлган бош мия катта ярим шарларининг айрим жойларидағи нерв фаолиятидан иборат”.

Бундан ташқари иродавий ҳаракатлар онгли ҳаракатлар сифатида иккинчи сигналлар тизимининг фаолияти билан боғлиқдир. Маълумки, одам айрим ножӯя ҳаракатлардан ўзини сўзлари орқали (яъни ўзига-ўзи панд-насиҳатлар қилиш ёки тарбия бериш орқали ) ушлаб қолади. Шунинг учун иродавий, ихтиёрий ҳаракатларни амалга оширишда иккинчи сигналлар тизимининг роли жуда каттадир. Ана шу сабабдан бўлса керак академик И.П.Павлов иккинчи сигналлар тизимига баҳо бериб, бу сигналлар тизими инсонлар хулқ-атвори ва ихтиёрий ҳаракатларининг юксак бошқарувчисидир” - деган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, ирова иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимига асосланган ҳолда ишлайди. Агар иккинчи сигналлар тизими ўз фаолиятида биринчи сигналлар тизимида асосланмаса, одамнинг акс эттириш жараёни маълум бир тизимли, маъноли бўлмайди. Иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимида асосланиши билан бирга унинг фаолиятини бошқариб, назорат қилиб туради. Демак, иродавий, ихтиёрий ҳаракатларда иккинчи сигналлар тизими билан бирга биринчи сигналлар тизими ҳам иштирок этади.

Иродавий ихтиёрий ҳаракатларни амалга оширишда нерв тизимининг умумий нормал ҳолати ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, узоқ давом этадиган қаттиқ касалликдан сўнг нерв тизими ниҳоятда мадорсизланиб, одамнинг иродаси бўшашиб кетади. Одам бирор ишдан қаттиқ чарчаган пайтда ҳам нерв тизими заифлашиб, иродаси бўшашиб кетади. Ана шунинг учун ироданинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида одам вақти-вақти билан дам олиб туриши керак.

## Детерминизм ва ирова эркинлиги

Фалсафа ва психологияда идеализм киши иродасини алоҳида, ҳеч нарса билан белгиланмайдиган ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган (яъни индетерминистик), кишига у ёки бу ҳаракатни танлаш ва амалга ошириш имконини берадиган куч деб қарайди. Бунда бутун психик фаолият ҳеч нарса билан белгиланмайдиган, онгиз равища бўладиган энг дастлабки фаолликка бўйсунган бўлади. Америка психологи У.Жемс ҳаракатда ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган иродавий ҳукмга етакчи роль беради. Образли тарзда бу қуйидагича тасаввур қилинарди: киши ўз-ўзига (лотинча «Ха бўлақолсин!» деган маънога эга бўлган сўзни билдиради) дейди ва гўё ана шу биринчи галги мистик туртки билан белгиланмаган ҳолда иш амалга оширилади.

Амалда кишининг ишлари ва ҳаракатлари объектив равища белгилангандир. Иродавий ҳаракатни ўз ичига оладиган мотивлар ҳозир ва ўтмишда ўрин олган ташки таъсиrlар натижаси тариқасида, кишининг психик ривожланиши жараёнида унинг ҳаёт ва фаолият ҳодисалари билан фаол муносабати натижасида таркиб топади ва юзага чиқади. Иродавий ҳаракатларнинг детерминизмлашганлиги факти (сабабий боғланганлиги) у ёки бу фаолият усули кишига зўрма-зўраки берилганини, у ўз қилмишлари учун жавобгар эмаслигини ва уларнинг пешонасига ёзилганлигини далил қилиб қўрсатиш хуқуқига эга эканлигини билдирмайди. «Детерминизм идеяси инсон ҳатти-ҳаракатларнинг зарурлигини таъкидлаб ўтиб, ирова эркинлиги тўғрисидаги бемаъни эртакни рад қилар экан, инсоннинг ақлини ҳам, виждонини ҳам, унинг ҳаракатларининг қадр-қимматини ҳам заррача йўқ қилмайди. Тамоман аксинча, факт детерминизм нуқтаи назаридан қарагандагина эркин ирова устига ҳамма нарсани ағдаравермасдан, жиддий ва тўғри баҳо бериш мумкин».

Назоратнинг ички локаллаштирилиши хос бўлган ўқувчи «икки» олганда буни топшириқ ёхуд унга қизиқарли эмаслиги билан, ёхуд фаромушхотирлиги билан, ёхуд диққатини бўлиб қўйганликлари билан ва шу кабилар билан тушунтиради. Назоратнинг ички локаллаштирилиши хос

бўлган одамлар мақсадга эришишда анча масъулиятли, изчил ўз-ўзини таҳлил қилишга мойил, киришимли ва мустақил бўлиши аниқланган. Ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга эга бўлган иродавий ҳаракатнинг интернал ёки экстернал локаллаштирилиши шахснинг тарбия жараёнида шаклланадиган барқарор фазилатидир.

### **25.3. Ирода ва таваккал**

Кишининг таваккалчилик шароитидаги ҳатти-ҳаракати ироданинг характерли кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади.

Таваккалчилик – бу субъект учун унинг чеки номаълум ва муваффақиятсизликка дуч келганда мумкин бўладиган ноқулай оқибатлар (жазолаш, оғриқ таъсирини ўтказиш, жароҳат, обрўни йўқотиш ва шу каби) ҳақидаги тахминлар мавжудлиги шароитидаги фаолиятнинг характеристикасидир. Таваккалчилик пайтида кутилаётган нохушлик бундай ҳолатдаги муваффақиятсизлик эҳтимоли ва ноқулай оқибатлар даражасининг уйғунлаштирилиши билан белгиланади. Шундай савол туғилади: агар мағлубият эҳтимоли кўп бўлса, мағлубият учун эса жазо анча кучли бўлса, киши нимани деб таваккал қиласди? Психология таваккал қилиш учун зарур шарт сифатида ироданинг қўшилишини назарда тутувчи таваккал қилиш ҳатти-ҳаракатнинг иккита ўзаро боғланган сабабини ажратиб кўрсатади.

Таваккалчиликнинг биринчи сабаби ва тегишли равища таваккалчиликнинг биринчи тури бу ютуққа умид боғлаш, муваффақият қозонилганда кутилаётган катталиктнинг муваффақиятсизликлар оқибати даражасидан ортишидир (ситуатив таваккалчилик). Бу ўринда муваффақият мотивацияси муваффақиятсизликдан қутилиб қолиш мотивациясидан кучлироқдир. Агар кундалик хулқ-атвор ишлар учун қарама-қарши боғланишлиги эътиборга олинадиган бўлса – муваффақиятсизликдан кутулиш мотивацияси муваффақият мотивациясидан каттароқ кучга эга бўлади, бунда шу нарса равshan бўладики, таваккалчилик – қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Лекин бундай хулқ-атвор, гарчи кишидан иродавий қарорни талаб қиласдиган бўлсада, унчалик ноёб

нарса эмас. Отрядга бошчилик қилган ва кичик кучлар билан чап берадиган маневрлар ишлатган командир ўзининг охирги резервini йўқотиш ва бунда ўзи ҳам ўлиб кетиши мумкин бўлган таваккалчилик қиласи, лекин стратегик жиҳатдан аҳамиятли баландликни эгаллаб, тўсатдан душманнинг орқа томонига чиқиб олишнинг муҳимлиги мазкур қарорни оқлади. Офицернинг таваккалчилик вазиятидаги иродавий қарор қабул қилишига имкон берган мардлиги, ташаббускорлиги ва қатъийлиги жангда ютуқни ҳам, душман устидан ғалабани ҳам таъминлайди.

Оқланган ва оқланмаган таваккалчилик фарқ қилинади. Оқланган таваккалчилик якуннинг ҳар қандай ноаниқлиги ва муваффақиятсизлик келтириши мумкинлигига қарамай оқланмаган таваккалчиликдан фарқ қилиб, иродавий қарорга келаётган пайтда барча «ёқловчи» ва «қаршиларни», таваккалчилик ҳатти-ҳаракатини белгиловчи мотивларнинг ғоявий ва ахлоқий юксаклиги, оқилона равишда ўйлаб кўришни ва шундай қилиб, ҳаракатнинг хавфсиз вариантига нисбатан хавфли вариантини афзал кўришни назарда тутади. Бунда ҳаракатнинг якуни тасодифга (омад келади ё келмайди) боғлик бўладиган ёки, аксинча, муваффақият таваккал қилаётган кишининг шахсий сифатлари (унинг қобилияtlари, қатъийлиги, малакалари ва ҳоказолар) билан белгиланадиган вазиятлар бўлиши мумкин.

#### **25.4. Иродавий акт структураси**

Ироданинг асосини, худди умуман субъектнинг фаоллиги каби, унинг ҳатти-ҳаракатлари ва ишларининг кўп тармоқли ва хилма-хил мотивлаштирилишига сабаб бўлувчи эҳтиёжлари ташкил этади.

Психологияда мотивлаштириш деганда психологик ҳодисаларнинг ўзаро мустаҳкам боғланган мотивацияси бир-бирига тўла мос келмайдиган нисбатан мустақил учта тури тушунилади. Бу, биринчидан, индивиднинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлик бўлган фаолиятга ундовчи сифатида намоён бўлувчи мотив сифатидаги мотивлаштиришdir. Бу ҳолда мотивлаштириш фаоллик ҳолати умуман нима учун пайдо бўлишини,

субъектни фаолият кўрсатишга қандай эҳтиёжлар ундаётганини изоҳлаб беради.

Иккинчидан, мотивлаштириш фаоллик нимага қаратилганлигини, нима учун қандайдир бошқа хулқ-автор эмас, балки худди шунақаси танланганлигини изоҳлаб беради. Бу ерда мотивлар хулқ-автор йўналишини танлашни белгилайдиган сабаблардир. Булар биргалиқда киши шахсининг йуналишини ташкил этади.

Нихоят, учинчидан, мотивлаштириш киши аҳлоқи ва фаолиятни ўзи бошқарадиган восита ҳисобланади. Бу воситаларга эмоциялар, истаклар, қизиқишлиар ва бошқалар киради. Жумладан, эмоцияда у ёки бу ахлоқ актининг шахсий моҳияти баҳоланади ҳамда унинг пировард мақсади фаолиятга мос келмай қолган тақдирда эмоциялар унинг умумий йўналишини ўзгартириб юборади, аҳлоқни қайта қуради, дастлабки ҳаракатни кучайтирувчи қўшимча истаклар уйғотади ва ҳоказо.

Иродавий актда (иродавий ҳаракатда) уни мотивлаштиришнинг барча учта томони – фаоллик манбаи, унинг йўналганлиги ва ўз-ўзини бошқариш воситалари намойиш қилингандир.

### **Иродавий актнинг бўғинлари**

Шундай қилиб, эҳтиёжлар бир хил ҳаракатлар бажарилишини белгилайдиган ва бошқаларининг бажарилишига халақит берадиган ҳар хил мотив (сабаб)ларга айланади. Иродавий ҳаракатларнинг сабаблари ҳамиша озми-кўпми даражада англанилган характерда бўлади.

У ёки бу эҳтиёжнинг қанчалик англанилганига боғлиқ ҳолда интилиш ва истакни ҳам фарқ қилса бўлади.

Интилиш – ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан иборат фаолият мотивидир. Масалан, киши кимгадир интилишни бошдан кечираётиб, ўз интилишининг объектини кўрганда, у билан гаплашганда мамнун бўлади ва шу сабабли беихтиёр бу учрашувга интилади. Лекин баъзида ҳузур-ҳаловатга сабаб бўлган нарсани у англамайди. Интилиш сал-пал, ноаниқдир.

Истак – фаолиятнинг мотиви сифатида эҳтиёжнинг етарли даражада тушуниб етилганлиги билан характерланади. Бунда фақат эҳтиёж объекти эмас, балки уни қондиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳам тушуниб етилади. Масалан, новатор ишчи меҳнат унумдорлигини анча ошириш истагини билдириб ва бу ҳақиқий ижтимоий эҳтиёж сифатида ташвиш тортиб, ўз становини янада такомиллаштириш тўғрисида ўйлайди, ўз иш графигини яна кайта кўриб чиқади, ҳар бир ҳаракатини ҳисобга олади ва ҳоказо.

### **Иродавий зўр бериш**

Иродавий актнинг энг муҳим бўғинлари – қарор қабул қилиш ва уни ижро этиш – кўпинча алоҳида ҳиссий ҳолатнинг иродавий зўр бериш сифатида тавсифланадиган ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иродавий зўр бериш бу ҳиссий ҳаяжон шакли бўлиб, кишининг ҳаракатга кўшимча мотивларни вужудга келтирувчи, гоҳида йўқ бўлиши ёки етарли бўлмовчи ички ресурсларини (хотираси, тафаккури, хаёли ва бошқаларни) сафарбар этувчи, ва анча зурайиш ҳолати каби бошдан кечириладиган сабаблардир.

Иродавий зўр бериш натижасида бир хил мотивларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиб, бошқаларининг ҳаракатини ҳаддан зиёд кучайтириш мумкин бўлади. Бурч ҳисси билан туғилган иродавий қуч-ғайрат ташқи тўсиқларни бартараф этишга (оғир вазифани ҳал этишда, дала ишларида ёки ишлаб чиқаришда чарчоқни босишда ва ҳоказоларда) ва уларни психикада ички қийинчиликлар кабилида акс эттиришга (қизиқарли китобдан чалғиб кетишини истамаслик, режимни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик ва бошқалар) ҳаракат қилишга сафарбар этади. Иродавий қуч-ғайрат ишлатиш натижасида дангасалик, қўрқув, чарчаш кабилар устидан қозонилган ғалаба анчагина ҳиссий завқ беради, ўз устингдан эришилган ғалаба каби бошдан кечирилади.

Ташқи тўсиқ енгиб ўтиш лозим бўлган ички қийинчилик, ички қаршилик каби бошдан кечириладиган бўлса у иродавий зўр беришни талаб қиласди.

## **25.5. Ироданинг индивидуал хусусиятлари**

Ирода фаолиятнинг ички қийинчиликларини енгишга қаратилган онгли тузилма ва ўз-ўзини бошқариш сифатида энг аввало ўзига, ўз ҳиссиётларига, ҳатти-ҳаракатларига хукмронлик қилишдир. Бу хукмронлик ҳар хил одамларда ҳар хил даражада ифодаланиши ҳаммага маълумдир. Оддий онг ўзининг намоён бўлиши тезлигига қараб фарқланадиган, бир қутбда ироданинг кучи, бошқа бирида эса кучсизлигини ифодалайдиган ироданинг индивидуал хусусиятларининг спектрини қайд қиласди. Кучли иродага эга бўлган киши қўйилган мақсадларга эришиш йўлида учрайдиган истаган қийинчиликларни бартараф эта олади, айни чоғда қатъийлик, мардлик, жасурлик, чидамлилик каби иродавий фазилатларни намоён қиласди. Иродаси суст кишилар қийинчиликлар олдида ожизлик қиласдилар, қатъиятлик, сабр матонат кўрсатмайдилар, хулқ-атвор ва фаолиятнинг анча юксак, маънавий жиҳатдан оқланган мотивлари учун ўзларини тута билмайдилар, бир дақиқалик ишни йўқота олмайдилар.

Иродаси сустликнинг намоён бўлиш доираси худди кучли ироданинг характерли сифатлари каби ранг-барангдир. Иродаси сустликнинг энг чекка даражаси психика нормаси чегарасидан ташқарида бўлади. Абулия ваapraksia, масалан, шунга киради.

Абулия – мия патологияси заминида юзага келадиган фаолиятга интилишнинг йўқлиги, ҳаракат қилиш ёки уни бажариш учун қарор қабул қилиш зарурлигини тушунган ҳолда шундай қилолмаслиkdir.

Врачнинг айтганини бажариш зарурлигини аниқ фаҳмлаган абулияга мубтало бўлган бемор бунинг учун бирон нарсани қилишга ўзини мажбур қила олмайди. Табиий хулқ-атвор унинг учун энг характерлидир.

Апраксия – мия тузилишининг шикастланиши натижасида келиб чиқадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигининг мураккаб бузилишидир. Агар нерв тўқималарининг бузилиши миянинг пешана қисмларида тўхтаб қолса, ҳатти-ҳаракатларни эркин тўғрилашни бузилишида намоён бўладиган

апраксия бошланади. Бу ҳаракатлар берилган дастур ва бинобарин, иродавий актнинг бажарилишини қийинлаштириб қўяди.

Абулия ва апраксия – психикаси оғир касалланган одамларга хос, нисбатан камёб ҳодисалардир. Педагог кундалик ишда дуч келадиган ироданинг сустлиги, одатда, мия патологияси билан эмас, балки нотўғри тарбия билан белгиланади, шу сабабли болалар ва ўсмирлар шахсини мақсадга мувофиқ шакллантириш натижасида тўла бартараф этилиши мумкин. Ялқовлик – кишининг қининчиликларни енгишдан бош тортишга интилиши, иродавий куч-ғайрат кўрсатишни қатъий равища истамаслиги ирода сустлигининг энг типик кўринишидир.

Ироданинг ижобий фазилатлари, унинг кучининг намойиш қилиниши фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди, киши шахсини энг яхши томондан кўрсатади. Бу каби иродавий фазилатларнинг рўйхати жуда катта; қаҳрамонлик, саботлилик, қатъийлик, мустақиллик, ўзини тута билиш ва кўпгина бошқалар.

### **Иродани тарбиялаш ва ўзини-ўзи тарбиялаши**

Ўқувчилар, ўспириналар ва ёшлар билан иш олиб борувчи педагог уларга иродавий фазилатлар унинг, кучли ирода мавжудлигининг, иродасизлик хавфининг аҳамиятини исботлаб ўтиришга ҳожат қолмайди. Улар учун бу аксинча бўлиб қолган. Лекин бадиий адабиётда ва айниқса кинофильмларда жараённинг ўзидан кўра кўпроқ ироданинг шакллантириш натижаси кўпроқ акс эттирилган. Педагогнинг вазифаси – факат иродавий фазилатлар доирасини кўрсатиб беришдан, уларнинг муҳим ахлоқий принциплари билан ички алоқасини очиб беришдан ташқари ўз иродасини ўзи тарбиялашга интилувчи ўқувчига ёрдам бериш, иродавий фазилатларни ривожлантиришнинг қандай усувлари кам самарадор ва қайси бирлари жиддий ёрдам бермаслигини кўрсатишдан иборатdir. Агар педагогик адабиётда таъриф-тасвирланган иродани ўзлари тарбиялаш билан шуғуланаётган ёшлар қўллаётган содда ва ясама усувларга эътибор берадиган бўлсак, яна ҳам муҳимдир. Ўқувчилардан бири «сабр-тоқатини

ривожлантириш» учун кинокомедия кўрсатилаётганда кулмасликка ҳаракат қилди, кимдир қўлини пичоқ билан кесди ёки карнис бўйлаб саёҳат қилди ва ҳоказо. Иродани мустақил тарбиялашнинг ана шу усуллари самарасизлиги энг аввало шундаки, ўспирин бир лаҳзалик «иродавий ҳатти-ҳаракат»ни амалга ошириб, ўзининг иродаси қучли эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлаб олади. Аслида эса иродани мустақил тарбиялашдек асосий муаммони кундалик ҳаётда, ўқишида ва биринчи навбатда учрайдиган қийинчиликларни мунтазам равишда бартараф этиш ташкил этади. Бунинг устига меҳнат, ўқиш, спорт фаолиятнинг ҳар бир дақиқаси иродани чиниқтириш учун ўқув, меҳнат ва бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳалақит берадиган бир дақиқалик истакларни бартараф этиш учун шароит яратади.

Иродани мустақил тарбиялаш усуллари жуда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси қўйидаги шартларга амал қилишни ўз ичига олади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ирода тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Иродавий фаолиятнинг умумий хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Ирода назарияларининг моҳиятига таъриф беринг?
4. Иродавий акт ва унинг тузилишини мазмунини кўрсатинг?
5. Шахснинг иродавий сифатларига нималар киради?
6. Ироданинг индивидуал хусусиятларининг мазмунини изоҳланг?

## **XXVI-БОБ. ШАХС ЙЎНАЛГАНЛИГИ ВА ФАОЛИЯТ МОТИВИ**

**Таянч тушунчалар:** *Мотив, мотивация, мотивлар кураши, эҳтиёж, мотивация назариялари.*

### **26.1. Мотив ва мотивация тушунчасининг мазмуни**

Энг кенг тарқалган таърифларга кўра, **мотив** – бу кишини фаолиятга ундовчи куч, сабаб ёки эҳтиёжлар йифиндисидан иборатdir.

Мотив тушунчасига олимлар томонидан қуидагича таъриф берилади:

А.Маслоунинг фикрича, **мотив** бу эҳтиёжлар йифиндисидир.

С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, **мотив** бу эҳтиёжнинг ҳис қилиниши ва қондирилиши.

С.Л Рубинштейн. “**Мотивация** – бу психика орқали амалга ошувчи детерминасиядир”.

А.Н.Леонтьев – **мотивни** инсон фаолиятига йўналган аниқ эҳтиёжлар ва уни қўзғатадиган воқелик деб хисоблайди.

**Мотив** – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

**Мотивация** кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-авори, фаолиятининг) мураккаб кўп қиррали бошқарувчиси деб қаралади.

**Мотивация** – инсонни фаолиятга ундашнинг мураккаб, кўп даражали тизими бўлиб, у ўзида эҳтиёжларни, мотивларни, қизиқишлиарни, идеалларни, интилишиларни, установкаларни, эмотсияларни, нормаларни, қадриятларни мужассамлаштиради.

**Мотивация** – мураккаб тузилма, фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлар мажмуаси бўлиб, у ўзини майллар, мақсадлар, идеаллар кўринишида намоён қиласида ва инсон фаолиятини бевосита аниqlаб, бошқариб туради.

**Мотивация** – одамни фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуидир.

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли-туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узок ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан

фарқданувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашди. Шунга мувофиқ адабиётларда психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида мотив ва мотивация тушунчаси турлича талқин қилинган.

Мотив кенг маънода хулқ-автор детерминацияси белгиланишига қарамай, кўпгина чет эл тадқиқотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талқин қилиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоқи улар шартсиз рефлектор актларининг микдорини, аффектив, стресс ва экспрессив реакцияларни мотив тизимиغا киритмайдилар. Бир қатор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соғ маънодаги энергетик биокувват фаоллигининг манбаи сифатида талқин қилиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равища тушунтиришга интиладилар. Жумладан, З.Фрейд (856-1939) мотивнинг қонун-қоидаларини фақат динамик энергетик ҳолат тариқасида талқин қиласди. Бир гуруҳ чет эл психологларининг фикрига қараганда, мотив – бу тажриба ва реакцияларнинг энергетик жабҳасидан иборатдир<sup>16</sup>.

**В.С.Мерлин** мотивлар тизимларининг айрим жиҳатларини анча батафсил ёритиб берган. У мотивлар тизимларининг шаклланиш жараёнини қуидагича тасаввур этади: “турли мотивлар бора-бора ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе бўлиб боради ҳамда охир оқибатда мотивларнинг яхлит тизими вужудга келади”. В.С.Мерлин фикрича, мотивлар тизимининг шаклланиши жараёнида нафақат мотивлар барқарорлиги, балки мотивларни англаш каби шартлар бажарилишини талаб этилади. Демак, В.С.Мерлин бўйича мотивлари тизимлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе шахс мотивларининг бир бутун йигиндисидан иборат. Аммо В.С.Мерлин гарчи мотивлар тизимларининг айримларини ҳақиқатдан ҳам муҳим жиҳатларини кўрсатиб ўтган бўлса ҳам, мотивлар ўртасидаги тизимли муносабатларни мотивлар тизимлари ва фаолият кўрсатиш муаммосини тадқиқ этмаган.

---

<sup>16</sup> Э.Ф.Фозиев. Умумий психология. Дарслик. Т.: 2010 йил.

Машхур немис олими **Курт Левин** мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта, кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсаны аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади.

Мотивация тушунчасини турлича ифодалаш, мотивациянинг мазмуни ва энергетик томони ҳақидаги муҳим савол психологлар томонидан ифодалаб берилди. Хориж психологлари учун мотивация тушунчасини характерли аниқ бир томонлама энергетик фаоллик манбаи сифатида қаралади, улар мазмунли томонига эътибор бермай, аниқ механизмлар сифатида энергия, бошқарув ва хулқ-атворга тақсимлайдилар.

Иерархик, даражавий тузилиш – бу тизимлилик хусусиятига эга бўлган ҳодисаларнинг бир жиҳатидир. Шу туфайли шахс мотивацион соҳасининг иерархиясини самарали тадқиқ этиш учун уни мотивацион ҳодисаларнинг бошқа жиҳатлари билан алоқадорликда ўрганиш зарур бўлади. Мотивацион ҳодисалар тизимлилигини тадқиқ этишда асосий эътибор эса бу ҳодисалар ўртасидаги тизимли муносабатларни ўрганишга қаратилиши керак. Бу борада **P.C. Вайсманнинг** шахс мотивацион соҳасининг тизимлилиги ҳақида билдирилган фикри алоҳида эътиборга лойик. Унинг ёзишича, “Мотивацион соҳанинг тизимлилиги – мотивацион ўзгарувчилар ўртасидаги алоқадорлик, хилма-хил муносабатлар мавжудлигига намоён бўлади. Шундай муносабатлардан бири иерархик муносабатdir. Яна бир турдаги муносабатни “рўёбга чиқариш” муносабати деб аташ мумкин. Бу муносабат шуни англатадики, ҳар бир эҳтиёжнинг қондирилишида турли мотивлар йиғиндинсининг рўёбга чиқарилиши мумкин. Учинчи турдаги муносабат шунда намоён бўладики, ҳар хил эҳтиёжларнинг қондирилишида бир мотив иштирок этади ёки аксинча, бир эҳтиёж қондирилишида турли мотивлар катнашади. Бундай муносабат “ўзаро тобелик” муносабати номини олди.

Чет эл олимларининг мотивация соҳасидаги тадқиқотлари орасида **Г.Оллпортнинг** мотивлар функционал автономияси назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу назарияда мотивлар трансформацияси, тизимли ривожланиши

жараён сифатида талқин этилади. Г.Оллпорт ўз концепциясида тизимларнинг умумий назарияси ғояларидан, айниқса, очик тизимлар ҳақидаги ғоядан кенг фойдаланган. Олимнинг фикрича, шундай мотивлар борки, улар ярим ёпиқ тизимларнинг табиатига монанд фаолият кўрсатади ва ривожланади, яъни функционал автономияга эга. Бир тизимга кирувчи мотивларни Г.Оллпорт реактив, ташқи ундовга муҳтоҷлик қонунларига бўйсунувчи мотивлар, деб атайди. Аммо Г.Оллпортиң таъкидлашича, шахс очик тизимлар каби ўзгарувчи ва ривожланувчи мотивлар билан тавсифланади, деган фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Агар аввалги тизим мотивларнинг персевератив функционал автономияси, деб аталган бўлса, кейинги тизимни Г.Оллпорт проприатив функционал автономия, деб атайди. Очик, ёпиқ ва ярим очик тизимлар ҳақида тўхталар экан у ёпиқ тизим моделини шахс ва унинг мотивациясига қўллаб бўлмаслигини таъкидлаганди. Очик функционал тизим тараққиёт учун замин ҳозирлайди, уни эса ундовчи муҳтоҷлик доирасида тушунтириб бўлмайди.

Хориж психологларидан неофрейдистлар ҳисобланмиш **А.Адлер, К.Юнг** кабилар томонидан илгари сурилган мотив ва мотивация борасидаги назарияларга асосий эътиборни қаратамиз. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч унинг фаолияти мақсадини аниқловчи, уларга эришиш йўллари манбаи ҳисобланади. **Хорнининг** таъкидлашича, инсон хулқи мотивациясини бошқа мотивлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Жумладан, бирламчи безовталаниш атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эҳтиёж эса инсонни бошқа одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишини вужудга келтиради. **Э.Фромм** ҳам ўз қарашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни қизиқтирган муаммо инсон хулқи жабҳаларида ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир.

Гештальтпсихология мактаби намоёндалари учун мотивация ўзига хос талқинга эга бўлиб, унинг моҳиятини экспериментал тарзда ўрганишга нисбатан интилиш юқори кўрсаткичга эга эканлиги билан бошқалардан

ажралиб туради. **К.Левин** (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлақо мустақил ҳолат шароитида тушунтиришга ҳаракат қылган ва бу борада муайян мұваффақияттарға эришган. Гештальтпсихология мактабининг намоёндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта ахамиятли бўлса, К.Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай мұхим ахамият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли маъновий мазмуни эса инкор қилинади.

К.Левин мотивни қуидагича ифодалайди: **мотив** – муайян мұваффақиятли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол мұхит билан мұносабатларидан келиб чиқувчи воқеликдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивацион ўзгариш ҳукм суриши тан олинади. Гештальтпсихологларнинг асарларида шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, уларда хулқ мотивацияси муаммолари шахснинг мұхим хусусиятларини таҳлил қилиш негизидан келиб чиқиб қаралади. Ушбу ҳолат Г.Оллпорт концепциясида яққол кўзга ташланади. Унингча, энг мұхим жиҳат бу инсон хулқини ўзгариш сабабларини очишидир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивлар омилларини текширишлари ҳам алохида ахамиятга эга эканлигини англаң етиш қийин эмас.

Рус олими **Р.Немов** шахсдаги мотивацион соҳани қуидагича тасаввур қиласи.

Умуман ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гурӯхга бўлиш мумкин.

1. Биологик эҳтиёжлар – физиологик, жинсий мослашув эҳтиёжлари.
2. Ижтимоий эҳтиёжлар – бу меҳнат қилиш билан эстетик ва ахлоқий, маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлгани билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни улар ўша жамият ва мұхитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро мұносабатлар характеристига боғлиқ бўлади.

## **26.2. Хориж психологиясида ўқиши мотивларининг назарий таҳлили**

Ўқиши, ўқув фаолияти мотивлари ҳақидаги чет эл олимларининг асарларида илгари сурназарини таҳлил қиласар эканмиз, қуидагиларга эътиборни қаратиш жоиздир. Жумладан, немис олими **З.Фрейд** ва **У.Макдаугалл** мотивацион омил сифатида ҳайвонлардаги органик эҳтиёжларни, яъни инстинктни одамларга нисбатан қўллай бошлашди ва инсон феъл-авторига бўлган қарашлар ичида биринчи назария сифатида майдонга чиқди.

Булардан ташқари XX аср бошларида яна икки янги йўналиш пайдо бўлади, бу мотивацияниң хулқ назарияси ва олий асаб фаолияти назариясидир.

Инсон хулқи аффектив когнитив детерминацияси муаммосини таҳлил қила туриб, когнитив психологияниң бошқа вакили **Х.Хекхаузен** шундай хулосага келади-ки, фаолият детерминацияси когнитив (билиш) ва аффектив жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан, улардан қайси бири рағбатлантирувчи куч эканлиги ҳақидаги савол ўз маъносини йўқотмади.

**А.Н.Леонтьевнинг** фикрича, биз «фақат тушуниладиган» ва реал ҳаракатдаги мотивларга дуч келамиз. Бола кўпинча қанча ўқиши зарурлигини яхши тушунади (англаниладиган мотивлар), лекин бу нарса ҳам унга ўқув фаолияти билан шуғулланиш учун туртки бўла олмайди. Бу билим майл шаклини олсагина, биз реал ҳаракатда мотив билан иш кўрган бўламиз. Фақат тушуниладиган мотивларгина маълум шароитда ҳаракатдаги мотивлар шаклини олади. Бу нарса мотивацияни қайта қуриш учун жиддий аҳамиятга эгадир. Мактабнинг вазифаси ҳам бола мотивациясини қайта қуришдан иборатdir.

Таъкидлаш керакки, А.Н.Леонтьев назарий тафаккурга эга бўлиш, асос сифатидаги билиш мотивларининг ривожланиш масаласига катта эътиборни қаратган. У психик жараёнларининг шундай динамикасини очишга ҳаракат қилдики, бундай динамика мотивация ривожланиши асосида ўқувчиларни билимларни эгаллашга олиб келади.

### **26.3. Мотивлар ва уларнинг гурухларга ажратилиши**

П.К.Анохиннинг ғоясига кўра жонли дунё яралган даврдан эътиборан воқеликни илгарилаб, олдиндан акс эттириш унинг хусусиятига айланган. Мазкур акс эттиришнинг мавжудлиги инсон учун шахсий фаолияти, келажаги, истиқболи натижасининг фикрий образларини яратиш миконини вужудга келтирди. Тадқиқотчи ҳатти-ҳаракатининг оригинал модел схемасини яратади. Шахсдаги бошқарув ҳаракатлари тескари алоқа принципи бўйича амалга оширилади. Ушбу тасаввурга биноан ҳиссий органлар алоқа канали вазифасини ўтаса, жисм ва ҳаракатнинг идрок қилинаётган аломатлари ахборот(информация) манбаи сифатида хизмат қилиши мўлжаллангандир. Ҳаракатнинг натижаси тўғрисидаги ахборотлар(информациялар) ҳаракат акцепторида идрок қилинади. Ҳаракатнинг камчиликлари, тузатишлар (коррекциялар) афферент синтези негизида кечади, бунинг натижасида уни идрок этиш муайян даражада яхшиланади. П.К.Анохиннинг мулоҳазасича, ҳаракат акти босқичлари куйидагилардан:

- 1) афферент синтези, доминант мотивация, қидиув афферентация, хотира;
- 2) ҳаракатнинг шаклланиши ва ахборотларни олдиндан айтиш аппарати;
- 3) ҳаракат натижалари умумлашмаси;
- 4) тескари афферентациянинг амалга ошиши;
- 5) мақсад билан олинган натижалар ўртасида ажримлик намоён бўлишидан иборатdir.

Мотив ва мотивациянинг биологик механизмлари юзасидан изланишлар олиб борган Н.А.Бернштейн “Келажак модели” назариясини яратади. Ушбу концепцияга қараганда, “Келажак модели” мана бундай босқичлардан ташкил топганлиги таъкидлаб ўтилади:

- 1) ҳолат ва вазиятни(ситуацияни) баҳолаш;
- 2) вазият(ситуация) қандай бўлишини аниқлаш;
- 3) бунинг учун нима қилмоқ керак;

4) қандай тарзда ҳаракат қилмоқ лозим. Н.А.Бернштейн “Келажак экстраполяцияси” деган муаммо ечимини топишга ҳам ҳаракат қиласи. Бу билан муаллиф мотивациянинг биологик механизмларини юксак даражада тушунтириб беришга муваффақ бўлган.

Хориж психологларининг мотивация тадқиқот йўналишлари таг негизида Ч.Дарвиннинг эволюция назарияси ётади. Бошқача сўз билан айтганда, мотивацияни ўрганиш замирида генетик, биологик шартланган манбалар туради.

Тадқиқотчилар – И.А.Васильев ва М.Ш.Магомед-Эминовларнинг уқтиришича, Ч.Дарвиннинг эволюция назарияси мотивация муаммосини уч йўналишда тадқиқ этишга замин бўлиб хизмат қиласи.

Биринчи ёндашув такомиллашган мавжудот сифатида талқин этади. Худди шу боис инсоннинг ақлий ривожланиши учун ҳайвонот оламида муайян шарт-шароит яратилгандир. Бу омил мавжудодларнинг филогенетик тараққиёт даврида содда тарздаги интеллект қўриниши мавжуд эканлигидан далолат беради. Ана шу мулоҳазаларга асосланган ҳолда ҳайвонларнинг хулк-атвори тадқиқ қилина бошланди.

И.П.Павлов билан Э.Торндайк (АҚШ) мазкур ёндашувни кенг кўламда амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган олимлар бўлиб ҳисобланади. Лекин ушбу ёндашув доирасидаги асосий илмий йўналишлар К.Халл, О.Маурер, К.Спенс, Э.Толмен асарларида мужассамлашган “Ўрганиш психологияси”га асослангандир. Э.Толменнинг “кутилма назарияси”га оид қарашлар К.Халлнинг “драйв-малака” принципига тубдан қарама-қаршидир. Бироқ Толмен ишларини К.Левин таълимотида ўз аксини топган мотивациянинг тадқиқот йўналишига киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи ёндашув. Ушбу ёндашувга қараганда, инсон билан ҳайвон ўртасида умумий биологик негиз мавжуд бўлган бўлса, инстинктив тенденция нафақат ҳайвонларгагина, балки у инсонга ҳам тааллуқлидир. Ушбу психологик ҳолат икки йўналишда амалга оширила бошланди. Биринчи йўналиш В.Макдугалнинг инстинкт назариясидан иборат бўлиб,

инсон хулқ-атворини ўрганишда “инстинкт” тушунчасига асосий эътибор қаратади (маълумки, инстинкт У.Джеймс томонидан фанга олиб кирилган). Шунга қарамай, у инстинктни жуда тор маънода олиб қаради, натижада эмоционал (ҳиссий) намоён бўлишини четда қолдирди, ҳукм суреб туриш механизмини эса автоматик типдаги хулқ-атвор билан алмаштириди. Кейинчалик муаллиф инстинктни кенгроқ талқин қила бошлади ва унинг тузилишига билишга оид, эмоционал, хулқий, кўзғовчи таркибларини киритди. У ўзининг кейинги изланишларида инстинктни “майл”, “мойиллик” сифатида тушунишга ҳаракат қилди ва фаолликни мақсадга йўналтирилган шакли қабилида изоҳлашга киришди. Мақдаугалнинг инстинкт ҳақидаги ғоялари этологларнинг (К.Лоренц, Н.Тинберген) мотивация “психогидравлик” моделларда ўз ифодасини топди.

#### **26.4. Психологияда мотивлар ва уларни гурухларга ажратиш**

Психология фанида мотив ва мотивация категориялари шахс тузилишининг негизи бўлиб ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ психологиясида уларни фаолиятга боғлаб (А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, В.Д.Щадриков, К.А.Абульханова-Славская), шахс муаммоси билан уйғунлаштириб (Л.И.Анциферова, В.Г.Асеев, Л.И.Божович, А.Г.Ковалёв, Е.С.Кузьмин, С.Л.Рубинштейн) ва установка билан алоқадорлиги (Д.И.Узнадзе, Ш.Н.Чхартишвили) бўйича тадқиқ қилинган. Худди шу муносабатларга биноан уларга берилган таърифлар ҳам ранг-барангдир. Биз таърифларни таҳлил қилиш ушбу кўлланма предметига кирмаганлиги туфайли уларга тўхташни ортиқчадир, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур муаммони атрофлича ўрганиб, мотивга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: “ҳатти-ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи шахснинг англашилган хусусияти ҳисобланувчи, эҳтиёжни акс эттиришнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки мотив деб аталади”. Бу ўринда ундовчи туртки эҳтиёжни қондиришга интилиш сифатида талқин этилади. Бизнингча, муомала, ҳатти-ҳаракат ва фаолият мотивларининг мажмуаси мотивация дейилади. “Мотивация доираси”

тушунчаси шахснинг муҳим бўлаги, унинг негизи сифатида муайян тартибдаги мотивлар тизимини ифодаловчи элемент тариқасида таҳлил қилинади. “Мотивация доираси” тушунчаси мотивацияни тизимлик иерархик тушунишни акс эттирувчи шахс мотивлари эканлигининг маъновий тузилишини тавсифлашда қўлланилади, холос.

Мотивлар эҳтиёж негизида вужудга келади, ривожланади ва такомиллашади. Бироқ, эҳтиёж пайдо бўлиши билан бир даврда уни шаклланиш босқичларига ўхашаш даражаларни босиб ўтиш орқали мотив вужудга келади. Мотив мазкур негизда вужудга келиб, барқарорлашиб, эҳтиёжнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради ва ўз навбатида эҳтиёжларнинг барқарорлашуви мотивациянинг самарали шаклланишини таъминлашга хизмат қиласи. Одатда инсон фаолияти ва ҳаракатига таъсир ўтказувчи жараёнда ўзаро боғлиқ ҳолда эҳтиёж томонидан мотив ва мақсад аниқланади (белгиланади). Ҳаракат фаолиятнинг таркиби бўлганлиги сабабли фаолият мақсади ва мотиви билан бошқарилади. Лекин психологияда “Мотив-фаолият”, “Мақсад-ҳаракат”, “Шароит-операция” муносабатлари ўртасида қатъий алоқа (уйғунлик) ҳукм сурмайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Мотив тушунчасининг моҳияти.
2. Мотивация тушунчасининг мазмуни
3. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари.
4. Мотив муаммосига доир мулоҳазалар.
5. Шахс шаклланишида мотивациянинг роли.

## **VІ БҮЛІМ (МОДУЛ). ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ**

### **XXVII-БОБ. ҚОБИЛИЯТ**

**Таянч түшүнчалар:** қобилият, иқтидор, истеъдод, интеллект, күникма, малака, билим, қобилияттің биологик асослари.

#### **27.1. Қобилияттар ҳақида түшүнчә**

Қобилияттар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, күникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, күникма ва малакаларга тааллуқли бўлмайди. Акс ҳолда имтиҳонда қўйилган баҳо, доска олдидағи жавоб, муваффакиятли ва муваффакиятсиз бажарилган назорат ишлар киши қобилиятлари тўғрисида қатъий хulosса чиқариш имконини берган бўлур эди. Шу билан бирга психологик тадқиқотлар ва педагогик тажриба маълумотлари гувоҳлик беришича, баъзан дастлаб ишларни бажара олмаган ва бу билан теврак-атрофдагилардан ўнгайсиз ажралиб турган киши таълим олиш натижасида фавқулодда күникма ва малакаларни тез ўзлаштириб олади ва тездаёқ маҳорат йўлида ҳаммани қувиб ўтади. Унда бошқаларга қараганда зўр қобилиятлар намоён бўлади. Қобилиятлар билим, күникма ва малакаларни эгаллашда намоён бўлса ҳам, билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боғланиб қолмайди. Қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва малакалар, қобилиятлар ва кўникмалар айнан бир-бирига ўхшашиб эмас.

Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупроққа ташланган дон ана шу дондан униб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари (лекин уруғ тупроқнинг тузилиши, таркиби ва намлиги, об-ҳаво ва бошқалар қулай шароит яратсагина униб чиқади) кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос. Бу билим ва кўникмалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси кўплаб шароитларга боғлиқ бўлади. Шарт-шароитлар жумласига, масалан, қуидагилар киради: теварак-атрофдаги одамлар (оилада, мактабда,

мехнат жамоасида) кишининг бу билим ва малакаларни эгаллаб олишдан манфаатдор бўладими ё йўқми унга қандай таълим берадилар, ана шу малака ва кўникмалар керак бўладиган ва мустаҳкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил этилади ва ҳоказо.

Қобилияtlар – бу имконият, у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса воқеликдир. Болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга маҳсус таълим берилиши, педагог ва бола намойиш килган қатъийлик, саломатликнинг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Буларсиз қобилияtlар ривожланмай турибоқ сўниб кетиши мумкин.

Қобилияtlар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлар йиғиндиси одамнинг педагогик жиҳатидан асосланиб берилган вақт ичida эгалланган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарса бизга унда мазкур фаолиятга қобилият борлиги тўғрисида хulosha чиқаришга асос бўлади. Агарда бошқа киши худди шунаقا бошқа шароитларда унинг олдига фаолият рўбарў қилаётган талабаларнинг уддасидан чиқа олмаса, унда тегишли психологик сифатлар, бошқача сўзлар билан айтганда, қобилияtlар йўқ деб тахмин қилишга асос бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай одам зарур кўникма ва билимларни умуман эгаллай олмайди, деган маъно келиб чиқмайди. Бу кўникма ва билимларни эгаллаш чўзилиб кетади, педагоглардан анча зўр бериш ва вақт сарфлашни талаб қиласи, натижаси нисбатан оз бўлса ҳам фавқулодда кўп қуч-ғайрат сарфлашни ва шу кабиларни талаб қилишини билдиради. Бу ҳол бироз вақт ўтгач, шунингдек, қобилияtlарнинг ривожланиши мумкинлигини ҳам инкор этмайди.

Қобилияtlар индивидуал-психологик хусусиятлар бўлиш билан бирга уларни шахснинг бизга маълум бошқа хусусиятлари ва ҳислатларига – ақл-

идрок фазилатларига, хотира, характернинг ўзига хос хусусиятларига, эмоционал хусусиятларга ва шу кабиларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди, лекин улар билан бир қаторга қўйилиши мумкин. Агар у фазилатлардан биронтаси ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бермаса ёки ана шу талаблар таъсири остида шаклланса, ундей пайтда бу шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини қобилияtlар деб ҳисоблаш учун ҳам асос бўлади.

## **27.2. Қобилияtlарнинг сифат ва микдор характеристикаси**

Қобилияtlар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиласиган белгилари сифатида таърифланади. Тажриба ва ақл-идрок кишиларнинг teng эмаслигини кўрсатади деганларида, кишилардаги қобилияtlарнинг teng бўлишини ёки жисмоний ва руҳий ҳислатларининг бир хил бўлишини тенглик деб тушунадилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бу жиҳатдан кишилар teng эмас. Ана унинг учун ҳам қобилияtlар ҳақида гап кетганда, бу фарқларни характерлаб ўтмоқ керак. Улар сифатли ва микдорий бўлишлари мумкин. Педагог учун ўқувчининг қобилияtlари нимага нисбатан намоён бўлишини ва, бинобарин, ўқувчи шахсининг қандай индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият жараёнига муваффақиятнинг мажбурий шарти сифатида киритилишини (қобилияtlарнинг сифат характеристикаси) ҳамда ўқувчи фаолият томонидан қўйилган талабларни қай даражада бажариш қобилиятига эгалигини, бошқаларга нисбатан малака, кўникма ва билиmlарни қанчалик тез, осон ва мустаҳкам эгаллай олишини (қобилияtlарнинг микдорий характеристикаси) билиш ҳам муҳимdir.

### **Қобилияtlарнинг сифат характеристикаси**

Қобилият хусусиятларининг сифат томонидан қаралиши мақсадга турли йўллар билан боришга имкон берадиган «ўзгарувчан микдор» тўплами каби фаолият муваффақиятини таъминловчи инсон психологик хусусиятларининг

мураккаб комплекси сифатида намоён бўлади. Буни ташкилотчилик қобилиятларини намоён бўлишининг конкрет мисолида кўрсатамиз.

Кишининг қобилиятларида мавжуд компенсаторлик имкониятлари масалан, кўриш ва эшишидан маҳрум бўлган одамларни маҳсус тарбиялашда ёрқин намоён бўлади.

Бир қатор бошқа мисоллар ҳам худди ана унинг ўзидан далолат беради. В.М.Тепловнинг кўрсатишича, абсолют эшишидек муҳим мусиқа тинглаш қобилияти йўқлиги профессионал мусиқа қобилиягини ривожлантириш йўлида ғов бўла олмайди. Абсолют эшишига эга бўлмаган текширувчиларда оҳангларни фарқ қилиш, мусиқа товуши оралиқларини эсда сақлаб қолиш ва шу кабиларни ўз таркибиغا олган сифатлар комплексини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинган, яъни бошқа одамларда товушларнинг паст-баландлигини фарқ қилишни бажарадиган абсолют эшиши вазифасини ўз зиммасига олган.

Бир қобилиятни бошқа бир қобилиятни ривожлантириш ёрдами билан компенсация қилиш хусусияти ҳар бир одам олдида касб танлаш ва унда такомиллаштириш чегараларини кенгайтирган ҳолда битмас-туганмас имкониятлар очиб беради.

### **Қобилиятларнинг миқдор характеристикаси**

Психологияда қобилиятларни миқдор жиҳат ўлчаш муаммоси катта тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қатор психологлар (Кеттел, Термен, Спирмен ва бошқалар) оммавий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилият даражасини аниқлашни таклиф қилиб чиқдилар. Бу билан шахснинг мартабалик даражасида тутган ўрнини ва унинг у ёки бу меҳнат фаолиятида, олий ўқув юртларида таълим олишида, ишлаб чиқаришда, армияда ва ижтимоий ҳаётда раҳбарлик лавозимларини олишга лаёқатларини аниқлаш таҳмин қилинган эди.

Бироқ қобилиятларни миқдор жиҳатдан баҳолаш муаммоси ўша давр жамияти шароитларида пайдо бўлиш давридан эътиборан икки хил характер

касб этди. Бир томондан, у меҳнаткаш кишининг реал имкониятларини ва унинг амалда конкрет меҳнат фаолиятига лаёқатлилигини объектив равишда аниқлашга ваъда бердики, бунингиз амалда иш (касб танлашга йўллаш) учун лаёқатли кишини топиш ва бу ишга лаёқатли кишиларни танлаш қийин бўлур эди. Меҳнат фаолиятида инсон омили (яъни реал инсон ва унинг қобилиятлари) эътиборга олинмайдиган олдинги даврга нисбатан қобилиятлар психологиясида микдорий тадқиқотлар ғоясининг илфорлиги ана шундадир. Бошқа бир томондан, **ўша давр** шароитларида пайдо бўлган бу ғоя **рус** олимлари томонидан маҳсус усуллар ёрдамида қобилиятларнинг бир мунча юқори даражасини «аниқлаган» ҳукмон синф намояндадарининг имтиёзли аҳволини психологик жиҳатдан асослаш учун фойдаланилди. Бу давр шароитларида социал зулм ва камситиш куролига айланган қобилиятларни микдор жиҳатидан ўлчаш принципининг конкрет тадбиқ килинишининг реакционаллиги мана шунда ифодаланади.

### **27.3. Қобилиятлар структураси**

Киши эгаллаб оладиган фаолият (меҳнат, ўқиш, спорт ва шу каби фаолиятлар) унинг психологик фазилатларига (аклий хусусиятларига, эмоционал-иродавий соҳаларига, сенсомоторикасига) юксак талаблар қўяди. Бу талабларни қандайdir битта сифат, ҳатто у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган бўлса ҳам, қондира олмайди. Алоҳида олинган битта психик хусусият фаолиятнинг юксак маҳсулдорлигини таъминлай олади, бутун қобилиятларнинг эквиваленти сифатида намоён бўлади деган фикр илмий ҳақиқатга тўғри келмайдигаи фикрдир. Қобилиятлар мураккаб структурага эга бўлган психик фазилатлар йиғиндисидан иборатдир.

#### **Қобилият ва фаолият**

Қобилият сифатида намоён бўладиган фазилат йиғиндисининг тузилиши оқибат натижада конкрет фаолият талаблари билан белгиланади ва фаолиятнинг ҳар хил турлари учун турлича бўлади. Масалан, мавжуд маълумотларга кўра, математикага бўлган қобилиятларнинг тузилиши бир қатор хусусий қобилиятларни ўз ичига олади: математик материалларни

умумлаштириш қобилияти, математик муроҳаза юритиш жараёнини ва тегишли математик ҳаракатларни қисқартириш қобилияти (изчил кўп табақали муроҳазалар қисқача алоқалар билан алмаштирилади, масалани идрок қилиш ва унинг натижалари ўртасидаги бевосита алоқа ўрнатишга қадар иш олиб борилади), фикр юритиш жараёнининг қайтарилиш қобилияти (яъни тўғри фикр юритишдан тескари фикр юритишга осонлик билан ўта олиш қобилияти), математик масалаларни ҳал қилиш чоғида фикрлаш жараёнининг эпчиллиги ва шу кабилар. Адабий қобилиятларнинг тузилиши эстетик туйғуларнинг юксак тараққий этган даражасини хотирада ёрқин кўргазмали образлар мавжудлигини, тил ҳиссини, бой фантазияни, одамлар психологиясига нисбатан зўр қизиқишини, ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжини ва шу кабиларни тақозо қиласди. Мусиқий, педагогик, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва жуда кўп қобилиятлар тузилиши ўзига хос характерга эгадир. Ҳатто бир хил компонентларни бошқалари билан компенсация қилиш ва алмаштириш борасида кенг имкониятлар мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, таълим жараёнида қобилиятларни ҳисобга олишга даъват этилган ва агарда улар йўқ бўлиб қолганда ёки етарли даражада ифодаланмаган тақдирда зарурий сифатларни таркиб топтирадиган педагог учун профессионал ёки маҳсус қобилиятларнинг ўзига хос тузилишини билиш жуда ҳам муҳимдир.

Конкрет қобилиятлар структурасини ташкил этадиган шахс ҳислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бирлари етакчи ўринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчилик ролини ўйнайдилар. Жумладан, педагогик қобилиятлар тузилишида педагоглик одоби, кузатувчанлик, болаларга муҳаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бориладиган билим беришга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир қатор ташкилотчилик қобилиятлари комплекси ва бошқалар етакчи фазилатлар ҳисобланади. Ёрдамчи фазилатларга қўйидагилар киради: артистлик, нотиклик маълумотлари ва бошқалар. Мутлақо равшанки, педагогик қобилиятларнинг ҳам етакчи, ҳам ёрдамчи компонентлари таълим ва

тарбиянинг муваффақиятини таъминлайдиган бирликни ҳосил қиласи ва шу билан бирга педагог шахси ва унинг хусусиятлари билан боғланган индивидуаллаштиришни ташкил қиласи.

### **Умумий ва махсус қобилиятлар**

Хар турли қобилиятларнинг конкрет психологик характеристикасини ўрганар эканмиз, биз бу қобилиятларда биргина эмас, балки жуда кўп турдаги фаолият талабларига жавоб берадиган умумийроқ фазилатларни ва бундан ташқари ушбу фаолиятнинг бир мунча торроқ доиралари талабларига жавоб берадиган махсус фазилатларни ажратишимиш мумкин. Айрим индивидлар қобилиятларининг тузилишида бу умумий фазилатлар ғоят ёрқин ифодаланган бўлиши мумкин, бу эса ҳар томонлама қобилиятлар борлиги тўғрисида, турли хил фаолиятлар, касблар ва машғулотларнинг кенг соҳаларига доир умумий қобилиятлар борлиги тўғрисида гапириш имконини беради. Айрим психологлар томонидан факат ақлий истеъдод тестларини кўллаш натижасида очиладиган хаёлий омил сифатидаги қандайдир, яъни умуман истеъдод, улар ажратганлари каби бу умумий қобилиятлар ва фазилатлар махсус қобилиятлар ёки сифатларги зид қилиб қўйилмаслиги керак. Қобилиятлар ва шахснинг умумий қобилиятлари ёки умумий одамларнинг фазилатлари уларнинг тўлақонли конкрет психотипологияси логик қўринишлари бўлиб, уларни тадқиқ қилишга психологлар аллақачон киришган. Конкрет фаолият шароитларида қобилият сифатида намоён бўладиган шахснинг бундай умумий фазилатлари жумласига одамларнинг уч типидан биттасига мансублигини кўрсатадиган индивидуал-психологик фазилатлар киради. И.П.Павлов асарларида улар «бадиий», «фикрловчи» ва «ўрта» типлар деб қайд қилинган эди. Мазкур типология кишининг олий нерв фаолияти унда иккита сигнал тизими борлиги билан белгиланишига мувофиқ таълимот билан боғлангандир: биринчи сигналлар тизими образли, эмоционал ва иккинчиси ана шу образлар ҳақида сўзлар орқали сигнал бериш билан боғлиқ, яъни сигналларнинг сигнални билан боғлиқ.

Киши психик фаолиятида биринчи сигналлар тизими сигналларининг нисбатан устунлиги унинг бадий типга, сигналлар сигналиниң нисбатан устунлиги фикрловчи типга, сигналлар ваколатининг тенглиги одамларнинг ўрта типга мансублигини белгилайди.

Бадий тип учун бевосита таъсирот, жонли тасаввур, эмоциялар натижасида ҳосил бўладиган образлар ёрқинлиги хосдир. Фикрловчи тип учун мавхумлик, мантиқий тузилмалар, назарий мулоҳазалар устунлиги хосдир. Кишининг бадий типга мансублиги хеч маҳал унинг азалдан санъаткорлик фаолиятига мансублигидан далолат бера олмайди. Бу ўринда бошқа бир нарса равшан: бу тип вакили учун таъсирланувчанлик, ходисаларга эмоционал муносабатда бўлиш, фантазияда образлилик, тетиклик талаб қиласидаган фаолиятни бошқаларга нисбатан осонрок ўзлаштириш хосдир.

Умуман кишида иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимидан устунлик қиласидаги ва бу устунлик абсолют характерга эгадир. Чунки одамларнинг меҳнат фаолиятида тил ва тафаккурнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга ва кишининг оламни акс эттириш жараёни унинг сўзлар билан ифодаланган фикрлари воситасида амалга оширилади.

Бинобарин, биринчи сигналлар тизими абсолют устунлигига худди ҳеч қандай тафаккур ёрдамида тартибга солиб бўлмайдиган ва бошқариб ҳам бўлмайдиган тушларимизда уларнинг жўшқин эмоционаллиги ва батартиб ифодалилиги билан учрашамиз.

#### **27.4. Истеъдоднинг ижтимоий-тариҳий табииати**

Қобилияtlар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб аталади. Истеъдод бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустакил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилияtlар мажмуасидир.

Қобилияtlар каби истеъдод ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффақияtlарга эришиш имкониятидан иборатдир. Оқибат натижада ижодий ютуқлар одамларнинг ижтимоий-тариҳий ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Агар жамият истеъдодли одамларга муҳтоҷ бўлса,

агар бундай кишиларнинг ривожланиши учун шароит яратилган бўлса, бу ҳолда бундай одамларнинг пайдо бўлиш имконияти туғилади.

Мана унинг учун фан, санъат ва ижтимоий ҳаётда анчагина қадриятларни яратишнинг потенциал имконияти билан бу имкониятларни жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти маҳсулоти сифатида амалга ошириш ўртасида тенглик аломатини қўйиш мумкин эмас. Кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланган ижтимоий формациялар тарихи шундан далолат берадики, кўп сонли истеъодлар таркиб топиши учун зарур бўлган социал-иқтисодий шарт-шароитларнинг йўқлиги сабабли ривожланмай қолиб кетди. Капиталистик жамият (худди ўзидан олдинги феодал ва қулдорлик жамиятлари каби) эзилган синфларнинг кўпчилик намоёндаларида истеъодднинг ривожланиш йўлини бекитиб қўяди.

Истеъодларнинг уйғониши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқdir. Маълум қобилиятларнинг тўла-тўқис ривожланиши учун нақадар қулай шароитларнинг мавжуд бўлиши давлат олдида турган конкрет вазифаларнинг хусусиятларига ва давр эҳтиёжларига боғлик. Уруш йилларида саркардалик истеъодлари жўшқин ривожланади, тинчлик даврида инженерлик, конструкторлик ва шу каби истеъодлар ривожланади.

Бу имконият халқ таълими тизими билан, фан ва маданият тараққиётининг юксак даражаси билан, халқнинг бутун ижтимоий ҳаёти тартиби билан таъминланади. Кишиларнинг фан ва техника тараққиёти соҳасидаги ғоят катта ютуқлари, маданият соҳасидаги зўр муваффақиятлари ва спорт соҳасидаги ғалабалари – буларнинг ҳаммаси бизда истеъододлар жуда кўплигидан далолат беради.

### **Истеъодднинг структураси**

Истеъод – бу қобилиятлар йиғиндисидан, уларнинг мажмуудан иборатdir. Алоҳида олинган, якка қобилиятни, гарчи у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам, истеъод билан тенглаштириб бўлмайди. Бу ҳақда, жумладан, хотираси ғоят ўткир кишиларни тадқиқ қилиш далолат беради. Ҳақиқатда, қулчилик айни

хотирасида, унинг мустаҳкамлиги ва кўп нарса сиғдиришида истеъоддинг айнан ўзига teng нарсани кўришга тайёрдир.

Умуман, ақлий истеъод структурасини ҳосил қилувчи бу қобилияtlар, истеъодли болалар устида олиб борилган кўплаб психологик кузатишларнинг гувоҳлик беришича, бундай болаларнинг кўпчилигига намоён бўлади ва алоҳида олинган ҳар бир қобилиятнинг ифодаланганлик даражаси жихатидан ажралиб туради. Агар истеъоддинг ўзига хос фарқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар асосан қизиқишларнинг йўналашларида намоён бўлади, Бир бола қандайдир изланишлар давридан кейин математикага, бошқаси биологияга қизиқиб қолади, учинчиси бадиий – адабий ижод билан, тўртинчиси тарих ва археология билан қизиқади ва ҳоказо. Бу болалардан ҳар биридаги қобилиятларнинг бундан кейинги тараққиёти мазкур қобилиятларсиз амалга ошириб бўлмайдиган конкрет фаолиятларда содир бўлади.

Унинг учун ҳам маҳсус истеъод структураси шахснинг юқорида келтирилган фазилатларининг уйғун бирлигини ўз таркибига олади ва конкрет фаолият талабларига жавоб берадиган бир қатор қобилиятлар билан тўлдирилади. Жумладан, математик истеъод маҳсус қобилиятларнинг мавжудлиги билан изоҳланиши аниқланди. Бу маҳсус қобилиятлар орасида математик материални берилган мазкур масалани шартлари ва унинг формал структурасининг ифодаланишини тез тушуниб олиш характеристида, яъни маҳсус шаклда идрок қилиш (бунда топшириқнинг конкрет мазмуни гўёки тушиб қолади ва ўзига хос барча конкрет моҳиятлардан тозаланган қуруқ математик нисбатан «скелет»и қолади); математик обьектлар, муносабатлар ва ҳаракатларни умумлаштириш, ҳар турли хусусий деталлардан умумий принципларни топа билиш, масаланинг моҳиятини белгилаш қобилияти; мунтазам мулоҳазалар ва ҳаракатларни қисқартириш қобилияти, бунда масала ечишдаги ҳар турли мулоҳазалар тузилишининг ҳаммаси математик ҳаракатлар изчиллигига қисқача ҳавола қилиш билан алмаштирилади (В.А.Крутецкий тадқиқоти).

## **27.5. Қобилияrtlар ва истеъоддинг табиий шарт-шароитлари**

Инсон қобилияrtlарининг моҳиятини тўғри тушуниш уларнинг мияга муносабати – барча психик жараёнлар, ҳолатлар, фазилатлар ва хусусиятларнинг умумий бўлган жиҳати ҳақидаги масалани аниқлашни тақозо қиласди. Шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби қобилияrtlар унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт ва фаолияг жараёнида таркиб топади. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз, фақат уларни орттиришга қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос. Киши мияси фақат воқелик билан ўзаро муносабат ва актив фаолият натижасида ўзининг илгариги индивидуал психологик фазилатлари ва хусусиятларини (шу жумладан, қобилияrtlарини ҳам) намоён қилган ҳолда теварак-атрофимиздаги оламни акс эттира бошлайди. Илмий психологияда қабул қилинган қобилияrtlар туғма бўлмайди, деган қоидани ҳам ана шу маънода тушунмоқ керак.

Ана шу нуқтаи назарни химоя қилиш инсон шахси ва унинг идеализм кўринишларига қарши қобилияrtlарини илмий тушуниш учун курашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўз замонасида Афлотун тасдиқлаган эдики, қобилияrtlар одамга туғма равишда берилган бўлади ва одам фойдаланадиган барча билимлар унинг «абсолют билимлар» идеал оламида бўлиши ҳақидаги таассуротларидан иборатдир. Қобилияrtlарнинг туғмалиги тўғрисидаги таълимот илохий доғмаларга ҳам кириб боради. XVII асрда француз файласуфи Жарти асарларида бундай ёндошиш «туғма гоялар» тўғрисидаги маълумотлар сифатида гавдалантирилди. Қобилияrtlарга черков обрўси билан ёритилган ана шу фикрлар ёрдамида қараш орқали одамларнинг ижтимоий-хуқуқий, сиёсий тенгсизлиги қарор топган ҳамда паст табақалар намоёндаларини ўқитишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги фаталистик қарашлар ўрнашиб қолган. Бу ўзига хос барча тайёр фазилатлар ва хусусиятларга киши гўё туғилишиданоқ эга бўладиганлиги ҳақидаги, танасиз ва абадий жон тўғрисидаги идеалистик нуқтаи-назарлар билан маҳкам

боғланган қобилиятларнинг туғмалигига нисбатан реакцион ва илмий асосланмаган қараш илмий психология томонидан қатъяни рад этилади.

## **27.6. Инсон қобилиятинининг биологик асослари**

Қобилиятларнинг туғмалигини инкор қилиш абсолют характерга эга эмас. Психология қобилиятнинг туғма эканлигини тан олмас экан, бу билан миянинг тузилишига боғлиқ бўлган дифференциал хусусиятлари туғмалигини инкор қилмайди. Бу хусусиятлар қандайдир фаолиятни муваффакиятли бажаришнинг шарт-шароити (кўпинча бир гуруҳда, бир қанча касблар, ихтисослар, меҳнат фаоллиги кўринишлари ва бошқаларда) бўлиши мумкин. Бу қобилият ривожланишининг дастлабки табиий шарт-шароитлари сифатида намоён бўладиган мия тузилашининг, сезги органлари ва ҳаракатларининг морфологик ва функционал хусусиятлари бўлиб, улар истеъдод нишоналари деб аталади.

Қобилиятлар ва истеъдод нишоналар ўртасидаги нисбатни конкрет мисолда кўриб чиқайлик. Жумладан, туғма нишоналар жумласига ҳаддан ташқари нозик ҳид билиш – анализаторининг одатдан ташқари юксак сезгирлиги мансубдир, У бирон-бир қобилият ҳисобланадими? Йўқ, ахир ҳар қандай қобилият – у нимагадир, қандайдир конкрет инсоният фаолиятга ёки бир қатор фаолиятларга қаратилгак бўлади. Акс ҳолда «қобилият» сўзининг ўзи маъносиз бўлиб қолади. Унинг учун ҳам киши нерв-психик тузилишининг бундай хусусияти номсиз жумбоққа яқин бўлиб қолади. Кишилик жамиятида нозик ҳид билиш сезгилари тарихан қандай касблар ва ихтисослар билан боғлиқ бўлиши миянинг тузилиши билан назарга олинмаган. Киши ўзи учун фаолиятнинг қайси соҳасини танлаб олиши ва ана шу фаолият шароитида ўз истеъдод нишоналарини ривожлантириш учун имкониятга эга бўлиши ҳам ҳисобга олинмаган. Бироқ, агар жамиятда худди шундай алоҳида нозик ҳид билиш сезгилари билан боғлиқ бўлган касбларга эҳтиёж пайдо бўлгани тақдирда ва агар ушбу конкрет киши тегишли табиий истеъдод нишоналарига эга бўлса, у ҳолда у ўзида бошқаларга нисбатан тегишли қобилиятларни ривожлантириши осонроқ бўлур эди. Масалан,

«хушбўй ҳидлар комиозитори» деб аталиши мумкин бўлган атторлардек нодир ва қимматбаҳо касб ҳам бор. Мамлакатда улар кўп эмас, ҳаммаси бўлиб ўттизтага яқин. Уларнинг асосий вазифаси бир қанча серияли янги атиrlар тайёрлаб, оригинал ҳидлар яратишдан иборатdir. Ўз-ўзидан равшанки, атторларнинг профессионал қобилияти улардаги истеъдод нишоналарининг ривожланиш натижасини намойиш қилади. Бу ҳид билиш анализаторининг тузилиши ҳамда функционал хусусиятларидан иборатdir. Аммо бу касб намояндаларидан бири ҳақида гапирганда, мажозан айтсак, уни «У туғма аттор», деб ифодалаш мумкин, чунки унинг мияси олдиндан белгиланган ҳаёт йўлига, олдиндан белгиланган касбга, қобилиятларга эга эмас.

Истеъдод нишоналари кўпқирралидир. Фаолият томонидан қўйилган талабларнинг характеристига боғлиқ равишда айнан бир хил истеъдод нишоналар асосида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши мумкин.

Истеъдод нишоналарининг табиати ва моҳиятини ўрганиш соҳасида фан дастлабки қадамларни ташламоқда. Тилга олинган муаммога тааллуқли салбий материал ҳозирча ижобий материалга қараганда ортиқроқdir – истеъдод нишоналарининг маҳсулдор кўринишлари структурасидан кўра нуқсонлар ҳақидаги илмий маълумотлар анча кўпdir. Масалан, бир қатор оғир туғма ёки илк ёшлиқ пайтида орттирилган наслий мия нуқсонлари (олигофрения) қобилиятларнинг ривожлайишига тўғаноқ бўладиган, тузатиб бўлмайдиган нуқсонлар сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда қобилият тараққиётидаги табиий шарт-шароитларнинг моҳияти ҳақидаги гипотезанинг озми ёки кўпми маҳсулдорлиги ҳақида гапириш мумкин. Ф.Галлнинг илгари сурган миянинг айrim анатомик хусусиятлари билан айrim қобилиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борлиги ҳақидаги гипотезаси тасдиқланмай қолди. Гарчи Ф.Галлнинг ақл, истеъдод ва қобилият сифатлари ҳақидаги фикри мия катта яrim шарларида қатъий локаллаштирилганлиги ҳақидаги фикрини фан аллақачон инкор этган ва у тарих мулкига айланган бўлса ҳам ҳозирга қадар миянинг катталиги билан

кишининг қобилияти ўртасида одатда мавжуд бўладиган қонуний алоқа тўғрисидаги тасаввур сакланиб қолган. Шахсларо идрок этиш шароитларида пешонаси катта индивидни ақдли деб ҳисоблашиб, ундан оқилона хulosалар ва ечимларни кутишади. Агар кутилган нарса чиқмаса, ҳаддан зиёд афсусланишга сабаб бўлади.

### **Қобилиятнинг ривожланиши**

Гарчи қобилиятларнинг ривожи ҳар турли одамларда мутлақо бир хил бўлмаган табиий шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, юқорида кўриб ўтилган истеъдод нишоналари ва қобилиятлар ўртасидаги нисбат, қобилиятлар шунчаки табиат инъоми эмас, балки кишилик тарихининг маҳсули эканлигини кўрсатади. Агар ҳайвонларда олдинги авлод ютуқларнинг кейинги авлодга ўтказиб берилиши асосан организмнинг ирсий морфологик ўзгаришлари орқали амалга ошса, инсонда бу ижтимоий-тарихий йўл билан, яъни меҳнат қуроли, тил, санъат асарлари ва шу кабилар ёрдами билан амалга ошади. Ҳар бир киши эстафетани қабул қилиб олиши керак – у қуролларни қўллаши, тилдан фойдаланиши, бадиий ижод асарларидан баҳра олиши керак ва хоказо. Одамлар тарихий ютуқлар оламини эгаллаб олгач, ўз қобилиятларини таркиб топтирадилар. Қобилиятларнинг намоён бўлиши одамлар томонидан жамият эҳтиёжларини қондириш жараёнида тарихий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган тегишли билим ва кўникмалар шаклланишининг конкрет усуллари (методлари)га бевосита боғлиkdir.

Агар масалани кишилик жамияти тарихи нуқтаи назаридан қараб чиқадиган бўлсак, юқорида келтирилган ҳолатнинг тўғрилигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда, масалан, ҳар бир етти яшар нормал тарақкий этган болани ўқишга ва ёзишга ўргатиш мумкинлигини тасдиқлаш ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Бироқ, бундан икки юз йиллар муқаддам ҳар қандай одамни ҳам саводга ўргатиб бўлмайди, фактат «худо доно қилиб яратган»ларнигина, яъни маҳсус қобилиятга эга бўлган кишиларнигина саводини чиқариш мумкин деган фикр анча кенг тарқалган

эди. Қолган бошқа одамлар (тажминан болаларнинг умумий сонидаи учдан икки қисми) бўлса ёзиш ва ўқишнинг сирларини тушунишга олдиндан қобилиятсиз деб тан олинарди. Қандайдир алоҳида тугма қобилиятларга бўлган бундай қарааш таълимнинг ҳақиқий қийинчиликлари билан боғлиқ эди. Ҳамма ҳарфларни славянча номлари билан қўшиб ёдлашга боғлиқ бўлган мутлақо такомиллаштирилмаган метод («Алиф», «бе», «олиб юр», «феъл», «марҳамат») бўғинлаб ўқишга ўтишни ҳаддан ташқари қийинлаштириб юборди. XIX асрнинг биринчи ярмида таълимнинг анча такомиллашган методига ўтиш амалга оширилди, бўғинлаб ўқиш методи асосига курилган янги ўқув қўлланмалари ҳам юзага келди. Бу қўлланмаларда черков, славян ҳарфлари ўрнига соддалашган фуқаролик ҳарфларидан фойдаланилди, славян алфавити ҳарфлари номни қискартирилган номлар билан алмаштирилди («а», «бе», «ве»). «Туғма грамматик қобилиятлар» муаммоси шундай ҳал қилинган эди. Тажриба шубҳасиз ҳамма болалар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари мумкинлигини кўрсатди.

### **Қобилиятлар ва қизиқишлиар**

Инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омиллари – барқарор маҳсус қизиқишилардан иборатdir. Маҳсус қизиқишилар – бу инсоният фаолиятининг қандайдир соҳа мазмунига бўлган қизиқишилари бўлиб, бу қизиқишилар ана шу турдаги фаолият билан касб тариқасида шуғуланиш мойиллигига ўсиб кўтарилади. Билишга доир қизиқишиш бу ўринда фаолият усуллари ва услубларини амалий равища эгаллаб олишни рағбатлантиради.

Бирор меҳнат ёки ўқув фаолиятида қизиқишининг пайдо бўлиши бу фаолиятга нисбатан қобилиятларнинг уйғониши билан чамбарчас боғлиқлиги ва қобилиятларнинг ривожланиши учун дастлабки замин сифатида хизмат қилиши қайд қилинган. «Бизнинг ниятларимиз,— Гёте сўзлари билан айтганда, — биздаги яширин қобилиятларнинг олдиндан сезилиши, биз амалга оширишимиз мумкин бўлган ишларнинг жарчисидир». Боланинг

мустаҳкамланган қизиқишлари унинг қобилиятларини акс эттирувчи «лакмус қоғози»дир, уйғонаётган қобилият ўзидан дарак бермаяптимикин, деб атрофдагиларни ўйлатадиган сигналдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўсмирларда бу қизиқишлар, гарчи эҳтиросли бўлса ҳам, қисқа муддатли завқ характерига эгадир, Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида ҳар турли ва кўпинча сўниб бораётган қизиқишлар ривожланаётган шахсда қобилиятларни намоён қилишда муҳим роль ўйнайди. Тарбиячиларнинг ўсмирлар ёки ўспиринлар қизиқишлари соҳасига шундай муносабатда бўлишлари педагогик жиҳатдан муҳимдир. Бу эса уларнинг билишга бўлган эҳтиёжларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришни назарда тутади.

### **Назорат саволлари:**

1. Қобилият тўғрисида умумий тушунча беринг.
2. Қобилиятнинг сифат ва микдор тавсифини изоҳланг.
3. Қобилиятнинг тузилишини тушунтириб беринг.
4. Талантнинг психологик асослари.
5. Қобилият ва талантнинг табиий шартлари.
6. Қобилият ҳақида назариялар.
7. Қобилиятнинг ривожланиши.
8. Қобилиятнинг тузилиши юзасидан мулоҳазалар.
9. Қобилиятга психологик ёндашувлар талқини.
10. Қобилият иерархияси ва ривожланиши ҳақида муроҳадалар.

## **XXVIII БОБ. ТЕМПЕРАМЕНТ**

**Таянч тушунчалар:** *Лабиллик, меланхолик, ригидлик, сангвиник, темперамент, флегматик, холерик, экстраверсия, интроверсия, астеник, атлетик, пикник.*

### **28.1. Темперамент ҳақида тушунча**

Психологияда темпераментга тегишли индивидуал динамика хусусиятлар ўртасида маълум даражада фарқ мавжудлиги қайд этилиб, улар ўртасидаги фарқларни ажратиб кўрсатиш мақсадида қуидагича белгилар киритилади ва ўзига хос тарзда тавсифлаб берилади, уларнинг айримларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Фавқулотда темпераментнинг бир хил хусусиятлари мотив, психик ҳолат ва ҳодисалардан фарқли равища, айнан шу шахснинг ўзида, унинг турли фаолиятларида ҳамда унинг муомаласида ифодаланади.
2. Темперамент хусусиятлари табиий шартланганлик омилига тааллуқли бўлганлиги туфайли инсон ҳаёти ва фаолияти давомида ёки унинг муайян бир даврида барқарор, ўзгармас ва мустаҳкамдир.
3. Яккаҳол шахсга даҳлдор темпераментнинг турли хусусиятлари ўзаро бир-бири билан ғайриқонуний равища бирлашган бўлмасдан, балки улар ўзаро бир-бири билан ўзаро муайян қонуният асосида мужассамлашиб, худди шу хусусиятлар унинг типларини тавсифловчи ўзига хос тузилмани вужудга келтиради.

Психологияда *темперамент хусусиятлари* деганда, алоҳида бир шахснинг психик фаолияти динамикасини белгиловчи психиканинг барқарор, ўзгармас индивидуал-типологик хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Мазкур хусусиятлар турли шакл ва мазмунга эга бўлган мотивларда, психик ҳолатларда, мақсадларда, фаолиятларда нисбатан ўзгармас темперамент типини тавсифловчи тузилмани ташкил қиласи.

Индивидга хос динамик фазилатлар ўзаро ички боғланишга эга бўлиб, ўзига хос тузилишни ташкил этади. Психиканинг индивидуал жиҳатдан ўзига

хос, табиий жиҳатдан шартлашган динамик кўринишлари мажмуи кишининг темпераменти деб аталади.

### **28.1. Темперамент ҳақидаги таълимотларнинг қисқача мазмуни**

“Темперамент” термини антик фаннинг индивидуал-психологик фарқлари табиатига бўлган қарашларига бориб тақалади. Қадимги юонон тиббиётининг йирик вакили Гиппократ (эрамиздан олдинги V аср) сиймосида организмнинг ҳолати асосан “шарбат”ларнинг, яъни, организмда мавжуд суюқликларнинг (қон, лимфа, ўт) миқдорий нисбатига боғлиқдир, деб хисоблади. Бу шарбатларнинг аралаштирилгандағи нисбати грекчасига “красис” (“гўзал” маъносида) сўзи билан аталган. Бир неча аср кейинроқ ишлаган римлик врачлар бу тушунчани лотинча сўзи билан аташган, бу “қисмларнинг тегишли нисбати” деган маънони билдиради. Бундан “темперамент” деган термин келиб чиққан. Аста-секин антик фанда одамларнинг руҳий хусусияти красисга ёки темпераментга, яъни организмда асосий “шарбат”лар аралашиб кетган нисбатга боғлиқ деган фикр қарор топди. Эрамиздан илгари II асрда яшаган римлик анатом ва врач Гален биринчи бўлиб темпераментларнинг кенгайтирилган таснифини берди: у 13 та турни ўз ичига қамраб олади. Темперамент турлари сони қадимги тиббиёт вакиллари томонидан кейинчалик тўрттага қадар камайтирилди. Уларнинг ҳар бири қандайдир суюқликнинг бошқалардан кўплиги билан ажралиб туради.

Организмда суюқликларнинг аралашуви (у қоннинг кўплиги билан характерланади) сангвиник темперамент деб аталди (лотин тилидаги “sangvis” - қон сўзидан); лимфа кўп бўлганда флегматик темперамент (грекча “flegma” - шилимшиқ парда дегани); сарик ўтнинг кўпайганини холерик темперамент, (грек тилидаги “xole” - ўт сўзидан) ва, ниҳоят, қора ўт кўп бўлган меланхолик темперамент деб (грекча “meloyna xole” - қора ўт) аталади. **Унинг мулоҳазасича:**

- 1. Ўтнинг хусусияти** - қуруқликдир, унинг вазифаси - тана аъзоларида қуруқликни сақлаб туриш ёки баданни қуруқ тутишдир.

- 2. Коннинг хусусияти** - иссиқлиқдир, унинг вазифаси танани иситиб туришdir.
- 3. Кора ўтнинг хусусияти** - намлиқдир, унинг вазифаси бадан намлигини сақлаб туришdir.
- 4. Балгамнинг** (шилимшиқ модданинг) хусусияти – совуқлиқдир, унинг вазифаси баданни совутиб туришдан иборатdir.

Гиппократ таълимотига мувофик, ҳар бир инсонда шу тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, унинг биттаси устуворлик касб этади. Мазкур аралашма (лотинча temperamentum) лардан қайси бири салмоқлироқ бўлса, шунга қараб инсонлар темперамент жиҳатдан фарқланадилар, чунончи холерикда сариқ ўт, сангвиникда қон, флегматикда балғам, меланхоликда кора ўт устун бўлиши таъкидланади.

Гиппократнинг тўрт хил моддалар (суюқликлар) аралашмаси, яъни темперамент тушунчаси ва унинг типологияси (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик) рамзий маънода ҳозирги замон психологиясида ҳам кўлланилиб келинмоқда.

Шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда:

- a)** индивидуалликнинг қобилият ва иқтидорнинг психофизиологик ва дифференциал психологик муаммолари, яъни индивидумнинг фаолият самарадорлиги қўп жиҳатдан боғлиқ бўлган;
- б)** инсоннинг индивидуал хусусиятларида намоён бўлувчи фаолият стиллари ва уларни бошқариш;
- в)** инсоннинг ҳар хил фаолият турлари муваффақиятига таъсир кўрсатувчи типологик хусусиятларни эмпирик ўрганиш натижалари;
- г)** ҳар хил қасалликлар билан боғлиқ тарзда қузатилувчи индивидуал тафовутларнининг таъсири билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Индивидуал типик тафовутлар тўғрисида тасаввурларнинг шаклланишининг илдизи дифференциал психологиянинг вужудга келишига сабаб бўлди. Дифференциал психологиянинг вужудга келиши инсон

тажрибасининг узоқ йиллик маҳсули билан характерланади. Бугунги кунда эса бу ҳолат инсонлар хулқ-атворининг хилма-хиллигига кузатилади.

Бу ҳолатнинг илк тарихий илдизини Қадимги Грек файласуфларининг берган талқини тасодиф эмас. Платон ўзининг “Давлат” асарида иккита одам бир хил бўлмаслиги, ҳар бири ўзининг қобилиятига кўра тафовутланиб, бири ўз иши билан машғул бўлишини тақозо этади, деганди. Платонинг таклифини бугунги кундаги ҳолати сифатида ҳарбий хизматда олиш учун фойдаланиладиган “Касбга яроқлилик” тестини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ю.Спиритса конституционал назария асосчиларидан бири ҳисобланган Э.Кречмернинг инсон тана тузилишига асосланиб индивидуал тафовутлар тўғрисидаги қарашларига асосланиб қўйидаги фарқларни тушунтириб беради:

*Астеник* (грек тилидан олинган бўлиб, asthenes – заиф деган маънони англатади) турга тегишли инсонлар ўрта бўйли ва ориқ кишилар бўлиб, жуссаси кичикроқ бўлади. Шунинг учун кўпгина ҳолларда уларнинг бўйи паст бўлиб кўринади. Тана ва юз териси нозик, елкаси тор, қўллари ва билаклари ингичка, кўкрак қафаси учун ва тор бўлган ҳамда мушаклари яхши ривожланган ориқ кишилардир. Астеникларнинг юзи одатда узун ва бурни катта бўлади. Уларда эмоционал заифлик, доимо ўз-ўзини таҳлил қилиш, ҳатти-ҳаракатларини ўрганиш каби хислатлар намоён бўлади, бундай инсонлар ёлғизлик ҳиссига мойил бўладилар.

*Атлетик* (грек тилидан олинган бўлиб, athletes – курашчи деган маънони англатади) турига тегишли инсонларнинг суюк ва мушаклари яхши ривожланган, ўртacha юқори ёки баланд бўйли, елкаси ва кўкрак қафаси кенг, бошини тик тутиб юрадиган кишилардир. Тана тузилиши пастга қараб қисқариб (торайиб) кетади, боши кўпинча чўзиқ, тухумсимон тузилишда бўлади. Уларнинг иродаси кучли бўлиб, қатъиятлилик, ўз фикри устида қайсарлик билан туриб олиш каби хислатлар билан тасифланади.

*Пикник* (грек тилидан олинган бўлиб, *puknos* – йирик деган маънони англатади) турига тегишли инсонларнинг бош, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи яхши ривожланган, семиришга мойил, таянч ҳаракат аъзолари яхши ривожланмаган кишилар. Улар жуда эмоционал бўлиб, турли ҳаётдаги вазиятларга ҳаддан зиёд бўёқ берадилар ва истерикага (жазавага тушишга) мойилдирлар. Доимо ҳаётдан завқланиб яшашга ҳаракат қиласидилар.

Шелдон темперамент фарқларини ажратиш учун тип эмас, компонентни асос қилиб олди:

Биринчиси умумий сферик шакл, юмшоқлик, жуда катта қорин, елка ва белда қалин ёғ қатлами, юмалоқ бош, катта ички органлар, шалвираган қўл ва оёқлар, тараққий этмаган суяқ ва мускуллар билан ажралиб туради.

Иккинчиси учун кенг елка ва кўкрак қафаси, мускуллари яхши ривожланган қўл ва оёқлар, тери ости ёғининг минимал миқдори, оғир, салмоқли калла хосдир.

Учинчиси озгин одам, чўзиқ юзли, баланд пешона, ингичка қўл ва оёқлар, тор кўкрак қафаси ва қорин, тараққий этмаган мускуллар, тери ости ёғ қатламининг йўқлиги, яхши ривожланган нерв тизими билан ажралиб туради. Шу белгилар асосида Шелдон гавда тузилишининг учта бирламчи компонентини ажратди ва уларни мос равища: эндоморф, мезоморф ва эктоморф деб номлади. Биологияда ўша даврдаги тассавурларга кўра эндодермадан ички органлар, мезодермадан суяқ, мускул, юрак, қон томирлари, эктодермадан соч, тирноқ рецептор аппарати, нерв тизими ва мия ривожланади, деб қаралган.

Шелдон аниқланган гурухлар “темпераментнинг бирламчи компонентларига” тўғри келади, деб ҳисоблади ва ҳар бир гуруҳга висцеротония, самототония, церебротония деб ном берди (висцеротония - овқат ҳазм қилиш органларининг функционал устунлиги, самототония - ҳаракат аппаратининг функционал ва анатомик устунлиги, церебротония - олий нерв маркази фаолиятининг устунлиги).

№	Висцеротония	Соматотония	Церебротония
---	--------------	-------------	--------------

1	ҳаракат ва гавдани тутишда шалвираган	ҳаракат ва гавдани тутишда ўзига ишонч	ҳаракат ва унинг услубларида сиполик, гавдани эркин тутмаслик
2	маиший қулайликни яхши кўриш	жисмоний машқлар ва саргузаштларни яхши кўриш	ҳаддан ташқари физиологик реактивлик, ташқи таъсирга ҳозиржавоблик
3	реакциянинг сусайганлиги, секинлашганлиги	сергайратлик	реакция тезлигининг ортганлиги
4	овқатни яхши кўриш	харакатга эҳтиёж ва ундан лаззатланиш	интимлиликка мойиллик
5	овқатланиш эҳтиёжининг ижтимоийлашганлиги	хукмронликка интилиш, ҳокимиятга чанқоқлик	ҳаддан ташқари ақлий зўриқиши, диққат кучининг ортганлиги, хавотир
6	овқат ҳазм қилишдан лаззатланиш	таваккалчиликка мойиллик	ҳиссиётни яшириш, эмоционал сиполик
7	мулойим муомалани яхши кўриш	харакат услубининг қатъийлиги	кўз ва юз ҳаракатларининг нотинчлиги
8	социофилия - кўпчилик билан бўлишга интилиш	жангда жасурлик	социофобия - ёлғизликни ёқтириш
9	ҳамма билан хушмуомалалик	мусобақада агрессивлик	ижтимоий муносабатлар ўрнатишда қийналиш
10	мақтov ва маъқуллашга чанқоқлик	психологик ҳис-туйғусизлик, эмоционал бағритошлик	янги одатларга ўрганиш қийинчилиги, кучсиз автоматизм
11	одамларга интилиш	клаустрофобия - торлиқдан қўрқиши	бировларнинг эътиборини йўқотишдан қўрқиши - агорафобия
12	ҳиссиётлар намоён	раҳм-шафқасизлик ва	бошқа одамларнинг

	бўлишининг барқарорлиги	одобсизлик	ўзига муносабатини олдиндан кўра олмаслик
13	сабр-тоқатлилик	баланд овоз	паст овоз, шовқин уйғотишдан қўрқиши
14	беташвиш, лаззатланиш	оғриққа спартанча бепарволик	оғриққа ҳаддан ташқари сезирлик
15	чукур уйқу	умумий тўполончилик, бақироқлик	кам уйқу, сурункали толикиш
16	иродаси сустлик	ташқи кўринишнинг қаримсиклиги	ташқи қиёфа ва ҳаракат услубларининг ўспириналарча жонлилиги
17	мулоқот ва ҳиссиётни намоён қилишда енгилтаклиқ, висцеротонча экстроверсия	муомалада экстроверсия, эмоция ва ҳиссиётларни яшириш, соматотоник экстроверсия	церебротоник интроверсия
18	мастлик ҳолатида дилкашлик ва юмшоқлик	мастлик ҳолатида агрессивлик, қаттиқ туриш	алкогол таъсирига чидамлилик
19	оғир дамларда одамларга эҳтиёж	оғир дамларда ҳаракатга интилиш	оғир дамларда ёлғизликка интилиш
20	болаликка ва ўзаро оилавий муносабатларга интилиш	ўспиринлик мақсадлари ва вазифаларига йўналиш	ҳаётнинг кечроқ даврларига йўналиш


Темпераментнинг энергетик назарияси асаб тизимининг ишлаш қуввати билан боғлиқ бўлиб, бу назариясига кўра темперамент хусусиятлари асаб тизимининг ишлаш қувватига қиёсланади. Ҳар бир темперамент ўзининг эмоционал ва қувватни сарфлашига кўра ҳар хил жадалликка эга. Бу юзасидан типологияни В.Вундт амалга оширган. Унинг фикрига кўра эмоция учун темперамент – сезги учун қўзғалувчанлик муҳимдир. Фаол темпераментга нисбатан эмоциянинг кечиши кучли ва аниқ юз беради.

В.Вундт темпераментнинг 2 хусусиятига хос 2 фактни ажратиб кўрсатди:  
кучли – кучсиз, лабиллик – стабиллик (тезлик – секин).

- сангвиник ва флегматик - юзаки кучсиз эмоционал реакция;
- холерик ва меланхолик – кучли кечинмали (аффектив, чукур);
- эмоционал бекарорлик – холерик ва сангвиник;
- эмоционал барқарорлик - флегматик ва меланхолик темпераментига хос бўлган хусусиятдир.

Конституционал назарияда темпераментнинг тана тузилиши билан психика белгиларини ўзаро боғлиқлиги таъкидланади. Ушбу назария намоёндаларидан бири Хлод Сиго инсон тана тузилишининг қуидаги хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган:

- Респиратор (Нафас олувчи) тип – тос суюги тор (а);
- Дигестив (Овқат ҳазм қилиш) тип-катта жонли, жағлари катта (б);
- Мускулли тип – тос қисми ўртача (в);
- Церебрал тип - танаси қисқа (г).



Темпераментнинг физиологик асосларига улкан ўз ҳиссасини қўшган олимлардан бири рус физиологи **И.П.Павлов** (1849-1936) ҳисобланади. И.П.Павлов темперамент ҳам шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган хуласа чиқаради. И.П.Павлов таълимоти бўйича, шартли рефлекслар пайдо бўлишининг индивидуал хусусиятлари рўёбга чиқишининг сабаблари

нерв тизимини хусусиятлари моҳиятидандир. Унга кўра қуидаги 3 та хусусиятни ажратиб кўрсатади:

- 1) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи;
- 2) қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги мувозанатлилик даражаси;
- 3) қўзғалишининг тормозланиш билан алмашиниш тезлиги ёки нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги.

И.П.Павлов шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан темпераментга алоқадор нерв тизими хусусиятларининг ўзаро қўшилувини нерв тизимининг типи деб номлайди ва уни тўртта типга ажратади. Улар куидагилардан иборат.

1. Кучли, мувозанатли, эпчил;
2. Кучли, мувозанатсиз, эпчил;
3. Кучли, мувозанатли, суст;
4. Кучли, мувозанатсиз суст.

Йирик рус психологларидан бири **Б.М.Теплов** (1896 - 1965) ва унинг шогирдлари, маслакдошлари И.П.Павловнинг тадқиқотларини давом эттириб, инсон нерв жараёнлари хусусиятларининг ўзига хос томонларини очишга муваффақ бўлдилар. Улар нерв-физиологик жараёнларнинг нозик ҳирраларини ўрганишга маҳсус мосламалар ёрдами билан ўзгаришларни қайд қилиш ҳамда олинган натижаларни (омилларни) математик статистика методлари орқали хисоблашни татбиқ этдилар. Шунингдек, Б.М.Теплов илмий мактабининг намоёндалари томонидан ижобий ва тормозловчи шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш тезлигини тавсифловчи индивидуал хусусиятлар туркуми ҳам таърифлаб берилгандир. Ушбу индивидуал хусусиятлар моҳиятида ифодаланувчи нерв тизимининг нотаниш хусусияти динамиклик деб номланган ҳам тавсифланган.

### **28.3. Темперамент ва шахс фаоллиги**

Темперамент типларининг психологик тавсифи қуидаги мухим хусусиятлар ёрдами билан аниқланиши мумкин ва уларнинг психологик тавсифини қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

**1. Сензитивлик** (лотинча *Sensus* – сезиш, ҳис қилиш деган маъно англатади). Сензитивлик юзасидан инсонда бирорта психик реаксияни ҳосил қилиш учун зарур бўлган ўта кучсиз ташқи таассурот кучига қараб мулоҳаза юритилади, жумладан, сезгиларнинг пайдо бўлиши учун керак қўзғовчининг озгина кучи (уларнинг қуи чегараси), эҳтиёжлар қондирилмаслигининг сезилар-сезилмас даражаси (шахсга руҳий азоб берувчи) мужассамлашади.

**2. Реактивлик.** Бу тўғрида айнан бир хил куч билан таъсир этувчи ташқи ва ички таассуротларга шахс қандай куч билан эмоционал реакция қилишига қараб муносабат билдирилади. Реактивликнинг ёрқин рўёбга чиқиши - эмоционаллик, таъсирланувчаликда ифодаланишидир.

**3. Фаоллик.** Бу борада инсон қандай фаоллик даражаси билан ташки оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишда объектив ҳамда субъектив қарама-қаршиликларни фаоллик билан енгишга қараб фикр юритилади.

**4. Реактивлик билан фаолликнинг ўзаро муносабати.** Одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига биноан, чунончи тасодифий тарздаги ташқи ва ички шароитларга (кайфиятга, фавқулоддаги ҳодисаларга) ёки мақсадларга, эзгу ниятларга, хоҳиш-интилишларига кўра фикр билдириш назарда тутилади.

**5. Реакция темпи.** Турли хусусиятли психик реакциялар ва жараёнларнинг кечиш тезлигига, нутқ суръатига, фаросатлилигига, ақл тезлигига асосланиб хулоса чиқарилади.

**6. Ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат ригидлик (қотиб қолганлик),** шахснинг ўзгарувчан ташқи таассуротларга қанчалик энгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашишига (силлиқлик билан мослашишга), шунингдек, унинг ҳатти-харакатлари қанчалик суст ва

заифлигига (риgidлиги қотиб қолганлигича) нисбатан баҳо беришдан иборатдир.

**7. Экстравертлик ва интровертлик.** Шахснинг фаолияти ва реакцияси кўп жиҳатдан кечинмаларга боғлиқ, чунончи фавқулотдаги ташқи таассуротларга (экстравертлик) ёки аксинча, тимсолларга, тасаввурларга (интровертлик) тааллуқлигига асосланган ҳолда муносабат ифодасидир.

**Сангвиник** – жуда фаол, ҳар бир нарсага ҳам қаттиқ кулаверади; ёлғон далиларга жаҳли чиқади. Атрофдаги нарсалар, маърузалар диққатини тез жалб этади. Имо-ишораларни кўп ишлатади, чехрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир (кўзғатувчилар)ни сеза олмайди, серғайрат, ишchan, толиқмас. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатида, интизомли, ўзини тия билади, бошқара олади. Ҳатти-ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл идроки тийрак, топқир, қизиқишилари, кайфияти, интилишилари ўзгарувчан. Кўникма ва малакаларни тез эгаллайди. Кўнгли очик, дилкаш, мулоқотга тез киришади. Хаёлоти (фантазияси) юксак даражада ривожланган: ташқи таъсирларга ҳозиржавоб ва ҳоказо.

**Холерик** – суст сензитивлик хусусиятига эга. Жуда фаол ва реактив. Кўпинча реактивлиги фаоллиқдан устун келади. Бетоқат, серзарда, тинимсиз.

Сангвиникка қараганда силликроқ, лекин кўпроқ қотиб қолган (риgidрок).

Қизиқишилари, интилишилари барқарор, ҳатти-ҳаракатларда қатъийлик мавжуд. Бироқдиққатни бир жойга тўплашда қийналади. Нутқ суръати тез ва ҳоказо.

**Флегматик** – сензитивлиги суст, ҳис-туйғуси (эмоцияси) кам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин. Кўнгилсиз ҳодиса, хавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат. Имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмайди. Лекин серғайрат, ишchan, фаол, чидамли, матонатли. Нутқ ва ҳаракат суръати суст. Фаросати қийикроқ. Диққатни

тўплаши осойишта. Қотиб қолган (риgid). Диққатни кўчириш қийин. Интровертлашган, камгап, ичимдан топ. Янгиликни қабул қилиши мураккаб. Ташқи таассуротларга сустлик билан жавоб беради (қайтаради).

**Меланхолик** - сензитивлиги юксак. Тортинчоқ, ғайратсиз. Аразчан, хафаҳон. Жимгина йиглайди, кам кулади. Қатъийлиги ва мустақиллиги заиф. Тез толикади. Ортиқча ишchan эмас. Диққати барқарор. Ҳис-туйғуси суст ўзгаради. Қотиб қолган (риgid). Интровертлашган.

**Фаолиятда кучли ва кучсиз типлар.** Махсус тадқиқотлардан маълумки, типнинг кучсизлиги фақат қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг кучи етишмаслигини эмас, балки у билан боғлиқ юксак сезувчанликни, ташқи таъсирларга жавоб беришни (реактивликни) ифодалаши жуда намуналидир. Бу нерв тизимининг кучсиз типи ўзининг алоҳида афзалликларига эга бўлишни билдиради. Мазкур типнинг кўринишлари ўзига хослиги тўғрисида, унинг имкониятлари ҳақида кўплаб экспериментал маълумотлар ва ҳаётий кузатишларга асосланиб фикр юритиш мумкин.

**Фаолиятда ҳаракатчан ва суст типлар.** Аслида ҳаракатчанликнинг бўш ифодалиги (қарама-қарши жараёнларнинг секин алмашинуви) лабилликнинг бўш ифодаланиши (қўзғалиш ва тормозланишнинг содир бўлиш ва сўниш тезлигининг секинлиги), яъни нерв жараёнларининг сустлиги ҳам салбий, ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Сустликнинг салбийлик томони нерв жараёнларининг секин кечишида ифодаланса, ижобийлиги эса психик жараёнларнинг узоқ сақланиши, барқарорлигидир. Тегишли психологик тафовутлар фаолиятнинг самарадорлигини эмас, аксинча, энг аввало фаолиятнинг давом этиш хусусиятлари билан боғлиқдир.

Ҳаракатчан ва анча суст темпераментли ўқувчилар (VII синфда) ўртасида бошланғич меҳнат кўнилмаларини ўзлаштиришдаги фарқларни ўрганишда аниқланган фактлар бу жиҳатдан характерлидир. Маълум бўлишича, агар турли топшириқларни бажаришнинг тез суръати ҳаракатчан темпераментли ўқувчиларнинг қимматли сифати бўлса, салбий сифати эса

баъзи бир ишончсизлиқдир (топшириқни бажаришнинг ортиқча тезкорлиги сабабли унинг элементлари тушириб қолдирилади). Секин ҳаракатларни талаб қиласидиган топшириқлар суст ўқувчилар томонидан анча муваффақиятли, бир меъёрда ва силлиққина бажарилди. Тўғри, уларда топшириқларни бажаришда нохуш тўхтаб қолишлар юз бериб тураг, лекин топшириқни бажаришдаги аниқлик уларнинг фаолияти эди. Уларнинг анчагина қисми ўзларининг нисбатан чекланган тезкорлик имкониятлари ўрнини педагогнинг изоҳларига ва чизмаларига катта эътибор бериш билан тўлдирди.

**Фаолиятнинг индивидуал услуби.** Темпераментнинг хусусияти фаолиятнинг самарадорлигига эмас, балки аввало усулларнинг ўзига хослигига намоён бўлади. Шу маънода кўп дастгоҳчи ўқувчиларнинг ишини кузатиш натижалари дикқатга сазовордир (Е.А.Климов тадқиқоти). Маълум бўлдики, бир неча дастгоҳда ишлашда нерв тизими ҳаракатчан типдаги ҳам, ҳаракатсиз типдаги ходимлар ҳам юксак ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришиши аниқланди (уларнинг нерв жараёнларининг хусусиятлари лаборатория экспериментларида аниқланди). Темпераментни ҳаракатчанлигига кўра қарама-қарши хусусиятли кишилар бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат тактикасига мурожаат қилишлари аниқланди. Чунончи, ҳаракатчанлари шошилинч жараёнлар (масалан, ишнинг барҳам бериш)ни тезроқ бажаради (бунга фақат зарурат туғилган), темпераментнинг суст типидаги кишилар эса ишончсизлик ҳаракатларнинг зарурлигини билдирадиган тайёрлов ишларига янада зўр зътибор бериши билаи ажralиб туради. Иш усуллари, услуби уларнинг индивидуал хусусиятларига тўғри келадиган ходималарда юксак ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришилади. Шундай қилиб, темперамент фаолиятнинг индивидуал услубини белгилайди.

Фаолиятнинг индивидуал услубини ҳар томонлама ўрганган психологлар (В.С.Мерлин, Е.А.Климов) унинг кишида дарров пайдо бўлмаслиги ва фақат стихияли тарзда пайдо бўлишини кўрсатишиди. Агар

киши ўз темпераментига мувофиқ ўзининг яхши натижаларга эришишига ёрдам берадиган йўллари ва усулларини фаол изланса, индивидуал услублари ишлаб чиқилади ва такомиллашади. Фаолиятининг индивидуал услуби ишлаб чиқариш илғорларида, уста спортчиларда, энг яхши ўқувчиларда анча аниқроқ намоён бўлади.

Қизик, одамларнинг биргаликдаги фаолияти шароитларида (агар улар биргаликда, масалан, иккита бўлиб ишлаётган бўлса), улар темпераментининг динамик фазилатлари улар фаолиятининг пировард натижасига ҳар бири индивидуал ишлаган ҳоллардагига қараганда анча жиддий таъсир кўрсатар экан. Бунда мазкур фаолиятни бажариш учун анча кулай ва камроқ кулай бўлган темпераментнинг ҳар хил типларининг бирга қўшилиб келиши аниқ бўлди. Чунончи, холерик темпераментли кишининг фаолияти сангвиник ёки холерик темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганга қараганда флегматик ёки меланхолик билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлади (В. М. Русаловнинг тадқиқотлари). Бундай фактлар шуни кўрсатадики, темпераментнинг у ёки бу хусусиятлари аҳамиятини кўпгина фаолият турларининг биргаликдаги характеристини ҳисобга олмасдан баҳолаб бўлмайди.

Ўз темпераментининг хусусиятларини эгаллаш ва уларнинг ўрнини тўлдириш, фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш болалик йилларида бошланади, таълим ва тарбия остида рўй беради.

Темпераментнинг ёшга оид хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак: ҳар бир болалик ёшида фаолликнинг, эмоционаллик ва моториканинг ўзига хос хусусияти бор. Жумладан, кичик мактаб ёши учун фаолликнинг характеристи белгилари - қизиқиш уйғотишнинг осонлиги, ҳар қандай ташқи қўзғатувчига эътибор беришга тайёрлик ва диққат-эътибор беришнинг етарлича узоқ давом этмаслиги, болалар нерв тизимининг нисбатан сустлиги, сезгирилиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг ана шу давридаги эмоционаллик ва моторика, албатта, айтайлик, ўсмирлик, айниқса ўспиринлик давридагидан бошқачароқ бўлади. Болада темпераментнинг у ёки бу типининг белгилари

унинг ёшидан ажратилган ҳолда қараб чиқилиши мумкин эмас, улар ҳамиша тегишли “ёш давр фонида” намоён бўлади.

**Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари.** И.П.Павловнинг лабораторияларида бош мия катта ярим шарлари қобигининг иши умумий хусусиятлари (итларда тажриба ўтказилди) билан бирга нерв фаолиятида ҳайвоннинг индивидуаллиги билан боғлиқ бўлган нерв фаолиятидаги фарқлар кашф этилди ва ўрганилди. Ит ҳатти-ҳаракатининг ўзига хослиги (масалан, зийраклик ва сустлик, дадиллик ёки қўрқоқлик) асосий нерв жараёнларининг айrim хусусиятлари ҳаяжонланиш ва тормозланишга қонуний равишда мос келганлиги кузатилди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ўрганилган индивидуал фарқлар асосида қуйидаги физиологик хусусиятлар: ҳаяжонланиш ва тормозланиш кучи, уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни бир-бирини тезда алмаштириш қобилияти, ҳаяжонланиш билан тормозланиш ўртасидаги вазминлик ётиши аниқланди. Ушбу хусусиятларнинг у ёки бу тарздаги бирикуви олий нерв фаолиятининг турини ташкил этади.

Нерв жараёнларининг кучи типнинг энг кўп ҳаётий аҳамиятга эга бўлган жуда муҳим қўрсаткичdir. Қобик унинг иш қобилияти, уларнинг чидамлилиги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучига боғлиқ бўлади. Маълумки, теварак-атрофдаги олам нерв тизимиға кўплаб турли-туман таъсиротлар ёғдириб туради; баъзан узоқ вақт давомида оғир ишни бажариш талаб қилинади; ҳаётда анча нерв зўриқишини талаб қиласидан фавқулодда воқеалар, катта кучли қўзғатувчилар учраб туради; кўпинча бошқа, янада кўпроқ аҳамиятли қўзғатувчилар таъсири остида қўзғатувчилардан бирининг ҳаракатига таъсирини камайтириш, тўхтатиш зарурати пайдо бўлади. Нерв тизими қанчалик кучга бардош бериши мумкинлиги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучига боғлиқ бўлади.

Бошқа бир кўрсаткич – бош мия қобигидаги нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Атрофдаги муҳит доимо ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар кўпинча кескин ва кутилмаган бўлади. Нерв

жараёнлари уларнинг орқасидан “улгуриши” керак. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир хил ҳайвонларда ҳаяжонланиш ва тормозланиш жараёнлари бир-бириннинг ўрнини тезда алмаштиради, бошқаларида қарама-қарши жараёнлар нисбатан секин алмашинади.

Нерв тизими турининг навбатдаги қўрсаткичи - қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги вазминлик ҳам жуда аҳамиятлидир. Кўзғатувчи куч билан тормозланиш жараёнининг кучи ҳамиша ҳам бир-бирига тўғри келавермайди, айрим вақтларда тормозланиш жараёни кучи жиҳатидан қўзғалиш жараёнидан орқада қолади ва катта куч билан қўзғалиш тормозланиш билан тўла мувофиқлаша олмайди. Вазминлик даражаси турлича бўлади.

**Олий нерв фаолиятининг типлари.** Олий нерв фаолиятининг индивидуал хусусиятлари тадқиқотлар қўрсатганидек, қараб чиқилган бирон-бир хусусияти билан эмас, балки, доимо уларнинг мажмуи билан белгиланади. Нерв фаолиятининг типини ташкил этувчи учта хоссаси улардан ҳар бириннинг у ёки бу даражада ифодаланганлиги турли бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин. Кўп сонли лаборатория тажрибалари қўрсатадики, шундай бирикмалар орасида айримлари бошқаларига қараганда кўпроқ учрайди ёки бўлмаса анча аниқ-равshan, яққол кўринади. Натижада И.П.Павлов олий нерв фаолиятининг асосий турлари таснифини яратди.

Нерв жараёнларининг кучига боғлиқ ҳолда итлар кучли ва кучсизларга бўлинди.

Кучсиз жониворлар бир хил типни ташкил этади. Бу типнинг вакилларида иккала нерв жараёни (айниқса тормозланиш жараёни кўпинча ожиз бўлиб чиқади) ожиз ҳисобланади. Бундай итлар бесаранжом бўлишади, тўхтовсиз аланглайверади ёки, аксинча, доимо тўхтайверади, бамисоли қандайдир бир хил ҳолатда тураверади. Бу шу нарса билан изоҳланадики, ташки таъсирлар, ҳатто баъзан жуда арзимаган таъсирлар ҳам, уларга ортиқча таъсир кўрсатади. Узоқ давом этган ёки кучли қўзғатувчилар уларда нерв тизимининг тез ишдан чиқишини келтириб чиқаради. Кучсиз турдаги

ҳайвонлар бир-бирларидан бошқа хусусиятлари бўйича (нерв жараёнлари кучидан ташқари) ҳам фарқ қиласидар, аммо нерв тизимининг умумий ожизлигига бу фарқлар жиддий аҳамиятга эга эмас. Унинг учун нерв тизими ожиз бўлган барча ҳайвонлар И.П.Павлов томонидаи бир хил типга киритилган.

Кучли мувозанатлилар, ўз навбатида, нерв жараёнларининг алмашинувига қараб, ҳаракатчанлигига кўра жонли ва босик типларга бўлинади. Ҳатти-ҳаракатининг ташқи хусусиятларига қарабоқ бу типларнинг вакиллари бир-биридан кескин фарқ қиласиди. Бир хиллари тез кўзғалувчан ва ҳаракатчан, бошқалари, аксинча, қийинчилик билан қўзғалади, суст бўлади. Шундай қилиб, олий нерв фаолиятининг тўрт асосий типи ажратилгандир;

- 1) кучли мувозанатли ва тез (ジョンリ);
- 2) кучли мувозанатли ва секин (осойишта);
- 3) кучли мувозанатсиз (бехаловат);
- 4) кучсиз тип.

Нерв фаолиятининг типи – организмнинг табиий хусусиятидир. У наслий жиҳатдан боғлиқдир, лекин бирон-бир даражада ўзгармас ҳисобланмайди, у ривожланади ва маълум даражада атрофдаги шароитлар таъсири остида ўзгаради. Масалан, экспериментларда аникландики, қўзғалиш устун турган кучли типда машқ қилиш йўли билан қолоқ тормозланиш жараёнини мустаҳкамлаш мумкин. Яна шу нарса маълумки, нерв жараёнлари хусусиятларининг ёшга қараб ўзгариши ҳам мавжуддир.

Темпераментнинг хусусияти, яъни психиканинг динамик томони хусусиятлари киши характеристикини ташкил этадиган психиканинг муҳим хусусиятларини ривожлантириш шартларидан биридир, холос.

### **Назорат саволлари:**

1. Темперамент ҳақида тушунча. Олий нерв фаолияти типи ва темперамент.
2. Темперамент типларини санаб беринг.
3. Фаолиятнинг индивидуал услуби ва темперамент.

## **XXIX-БОБ ХАРАКТЕР**

**Таянч тушунчалар:** характер, характер хусусиятлари, характер ва темперамент, характернинг шакланиши, характернинг намоён бўлиши, характернинг намоён бўлиши ва шакланиши.

### **29.1. Характер ҳақида тушунча**

Грекчадан таржима қилганда “характер” – бу “зарб қилиш”, “белги” демакдир. Ҳақиқатан ҳам характер – кишининг жамиятда яшаб эгаллайдиган алоҳида белгиларидир. Шахснинг индивидуаллиги психик жараёнларнинг ўтиш хусусиятларида (яхши хотира, хаёл, зеҳни ўткирлик ва бошқалар) ва темперамент хусусиятларида намоён бўлишига ўхшаб, характернинг хислатларида ҳам кўринади.

Характер – шахснинг фаолият ва муомала жараёнида таркиб топадиган ва намоён бўладиган, барқарор индивадуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик хулқ-автор усулларини юзага келтиради.

**Характер** – *бу* мазкур шахс учун типик ҳисобланган, фаолият усулларида намоён бўладиган, шахснинг турли шароитларга муносабати билан белгиланадиган индивидуал психологик хусусиятлари йиғиндиси тушунилади. Характер хусусиятларининг намоён бўлиши ҳар бир типик вазият, ҳиссий кечинмаларнинг индивидуал ўзига хос хусусияти шахс муносабатларига боғлиқ. Характернинг интеллектуал, ҳиссий ва иродавий хислатларини ажратиш мумкин. Характер деганда шахсда муҳит ва тарбия таъсирида таркиб топган ва унинг иродавий фаолиятида, атрофдаги оламга ўз-ўзига бўлган муносабатларида намоён бўладиган индивидуал хусусиятларни тушунамиз. Характернинг жуда кўп хусусиятлари одамнинг иш ҳаракатларини белгиловчи чуқур ва фаол мойиллик ҳисобланади. Мана шу мойилликларда характер хислатларининг ундовчилик кучи намоён бўлади. Одам характер хислатларининг ана шундай ундовчилик кучи туфайли кўпинча объектив шароитларга зид иш қиласи ва мутлақо мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларини қўллайди. Характер хислатлари маълум тарзда ҳаракат қисмларига, баъзан эса шароитга қарама-қарши ҳаракат

қилишга ундар экан, улар ҳаётий қийин дақиқаларда яхшироқ намоён бўладилар ва бу характерни, шунингдек баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим вазифасидир. Шахснинг қаътиятлилик, танқидийлик, фаҳм-фаросат, кузатувчанлик каби хислатлари интеллектуал, қувноқлик, меҳрибонлик ҳиссий-иродавий сифатларга киради. Одатда шахснинг муносабатлари характер хислатларининг индивидуал хусусиятларини икки хилини аниқлаш имкониятига эга:

- Шахс характерининг хусусияти рўёбга чиқадиган ҳар қандай вазият ҳиссий кечинмаларнинг ўзига хос хислати унинг муносабатларига боғлиқ.
- Ҳар қандай фавқулоддаги типик (муҳитдаги) характернинг сифатлари ҳамда индивидуал усуслари шахснинг муносабатларига тааллуклидир.
- Шахс харакатларининг сифати ва уларнинг оқилона усуслари инсоннинг иродаси, ҳиссиёти, диққати, ақлий сифатларига ёки психик жараёнларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Чунончи, меҳнатда кўзга ташланадиган тиришқоқлик, пухталик меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни акс эттиришга эмас, балки бошқа омилларга:
  - диққатнинг тўпланишига;
  - ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлигига;
  - иродавий зўр беришга;
  - усуслар маҳсулдорлигига;
  - ақлнинг иштирокига боғлиқ.

Кишининг шахси у нима қилаётгани билан эмас, балки уни қандай бажараётгани билан характерланади. Умумий манфаатлар ва эътиқодлар асосида ҳаракат қила бориб, ҳаётда умумий мақсадларга интила бориб, одамлар ўз ижтимоий хулқ-атворида, ўз ҳатти-ҳаракатларида ва ишларида ҳар хил, баъзан эса қарама-қарши индивидуал хусусиятларни намоён қилишлари мумкин. Бошқа одамлар билан биргаликда ўшандай қийинчиликларни бошдан кечириш, ўз мажбуриятларини муваффақият билан башкариш, бир нарсани севиш ёки севмаслик, лекин айни пайтда юмшоқ,

гапга кўнадиган ёки шафқатсиз, муросасиз, қувноқ ёки ғамгин, қатъий ёки журъатсиз, киришимли ёки чиқиша олмайдиган бўлиш мумкин.

### **Характер ижтимоий муносабатлар ва социал гуруҳлар**

Характер киши шахсининг йўналганлигини белгилайдиган ижтимоий муносабатларга боғлик бўлади. Жумладан, кишининг киши томонидан социал эксплуатация қилинишига асосланадиган жамиятда, масалан, ҳукмрон синфлар вакилларининг социал позицияси улар характерида такаббурлик, кеккайганлик, риёкорлик, таъмагирлик, мунофиқлик ва ҳоказоларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Психология фани ўз назарий ва амалий ишларида киши характерида намоён бўладиган ана шу “тумча доғлари”ни муҳокама қилишни пухта ва усталик билан четлаб ўтади.

Характернинг шаклланиши шахснинг ривожланиш даражасига кўра хилма-хил гуруҳларга мансуб турли хилдаги шароитлар билан қўшилган ҳолда (оилада, дўстлар даврасида, меҳнат ёки ўқув жамоасида, ва шу кабиларда) юз беради. Унинг учун референт бўлган гуруҳда шахснинг индивидуаллашуви қандай амалга ошаётгани ва унда шахслараро муносабатларнинг ривожланганлик даражаси қандайлигига боғлик ҳолда, масалан, ўспиринда бир хил ҳолатда характерида очиқлик, тўғрилик, жасурлик, принципиаллик, қаттиққўллик, бошқа бир ҳолатда эса пинҳонийлик, ёлғонлик, қўрқоқлик, конформлилик, характернинг бўшлиги шаклланиши мумкин. Ривожланиш даражаси юксак бўлган гуруҳдаги каби жамоада характернинг энг яхши ҳислатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қулай имкониятлар яратилади. Бу жараён шахснинг жамоада оптимал интеграциясига ва колективнинг ўзи янада ривожланишига ёрдам беради.

Кишининг характерини била туриб, унинг у ёки бу ҳолатларда ўзини қандай тутишини ва демак, киши ўз хулқ-авторини қандай изга солишиш олдиндан кўра билиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларга жамоат топшириқларини тақсимлаётib, уларнинг нафақат билимлари ва малакаларини, балки характерини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Характернинг хусусиятлари орасида айримлари асосий, етакчи бўлиб, унинг намоён бўлишининг бутун комплексини ривожлантиришнинг умумий йўналишини белгилаб беради. Улар билан бир қаторда иккинчи даражали хусусиятлар ҳам борки, айрим ҳолларда улар асосий деб белгиланиши, бошқаларида эса улар билан уйғунлашмаслиги ҳам мумкин. Турмушда анча барқарор ва анча зиддиятли характерлар учрайди. Барқарор характерларнинг мавжудлиги характерларнинг улкан ранг-баранглиги ичida уларнинг умумий хусусиятлар бўлган маълум типларини ажратиш имкониятини юзага келтиради.

Характернинг барқарорлиги унинг зиддиятлилигини тўла инкор этмайди: бир хил вақтда меҳрибонлик принципиаллик билан, юмор ҳисси масъулият билан келишмай қолади.

Характернинг хусусиятлари эътиқод, ҳаётга бўлган қарашлар ва шахс йўналишининг бошқа хусусиятлари айнан бир хил деб қаралиши мумкин эмас. Бир хушмуомала ва хушчақчақ киши юксак маънавий ва инсофли бўлиши мумкин, бошқаси эса – у ҳам хушмуомалали ва хушчақчақ – фақат шахсий фаровонлик ва ўз оиласининг ҳузур-ҳаловати тўғрисида ғамхўрлик қилувчи майда корчалон, шу жумладан, ўз мақсадларига эришиш учун ярамас қилиқлардан ҳам жирканмайдиган бўлиб чиқади.

### **Характернинг хусусиятлари ва шахснинг муносабатлари**

Характер субъектнинг биргалиқдаги фаолиятга қай тарзда фаол жалб қилинишига қараб ҳатти-харакатларда ва ишларда намоён бўларкан, ҳам фаолият мазмунига, ҳам қийинчиликларнинг муваффакиятли ёки муваффакиятсиз бартараф этилишига, ҳам асосий ҳаётни мақсадларга эришишда узоқ ва яқин истиқболларга боғлиқ бўлиб қолади. Бунда характер кишининг ўз муваффакиятсизликлари ва муваффакиятларига, ижтимоий фикрга ва қатор бошқа ҳолатларга қандай муносабатда бўлишига (унинг илгари таркиб топган хусусиятлари асосида) боғлиқ бўлади. Жумладан, мактабнинг ўша битта синфида ўқиётган ёки ўқув-ишлиб чиқариш камбинати шароитларида ўша битта бригадада тенг ҳолатда ишлаётган одамлар ишнинг

уддасидан чиқиши ёки чиқмаётгани сабаби билан турли характер хусусиятларига эга бўлади. Ютуқ баъзи бирларини янада яхшироқ ишлаш ёки ўқишига илҳомлантирса ва унда, бошқалари “эришилган ютуқдан мағурланишга” мойил муваффақиятсизлик бирор бошқаларда жанговарлик руҳини пайдо қиласди. Характернинг таркиб топишида кишининг қандай улғайган муҳитга ва ўз-ўзига бошқа кишига қандай муносабатда бўлиши муҳим момент ҳисобланади. Шу билан бу муносабатлар характернинг энг муҳим хусусиятни таснифлаш учун асос бўлади.

Кишининг характери, биринчидан, у бошқа одамларга: қариндош-уруғларига ва яқинларига, ишдаги ва ўқищдаги ўртоқларига, танишларига ва яхши танимайдиган кишиларга ва бошқаларга қандай муносабат билдираётганлигига намоён бўлади. Барқарор ва бекарор боғланганлик, принципиаллик ва принципсизлик, дилкашлик ва маҳдудлик, ростгўйлик ва ёлғончилик, одобилик ва қўполлик кишининг бошқа одамларга муносабатини белгилайди, Кишининг характерини жамоадан ташқарида намоён қилиб ва тушуниб бўлмайди. Жамоада, бошқа одамлар билан жонли мулокотда характернинг кенглиги ёки бачканалиги, муроса қила олмаслиги ёки кўнгилчанлиги, тинчликсеварлиги ёки жанжални яхши кўриши каби ҳислатлари аниқ-равshan кўринади.

Иккинчидан, кишининг ўзига бўлган муносабати: обрўталаблик ва ўз қадрини ҳис қилиш ёки ўз кучини камайтириб кўрсатиш ва ишонмаслик характер учун хосдир. Бир хил одамларда иззатталаблик ва эгоцентризм (ўзлигини барча воқеалар марказига қўйиш), бошқаларида эса ўз шахсий манфаатларинн жамоат манфаатларига бўйсундириш, умумий иш учун курашда фидокорлик биринчи ўринга чиқади.

Учинчидан, характер кишининг ишга муносабатида намоён бўлади. Жумладан, киши характерининг энг қимматбаҳо белгилари қаторига виждонлилик ва ишchanликни, жиддийликни, ташаббускорликни, топширилган иш учун масъулиятни ва унинг натижалари учун ташвишланишни киритиш мумкин. Лекин, айрим одамларнинг характерида

амалпарастлик, енгилтаклик каби ҳислатлар, ишга расман муносабатда бўлиш одатлари ҳали ҳам сақланиб қолгандир.

Тўртингидан, характер кишининг нарсаларга муносабатида намоён бўлади: фақат ижтимоий мулкка нисбатан эмас, балки ўз буюмларига, кийимлари ва пояфзалига, китобларига ва ўкув қуролларига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёки эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ва ҳоказо. Характер якин кишининг фаолияти, унинг хулқ-автори энг аввало хулқ ўз олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади ва унинг шахсининг йўналганлиги – қизиқишилари, идеаллари ва эътиқодининг мазмуни доимо унинг хулқ-автори ва фаолиятининг асосий детерминанти бўлиб қолади. Бироқ, шахс йўналишида кўплаб умумийлик бўлган ва мақсадлари бир-бирига тўғри келадиган икки кишида ана шу мақсадларга эришиш учун улар фойдаланаётган усусларда жиддий фарқлар бўлиши мумкин. Ана шу фарқлар ортида шахс характеридаги хусусиятлар туради.

### **Характер хусусиятлари**

Характернинг кишилик тажрибасида қайд этиш ўз ифодасини топган хусусиятлари сони беҳад кўп ва ҳар ҳолда мингтадан ортиқроқни ташкил этади. Шу сабабли характернинг ўзгариб турадиган хусусиятларини санаб ва тавсифлаб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас, бунинг устига психологияда аниқ бир таснифлаш схемаси (уларни шахс муносабатларининг юқорида кўрсатиб ўтилганларидан бирига умумий мансублигидан ташқари) йўқ. Характер хусусиятларининг вариантилиги уларнинг фақат сифат жиҳатидан ранг-баранглиги ва ўзига хослигига эмас, балки миқдор жиҳатидан ифодаланганида намоён бўлади. Бирмунча шубҳали, маълум даражада саловатли, бирмунча виждонли ва самимий кишилар бор. Характернинг у ёки хусусияти миқдорий ифодалилиги охирги маррага етиб ва норманинг энг охирги чегарасига бориб қолган характернинг акцентуацияси (ортиқча ургу берилиши) аталмиш вазият туғилади.

Характерга ортиқча ургу берилиши – айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охирги вариантларидир. Бунда

индивидда бошқаларига нисбатан барқарорлик бўлгани ҳолда бир хил стрессоген (қаттиқ ҳаяжонланувчи) омилларга заифлик ортиши кузатилади. Киши характеристидаги бўш бўғин кўпинча ана шу бўғиннинг фаол ишлашини талаб қиласидиган оғир вазиятларда намоён бўлади.

Мазкур индивид характеристининг заиф жойларига тегмайдиган барча бошқа қийинчиликларни у ортиқча зўриқмай, на теварак-атрофдагиларга ва на ўзига ҳеч қандай кўнгилсизлик келтирмай бошидан кечириши мумкин. Характернинг акцентуацияси ўта ноқулай вазиятларда патологик зўриқишлигарга ва шахс хулқ-авторининг ўзгаришиларига, психопатияга олиб бориши (характерининг шахснинг адекват ижтимоий мослашувига тўсқинлик қилувчи ва амалда такрорланмайдиган патологияси, гарчи тўғри даволаш шароитларида баъзи тузатишларга берилса ҳам) мумкин, лекин уни патологияга оид деб ҳисоблаш ноўриндир.

Характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши) турларини таснифлаш анча мураккаблик туғдиради ва ҳар хил авторларда номларнинг номенклатураси бўйича бир-бирига мос келмайди (К.Леонгард, А.Личко). Лекин акцентуациялашган хусусиятларнинг тавсифи маълум даражада бир хил бўлиб қолади. Бу ҳар иккала тасниф схемаларидан муваффақиятли терминларни олиб ва бунда психиатрик терминология (“шизофрения” хусусиятлари, “эпиленсия” хусусиятлари ва ҳоказо) билан тўғридан-тўғри ўхшашлик бўлишидан қочган ҳолда ортиқча урғу бериладиган хусусиятлар рўйхатини келтириш имкониятини беради.

Сензитив тип учун қўрқоқлик, одамовилик, тортинчоқлик хосдир. Сензитив ўсмирлар катта ва бунинг устига янги улфатларга қўшилишдан қочишади, тенгқурларининг шўхликларида ва қалтис ишларида қатнашмайдилар, ёш болалар билан ўйнашни афзал қўрадилар. Улар назорат қилинадиган ишдан қўрқишиади, айрим вақтларда хато қилиб синфдошларининг кулгусига сабаб бўлиш ёки ҳаддан зиёд яхши жавоб билан ҳавасини келтиришдан ҳавфсираб, синф олдида жавоб беришдан ийманишади. Сензитив ўсмирларнинг ўзларининг норасоликларини ҳис

қилиши гиперкомпенсация реакциясини айниңса ифодали қилади. Улар ўзлигини тасдиқлашни ўз хулқ-атворининг бўш жойида, уларнинг қобилияtlари яхшироқ намоён бўладиган соҳаларда изламайдилар, балки ўзларининг жуда ҳам норасоликларини айниңса сезадиган жойларда излайдилар. Қизлар ўзларининг қувнокликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Журъатсиз ва уятчан болалар бетакаллуфлик ёки ҳатто атайлаб такаббурлик никобига кириб олишади, ўз куч-қуввати ва иродасини кўрсатишга интилишади. Қачонки, вазият улардан дадил қатъийлик кўрсатишни талаб қиласкан, улар шу захотиёқ ожизлик қиладилар. Агар улар билан ваколат берувчи муносабат ўрнатиш иложи бўлса ва ҳамсуҳбатининг хайрихоҳлиги ва мададини ҳис қиласа, у ҳолда никоб билан ухлаш ҳам “сув текин” ҳаёт бўлиб чиқади, гоҳ гина-қудратга тўлиб-тошиш ва виждон азоби, нозик туйғу ва ўзига нисбатан ҳаддан зиёд юксак талаблар қўяди. Кутимаганда иштирок этиш ва ҳамдардлик билдириш манманликнинг ўрнига ўтиши ва шариллаб оқаётган кўз ёшини шунчаки қуруқ нарса қилиб кўрсатиши мумкин эди (А.Личко).

### **Характер ва темперамент**

Худди темперамент каби характер ҳам кишининг физиологик хусусиятларига ва аввало, нерв тизими типига боғлиқдир. Темпераментнинг хусусиятлари характернинг кўринишларига ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг пайдо бўлиши ва кечишнинг динамик хусусиятларини белгилаб беради. Пировард натижада темперамент ва характернинг хусусиятлари кишининг умумий қиёфасини белгилайдиган амалда ажралмайдиган қотишимасини, унинг шахсининг интеграл характеристикасини ташкил этади. Инсон психологиясининг буюк билимдони бўлган француз ёзувчиси Стендалъ холерик темпераментли одамнинг қалб хусусиятларини ёзаркан, шундай қайд қилган эди:

“Юқори таъсирчанлик, ҳаракатлари кескин ва шиддатли, таассуротлар сангвиникларники каби ҳам тез ва ҳам ўзгарувчан, лекин ҳар бир таассурот бир-биридан катта куч билан ажралиб турадиганлиги учун у энди кўпроқ

хукмронлик қилувчи характерга эгадир. Кишига азоб берадиган серзарда темперамент юракни янада сиқадиган, янада зўр, янада бекарор фикрларни ва қизиқишларни туғдиради. У унга деярли доимий равишида ташвиш туйғусини беради. Сангвиник типдаги одамга ҳеч қийинчиликсиз бериладиган маънавий фаровонлик ҳисси унга мутлақо ётдир; у фақат қизгин фаолиятда ҳузур-халоватга эришади. Қачонки, хавф ёки қийинчилик ундан барча кучларинн талаб қилган пайтлардаги буюк ҳаракатлардагина, қачонки у ҳар бир дақиқада бу хавф ва қаршиликни тўла ва бутунлай англаб етган ҳолдагина бундай киши мавжудлигидан завқланиши мумкин”<sup>17</sup>.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига қаршилик кўрсатиши ёки ёрдам бериши мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга қараганда флегматик типдаги одам ўзида ташаббускорлик ва қатъийликни таркиб топтириши қийинроқдир. Журъатсизлик ва вахималиликни бартараф этиш мелонхолик учун жиддий муаммо ҳисобланади. Характернинг жамоада амалга ошириладиган шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда ўзини тута билишни ва ўзига танқидий кўз билан қарашни, сангвиникларда саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади.

## 29.2. Характерни ўрганишга назарий ва эмпирик ёндашув

Характер борасидаги таълимотлар тарихи узоқ ўтмишга бориб тарқалади. **Хусусан, Арасту ва Афлотун** киши характерини юзига қараб аниқлашни таклиф қилган эдилар. Уларнинг характерологияси асоси қанчалик содда бўлса, шунчалик ғаройиб фараз ётарди. Кишининг ташқи кўринишида қандайдир ҳайвон билан ўхшашлик белгисини топиш тавсия қилинарди, сўнгра эса унинг характерини ана шу ҳайвоннинг характери билан айнан бир хил деб қараш керак эди. Жумладан, Арастунинг айтиши бўйича, буқаники сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдиради, чўчқаникига ўхшаш тешиклари катта-катта кенг бурун аҳмоқликни, арслонники каби бурун мағрурликни, эчкилар, қўйлар, ва қуёнларники

<sup>17</sup> Стендаль. Собр. Соч. в 15-ти т. М., «Правда» нашриёти, 1959, 6-том, 220-221-бетлар

сингари жуннинг майинлиги қўрқоқликни, шерлар ва ёввойи чўчқаларники каби жуннинг дағаллиги ботирликни англатади.

Характерни аниқлашнинг бу ва шунга ўхшаш физиологик тизими ақл-садосини биз, масалан, ўрта асрлик Суриялик ёзувчи Абул-Фараж Бар Эбрейда кўрамиз. Унинг китобида шундай кўрсатма мужассамлашгандир: “Йўғон ва калта бўйли киши бўйвол сингари қаҳр ғазабга келиши мойиллигига эга”. Узун ва ингичка бўйли қўрқоқлик аломати. Бундай киши буғу сингари ҳуркадиган бўладики, “Қайси бирининг бўйни жуда кичик бўлса, тулки сингари маккор бўлади”.

### **29.3. Характернинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Характер хусусиятларининг пайдо бўлиши, унинг табиати, ўзгариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги психологларнинг узоқ давом этиб келаётган мунозаралар мавзуи ҳисобланади ва кўпинча одатдаги онгга хос бўлган мутлақ мулоҳазаларга сабаб бўлади. Индивид характерининг таркиб топган хусусиятлари тизимга эга бўлгандагина социал етукликка эришади. Бу жараён билинмасдан рўй беради ва кишига ҳозир қандай бўлса доимо шундай бўлганига ўхшаб кўринади. Шу тариқа инсон характерининг хусусиятлари унга табиатдан берилган, у туғма ҳисобланади, деган фикр туғилади. Бундай таъкид жуда ҳам кенг тарқалган бўлади: “табиатан қўрқоқ ва аглаҳ эди” ёки “алдамчиликка мойиллик – унинг туғма хусусияти”, ёки ҳатто “уруг-аймоғи билан шунаقا ўзи – тоғасига тортди”. Лекин шундай икки ака-ука бир оилада, гўё бир хил шароитларда тарбияланмоқда. Уларнинг фарқи бир-икки ёшдангина иборат, иккаласи бир мактабда ўқийди, ота-оналари ҳам умуман уларга бир хил қарашади, болалар эса ҳамма соҳада ҳар хил, характерлари бир-бирига сал-пал ҳам ўхшаб кетмайди. Кишига характер туғилиши билан берилади, деган холоса ҳам бу гапдан унча узоқ эмас.

Ҳаёт киши шахсини ҳатто ўхшаш шароитларда ҳам турли нусхаларга қараб “ўлчайди” деган гапни қандай тушунтириб бериш мумкин? Энг аввало,

шу нарсани тан олиш керакки, ҳар хил одамларда ҳақиқатан ҳам “асос қилиб олинган материал” бир хил эмас.

Киши бош мия ишлашининг турли хил хусусиятлари билан туғилади, олий нерв фаолиятининг у ёки бу типини тасарруф қиласиди. Бу психологик хусусиятлар эмас, балки физиологик хусусиятлардир, лекин улар бир хилдаги таъсирлар болаларда ҳар хил психологик самара келтирувчи дастлабки сабаб бўлиши мумкин. Улар психика ва онг ривожланадиган шароитларни белгилайди. Физиологик шароитлардаги бу фарқлар одамлар характеристидаги ҳар хилликнинг атиги биринчи сабабидир.

Характер – кўп жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён бўлади, аммо у шу фаолиятда шаклланади. Агар йигит ёки қиз ўзини ўзи танқид қилишни характерни хусусияти сифатида тарбиялашга уринаётган бўлса, улар ўзларига танқидий нуктаи назардан ёндашишлари керак. Бу улар нафақат бошқаларнинг хатосига эмас, балки ўз хатоларига ҳам муросасиз муносабатда бўлиши керак, уларни хаспўшлашга, улардан кўз юмишга уринмаслик керак, деган маънони билдиради. Психолог П.Блонский ёзганидек, “факат мувофиқ тарзда яшаган ҳолдагина яшашга ўрганиш мумкин”.

Меҳнат ва ўқиши тўғрисида гапирмаган тақдирда ҳам кундалик турмуш, оиладаги ҳаёт шароитлари инсоний характерлар мактабидир. Педагоглар ва ота-оналар олдида мунтазам равишда масъулиятли вазифа: болалар характеристида сезила бошлаган ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва уларни инобатга олган ҳолда хулқ-атвор ва тарбия соҳасида ўз йўлини амалга ошириш вазифаси туради. Афтидан, тарбиявий ишда педагогик усул сифатида қўлланиладиган тақлид(андаза)дан катта рол хавф йўқ. Бу айниқса, болага индивидуал ёндашув амалга ошириладиган ҳолларда чидаб бўлмайдиган нарсадир.

Шундай қилиб, характер – шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимига, ҳамкорликдаги фаолиятига ва бошқа одамлар билан муомаласига жалб

этиладиган ҳамда шу билан ўз индивидуаллигига эга бўлаётган тириклик пайтида эришган нарсасидир.

Характер кишининг ташқи кўринишига таъсир қиласкан, унинг ҳатти-харакатларида, хулқ-авторида, фаолиятида ёрқин ифодасини топади. Характер тўғрисида аввало одамларнинг ҳатти-харакатлари асосида хукм чиқариш керак. Уларнинг моҳияти ана шу ҳатти-харакатларда анча тўлароқ акс этади.

Барibir кишининг характеристи тўғрисида унинг ушбу ихтиёrsиз ҳатти-харакатлари, шунингдек унинг ташқи қиёфаси хусусиятлари эмас, балки унинг онгли ва атайлаб қилинган ҳатти-харакатлари ва ишлари ҳал қилувчи, объектив ва шак-шубхасиз маълумотлар беради. Айнан ҳатти-харакатларга қараб биз кишининг ўзи нимани англатиши ҳақида хукм чиқарамиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Характер ҳақида тушунча.
2. Характер типологияси.
3. Характер акцентуациясини тушунтириб беринг.
4. Характер таркиби.
5. Характернинг шаклланиши.
6. Характер тузилиши ва хусусиятлари.
7. Характер борасидаги таълимотлар тарихини тушунтиринг.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Boeree C. G. G. Hans Eysenck /Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.5.
2. Boeree C. G. Personality Theories. Psychology Department Shippensburg University. 1997. – P.3.
3. David G. Myers “Psychology”. NY, 2010. WORTH PUBLISHERS 118p.
4. Duane P.Schultz, Sydney Ellen Schultz. Theories of personality. COPYRIGHT © 2005 Wadsworth.-550 P.
5. Groegerd J.A., Memory and Remembering (1997).
6. Michael W. Eysenck, Mark T. Keane Cognitive psychology. Psychology press USA, 2005 130.
7. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
8. Philip J. Corr, Gerald Matthews. Personality Psychology. Cambridge University Press 2009.-906 P.
9. Psychology as the Behaviorist Views it John B. Watson (1913) First published in Psychological Review, 20, 158-177.
10. Баротов Ш.Р. ва бошқ. Экспериментал психология: Магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: “Фан” нашриёти, 2008. – 108 б.
11. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018. – 344 б.
12. Баротов Ш.Р. Психологическая служба образования: от теории к практике. (Учебно-методичекое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017-172 с.
13. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создание психологической службы в Узбекистане. Автореферат дисс.докт.психол.наук. – Т., 1998. – 37 с.
14. Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахси ва синф жамоасини психологик таҳлил килиш усуслари. – Бухоро, 1993. – 29 б.
15. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология Т; “Университет” нашриёти, 2012 й. 490 б.
16. Климов Е.А «Психология» Спб.: Реч 2000.

17. Климов Е.А. «Общая психология». Реч, Москва-2001.
18. Клонингер С. Теория личности: познание человека. -СПб.: Питер. 2003. - 720 с.
19. Максименко С.Д.Общая психология.-М.: «Рефл-бук», К.: «Ваклер»-2004.- 528 стр.
20. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.
21. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М: Владос, 1998.
22. Общая психология: в 7 т.: учебник для студ. высш. учеб. Под ред. Б.Братуся. – М.: Издательский центр «Академия», 2007.
23. Олимов Л. ва бошқ. Шахс психологияси. Б; Дурдона, 2019.
24. Олимов Л.Я. ва бошқ. Девиант хулқ-атвор психологияси. – Б. “Бухоро вилоят босмахонаси МЧЖ нашриёти”, 2019. 494 б.
25. Павлов И.П. Двадцатилетний опыт объективного изучения высшей первой деятельности (поведения) животных. Пол. Собр. Соч., М,-Л, ФА нашриёти 1951, III том, 1-китоб, 248 с.
26. Петровский А.В. ва бошқ. Умумий психология. Т; “Ўқитувчи” нашрёти 1992 й. 456 б.
27. Расулов А.И. Умумий психология (Ўқув-услубий мажмуа). Т; 2018 й.
28. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
29. Сеченов И.М. Осязание как чувство. соответствующее зрению. – избранные философские и психологические произведения. М., Госполитиздат, 1947, 555 с.
30. Станиславский С.К, Работа над собой в творческом процессе передования. – Собр. Соч. в 8-ми т. М., Искусство, 1954, 2-том, 217 с.
31. **Хайдаров Ф.И., Халирова Н.И.. Умумий психология. Т; Фан ва технологиялар, 2010. - 450 б.**
32. Шакирова Г.М. “Общая психология” Т.: ТГПУ 2000.
33. Штерн А.С. «Введение в психологию» М.: Академия Спб 2002.

## **МУНДАРИЖА:**

<b>Сўз боши</b>	3
<b>I БЎЛИМ (МОДУЛ). МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ</b>	4
<b>I-боб. Касблар ва профессионализм. Мутахассисликка кириш фанининг ўзига хос хусусиятлари</b>	4
1.1. Касб ва профессионализм ҳақида	4
1.2. Касбий компетентлик ва мутахассисликка кириш	10
1.3. Психолог касбининг шаклланиш тарихи ва бугунги имкониятлари	13
<b>II-боб. Малакали психолог тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари</b>	16
2.1. Амалий психология ҳақида умумий тушунча	16
2.2. Амалий психологиянинг асосий бўлимлари ва тузилиши	19
2.3. Психопрофилактик ишларнинг муҳим вазифалари, психодиагностика амалий психолог фаолиятининг йўналиши сифатида	22
<b>III-боб. Амалиётчи психологнинг фаолият соҳалари</b>	29
3.1. Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг асосий вазифалари	29
3.2. Оиласга психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	32
<b>IV-боб. Амалиётчи психолог фаолиятининг умумий масалалари</b>	35
4.1. Амалиётчи психолог фаолияти самарадорлигини баҳолаш муаммоси	35
4.2. Амалиётчи психолог шахсига қўйиладиган талаблар	37
<b>V-боб. Психологнинг касбий ўзини ўзи англашнинг ахлоқий жиҳатлари</b>	43
5.1. Психологнинг ахлоқий сифатлари	43
5.2. Психолог фаолиятининг муҳим этнопсихологик имкониятлари	44
<b>VI БЎЛИМ (МОДУЛ). ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ</b>	46
<b>VI-боб. Психология тарихи фанига кириш</b>	46

6.1. Психология тарихи фанининг предмети ва методлари	46
6.2. Психологиянинг ривожланиш босқичлари ва тамойиллари	49
<b>VII-боб. Психологиянинг дастлабки ва ўрта асрларда ривожланиши</b>	58
7.1. Антик даврнинг психологик назариялари	58
7.2. Ўрта асрларда психологиянинг умумий тавсифи. V-XI асрларда Европада психологик билимларнинг ривожланиши	70
7.3. Психологияда рационализм ва сенсуализм	74
<b>VIII-боб. XVIII-XIX асрларда психологиянинг ривожланиши</b>	76
8.1. XVIII аср психологиясига умумий тавсиф. Француз ва немис психологиясининг ривожланиши	76
8.2. Ассоциатив психологиянинг юзага келиши ва ривожланиши. XIX асрнинг иккинчи ярмида ассоциатив психологиянинг ривожланиши	81
8.3. Экспериментал психологиянинг ривожланиши	87
<b>IX-боб. XIX-XX асрларда хорижда психологиянинг ривожланиши</b>	91
9.1. Янги психологик мактабларнинг шаклланиши ва ривожланиши.	91
Структурализм	
9.2. Вюсбург мактаби	101
9.3. Сезги органлари психофизиологияси	103
<b>X-боб. XX асрда психологиянинг ривожланиши</b>	106
10.1. Психологияда методологик инқироз. Бихевиоризмга умумий тавсифнома. Необихевиоризмни юзага келиш ва ривожланиши	106
10.2. Гештальтпсихологияга умумий тавсиф	112
10.3. Психоанализ ва унинг ривожланиши	113
10.4. К.Юнгнинг аналитик психологияси	117
10.5. А.Адлернинг индивидуал психологияси	119
<b>XI-боб. XX асрнинг иккинчи ярмида янги йўналишларнинг юзага келиши</b>	122
11.1. Гуманистик психологияга умумий тавсиф. Гуманистик	122

психологиянинг биринчи назарияси	
11.2. Роджерс ва Франклнинг психотерапевтик ва назарий концепцияси	125
11.3. Генетик психология. Россияда психологиянинг ривожланиши	132
<b>III БЎЛИМ (МОДУЛ). УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ</b>	137
<b>XII-боб. Умумий психология фанининг предмети, вазифалари, методлари</b>	137
12.1. Шахсни ўрганишнинг методологик асослари. Инсон ва инсоният ҳақидаги фан	137
12.2. Психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	143
12.3. Психология фанининг тамойиллари	146
12.4. Психологиянинг асосий методлари	147
<b>XIII-боб. Психология замонавий фанлар тизимида</b>	158
13.1. Психологиянинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни	158
13.2. Психологиянинг замонавий тармоқлари ва истиқболлари	163
<b>XIV-боб. Психика ва унинг эволюцияси</b>	167
14.1. Психика ҳақида тушунча	167
14.2. Ҳайвон психикасининг ривожланиши	167
14.3. Асаб тизимининг тузилиши ва психика	174
14.4. Миянинг ишидаги психик ва нерв-физиологик хусусиятлари	181
14.5. Онг ҳақида тушунча	184
14.6. Онгсизлик муаммоси	194
<b>XV-боб. Фаолият</b>	200
15.1. Фаолиятнинг психологик тавсифи	200
15.2. Фаолиятнинг психологик назариялари	204
15.3. Фаолият ва унинг мақсадлари ҳақида тушунча	206
15.4. Фаолиятнинг тузилиши	208
15.5. Ҳаракатни бошқариш ва назорат қилиш	210
15.6. Фаолиятни интериоризациялаш ва экстериоризациялаш	213

15.7. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши. Малакалар	215
15.8. Фаолиятпинг асосий турлари ва одамда уларнинг ривожлантирилиши	220
<b>XVI боб. Шахс</b>	232
16.1. Шахс ҳақида тушунча	232
16.2. «Эндопсихика» ва «Экзопсихика» ҳақида тушунча	235
16.3. Шахс тузилишининг уч таркибий қисми	237
16.4. Шахс борасида биогенетик ва социогенетик назария	240
16.5. Шахс назариялари. Г.Айзенкнинг шахс типлари назарияси	243
<b>IV БЎЛИМ (МОДУЛ). КОГНИТИВ ПСИХОЛОГИЯ</b>	252
<b>XVII-боб. Диққат</b>	252
17.1. Диққат ҳақида тушунча	252
17.2. Диққат турлари	253
17.3. Диққатнинг физиологик механизмлари	257
17.4. Диққатнинг хусусиятлари	258
17.5. Ўқув жараёнида диққатнинг ривожланиши	265
<b>XIII-боб. Сезги</b>	268
18.1. Сезги ҳақида тушунча	268
18.2. Сезги турлари	270
18.3. Сезги турларининг психологик тавсифи	273
18.4. Сезгининг хусусиятлари ва тавсифи	279
18.5. Психология фанида сезги назариялари	292
18.6. Сезгиларнинг рецептор ва рефлектор назариялари	293
18.7. Сезгининг нейрофизиологик асослари	295
<b>XIX-боб. Идрок</b>	301
19.1. Идрокнинг умумий тавсифи	301
19.2. Идрокнинг англашган бўлиши	306
19.3. Идрокнинг нерв- физиологик асослари	308
19.4. Идрокнинг хусусиятлари ва турлари	309

19.5. Фазо, вақт ва ҳаракатнинг идрок қилиниши	313
<b>XX-боб. Хотира</b>	325
20.1. Хотира ҳақида умумий тушунча	325
20.2. Хотира турлари	331
20.3. Хотира жараёнлари ва механизmlари	338
20.4. Эсда олиб қолиш	340
20.5. Қайта эсга тушириш	346
20.6. Унутиш ва эсда сақлаш	349
20.7. Хотирадаги индивидуал фарқлар ва хотиранинг ривожланиши	353
<b>XXI-боб. Хаёл</b>	356
21.1. Хаёл ҳақида тушунча ва унинг инсон психик фаолиятидаги роли	356
21.2. Хаёл турлари	357
21.3. Хаёлий образларни қайта ишлаш механизmlари	359
21.4. Хаёл жараёнининг физиологик асослари	362
21.5. Хаёл ва ижод	364
<b>XXII-боб. Тафаккур</b>	366
22.1. Тафаккурнинг умумий характеристикаси	366
22.2. Тафаккур ва нутқ	368
22.3. Тафаккур шакллари	369
22.4. Тафаккур жараён сифатида	373
22.5. Ақлий операцияларнинг асосий турлари	374
22.6. Тафаккур мотивацияси	376
22.7. Мураккаб мантиқий масалаларни ечиш ва ижодий тафаккур	377
22.8. Тафаккур турлари	384
22.9. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари	386
<b>XXIII-боб. Нутқ</b>	388
23.1. Нутқ тўғрисида умумий тушунча	388
23.2. Нутқ механизmlари (Н.И.Жинкин)	391
23.3. Нутқ турлари	392

<b>V БЎЛИМ (МОДУЛ). ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ СОҲА</b>	<b>398</b>
<b>ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
<b>XIV-боб. Ҳиссиёт</b>	<b>398</b>
24.1. Ҳиссиётнинг умумий тавсифи ва унинг турлари. Ҳис-туйғу хақида тушунча	398
24.2. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асослари	399
24.3. Ҳис-туйғуларни бошдан кечириш шакллари	401
24.4. Ҳис-туйғулар ва шахс	409
24.5. Ҳис туйғулар ва уларнинг шаклантириш йўллари	411
<b>XXV-боб. Ирода</b>	<b>415</b>
25.1. Иродавий ҳаракатлар ҳақида тушунча	415
25.2. Ирода борасидаги назариялар	418
25.3. Ироданинг нерв-физиологик асослари	421
25.3. Ирода ва таваккал	424
25.4. Иродавий акт структураси	425
25.5. Ироданинг индивидуал хусусиятлари	428
<b>XVI-боб. Шахс йўналганлиги ва фаолият мотиви</b>	<b>431</b>
26.1. Мотив ва мотивация тушунчасининг мазмуни	431
26.2. Хориж психологиясида ўқиш мотивларининг назарий таҳлили	436
26.3. Мотив ва мотивация методологияси	437
26.4. Мотивлар ва уларнинг групхларга ажратилиши	439
<b>VI БЎЛИМ (МОДУЛ). ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР</b>	<b>441</b>
<b>ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
<b>XVII-боб. Қобилият</b>	<b>441</b>
27.1. Қобилиятлар ҳақида тушунча	441
27.2. Қобилияларнинг сифат ва микдор характеристикаси	443
27.3. Қобилиялар структураси	445
27.4. Истеъоддинг ижтимоий-тарихий табиати	448
27.5. Қобилиялар ва истеъоддинг табиий шарт-шароитлари	451

27.6. Инсон қобилиятынининг биологик асослари	452
<b>XXVIII-боб. Темперамент</b>	457
28.1. Темперамент ҳақида тушунча	457
28.1. Темперамент ҳақидаги таълимотларнинг қисқача мазмуни	458
28.3. Темперамент ва шахс фаоллиги	465
<b>XIX-боб. Характер</b>	474
29.1. Характер ҳақида тушунча	474
29.2. Характерни ўрганишга назарий ва эмпирик ёндашув	482
29.3. Характернинг шаклланиши ва унинг ўзига хсо хусусиятлари	483
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	486

## СОДЕРЖАНИЯ

<b>ВВЕДЕНИЕ</b>	3
<b>I РАЗДЕЛ (МОДУЛЬ). ВВЕДЕНИЕ В СПЕЦИАЛИЗАЦИИ</b>	4
<b>Глава 1 Занятия и профессионализм. Особенности введения в специализацию</b>	4
1.1. Профессия и профессионализм	4
1.2. Обзор профессии, доступ к специальности	10
1.3. История профессии психолога и ее современный потенциал	13
<b>Глава 2 Теоретические и практические основы подготовки опытного психолога</b>	16
2.1. Общая перспектива в прикладной психологии	16
2.2. Основные части и структура практической психологии	19
2.3. Основными задачами психопрофилактической работы являются как психологические аспекты психодиагностики	22
<b>Глава 3 Сфера деятельности практикующего психолога</b>	29
3.1. Основные проблемы и проблемы психологической службы в контексте народного образования	29
3.2. Особенности психологического ухода за семьей	32
<b>Глава 4 Общие вопросы работы практикующего психолога</b>	35
4.1. Проблема оценки эффективности работы практикующего психолога	35
4.2. Важные требования к практикующему психологу	37
<b>Глава 5 Этические аспекты профессиональной самооценки психолога</b>	43
5.1. Этические психологические принципы и этнопсихологические принципы	43
5.2. Важный «этнический парадокс» в психологии, этническая проблема исследования в психологии, «волнующие» и насущные этнические проблемы практикующего психолога	44
<b>РАЗДЕЛ II (МОДУЛЬ). ИСТОРИЯ ПСИХОЛОГИИ</b>	46
<b>Глава 6 Введение в историю психологии</b>	46
6.1. Предмет и методы истории психологии	46
6.2. Этапы развития психологии	49
<b>Глава 7 Раннее и средневековое развитие психологии</b>	58
7.1. Психологические теории античности	58
7.2. Общее описание психологии в средневековье. Развитие европейской психологии в V-XI веках	70
7.3. Рационализм и чувственность в психологии	74
<b>Глава 8 Развитие психологии в XVIII-XIX веках</b>	76
8.1. Общее описание психологии восемнадцатого века. Французская и немецкая психология развития	76
8.2. Возникновение и развитие ассоциативной психологии. Развитие ассоциативной психологии во второй половине XIX века	81
8.3. Развитие экспериментальной психологии	87

<b>Глава 9 Развитие психологии за рубежом в XIX-XX веках</b>	91
9.1. Становление и развитие новых психологических школ.	91
структурализм	
9.2. Вьюссбургская школа	101
9.3. Психофизиология органов чувств	103
<b>Глава 10 Развитие психологии в 20 веке</b>	106
10.1. Методологический кризис в психологии. Общее описание биоразнообразия. Возникновение и развитие необихеворизма	106
10.2. Общее описание гештальтпсихологии	112
10.3. Психодиагностика и его развитие	113
10.4. Аналитическая психология К.Юнга	117
10.5. Индивидуальная психология А.Адлера	119
<b>Глава 11 Появление новых тенденций во второй половине 20-го века</b>	122
11.1. Общее описание гуманистической психологии. Первая теория гуманистической психологии	122
11.2. Психотерапевтические и теоретические концепции Роджера и Франкла	125
11.3. Генетическая психология. Развитие психологии в России	132
<b>РАЗДЕЛ III (МОДУЛЬ). ВВЕДЕНИЕ В ОБЩУЮ ПСИХОЛОГИЮ</b>	137
<b>Глава 12 Предмет, задачи, методы общей психологии</b>	137
12.1. Методологические основы личного изучения. Наука о человеке и человечестве	137
12.2. Объект, цели и задачи психологии	143
12.3. Основы психологии	146
12.4. Основные методы психологии	147
<b>Глава 13 Психология в системе современных наук</b>	158
13.1. Древние и средневековые взгляды на дух и сознание	158
13.2. Отношения между психологией и другими дисциплинами	163
<b>Глава 14 Психология и ее эволюция</b>	167
14.1. Психическая Концепция	167
14.2. Развитие психологии животных	167
14.3. Структура и психология нервной системы	174
14.4. Психологические и нервно-физиологические особенности мозга	181
14.5. Понятие права	184
14.6. Проблема неопределенности	194
<b>ГЛАВА 15 Деятельность</b>	200
15.1. Психологическая характеристика деятельности	200
15.2. Психологические теории деятельности	204
15.3. Концепция бизнеса и его цели	206
15.4. Структура деятельности	208
15.5. Управление и контроль действий	210
15.6. Интернализация и экстернализация деятельности	213
15.7. Деятельность в области развития. квалифицированный	215

15.8. Основные виды деятельности и их развитие у человека	220
<b>Глава 16 Человек</b>	232
16.1. Концепция личности	232
16.2. Понятия «Эндопсихика» и «Экзофтика»	235
16.3. Три составляющих композиции человека	237
16.4. Биогенетическая и социогенетическая теория личности	240
16.5. Теории человека. Теория типов личности Г. Айзенка	243
<b>РАЗДЕЛ IV (МОДУЛЬ). КОГНИТИВ ПСИХОЛОГИЯ</b>	252
<b>Глава 17 Внимание</b>	252
17.1. Концепция внимания	252
17.2. Типы внимания	253
17.3. Физиологические механизмы внимания	257
17.4. Характеристики внимания	258
17.5. Развитие карьеры в учебном процессе	265
<b>Глава 18 Чувство</b>	268
18.1. Концепция интуиции	268
18.2. Виды интуиции	270
18.3. Психологические особенности сенсорных видов	273
18.4. Характеристики и особенности интуиции	279
18.5. Теории интуиции в психологии	292
18.6. Рецепторные и рефлекторные теории восприятий	293
18.7. Нейрофизиологические основы ощущений	295
<b>Глава 19. Восприятие</b>	301
19.1. Общая характеристика восприятия	301
19.2. Понимание восприятия	306
19.3. Нейрофизиология восприятия	308
19.4. Характеристики и типы восприятия	309
19.5. Подход пространства, времени и движения	313
<b>Глава 20 Память</b>	325
20.1. Общая осведомленность о памяти	325
20.2. Типы памяти	331
20.3. Процессы и механизмы памяти	338
20.4. Имейте в виду	340
20.5. Напомним еще раз	346
20.6. Забудь и запомни	349
20.7. Память личностное развитие и развитие памяти	353
<b>Глава 21 Фантазия</b>	356
21.1. Понятие фантазии и ее роль в психической деятельности человека	356
21.2. Типы воображения	357
21.3. Механизмы обработки воображаемых изображений	359
21.4. Физиологические основы сознания	362
21.5. Фантазия и творчество	364
21.6. Художественная и научная фантазия	366
<b>Глава 22. Мышление</b>	366

22.1. Общая характеристика мыслей	368
22.2. Мышление и речь	369
22.3. Мышление формы	373
22.5. Основные типы психических процессов	374
22.4. Как процесс мышления	376
22.6. Тактическая мотивация	377
22.7. Решение сложных логических задач и креативное мышление	384
22.8. Типы мышления	386
22.9. Индивидуальные особенности мышления	388
<b>Глава 23 Речь</b>	388
23.1. Общее понимание речи	391
23.2. Речевые механизмы (Н.И.Джинкин)	392
23.3. Теория создания речи	252
23.4. Типы речи	252
<b>РАЗДЕЛ V (МОДУЛЬ). ИСТОРИЯ-ИРОВАЯ СОХА ПСИХОЛОГИЯ</b>	398
<b>Глава 24 Эмоция</b>	398
24.1. Общие характеристики и виды эмоций. Концепция эмоций	398
24.2. Физиологическая основа эмоций	399
24.3. Формы эмоций	401
24.4. Эмоции и личность	409
24.5. Его эмоции и способы их создания	411
<b>Глава 25 Воля</b>	415
25.1. Концепция ароматических действий	415
25.2. Теории о воля	418
25.3. Нейрофизиологические принципы воля	421
25.4. Неплатежеспособность и опасность	424
25.5. Структура нерегулярного акта	425
25.6. Индивидуальные особенности IRA	428
<b>Глава 26 Ориентация и мотивация человека</b>	431
26.1. Сущность понятия мотивация и мотивация	431
26.2. Теоретический анализ мотивационных мотивов в зарубежной психологии	436
26.3. Мотивация и методология мотивации	437
26.4. Мотивация в психологии и их классификация	439
<b>РАЗДЕЛ VI (МОДУЛЬ). ПСИХОЛОГИЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ РАЗЛИЧИЙ</b>	441
<b>Глава 27 Способность</b>	441
27.1. Концепция недостатков	441
27.2. Качественные и количественные характеристики навыков	443
27.3. Структура расстройства	445
27.4. Социально-историческая природа таланта	448
27.5. Природные способности таланта и таланта	451
27.6. Биологические основы человеческих способностей	452

<b>Глава 28 Темперамент</b>	457
28.1. Концепция темперамента	457
28.2. Краткое изложение доктрины темперамента	458
28.3. Психологические особенности и активность человека к темпераменту	465
<b>Глава 29 Характер</b>	474
29.1. Концепция характера	474
29.2. Теоретический и эмпирический подход к обучению персонажей	482
29.3. Формирование персонажа	483
<b>Список использованных публикаций</b>	486

## CONTENT

<b>INTRODUCTION</b>	3
<b>IBO (MODULE). INTRODUCTION TO SPECIALIZATION</b>	4
<b>Chapter 1 Classes and professionalism. Features of the introduction to specialization</b>	4
1.1. Professionalism and professionalism	4
1.2. Profession overview, access to specialty	10
1.3. History of the profession of psychologist and its modern potential	13
History of the profession of psychologist and its modern potential	13
<b>Chapter 2 Theoretical and practical basics of training an experienced psychologist</b>	16
2.1. General perspective in applied psychology	16
2.2. The main parts and structure of practical psychology	19
2.3. The main tasks of psycho-prophylactic work are both psychological aspects of psychodiagnostics.	22
<b>Chapter 3 The fields of activity of a practicing psychologist</b>	29
3.1. The main problems and problems of the psychological service in the context of public education	29
3.2. Peculiarities of psychological care for the family	32
<b>Chapter 4 General questions of the work of a practicing psychologist</b>	35
4.1. The problem of evaluating the effectiveness of the work of a practicing psychologist	35
4.2. Important requirements for the practicing psychologist	37
<b>Chapter 5 Ethical aspects of professional self-esteem of the psychologist</b>	43
5.1. Этические психологические принципы и этнопсихологические принципы	43
5.2. An important "ethnic paradox" in psychology, an ethnic problem of research in psychology, the "exciting" and pressing ethnic problems of a practicing psychologist	44
<b>SECTION II (MODULE). PSYCHOLOGICAL HISTORY</b>	46
<b>Chapter 6 Introduction to the history of psychology</b>	46
6.1. The subject and methods of the history of psychology	46
6.2. Stages of development of psychology	49
<b>Chapter 7: Early and Medieval Development of Psychology</b>	58
7.1. Psychological Theories of Antiquity	58
7.2. General description of psychology in the Middle Ages. The development of European psychology in the V-XI centuries	70
<b>Chapter 8 The development of psychology in the XVIII-XIX centuries</b>	76
8.1. General description of the psychology of the eighteenth century. French and German developmental psychology	76
8.2. The emergence and development of associative psychology. The development of associative psychology in the second half of the XIX century	81
8.3. The development of experimental psychology	87
<b>Chapter 9 The development of psychology abroad in the XIX-XX</b>	91

## **centuries**

9.1. Formation and development of new psychological schools. structuralism	91
9.2. Viewburg school	101
9.3. Psychophysiology of the sense organs	103

## **Chapter 10: Developing Psychology in the 20th Century**

10.1. Methodological crisis in psychology. General description of biodiversity. The emergence and development of neyfixevorism	106
10.2. General description of Gestalt psychology	112
10.3. Psychoanalysis and its development	113
10.4. Analytical psychology of C. Jung	117
10.5. A.Adler's individual psychology	119

## **Chapter 11 The emergence of new trends in the second half of the 20th century**

11.1. General description of humanistic psychology. The first theory of humanistic psychology	122
---	-----

11.2 Psychotherapeutic and theoretical concepts of Roger and Frankl	125
---	-----

11.3. Genetic psychology. The development of psychology in Russia	132
---	-----

## **SECTION III (MODULE). INTRODUCTION TO COMMON PSYCHOLOGY**

### **Chapter 12 Subject, tasks, methods of general psychology**

12.1. Methodological foundations of personal study. Science of Man and Humanity	137
---	-----

12.2. The object, goals and objectives of psychology	143
--	-----

12.3. Fundamentals of Psychology	146
----------------------------------	-----

12.4. Basic methods of psychology	147
-----------------------------------	-----

### **Chapter 13 Psychology in the system of modern sciences**

13.1. Ancient and medieval views on spirit and consciousness	158
--	-----

13.2. Relationship between psychology and other disciplines	163
---	-----

### **Chapter 14 Psychology and Its Evolution**

14.1. Mental Concept	167
----------------------	-----

14.2. The development of animal psychology	167
--	-----

14.3. Structure and psychology of the nervous system	174
--	-----

14.4. Psychological and neuro-physiological features of the brain	181
---	-----

14.5. Concept of law	184
----------------------	-----

14.6. Uncertainty problem	194
---------------------------	-----

### **Chapter 15 FOUR ACTIVITIES**

15.1. Psychological characteristics of activityv	200
--	-----

15.2. Psychological theories of activity	204
--	-----

15.3. The concept of business and its goals	206
---	-----

15.4. Activity structure	208
--------------------------	-----

15.5. Management and control of actions	210
---	-----

15.6. Internalization and externalization	213
---	-----

15.7. Development activities. skilled	215
---------------------------------------	-----

15.8. Main activities and their development in humans	
---	--

	220
<b>Chapter 16 People</b>	232
16.1. Personality concept	232
16.2. The concepts of "Endopsychic" and "Ekzoftika"	235
16.3. Three components of human composition	237
16.4. Biogenetic and sociogenic theory of personality	240
16.5. Theories of man. The theory of personality types G. Eysenck	243
<b>SECTION IV (MODULE). COGNITIVE PSYCHOLOGY</b>	252
<b>Chapter 17 Attention</b>	252
17.1. Attention concept	252
17.2. Types of attention	253
17.3. Physiological mechanisms of attention	257
17.4. Characteristics of attention	258
17.5. Career development in the educational process	265
<b>Chapter 18 Feeling</b>	268
18.1. Intuition concept	268
18.2. Types of intuition	270
18.3. Psychological features of sensory types	273
18.4. Characteristics and features of intuition	279
18.5. Theories of intuition in psychology	292
18.6. Receptor and reflex perception theories	293
18.7. Neurophysiological basis of sensations	295
<b>Chapter 19. Perception</b>	301
19.1. General perception characteristics	301
19.2. Understanding perception	306
19.3. Neurophysiology of perception	308
19.4. Characteristics and types of perception	309
19.5. The approach of space, time and movement	313
<b>Chapter 20 memory</b>	325
20.1. General memory awareness	325
20.2. Memory types	331
20.3. Memory processes and mechanisms	338
20.4. Keep in mind	340
20.5. Recall again	346
20.6. Forget and remember	349
20.7. Memory personal development and memory development	353
<b>Chapter 21 dream</b>	356
21.1. The concept of fantasy and its role in human mental activity	356
21.2. Types of imagination	357
21.3. Imaging image processing mechanisms	359
21.4. Physiological basis of consciousness	362
21.5. Fantasy and creativity	364
<b>Chapter 22. Tafakkur</b>	366
22.1. General characteristics of thoughts	366

22.2. Thinking and speaking	368
22.3. Thinking form	369
22.4. As a thinking process	373
<b>22.5. The main types of mental processes</b>	374
<b>22.6. Tactical motivation</b>	376
22.7. Solving complex logical problems and creative thinking	377
22.8. Types of thinking	384
22.9. Individual features of thinking	386
<b>Chapter 23 Speech</b>	388
23.1. General understanding of speech	388
23.2. Speech Mechanisms (N.I. Dzhinkin)	391
23.3. Speech Theory	392
23.4. Types of speech	366
<b>SECTION V (MODULE). HISTORY-EUROPEAN SOHA PSYCHOLOGY</b>	398
<b>Chapter 24 Emotion</b>	398
24.1. General characteristics and types of emotions. Emotion concept	398
24.2. Physiological basis of emotions	399
24.3. Forms of emotion	401
24.4. Emotions and personality	409
24.5. His emotions and ways to create them	411
<b>Chapter 25 Iroda</b>	415
25.1. Concept of aromatic action	415
25.2. Theories about Herod	418
25.3. Neurophysiological principles of Herod	421
25.4. Insolvency and danger	424
25.5. The structure of the irregular act	425
25.6. IRA Individual Features	428
<b>Chapter 26 Orientation and Motivation of a Person</b>	431
26.1. The essence of the concept of motivation and motivation	431
26.2. Theoretical analysis of motivational motives in foreign psychology	436
26.3. Motivation and Methodology of Motivation	437
26.4. Motivation in psychology and their classification	439
<b>SECTION VI (MODULE). PSYCHOLOGY OF INDIVIDUAL PARKS</b>	441
<b>Chapter 27 Ability</b>	441
27.1. Concept of deficiencies	441
27.2. Qualitative and quantitative characteristics of skills	443
27.3. Structure disorder	445
27.4. Socio-historical nature of talent	448
27.5. Natural talent and talent abilities	451
27.6. Biological basis of human abilities	452
<b>Chapter 28 Temperament</b>	457
28.1. Temperament concept	457
28.2. Summary of Temperament Doctrine	458
28.3. Psychological features and activity of a person to temperament	465

<b>Chapter 29 Character</b>	474
29.1. Character concept	474
29.2. Theoretical and empirical approach to character training	482
29.3. Character formation	483
<b>List of used publications</b>	486

Ш.Р.Баротов, Л.Я.Олимов, О.Р.Аvezov

## **ПСИХОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ**

дарслик